

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

---

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТЕУОТ  
КЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

---

МУНДАРИЖА

НАСР

- КОСТАС ВАРНАЛИС. Пенелопанинг кундалиги. *Қисса*.....3  
ВИКТОР ГЮГО. Шоҳона ишрат. *Драма*.....58  
КАРЛОС ФУЭНТЕС. Артемио Крусинг ўлими. *Роман. Охири*.....100

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Бир кун Ватан дея юксалгай руҳим.....143

БУЮК СИЙМОЛАР

- УБАЙДУЛЛА УВАТОВ. Аллома ат-Термизий.....150

ХУСУСИЙ ХОТИРАЛАР

- ВАЛЕНТИНА ПОНОМАРЁВА. Кўзимиздан пана космос .....155

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

- ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШЕВ. Жаҳон билан бўйлашиб.....182

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

- ЖЕЙМС ОЛДРИЖ. Фаройиб мўғул. *Қисса*.....186

*Март 2002*

Бош муҳаррир:  
**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Юсуф Абдуллаев**  
**Аслиддин Болиев**  
**Жамолиддин Бўронов**  
**Одил Ёқубов**  
**Хайрулла Жўраев**  
**Рисбой Жўраев**  
**Неъматулла Иброҳимов**  
**Абдулла Орипов**  
**Пўлат Ҳабибуллаев**  
**Рустам Шоғулумов**  
**Тўлепберген Қайилбергенов**  
**Саидахрор Фуломов**

Таҳрир ҳайъати:  
**Мирпўлат Мирзо**  
(Бош муҳаррир муовини)  
**Файзи Шоҳисмоил**  
(масъул котиб)  
**Амир Файзулла**  
**Раҳматилла Иноғомов**

**Жаҳон адабиёти, 03. 2002**

**ИНДЕКС 828, 829**

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир **А.ФАЙЗУЛЛАЕВ**  
Рассом **Ю.ГАБЗАЛИЛОВ**  
Техник муҳаррир **М.НИЗОМОВА**  
Мусахҳиҳлар **Д.АЛИЕВА, Д.ҚОДИРОВА**  
Компьютерда саҳифаловчи **Т.ЭЛМУРАТОВ**

Теришга берилди 22.01.2002 й. Босишга рухсат этилди 13.05.2002й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Оффсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. К-9131 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Республикаси  
Давлат Матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2002 й.**

Костас ВАРНАЛИС

# Пенелопанинг кундалиги

Қисса

## МУАЛЛИФДАН

**А**йрим ёзувчилар — хоҳ улуғ бўлсин, хоҳ ёш бўлсин — улар ўз асарларини ўзларидан аввал ўтган бирмунча атоқли, умуман ақлли биродарларининг асарларидан кўчиришга одатланганлар.

Мана, бугун камина ҳам Пенелопа қиссасини, Итака маликаси ва Эзгулик илоҳасининг ўз қўли билан ёзилгандек шаклда Сизга ҳавола қилмоқчиман.

Эҳтимол шундай бир фикр ҳам туғилар: Қандоқ қилиб, Пенелопа ўз қиссасини ёзаркин, ахир оламда унинг ўзи бўлмаган бўлса? Ҳаммадан ҳам оғир масала — бу ишни у қандоқ қилиб амалга оширди экан, чунки у яшаган даврда ҳали ёзувнинг ўзи ихтиро қилинмаган эди-ку?

Бироқ қадимги дунё муҳиблари ва ашаддий ватанпарварларини бу хил майда-чуйдалар сира ҳам қизиқтирмайди. Улар кийимларини парча-парча қилиб, ёқавайрон ҳолда шундай Идеал, олижаноб аёлни бадном қилиш, қолаверса, “улуғ, миллий хазинамиз”га тош отиш керак эдимиз? деган даъво билан айюҳаннос солишади. Аслини олганда буям бир чақага қиммат, оддий мулоҳаза.

Агар бу хил хайрхоҳ кишилар оддий эртакни ҳақиқат сифатида қабул қилсалар, нега энди мен оддий ҳақиқатни айтганда уни эртак сифатида қабул қилмас эканлар? Ахир ўша тарихнавислар тарихий воқеаларни афсоналаштириб, мифга айлантирганда, нега энди мен, саргузашт-ёзувчи афсонани ҳақиқий тарихга айлантиришим мумкин эмас экан?

Қолаверса, уларнинг жаҳллари чиқиб, дарғазаб бўлишга ҳам тўла ҳақлари бор. Аммо, нега жаҳллари чиққанининг асл сабабини айтиб бера олмайдилар. Улар Пенелопанинг ҳаёти, ўйлари ва қилмишлари — бутунлай уйдирма эканлигини билишади. Бироқ, унинг қилмишлари, ўй-хаёллари ва ҳаёти — худди, у ёки бу маънода ўз халқи бўйнига ўтириб олган, ҳамма асрлардаги барча ҳукмдорларнинг расвогарчиликларига ўхшаб кетмайдими? Беш йил мобайнида ўз манфаатинг учун тўрт марта ўз халқингни босқинчилар ихтиёрига топшириш сен учун жоизми, Жаноб?! Бунақа афсонаю мифологиядан худонинг ўзи асрасин!

Шуни унутмаслик керакки, Ҳомернинг икки улуғ эпоси оралигидаги воқеалар тасвири — Пенелопа кундаликларида — кўпгина узилиш ва чалкашликлар кўзга ташланади. Масалан, Ҳомерда Одиссей йўлга отланганда Телемахни чақалоқлигида қолдириб кетгани ҳақида айтилади. Унинг онаси эса, бу пайтда у беш ёшга яқин эди, деб ёзади. Ҳомерда Одиссей ўн иккита кемани сафарга шайлаб йўлга тушади, дейилган.

Неъмат  
АМИНОВ  
таржимаси

КОСТАС ВАРНАЛИС — (1884-1974) — янги юнон адабиётининг йирик намояндаси. Унинг қатор шеърый тўпламлари, сатирик қиссалари, сиёсий памфлет ва эсселари адабиёт мухлисларига яхши таниш. У сатирада Анатол Франс ва Жонатан Свифт аънаналарини давом эттирган сўз устаси. К.Варналис асарларида тарихий ҳақиқатларга, миллий қадриятларга янгича муҳаббат билан қараш ғоялари сингдирилган. Унинг “Оломон”, “Сукротнинг асл қиёфаси”, “Халқ ғазаб” сингари китоблари эл орасида машҳур. “Пенелопанинг кундалиги” қиссаси 1946 йилда босилиб чиққан бўлиб, қатор хориж тилларига таржима қилинган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Хотини эса, кемаларнинг сони икки ҳисса ортиқлигини таъкидлайди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар Мегес, кичик шоҳ Петалас, унинг (иштончаси ҳўл!) набираси Авгия ўзи билан қирқта кема олганда, барча Иона ороллари ҳамда Румелиянинг катта қисмига ҳукмдорлик қилган улуг ва машҳур ҳукмдор Одиссей наҳотки ўн иккитагина кема билан қаноатланса? Ахир кема қанчалик кўп бўлса, шунча кўп ўлжа келишлигига наҳотки унинг ақли етмаса?

Ҳомерда Одиссей дарбадарликда, бегона юртларда йигирма йил бўлиб қайтгач, Пенелопанинг куёвларини ўлдирди, дейилади. “Кундаликлар” эса ўн икки йилдан кўп бўлмаган даврни қамрайди. Яна унда Одиссейнинг қачонлардир қайтгани ҳақида умуман гап ҳам бўлмайди. Бунинг устига “Кундаликлар”да ўша кезлар Итакада аллақандай сохта Одиссей пайдо бўлганлиги, у куёвларни ўлдирмасдан, келишиб қайта ўз “бева”сига уйланиши ҳақида ёзилади.

Ривоятларга қараганда, бир куни Итакада Одиссей ва сеҳргар аёл Кирканинг никоҳдан ташқари ўғли — Телегон пайдо бўлади. У ўз отасини ўлдириб, Пенелопага уйланади. Одатдан ва “инсонийлик”дан ташқари бу воқеа ҳақида китобда бир сўз ҳам ёзилмаган. Эҳтимол, бунинг имкони, ёки уни ёзишга Пенелопанинг шунчаки вақти бўлмагандир.

Пенелопанинг кундаликлари — бу энг аввало унинг иқрорномаси. Унда ҳаммасини ўз номи билан атайди. Эҳтимол, ўша давр юнон маданиятига у ўз “руҳий ҳисса”сини қўшгиси келмай, бу асарни чоп эттиришни лозим топмагандир. Зеро, уни ҳозир мен ҳам жафокаш ва аламзада халқим ҳукмига ҳавола қилар эканман, бунинг учун Улуғ ва Муқаддас аёлнинг руҳи поки олдида тиз чўкиб кечирим сўрайман:

Осий бандани кечиринг, ОНАХОН!

## ЖўНАБ КЕТИШ

Биринчи апрел. Бамисоли тушдагидай. Ҳатто кишининг ишонгиси ҳам келмайди. Харқалай, у чинданам жўнаб кетди-ку. Ҳозиргина жўнаб кетди. Бошимда ўша шовқин-сурон, барча гала-говурлар тегирмон тоши янглиғ чир айланаб тургандай. Кетди-я! Барча худолар, ҳаммадан аввал Раҳм-шафқат, Эзгулик илоҳаси қўлласин-да, мени.

Мана, бир соатдан бери қўлимда гоз пати билан хаёл суриб ўтирибман. Унинг учуда сиёҳ деганлари ўн мартача қуриб қолди-ёв. Авваллари бу иш билан сира шуғулланмаганман. Ёзайми? Ёки ёзмайми? Нима ҳақда? Қандай қилиб?

Қайғую ҳасратдан адоий тамом бўлгандайман. Ўз-ўзимни овутиш учун шахсий ҳаётим ҳақида бир нималар ёзсаммикан? Шундай, йўлига бир нималарни қоралайман. Қоралаганда ҳам мунтазам ёзиб бораман! Ва албатта, уни ниҳоясига етказаман! Эҳтимол, уни қачонлардир Одиссейга ўқиб беришим мумкиндир? Уф! Бу менга ундан юққан касаллик: ўзимни минг бир бўлаққа бўлсам-да, ундан халос бўла олмасам керак!

Шу кундан эътиборан кўз олдимда бутунлай янги бир олам очилгандай. Бу оламни яратувчиси ва унинг доҳиси ёлғиз ўзим бўламан. Ёзиш-ку ҳаманинг ҳам қўлидан келади, бироқ унга амал қилиш жуда мушкул.

У мени, ёшгина бир жувонни қўлидаги инжиқ чақалоғи билан қолдириб кетди-я. Мен билан ҳатто ўпишиб хайрлашгани ҳам истамади. Кўпчиликнинг олдида паст тушгиси келмади, чоғи. У ҳатто уйда ҳам мен билан ҳеч қачон ўпишмаган! Ҳамиша иш юзасидан эринмай гаплашарди, холос. Узоқлашиб кетаётган кеманинг тумшугида турганча, ўзи бошқа томонга қараган ҳолда, менга жунли қўлчаларини силкитиб турарди, гўё. Ким ким-у, лекин у хотинларни яхши биларди-ку! Баланд бўйли, қоп-қора, гўё Петалейко тоғи устидаги тош эманлардай бўлиб, яланг оёқ, яланғоч қўллари билан бутун самою денгиз кенгликларини тўлдириб тургандай эди. Бамисоли осмон гумбазидаги куёш ва руҳлар ҳам унинг қудратли бўйнида осилиб тургандек эди! Унинг бутун танаси сарғиш толалар, тарашланмаган узун, патила соч ва қуюқ қошлар билан чулгангандай эди. Қўрагидан момоқалдироқдай даҳшатли гулдурос отилиб чиқар, сўнг Корибант ғорларида жаранглаган мис баркашдай ажиб акс садо таратарди.

Бунни одатда “инсоний даҳшат” деб аташади. Айниқса, бутун улуг куёш уни кучоқлаб, ўзи билан олиб кетаётган паллада янада кўрқинчли ва даҳшатлироқ туюларди.

О, Баҳор, нақадар гўзал ва бунчалик ёқимли эдинг ўшанда. Ҳатто, ўша биринчи, “ҳа” дея розилик берганимда ҳам, у енгил ҳуштак чалганча менинг бокира қўлимни ўз қафтларига олганда оғриқдан чинқириб юборганим эсимда! То шу кунга қадар менинг бетларим лов-лов ёнмаган, то шу кунга қадар тиззаларим ўз-ўзидан букилиб қолмаган эди. Чунки, ўшанда ҳам у худди бутунгидек менга яқинлашиб, бирор оғиз гапириш у ёқда турсин ва ҳатто, қайрилиб қарамаган ҳам!

Боғ-роғлар гулга бурканган, атрофда қизил, сариқ, ҳамиша баҳор, чирмовиқ, бинафша, нўхат гулларнинг ифор ҳиди жар ёқасидаги сениқ қарағайнинг одатий хуш бўйига уйқаш таралади. Баҳайбат кемалар ва турли қайиқлар остида тўлқинланаётган



денгиз ҳам алоҳида бир ҳид, сув ва ҳаёт ҳидини таратарди гўё. Денгиз бўйида ўсган кўкатлар, соҳилдаги ширриқ қумлар ва қум устида сочилиб ётган занжир ва арқонлардан ҳам ҳид таралади. Янги кемалардан қора сақич ва юза қисмидан янги бўёқ ҳиди анқийди. Шу билан бирга менинг хотирамда унинг терли оёқчаларидан анқиб, кишини маст қилувчи бир ҳид, унинг муҳаббати ҳиди жонлангандай бўлди.

Олиймақом кашиш оятларни ўқиб бўлгач, барча йигирма тўрт кемага бирин-кетин муқаддас сув пуркаб табаррук қилинган, улар лангарларини туширишди, кейин оқ, қизил ва ҳаворанг елканлар кўтарилганда қуруқлик ва денгиз осмони бўйлаб ҳарбийларнинг қудратли кўшиқ оҳанглари тутиб кетгандек бўлди. Бу кўшиқ итакийча, кефаллинча, закинфча, румелийча, левкадча маҳаллий лаҳжаларда ҳам барабарига жарангларди. Най, карнай ва қалқонлардан шундай бир қуёшқон “оҳанг” таралардики, гўё бу аёлларнинг дод-войларини, онайи зорларнинг нолайи фарёдини, болакайларнинг чинқириб йиғлашларини босиб кетгандек эди.

Барча кемалар бирданига ҳаракатга келиб, қирғоқдан жилганда, гўё улар ўзлари билан бирга бутун бошли Итакани судраб кетгандек бўлишди, шу билан бирга беҳисоб озиқ-овқатни тортиб боришарди. Балиқчиқуш — чайқалар кемалар ўрнида осмонда чарх уриб қанот қоқишар, қувноқ қичқириқлар билан ўқдай учиб келиб балиқларга, кема бортидан маст-аласт денгизчи аскарлар ташлаган нон бўлақларини илиб олишга ҳаракат қилишарди. Мағрур Одиссей бўлса, кеманинг тумшугида тикка турганча йирик, ўлмас ва гўзал Идеяга, ёки орқа оёқларида тик турган эшакка ўхшаб кўринарди. Эантга ўхшаш, худди шу топда қашшағлиги ва ёшлигига қарамадан калтаксиз ҳам эшакка айланиб қолгандек эди. Менинг Одиссейим ҳам бамисоли ўшанга ўхшарди. Ҳатто, ундан ҳам оғир тушарди. Агар шунга ўхшаш ўнтагина эшак подшо бўлганда эди, Троя қалъаси (тизимга кўйдирги чиқсин!), ўн йил орасида эмас, ўн кун ичида йиқилиб битарди. Яна қуроллар зарбидан эмас, туюқлар зарбидан!

### *Келгуси кун эрталаб*

Афсус! Наҳотки, уларни унутган бўлсам! Бутунлай ўзимни йўқотиб қўйган эдим! Бутун эрталаб уларни кўрган заҳотим ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим!.. Кеча, у кетиши биланоқ, таъбим хира бўлиб саройга қайтишим билан хонамнинг дераза ва эшиклари пардаларини туширишни буюрдим; пешайвон деразаларининг тоқчаларидаги тувакларга қўйилган ёронгул ва бошқа гулларни олдириб ташладим; ойнани парда билан ёпиб ташлашни айтдим; Фемиани ҳам ҳайдаш керак. Бундан кейин унинг кўшиқларига тоқатим йўқ; Барча итларни тўплаб, уларни ёввойи ноқлар ўсувчи тошлоқ ер — Эвмеюга жўнатиш керак. Кўзимга ҳамма нарса жуда хунук ва зерикарли кўриниб кетяпти. Ҳеч кимни кўргим ҳам, овозини эшитгим ҳам келмайди. Фақат ўзим билан ўзим бўлгим, нуқул ўзим ҳақимда ҳаёл сургим келади.

Ўзимни қаравотта отиб урарканман, тўлғониб, қафтларимни кўзларимга шу қадар қаттиқ босдимки, улардан учқунлар чакнагандай бўлди. Бирам йиғлагим келиб кетдики, асти сўраманг! Аммо ўша заҳоти ўзимни тутиб олдим: кўзларимнинг қизариши, бетларимнинг бахмалдай териси азият чекишидан кўрқардим. Чунки, ҳатто, ўз қўлинг ҳам уларга гоҳида бегона қўлдай туюларди.

Мана, бутун эрталаб, Фебанинг дастлабки шуъалари пардалар орқали ўтиб, унинг тилларанг ниналари тўппа-тўғри гўштга санчилгандек бўлганда, мен ниҳоят унинг шохларини кўрдим!.. Ҳар бир бутоғи бир аршин келадиган қудратли буғу шохлари. Жангда ва рақс тушганда кийсин, дея эсдалик учун унга тақдим этмоқчи эдим: жангда кийганда — душманлар дир-дир титрар, рақс тушганда кийганда — хотинлар менга ҳавас билан қарашарди! Бошқа бирор кишида униқидай узун ва мустақкам шох бўлмас эди. Энди Менелай ҳам, Агамемнон ҳам ва ўзини ҳурмат қилувчи бошқа шохлар ҳам худди шу хил шохлар тақишади. Бу хил шохдан фақат Одиссейгина мосуво. Бунинг учун у фақат менигина айблади, холос. Бу таънага чидаб бўларканми? Нима бўлса бўлар, бу масалада унга улуг тангрилар: Зевс ўзининг эчки шохи, Дионис бўлса буқа шохи билан ёрдам беришар.

Қайтиб келгач, унга шу шохларни тақдим этишларидан олдин мен уларни тилларангга бўяб қўяман.

Мана, учинчи кундирки, мен қоронғи ва сукунатда устимдан бекитиб олиб, ёлғиз ўтирибман. Бирор нарса еганим ҳам, ичганим ҳам йўқ. Аллақандай ёқимли бир енгиллик ҳис этгандайман.

Фақат қулоғимдаги билинар-билимас шовқинни ҳисобга олмаганда юрагим бир маромда уриб турибди. Вужудимда Табиатнинг овозини қайта эшитгандай бўламан! Садоқатли дугонам, Эвриклеянинг йиғламсираб эшикни тақиллатганини эшитгандайман. Нима бўлса бўлар, эшикни очмадим. Ташқарида кекса Лаэрт ундан менга нима бўлганини сўрайди, жавоб ҳечам эшитилмайди: чунки у гунг эди.

Бир ўзим. Ниҳоят, ўзим, бу — Менман. Ҳозиргача мен малика эдим, яъни фақат Одиссейнинг сояси эдим, холос. Келинчак, ёшгина хотин, ҳамда она (ҳа, дарвоқе, мен уч ойдан кейиноқ она бўлганман), мен унинг ҳарамиди, харсанг остида ўсган, қуёш ва ҳаводан маҳрум, ранги заҳил бир дона ожиз майса эдим. Энди кўзларим қоронғуликка мослашиб, аста-секин ҳамма нарсани асл ҳолида кўра бошладим. Энди менга ёруғлик сираям халақит бермас эди. Мен эркинман!

У мени ойимдан қизалоқлигимдаёқ олган. Бир куни у мени боғда учратиб қолиб, бўғиқ овозда: “Истайсанми?” деб сўради хириллаб.

Бошимни бутоқ орасига яшириб, хўнграб йиғлаб юбордим. Менинг кўзёшларим томган жойда эртаси кун Шарм-Ҳаё ёдгорлиги қад кўтарди.

Мен жуда гўзал, содда, айни пайтда жуда тажрибасиз эдим. Вужудим ҳали у қадар пишиб етилмаган бўлишига қарамай, мулоҳазаларим аллақачон балоғат ёшида эди. У ўзича бу ёруғ оламни, Табиатни турфа ранглар, мисли кўрилмаган гўзалликларда тасаввур этар эди. Қиш ва ёз ойларида мен Эврот дарёсида чўмилардим, дугоналарим қамишлар орасидан ҳайрат билан қичқиришарди: “Сен аёл эмассан! Эркаксан, эркак!”

Менинг баданим шундай бир туғма курсурга эга эдики, қўлларимни баландга кўтарсам, худди ҳозиргидек кўкракларим ўз-ўзидан йўқоларди. Мен шундаям эгиловчан ва эпчил, бамисоли калтакесақдек ниҳоятда абжир ва чаққон эдим. Қумда чўзилиб ётганимда амакиваччам Елена менга ички бир ҳавас ва ҳайрат билан қарарди! Унинг бадани оппоқ, юмшоқ, тўлагина, шарқ маликаларига хос вазмин, бепарво эди. (Орадан қанча йиллар ўтиб майшат, ишқ-муҳаббат ва туғиш туфайли унинг танаси аввалгидан янада оғирлашди.) Менинг баданим эса, ҳамон ўша-ўша: қорача ва қизларникидек таранг. Унинг сочлари оқ сариқ, ипақдай. Меники эса, қалин ва қора, гўё ёбон дарахти бутуқларидек тарам-тарам эди. У ёшига нисбатан бир мунча қари; мен эсам — ёш кўринардим. Ленахон — бош-оёқ жисм бўлса, Пенелопохон — руҳ эди, гўё.

Ўша пайтлар мен у билан унчалик ҳисоблашмасдим. Лекин мен бу фоздек хоним — “Оққуш қизи”нинг бир пайтлар келиб, бутун Элладада шунчалик машҳур бўлишини, унинг шармандали ҳийлаларига учган қанчадан-қанча шоҳлар шу хотин сабаб бир-бирларини ўлдириш учун дунёнинг нариги бурчагига боришга ҳам тайёр эканлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Уни барча замонлар ва асрларнинг энг гўзал аёли деб таърифлайдилар. Бу аёлни — “Эллада шарафи!” деган гоёнинг улуг рамзига айлантирдилар. Нақадар омадли аёл-а! Мабодо мени биров ўғирлаганда борми, эҳтимол, мен учун ҳам икки олам — Мащриқ билан Мағриб орасида бундан ҳам қаттиқ, мисли кўрилмаган жанглар бўларди! Ўшанда мен ҳам шон ва шараф, ҳамда садоқатнинг ундан ҳам буюкроқ рамзига айланган бўлармидим? Фақат менга бунақа шарафнинг кераги йўқ. Мен аёл донишмандлиги ва садоқатини кўкларга кўтариб мақташ туфайли эришмоқчиман.

Гоҳида ўйлаб кетаман: мабодо Парис Спартани эгаллашдан бурун, бирданнига Итакага бурилса-чи? Ўшанда у Еленани эмас, мени ўғирлаган бўларди. Уғли Приам учун учта гўзал худолар орасидан танлашга Олтин олмани унга берармиди? Шунда иккаламиздан биримизни, яъни мени танлаш учун у жуда қийналган бўларди.

Аммо, мен буни шунчаки айтаяпман-да. Менга бунақа шарафнинг кераги йўқ. Ҳар қанчалик аҳмоқгарчиликка борсам-да, лекин бундай қилмайман. Унинг қўлидан келмасаям, шундай қила олади. Ақли йўқнинг — эрки йўқ. Шунинг учун ҳам у шиддатли. Дунёси ағдар-тўнтар бўлиб кетмайдими, тупурдим унга! Мана, охир-оқибат, адоий тамом бўлди-ку.

Менинг эрим ҳам ўша учун мунчалик куйиб ёнмаса!

Бугун ўзимни тутиб тура олмадим. Яна эшигим олдида Эвриклея ва Телемахнинг овози эшитилди. “Нега эшикни очмайсан? Нима учун бирор нарса емайсан? Бунақада ўлиб қолишинг мумкин-ку! Майли, биз ҳақда ўйламай кўяқол, лекин халқни нега ўйламайсан? Наҳотки, уни етим қолдиришни истасанг?” дея койирди энага.

Эшикни очиб юбордим. Қоя орқасидан бутун ёруғлик менга ёпирилгандай бўлди. Кўзларим бирор-бир нарсани илғамай қолди. Эвриклеянинг қувончдан йиғлаб юборганини аниқ эшитгандай эдим.

Кўркувдан Телемахнинг тили калимага айланмасди. Мен бўлсам, кўзларимни уқалаб, нигоҳим олдидаги қора шарпаларни ҳайдашга уринар, яъни сочларимни ён томонга тарашга уринардим. Шу билан бирга чуқур-чуқур, энтикиб нафас олар, мумкин қадар тезроқ ёруғликка мослашишга, унинг турфа-турфа рангларини тезроқ илғашга ҳаракат қилардим.

Мен сут, сариеғ ва қулупнай кўйилган баркашни олдим.

Гўё тул қолган азодор аёл янглиғ. Ватан олдида менинг ўз бурчим ва масъулиятим бор эди! Шундай қаттиққўллик билан уни бошқариш лозимки, у қайтганда ўз мамлакатини янада гуллаган ҳолда кўрсин.

Шу масъулият юки мени уч кун давомида қамалиб ўтиришга мажбур қилди. Шунчалик кўп ўйладимки, шу ўй-хаёллар туфайли каллам турс ёрилай деди. Бунинг

устига аллақандай бир қўрқув, даҳшат сира ором бермайди. Интиҳосиз бир пушаймон, афсус ва надоматни айтиш... Ҳаммадан ҳам қаҳр-ғазаб. Мен бу ҳақда гапирмоқчи ҳам эмасдим. Ор-номус учун. Лекин, чидай олмасам нима қилай? Менга жўнаб кетиш олдидан қайрилиб қарамадиям, ҳатто, бир оғиз гапирмади, хайрлашиш олдидан, кўнглим учун битта ўпмадиям-а! Кема палубасига чиқиб кетаркан, бурилиб, шундай дея пичирлади: “Миртони авайла!” У хотини ҳақида ҳам, ўли ҳақида ҳам, кекса отаси ҳақида ҳам, ҳатто салтанат ҳақида ҳам бошқа бирор сўз демади. Фақат жирканч чўринигина эслади-я...

## МУШУКСИЗ УЙДА — СИЧҚОНЛАР САЙЛИ

Кеча, шанба кунни ярим кечаликда — ҳали ухлашга улгурмасимдан — ҳовлида ғалати бир шовқин-сурон эшитилди. Бир зум кулоқ солиб турдим. Бақир-чақир, ашула, қаҳқаҳа авжида. Тунги сайр давом этарди. Нима бўлди экан? Қаравотдан сапчиб туриб, апил-тапил, шошилиб хитон<sup>1</sup>ни кийдим-у белбоғини бойлаб, қўлимда машғала билан зинадан пастга югурдим.

Бунақасини тасаввуримга ҳам сиғдира олмасдим. Узунчоқ ҳовлининг гиштфарш саҳнида яхшигина безатилган стол қўйилган бўлиб, чилчироқ қандилларда қарағай ўтини алангалатиб, атрофни ёритиб турарди. Дастурхонда бузоқ гўшти, яхлитлигича аввал қайнатиб, кейин зайтун мойига обдон қовурилган чўчқа боласи, отларни сугорадиган мис челақларда Одиссейга асраб қўйганим хушбўй майлар тўлдириб қўйилган эди...

Хизматкор ва оқсоч аёллар, куллар ва чўрилар, ҳарбийлар ва боғбонлар, чўпон ва подачилар, ҳаммалари маст-аласт. Уларнинг олдларида мис жомлар, турли хилдаги сопол идишлар қаторлашиб турар, улар бақириб-чақирришар, қўшиқ айтишар, ора-чорада сўкнишар, ҳамда эркакми, хотин билиб-билмай ўпишардилар. Мен ҳайдаб юборган Фемий эса, ўлик шоҳлар ҳақида эмас, тирикларини мактов ва шон-шарафларга чулғаб, унга мадҳ-санолар ўқир, қўлидаги калтак билан молларни хурсанд қиларди. “Шавкатли эрлар учун, ҳурматли жаноблар!”... ҳақиқий эркак, бу фақат — шоҳлар!.. Ёхуд маликалар!

Бу хил ошқора расвогарчиликдан кўнглим айниб кетди. Гандирақлаб, йиқилиб тушмаслик учун суянчиқни аранг тутиб қолдим, ҳеч нарса кўрмаслик учун эса, кўзларимни чирт юмиб олдим. Уз-ўзимдан қаттиқ уялиб, айни пайтда даҳшатга тушгандай бўлдим. Нима қилсам экан? Бирор бир тadbир ўйлаш лозим. Мен улар башарамни кўришин, дея атайин иссиқ машғалани юзларимга яқин келтирдим. Ҳамда давлат муҳри акс этиб турган каттакон узук тақилган ўнг қўлимни ёруққа яқин тутдим.

Қаёқда! Қани энди сезишса? Ҳатто, мен томонимга ўгирилиб ҳам қарашмасди.

Шунда бор овозда қичқирдим:

— Мен маликаман!

Улар ҳатто кўрқишмадиям, аввалгидан баттарроқ хоҳолашарди. Кимдир ғализ, хирилдоқ товушда писанда қилди:

— Қани, марҳамат қилсинлар, бизнинг кичкина раҳнамомиз! Қани, бери келиб биз билан бир қадаҳгина ичсанг-чи! Бир дақиқа бўлса-да, ўзингни, таҳқирланган бевалигингу, бизнинг куллигимизни унут... мен сени яхши кўраман, жонидан!

— Наҳотки, уятни еб қўйган бўлсанг! — дедим жаҳл билан қичқириб, — қани, тез қорангни ўчир бу ердан! Сен билан эртага гаплашамиз!

— Вой, бечорагина, — чинқирди у гўё мен билан тенгдошдай. Қарасам, биласизми, бу ким? Мирто! Ўша ишқида Одиссей куйиб-ёнган Миртула эди.

У қўлини белидан, қуймичидан олмасдан ўрнидан турди. Ун беш ёшдан ўтмаган бу нозикниҳол (дарҳақиқат, жуда гўзал эди!) қиз чиройли кўзларини менга қадаб, шундай деди:

— Энди бу ерда ҳеч кимсан! Ўз шаънинг ҳақида фақат ўз уйингдагина ўйласанг яхши бўларди. Энди сенинг ишинг, тўйиб-тўйиб йиғлаш, унинг соғ-омон қайтишини худолардан илтижо қилиб сўраш. Бизнинг ишимиз эса, бирор нимага зорикмаслигинг учун сенга ғамхўрлик қилиш, яна севгилларимиз бизни ташлаб, бирор ёққа кетиб қолмасликлари учун ўлиб-тирилиб уларга ёқиш учун ҳаракат қилиш...

Капитан бўлмаганда кемани денгизчилар қутқаришга ҳаракат қилишарди. Бизсиз сарой ҳам, соҳилу боғ-роғлар, молхоналар ҳам, уларга қўшилиб сен ва ... биз ҳам, барчамиз ҳалок бўламиз!

Агар биз билан қўшилиб ичишдан жиркансанг, яхшиси, бориб ухлай қол. Агар гоҳида шу хил кўнгилочарлик қилсак, бизда ишлашга иштиёқ янада ортади. Сендан бўлса, ҳеч қандай зарар ҳам, фойда ҳам йўқ!

Ҳой, сенга айтаяпман, ма, манови жомдагини раҳнамомизнинг соғлиғи, мустаҳкам

<sup>1</sup> Х и т о н - аёлларнинг тўғри баданга кийиладиган, узун, белбоғли, енгсиз тор кўйлаги.

ақли, ундан ҳам мустақкам бадани шарафига сипқорсанг-чи!.. Сенинг ва бизнинг эримизнинг соғлиғи учун кўтарайлик! Сен атиги бир марта бева қолган бўлсанг, биз ушлаб марта бу кунни бошимиздан кечирганмиз.

Шундай деганча у менга жом тутди.

— Кўрқма! Мохов эмасмиз юқиб қоладиган!

Шунда бошимга қон тепгандек бўлди. Оғзимни очган бўлсам-да, ундан бирор-бир калима чиқмади. Фақат бўйнимга ҳалқа давак тушгандек, бўғилиб, кўзларим соққасидан чиқиб кетгандек бўлди.

Шунда яна Миртө сўзлагандек бўлди:

— Қимирласанг-чи, ахир! Тўнкага ўхшаш аёллар эркакларга кўнам ёқавермайди. Мен сенга ўз Тавра'нгни совга қиламан... у чинакам ҳўкизнинг ўзи.

Факел менинг қўлимдан оҳиста ушламоқчи бўлган эди, мен қочиб, ўзимни кўршапалакдай қоронғуга олишга ҳаракат қилдим.

Жаҳолат ва нафратдан қоним қайнагандай бўлди. Мен ҳали сизларга кўрсатаман! Ҳали кичиклигимдаёқ одамлар мени “ўғил бола” дейишарди. Энди мени “эркак” дейдилар.

## МУШТНИ КИМ ЕДИ?

Бугун тонг ёришидан олдинроқ уйғондим. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай беғам ва бардам эдим. Зеро, нима ҳам бўларди. Қария Долийни шошилинч равишда (у менга отамерос бўлиб, Спартадан кетиш олдида менга ёрдამчи ва маслаҳатчи қилиб берилган эди.) Одиссейнинг энағаси Эвриклеяга ва мендан Телемахни қабул қилган Аристага, ҳамда қайнотам Лаэрта юбордим ва Лаэртга айт, ҳозирнинг ўзидаёқ Аргус билан бирга етиб келсин, дедим. Шунингдек, саройимнинг барча қиличбардор ва қалқонбардорларини зудлик билан юборишларига буйруқ бердим.

Уларнинг ҳаммаси вақт ўтказмай пайдо бўлишди. Фақат Лаэрт йўқ эди. Бу тентак чол узоқ бир қишлоқда яшарди. Долий етиб борганда, у ўз кулбасининг остонасида узун чит кўйлагига ўраниб, чипта кавушда саройчан ўтирганча пиёз тозаларди. Унинг ёнгинасида эса, одатдагидек, Аргус олдинги оёқларига тумшугини қўйганча бир кўз билан мудрар, шу ҳолида гўё кимнидир кўриқлаб ётарди.

Кар ва чала кўр юз ёшли чол Долийнинг нималар деганини ҳадеганда тушунмас эди. Шунда Долий қўлини карнай қилиб, унинг қулоғига бақириб гапирди:

— Тез юраркансан. Малика қақираяпти!

Чол ўғлини эслаб кўзёши қилди.

— Йиғини бас қил, тез кўзёшингни артиб, яхшироқ кийимларингни кийиб ол.

Лаэрт бугун бир соатча иштонини излади. Долий уни болани кийинтиргандай кийинтирди, кейин Аргус билан аравага ўтқазиб, саройга қараб ҳайдади.

Оқдинда икки нафар аскар, елкаларида боғлам-боғлам ранго-ранг гуллар, белларига болта қистирилган; улардан кейин ва ён томонда — қирқтача қалқон кўтарган ҳарбийлар. Ўртада — мен, чап томонимда — қайнотам, ўнг томонимда — Долий, Эвриклея ва Ариста. Бургулар тантанали “Шоҳ келаяпти” куйини чалиши ҳамон мен билан еру осмон бараварига ҳаракатта келгандай бўлди. Худди шу сониянинг ўзида, аввал келишилганидай, менинг ўнг томонимдан улкан кўш кўтарилга бошлади. Бу эзгулик аломати эди. Менинг узун ва қаҳрли соям мрамар тоштахталар ётқизилган ҳашаматли саройни қоқ иккига бўлгандай эди.

Ҳа, шундай, менинг ҳукмим ва шарафим бутун давлатимиз бўйлаб таралаётгандай эди!

Саройда ҳамма чуқур уйқуда эди: одамлар, итлар, ҳатто ҳаво ҳам уйқуда. Итлар ва ҳаво бургулар товушидан уйғонишди. Фақат одамлар ҳеч нимани эшитмас эди: кўп йиллик мусаллас уларнинг қулоқларини кар-ботил қилиб ташлаганга ўхшарди.

Бургу уйғотиш куйини зўр бериб чала бошлади. Ҳеч ким чиқмади. Хизматкор ва қуллар ётган барча хоналарнинг эшиклари тақа-тақ берк, ичкарида ўлик бир сукунат.

Шунда мен гулбардор аскарларга белларидаги болталар билан эшикларни бузишни буюрдим.

Ичкаридан чидаб бўлмас бир бадбўй ҳид — май, саримсоқ пиёз, аралаш-қуралаш таомларнинг чала ҳазм сассиғи, гўё ҳожат хандагидан отилиб чиқаётгандай эди. Бу хона-хандақлардан нафақат бадбўй ҳид, балки унга қўшилиб олам-олам пашшалар ҳам гувиллаб учиб чиқарди. Полда ёйилган тўшакларда қипяланғоч модарзот бўлиб, уятсиз, шармандали алфозда турли хилдаги ва шаклдаги кучук ва қанжиклар бир-бирларига қапишиб ётишарди. Кўзларимни юмганча, бурнимни иккала бармоғим билан қисиб, кафтим билан бекитиб олдим. Аскарлар уларни мажбуран уйғотиш учун сўкиниб, бақириб, оёқлари билан тепа бошладилар.

<sup>1</sup> Т а в р а л а р - қримда яшовчи бир қабила. Юнонча «ҳўкиз» дегани.

Дастлаб қўлга тушган шармандали қиёфадаги аёл ва эркаклардан бир нечтасини ўша ҳолича ташқарига судраб олиб чиқиб, ҳовлидаги устунларга боғлашни буюрдим. Улар кўзларини юмганча бемаъни табассум билан миқ этмай туришарди.

— Қани, уларни қизил хивчинлар билан обдон саваланглар-чи.

Шундан сўнггина улар уйғонгандай бўлишди. Лекин, бунгача ҳам уларни савалаш бошланган эди. Бурунларидан, оғизларидан қон сачраб, яланғоч кўкракларига томарди. Ҳатто, кўзларидан сизгиётган ёш ҳам қон аралаш. Уларни ўлдирадими-у, лекин шуниси ҳам бошқаларга ўрнатилган бўлар, деб ўзимни зўрга тийдим. Уларнинг ҳар бири учун бир неча ҳўкизни товон берса бўларди. Биз ҳўкизларни ейишимиз мумкин. Бироқ, улар бизни ейишяпти-ку!

Боғлардан, узумзорлардан, молхона ва устахоналардан ҳамма — ёшу кекса, шу саззойини томоша қилишга шошилиб, чопиб келишарди. Сарой майдонида беҳисоб одам тўпланган, баъзилар томошани ўз кўзлари билан кўрмасалар-да, саззойи қилинаётганларнинг инграшларини эшитиб туришарди. Одамлар лабларини тишлашар, итлар гингшир эди. Айбдорлар хушдан кетиб арқонга сочикдек осилиб қолганларидан кейингина калтаклашни тўхтатишни буюрдим. Шармандаларни бандиликдан озод қилиб, сарой ҳовлисидаги мрамар тахталарга улоқтиришга ружсат бердим. Итлар уларга ташланиб, очкўзлик билан қонларини ялай бошлашди.

Кейин биз Одиссейнинг ҳарами томон йўл олдик. Мен Миртони излардим.

Унга ўхшаш енгилеокларнинг деярли барчасини Одиссей ниҳоятда эркалар, ипак кийим деса кийим, қимматбаҳо тақинчоқлар, атир-упа, лаббўёғу ширинликлар дейсизми, оғизчаларидан чиқиши билан, ўша заҳоти муҳайё қилар; оймичалар бўлса, кун бўйи бирор иш қилмасдан, еб-ичиш, хино қўйиш, пардоз-андоз қилиш, имкони топилди дегунча айш-ишрат билан машғул эдилар. Бугун ҳам мен уларни тўшакда ҳар қайси битта эркак билан, Мирто эса, ҳатто, иккитаси билан хуррак отиб ётганда қўлга туширдим.

Иккала эркак кучоғидан уни зўрга сугуриб олдим-у, сочларидан бураб, полга итқитиб ташладим. Кейин уни шу ҳолида бошини куйи қилиб, айвон тутқичига чаппа осишни буюрдим.

Очиғи, бу ғалати мўъжиза эди! Унинг балоғатга тўла етишмаган танаси жуда қорамгағиз ва таранг кўринар, бамисоли қора маржон донасига ўхшаб кетарди! Ҳар калтак тушганда у бир сесканиб, титрар, буни у гўё ишқ титроғидек қилиб кўрсатишга уринар, лекин, миқ этган товуш чиқармасди. Мунчалик қашшанг бўлмасанг!

Бир пайт, атрофдагилар найза-ю қалқонлари, ўқ-ёй, ҳамда болталарини ерга тушириб, унга муҳаббат ва ҳайрат билан ачиниб қараётганларини сезиб қолдим. Уларнинг барчасини: эркаклар ва хотинларни, ёшлар ва кексаларни, ҳатто итларни ҳам ҳайдаб юбордим. Қўлимдан келса, ҳатто шамолни ҳам ҳайдардим! Чунки, бирор кимсанинг ҳам унга қарашини истамасдим! Ҳарбийлар, қулар ва хизматкорлар унга ачиниб қараб, аста-секин яхши кўриб қолишлари мумкин! Ҳатто, менинг ўзим ҳам уни ёқтириб қолгандай эдим.

Кекса Лаэрт ақлдан озиб қолаёзди...

Биз иккалаимиз ёлғиз қолдик. Тиканли гул бутоқлари хивичлари билан унинг боши аралаш савалай бошладим. Оҳ, бу нақадар нашъали бир машғулот! Бу ҳол қанчагача давом этди, ҳозирга қадар эслолмайман! Шунингдек, бу оламада аёл нафратига тенг келадиган бирор ваҳшат топилмаслигини ҳам билардим! Уни қанчалик қаттиқроқ урсам, шунчалик кўпроқ истардим. Қанчалик қаттиқроқ уриб, хоҳласам, шунчалик кайф қилардим.

О, қодир худолар, сизга шунинг учун ҳам шукроналаримиз бўлсинки, биз ҳўжайинларга шунчалик кўп ташвишу масъулият юборгансиз. Шу билан бирга, бизга энг улуғ, ёқимли бир кайф, ҳамда нашъани, яъни кўрқувдан одамларнинг дир-дир титрашлари учун бизга уриш, калтаклаш, ўлдириш ҳуқуқини ҳам бергансиз!

Мирто менга қаҳр-ғазаб тўла кўзларини шундаям қададики, унинг нигоҳига тоб беролмай, беихтиёр, кўзларимни четга олишга мажбур бўлдим. Қўлимдан хивчинлар тушиб кетди.

— Ҳали сенми мендан ўч оладиган қари қарға! Эшитаяпсанми? Мен сендан чиройлироқ ва ёшман. Мен эндигина ўн бешта кирдим. Сен эса, мендан икки баравар каттасан.

— Ёлғон! Мен ҳали йигирмага ҳам тўлмаганман. Бироқ, мен вақтдан сира кўрқмайман. Мен абадийман!

— Сен куйиб, ҳасаддан адоий тамом бўлиб, тиришиб бораяпсан. Шунинг учун ҳам менинг Одиссейим ёлғиз мени яхши кўради. Мен уни жонимдан ҳам яхшироқ эркалаб, у билан ширин суҳбат қура оламанки, сендан совиб тобора менга яқинлашади. Кўнгли мендангина кавсар сувини ича олади. Мен унинг вужудида ёшлик алангасини порлатаман. Бу менинг қонимда бор. Бу санъат бир умр сенга бегона. Ҳеч қачон ўргана олмайсан.

Сенда-чи? Сен ичиқора, ғаразгүй, муздайсан, очиги, илондай совуқсан, тарашадай қуруқ бир мунофиксан. У сени ўпганда, сен нуқул унинг ҳамёнини ўйлайсан. Сен кўпикдай қари, сира наминг йўқ. Шунинг учун ҳам ўзингни бўяганинг бўяган. Кийинишни ҳам, ечинишни ҳам билмайсан. Ширин суҳбат қуриш ҳам қўлингдан келмайди.

Менинг оғушимда қанчадан-қанча доно фикрлар яширинганки, у ҳатто сенинг бошингда ҳам йўқ. Кетиш олдидан у менга: “Агар соғ-омон қайтиб келсам, уни ҳайдаб, сени оламан”, деган эди. Ана ўшанда мен сени бошингни қуйи қилиб, айвон панжарасига осиб, бир хумордан чиқардим-да! Ҳамма эшикларни ланг очиб, барча сарой аҳлини, бутун Итака аҳолисини тўплардим. Созандаларга мусиқани осмонкаф қилиб чалишни буюрардим. Ҳамма сени кўриб, кула-кула сенга тупуришларини кўриб мазза қилардим... сен шўрлик кўриқчи!

Сен унга текинга тушгансан. Мен учун эса ўтгизта ҳўкиз берган. Қайнотанг, ҳатто, у бир марта бирга ётмаган Эвриклеяга ҳам йигирмата ҳўкизни санаб берган экан.

Мен сени ўзимга чўри қилиб оламан: мени ҳаммомда уқалаб ювинтирасан. Оқшомлари мен учун шамчироқларни ёқасан. Ҳа! Ҳа!..

У гўё ақлдан озгандай эди.

Йхшиямки, ҳаммани ҳайдаган эканман! Унинг алаҳлашларини биров эшитмади. Мен уни ўша офтобрўяда кун бўйи қолдирмоқчи эдим. Қуёшнинг тигида аввалгидан ҳам баттароқ қорайиб, жароҳатларига пашшалар қўниб, қуртлаб кетишини истардим. Ўзига келиб, бироз хушёр тортар, ҳеч бўлмаса, ўзининг қандай ночор аҳволда эканлигини тушуниб қолар, ҳар қалай, унга оғир эди, жуда оғир! Негадир уни аядим (жуда раҳмим келиб кетди!).

Уни ўзим ечиб, сочиқ билан жароҳатларидан қонини артдим. Қўлларимда уни кўтариб (у қушдай енгил эди!), каравотга обориб ётқиздим-да, устини тоза чойшаб билан ёпиб қўйдим. Унинг танаси чойшаб остида тўлғониб ётарди.

Назаримда ундан аччиқланмаган эдим. Ҳатто, ундан рашк ҳам қилмагандайман. Лекин негадир шу топда кўнглимда кўкқисдан бир кўрқув пайдо бўлди. Унга сал эгилиб, мулойимгина шундай дедим:

— Эртадан бошлаб сени ўзимга сарой хоними қилиб ишга оламан.

— Раҳмат, жаноби олиялари.

Шу тариқа уни қўл остимда ушлаб турар ва ўзим хоҳлаганча кузатардим. У менга ўз маслаҳатларини берарди. Оқибат, бир кун келиб, унинг бир ўзи шоҳга бутунлай эгалик қилишидан кўра, уни иккаламиз бўлиб олсак айни муддао эмасми?

Мен бамисоли қора булут, дўл, жала қуйиб кемаларни ҳалокатга учратган бўрондай бўлиб ҳовлига тушдим. Мовий осмон ҳам қорайгандай бўлди. Барча сукут сақлаб мени кутишарди. Мен саройга яқинлашиб, пиллапоянинг учинчи поғонасига кўтарилиб, бор овозда қичқирдим:

— Шунга яхши билингларки, бутундан эътиборан бу сарой Эзгулик ҳарамига айланади. Хайрхоҳлик ва Саховат маскани бўлади. Энди бу ернинг ҳавоси ҳар хил ифлосликлар билан булганмайди. Бу ерда Эротнинг ҳар хил дайди ўқлари учиб юрмайди. Унинг қанотидан бирорта пар ҳам кўрмай! Ўнгингизда ҳам, тушингизда ҳам шундай бўлади. Ҳаммаларингиз ўзларингиздаги барча қусурларни мустаҳкам руҳингиз билан енгилса ҳаракат қиласизлар. Ва бу амалда ҳам шундай бўлади.

Агар эркаклардан кимда-ким бунга амал қилмаса (бундайлар албатта топиллиши мумкин), мен уни ўша заҳоти от табибига юбораман. Шояд у чилвир, болға, ҳамда ништар ёрдамида унинг тузалмас дардига чора топса. Ким нимани хоҳлайди, ўйлаб кўринлар.

Барча асрларда садоқат бобида Пенелопага тенг келадиган аёлнинг йўқлигини мадҳ этувчи афсоналар ва қўшиқлар яратишга киришилди. Унинг саройидаги эркак ва аёллар инсон эмас, балки — фаришталар. Бу ҳақдаги Қўшиқ мусиқаси ва Афсона сўзлари денгизнинг тўлқинли сувлари елкасида, саррин еллар қанотида ер юзининг нариги чеккасига бориб етар, тоҳлар, қишлоқлар, денгиз ва дарёларнинг шовуллаган тўлқинлари акс садо қайтарарди. Бу Қўшиқ ва Афсоналар мамлакатлардан мамлакатларга кўчган сари йилдан-йилга баландроқ жарангларди.

Кейин мен барча аёнларим ҳамроҳлигида омборлар ва молхоналарга йўл олдим. Омборларда биз одам бўйи келадиган, бўғзидан йўгон арқонлар билан устунларга боғланган хумларда бир неча йиллик ҳосилни: мусаллас, зайтун ёғи, сариёғ, пишлоқ, ёнгоқ талқони, тузланган балиқ, зайтун, қуритилган саккиз оёқ ва бошқа хил ноз-неъматларни асрадик. Калитдор аёл ўз дугоналари билан кечаги базмда иштирок этгани учун кўзлари шишиб, қизариб кетган эди. У ювуқсиз бир алфозда югуриб ёнимга келди.

Ҳамма нарсани чамалаб, қанча ва нима борлигини қайта ҳисоблаб омбор дафтарига ёзишни Долийга буюрдим. Сўнг ҳамма эшикларни қулфлаб, калитларни белбоғимга осиб оларканман:

— Бундан кейин ҳар куни нима керак бўлса, мендан сўрайсан. Бу нарсдан шунча, фалон нарсдан мана бунча, деб. Нима кераклигини рўйхат билан оласан. Ҳар ойнинг охирида қилинган харажатлар бўйича ҳисоб берасан, тушунарлими?

Кейин отхона ва кўраларни бирин-кетин кўздан кечирдик. Минглаб бош отлар, эшак ва хачирлар сақланарди. Қанча чўчқа, қўй ва эчкилар: сут берадигани қанча, бўрдоқига боқиладигани нечта, қора мол неча бош, нечта қўзи, нечта улоқ, сут берадигани қанча, жунни қирқилмаган кўйлар қанча — ҳаммасини кўздан кечириб:

— Ҳаммасини тўлиқ ёз, Долий! — дедим.

Сўнг орқа ўгирилиб чўпонларга:

— Мабодо, бирорта молни сўйишга тўғри келиб қолса, олдиндан мени хабардор қилишларингиз керак. Агар бирор-бир жонивор касаллик, қарилик ёки бахтсиз тасодиф туфайли ўлиб қолса, ўлигини менга кўрсатмасдан кўмишга ҳаққингиз йўқ. Ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилишим керак. Қайси мол қачон туғишидан ҳам беҳабар қолмай, тушунарлими? Ҳамма соҳада ҳисоб-китоб бўлиши керак. Бусиз интизом ҳам бўлмайди.

Нафақат молхона-ю кўраларда, балки ҳамма жойда биринчи навбатда сарой ва давлатда ҳам интизом, шунингдек, бу катта хўжаликда ҳисоб-китоб, тартиб-интизом бўлиши керак.

Мен шундаям баджаҳл, шундаям қаҳр-ғазабда эдимки, ҳатто, Одиссейни ҳам ўйламай кўйган эдим. Чўчқабоқарлар ҳузуридан чиқиб, тўнғизлар кўраси ёнидан ўтар эканман, ўз эримни эсладим. Каттакон эркак чўчқа бутун бўшлиқни тўлдириб юборгандай эди. Даҳшатли, қаҳрли ва ёвуз бир махлуқ пишқириб, хур-хур қилиб, атрофдаги темир панжараларни бамисоли қамиш тўсинлардай силкитарди. Шу топда унинг катта буvasини ўлдирган Гераклнинг ўзи ҳам ундан ҳайиққан бўларди. Зотан бу Эриманф қобонининг эвараси бўлиб, уни бизга Олоносдан донишмандлар донишманди ва Элладанинг биринчи ўғрибошиси — кекса Нестор совға қилиб юборган эди. Илоҳий бир гўзаллик. Мен уни Одиссейга қиёсладим.

Бундан кейин бошқаларни эмас, ёлғиз уни эслаш учун бу ерга тез-тез келиб туришга ҳаракат қиламан. Махсус чўчқабоқарлар сони икки ҳиссага кўпайтирилди. Уларга худди шоҳга қарагандай уни асраб-авайлашни буюрдим. Унга икки-уч баравар кўп овқат бериш, ҳамда ўзи истаганча ҳарам ташкил этишга топшириқ бердим. Ҳамда унинг эшиги пештоқига лавр япроғини тилкалаб турувчи чақмоқ акси туширилган пешлавах осиб кўйишларини айтдим.

Барча аскар, қалқонбардор, найзабардор, ўқ-ёйчи, хизматкор ва қулларнинг башарасида ғалати бир нордон истеҳзони сезган заҳотим тўсатдан орқа ўгирилиб, кичик танамни бамисоли самога тенглаштиргандай улугвор тутиб, қудратли овозда қичқиргандай бўлдим. Овозим, осмон қаъридан келаётгандай баланд ва пурвиқор гулдираб эшитилди:

— Жониворлар биздан икки ҳисса кўп озуқа оладилар. Улар бизни боқишади. Одамларнинг озуқасини ярмига қисқартишни буюраман. Шундай қилиб, сизлар, ҳаддан ошиқ семириб кетмайсизлар ва ишлашга ҳам рағбатингиз ортади. Қонингиз ҳам бекорга жунбушга келиб, ҳар хил ўй-хаёлларга бормайсизлар. Танангизни заифлаштириб, руҳингизни шунчалик бардам қилмоқчиман.

Эзгулик йўли бу — Рўза йўли!

## БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС

Менга нима бўляпти, ўзим ҳам тушунмай қолдим. Кайфиятим аъло. Ҳатто, бироз тўлишгандайман. Саройда ҳам, давлатда ҳам ишлар кўнгилдагидай давом этипти. Тепамда бирорта мустабид ҳоким йўқ. Менинг ўзим мустабид ҳоким. Лекин негадир кўнглимда бир ҳадиқ бордай. Аллақандай умидсизлик ва маъюслик ҳукмрон! Бошикетти йўқ қоронғулик! Хаос. (Дарвоқе, Хаосдан Гея туғилган, Геядан эса — Эрот!)

Эҳтимол, бу кўп овқатланиб, бекордан-бекорга думалаб ётишдан бўлса керак. Ёки, Хаос оралиғида Гея билан Эротнинг қачон ва қаерда учрашишларини кутиб, тоқатларнинг тоқ бўлишидандир бу ҳолат.

Ёхуд бугун сешанба — бахтсиз кун эканлигидандир.

Айвонда алвон ўриндикда оёқларимни чўзиб, чайқалиб ўтирганча пастга — боққа қарайман: ҳаммаёқ гулга бурканган, дарахтлар ҳосил тугиб ётибди. Майин шабада пастда сув сачратиб ётган фавворадан ажиб бир намчил салқинликни юзларимга келтириб уради. Бироқ бошимдаги ўша ёлқин, ўша аланга бир муддат бўлса-да, мени тарк этмайди.

Ҳаёт нақадар гўзал ва фараҳли. Ҳатто, эринг бўлмаса ҳам-а! Миртула бўлса, полда ўтирганча менинг оёқларимни кучоқлаб ётибди. Мен эсам, зимзиё, тубсиз қоронгулик — Хаос исканжасида Гея ва Эротнинг мени қўллашига ҳам эътибор бермасдан ўтираман.

Майли, ўша ишнинг бўлмагани дуруст.

*Эртаси кун.*

Ҳавонинг димлигидан ҳаприқиб ётибман. Эшик ва деразалар ланг очиқ бўлишига қарамасдан, қани энди бир тутам салқин шамол кира қолса. Мунча дим бўлмаса! Йиғласам, бироз енгил тортсаммикан? Қандай йиғлай: бир қайғум, ёхуд бирор-бир қувончим бўлмаса?

Ҳозир бизларда августнинг биринчи ярми.

Дастурхон устида қумуш баркашда асал бойлаган ва ҳозиргина боғдан узилган анжир, узум, шафтоли ва бошқа мевалар кўзни ўйнатиб туради. Улардан бир-бир тишлаб, қайта жойига қўяман. Буларни кичкинтой еб битиради.

Рўпарадаги ойна менга қараб жилмайгандай ва менинг баданимни аввалгидан ҳам гўзалроқ, аввалгидан ҳам тозароқ, патнисдаги мевалардан ҳам ширинроқ қилиб, ўз аксимни ўзимга қайтаргандай бўлади. Кўкрақларим шундаям гўзал, дум-думалок, диркиллаб турар, қўлларим дўмбоқлашиб қолгандай эди. Илгарилари бунчалик чиройли, ҳамда мафтункор бўлмаган эдим. Оҳ, кошкийди мени шу ҳолда Одиссей ва бошқа биров бизнинг каравотимиз остига яшириниб олиб, бамисоли Кадавл — Гига томошасини кўрганда эди!

Ортиқча семирмаслик ва зерикмаслик учун мен бадан машқи билан шуғуллана бошладим. Яна қиличбозлик машғулотига ҳам қатнардим. Долийни ўзимга муаллим қилиб олсам бўларди. Лекин, ярми одам, ярми от шаклидаги бу зот бўрилар ва бошқа жониворлар яшовчи Пинда ўрмонларини тарк этишни хоҳламас, ўша ерда кир-чир деҳқон қизлари билан кун ўтказишни хуш кўрарди. Эҳтимол, узоқ таборга менинг ўзимга боришга тўғри келар. Ҳар эрталаб азонда деҳқон қизларига қўшилиб, ўрмонга тушиш керакдир. Улар — турли хилдаги ўтлар, чиганоқ ва шиллик қуртлар теришар, мен бўлса машғулотга қатнашаман.

Денгиз тепасидаги баланд ва қийиқ қояга чиқиш керак. Баландликда ўрмон ястаниб ётар, ундан айланиб ўтиlsa — пастликда эллинларга қарашли лангарда турган — минг, яна бир юз саксонга кеманинг юз минглаб кишилари уймалашиб юришарди. Уларнинг палубаларида каттадан-кичик ҳамма шай турар: шоҳлар, капитанлар, ҳарбийлар, оддий ҳарбий хизматчи ва матрослар; уч марта озод қилинган қуллар ва уч марта қуллар. Бировлар бошида тож билан, айримлар қиличи билан, учинчилари чангақлар билан, тўртинчилари занжирлари билан безанганлар. Ҳамма байроқлар ёйилган, шамолда ҳилпираб турар, одамлар гўё нафас олишмас эди.

Буларнинг барчаси кун ёришганда бўлаётгандай. Осмон қирмизи рангда, унинг акси тушган денгиз қирмизи рангда. Мен бўлсам қоя чўққисидан алвон алангага менгзаб тураман, Оломон мендан, яъни гулхандан кўзларини узмасдан тонг қотишган. Бошимни очиб юбораман, кейин уст кийимим ва хитонимни ҳам ечиб ташлаб, бўғиқ қироатли оҳангда гапира бошлайман:

Бир оламни ва Пирифлегетоннинг минглаб нуқталарини, ҳатто Ҳаёлдан ташқари нариги оламни ҳам ювувчи Океаннинг минглаган бурчақларида, ҳатто ўлимдан ташқарида ҳам — Мен борман.

Сизлардан бирор кимса ҳам Еленани кўрмаган. Сизлар уни ўз қалбларингизда кўрасизлар ва аллақандай арвоҳ учун бир-бирларингизни ўлдирасизлар! Мени эса, аниқ кўриб турган бўлишингизга қарамасдан, қалбларингизда сақлай олмайсизлар. Шунинг учун бутундан эътиборан кўзларингиз фақат йиғлаб ўтади! Ёшланиб ўтади...

Шу аснода карнайлар нола қилиши, найза ва қиличлар мис қалқонларга шиддат ила урилиб, кемалар остидан бир ҳайқирӣқ эшитилиб, матчалар қасирлаб кетади. Шоҳлар, капитанлар, хизматкор ва матрослар уч марта озод қилинганлар ва уч марта қуллар — ҳамма, ўз тожларини, қиличларини, қўлларидagi бор нарсаларини ташлаб, ақдан озган кимсалардек бараварига сакрашади. Улардан ҳар қайсилари биринчи бўлиб мени зиёрат қилиш учун ошиқшади.

Яна шу аснода, гўё аждарнинг ҳуштагидай бир товуш эшитилади, осмондан қирмизи булут тушиб келиб, менга чанг солади ва ўз оғушида маҳкам қисганча обориб Олимп тоғига туширади. Бу ҳолат бир пайтлар илоҳий Калхатнинг Ганнимедни, шунингдек, Эоснинг ўз қанотларида Кефалани олиб кетганига ўшаб кетарди.



Ўша мисга бой Олимп тоғида мени байрам кийимидаги Ўн иккита Улуғ Худолар кутарди: Уларнинг дийдорларига мушарраф бўлиш бахти нақадар гўзал ва шукуҳли эди.

Ҳар эргалаб мен у ердан Канаф чашмаси сувига чўмилиш учун пастга тушар ва чўмилиб бўлгач, Герага ўхшаб қайта қизга айланардим! Мукамал Герага! Келинчак Герага айланардим!

Сиз кўриб турган Пенелопа ўшаман. Ҳа, худди ўша Пенелопа, менман! Сиз бошқа Пенелопани кўра олмайсиз. Фақат унинг (минг карра улуғ Руҳи!) ҳам бор. Лекин, сиз уни кўра олмайсиз.

Кўзларимга бир нималар кўришиб кетгандай бўлди. Алаҳсираяпман, шекилли?

Пастда денгиз оқариб, ялтираб кўринади. Яқиндан кўрсаммикан? Орқа томондан эшик бор-ку!.. Итакага келин бўлиб тушгандан бери у ерда бўлмаганман. Ўшанда сув ҳавзачалари бўйида ўтирганча қариндошларимни, ака-укаларим ва ота-онамни эслаб, хўнграб йиғлаганларим эсимда.

Бу ер бўм-бўш. Кириш қатъиян ман этилган. Ҳатто, ўлимга маҳкум қилинганлар учун ҳам. У ерда фақат турли-туман балиқлар, денгиз қушлари ва толенларгина яшашади. Мен эсам истаган вақтда келишим мумкин.

Саройнинг кулранг, баланд деворлари узоқдан даҳшат солиб туради. Узоқ йиллар очилмагани учун темир эшик бир мунча занглаб қолган эди. Уни секин итарган эдим — Ҳудудсизлик дарвозаси очилгандай бўлди. Чуқур нафас олдим, чор атроф — ҳаммаёқ қимир этмасдан кўзга ташланди: қарағайлар, сув ва ҳаво; ҳатто, осмон қаъридаги чайкалар ҳам гўё ҳаракатсиздай эди. Бирор нарса қимир этмас, гўё қотиб қолгандай.

Мен майсалар кўкариб қолган тош пиллапоялардан пастга тушдим. Юпқа шиппақларда вақт занги кўнгилсиз бир из қолдирган, гадир-будир пиллапоялардан тушиб борарканман, оёғимда оғриқ сезгандай бўлдим. Улар жуда нозик-да! Зангори сукунатда ўз соямнинг қадам товушларини эшитгандайман. Бир неча авлод кишилари аллақачон йўқолиб кетган, фақат маъбудлар ҳам кўзга ташланмайдиган бу хилват ва кимсасиз жойда инсон юрагининг гурсиллаб уриши жуда ғалати-я!.. Оламнинг барча тарихи аслида шундан иборат!

Мармар горга қараб йўл олдим. Мен пайдо бўлишим билан қисқичбақа ва бошқа жониворлар шошилиб ўзларини сувга отишди. Чуқурликда сув билан тошлар оралигида худди тирик мавжудотдай туз ялтираб кўринади. Атрофда бошқа бирор жонзот йўқ. Мен ва тўрт унсур, табиат ҳодисаси...

Оёғимдаги шиппақларни ва уст кийимимни ечиб отдим. Қайноқ қум оёқларимга жазиллаб ёпишди, қуёшнинг иссиқ нурлари баданимни куйдиргандай бўлди.

Марварид оламидек ялтираб ётган беқиёс, жозибали денгизга отдим ўзимни. Янги сўйилган тарвуз ҳиди анқигандай бўлди. Денгиз мени она ўз боласини оғушига олгандай, наинки мен Нерейданинг кизи эмас, балки унинг боласи бўлсам?

Нақадар озодлик, нақадар куч-қудрат! Қаерга қўл чўзмай, қаерга кўз ташламай — ҳаммаси меники!

Мен узоқ-узоқларга сузиб кетдим, нафасим ҳам қисмас, чарчамас ҳам эдим. Қанча муддат сузим? Буни аниқ билмас эдим. Ҳансираб, кўзларимга шўр сувлар кириб ачиштирганда орқага қайтиб, Зевс оби раҳмат ёмғири билан чўмилтирган Данаядек жилмайиб қирғоққа чиқдим...

Гор соясида устки кийимимни ўт-ўланлар устига тўшаб, қўлларимни бошим остига қўйганча кўкка қараб ётдим. Тун ўғли — Гипнос, Ўлимнинг ўз ақаси оҳиста мен томон кела бошлади, яқин келиб кўзларимга кўкнор ёшларини сепгандек бўлди ва мен ухлаб қолибман...

Шунда Афродитанинг ўғли учиб келиб, мени муздай қанотлари билан кучоқлади. У менинг кўзларимга шундаям меҳрибонлик билан қарар, мулоийм, жонўртлар овозда шивирлаб гапирар эдики, уни фақат тушдагина эшитиш мумкин эди:

— Сени анчадан бери кугар ва излар эдим! Нега шунча узоқ йиллар келмадинг? Бу юмшоқ тўшакни гулбарглардан териб, ёлғиз сен учунгина ҳозирладим. Қара! Осмон ҳам айланишдан тўхтаб, Вақт ҳам бир жойда қотиб қолгандай. Худди ана шу пайтда биз иккаламиздан кутилаётган бир киши туғиладики, у Зевсни тахтдан ағдариб ташлаб, ўрнига ўтиради ва Итакани Олимп тоғига олиб чиқади.

— Ҳа, мен ҳам сени кутиб, ахтараётган эдим. Лекин сенинг бу қадар енгилмаслигингни билмаган эканман. Мен қанчалик — Доно ва Садоқатли бўлмай, айна пайтда Гўзаллик илоҳаси ва Муҳаббат тангрисининг қанотларига қасамки... Ҳеч қачон мени ташлаб кетма!

— Қоп-қора ёввойи, кимсан ўзинг? Кўзларинг тишларингдай мунча ўткир, тишларинг эса, кўзларингдай мунча ялтироқ! Кет, бу ердан!

— Менинг отим Дедал, Мен ҳам кулман, критлик кулнинг ўғлиман. Сув қайтган пайтлари (ман қилинишига қарамасдан) бу ерга тез-тез келиб тураман, тошдан-тошга эчкидай сакраб қисқичбақа, денгиз тошбақаси ва балиқчикушларнинг тухумини тераман.

Келиш мушкул-у, бироқ ов мўл-кўл бўлади. Мана, бугун сени топдим. Сен меникисан. Худоларнинг ўзлари етказди сени менга. Ҳеч ким, ҳатто шоҳнинг ўзи ҳам сени менинг жонимдан — тишларимдан тортиб ола олмайди! Мен сенинг ёнгинада ўтириб, қачон уйғонаркансан деб кутдим. Сен Еленадан ўн баравар чиройлисан!

— Фақат Еленадан эмас!

— Пенелопадан ҳам! Мен унга балиқ овлайман. Мен сени ўз чайламга обориб, яшириб қўяман. Сенинг уст кийиминг ва шиппагингни шу ерда — қумда қолдириб кетамиз. Агар уни топишса, одамлар, қулик жонига тегиб, ўзини-ўзи денгизга ташлабди, деб ўйлашади. Сенгачаям қанчадан-қанча қул ва чўрилар ўзларини денгизга ташлаб, дарахтга осиб, бу ҳаётдан кўз юмадилар, деб ўйлайсанми? Ҳеч ким сенга ачинмай-диям, ҳатто изламайдиям. Бир қул ёки чўри ўлса, Одиссей унинг ўрнига ўнтасини олиб келади.

Ўзимнинг қамишдан қилинган чайламда (осмондаги юлдузлар шундоққина кўриниб туради) маликадай асрайман. Ерга тўшалган юмшоқ сомон тўшакларда мазза қилиб ҳордиқ оласан. Ҳатто, Итакани қон қақшатган золим ва аламзада Пенелопадан ҳам яхшироқ яшайсан; сен фақат менгагина, узумзор қоровули — булбулгагина зулм қиласан, сўлим, баҳор оқшомларида истаганча уйку бермаслигинг мумкин!

Сен юмшоқ, сержун пўстакларда мазза қилиб ухлайсан, мен бўлсам сени зайтун, тоза асал, қисқичбақа икриси ва балиқ жигари билан боқаман. Сойликларда, тоғдан-тошларга, қоялардан-қояларга югуриб, сен учун хуштаъм, ёввойи егуликлар топиб келаман.

— Айт-чи, отинг нима?

— Заҳарли илон!

— Дарвоқе, мен илонларни тутиб, ўргатишга жуда устаман! Капамнинг деворларида жуда кўп, ранг-баранг каштага, ёки сопига нақш берилган микен қиличига ўхшаш илон терилари осиглиқ. Сенга энг чиройлисини совға қиламан, истаганингни танлаб оласан. Улардан Афродитаникидан ҳам мустаҳкамроқ камар қилсанг ҳам бўлади. Менинг меҳрибон қора заҳарли илонимни қучоғинга олиб ётишинг ҳам мумкин, у сени ўз уругини иситадиган ипак қуртидек авайлаб ётади. Кетдик!

— Кетавер! Мени ёлғиз қолдир. Кийинишим керак, — дедим жаҳл билан бақриб.

— Ҳозир сени кийинтириб қўяман, чақалоғим.

У елкамда хитонимнинг тутмаларини қадади, сўнг шиппакчаларимни оёғимга кийдириб, боғичларини бойлаб қўйди. Мен унга қарашга улгурдим. Жуда кучли ва жасур йигит эди. Мўйловлари эндигина сабза ура бошлаган. Табиат Қонунидай қоп-қора. У менинг қўлларимдан ушлади. Кафтлари билақларимни ловуллайтиб юборди, оғриқдан қичқириб юбордим:

— Қўйиб юбор, ҳайвон!

У қулиб туриб қўлларимни аввалгидан ҳам баттарроқ қисди. Мен унинг қорнига оёғим билан тепиб, бетига тулурдим.

Вой, худойим, нима бўлди, денг?! У менга икки тарсаки тортиб юбордики, ўмбалоқ ошиб, ерга думалаб кетдим. Унинг кўзларидан учкун сачраб турарди...

Вой худойим, худди қора қуюн-а!

— Мен сени севаман! — дея инграгандек тўнғилладим.

Мени Одиссей шу ҳолга солган эди. Умримнинг энг гуллаган йилларини хазон қилган у. Ҳамма соҳада биринчиликни даъво қилиши мумкин. Биринчи подшоҳ, биринчи ҳарбий, биринчи дурадгор, биринчи деҳқон, биринчи тери ошловчи, биринчи чўпон, биринчи алдоқчи! Бироқ, эркак сифатида — энг охиргиси! Менинг сўзларим эсингизда турсин. Бойлик масаласида, эҳтимол бутун Осиёда унга тенг келадигани топилмаса керак ва айни пайтда бирорта хотин ҳам уни севмаслик жиҳатидан бу дунёда биринчи ўринда турса керак. Ўлжаларни бўлганда у энг кўп хотинларни ўзига олади ва яна қул бозорларидан анча қизларни сотиб олади. Лекин уларнинг бирортасини ҳам мафтун эта олмаган!

Пиллапоялардан бахтиёр кўтарилар эканман, орқага ўтирилиб унга овоз бердим:

— Эртага мен сени ўлдираман!

— Ўша соатда! Худди ўша усул билан!

Бу оқшом жуда безовта ухладим. Эҳтимол, нафратдандир. Юзларим лов-лов ёнади. Қасос оламан! Қачон, охир-оқибат тонг ҳам отар! Куёш чиқиши билан ўша ерда, пастликда бўламан. Ўша соатда! Худди ўша усул билан!

У ерга бир ўзим, ёлғиз бораман. Лекин, эшикни қия очиқ қолдираман, эшик орқасида қиличли тўртта қурулланган сипоҳий бўлади. У менга яқинлашганда уни қучоқлайман, (у ҳам мени бағрига босиб, янада қаттиқроқ қучоқлайди) ва худди шу аснода чўнгагимдан кумуш кўнғирроқчани олиб жиринглатаман... Беҳуда хаёллар! Албатта, бошқа у ерга келмайди! Уларнинг ҳаммаси шунақа. Фақат вайсаҳиди!

Бироқ, у мени кутиб турарди. Мен бўлсам эшик орқасида сипоҳийларни қолдирмаган

эдим. Лекин, кумуш кўнғироқчани ўзим билан олгандим. Нега? Шунинг учунки, лозим бўлиб қолганда сўзимнинг устидан чиқишим керак-да!

У мени кутиб турар — ёш, бақувват, кўзлари бахтиёрликдан чарақларди. Бир сават тўла узум, усти ёнғоқ дарахти барглари билан ёпиб қўйилган эди.

У эс-хушини йўқотгандай мени кучоклади. Уни итариб ташладим ва яна бетига тупурдим ҳам. У яна бетларимга шапалоқ тортиб юборди! Мен инграр, чумолидек тўлғонар, гўё ўлим билан олишар, унинг бармоғини тишлаб заҳарлашга ҳаракат қилардим. Биз кечликда, қоронгу тушганда ажралишдик.

Пиллапоялардан кўтарилаётганда у менга қичқирди:

— Мени ўлдиришинг учун эртага яна кутаман. Ўша соатда!

— Худди ҳозиргидай-а?!

Ўн... ўн беш мартача у ерга доимий тушиб турдим! Ҳар гал ярим кундан. Мен унга турли хилдаги қабихликлар қилардим. Фақат у мени бошқа урмади. Менга ҳавас билан қарар ва доим жилмаярди. Тез орада у кўнглимга урди. Бирда бормай қўйдим. Ҳатто, умуман бормасликка қарор қилдим. Кутилмаган бир ҳолат рўй берди: ўзи сўраб келди! Баджаҳл, кўпол, ҳеч нимани назар-писанд қилмасди. Зинадан кўтарилиб, эшикни тақиллата бошлади. Бунақада одамлар бизнинг ҳамма ишимиздан хабар топиши мумкин-ку!

Оҳ, ҳали шунақами! Бугун ҳаммаси тугайди, шиллиққурт!

Уйдан чиқиб, унга:

— Бор, кет! — дедим.

У менинг қўлларимдан ушламоқчи бўлди.

— Торғ ифлос панжаларингни. Кет!

Бу сўзни шундай бир ваҳшиёна газаб билан айтдимки, ҳатто буни Аиднинг кўриқчиси Цербер эшитганда ҳам даҳшатга тушган бўларди. У беихтиёр жилмайди. Иккаламиз мрамор ғорга тушдик, мана ўша лаҳзалар, у кўзларини юмиб, қадаҳдаги майдек баҳол титраб менга қапишиб, бетларимдан ўпаётганда секин сочимдан олтин тўғноғични олдим-да, унинг чап қобирғаларини санадим: биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, тўппа-тўғри эмчаги остига, юрагига санчим, бамисоли Эдипдек — хотинининг соч тўғноғичи билан кўз гавҳарларини ўйиб олгандай!

Уни тубсиз, интиҳосиз бир қоронғулик чулғангандай бўлди. У ҳатто, ўзининг ўлим олди қичқирғини ҳам эшитмай қолган эди. Уни ён томонга думалатдим. Кейин унга яқинлашиб, бўйнига — эсдалик учун ўша кумуш кўнғироқчани тақиб қўйдим! Ва унинг жасадини қисқичбақа ва балиқчиқушларга ем бўлсин, дея ўша ерга ташлаб кетмоқчи бўлдим, лекин раҳмим келди. Оёқларидан судраб сувга яқин олиб бордим ва денгизга улоқтирдим. Сўнг Посейдон руҳига дуоий фотиҳа қилдим:

— Крон ва Реянинг ўғли, Зевс ва Плутоннинг биродари ва менинг биродарим! Ўзинг денгизни туб-тубигача чайқатгайсан. Унга энг ваҳший, энг даҳшатли шамолларингни, энг даҳшатли тўлқинларингни юборгайсан. Улар ушбу ўғлингни ўз бағрига олиб, уни — эндиликда озод бандангни — туғилган юрти — Кириг қирғоқларига олиб бориб ташласин. Унинг соясини ўз биродарининг қоп-қоронғу, зулумот подшоҳлигига жўнатиб, унинг руҳини шоҳлар тангрисининг дийдори билан хушвақт қилгайсан! Уларни у Эак ва Радамантдан ҳам яхшироқ танигай. Уни тўлқинлардан тўлқинлар оша қоядан-қояга ҳар думалатганинда бўйнидаги кумуш кўнғироқча муттасил жиринглаб, қуйидаги ҳақиқатни эслатиб тўжин: бахтиёр ўлим, ҳар қандай минглаб бахтсиз ҳаётдан афзал! Шулардан биттасини олиб, ўрнига менга эликтасини бергайсан!

Кайфиятим ҳазилга мойил эди!

## БЎЛИБ ТАШЛАБ, БЕКЛИК ҚИЛ

Совуқ тушиб, қирқ кеча-ю, қирқ кундуз ёмғир қўйди. Бунинг устига бошқа бир даҳмаза! Тўлқинлар тоғ баравар кўтарилиб, қирғоқдаги қояларга сурон солиб, даҳшат билан келиб урилар, улардан сачраган кўпиклар сув ўтлари аралаш деразам ойналарига келиб ёпишарди.

Мана, учинчи йил ўтиб боряптиямки, Одиссей ҳамон қайтмаяпти. Ҳолбуки, у биринчи кезде, янги май солиниши биланоқ қайтаман, деган эди.

Қаттиқ хавотирдаман.

Саройда ҳамон ўша тартиб-интизом. Ундан ташқарида эса, қалин девор. Менга айтишларича, халқнинг аҳволи жуда оғир, оч эмиш. Ҳа, энди бу халқ! У бир умрга оч. Бунинг устига, ҳозир уруш давом этаётган бўлса! Князлар олтин гамида қон тўкиш учун кулай пайт топиб, бош кўтаришга тайёр. Улар мамлакатдаги барча айбни менга тўнкашади. Айтишларича, улар Одиссей маҳорабага жўнаб кетишдан олдин омборлардаги эҳтиёт нарсалар ва моллардан катта қисмини ўзи билан бирга олиб кетган, дея овоза тарқатибдилар. Барча кемаларни ўзи билан олиб кетгани учун ҳам, бошқа юртлардан мол ташишга бизда ҳеч нима қолмаган эди. Мамлакатда курғоқчилик рўй бергани учун ҳосил жуда кам бўлишига қарамасдан, Пенелопа ўз ҳамёнини ўйлайди, холос. Ахир,

Пенелопа ўзга юртдан, бир келгинди-да! Йиғиб-йиғиб, бир куни албатта қочиб кетади! Бизнинг абадий душманларимиз — корфянлар, морайтлар, румелиотлар бир кун эмас — бир кун бизларнинг оролимизга бостириб келадилар-у, бизни тиз чўктириб, ҳаммамизни кул қилиб ҳайдаб кетишлари аниқ.

Мен уларнинг калласида қанақа қора фикрлар гулгун ўйнаётганини, ганимларнинг бад ниятларини етарли тажрибам, ҳамда Одиссейдаги ҳийла-найранг менда бўлмаса-да, зукко фаросатим билан сезиб турардим.

Вақт ўтказмай олий маслаҳатчилар кенгашини чақирдим. Бу кенгаш — кароматли валий Галитерс, шахсий қотибим Итифрон (у ҳам олий мартабали қоҳин эди.), Долия ва Миртодан иборат эди. Қария Лаэрт кенгашга илтифот юзасидан таклиф этилди. Чунки ундан бирор нарсани сўрасанг, у тамоман бошқа нарса ҳақида гапирарди. Бир оёғи гўрда бўлган қариядан ниманиям олиш мумкин. Нариги дунёдан қандай маслаҳат бера оларди?

Бугун ёздагидай чарақлаган куёшли кун эди. Ҳали кечанинг ўзидаёқ бутун орол бўйлаб томоғи бақувват ўз жарчиларимни қўлларига узун калтак бериб жўнатганман. Эрта азондан сарой майдонида нақши нигорли карнайларни сочи узун ахейлар баланд овозда чалиб халқни ва арконларни анжуманга чорлай бошладилар.

Тун қизи олтин сочи Эос, ўзининг ялтироқ узукли бармоқлари билан осмоннинг қирмизи алвон пардаларини кўтарганда чор атрофдан — қишлоқ йўлларидан, сўқмоқлардан оломон оқиб кела бошлади. Бирпасда майдон одамга лиқ тўлгандай бўлди. Кўплар тик турар, бировлар тош ўриндиқларга, яна кимлар ерга — тошнинг ўзига ўтириб олган эди.

Менинг буйруғимга биноан майдон тўрт тарафдан қуролланган аскарлар билан ўраб олинган, тўдаларга кўп сонли махфий жосуслар аралаштириб юборилган эди.

Одамлар, нечук Пенелопа бизларни тўсатдан эслаб қолибди, дея бир-бирларидан суриштиришар, йиғиннинг сабабларини аниқламоқчи бўлишарди. Ахир бир неча йиллардан бери Одиссей бу хил халқ йиғинларини чақириб у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлашни ҳам аллақачон унутиб юборган эди! Халқ эса, ҳар хил масалаларда, ўз фикрини айтишга ҳақли эканлигини тез-тез эслар, Одиссей бўлса, ҳолбуки халқнинг розилигисиз урушни бошлашга ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам йўқ эди. Бировлар — ўз ишлари ҳақида, бошқа бировлар — касаллик ҳақида, учинчи бировлар — қашшоқлик ҳақида жон куйдириб гаплашишарди. Яна айримлар, бу мажлисга кўнгил очишга, томоша учун келганини (мамлакат нима бўлса бўлар, менга нима?) дегандек ўз мақсадини яшириб ҳам ўтирмасди. Тагин кўпчиликни бу ерга шунча катта халойиқ билан бу майда, ушоққина аёл қанақасига муомала қиларкин, эрининг улуғворлиги соясида қолиб кетмасмикин, деган қизиқиш ҳам бошлаб келганга ўхшарди!

Ҳар ким ўзича ўйларди. Арконлар эса, бу майдонга, подшо ҳукумати билан ҳисоб-китоб қилиш учун олдиндан бир фитна тайёрлаб келганга ўхшардилар.

Мен юборган жосуслар халқ орасида изғиб, бирор нарсани эшигар-эшитмас ўша заҳоти саройга югуриб, бор гапдан мени хабардор қилишарди. Лекин мен уларсиз ҳам бор гапдан хабардор эдим. Менда халқ билан арконларни бир-бирларига қарши қўйишдек ажойиб бир режа бўлиб, шунга қаттиқ амал қилардим. Келажақда бу режа менинг ихтиёрим билан бироз ўзгариши ҳам мумкин эди. Мабодо, халқ томонидан бироз хавф кучайгудек бўлса, арконлар мен томонимга ўтиб, халққа қарши кўрашардилар.

Ниҳоят бурғу ва карнайлар чалиниб, ёғсираган ошиқ-мошиғи асабий гижирлаб мис ҳалқали дарвозалар очилди. Аскарлар, ҳарбийлар ва маслаҳатчилар қуршовида ичкаридан чиқиб келарканман, оломон денгизининг беҳисоб шовқин-сурони ўша заҳоти тиниб қолгандек бўлди. Ўтирганлар ўринларидан сакраб туришди, турганлар эса, мени яхшироқ кўриш учун оёқ учларида кўтарилишди.

Мени шундайм кийинтириб, ясантиришган ва пардоз-андоз қилган эдиларки, кўрганлар беихтиёр Афродитанинг ёғоч ҳайкалини кийинтириб ясантирган ва бўяб пардоз бериб қурбонлиққа ҳозирлаган уч қоҳинанинг хизматини эслашарди. Лекин мен қаққайиб турувчи ул санамдан ҳам гўзалроқ эдим.

Эгнимда тўлқинни эслатувчи мовий рангдаги калта хитон. Белбоғим, найзам, қилич ва дубулғам — ҳаммаси кумуш ва олтиндан бўлиб, кўзни қамаштирарди. Дубулғам остидан денгиз шери терисидан қилинган сўзана орқамга ёйилиб янада салобат бераётганга ўхшарди. Мен тўлиной нурида ялтираб ётган денгиз окшомига ўхшардим гўё.

Ҳамма менга оғизларини ярим очганча кўзларни чақчайтириб, гўё менинг кўксимда Афганинг бозбанди — соч ўрнига илонлар чирмашиб ётган Медузанинг бошини кўргандек тош қотган эдилар.

Найзани ерга уриб, эндигина ўнг оёғимда босиб остонадан ҳатлар эканман, сеҳрли таёқчанинг бир ишорасини кутиб тургандай, халқ потраб кетгандай бўлди.

Фил суягидан ясалган тахт олдига келиб тўхтарканман, мендан олдинроқ иккита чўри қиз олдинга чиқди. Улардан бири Телемахнинг қўлидан, иккинчиси — Аргуснинг

занжиридан ушлаб туришарди. Лаэртни мен ўнг томонимга, тахтдан бироз пастроқда, Телемахни эса — чап томонимга олтин курсига ўтқаздим. Аргус менинг оёқларим остига чўзилди.

Мен бошқалар ҳам қарасинлар, деган ниятда хинога бўялган оёқларимга қарадим... Эндигина ўтирар-ўтирмасимданоқ, сотиб олинган, ёлланма ёшлар баланд овозда бараварига қичқиришди:

— Улуғ маликамининг умрлари узун бўлсин!

Халойиқ бу сўзни ўша заҳоти илиб олиб, гулдираб уч марта такрорлади, гўё бу учта тоғ чўққисига чақмоқдай урилиб, акс-садо бергандай бўлди.

Арконлар сукут сақлаб туришар, айримлари ора-чора бир-бирларини тирсақлари билан нуқиб кўйишарди. Улар синчалак нусха увовқина хотиндан бу қадар улугворликни сира кутмаганга ўхшардилар.

Елкамгача очик, яланғоч қўлларимни олдинга чўзганча, тинчланинглари ишорасини бердим. Лекин унга қадар ҳам тинчлик, аллақачон ҳукм сурар, одамлар менинг овозимни эшитишга муштоқ бўлиб, менинг доно фикрларимни тинглашга тайёр турардилар.

— Қадрли, мухтарам арконлар! Сиз томирларида мовий қонлар жўш уриб турган, улуғ ва муқаддас ота-боболарнинг фарзандларисиз! Сизларнинг эгингизда олтин жуббалар ялтираса-да, улуғ қалбингизда, мустаҳкам таянчингиз — алвондай порлаб турган тахтга нисбатан хурматингиз беқийсдир! Сен ҳам, қўешнинг жазирама иссиғида ва қаҳратон қор-бўронларда тобланган, кенг елкали, қўли қадоқ, меҳнаткаш, фидокор халқ, яъни, миришкор деҳқонлар, боғбонлар, дурадгор ва гишт терувчилар, денгизчи ва мол боқарлар, этикдўз ва темирчилар! Қўли қадоқ меҳнаткашлар, диққат билан эшитинглари, подшоҳ ва раҳбарларсиз сизлар яшай олмаганингиздек, подшоҳ ва раҳбарлар ҳам сизларсиз ўз ҳаётларини, шу хил ҳашаматли саройлар, дабдабалар, зеб-зиннатлар, фойтун ва аравалар ва бошқа қулайликларга эга бўлолмас эдилар; улар инсонлар орасида тартиб, интизомни таъминловчи қонунлар ҳам чиқара олмасдилар; ўз ватанимизнинг шон-шухратини кўкларга кўтарувчи урушларни ҳам олиб бормаган бўлурдилар; Ёки, Яратганининг шаънига қўшиқлар айтиб, унга сифинмас ҳам эдилар!

Арконлар ва халқ! Мен бу ерга сизларни яқиндан билиш учун, ўз навбатида сизлар ҳам мени яхшироқ тушунишларингиз учун чорлаганман. Яъники, мен — ўз қавмимни, сизлар эса ўз — руҳий пирларингизни кўришга тўпланганмиз!

Одиссей жўнаб кетаркан, менга шоҳликнинг олтин асосини қолдириб кетгани ва мен ҳам уни авайлаб олиб кўксимга босганимдан хабарларингиз бор. Бу ерда иштирок этаётган дин вакиллари, руҳоний ва қоҳинлар, мирзолар буни тасдиқлашлари мумкин. Демак, шундай экан, мен сўзсиз давлатни бошқаришим, арконлар менга ёрдам беришлари, халқ эса менга итоат этиши лозим.

Ҳокимият асоси — бу ўз навбатида Фемида ҳассаси. Ва шоҳ амри — бу Зевс амри. У итоатсизликни зинҳор кечирмайди. Мен итоатли одамларни ўзимдаги бор эзгуликлар билан сийлайман. Кўнгли қора, бадният кишиларни эса, ўзимдаги бор нафрат ва қаттиққўллик билан жазолайман.

Шуни яхши биламанки, бизда об-ҳаво туфайли ҳосил нобуд бўлиб, қашшоқлик бошланди. Дўконларнинг қулфлари бузилиб, боғ-роғлар талон-торож қилинди. Ҳаммаёқда қонунсизлик ва бошбошдоқлик рўй бермоқда.

Лекин бундан буён бу хил ҳолат такрорланмаслиги лозим.

Халқ арконлардан норози, омборлари ғаллага тўла арконлар эса, подшоҳ ҳокимиятига, яъни Одиссей олиб бораётган адолатли урушга, хотин киши олиб бораётган кучсиз бошқарувга қарши. Бунга судлик билан чек қўйиш керак. Келинлар, ҳаммамиз — малика, арконлар ва менинг жафокаш халқим биргаликда она ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб қолишни биргалашиб ўйлайлик.

Мен шимолий оролардаги подшоҳликка қарашли ерларни халққа инъом этмоқчиман. Қиш давомида у барча кўриқ ерларни ўзлаштириб, ўша ерларни ҳайдаб уруғ қадайд. Саратонга келиб хирмон-хирмон ҳосил кўтаради.

Сиз арконлар эса, ўларингиздаги буғдойнинг тенг ярмини халққа берасизлар. Албатта, бу текинга эмас. Қарзга берасизлар, у бўлса, бу қарзни келаси йил пул билан, ёки бирор иш эвазига қайтаради. Агар кимда-ким қарзини қайтаришни истамаса, ёки унинг урдасидан чиқмаса, илоҳий ва инсоний қонунларга асосан бундай кимсалар сизнинг қулингизга айланажак. Менимча улар бу мажбуриятларининг урдасидан бемалол чиқа оладилар. Бунинг устига келаси йил Одиссей жангдан катта зафар ва бир-икки авлодга эмас, балки ўн икки авлодга етарли ўлжани олиб қайтади. У бизнинг кичкина Итакаминизни келажаги буюк Итакага айлантиражак!..

Сиз арконлар, менинг қаҳрамон халқимни бизнинг ороларимиз ерлари наша ва қаҳва экишгагина ярайди, деб кўпам кўрқитаверманглари..

Ҳарҳолда мард ва жасур кишилар бало қачон келаркин деб кутиб ўтиришмайди. Балки, унинг келишини олдиндан башорат қилишади. Ва одамларни огоҳлантирадилар.

Биз Одиссей келгунча, яъни кузгача қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз керак. Итакада учта мустаҳкам кема бор. Булар Эвримахга, Антинойга (ўзи бу ерда йўқ) ва Леокрытта қарашли. Мазкур кемаларнинг эгалари уларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб, дарғаларни тайинласинлар. Бу кемалар тўсатдан Элидага ҳужум қилиб, у ердаги озиқ-овқат, қорамолларни қўлга киритишлари ва одамларни асир олишлари керак. Табиатда шундай бир қонун бор: ақлли ва кучлилар доимо аҳмоқ ва кучсизлар ҳисобига яшашади. Худонинг ёрдами билан улар соғ-омон, мислсиз шон-шараф (дуо қилайлик) билан қайтишгач, ўлжа олган нарсаларининг энг яхшиларини ўзларига қолдириб, қолганини халққа арзон нархга сотадилар.

Энди мен сўзни худолар билан эркин суҳбат кура оладиган, қуш тили, япроқларнинг шивирлашлари, сувларнинг шилдирашлари ва момақалдироқнинг гулдурашини мукаммал билладиган донишманд ва қаҳрамон отахонимиз, кўп хурматли Галитерсга бераман.

Шундан сўнг, узун ридо кийган, соч ва соқоллари оппоқ Галитерс зайтун дарахтидан қилинган узун асога титроқ, қуруқшаган қўллари билан суяниб олдинга чиқиб келади. У кўзларини юмганча, гўё мен унинг ҳар бир калимасини ҳижжалаб ёзаётгандай дона-дона кироат қилишга киришди:

— Итаканинг шавкатли йигитлари — кефалликлар, аймавриклар ва закифликлар! Буюк қисмат ва Шон-шараф алқаган қаҳрамон ва доно халқ фарзандлари. Шон-шараф алқагани шундан далолатки, Сизнинг подшоҳингиз — Одиссей! Буюк қисмат — Сизга шундай гўзал, Пенелопадек маликани ато этди. Мени диққат билан эшитиб, эсларингизда тутинглар.

Яқинда Фиятрода тангри Аполлон учун қурбонлик қилиш олий ниятида меҳробда эндигина қўйнинг бўғзига муқаддас пичоқни тортишга чоғланиб турган пайтимда бир ажойиб мўъжиза рўй берди: осмондан бир олтин бургут учиб келиб, бошимда чарх уриб айлана бошлади. У ўзига эргашишимни айтиб мени чорлади. Мен қурбонлик қилинаётган қўй ва пичоқни ҳам жойида қолдириб, титраб-қақшаб бургут учган томон йўл олдим. Алқисса, олтин бургутни кўздан қочиргач, бир қирғоққа бориб тушдим. Кўзларимни қисиб кўёш нурлари порлаб турган осмонга қарадим, шу аснода денгиз томондан — ё кудратингиздан худо! — бир нозик аёл овозини эшитгандай бўлдим: “Бу ердаман!”

Шундоқ ўгирилиб қарасам, кўз олдимда ажойиб бир фаришта турарди. Унинг кўкраклари беҳи дарахтининг олтинранг меваларидай сувда қалқиб, ятигарди. Унинг нафислиги мени тамом лол қолдирди.

— Доно Галитерс, башоратчилар раҳнамоси! Сен билан иккинчи даражали худо — Левкофей, Кадманинг қизи, Сув Илоннинг кудратли Халоскори гаплашмоқда!

Шуни яхши билки, Одиссей ўзининг барча кемалари ва барча саркардалари билан Элада тупроғига соғ-омон етиб бориб, зафар қўшиқларини айтиб Троя қалъасига етишди. Одиссейнинг мислсиз жасорати ва донолиги туфайли у забт этилди. Троя давлати ўт ва қилич билан бутунлай тор-мор этилди ва лак-лак ўлжалар, халқдан чиққан минглаб қуллар ва подшоҳнинг бутун насл-насаби билан кўтарасига асир олинди. Ахейлик саркардалар ва оддий аскарлар бу қадар ўлжалар тўдаси ва қараганда кўз тинадиган қулларни бу ерга қандай олиб келишни билмасдан ҳайрон бўлмоқдалар.

Кемаларнинг палуба ва юк ортиладиган остки қисми одамга ва ўлжаларга лиқ тўлиб кетган, зудлик билан янги кемалар қуришга киришилди. Одиссейда йиғирма тўртта кема бор эди, ҳозир уларнинг сони қирқтадан ошиб кетган бўлишига қарамасдан, бари бир етмаяпти.

Ойлар кетидан ойлар ўтади. Ёз келиб, денгизда сокинлик бошланганда, ҳамма ўз ватанига зафар билан қайтажак ва буюк йўлбошчи Одиссей ўзига содиқ кишиларни, арконлар ва халқ вакилларини очиққўллик билан тақдирлаяжак! Шу билан бирга халқ ва арконлар орасидан чиққан барча сотқинларни қаттиққўллик билан жазолайди.

Бу сўзларимнинг ҳаммасини менинг гўзал синглимга, подшоҳнинг вафодор ёстиқдоши, улуғлардан туғилган доно ва садоқатли маликага албатта етказ!

Менинг қўлимдан ушбу муқаддас илоҳий сўзанани олиб, уни Пенелопага топшир. Уни кийганда у худодек ўйлаш шарафига муяссар бўлади! — Шу сўзлар айтилганда мен бошимдан дубулғамни олиб, Левкофейнинг муқаддас сўзанасини ёйиб юбордим. Ёлланганлар ва оддий кишилар мени шодон олқишлай бошладилар. Шовқин тингач, башоратчи сўзида давом этди:

— Кейин ер ва денгизда, аллақандай бир акс-садоли сукунат чўккандай бўлди. Ярим худонинг илоҳий сиймоси ғойиб бўлиб, сув юзида ёғ тўкилгандек ёруғ бир издан бошқа ҳеч нима қолмагандай эди. Мен ўйчан ҳолда меҳробга қайтганимда, қурбонликқа аталган қўй жонивор ҳали тирик бўлиб, маъраб, ер тепиниб турарди...

Шу сўзларни айтиб бўлгач, у менинг ортимга ўтиб турди. Узоқ сукунат чўккандай бўлди. Кўпчилик содда кишилар бу мўъжизага ишонганга ўхшарди. Лекин оқсуяларга бу унчалик ёқмади. Улардан жуда кўрс ва кўпол Полибнинг ўғли Эвримах дегани сўз олиб, бундай деди:

— Ҳой, сен ҳийлагар ва хушомадгўй башоратчи! Яхшиси, сен бу ерда гап сотиб,

одамларнинг бошини қотиргандан кўра, уйингга бориб, қайси боланг кимдан бўлганини ҳисоблаб ўтирсанг бўлармиди. Биз бу ерга сендан ва маликадан қандайдир бир янгилик эшитишга келмаганмиз. Чунки, бизга, шундай ягона бир ҳақиқат аёнки, бундан кейин ҳеч қандай ва ҳеч қачон Одиссей ҳам, бошқалар ҳам қайтмайди. Орадан аллақачон уч йил ўтиб кетди! Улар аллақандай номуссиз бир аёлнинг номусини ҳимоя қилиш учун шунчалик узок муддат сузишмайди-да, ахир! Яъни, ўзи йўқ нарсага бунчалик кураш кимга керак? Бизлардан қайси биримиз ақлли бўлсак, ўшаларимиз она ерни тарк этиб, озга қаноат қилмасдан, ҳамма нарсамизни бой бердик. Энди эса, бизнинг зиммамизга она-Ватанни ҳалос этишдек улук бурч турибди. Бизга сочи узун — ақли қисқа хотин кишининг буйруқ бериши мумкин эмас. Бунинг устига бу аёл жуда ёш! Ахир қачонгача бу хил ўзи бўларчилиқка йўл қўйишимиз мумкин?

Бизга раҳнамолик қилувчи ажойиб маликага бир қаранглар. У шундаям бўяниб, ясаниб олганки, бамисоли — актрисадай! Буни аёллар кўпчилиқ ўзларини ақлли эмас, балки гўзал десинлар учун қилишади.

Мабодо, ҳатто, Одиссей ўлган тақдирда ҳам — бу у билан бирга давлат ҳам ўлди дегани эмас-ку?!

Айтайлик, бу хоним гўзал, ҳатто, жуда гўзал ҳам бўлсин! — лекин, давлатни лаббўёқ ва қамчи билан бошқариб бўлмайди-ку. Демак, икки йўлдан биттасини танлаш керак: халқни бошқариш учун, арконлар орасидан бир кишини ўзига эрликка танлаши, ёки унинг ишдан истеъфо беришига тўғри келади. Ҳалиям кеч эмас, қанча тез бўлса, шунча яхши!

Шунда менинг илоҳий бўрибосарим Аргусга бир қарасангиз эди. У ҳамма нарсани тушуниб турар, фақат инсондек гапира олмади. У сўйлоқ тишларини кўрсатиб Эвримахага ташланмоқчи бўлиб акиллар, атрофдагиларга беҳисоб кўрқув улашарди. Мен унинг занжирдан салгина тортиб, унинг гашига тегар, у бўлса бадтар ўчакишар эди.

Мен эсам итнинг занжирдан ушлаб турарканман, ҳамма эшитсин учун баланд овозда:

— Ўтир, садоқатли дўстим! Ҳар қандай дайди итлар сенга қараб хурганда ўзингнинг подшоҳлик ити эканингни унутма! — дедим мулойим.

Бирок, Полибнинг ўгли совуққонлик билан сўзида давом этди:

— Бу йил барча ҳосилимиз нобуд бўлди. Очиғи, биздан худолар — Посейдон, Аполлон, Афродита ва уруш худоси Ареснинг ўзи ҳам қаттиқ дарғазаб бўлганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам трояликларга эрк бериб, улар томонида туриб архейларга қарши жанг қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам улар бизга ёмғир юборишмади. Натижада биз ҳар йилги ҳосилнинг ярмини ҳам ололмадик. Марҳум бўлса омборлардаги бор ғалани ўзи билан олиб кетган.

Энди, унинг хатосини тузатиш мақсадида сен бизларни тўлашга мажбур қилмоқдасан. Қанақасига биз яримнинг ярмини тўлар эканмиз, ахир ўзимизнинг одамларга етмай турибди-ку?! Бунинг устига ҳар қандай хаёлпараст аёлнинг сафсата гапларига осонгина ишониб кетаверамизми? Наҳотки, биз туғилмаган бузоққа қозик қоқсак? Ёки, келаси йил худоларнинг бизга раҳми келиб, мўл ҳосил олинишига ким кафолат бера олади?

Худолардан меҳр-шафқат сўраб, уларни юмшатиш керак. Биринчи навбатда уларга тавба-тазарру қилиб, қурбонлиқ қилишга тўғри келади. Бу — айбдорнинг хотини — сен бўласан. Бу билан Артемида меҳробида Агамемнионнинг Ифитенияни бўғизлагандай сени сўйсинлар демоқчи эмасман. Сени ҳурмат ва мусиқа садолари остида Гименея меҳробига олиб бориш лозим! Қурбонлиқ учун! Очиғи сен эмас, ўша сенга уйланган киши қурбон бўлиши керак, Ахир у, нафақат сенинг гўзаллигинг ва ёшлигинг учун, балки, давлат олдидаги улкан масъулият учун ҳам қурбон бўлиши керак.

Сен бошқалар ҳисобига сахийлигингни кўрсатмоқчи бўласан. Тошлоқ, ҳосил унмас ерларни одамларга ҳадя этиб, уларни сургун қилгандан кўра, охириги беш йил давомида сенинг бепарволигинг туйфайли бизлардан ўғирланган хамбалардаги ортиқча ғалла ва кўралардаги молларни очларга бўлиб берсанг яхши бўларди. Сен бу бойликни ҳам эгаллаб, сомон устида ўтирган итдай қаққайгансан.

Сенга қарашли ўн иккита омбор тўла ғалла ва шунча омборда зайтун ёғлари тикилиб ётибди. Бунинг устига ҳар қайси эллик бош сигирдан иборат ўн икки пода, ҳамда икки юз бош қўй ва эчкидан иборат ўн икки сурув ҳам бир ўзингга қарайди. Яна шунча миқдорда она чўчқалар ва уларнинг ўнтадан боласи ҳам сенга қарашли. Буларни бир ўзинг нима қиласан? Ўзинг айтмоқчи, Одиссей сенга бундан минг карра ортиқ ўлжа билан қайтса, буларни очларга бўлиб бер!

Шуни огоҳлантириб айтмамизки, агар кимда-ким бизга ота-боболаримиздан мерос қолган бойликка ифлос қўлларини чўзса, бунинг учун албатта жавоб беради!

Ҳа, Икариа ва иккинчи даражали худо Перибейдан тўраган, Спарта шоҳи Тиндарейанинг жияни ва энгилоёқ Еленанинг амакиваччаси, шуни яхши бил! Ва унутмаки, сен бу ерда келгинди бир аёлсан! Агар сен бундан кейин ҳам Итакада яшамоқчи бўлсанг, фақат биз арконларнинг, (оддий халқнинг эмас!) кўмагига суянишинг керак!

Унинг гаплари мени эсанкиратиб қўймади, аксинча ундан шу сўзларни кутиб турардим. Жуда босиқлик билан истеҳзоли жилмайиб:

— Эй, Полибнинг уятсиз, шарманда ўғли! Ҳали сен гўдаклигингдаёқ улуғ Одиссей тиззасига олиб, суюб ўйнатганини ким билмайди, дейсан? Ҳайф сенга шундай меҳрибонлик! Ҳайф сенга шундай шараф?! Бундан кўра, сенга кўпроқ виждон, қисқароқ тил берса бўлмасмиди? Начора? Сенга виждонни бера олмайман. Лекин тилингни қисқартишим мумкин. Чунки, халқ мен билан! — дедим борган сари қизишиб.

Худди шу аснода, оломон тўдаси орасидан, жулдур кийинган, сочлари патила шўрлик бир кимса отилиб чиқди. Бу халқ орасига ташланган ўша жосуслардан бири Долийнинг ўғли Мелантий эди.

— Мен оддий балиқчман. Отам ҳам балиқчи ўтган. Бобом деҳқон бўлган... ўқишни, ёзишни билмайман, ҳатто, ҳарф танимайман... Очиғини айтсам, тўғрироқ гапиришни ҳам эсдан чиқариб юборганман... узоқ йиллардан бери, одамлардан четда, қоялар орасида ёлғиз яшайман. Гапириб, кўнгил очай десам, қайиқ, болта, тўрлар, саккизоёқ ва ўзимдан бошқа бирор кимса йўқ.

Нимаики билсам, ҳаммасини худо ва табиатдан ўрганганман. Демак, менда ҳеч қанақа ёлғон, уйдирма ва иккиланиш деган нарса йўқ, ҳаммаси бор гап, ҳаммаси қонуний... Мен шуни яхши биламанки, Итакани худолар яратганлар ва уни ишониб подшоҳларга топширганлар. Бошқа гапларнинг ҳаммаси бекор... Эҳтимол, мени аллақандай бир қасанғи, ташландиқ кимса деб ўйларсизлар, лекин мен шуни аниқ биламанки, бизга худолар тақдир қилган подшоҳлар бор экан, Итака ҳам, мен ҳам бўламан. Яъни, Халқ ҳам бўлади!

Шунинг учунки (буни худолар ва табиат айтган), демак шундай экан, бизнинг муқаддас маликамизга бировнинг тегилишига, ҳатто тил теккизишларига сира йўл қўймаймиз. Буни яхши билиб қўйинглар...

Арконлар унга ташланиб, урмоқчи бўлишди. Лекин бошқалар уни ўраб олишиб, бор овозда қичқиришди:

— Тўғри айтаяпти у!

Бу сўзларни кўпчилик халқ томонидан тақрорланди:

— Бизлар ҳам шу фикрдамиз!

Эҳтимол уларнинг оғизларидан бадбўй ҳид келар, эҳтимол уларнинг бетларида хуснбузарлар тошиб, йиринглаб ётган ва ёқаларида битлари ўрмалаб юргандир, лекин улар қалбан тоза, қатгий ва содиқ эдилар!..

— Яшасин, бизнинг абадий Маликамиз ва Онамиз! Мангуга бошимизга соябон бўлсинлар! Агар биз керак бўлсак, ўша заҳоти овоз бер, биз шу ердамиз. Бошимизга чиқсанг ҳам, бўғзимизни кессанг ҳам биз ҳаммасига тайёрмиз. Бу бизга ёқади. Эшитаяпсанми, хушрўй йигит Эвримах?

Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек, силлиқ кетаётган эди, бирданига тўсатдан чақирилмаган кир-чир, бедаво, кал, пакана бир букри пайдо бўлиб, барча “томоша”ни вайрон қилиб, чиппакака чиқарди. У менинг ёнимни, арконлар бўлса уларнинг ёнини олади деб ўйлагандим. Мана нималар деди, бу дарди бедаво майиб:

— Бизлар малика ва арконларнинг барча сўзларини диққат билан эшитдик. Сизлар фақат ўз манфаатларингни ўйлаб гапирдинглар. Бизлар жонимизни жабборга бериб, эртадан кечгача сизлар ва подшоҳ учун меҳнат қиламиз. Биз очмиз, касалмиз, сизлар эса тобора семириб кетаяпсизлар. Урушда биз ўламиз — ҳамма фойда эса сизларга. Бизга эса, насиб этгани: номаълум аскар қабри! Агар сиз қарз олсангиз, уни тўлашни сира ўйламайсиз. Мабодо, сизлардан қарздор бўлиб, тўлай олмасак, биз қулга айланишга маҳкуммиз. Томиримиздаги қонни сўра-сўра, ҳолдан тойдирсангиз-да, яна худолару ёлғон ғоялар билан бизни алдаб келасизлар. Қалбимиздаги қоронғулик қанча қуюқ бўлса, сизга шунча қўл келади.

Қанча оғирлик бўлса, сабот билан кўтаришга маҳкуммиз. Сизлар фақат қадаҳларнигина кўтариб, ифлос, парку тўшақларда зерикарли хонимингиз билан ялпайиб ётиш, ёки бизнинг тажрибасиз қизларимиз номусини булғаш ва узоқ ўлкалардан сизнинг ишратингиз учун Афродита башоратчилари томонидан олиб келиб тортиқ қилинган гўзаллар билан айш-ишрат қилишдан бўшамайсизлар!

Нигоҳларни қувонтирадиган, инсоният ақлини лол қолдирадиган барча нарса: далалар, боғлар, кемалар, саройлар ва ибодатхоналар — буларнинг ҳаммаси — бизники. Уларни биз яратганмиз. Улар биз — таланган халқники. Уларни биздан талаб, тўнаб олиб ва ўзимизга қурдирганлар!

Бизнинг оролларимизда яшаган биринчи хўжайинлар — телебойлар ҳам талончи ва



босқинчи бўлганлар. Телебойларни Кефал ва Аркудадан тўраган ўғлон Аркесий улардан ўн чандон ортиқ талончи эди. Одиссейлар сулоласига ўша асос солган. Одиссейнинг бобоси Автолик ўғрилиқ илмини ўз отаси қадимги ўғри Гермесдан ўрганган. У ҳатто ўзининг илоҳий устози ва Коринф шоҳи Сизифга ҳам қулоқ солмай, ўтган-кетган йўловчиларнинг бўйинларига сиртмоқ ташлашни ўрганган. Автоликнинг қўлига нимаики тушса, ўша заҳоти гумдон қилинган. Бу “фазилат” ҳатто Гермесда ҳам бўлмаган!

Айтишларича, биз ўғри раҳбарларни хоҳламас эканмиз. Бу ҳаммаси сафсата. Ҳаммаларингни бу ердан улоқтириб ташламасимиздан аввал эҳтиёт бўлинглар. Биз ўз қўлимиз билан барпо этилган бу юртни бошқаришни ҳам ўзимиз уддалаймиз. Биз ўзимиз учун эрк ва адолатни талаб қиламиз, бу демак, бизга — ҳокимият керак.

Сиз инъом қиладиган бир парча ҳайдалмаган ер ва бир ҳовуч дон керак эмас. Арзимас садақангизни олишни ўзимизга ор деб биламиз. Барча ер ва ғаллани ўзимиз оламиз. Агар сиз ҳам биз қатори ишласангизлар, адолат юзасидан ўз ҳиссаларингизни оласизлар. Ана шунда бизнинг еримиз шундай мўъжизалар яратадики, бунинг учун бирор-бир Олимп, ёки даҳшатли ҳаёт ва Фемийнинг ҳам ҳожати йўқ...

Улуғ бир тўполон, қудратли шовқин кўтарилгандай бўлди. Қоровул ва арконлар бидъат ва исёнкор бандага бараварига ташланиб, ер билан яксон қилмоқчи бўлдилар. Яна кўп сонли халқ ҳам. Ҳақиқий халқ!

Карнайчиларга “Жимжитлик!” куйини чалишни буюрдим. Ва сўрадим:

— Бу жинни ким бўлди?

— Бу Терсит, — дея қулоғимга шивирлади Долий. — У бу ерлик эмас. Унинг қаерданлигиниям ҳеч ким билмайди, эҳтимол чет элдан келган жосусдир! Уни шунинг учун ҳам қамоқда сақласалар керак. Лекин, буям унинг ақлини киритмаганга ўхшайди.

— Қайтадан қамоққа ташлансин. Ва ўша ерда мен учун икки юз дарра! Ҳа, дарвоқе, яна шунча халқ учун ҳам урилсин!

Кўриқчилар ўша заҳоти калтаклашга тушдилар. Уларга халақит бермадим. Беозор йўловчига яхши итни киш-кишлаб бўлмаганидек, содиқ кўриқчининг — исёнчи фуқарони калтаклашига ҳам халақит бериб бўлмасди. Уларнинг касбидан кўнгли совиб, тергаш ва жазолашда ҳаваслари сўниши мумкин.

Терсит қанчалик қаттиқ урсалар, у шу қадар баланд овозда бақирарди.

— Қонун-қонидани бузгани ва менинг шахсиятимни ҳақорат қилгани учун уни судга бериш керак. Ҳокимият ташкилотларига қаршилик кўрсатгани учун ҳам. Душманларга ён босгани, динни ҳақорат қилгани учун!.. Яна... судга беринглар! Судьяларнинг ўзлари минг бир айбни топишади. Бир умр қамоқда сақлансин! Агар у ердан соғ-омон чиқса, уни қоялардан иборат борса-келмас, узоқ бир оролга обориб ташлансин, токи ўша ерда ўзи истагандек қоялар ва калтакесакларга подшоҳлик қилиб “даври даврон” суриб яшасин! Агар унинг бирор қариндоши бўлмаса, энг яқин кўшниси қамоққа олинсин! Унинг учун тўлов берсин! Адолат илоҳаси кимлигидан қатъи назар, қурбонлиқ талаб қилади!

Вақт тушдан ўтган бўлса-да, ҳали “томоша” тугамаган эди.

Эвримахга ўғрилиб, ўз нутқимда давом этдим:

— Полибнинг ўғли. Агар сенинг уятинг бўлганда эди, бошқа мард, жасур йигитлар қатори шоҳ билан Элладанинг шарафини ҳимоя қилиш учун жангга жўнаб кетган бўлардинг. Қилич ва найза ушлаб биладиган барча соғлом эркалар денгизда сузиб, жанг қилиб юрибди. Фақат кексалар, хотин-халаж ва вояга етмаган бола-бақралар қолган. Боғ ва далаалар экин экиш, молларни парвариш қилиш, тараша ёриш, гишт пишириш ана шу бечораларнинг зиммасига юкланган. Ёш, соғлом ва чиройли бўлсанг-да, сен қонли жангдан, ўзингнинг парку тўшагингни устун қўйиб ўтирибсан.

— Ғаллани албатта берасан. Бу менинг буйруғим. Бутун ер ва ундаги барча нарсалар: дарё, тоғ ва боғлар, барча экинзорлар, уйлар ва одамлар — ҳаммаси шоҳга қарашли. Бу сенга кундай равшан бўлса керак, албатта! Сен нимани берсанг, ўзингникини эмас, биринчи навбатда шоҳнинг нарсасини берасан. Мен ҳаммасини бирданига сендан тортиб олишим мумкин эди. Лекин эрталаб сенинг ҳузурингга ўз кўриқчиларимни юбораман, зеро Терситга ўхшаганлар сенинг бор будингни тортиб олмасинлар!

Сен эса, она халқим, бир пас тарқалмай тур. Айримлар бу ерга жуда узоқдан келгансизлар. Яна шунча йўлга қайтиб кетишингизга тўғри келади. Сизларни бир хурсанд қилмоқчиман. Сарой ҳовлисида хизматкор ва қўллар беҳисоб кабоб сихларида ўнлаб бузоқ ва йигирмалаб чўчка гўштларини пишириб сизга дастурхон ёзганлар. Қани, дастурхонга марҳамат! “Бас!” дегунча сизларни зиёфат қиладилар. Подшоҳингиз қайтиб келгач, бу хил зиёфатлар ҳар кун бўлади.

Подшоҳликка қутқу солишнинг “айни пайти”ни топмоқчи бўлган сен Полибнинг ўғли ва бошқа арконлар, шуни сизларга айтиб қўймоқчиман, подшоҳликни парчалаб, ҳар қайсингиз ўз мулкингизда ўзингизни подшоҳ эълон қилишларингизга йўл қўйиб бўлмайди. Шуни яхши билингларки, ҳозир мен саройда, ҳарбийларни одатдаги Одиссей давридагидан уч баравар кўпайтирганман. Буларга ҳам ўз ғалламни сарфламайман-ку.

Халқни ва Сизни ҳимоя қилиш учун ҳарбийлар ҳам овқат ейиши керак. Ҳали эшитдингларми, ақлсиз Терситнинг сўзларини? Агар эртага минглаб, рисоладаги терситлар унинг гапларини сизларга такрорласалар, нима бўлади? Сизлар ҳам, мен ҳам хароб бўламиз. Мен сизларга айтган барча гаплар фақат оддий аёлнинг оғзидан эмас, майли, у худо бўлсин, майли малика бўлсин, балки — ана бу сўзананинг эгаси, ярим худо Левкофейнинг иродаси, деб тушунинглар.

Мен бошимдан ўша сўзанани олиб, юқори кўтарганча ҳавода силкий бошладим.

Худди шу аснода ҳовлидан бир қичқир қиқ эшитилди:

— Йўл беринглар! Қочинглар...

— Ким у ерда? — деб сўрадим.

— Одиссей!

Майдонда ёнғин бошлангандек ҳамма югура бошлади: халқ — томоша қидириб, арконлар — ҳимоя қидириб.

Бу ўша қобон — Одиссей бўлиб, кўра эшигини синдириб, у ердан Катта Дарвоза орқали ташқарига чиқишга улгурган, қутуриб ваҳший ҳолга келган бу ёвуз махлуқ ҳамма томонга даҳшат улашиб келарди. У худонинг ўзидай қудратли ва ўлмас бир зот эди, гўё...

Ичагимиз узилгудек қаҳ-қаҳ отиб кулардик.

## Г Е Р М Е С

Биринчи навбатда мен сарой арки ва унинг атрофидаги қалъани яна икки аршин баландликка кўтаришга ва икки дарвозадан ташқари яна тўрт бурчакка тўртта кузатув — кўриқчилик минораси барпо этишга буйруқ бердим. Уларда қоровуллар оқшомлари ва кундузлари сертаклик билан кўриқчилик қилардилар. Қалъа кўриқчилари сонини тўрт юз кишига етказдим.

Майдонда, халқ ва арконлар кўз олдида вақти-вақти билан уларнинг ўқув машқлари ўтказиб туриларди.

Алданган халқ нафақат биздан кўрқиши, шу билан бирга, менинг назаримда бизларни яши кўриши ҳам керак эди. Шунинг учун янгидан буйруқ бердим: мактаблар, черковлар ва шоирлар подшоҳ шаънига, мустабид ҳокимият шаънига ҳар куни муттасил мадҳу-санолар ўқиб, подшоҳ ва ватанни кўқларга кўтариб мақтасинлар. Бу ўз навбатида бечораларнинг диққатини асл ҳаётдан чалғитиб, уларни худодан ва ўлимдан кўрқишга ҳам даъват этарди.

Мен шундай қилишим керакки, давлат худди афсонавий, эртақмонанд саройга айлансин. Қонунлар — пойдевор, худолар бўлса, унинг томи. Унда бирдан-бир яшовчи — мен; қолганларнинг барчаси — соялар. Мен эшик ва деразаларни очмайман, ёруғлик тушадиган бирорта ҳам тирқиш бўлмаслиги керак.

Улар учун куйиб-пишаётганимни кўрган арконлар аллақачон босилиб қолишди; чунки уларнинг душмани — подшоҳлик эмас, балки бот-бот жунбишга келиб, гимирлаётган халқ эканлигини тушуниб етишган эди.

Мен билан ярашиш учун улар ҳузуримга Нисанинг ўғли Амфиномни, Поликторнинг ўғли Писандрни ва Дамасторнинг ўғли Агелайни элчи қилиб юборишди. Улар бирга ўн ҳисса шарти билан халққа ғалла беришди. Эвримах ва бошқа бировлар ҳали ҳам ўз аҳдларида қатъий туришганга ўхшарди. Кутишарди... Қаёққа ҳам боришарди? Охир-оқибат бизларга кўшилишдан бошқа чоралари йўқ эди уларнинг.

Бироқ мен арконларга кўпам ишонмас эдим, назаримда улар ҳам менга нисбатан шундай кайфиятда эдилар. Одиссей келмас экан, вақтинчалик халқ оч қолиши ва Терситга ўхшаганлар уни гиж-гижлаб тураркан, умумий хавфсизлик подшоликни танг аҳволда қолдириб, бизни янада жипслашишга ундарди.

Гастуни қишлоғига қилган босқинимиз яхши самара берди. Қароқчиларимиз у ердан жуда катта ўлжа билан қайтишди. Бошлиқлар энг яхши нарсаларни ўзлари учун олиб, қолган катта қисмини бечораларга арзон-гаровга, яъни, икки баравар ортиқ баҳога сотишди; ахир уруш давом этарди-да!

Мен Эпир қирғоқларига яна бир ватанпарварлик юришига тайёргарлик кўра бошладим. Эҳтимол, ўзим ҳам у ерга отланарман.

Шунда Маянинг ўғли, йирик юлдузлар Туркумига кирадиган чўпон, ўғри ва алдоқчи, ҳамда йўлдан чиққан Аиднинг тарафдори ифлос ва фаҳш Гермес билан галати бир воқеа рўй берди.

Бу ҳақда ёзсаммикан? Мабодо Одиссей ўқиб қолса, бунга қандоқ қараркин? Ахир бу ор-номус масаласи. Чунки, Маянинг ўғли унинг бобосига ота бўлади-ку.

У ҳатто, унга авлод бўлмаса-да, лекин, ҳар қалай, худони севиб қолишим менинг шаънимга тўғри келмас эди. Худолар фақат илоҳалар, ярим худолар, арвоҳлар ва эллинлардан чиққан маликалар билангина ишқ-муҳаббат ўйини қила

олардилар. Оддий ва бошқа мамлакатлардан келган аёллар билан ишлари йўқ эди. Шу туфайли ер юзида уларнинг қабиласи кўпайиб, улардан мисли кўрилмаган — “халқ подачи”лари чиққан.

Бир куни, бундан бир ойча аввал, кечга яқин айвонда ўтириб ипак рўмолга олтин уқа тикиб, унга майин, ялтироқ мунчоқлардан кўкдаги юлдузлар ва заминий гуллар аксини тасвирлаб турардим. Тўсатдан пастда ғайритабиий бир овоз янгради: бу дайди савдогар бўлиб, у жуда ёш, бетлари қуёшда қорайган, кўзлари қоп-қора, жингала сочи йигит эди.

Унинг бўйнига осилган кутида нималар йўқ эди: кўзни қамаштирувчи шарфлар, ўргимчак инини эслатувчи майин кашталар, илон пўстидан қилинган нафис белбоғлар, қимматбаҳо тошлар қадалган нофармон ялтироқ соч тўғнагичлар, рангоранг атир-упалар, хушбўй ўсимлик мойлари, лаббўёқлар...

Ўзимни тутиб тура олмадим. Уни қақирдим ва эшик офага уни юқорига қўйиб юбориш ишорасини бердим. Яқиндан у янада гўзалроқ кўринар, кўзлари порлаб, беҳисоб учкунлар таратиб турарди. Овози-чи? Вужуд-вужудимга бошқа бир дунёдан келаётган оҳангдай сингирди гўё! Эллилар тилида шу қадар чиройли гапирувчи тирик кишини умримда биринчи марта кўриб туришим эди. Мен эллиларнинг барча лаҳжаларини яхши билардим, лекин унинг талаффузи на Геркулес, на Нил ва Борисфен атрофида яшовчи фан арбоблариникидан бутунлай фарқ қиларди.

— Қаердансен, ҳамшаҳар?

— Ҳамма ердан! Мен бу оламнинг белига белбоғ бўлган улкан Океанни бутунлай кезиб чиққанман. Дунёдаги барча халқлар ва худоларнинг тилида гапира оламан! Э, мен қаерларда бўлмадим! Вавилонда дейсанми, Мемфисда дейсанми, яна Шаршаралар юрти-ю, Нил дарёсининг бошланиш ўзани, ҳабашлар юртида... ҳатто, Аполлоннинг ўзи улар билан улфатчилик қилган “энг мард эркаклар” орасида ҳам бўлганман. Бир куни ярим кечликда унинг маст ҳолда қўшиқ айтиб, рақсга тушганини ҳам кўрганман. Шунинг учун ҳам кўрган эдимки, тун қоронғулиги қуёш нури билан порлаб тургандай ёруғ эди. Шундан сўнг ҳар бир тоши — гавҳар ва ҳар бир майсаси — муаттар ҳид таратиб турувчи ўсимликлардан иборат ва бир мамлакат сари йўл олдим. У ерда қушлар одам овозида гапирар, баликлар гўё қушлардек сайрашарди, отлари шоҳли, ҳўкизлари шоҳсиз эди. У ерда дарахт қавакларидан асал томиб турар, чашмалардан сут отилиб жилғалар орқали кўлларга қуйилиб, қаймоққа айланарди. Жануб томон борган сари кунлар тобора чўзилиб, тунлар қисқариб борар, истаган ерингга бориб етмагунча қуёш уфққа бош қўймасди. У ерда аллақачон вақт ҳам, ўлим ҳам барҳам еган. Бу мамлакатда яшовчи ҳар бир киши шундайям кекса эдикки, уларнинг ёнида Кронас худди қақалоққа ўхшаб кўринарди; яначи улар шу қадар қудратли ва донишманд эдиларки, уларнинг олдида худолар ҳам оддий одамларга айланиб қолардилар, гўё.

Кейин Океаннинг орқа томонини айланиб ўтдим ва елкаларини осмонга тираб, оёқларини кериб турган Атлант оёқлари остидан ўтиб ўзимизнинг майда ва алдоқчи дунёга, кўзёши, ўлим ва чирин оламига қайтдим.

У интиҳосиз сўзлар, мен эса унинг қизиқарли ҳикояларини мароқ билан тинглар, унинг жозибали овозига маҳлиё бўлганча ярим юмуқ мижжаларини очишга ҳам чўчирдим. Шу кўринишда мен Медузани ўлдиргач кундуз куни қайрағоч соясида ҳордиқ олиб, ширин тушлар кўриб ётган бўлишига қарамай қўлидан қонли қиличини ташламаган Персейга ўхшаб кетардим гўё.

Билмадим уни қанча вақт тингладим экан. У яна нималар деди, бирортаси ҳам эсимда қолмагандай.

Кўзимни очганимда аллақачон кундузги юлдуз ботгандай эди. Қошларимни чимириб, ундан ҳар хил лаббўёқ ва тўғнагичлар харид қилдим. У бўлса менинг чимчалоғимга тирноғи билан оҳиста тегиниб, пичирлади:

— Менда Протейнинг сеҳрли бир гиёҳи бор. Унинг ёрдамида кекса денгиз худоси балиққа айланиши, сув ва сув ўтлари, истаган нарсалар оловга айланиши мумкин. Уни мен қачонлардир Атлантидада бўлганимга Океаннинг энг чуқур тубига тушганимда кумуш гордан қизларим учун олиб келган эдим.

Унинг қизи Эйдотей сеҳрли гиёҳнинг бир илдизини ўғирлаган бўлиб, уни Нил дарёсининг қуйилишида рўй берган кема ҳалокати оқшомида менга берган эди. Ўша қиз менга ундан қандай фойдаланиш йўлини ҳам ўргатган... лекин, мен уни сотмайман.

— Ҳатто, менга ҳам сотмайсанми?

— Сенга уни ҳадя қиламан. Тўшакда ётганингда битта баргини чайна. Ва ўша заҳоти сенга истаган эркакни ҳозир нозир қилади. Истасанг худонинг ўзини ҳам.

— Гермеснияммми?

— Ҳа, Гермесниямм! Фақат бу агар сенинг деразаларинг очиқ бўлса ярим кечалиқдан кейин рўй бериши мумкин.

Мен унга ишонмадим. Деразаларимни эса очиб қўймадим. Чунки уларни ёпишни ҳам унутган эдим-да! Яна қасддан боққа чиқувчи айвон суянчигига арқондан қилинган шотини тушириб қўйдим.

Ярим кечагача ўзимни қўйишга жой топа олмадим. Жуда қаттиқ асабийлашдим. Чўмилиб, ўзимга — бутун баданимга хушбўй атирлардан сепдим. Сўнг сеҳрли гиёҳни қўлимда ушлаганча тўшакка чўзилдим. Ойналар ва айвоннинг эшиги очиқлигини сезиб, уларни ёпишга қарор қилдим. Кейинроқ. Шундаям ҳаво дим бўлдики, ўз- ўзидан соф ҳаводан нафас олгим келди!

Вақт гўё тўхтаб қолгандай. Юрагим қаттиқ урар ва борган сари тобора қаттикроқ гурсилларди. Гиёҳ бармоқларимни куйдириб юборди. Ўзимни тутиб тура олмай, май билан лабларимни намлаш учун ўрнимдан турдим. Дастлаб бир-икки кулгум, кейин тез-тез ва кўп-кўп. Қанча ичдим, ўзим ҳам билмайман. Кайфим ошиб қолибди.

Кўкўпар теракларда бойқушлар ҳазин қичқирганда ва мунчоқ кўзли замондош қушлар турли хил оҳангларда баланд хониш қилганда, оғзимга битта япроқчани ташлаб, секин шивирладим, ҳатто ўз овозимни ўзим ҳам эшитмасдим...

— Зевс ва Майянинг ўғли, Одиссейнинг шонли аждоди...

Бошқа бирор нарса дейишга улгурмасимданоқ айвонда унинг илоҳий тимсоли кўрингандай бўлди. Бутун вужудимни бошқара олмай, фикрлаш ва нафас олишдан маҳрум бўлган ҳолда кўзларимни чирт юмиб олдим. Унинг иштироки бўлмаса-да, худди у билан бирга ётгандай, унинг кучини, нафас олишларини аниқ ҳис этардим. Бу ҳол тонг отгунча давом этди. Кун кўкаргач, киприкларим аранг очилди. Мен билан дайди савдогар ётарди.

— Кўзларингни юм... Ҳа, мен ҳақиқий инсонни кўришни хоҳлайман.

Шундай деганча узун бармоқлари билан менинг титраб турган киприкларимни силади:

— Энди кўзларингни оч!

Бу Гермеснинг ўзи эди. Лекин, мен унга яхшироқ қарай олмадим. Кўзларимни ачиштирган бир нурни кўрдим, холос...

— Яна ўша савдогарга айлансанг-чи, — дея пичирладим унга.

— Иложим йўқ.

— Энди хайр, жонгинам.

— Сени саройда қолдираман.

— Мен деразадан шамолдай учиб кетаман.

— Бўлмаса эртага...

— Йўқ! Индинга. Бир кундан кейин: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари.

— Бошқа кунлари-чи?

— Олимп тоғида бошқа улуг худодлар билан маслаҳатим бор.

Орадан бир ой ўтди... Мана, бугун бешинчи кундирки, у келмаяпти. Унинг изидан Долий ва Мелангийни қидиришга юбордим. Ҳеч қаердан топишолмади.

Кеча оқшом Қаҳрли денгиз ёнидан унинг ўлигини топишди.

Сеҳрли гиёҳ ҳам бошқа фойда қилмади. Шундай қаттиқ қайғурдимки, ҳатто ётиб қолдим.

Мени уқалаётганда ўз қайғу-ҳасратим ҳақида Миртога айтган эдим, у жуда ҳайрон қолиб сўради:

— У сенга қайси кунлари келарди?

— Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари.

— Душанба, чоршанба, жума ва якшанба кунлари у мента келарди.

Менинг чўримга — ҳафтада бир кун кўп келаркан-а?..

## АНТИНОЙ

Машқлар ўтказиш жуда қўл келаркан. Мен зерикмаслик ва ортиқча семириб кетиб, баданим қотиб, ўз майишувчан силлиқлигимни йўқотмаслик учун қиличбозлик машғулотига қатнашардим. Эркақдай мард ва чаққон бўлишни хоҳлардим. Лекин, бирор марта ҳам қачонлардир, ким биландир яккама-якка олишарман, деган фикр сира хаёлимга келмаган.

Бундан ўн кунча аввал карнай товуши, денгиз томон чопаётган одамларнинг шовқин-сурони ва қадам товушларидан уйғониб кетдим.

Нима гап бўлса экан, дея айвонга чиқдим. Бекатда товус думини эслатувчи таранг ва рангоранг елканлари шиширилган бир ҳарбий кема турарди. У эндигина келиб тўхтаган, ҳатто лангарларини ҳам қадашга улгурмаган ва унинг палубасидан жангга тайёр, қуролланган ҳарбийлар бирин-кетин сакраб тушардилар. Улар ўттизга яқин эди. Кўп эмасми? Менинг рухсатимсиз нима қилиб юрибди улар?

Энг охирида зинадан ёсуман рангидаги сутдай оппоқ, ясатилган бир айғирни худди келинчаклардай оҳиста ерга олиб тушишди. Отнинг эгари олтиндан бўлиб, эгар остидан зар уқали, шокилалли бахмал ёпқич отнинг сағрисига тушиб турар, юган ва нўхталари ҳар хил тақинчоқлар билан безатилиб, туёқлари заъфаронга бўялган эди! У кумга тушиши билан, жиловидан ушлаб келаётган тўрт жиловдор йигит ҳам уни уддалолмай қолишди, от асабий кишнар, олдинги оёқларини кўтариб шундай бевош ўйноқлардики, токи унинг

устига бир сакраб миниб олган чавандоз йигит оёқлари билан қаттиқ қисиб, жиловини қайириб тортгандагина айгир бўйсунушга мажбур бўлди. Биласизми, бу йигит ким эди? Бу — Антоний! Давлатдаги бой ва барваста арконнинг чиройли ўғли бўлиб, у қанчалик чиройли бўлмасин, шунчалик аҳмоқ ҳам эди! Нега энди бу ерга келди, бунинг устига ёнидаги қуролланган йигитчалар нимага керак?

Бандаргоҳда жуда кўп ҳангоматалаб оломон тўпланган бўлиб, улар завқ-шавқ билан галати ташрифни кузатиб туришарди.

Фотиҳ кўринишидаги гўзал йигит шаҳарга йўл оларкан, тўладан қичқиринди:

— Эвпейтнинг ўғли, марҳабо! Оролимиз халқларининг фахри ва умиди, хуш келибсан!

Ҳатто, кимдир аввалгидан ҳам баландроқ қичқирди:

— Яшасин ёш ва навқирон шоҳимиз!

Зўр-ку! Фақат бойлик, гўзаллик ва қилич билан қуролланиб олган куёв кўринишидаги бу йигитнинг подшоҳ бўлгиси келибди-да. Бу ошuftа кўнгил яна нималар истамайди? Упишиш ва урушиш. Унинг ёш умри яна нималарга яраркин?

Одиссей урушга мард ва жасур йигитларни тўплай бошлаганда у қочиб кетиб Кефаллнига яширинган, Эвримаҳга ўхшаб онасининг кенг этаклари остига бекиниб олган эди. Ўзларининг жонларини омон сақлаб, шоҳнинг қайтиб келиш хавфи камайиб борган сари улар қайтадан пайдо бўлиб, худди тоза узилган бодринг сингари майдонга чиқдилар ва менга уйланиб тахтни эгалламоқчи бўладилар. Улар давлат билан бирга барча бойликларни ҳам уларга беришимни талаб қилмоқчи бўладилар. Бундайларга қолса, ўзим билан бирга давлатни ва барча хазиначилар, ҳамда подшоҳликни икки қўллаб топширишим керак эмиш.

Бу гўзал йигитчани ҳали шундай қилайки! Унинг шармандасини чиқариб, бир умр эрдан чиқмайдиган қилмагунча бошқа бирор кишини ҳам қабул қилмайман.

Атрофни кузатувчи айвондан тезгина пастрга тушиб Долийни чақирдим ва унга ўнта эпчил йигитни майдонда ушлаб туришни айтдим.

Сўнг Долий менинг номимдан қумуш баркашда нон ва туз қўйиб, Антинойга пешкаш қилиб, саройда мен уни интизорлик билан кутаётганим, ҳамда то сарой тартибга келтирилгунча зўр бир меҳмондорчилик уюштиражагимни айтади.

Унга ҳам худди шу керак эди! Мўйловларини мағрур бураб жилмайганча йўлини ўзгартирди.

Дарвозалар катта очилди ва у барча ҳамроҳлари қуршовида оқ отини ҳайдаб ичкарига кириб келди. Икки нафар ишончли чўрим, Мирто ва Харисанфи, унга пешвоз чиқиб, ҳаммомга бошлаб кетишди. Долий эса оқ айгирни олиб отхонага, ҳарбийларни — кўрхонага жўнатди.

Ҳаммомда уни мен кутардим. Биринчи навбатда у билан саломлашдим, сўнг одатимиз бўйича уни ўз қўлим билан ювинтира бошладим. Ювинтирар эканман, бир оғиз ҳам гапирмас, ҳатто унга ҳам на оғиз ва на кўзини очишга имкон берардим! Олтин қашлагич билан баданларини роса ишқалаб ювдим, сўнг бошидан иссиқ сув қўйдим ва баданига хушбўй мойлар суркаб, эгнига оҳори хитон кийдириб, дам олсин учун юмшоқ диванга ётқизиб қўйдим.

Кетиш олдида унга иккита калит тутқазиб тайинладим:

— Мана бу сенинг хонангни калити, буниси эса меники: номус ва ўлим. Биринчи билан сен тунда ором оласан, иккинчисига кирсанг, абадий тун бағрига кириб қайта уйғонмайсан. Менинг хонам ёнидан ўтаётганинда, калитни остонада қолдириб кетасан. Ундан ҳатлаб ўтишга ким ҳам журъат этарди (ҳозиргача бирор кимса кира олмаган), чунки у ердан қайтиб чиқа олмасди-да.

Иккала калитни ҳам чўнтагига солди. У аллақачон совуб қолган. Мен унинг дағаллигини синдирган эдим.

Ярим кечаликда биз иккаламиз столда юзма-юз ўтирардик.

У ичарди, мен ҳам ичардим. Саройда, бошқа бир хонада унинг йигитлари менинг қўриқчиларим даврасида еб-ичишарди. Улар мастликдан анча чулдираб қолишиб, менинг одамларимга:

— Худолар хоҳлашса, албатта, қариндош бўлаемиз! — дейишарди.

Бу гаплардан унинг хабари ҳам йўқ, иккаламиз залда жимгина ўтириб овқатланардик. Йигитча гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда, уни тўхтатиб қолдим:

— Мен сўрайман, сен жавоб берасан! Итакага нима учун келгансан?

— Сенга уйланиш учун. Агар бошқа кишига турмушга чиқишни хоҳламасанг — ихтиёринг, тўғри қиласан, — майли, менга чиқақол, ҳаммадан муносиб, яхши эркак менман!

— Сенингча шундайдир. Лекин, эркаклар ичида энг муносиби — менман! Буни яқинда ўзинг ҳам тушуниб қоласан. Шунинг учун менга эр керак эмас; менга хизматкорлар керак. Сени саройга мен билан дўст туғунишга, Полибнинг уятсиз ўғли билан турли хилдаги шартномалар тузиб, овора бўлиб юрмаслик учун таклиф этдим. Бунинг ҳаммаси сенинг фойданга. Дўст сифатида жуда кўп нарсани ютишинг мумкин, куёв, ёки душман сифатида ҳаммасини барбод қиласан. Яхшилаб ўйлаб кўр!

Бутунлай қоронғу тушиб хизматкорларим машғалларни ёқишганда атрофимиздан соялар липиллаб, у ёндан-буёнга ўта бошлади, бу хил соялар нафақат атрофимизда балки, унинг қалласида ҳам ғужгон ўйнади. Майнинг таъсиридан бўлса керак. Мен ҳамиша сергак эдим. Ўрнимдан турганда у ҳам кўзғолди.

— Хайрли тун.

У менинг хонамни калитини олиб менга тутқизаркан:

— Бу менга керак эмас, — деди.

— Менга ҳам, — дедим қуруққина, — хонамнинг эшиги ҳамиша очик туради.

Тунда саройда шундаям суқунат чўкдики, ҳатто даҳлизда оҳиста босилган қадам товушларини ҳам эшитиб турардим. Бу ўша. Лекин, у на менинг хонам олдида, на ўзининг хонаси олдида тўхтарди. Кейин нарироққа ўтиб, Миртонинг эшиги рўпарасида тўхтагандек бўлди. Эшикни итарди. У очик эди.

Қанақасига? Демак, у ҳам кутаётган экан-да.

Орадан бир ҳафтача ўтибдиямки, Антиной уйига жўнаб кетишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Эвримах уни ўлдираман деганмиш. Айни муддао. Демак, уни ҳайдаш вақти етди. Жўнасин. Бир-бировининг гўштини емайдими?

Саккизинчи кун эрталаб мен уни залга чақиртирдим.

— Эҳтимол, зерикаётгандирсан. Мен билан бирор кўнгил очар ўйин ўйнамайми?

— Нима ўйнасак экан? Ошиқми?

— Мен ошиқ ўйнамайман. Қилич билан ўйнайман. Аллақачон сенга айтганман, подшоҳликдаги энг яхши, муносиб эркак бу — менман. Буни исботлай олишим мумкин. — Хотин киши билан уришишга уяламан-да. Қиличбоз йигитларингдан энг зўрини ажрат менга.

— Энг зўри — менинг ўзим. Қани кетдик.

Ҳовлида бизни Долий билан Мелантий кутар: бири менинг қуролимни, иккинчиси униқини ушлаб турарди.

— Қилични олиб тўрт қадам нарироққа бориб тур. Учгача санашим биланоқ ҳимояга ўтасан!

Унинг йигитлари ва менинг кўриқчиларим бизларга ҳайрон бўлиб, қараб туришарди.

— Ҳамма қуролини ерга қўйсин! Хизматкорлар уларни йиғиштириб олиб, жанг охиригача қўрхонага топширинглар. Айтиб бўлмайди-да, қизишиб, бир-биринг билан уришиб кетманглар тагин! Кейин Антинойга мурожаат қилдим:

— Агар енгилсанг менга хизматкор бўласан!

— Сен енгилсанг-чи?

— Мени ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди.

— Тақдир ўйини тескари келса-чи?

— Унда сен менинг эрим бўласан. Фақат эрим, лекин подшоҳ эмас!

Шу аснода Паллада менга шундай бир илоҳий гўзаллик ва қудрат ато этгандай бўлди. Гўё бир жонимга ўн жон қўшилаётгандайман!

— Бир! Икки! Уч!

“Уч” сўзини айтибоқ қаптарга ташланган қирғийдек унга отилдим. У бўлса ноилож қаптардек, дам у ёнга, дам бу ёнга қийшайиб, менинг зарбаларимдан ўзини ҳимоя қиларди. Қиличлар, совутлар, қалқонлар ва дубулғалар узоқ муддат қарсилаб, жаранглаб тургандай бўлди. Мен унга имкон бермай ҳужум қилардим.

Бу жанг шунга ўхшардики, рўпарама-рўпара турган икки тоғнинг осмонўпар чўққиларидан, бир-бирига қарама-қарши эсаётган қутурган шамолга ўхшар, улар бир-бирларига маҳкам чирмашар, ачомлашар, қийқириб бир-бирларини тишлашар, қуриган япроқларни чирпирак қилиб учираар, ерни лапанглатар, сувни асабий чайқатиб кўпиклантирар, чўққилардаги темирқанот қора қушлар баландликдан ўқдай учиб келиб, ғорларга яширингандай — биз бамисоли қарама-қарши эсанг шамоллардек тез, даҳшат билан қутуриб, бир-биримизга ташланардик!

Мен фариштадай учиб, ўз қиличим, лекин Афинанинг қўли билан унга ташландим.

У жуда ҳолдан тойиб, ранги қув ўчган эди. Шунда мен унга имкон бермай қиличимнинг орқа томони билан унинг бармоқларига қаттиқ зарба бердим, қўлидан қиличи тушиб кетди.

Мен уни олиб Антинойга тутқаздим.

— Ушла! Бу билан менга хизмат қиласан ва давлатда биринчи арконлардан бўласан... ҳозирча йигитларингни тўплаб, уй-уйларингга жўнанглар!

— Уларнинг қуроллари-чи?

— Шу ерда қолади. Қуролнинг сенга ҳожати ҳам йўқ. Мен тирик эканман, сени ҳам, одамларингни ҳам ҳимоя қиламан. Ҳа, мен!

## ҚОРА ХАЛҚ ИСЭНИ

Қасос кўзлари илғамаган ерлардан узоқларни ҳам Эрида машғаласи ёритаркан. Шу машғаланинг айби билан, тўсатдан Итака ва бошқа оролларда ёнгин чиқиб, атрофни жаҳаннамга айлантириб юборгандай бўлди. Бунга бир жиҳатдан ўзимнинг ҳам айбим бор. Чунки мен буюк Илоҳанинг битмас-туганмас қудратини эсдан чиқариб, ҳатто унга аталган қурбонлиқ қилишни ҳам пайсалга солганман. Лекин, ҳечдан кўра кеч яхши деганларидек, унинг шарафига кираверишда икки гумбази бўлган улуг бир ибодатхона қуришни буюрдим.

Эрида машғали бу — Терситнинг тили бўлиб чиқди. Ўзим айбдор, ўшанда кўпчилик олдида уни тилидан оситим керак эди! У тошлоқ оролдан қочиб, яширинча Итакага келган ва халқни арконларга қарши кўтарган.

Ўшанда мен йўқ эдим. Мен машҳур, қаҳрамон арконлар билан, Эвримахсиз, ўзим қароқчилар кемаларига раҳнамо бўлиб, Албания соҳилларини талашга кетган эдим.

Очиғи, бу йил ўтган йиллардагига нисбатан жуда ёмон келган эди. Қурғоқчилик, совуқ ва касаллик туфайли далаларда, зайтунзор ва узумзорларда ҳосил бутунлай нобуд бўлган эди. Камбағаллар арконларга ўз вақтида солиқларни тўлай олмадилар. Ва албатта, “илоҳиёт ва инсоний” қонунларга асосан тўланмаган қарзлар кундан-кун болалаб борар, қарздорлар эса кишанга солинарди.

Куллар ҳам ҳадларидан ошиб кетди. Улар нафақат ишлашар, балки бунинг устига мол-мулкларни ҳам талашарди. Бунга жавобан арконлар “Илоҳиёт ва инсоний” қонун номидан уларни ўлимга ҳукм қилиш ва осиб ўлдиришга мажбур бўлардилар.

Шу ўринда, — очиғини айтиш керак, — Эвримах энг адолатли бир йўл тутди. У ўлим ҳақида ортиқча ўйлаб ҳам ўтирмай, кўпларни осиб ўлдириди. Шунда тўсатдан қутилмаган бир воқеа рўй бериб, бутун дунёни остин-устин қилиб юборди: кишанбанд куллар худолар авлодидан бўлган арконни занжирлар билан калтаклашди. Агар хизматкорлар хабар топишмаса. Уни ўлдиришлари ҳам мумкин экан. Унинг чап қўли синиб, ҳамон бўйнида осиглиқ турармиш.

Итакадан чиққан Эрида машғаласи тезда бошқа оролларга ҳам ташлангандек эди. Шундай қилиб қораларнинг умумий исёни аланга олиб кетгандай бўлди. Кулларнинг кўп асрлик нафрат ва қасос алангаси гўё бир неча кун давом этадиган кўринарди!

Арконлар уйларига бекиниб, устларидан қулфлаб олдилар. Уларнинг хизматкорлари эса, қочиб кетишди: шунда яна ўша худобехабар Терсит, яъни Эрида машғали пайдо бўлиб қолди! У уларни қуроллантириб, ҳаммасини бир ерга тўплаб, пулларни ўзаро бўлиб олиш ва янги ҳукумат тузишга мажбур этади!

Кўрдингизми, халқ ҳокимиятини тuzармишлар! Давлатнинг энг кекса донишмандларини тўплаб, бу сўзнинг асл маъносини сўраган эдим, бирортаси менга тушунтириб бера олмади. Чунки ҳозиргача ҳеч бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас экан!

Ҳатто хотинлар ва болалар, — жодугар ва шайтонваччалар ҳам болта ва таёқлар билан қуролланиб олишибди. Улар оролларда энг қулай ўрин ва мавқеъларни эгаллаб олиб, ўз “хукук”ларини ҳимоя қилишарди.

Шунда кўнгилсиз қолатта тушган арконлар махфий суратда Албания қирғоқларига бир кема юбориб, мендан тезроқ қайтиб келиб, уларни халос қилишганимни сўрашган эди... Ҳўш, мен нима дедим?

Мен барча мард ва жасур йигитларимни тўплаб, ўша заҳоти Итакага қайтдим. Қоронғу тушиб келарди. Тўғри саройга етиб бориб, кўриқчиларга буйруқ бердим. Улар ҳам кўрққанларидан қалъа дарвозасини бекитиб олишган эдилар. Мен, худо ёрлақанга малика урушсам фақат Титанлар билан урушишим керак, қаердаги қаланғи-қасанғилар билан олишишни ўзимга ор деб биламан!

Тонг отиб келарди. Лекин, менинг қайтиб келганимдан одамлар бутунлай беҳабар эдилар. Қишлоқларни ўраб олиб, уларга ўт кўйиб юбордим. Йўлларда учраган ва ҳатто мол-мулклардаги одамларни ҳам тутиб осдим. Чоллар ва болаларнинг бошини кесибди; хотин-қизларни зўрлашга; ҳатто қизларнинг сепини талашга ҳам буйруқ бердим. Терсит менга қаршилик кўрсатиш учун тўплаган барча одамлари билан мағлубиятга учради. Унинг кам миқдордаги аскарлари ҳалок бўлдилар, қолганлари эса тумтарақай қочиб кетишди. У бир ўзи ёлғиз қолиб, икки юз киши билан то ўлгунча жанг қилди! Унинг ўлигини тилидан осдим. Ўз аҳдимнинг устидан чиқдим. Икки кундан сўнг яна тарих гилдираги аввалгидек айлана бошлади. Ҳаммаси жойида!

Бировларнинг наздида мен кўпчиликнинг кўзи ўнгида ҳамма гўштни итларга ташлаган эмишман, лекин улар шуни яхши билсинларки, босқиндан келтирилган барча озиқ-овқатни исёнчи халқ егандан кўра менга содиқ итларнинг егани яхши эмасми?!

Уша оқшом менинг тушимга халоскорим Паллада кириб келиб, бетимга секин уриб қўяркан:

— Яша! — деди эркалаб.

Кўринишдан халқ сокин ва тинч эди. Лекин, ичдан бижғиб ётарди. Нафрат бурқсиб

туларди гўё. Оломонга янги доҳий чиқиб қолди. Бу Терситнинг ўғли. Унинг ҳам номи Терсит! Терсит Иккинчи. Лаънати қавм. Битгасини ўлдирсанг, иккинчиси кўкариб чиқади. У тоққа чиқиб кетибди, унинг изидан кўпгина исёнчилар ҳам эргашибди. Бошқалар Кеффалинига, Левкасга, Джанте ва Румелияга жўнаб кетишди. Янги дорлар қурилиб, кўп кишилар дорга тортилди, қатор қишлоқларга ўт қўйилди.

“Бўйсунувчилар” учун мен иш соатларини ошириб иш ҳақларини қисқартдим ва уларни икки хисса ортиқ солиқ билан “сийла” дим. Шундай қилиб, уларни келтирган зарарларини тўлашга ўргатардим. Ёмон эмасанг, яхшининг қадрини демассан. Итака ва бошқа ороллардаги кўрқиб қолган арконлар ўз мол-мулкларидида қолишдан чўчиб, хавфсиз жой сифатида сарой аркига келиб ором топадиган бўлдилар. Ҳолбуки, уларда тегишли қуроллар ва кўриқчилар бор эди. Фақат уларда юрак йўқ эди.

Энди улар саройга кириб ўтириб олгач, бу ердан бошқа жойга жилмасдилар. Шунинг учун гоҳида вақти-вақти билан, улар менга асир эмас, мен уларнинг асириман, дея ўйлаб кўярдим.

Бу ерда кимлар йўқ эди! Биринчиси ва энг яхшиси — Полибнинг ширинтой ўғли Эвримах ва у билан Полибнинг ўзи! Кейин Эвпейтнинг якка-ёлғиз ўғли Антиной; Поликтор ўғли Писандр; Ниса ўғли Амфином; Демастор ўғли Агелай; Политерс ўғли Хтесипп; Эбенор ўғли Лиокрит; Ойнопа ўғли авлиё Леодий; Демоптолем, Эвриад, Элат ва бошқалар. Ҳаммалари эллик нафар. Дастлаб улар кўрқувдан титрашар, биринчи бўрон тугагандан сўнг улар ўзларига келиб бироз жонлангандай бўлишди. Мен уларга қолган-қутган нарсаларингни йиғиштириб, ўз уйларингга жўнаб, ҳеч қурса устларингдан қулфлаб ўтиринглар, токи мен тирик эканман, ҳеч нимадан кўрқмасаларинг ҳам бўлади, деб тайинладим. Бошқалар сизни ўлдирмасданок, ўзларинг уларни ўлдиршига ўганинглар.

Шундай десамда улар ўринларидан қимирлашмайди. Ўз уйларидагидай ҳис этишиб, боғ-роғларни мазза қилиб айланишади. Менинг қурол-яроғларимдан фойдаланишади. Хўжайинлар ва жаноблар. Шу ердан саройдан туриб ўз ерлари, мол-мулклари, тахт ва ватанни ҳимоя қилиш бирмунча осонроқ экан. Лекин, улар менинг омборларимдаги галлани, бочка-бочка ёғ ва мусалласларни, пода-пода мол, кўра-кўра қўй ва чўчқаларимни еб битиришаяптилар-да.

Ҳар куни саройда ўн икки бош қўй, саккиз бошдан бўрдоқига боқилган чўчка ва яна икки бош бузоқ сўйилади. Янги-янгисини сўйишади, қайнатиб ейишади, қовуриб ейишади, кабоб қилиб ейишади ва ҳатто бутунлай ейишади. Бу еб-ичишлар менинг кўз олдимда рўй бериб туради. Базм қилишади, кўшиқ айтишади, ер тепиб рақсга тушишади. Фемияни мажбур қилиб, Трояга қарши жангга кетган мард йигитлар шаънига тинимсиз кўшиқ айттирадилар. Бироқ, Одиссей номини бирор марта ҳам тилга олишга сира унга рухсат бермайдилар! Айтишларича, у ҳақиқатга тўғри келмайдиган бу кўшиқни аллақандай бир улуг шоир тўқиган эмиш. Унинг номи аллақандай Амерми, ёки Томарми, шунга ўхшаш бир нима экан.

Улар менга қарашли чўрилар ва хизматчи аёлларни ёллашга ўтишди. Нафақат уларнинг ўзлари, балки йигитлари ҳам. Улардан ўрناق олган менинг аскарларим ҳам чўри ва қулваччаларимга айланиб қолишди. Ҳатто улар Эзгулик худоси шаънига қурилган ибодатхонада ношаръий ишлар қилдилар!

Менинг одамларим бошқа менга итоат этмай қўйишди. Ҳатто арконлар билан яшашни мен билан яшашдан кўра устун қўйишарди!

Агар шу билангина иш битса бошқа гап! Лекин, арконлар ҳаддиларидан ошиб, аввалги эски кўшиқларини бошлашди: истақлари — менга уйланиш! Ҳар куни қатор-қатор совчилар ва совға-саломларнинг кети узилмайди!

Кечалари кўзим чирт юмилмайди. Бедорхоблик тинкамни қуритиб борарди. Асабийлашаман! Кошқийди Улуғ Ҳукмдор, қаҳрамонлар ичра қаҳрамон, донишмандлар ичра донишманд Одиссей тўсатдан кириб кела қолса ва... яна кимдир.

Акс ҳолда ёрдам учун бошқа шоғга мурожаат қилишга тўғри келади.

## Ҳ О М Е Р

Дийдаларимизнинг нури мунаввари! Айтишларича, замонамизнинг улуг шоири мана бизгача ҳам етиб келди! Ҳазрати Ҳомер! Уни шундай аташади, бироқ унинг ҳақиқий номи нима ва қаерда туғилгани худоларнинг ўзларига ҳам аниқ бўлмаса керак. Яқинда у менинг эшигимни ҳам чертади. Менда бўлса уни тинглашга заррача хоҳиш йўқ. Очиғи, бу дайдилар жонимдан тўйгазиб юборишган. Уларнинг ҳаммалари алдоқчи. Агар Фемияни саройда тутиб туришимга келсак, бу ҳам фақат Одиссей учун. Унинг ўзи шоирни бу ерга олиб келган, қачонлардир қайтиб келиб, уни бу ердан топа олмаса яхши бўлмайди.

Ҳали урушгача ҳам бу хил бахшилар юртдан-юртга дарвишона кезиб, ўзларининг дағал (мастона, хирилдоқ!) товушлари билан шоҳлар ва бойларнинг саройларида, ким кўп тўласа ўшалар ҳақида, уларнинг мисли кўрилмаган, ақлга сигмас қаҳрамонликлари



ҳақида дostonлар тўқиб, куйлашарди. Бугунга келиб, бу хил маддоҳларнинг сони ёмон қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган эди.

Дарбонларга мабодо шундай одам пайдо бўлиб қолса ва у менга ҳам ёлгон-яшиқ сўзлар билан алаҳсирайдиган бўлса, киритманглар, яхшиси, унга бир-икки чақа бериб, жўнатиб юборинглар, дея буйруқ бердим.

Орадан ҳафта ўтибдиямки, ҳамон у саройда қорасини кўрсатмас эди. Наҳотки, у мендан аввал Эвримах ва Антинойга бориб учрашди экан? Албатта, бу менинг фойдамга бўлмайди. Чунки улар менга гўё Одиссей ўлган деб айтасан, деб ўргатишлари мумкин. Тезда унинг изидан киши юбориш лозим.

Унинг айтишича, ҳақиқатан ҳам у Трояда бўлган ахийларнинг ва барча ҳарбий саркардалари билан бирга бўлиб, бирга еб ва ичгани, ҳатто бирга жанг қилганини гапириб берибди. Бу дайдиларнинг кўпчилиги Эгрип ва Ньюкастродан нари ўтишмаган эди. Бу жойларни, ҳамда воқеаларни у қачандан кўриб, қандай куйлади экан? Ахир кўзлари кўр бўлса?!

Бу сўқир — жуда улуг шоир, деган овозалар ҳам юради. Одамлар учун шундай ажойиб санъат билан эртақлар тўқийдики, бамисоли чўлоқ темирчи Гефестнинг худолар учун сержило, улкан манқал ва омбир ясашига ўхшаб кетаркан.

Уни тинглагим келиб кетди.

Мен изидан Долийни шаҳарга жўнатдим. Дастлаб бойларнинг ибодатхоналарини ҳам қараб ўтибди. Лекин Долий уни ҳеч қаердан топа олмабди! Эҳтимол, булар барчаси ёлгондир!

Оддий фақир-фуқаролар яшовчи маҳаллаларни ҳар эҳтимолга қарши кўздан кечирибди. Бир оқшом кечкурун кема бандаргоҳидаги қовоқхонага кирса маҳаллий палидлар — юк ташувчилар ва балиқчилар билан ичиб ўтирган, бир келгиндига кўзи тушибди. Унинг елкасида кифара<sup>1</sup> осиелик эди.

— Бу ким? — деб сўрабди Долий.

— Буми? Унинг кимлигини қаердан билайлик? Бунақа суриштириш одатимиз йўқ. Бизга яхшигина ичиб, ўзи учун тўласа бўлди-да. Эҳтимол, у бир дайди савдогар ёки ўғридир, эҳтимол, ўз юртида бировни ўлдириб қочиб юрган бир муттаҳамдир.

— Кифара чала оладими?

— Эсинг жойидами? Уни сотаман, дейди.

Шундан сўнг Долий унинг ўзига мурожаат қилибди:

— Ким буласан, оғайни?

— Сени нима ишинг бор? Қадаҳингни қуритиб, жим ўтир.

— Мен подшоҳликдан — маликанинг чопариман. Ҳукумат одамиман!

— Ол-а! Мана бу кифаранинг тролари ёрдамида қанчалаб подшоҳ ва ҳатто, худоларни ҳам истаганча яратишим мумкин! Агар жаҳлим чиқса борми, ўша заҳоти йўқотиш ҳам кўлимдан келади. Мен яратганларимнинг эгасини буйруғига қараб иш тутаман!

У маст эди.

Йиқилиб тушмаслик учун столни ушлаб аранг ўрнидан турди ва кафтларини оғзига карнай қилиб, бор овозда қичқирди:

— Мен Ҳомер! Бутун Элладанинг биринчи шоириман!

— Қанақасига, сен кўра оласанми?

— Куйлаганда, кўзларимни юмаман ва кўрга ўхшаб кўринаман.

— Унда юр мен билан. Сени олийҳиммат маликамиз кўрмоқчи.

Уни менга таништираркан, бу нусха сенга маъкул келмайди, деган маънода Долий бошини секин ликиллашиб қўйди.

Мусаффо бир оқшом эди. Атрофда машғалалар порлаб турар, майдонликда у ён-бу ён кезиб юрган кўланкаларнинг танасиз кўллари бир нималарни ушламоқчи бўлишар, унинг бетларига ёпишиб, унинг қиёфасини хаёлий бир шарпага айлантираётгандай эди.

У менга мағрур ва раҳмдил назар билан қараб турарди.

Сочлари, соқоллари оппоқ, бетлари кулранг.

— Нега қовоқхоналарда дайдиб юрибсан, нима учун ҳузуримга тўғри келавермадинг? Меҳмон қилардим.

— Бир неча кундан кейин, ҳузурингга келардим. Ҳар бир мамлакатга борганда шундай қиламан. Биринчи навбатда ўша ернинг халқи билан, унинг ҳаёти билан, унинг бахти-ю бахтсизлиги билан, кам-у камчиликлари билан, ақли-ю нодонликлари, ҳамда касалликлари билан яқиндан танишиб чиқаман. Ернинг чуқур қаърига тушиб, айни пайтда ўша халқнинг Эзуликлари ва Рухини энг юқори чўққилардан туриб ўрганаман. Ўша юксаликда турганимда мен ўзимдаги барча ёвузлик ва ёмонликларни бутунлай унутаман, буларнинг ўрнига фақат яхшилик, эзуликни ундан ўн чандон кўпроқ ўйлайман, зеро санъатнинг абадийлиги ҳам, унинг бирдан-бир мақсади — Ғояси ҳам шу эмасми?! Мен яратувчиман, ойна эмасман. Худолар ва шоҳларнинг яратувчисиман, лойдан оддий одамларни ясовчи кулол эмасман!

<sup>1</sup> К и ф а р а - қадимги Юнонистонда чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

— Ўтир. Энди, ўзаро менга тўғриси айтчи, сен ҳақиқатан ҳам Ҳомермисан, ёки фақат ўша ҳақиқийнинг кўшиқларини айтиб юрасанми?

— Истасанг синаб кўришинг мумкин. Менга бирорта мадҳия ёзишни буюр, у агар бундан аввал тўқилган энг зўр мадҳиялардан яхши чиқмаса, майли, бундан кейин Ҳомер демасинлар!

— Қаерда туғилгансан?

— Ҳамма ерда ва ҳеч қаерда. Мелет дарёси ва нереидлардан бири — Кретеидадан бунёд бўлганман. Кўкламда сувлар айқириб ўтлоқзор, дарахтзор ва даралар оша гоҳ кўпикланиб, гоҳ шалдираб оққанда онамнинг бўйида пайдо бўлиб, сувда таваллуд топганман. Менда на ватан бор, на бошпана. Шунинг учун бўлса керак, дунёдаги ўнлаб: Смирна, Самос, Колофон, Саламин, Афина, Кима, Ньюкастро, (ҳатто Итака ҳам) сингари ўнга яқин шаҳарлар Ҳомер бизда туғилган, деган даъво билан ўзаро талашиб юрадилар. Улардан айримлари бунинг исботи учун аллақачон, қолганлари энди менинг кифарам тасвири туширилган ўз оболларини ҳам чиқаришган. Бу билан улар мени ўз фарзандлари демоқчи бўладилар, ҳолбуки уларнинг ўзлари — менинг фарзандларим!

Мен эса, бутун оламга ва барча замонларга тегишлиман! Кейин улар мен ҳақимда у битта бўлмаган, кўп бўлган дейишади. Лекин, мен кўпчиликни Ягонага жамлаганман.

— Сен урушни ўз кўзинг билан кўриб, қаҳрамонларни яқиндан таниримдинг?

— Ўз кўзларим билан кўриб, ўз қулоқларим билан эшитганман. Фақат бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ўз хаёлларим билан!

— Менга уруш ҳақида ҳикоя қилиб беришингни истардим. Елена ҳақида, яна...

— Маликадан кўра, кўпроқ аёл экансан. Мамлакат учун эмас, эр учун рақобат қиляпсан!

— Ахир жанг ўша учун бошланган-ку! Яна ўз эрим ҳақида ҳақиқатни эшитишдан кўрқаман!

У ўрнидан турди, кўлига торини олиб йўталди ва шифтга тикилди. Мен ҳам тепага қарадим. Қизик, шифтда у нимани кўрди экан? Ҳеч нарса! Мана, ниҳоят у бўғиқ овозда, секин ва шошилмасдан, узоқ йўлга отланган одамдек қуйлай бошлади:

— “О, газаблар илоҳаси, қуйла...”

— Бас қил! Мен бу сўзни минг марта, минглаб оғиздан эшитганман. Менга Достон керак эмас. Тарих керак. Тарихнинг ҳам ялтироқ, юза қисми эмас, асл моҳияти керак.

Унинг устидан бир кўшқулоқ муздай сув қуйиб юборгандай бутунлай сўниб қолди. Қўллари жонсиздек ён томонига осилиб, ўзи таранг дамланган волин<sup>2</sup> га тўсатдан пичоқ уриб юборилгандай, шалпайиб ўтириб қолди.

— Ана шундай! Ўтирсанг кўпам кўпиравермайсан, овозинг ҳам баланд чиқмайди. Менга куйлашининг ҳожати йўқ, паст овозда, секин суҳбатлашсанг кифоя.

У иккала кафти билан чекқаларини маҳкам сиқиб ўтирар, қуйи лаби бамисоли кўп юк ортилган отнинг лабларидек бесўнақай осилиб кетган эди.

— Нақадар менга азоб-а! Икки томонлама даббага дучор бўлган кишининг кўчада ҳаммоллик қилишига ўхшаб, сарой ҳофизи бўлиш ҳам нақадар амримаҳол. У подшоҳ ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизларнинг табақамиз бир-бирига жуда яқин! Мана, масалан, сен, умрингда бирор марта бўлса-да, ҳақиқат тугул, ярим ҳақиқатни гапирганмисан?

— Мен ҳамма ҳақиқатни биламан, лекин уни овоз чиқариб айтмайман. Сен менга нимани билсанг, шуни айтсан, лекин одатдаги айтилиши керак бўлган гапни эмас.

— Жуда мушкул вазифа! Саройнинг остонасидан қадам қўйишим билан, ўзимни Мукамаллик оламига киргандек, аллақандай бошқача ҳис этгандек, бамисоли тунда юрадиган кимсалардек сезаман! Сен бўлсанг, мендан ўзимни кончилар яшаб, тана курган майхоналардагидек ҳис этишимни талаб қиласан. Агар мен бир зум бўлса-да, урушни ўз ҳолича кўрсатсам, кўпгина подшоҳ ва қаҳрамонларни гўзаллик ва шон-шарафнинг оловли гулчамбаридан маҳрум қилган бўлардим. Шундан кейин улардан нима қолади? Ҳеч нима. Ҳаммаси кул ва чангга, оддий ахлатга айланади. Шу гапларни айтиб турган мен ҳам, уни тинглаб турган сен ҳам. Охир-оқибат, сен даргазаб бўлиб, менга ҳеч вақо бермасдан ҳайдаб юборасан! Калтакламаганингга шуқр қилиб қорамни ўчираман. Агар сен ўчирмасанг!

Мен қанақасига миямни ёлғондан халос қилай? Мисрлик мўмиёчилар ўликни мўмиёлаганда унинг миясини бурнидан тортиб оларканлар, шундай эмасми? Ахир фақат мурдаларгина алдашмайди. Агар улардан қайси бири ёлғон гапирса, билгинки, у тирек. Сен мендан ўлишимни талаб қилмоқдасан!

Ҳозир мен белмда илон ўрмалагандай бир даҳшатли изтиробни ҳис этиб турибман. Қалтираб, титраб турибман! Менга икки-уч қултумгина шароб бер, токи жиндай қизиб олай. Ёлғон гапириш учун Шеърятдан кайф қилиб олишим керак. Ҳақиқатни айтиш учун ичиб олиш лозим. Ҳайвонга айланишим керак!

<sup>1</sup> О б о л - қадимги Юнонистонда кичик танга, олтидан бир драҳмага тенг.

<sup>2</sup> В о л и н - мусиқа асбоби.

Кўнгиروقни чалдим, Мирто кирди ва унга шароб, ҳамда иккита қадаҳ келтиришни буюрдим.

— Мен ҳам ҳақиқатни эшитиш учун сен билан бирга ичаман. Сенга ўхшаб ҳайвонга айланиш учун.

Шундан сўнг бизлар бир хурмачани қуритгач, у мен томон ўгирилиб шундай деди:

— Агар ушбу Достонни билсанг, ундаги чин ҳақиқатни ҳам ўзинг аниқлаб оларсан. Бунинг учун бамисоли ҳасипдек қўй ичагини тескари томонини ағдариб, ичидаги ифлосларини тозалаб олишингга тўғри келади. Ичакдаги ана шу ифлосликлар чин ҳақиқат бўлади!

— Бутун ҳаётим даврида яна нима билан шуғулланай? Ҳамиша эшитганимнинг тескарисини ўйлайман ва ҳамиша ўйлаганимнинг тескарисини гапиришга одатланганман. Ҳозир эса буни истамайман, мен учун ўзинг ағдариб оласан. Воқеаларни безаб, бежамасдан оддий ҳасипчига айланмоқчиман, холос. Лекин, ҳар қалай сенга кўпам ишонмайман!

— Ғалаги! Мен ҳузурига кириб қуйлаган барча бой ва подшоҳлар хушомад билан турли-туман совға-саломлар билан менга мулозамат кўрсатиб, улар шаънига, ўз ота-боболари, ҳатто кенжатоӣ болалари шаънига жуда кўп илиқ ва куракда турмайдиган гапларни айтишимни исташарди. Уларнинг барчаси эркаклар эди. Сен, аёл бўлсанг ҳам, ёлгонни истамайсан?

— О, истаганда қандоқ? Жудаям истайман-да! Фақат бошқалар учун. Агар, ҳақиқатни ана шу арқдан ташқарида айтиб кўр-чи, сени осаман!

— Еленадан бошлаймиз. Сен Еленани Парис қандай қилиб ўғирлагани тўғрисидаги афсона ва достонни эшитгансан. Мана бундай! Аслида уни Парис ўғирламаган ва у жудаям гўзал бўлмаган. Ҳа — ўша! Йигит жуда чиройли бўлган! Уни Елена ўғирлаган!

Парис балоғат арафасидаги ўғил бола эди. Эндигина мўйловлари сабза ура бошлаган, беғуноҳ, соддадил ўсмир эди. Уятчанлигидан одамга тик қарай олмасди. Бу пайтда Елена ўтгиздан ўтиб қолган. Севгини сув қилиб ичган жувон деса бўларди. Бунинг устига жуда уятсиз аёл эди. Бамисоли байталдек семиз. Уни аввал бир марта ўғирлаганлар ҳам. Ушангача у икки марта туққан ва иккита қизи бўлиб, қизларидан бири никоҳдан туғилган, иккинчиси ҳароми эди. Уларни Ифигения ва Гермийон деб аташарди.

Ун беш яшар қизлигида уни Тесей ўғирлаб кетган эди. Уни Аттикага обориб Кюркада яшириб қўйган. У ердан уни ака-ука Диоскурлар ўғирлашиб, Микенага оборишади ва яширинча туғдириш учун ўз опаси Клитемнестрага топширишади. Ва Клитемнестра сир очилиб, сингисининг шарманда-ю шармисор бўлишидан кўрқиб, Ифигенияни ўз қизига тарбиялаш учун беришга мажбур бўлади.

Тоғларда Парис бир ўзи ёлғиз бўлганида Олимпнинг уч гўзал илоҳадан энг гўзалини яланғоч ҳолда ҳаяжонланмасдан, ёки ақлдан озмасдан қандай кўрди экан? Ҳолбуки, шу пайтда у ёшини олган ошиқ аёлнинг уйида бўлиб, унинг қўл ва оёқлари меҳмондорчилик қонун-қоидалари билан чирмаб ташланган бўлса?

Кекса Приам одамларни ўрганиш учун уни Элладага юборади. У “қўплаб одамларнинг урф-одатлари ва тафаккурини” ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиши керак эди. Шу билан бирга Мағрибнинг машҳур подшоҳлари билан танишиб, ундан сўнг Машриқнинг улуг: эроний, ассирий, яҳудий ва мисрлик султонлари билан танишиши керак эди.

Дастлаб, у Моренининг энг бахтиёр подшоҳи Менелай ҳузурига йўл олди, чунки жаҳонда унинг хотинига тенг келадиган жанжалкаш аёл йўқ эди. У Менелайнинг ўзи учун келган эди, аммо хотини учун эмас. Ушандоқ Ньюкастро ҳузурига ўтиши ва энг доно подшоҳ — шавкатли Нестор билн танишмоқчи эди. Кейин Микенага, энг бой подшоҳ ва ҳали тириклигидаёқ ўзига соф олгиндан мақбара қурган Агамемнон билан учрашиши, энг сўнггида у Итакага келиб Элладанинг энг маккор ва ҳийлагар подшоҳи Одиссей билан танишиши лозим. Одиссейнинг ўзи қанчалик ҳийлагар бўлмасин, хотини шу қадар покиза ва ҳалол эди. Одатда фақат маккорларнинг хотинларигина ҳалол бўларкан.

— Ярамас аёл! Уни бу ерга киришга қўймабди!

— Бўлғуси камтарин йигитча, турли хил машғулотларга шўнғиб кетибди, у Спартада яшар, кун-тун ўқир, бекор пайтлари ишлар, лира<sup>1</sup> да чалиб, қуйлар машқ қилар, Эвротда сузар, Тайгета ўрмонларида ёввойи чўчқа овларкан. Фақат бир марта бўлса-да, маликанинг кўзларига тик қарамабди.

Парис овга кетганда, Елена ўзини қўйгани жой топа олмасди. Бирда тонг отишига бир соатча қолганда, туйқусдан ўрмонда қизлик илоҳаси Артемида жунбишга келиб, эркакка мойиллик кучайганда анчагина ўғил болаларни у йўлдан урган эди. Булар орасида Адонис, Аттис, Эндимион, Ипполит ҳам бўлиб, ҳали яна бошқаларига ҳам улгуришни орзу қиларкан.

Жорача, қуёшда тобланган, жингалак соч, юқори лабида мўйловлари эндигина сабза ура бошлаган кучли ўғил боланинг дилида, бутун қиёфасида чиройли табассум жўш урарди. Яна буларнинг барчаси беқарор кўринарди. Айни шундай ҳолат аёлни ақлдан оздирарди. Агар уни шайтон қитиқласа борми, тамом, уни ҳеч нима тўхтата олмасди.

<sup>1</sup> Л и р а - чертиб чалинадиган торли мусиқа асбоби.

Ана шунда Елена ўз эрини маржон ва доривор ўсимликлар олиб келиш учун Крит ороллариغا юборади. У анқов ҳам хотинининг гапини иккита қила олмас эди. Бунинг устига ўша ердан хотини ўғил туғсин учун Минотавр сочидан тутатқи олиб келиши керак! Ёш бола билан ёлғиз қолгач, у ўша заҳоти уни ўз хонасига чақириб олади. Аёл ҳаяжондан дағ-дағ титраб: “Сен мени барча селларим, подшоҳликнинг барча хазиналари билан ўзингга оласан ва биз бу дўзахдан қочамиз! Сенинг ватанингга кетиб, бирор чайлада яшаймиз. Қари ва аҳмоқ эримни кўрарга кўзим йўқ. Ҳаётим давомида мен севганларим ичида сен биринчи эркаксан.

— Шўрлик болагина хўнграб йиғлайди. Бунинг устига аёлнинг: “Агар рад этсанг, Менелай қайтиши билан унга сен кетганда мени зўрламоқчи бўлди, деб айтаман. Агар хотин киши ошиқ бўлганда борми, унинг айтганига қўнмаган йигитни ҳар қандай балоларга, даҳшатли жиноятларга гирифтор қилиши мумкин. Шунга ўхшаш Претнинг хотини Сфенобея ҳам ўз эрини, дўстинг Беллерофонт мен билан ётмоқчи бўлди, дея тухмат қилган, агар арагвиялик шоҳнинг ўша дўсти унинг хотини айтганига кўниб, у билан ётганда эди, одатдагидай ҳеч гап бўлмас эди! Лекин, барча шоҳдорлардек жуда ишонувчан бўлганлиги учун Прет ёлғон фитнага учиб, ўзининг содиқ дўсти Псейдоннинг ўғлини ўлдиради. Ҳолбуки, бу жуда кучли, бақувват ва мард йигит уч бошли Ҳимерни ўлдирган, Пегасни эгарлаб Олимп тоғига кўтарилган бир зот эди!.. Худди шунга ўхшаш, Минос ва Пасифаянинг қизи ҳам (севгилиси ҳўкиз бўлган) Афина маликаси Федра ҳам ўзининг ўғай ўғли, илоҳалардай чиройли Ипполит билан бўлганда айтганига қўнмагач, ўзининг кўйлақларини йиртиб, томоқлари тагини юмдалаб, эри ҳузурига уввос солганча йиғлаб кириб: “Ипполит менинг номусимга тегмоқчи бўлди! Энди мен бу дунёда яшай олмайман!” дейди. Ва Претга ўхшаш ўта ишонувчан Тесея ўзининг якка-ёлғиз ўғлини ўлдиради! Буларнинг барчасини мен сенга Эллада подшоҳлари оиласининг бу сирларидан хабарсизлигинг учун айтаяпман... ўз ҳолича, аслида бундан ҳам баттарроқ бўлган!”

Буни эшитган Парис кўрқиб кетади. Унинг ранги-рўйи оқарган сари, аёлнинг ҳирси баттар кўзиб, қизариб кетарди. Болакай ўнғайсизланиб: “Мен билмайман...” дейди. “Ҳечқисси йўқ, ўрганасан!” — дея жавоб беради у. Ўша оқшом кўркувдан болакай, ой яшириниши билан қочибга ваъда беради.

Хурсанд бўлган Елена зудлик билан кўч-кўронини йиғиштириб, тўртта хачир қўшилган арава ҳозирлашга буйруқ беради. Барча қимматбаҳо бойликларини алоҳида қутиларга жойлаб аравага орттиради. Қани энди ой тезроқ бота қолса! Нега бунча имиллайди, бу ой? Йигитча, қоронғу тушиши билан отхонадан битта йўрға отни эгарлаб, ташқарига олиб чиқиб, бир сакраб минди-ю, денгиз томон чоптириб кетди: очик денгиздан бирорта бўш қайиқ топиб, майли, чўкиб кетсаям, бу гурбатхонадан узокроқ кетса бўлгани!

Бу ҳақда унга хабар берганларида, у титраб-қақшаб, бақириб юборади. Ўзининг ишончли, бичилган қули, билимдон отбоқари ва яна қайиқчиси билан аравага ўтириб хачирларни қистаб ҳайдашга буюрди. Парис эндигина балиқчилар кемасига ўтираётганда уни тутиб оладилар. Уни боғлаб-чирмаб, бамисоли тўнкадай қайиққа ташлайдилар ва Марафонис томон йўл оладилар.

Марафонисда аёл унинг қўл-оёғларини ечади. Ўша ерда улар уч кун, уч кеча қара-гай дарахти соясида, майсазорларда ағанаб ётишади. Йигитча қанчалик нолиш қилса, у шунчалик қийқириб қулар эди. Гуё саратондаги мусичалардай инларида ҳансирашарди.

— Ярамас аёл!

— Менелай маржонлар, доривор ўтлар ва Минотаврнинг сочи билан тўлиб-тошиб қайтиб келганда, унга бўлган воқеани эсдан кетиб қолмасин учун ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Гапнинг нимада эканлигини ўйлаб кўриб, тушунгач Менелай шодликдан сакрай бошлайди. Унга худди шунинг ўзи керак эди. Бу манжалақи унинг жонига тегиб кетган эди! Ўн беш йиллик эр-хотинлик мобайнида ундан бир оғиз ҳам ширин сўз эшитмаган. Фақат жаҳл, ғазаб ва ёлғон! На ақл бор, ва на — қалб! Бўм-бўш, муздай вужуд. У билан ўзинг ҳам, бўм-бўш музга айланаркансан!

У овқат ва ичишга бир нима келтиришни буюрди. Авваллари унинг иштаҳаси бу қадар карнай бўлмаган эди. Шунда у жилмайиб, қўлларини артаркан: “Энди мен ўғрининг отасидан бир пайтлар ўғли учун мандан олган пулга нисбатан икки, ҳатто уч барабар кўп товон оламан. Менга келтирган қалб изтиробини учун яна алоҳида тўлайди! Агар рад қилса — уруш. Агар у қўнса ҳам барибир уруш бўлади; чунки мен уни қайтиб олмайман.

Товон бу — шаън, ор-номус масаласи. Биз ҳамиша шундай қилганмиз. Бу нафақат менинг шаъним, балки, Элладаники ҳам! Нафақат унинг шоҳлари шаъни, балки, унинг халқлари шаъни!”

У ақаси билан маслаҳатлашиш учун Микенага шошиляётган эди. Мореининг кекса шоҳи қўлларини артиб ўрнидан турди. У ўша ердан нима қилиш кераклигини, ўзи ҳамда ақасининг манглайини ерга ишқалашни билиб олмоқчи эди. Фақат биргина малика ўзи ва ўз эри, ҳамда Элладанинг шаънини асраб қолди. Бу — Пенелопа! Ор-номус ва Эзулик илоҳаси!

— Мен ҳақимда кўшиқ тўқи.

— Ҳозир! Ёруғлик тангриси, ўзинг қўлла мени!

Унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, нурга айлангандай бўлди. Бошидан-оёқ ялтираб, ўзи билан ўзи хуш бир кайфият тимсолига айланган ҳолатта кирди. Лекин, менга бу шەър аввалдан тўқиб қўйилганга ўхшаб кўринди.

Гелиос, бериб тур менга  
Ясатилган ўз аравангни,  
токи мен гирдибод қилиб,  
учирай баланд тоғлар —  
чўққиси томон.  
Дунё томи — Додекадага,  
Худолар ёғдуси — Элладага —  
Онаси, фарзанди, сингиллари —  
Яшаган сўлим маконга!

Ўша тоғлар чўққисида  
Иккинчи офтобдай  
Порлатай ажиб бир аланга.  
Сенинг шаънинг, сенинг шавкатинг —  
Бўлиб порласин, эй, Пенелопа!  
Инсонлар ва ҳатто худолар  
Сигиниб келсинлар, бу янги — Куёшга!

Худоларнинг энг юксак аршин —  
ёритган бобо куёш ҳам, ҳатто,  
сенинг покиза, безавол,  
эзгу нурларингдан олмоқда ўрнак.  
Токи осмонда куёш бор — Пенелопа —  
Ерда сен борсан, абадий — бешак.

— Ажойиб! — дедим мен унга хурсандлигимни яшириш учун совуқ оҳангда. — Бу кўшиқни мен подшоҳлик гимнига айлантираман. Уни ҳамма жойда: ибодатхоналарда, мактабларда, аскарлар яшайдиган қўрхоналарда куйлашади; у жангда, сайр-томошалар ва байрамларда; тўйларда, чўқинтириш ва жаноза маросимларида ҳам барабар жаранглайди. Яна ҳар куни байроғимиз кўтарилаётганда ҳам эшитилиб туриши керак!.. Бу ҳаққоний Ҳомернинг ўзи!.. Энди ҳикоянгни давом эттир. Қачон тугатсанг (аллақачон тонг отиб келарди), хазианага кирсан.

“Ҳазина” сўзини эшитиши билан, шоир жон деб ҳикоясини давом эттиришга киришди:

— Атреянинг иккала ўғли Мореининг энг йирик шаҳарлари томон отланишди. Ҳамда Элладанинг барча бурчақларига халқни ва арконларни кўтариш учун жарчилар юборилди. Ҳаммадан ҳам халқни кўзғотиш лозим!

Улар қайси бир шаҳарга борсалар ишни кўнғироқларни чалиб, халқни марказий майдонга тўплашдан бошлардилар. Кейин олтин яроғ-аслаҳалар билан ўраб олинган ҳашаматли тахтада ўтирган Менелай момақалдироқдай овози билан йиғилганларга мурожаат қиларди:

“Ахейнинг марди-майдон ўғлонлари — арагвияликлар, коринфлар, демицаликалар, триполияликлар, патраитлар, калпавритликлар — қаерда бўлмангизлар морейлик барча катта-кичик биродарлар, сизларнинг ҳаммаларингиз шундай ҳам маккор, шундай ҳам айёр, хунарманд кишиларсизки, ҳатто бургани тақалаш ҳам қўлингиздан келади! Эҳтимол, сизларга ҳам шундай бир қайғули хабар етиб келгандир. Биз элладаликлар. Еримиз бўлмаса, сувимиз бўлмаса, нонимиз бўлмаса ҳам яшашимиз мумкин, чунки бизнинг шаънимиз, ор-номусимиз бор. Ана шу ор-номус учун яшаймиз. Агар уни биздан олсалар-чи? Нима деган халқ бўламиз? Нима деган одам бўламиз? Трояликлар, бизнинг азал-азалдан “қонхўр” душманамиз. Улар кўпдан бери бизда шундай бир ажойиб, дунёда тенги йўқ гўзал, художўй бир аёл — Еленанинг борлигидан ҳасад қилиб келишарди. Дарҳақиқат, Елена — бизнинг энг юксак Номусимиз эди! У нафақат менинг хотиним, шу билан бирга у бизнинг — бутун элдин оламининг қувончи, фахри ва энг ҳурматли аёли ҳам эди. Ана шу қувончини, ана шу фахрни биздан ўғирлашди”.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Мен уйланиш учун истаганча хотин топишим мумкин. Бироқ, сизлар бошқа Еленани топа олмайсизлар-ку? Шармандалик менга эмас, чунки мен ундан анча баланд тураман! У сизларнинг бошингизга тушади. Сизлар учун мен ўч олишга қарор қилдим. Агар кимда-ким томирида олий ирқнинг қони оқаётганини ҳис этса, яна кимда-кимнинг бетларини шармандаликнинг қиздирилган темири куйдиришини ҳис этса ва кимнинг қалбида худоларнинг нурли жамоли акс-садо берса — ўша кишилар

қўлларига қурол олиб бизларнинг сафимизга қўшилсинлар! Бегона шоҳни жазолаш ва ўз бойлигимиз, Еленани тортиб олиш учун. Шу билан бирга Троя халқини ҳам жазолаш учун. Чунки шу хил беҳаё подшоҳнинг бўлишига халқ ҳам айбдор. Бўлмаса, шу пайтгача кўзголон кўтариб, ўз подшосини ўзи жазоламасмиди?”

Ахир у моралитларга мурожаат қилаётган эди. Улар кўзларини қисиб, тўппа-тўғри унинг кўзларига эмас, балки манглайига қараб туришарди. Шунда Менелай қуйидаги энг керакли асосларни илгари сурди:

“Биз сизлардан уят ва шармандаликни олиб ташлаш билан бирга сизларни бойитишни ҳам ўйламоқдамиз. Троянинг қандай мамлакат эканлиги ўзларингизга маълум-ку? Бу жаннат ўлка! Худудсиз далалар ва ўтлоқзорлар; қум ўрнига зар оқувчи дарёлар; қимматбаҳо бойликлар тўла ғорлар; сон-саноқсиз пода, уюр ва отарлардан иборат сигирлар, отлар, қўй ва эчкилар бор бу заминда. Хотинларни айтинг, хотинларни? Бу ернинг хотинлари — чиройли ва дўмбоқ, кун бўйи чўмилиб, шарбат ичишиб ўзларига хушбўй атир-упалар билан пардоз беришади. Яна-чи, бегона юртдан келган йигитларни жуда ёқтиришаркан! Ўзлари бўйинингизга осилиб оларкан!

Буларнинг ҳаммаси, яна устига ҳар бири Олимпнинг ўзидан ҳам бойроқ — элликта сарой ҳам сизларга бўлиб берилади.

Сизларнинг ҳар бирларингиз султонларга ўхшаб ўзингиз учун алоҳида сарой ва ҳарамга эга бўласизлар. Уша ерга кимнинг доимий яшаб қолгиси келса — марҳамат! Ўз ихтиёри. Ёки ким Элладага қайтиш истаसा, жамғармасига бутун подшоҳликни сотиб олиши мумкин! Шу тариқа сизларнинг ҳар бирингиз шоҳ авлодига ва худолар сизнинг авлодингизга айланажак!

Шундай, биз ҳалокат хавфи остида қолган эллин маданиятини ва ўзимизни халос қиламиз. Агар уларни ўз вақтида жазоламасак, бундан кейин истаган кимса бизнинг хотинларимизни ўғирлаб кетаверади.

Агар трояликлар бизларни ҳақорат қилмаганларида ҳам улар ер юзидан супуриб ташланишлари керак. Чунки, улар эллинликлар эмас! Улар бизларнинг тилимизда гапириб ва бизнинг худоларимизга сифинсалар-да, аммо улар шуни ҳам биздан ўғирлашган. Биз улардан ўз худоларимизни қайтиб оламиз ва уларнинг тилларини кесамиз!

Ҳа-ҳа, шундай! Яшасин, Ор-номус уруши! Адолатли уруш — Ўлжалар уруши сари олға!”

— Буларнинг барчаси менга таниш. Одиссей ҳам итакийларни урушга худди шундай даъват этганди.

— Ўшанда кўклам эди. Минглаб игвогарлар, оч ва ялангоёқлар Авлида майдонида тўпланишган, улар билан бирга юздан ортиқ шоҳлар ахлат ва чиқинди уюмлари устига суқиб қўйилган олгин белкураклардек ялтираб кўринишади. Юз мингга яқин одам ва бир минг саккиз юз кема дейилади дostonда. Сен биттадан нўлни ўчирсанг, аниқ ҳисоб чиқади. Ёқалари, кўкрак ва енгларига кашта билан чиллик тикилган, худо йўлига жонини фидо қилмоқчи бўлганлар, ҳар қайсиси ўзича бир тантрига ўхшаб кўринади.

Бамисоли тўсатдан қаттиқ бир довул кўтарилиб, минглаб иблислар чироқларини бараварига ёққандай бўлди, изидан ҳаво қоп-қорайиб, бирданига кучли дўл ёға бошлади. Ҳаял ўтмай осмондаги ўзгаришлар пастда ҳам даҳшат билан тақрорлангандай бўлди: тоғ ва қоялардан жилғаларга, жилғалардан сойларга, сойлардан денгизга сув лойқаланиб пўртана бўлиб оқа бошлади. Яна бирпасдан кейин денгиз қутургандай бўлиб, тўлқинлар даҳшат билан кўкка сапчиб, соҳилдаги дарахтларни, харсангтошларни, уйларни ямлагандай бўлар, одамларни, молларни ҳам оқизиб кетар, бу даҳшатли бало-қазоларга ҳар қандай қаҳрамонлар ҳам, ҳатто худолар ҳам бас кела олмагандай кўринарди гўё. Қаёққадир — Оқ денгизнинг қайси бир оролига бориб тушгандагина бу ерлар тинчиб қоларди. Оролдаги шўрлик одамлар ҳар шу хил бало-қазоларни ўз “оғалари”нинг шиддатли, беомон ҳужумига ўхшатишар ва ҳужум хавфини олдиндан сезишиб, ўз қалъалари ичига яшириниб, эшикларига ғўладан тамба, бақувват темирлардан тиргак ва тўсиқлар қўйиб, ўз “халоскор”ларидан халос бўлишга шошилишарди. “Оғалар” ва “халоскорлар” қўлларига нимаики илинса ўшани олишар ва бу ҳаминша камлик қилганга ўхшарди! Агар олиш имкони бўлмаса, албатта, уни ёндиришарди!

Қонга ташна ва ўғрилиқдан тўймас бу “халоскор”лар Сигей ерларини қўлга киритишди. Кўёш нурлари денгиз оламига таралаётганда кемалар тўхтаб, мачта ва арқонлардан ўрмалаб тушаётган босқинчилар ваъда қилинган ажойиб гўзаллик ва бой заминни ўз кўзлари билан кўриб, оғизларидан сўлақлари оққандай бўлди. Олгин далалар, ҳар бир бошоқ одам бўйидай келадиган, зангори тўлқинга ўхшаш, баргидан кўра меваси кўп тоқзорлар, кўтлаб жилғалар ва биллур кўзли булоқлар, уларнинг қирғоқларида бўй чўзган толгул, самбит тол ва мажнунтоллар яшнаб туради. Нафасдай енгил, айни пайтда салқин шабада бутун мамлакатни ўз оғушига олгандай, у эса тирик маъшуқадек бегоналар оғушида эрқаланиб ётади... Буларнинг ҳаммаси уларга қарашли!

\* О қ д е н г и з - Эгей денгизини шундай аташарди. (Қора денгизда тошқин бўлган кезларда шундай ҳолат юз берарди.)

— Лирикани истамайман, — дедим-ку.

— Кечирасиз, Жаноби Олиялари, ҳазиллашдим! Ахир истеҳзо — бу бадқовоқ ҳақиқатнинг жилмайган чеҳраси!

Уларни ким ҳам тўхтага оларди. Лангарни ташлар-ташламас, худди девоналардек улар қуруқликка сакрашар, гўё кемалар ҳам, денгиз ҳам ва ҳаво ҳам ўт билан, олов билан қоплангандек эди. Уларнинг товонлари ва юзлари ҳам қуйгандай. Улар ерга йиқилиб, қўларини ёйганча, уни қайта кўкракларига босар, узоқ йиллар мусофирликда бўлиб, қайтиб келган кишининг ватан тупроғини тавоф қилганига ўхшаш ҳаракатлар қилишарди! Ўзларининг ватанлари, аждодларининг суяклари дафн қилинган ва асрлар давомида қадам босиб юрган, уларнинг миллий қахрамонлари ва худолари изи қолган муқаддас тупроқ! Буларнинг барчаси уларга қарашли! Худди шу ерда, уларнинг киндик қонлари тўкилиб, худди шу заминни обод қилиш учун уларнинг қўллари қаварган. Ҳамма уларга хурсандчилик нигоҳи билан, олқишлаган кўзёшлари билан қараб тургандай: ер ва тошлар, сув ва само, илдишлар ва гуллар, ҳар бир қушча, ҳар бир қурт.

Буям лирика, Жаноби Олиялари!

Югуриш ва ташланишга ўнгай бўлсин учун улар қўлларидаги қуролларини ерга отиб, қақишга шайланган сўналарга ўхшаш, яхши нарсаларга “ғув” ёпишишар ва: “Бу меники!” дея қичқирганча ўша ерга лавҳалар ёзилган ходаларни ўрнатишарди: “Фрасей Кефаллининг”, “Неарх Демицанинг”, “Клеант Кулуриот” — сингари минглаб ходалар ўрнатилган, минглаб белгилар ва уларда минглаб номлар, минглаб бўрилар номи ёзилган бўларди. Улар ҳансираб турган уюр-утор хотинлар ва байталлар (унчалик фарқи ҳам йўқ!)ни тоғ-тошларга жон сақлаш учун равона бўлган йўлларидан қайтаришарди. Уларни тутиб олишиб, боғлаб уйлари томон судрашарди.

Шунда ғалати, қутилмаган бир воқеа содир бўлдики, бундан хурсанд бўлганлар ҳам, хафа бўлганлар ҳам топиларди. Уғирлаб, судраб кетаётган таловчилар орасида ўзаро ўлжа талашиб бошланиб кетди. Жангчи жангчини, ўн боши юз бошини, юз боши минг бошини, подшоҳ уларнинг барчасини ўлдирга бошлади. Ҳатто кун ботиб, қоронғу тушса ҳамки, ёвузларнинг ҳирс ва эҳтирослари тобора авжига чиқар, қиличларнинг шақур-шуқурлари, жон таъсир қилаётганларнинг мол ва жон аччиғи тула фарёдлари эшитилиб турарди.

Эртаси кун азон вақти бир кекса денгизчи ўз шериклари билан Троя сари йўл оларкан, отдан сакраб тушиб, бор овозда қичқириб юборди:

— Аҳмоқлар! Бу мамлакатнинг чеки-чегараси йўқ. Ўзларинг кўриб турибсизлар-ку. Бу кафтдаги — Сикинос эмас! Тоғнинг нариги томони янада гўзал ва бу ердан ҳам бойроқ. У ерга тушгандан кейин бу нарсаларни ташлаб бошқасини оласизлар. Ҳозир эса, ҳеч нарсани олиб қололмайсизлар, бунинг учун энг аввало қалъани эгаллаш керак, ана шунда бу замин, кўриб турганингиз ва бундан кейин кўрадиган барча нарсалар сизники бўлади”.

— Доно қария!

— Албатта! Фақат дostonда мен уни подшоҳ қилганман. Айтайми, бу чол ким? Бу — Нестор! Лекин, бу ишни қилиш учун унинг вақти йўқ эди. Биринчи даражали ўғри сифатида талов ишлари билан шундай муккасидан кетган эдики, шу топда уни ҳеч қаердан излаб топиб бўлмасди.

Мурдаларни йиғиштириб қирғоққа олиб бориб, бир жойга тўплаб кейин ёқиб юборишди. Сўнг кулини йиғиштириб олиб, биродарлар қабристонига дафн қилишди. Қора ҳошияли байроқлар пастга эгилди, музика садолари остида тантанали нутқлар сўзланди. Қабр устига мраммар лавҳа қўйилди, унга: “Муқаддас жангда қурбон бўлган биринчи қахрамонларга!” деган сўзлар зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Шундан сўнг ўша ерга чодирлар тикилди ва офтобруёга ўтирганча камарлари, темир қалпоқлари ва бошмоқлари (кимнинг бошмоғи бўлса!)ни тозалашга тугиндилар. Қилич ва найзаларини чархлаб, жанг учун тошлар йиғилди.

Шоҳлар кенгаши қуйидаги мазмунда бир мактуб тайёрлаб, Троя қалъаси ва атроф қишлоқларга юборишди:

“Ўзларининг тараққиёти ва донишмандлиги билан оламга донг таратган Осиё халқлари! Биз сизнинг муқаддас ерингизни эгаллашга эмас, халос қилгани келдик. Сиз ҳам — эллиникларсиз ва бизнинг туғишган қардошларимиз эканингизни яхши биламиз. Сизнинг бобокалонингиз — Тевкр ҳам Псилоритдан бўлиб, энг забардаст, кенг чалвор кийиб, белига қора камар ва бошига қора рўмол бойлаган, олийжаноб табаррук бир зот бўлган. Сиз билан бизнинг худоларимиз ҳам бир, тилимиз ҳам бир. Асрлар ўтиши билан аста-секин асл қаердан келиб чиққанларингизни унутансизлар. Биз сизларни қайта эллиник қилгани келганмиз. Приамнинг ўғай болалари ва қулваччаларидан Девкалионнинг озод ва чинакам ўғлонларига айлантирамиз. Сизларни троялик ўғай онанинг қаҳрли чангалидан халос қилиб, онангизнинг иссиқ бағрига (Асл онангиз!) — Элладага қайтармоқчимиз! Сизнинг подшоҳингиз ва арконларингиз галаси, барчалари келгиндилар. Уларни ҳайдашга бизларга ёрдам берасизлар, деган умиддамиз. Сизнинг мол-мулкингиздан ҳатто, битта игнага ҳам тегмаймиз: бироқ, зolim ҳокимларингизга тегишли барча бойликларни тортиб оламиз ва сизларга тақсимлаб берамиз. Бизлар туфайли ўз уйларингизга эга бўласизлар.

*Агамемнон Биринчи эллинларнинг худо ёрлақан, марҳаматли подшоҳи!\**

Приам кўрқиб кетди. Ўша заҳоти чопар юбориб, эллинлар билан дўстлик ва қардошлик ипларини мустаҳкам боғлаш, ҳеч қандай уруш ва адоватнинг кераги йўқлигини айттирди; ва Еленани икки ҳисса кўп хазинаси билан қайтариб беражagini билдирди! Лекин, Менелай куйидаги жавобни берди: майли, Еленани ўзида қолдирсин, эллинликларга ўз қизларидан эллик нафар ва яна эллик нафар келин берсин. Ҳар бир жангчига бир унциядан олтин ва қайтиб ҳужум қилмаслик кафолати билан Сигей оролини доимий бериш шарти кўйилди.

Приам рад этди. Унинг энг яхши ва энг шаддоқ қизларидан бири Кассандра юртини қутқариш мақсадида эллинлар лагерига берилиши керак бўлиб турган пайтда, у қаттиқ қайғуриб, тўсатдан мияси лойқаланиб, бир паснинг ичида башоратчи авлиёга айланиб қолгандек бўлди.

Агар халқнинг ўзи рад қилмаганда Приам ва уни бирор кимса ҳам қувватламаган бўлурди. Халқ эллик нафар ўғиллари ва шоҳнинг эллик нафар кўевлари — босқин ва жангоҳларда синалган ҳарбий саркардалар билан биргаликда мудофаани ташкил этди. Трояликларнинг энг яхши қаҳрамонларидан бири, подшоҳнинг катта ўғли Гектор маънавий улуғворликда бизнинг Ахиллесдан қолишмас эди. Бизники — баҳодир-босқинчи, у — қаҳрамон-ватанпарвар...

— Тўғри, сен устозсан! Бу ишларда улуғлар ва ундан ҳам улуғлар бўлмайди. Энг улуғ биласанми ким? Кимга омад кулиб боқса, ҳар қандай фирром ҳам улуғлардан улуғ бўларкан!

— Қисқа қилиб айтганда, эркаклар, аёллар, болалар деворларни таъмирлаб мустаҳкамлай бошладилар. Эллинликлар бундан аввал бу қалар мустаҳкам қалъани бошқа бирор жойда кўрмаган эдилар! Гўё у инсон кўли билан эмас, худоларнинг ўзлари барпо этган! Бу ҳақда мифда шундай дейилади: уни Додекадалик энг ёрқин худо — тўлқинлар ва куруклик (отлар) тангриси, улуғ Апполлон ва денгиз отлари (тўлқинлар) тангриси Посейдон қуришган экан.

— Ўзинг ҳам бу эртақларга ишонасанми?

— Бўлмасамчи!

— Бўлмаса нега уларни тўқиб чиқарасан?

— Сиёсат қиламан: эллинлар қадр-қимматини, худолар қадр-қиммати даражасига кўтариш учун, ўлимга ҳукм қилинган эллинликлар мангу худолар томонидан шундай қалъаларни эгаллаган эканлар, улар шундай шарафга лойиқдирлар! Агар ёлгон бўлса бунинг учун раҳбарлар тўлашади, халқ эса ишонади. Ва бир умр эслаб юради! Шу билан бирга, ҳақиқатта инонгандек чиппа-чин ишонади (мана уни қай аҳволга солдинглар!) ва яна унуттишади.

— Афтидан кўп нарсани биладиганга ўхшайсан!

— Менинг касбим шунақа ўзи!

Шундай қилиб, биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи йил ҳам ўтиб кетди! Қалъа таслим бўлмас, балки эллинларнинг ўзлари бирин-кетин таслим бўла бошладилар! Кундан-кун руҳлари тушиб борарди. Ахир уларни бир неча ой мобайнида уни оламит, дея ишонтирган эдилар! Биринчи эздаёқ мамлакатни харобазорга айлантирганларидан кейин улар ҳеч нима экишмаган ва энди емоққа ҳеч вақо қолмаган эди. Прометей қояларидан Гиперборей музлари билан тушиб келган қаҳратон қиш билан бирга мамлакатга очлик ҳам кириб келди ва улар дастлаб яқин қишлоқларга, кейинчалик у ерларни қуриштириб, аста-секин узоқ мамлакатлар Бурса ва Фракия ерларигача ўғрилиқ ва талон уюштирдилар. Албатта бу мамлакатларнинг халқлари — ликияликлар, фракияликлар, фригияликлар, дарданлар ва бошқа кўплар, ҳаммасини сановига етиб бўлмайди — эллинларни ўзларига душман ва трояликларни ўзларига иттифоқдош санайдиган бўлдилар. Йилдан-йилга аҳвол баттарлашиб борарди.

Шунда тинка-мадори қуриб, жонига теккан аскарлар шоҳлар билан тортишиб, нега бизларни алдадинглар, тезроқ ватанга қайтайлик, дея талаб қила бошладилар. Тўртинчи йил келиб, эллинлар қароргоҳига вабо оралаганда биринчи қаҳрамон Ахиллес билан Агамемнон орасида аллақандай хотинлар масаласида можаро бошланиб қолади. Даҳшатли қаҳрамон Гектор бошлиқ трояликларнинг пайт пойлаб, қалъадан чиқиб уюштирган навбатдаги ҳужумини қайтаришга Ахиллес қатнашмайди. Натижада улар эллинликларни денгиз томон сиқиб боришади. У ерда ёниб турган машғаллар ва тунока идишларга солинган қора мой билан кемаларга ўт қўйиб юборишган эди. Эллин армияси шоҳларга, сизлар биз билан кетмасанглар, ўзимиз кетамиз, дея дағдаға қилишди. Шундай қалтис бир вазиятда улуғ Одиссей Элладани ва унинг шаънини сақлаб қолди.

Агамемноннинг кучли кўли ҳам, Менелайнинг қаттиқ манглайи ҳам, Диомеднинг баланд бўйи ҳам, Эантнинг эшақдек қайсарлиги ҳам, Ахиллеснинг учқур оёқлари ҳам, Несторнинг илоҳий донолиги ҳам — ҳеч бири варварларнинг эрксеварлиги ва ватанпарварлигини бука олмайди. Уни бу оламда ёлғиз бир куч — ёлгон ва сотқинлик синдира олди!

Шоҳларнинг охири Кенгашида Одиссей шундай деди:

“Трояни эгаллашнинг бундан ўзга чораси йўқ. Биз қуролни қўллаб кўрдик, очликни синаб кўрдик, вақтни синаб кўрдик. Энди ёлғиз сотқинлик. Аллақачон ўшандан бошлашимиз керак эди...”

<sup>1</sup> У н и я - айрим мамлакатларда 29,86 граммга тенг оғирлик ўлчови.



Кўп кишиларни асирга олганмиз. Улар орасида турли хил имонсиз, қаланғи-қасанғи, ярамастар бўлиб, бундайларга бирор муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Бу одамлар ҳар қандай разиликка борадилар, фақат яхшигина тўласангиз бас. Улардан бир нечтасини мен қалъага қайтариб юбораман, уларга бориб, бир амаллаб занжирни синдириб, қочиб келдик дейдилар. Кейин нима бўлганини кўрасизлар!”

Дастлаб у йигирмага яқин қочқинларни қўлга тушириб, ўрناق бўлсин учун бошқаларнинг кўзи олдида дорга остирди. Улардан энг каттаси ва доҳиси Терситни биринчи бўлиб...

— Терситни? Ахир уни мен осганман-ку!

— Бу бошқа! Барча сотқин, ғаламис ва фитнакорлар Терсит номи билан аталади. Кейин эллинларга кемаларнинг тешик ва тирқишларини таъмирлаб, тагини смолага бўяб, гўё жўнашга тайёргарлик кўраётгандек сувга туширишга буйруқ берди. Чодирларни йиғиштириб, олиб кетиш учун тўплаган қақир-қуқур (каравот, сандиқ, жавон, тахта, хомага ўхшаш) нарсаларни бир ерга тўплаб, ҳаммасини ёқиб ташладилар. Аланга нури ва тутун қалъанинг нарёғидан ҳам кўринарди. Кейин у хахир ва отларни сўйишга буюрди. Гўё кетиш олдидан душманга бирор нарса ҳам қолдирмаслик учун.

Буларнинг ҳаммасини трояликлар қалъа устидан кўриб, хурсанд бўлиб туришарди. Наҳотки бу келгинди ўғрилардан халос бўлишса? Худди ана шу пайтда бизнинг “дўстларимиз”, ёлланган олқиндилар кириб боришади... Улар Гектор ва бошқа доҳийлар олдида қасам ичиб, манфур талончиларнинг кетаётгани ҳақида гувоҳлик берадилар! Трояликлар қалъа мудофаасини бироз сусайтирадилар. Кўпга ўша заҳоти хурсандчилик, ўйин-кулги ва ичкиликни бошлаб юборишади. Арконлар ва халқ! Уруш тугади! Эҳтимол, Трояда кимдир улағандир, лекин бизнинг “дўстларимиз” киприк қоқишмади. Бир оқшом улар Троянинг кекса ҳукмдорларидан бири Архелайнинг уйига боришади, у бахил бир қария бўлиб, ундан тахтни тортиб олгани учун Приамга кек сақлар, тахтни қайтиб олишга пайт пойларди. Бизнинг “дўстлар”, унинг “меҳмонлари” ер ўпиб қарияга шундай дейишди: “Демак, шундай. Эллинликлар, бизларни сенга элчи қилиб юборишди, агар сен бизларни айтганга кўнсанг (ҳаммасини сенга тушунтириб берамиз) қалъа қўлга киритилгач, сени Троя подшоҳи қилиб кўтаришаркан, сени ҳам, бизни ҳам шон-шуҳрат ва совғаларга кўмиб ташлашаркан! Архелай кўнди... Ватан учун!

Учинчи тунда белгиланган соатда Архелай одамлари билан ўзига топширилган қалъанинг орқа томондаги кичик дарвозаси олдига келиб, шаҳар тинчгина ухлаганда минггача эллинликни ичкарига қўйиб юборади. Тез орада бутун шаҳар эгалланади. Истеълочилар шаҳарнинг оддий халқи, камбағал бечоралар, яшаётган маҳаллаларига ўт қўядилар. Бойлар маҳалласи, арконлар ва шоҳларнинг саройларига улар тегадилар. Шунингдек, арконлар ва шоҳларнинг оиласига ҳам тегишмади. Приамнинг саройи Архелайнинг кўчиб ўтиши учун керак эди. Арконлар ҳам керак эди: иккинчи куни улар янги шоҳнинг энг содиқ дўсти ва чет эллик “халоскор”ларнинг ишончли хизматкорига айланган эдилар.

Шундай бўлган эди.

Уч кеча-ю уч кундуз шаҳарда ёнғинлар, қирғинлар ва ўғриликлар ва қашшоқлар устидан зўравонлик давом этди. Кўчаларда қон ариқ бўлиб оқди, осмон чанг ва тутундан қорайиб кетди. Троя арконлари ялтироқ, ҳашаматли кийимларда, “миллий” ва “иттифоқдош”лар армияси сафлари олдидан мағрур, табассум билан юриб, “озод” қилинган Троянинг янги шоҳи Архелайнинг ҳарами томон йўл олдилар. Халқ сукутда! Халқ жим! Шу топда минглаб одамларнинг хаёлида фақат бир ўй: энди икки баравар мустабид ҳокимият вакиллари ни боқишга тўғри келади: маҳаллий ва чет элликларни!

Бизниклар Архелайга эллин — маслаҳатчилар беришди, ҳар гал улардан нима қилиш кераклигини сўраб туришарди. Бошқача қилиб айтганда улар унга буюришарди. Биринчи ва энг яхши маслаҳатчи Одиссей эди! Халқ қуролсизлантрилиб, унинг осойишталигини сақлаш учун қўриқчилар кўпайтирилди. Шоҳ Архелай ва шаҳар ҳокими ҳурмат ва миннатдорчилик эвазига Троянинг марказий кўчаларини, минглаб трояликларнинг қонига зомин бўлган эллинча ном билан атай бошладилар: Ахиллес кўчаси, Агамемнон кўчаси, Менелай кўчаси, Тидей кўчаси, Одиссея шоҳ кўчаси, Пенелопа майдони ва ҳоказо. Шундай қилиб, Троянинг ўздан кўғирчоқ шоҳ, қороздагина унинг номи, “мустақиллик” рамзи сифатида унниққан байроғигина қолган эди. Қолган ҳаммаси эллинликларнинг мустахлакасига айланган.

Орадан бир неча кун ўтди. Ҳали халқнинг тўкилган қони ва кўзёшлари қурир-қуримас “сотқинлар” ови бошланиб кетди. “Сотқинлар” эллинларга қарши курашган кишилар бўлиб, “ватанпарварлар” — юртни топширганлар бўлиб чиқди.

Энди ҳокимият уларнинг қўлида эди.

— Еленачи?

— У ғойиб бўлди. Минглаб ахейлик чўрилар қатори уни ҳам қўл-оёқларига кишан солиб, кейинчалик сотиб юбориш ва олиб кетиш мақсадида денгиз томон ҳайдаб борилганлар қаторида Елена ҳам бор эди. Лекин уни ким ҳам танирди дейсиз? Худого

монанд Оққуш қизи. Мукаммалик рамзининг оддий аёлдан ҳечам фарқи қолмаган эди. Унинг ҳолини ўзинг тасаввур қилиб кўр! Қолган кўпгина чиқитга чиқарилганлар қатори у ҳам аллақандай сараинлик қул жаллобларга сотиб юборилди. Улар уни Родосга олиб кетдилар ва малика Поликсосга сотдилар, тўғриси, улар кимни сотганларини ва у ҳам кимни сотиб олганини билмас эди.

Еленанинг руҳи бутунлай тушиб кетди. Қанча йиллар (очиғи у кўпам ёмон эмас, фақат бахтсиз эди; унинг айби қонининг қайноқлигида) у бу дунёда жуда қийналиб ҳаёт кечирди! Эллиниклар уни сўкишар, тополмадик-да, топсак ўлдирардик дейишарди. Трояликлар бўлса, унга тупуриб, фақат кўркувдан уни ўлдирмаган эдилар. Фақат биз шоирларгина уни улуғлардик! Эллиник маликанинг кўлига тушгач, энди ҳақиқий азоблардан қутулдим, деган қарорга келди. Ва очиғини ҳикоя қилди. Буни эшитган Поликсос бирданга газаб отига минди. Шу — аёл, шу “севги мубталоси” туфайли эри, Гераклнинг ўғли Тлепол шохининг мусофирликда қазо қилгани учун ундан шафқатсиз қасос олди: дарахтга осиб ўлдирди.

— Вой, шўрликкина!

— Чунки у йўқлиги учун ачинапсан-да. Тирик бўлганда, сен уни сўккан бўлардинг.

Шундай қилиб бу улуг юриш ҳам тугади.

— Одиссей нима бўлди?

— Билмадим. Урушдан кейин барча шоҳлар ўлжани бўлиш масаласида тортишиб, жанжал чиқади. Аллақачон қиличбозлик қилишга ҳам тайёр эдилар. Лекин Одиссей уларни тўхтатиб қолади: “Агар ўзаро юмдалашсанглар, сизларни кўрарга кўзи йўқ армияга бирор нарса бермасдан, ҳаммасини ўларингга олганларинг учун, сизга ҳужум қилиб, ҳаммаларингизни йўқ қилиб ташлайди”.

Улар кўлларидаги қилич ва ханжарларини ерга ташладилар, лекин ярашмадилар. Жаҳл билан ҳар томонга тарқаб кетдилар. Бировлари ўз ватанига соғ-омон қайтиб борди, бошқалари — ҳар қаерларда сарсон-саргардон кезишди, учинчилари — денгизга фарқ бўлишди. Кўпгина ҳарбийлар Троянинг ўзида қолиб, вазир ҳамда ҳоким бўлиб, собиқ оқбилак оймиларга уйланиб олишди. Айримлар соҳил ерларидан алоҳида мулк эгаллаб, атрофини девор билан ўраб олиб яшашар, бемалол шоҳлик қилишарди. Одиссей ўлжалар билан лиқ тўла анча кемалар билан жўнаб кетди. Шуниси маълум бўлдики, у йўлда Филоктетнинг энг йирик кемалари гуруҳига дуч келиб, тўсатдан ҳужум қилиб уларни енгади ва кемалар, одамлар ва қимматбаҳо буюмларни кўлга киритади. Филоктетнинг ўзини Лемнос саҳросидаги заҳарли илонлар ўйнаб юрган бир ғорга ташлайди. Бошқа ривоятларга қараганда у катта бахтсизликка дучор бўлади, яъни барча кемалари армадасидан жудо бўлгач ўзи аранг жон сақлаб қолиб, қайсидир бир оролга боради. Ўша ерда аллақандай санам уни ўзига эрликка қабул қилади. Уни хотирани бутунлай барбод қилувчи, лекин кайф берувчи бир ичкилик билан меҳмон қилади ва у на ватанини, на хотини ва ўғлини, ҳатто, ўзини ҳам эслолмайдиган даражага келади. У энди қайтмайди. Агар сени менинг фикрим қизиқтирадиган бўлса (кўпам қайғурма! Ҳақиқатни талаб қилганинг учун айтаяпман!), унинг устихонлари аллақачон акулалар ошқозонида ҳазм бўлиб кетган..

— Агар сен урушин шу тариқа кўрган бўлсанг, уни қандай қилиб бошқача тасвирлайсан?

— Менга пул тўлайдиган подшоҳлар ва архонтлар шуни ишташади. Агар мен кўрган нарсаларимнинг барчасини ўз ҳолича тасвирласам, ҳаммасини — дўқонимни ҳам, кўзларимни ҳам бекитишимга тўғри келарди! Мен Гектор ҳақида бир дoston ёзиб, ўз акам билан (унинг ҳам номи Ҳомер) Архелайга юбориб катта хатога йўл қўйган эканман. Мен дoston унга маъқул келиб катта мукофот берар, деб ўйлаган эдим. Аксинча бўлиб чиқди. Акам шўрликни роса калтаклаб, Троядан чиқариб ҳайдашибди. Денгизга фарқ қилишларига сал қолибди! Негаки, ҳозир расмий давлат ва унинг тарихи Гекторни ўтмишдаги эски сотқин ҳисобларкан...

Ўйлайсанки, сенга ҳикоя қилган нарсаларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганманми? Буларнинг ҳаммасини мен ҳам тўқиганман. Шундай одамларни биламан. Агар чойшабнинг бир чеккасидан тортишса, ухлаб ётган Сюзаннанинг оёғига кўзи тушиб, унинг ўзи қанақа эканлигини ўша заҳоти топишади!

Энди мен Одиссей ҳақида дoston ёзишни ўйлаб юрибман. Уни “Одиссея” деб атайман.

— “Одиссея”ни ёзаман ва уни “Пенелопея” деб атайман.

— Сенга бир-икки гап айтсам майлими?

— Гапир.

— Питакнинг ўғли Неант Митилендаги Аполлон ибодатхонасидан Орфей<sup>1</sup> лирасини ўғирлайди. Шу билан у тоғларга чиқиб ёввойи ҳайвонлар: бўрилар, шоғоллар ва илонларни ўргатмоқчи бўлади. Илонлар, шоғоллар ва бўрилар уни еб қўйишди. Санъатни асбоб эмас, балки, инсон яратади.

<sup>1</sup> О р ф е й - чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

## ПОКЛАНИШ

Одиссейни кутиш менинг жонимга тегиб кетганидек, мени кутиш ҳам қаллиқларимни жонидан тўйдириб юборган эди! Ҳа, мени! Бу шундай йўлига айтилади! Аслида Подшоликни! Улар деярли ҳар куни қатъий бир қарорга келишимни сўрашади: ёки турмушга чиқиш, ёки...

Қайданам, нима жин уриб, (ўшанда!) Посейдондан, биттасини танлаб, эликтасини юборинг, деб сўраган эканман! Бу ҳазил эди, албатта! Энди эса, Бўрон тантриси ҳозиргача роппа-роса эликта — бўронни менинг уйимга юборгандир. Яқинда ҳузуримда биттаси ҳозир бўлиб, илтифот ҳам кутмасдан, тўғри, базмларда биринчи илоҳий зот ўтирадиган тўрға ўтди. Уша ердаги курсилардан бирданига иккитасини ёнма-ён қўйиб, зўрға сигишиб ўтирди. Унинг қироат билан айтишича, биз иккаламиз ҳам маънан бир кўринишга — менинг қадди-қоматим, унинг ақли, маънавияти жуда мос келармиш. Биздан ажойиб фарзандлар туғиларкан...

Телемах катта бўляпти, мен эсам ўзим истамаган ҳолда қариб боряпман. Ўттиз иккига кирдим. Йўқ, эндигина ўттизни тўлдиряпман. Ҳисоб-китобга сираям тоқатим йўқ!

Телемахга ҳам, армияга ҳам суяна олмасдим! Оҳ, қани энди чет элдан бирорта кўшин бостириб кела қолса! Фақат уни қаердан изласа бўларкан!

Мен бир нечта ишончли ёрдамчиларим билан барча қаллиқларимни заҳарлашим мумкин. Унда тахтдан айрилиб қолиш хавфи ҳам йўқ эмас. Оддий халқдан беш мингтасини осонгина ўлдириш мумкин! Лекин эликта арконни ўлдириш-чи? Бизда ўша куни халқ кўзғолони бошланиб кетади!

Мен вақтни чўзиш мақсадида Ҳомерни улар ҳузурига юбориб, Одиссей ҳали-вери келмайди, лекин бир кун эмас, бир кун Менелай ва Нестордек албатта қайтиб келишига ишонириб қўшиқ айтишни топширдим!

Агар улар шу қадар аҳмоқ бўлганлари каби қўрқоқ ҳам бўлсалар, албатта саройдан ўзлари кетишади. Ҳомер уларга Одиссейни Тринакрия оролида ўз кўзи билан кўрганлиги, унинг аввалгидан ҳам ёш ва чиройли бўлиб кетганлиги, яна унинг гўё мрамарга айланиб қолганлиги ҳақида гапириб беради. Мрамар унга шундай дебди: “Тангри Гелиос менинг ўртоқларим унинг муқаддас ҳўкизларини сўйиб егани учун мени лаънатлади. Лекин орадан ярим йилча ўтгач, жазо муддати тугайди. Ана шунда...” Кейин қаттиқ момақалдирак гумбурлаб, чақмоқ чаққани учун давомини эшита олмабди...

— Сен уни ўз кўзинг билан кўрдингми? — дея жиддий сўрашибди қаллиқлар.

— Ҳа! Ана бу кўзларим билан!

— Дарҳол кўзлари ўйиб олинсин! — деб буюрибди ўз йигитларига. Буйруқ ўша заҳоти бажарилади. Бу улар учун тупурушдай бир гап эди.

Даҳшат! Бахтсиз ҳофиз шундаям овоз солиб нола қиладики, бу товуш куйлагандаги товушдан бутунлай фарқ қиларди!

Қаллиқлар унинг атрофини ўраб олиб, хоҳолаб кулишарди.

— Энди аввалгидан яхшироқ кўрасан...

Мен жуда хафа бўлиб кетдим. Шоирнинг ўлгани учун эмас. Булардан истаганча топиш мумкин. Фақат менинг ниятим амалга ошмай қолгани учун. Ва уларга сўз билан таъсир этиб бўлмаслиги, яна уларнинг ҳатто Одиссей қайтиб келгач, албатта уни ўлдиришга қарор қилганликларини ҳам етказишди!

Ҳазабим кўзиб, қатъий бир қиёфада залга тушдим.

— Итака ва бошқа ороларнинг энг яхши ва шавкатли ҳокимлари! Мени диққат билан эшитинглар. Бунга чек қўйиш керак. Мен сизлардан қайси бирларинг бўлмасин биттангизни эрликка оламан. Бироқ, қолганлар менинг уйимни тарк этиши, менга ва ўша омад кулиб боққан кишига давлатимизда тартиб-интизом ўрнатиш ҳақида сўз берсинлар. Бизнинг барчамиз умумий душманамиз — халққа қарши туришимиз керак. Ўзларинг танланглар, қайси бирларинг энг яхши?

— Йўқ, ўзинг танлайсан, — деб жавоб берди Эвримах.

— Уйимда сизлар бор экансиз, ҳозирча қўлимдан келмайди. Агар мен қуръа ташлаб танласам, яна бир-бирларинг билан жанжаллашасиз. Шунинг учун аввал ўз мулкларингизга бориб жойлашиб олинглар, орадан икки кун ўтгач ўзимга лойиқ, энг муносиб кишининг миздан одам юбораман!

— Ҳазиллашяпсанми? Бизни ҳайдаб, кейин эшикни ёпиб олмоқчисан! Йўқ, бу кетмайди.

— Унда ўзларингиз мусобақалашиб, аниқлаб олинглар. Аравада югуриш мусобақаси ташқил этинглар, ким биринчи бўлиб етиб келса, ўшанга турмушга чиқаман.

— Мен мусобақа ўйнай олмайман, — дея тўнғиллади биринчи даражали руҳоний. — Жуда семизман.

— Бизни бошқача йўл билан ҳайдамоқчимисан? Ахир шу ерда, саройда мусобақалашиб бўларканми? Бунинг учун бизга далага чиқишга тўғри келади. Йўқ, буниси кетмайди.

— Унда мен сизларни мен билан худди эркак билан қиличбозликка чорлайман...

— Нима дединг? Сен биланми? Аёл киши билан-а?

— Мен сизлардан кучлиман. Бировлар буни тасдиқлаши ҳам мумкин! — Бу сўзларни эшитган Антиной қизариб кетгандай бўлди.

— Биринчи бўлиб ким сен билан куч синашса, галаба қилади. Шундай қилиб, масала аввалгича қолади: ўзинг танлашинг керак...

— Мен қўлимга қурол ушлаганим йўқ, — деди биринчи даражали руҳоний. — Мен художўй одамман!

Эвримах бўлса шундай деди:

— Ҳозирча сен билан яхшиликча гаплашиб турибмиз. Эринг ким бўлиши биз учун барибир, лекин биз бу ердан кетмоқчи эмасмиз. Бир киши сенга эр бўлиши мумкин, лекин биз барчамиз — шохлармиз! Бир кишининг давлатни бошқариши қаёқда-ю эллик кишининг бошқариши қаёқда? Биз ҳокимиятни ва оролларни ҳам бўлиб оламиз! Ўзинг хал қил!

Бу мен кўрққан энг қалтис гап эди. Шунда мен уларга мурожаат қилиб, ўзимнинг энг сўнгги илтимосимни айтдим ва агар шунга кўнсангизлар сиз айтганчалик бўлади дедим. Мен тайёргарлик кўриш учун уч ойлик муддат сўрадим. Шу орада ким менга Левкофей чойшабини кўрсатса ўшани танлайман.

— Марҳамат!

Мен юқорига кўтарилиб, алам билан ўзимни каравотга отдим. Кимни танласам экан? Улардан бирортаси ҳам кўнглимга яқин эмасди. Ҳаммаси менга қарши. Кошқийди улардан бирортаси кўнгил тортар бўлса эди!

Эркакларни уч нарсдан — муҳаббат, ичкилик ва қарта ўйинидан қандайлигини билса бўлади. Мен қарта ўйнамайман, шароб ичмайман — фақат муҳаббат қолади. Улардан қайси бири мени чинакамига севса, ўшанга чиқаман. Кейин Телемах вояга етса, иккаламиз у ёғини уддалармиз.

Миртони чақиртирдим.

— Бери кел, қизалоғим. Мен сенга ишонаман. Бунинг устига, давлатимизда мендан кейинги энг чиройли қизсан. Шу пайтгача мен сенга жуда кўп мурувватлар кўрсатдим. Чўриликдан сени ўз маҳрамини ва дугонама даражасига етказдим. Ҳамиша ўзим кузатиб юрган бирор қилмишингни юзингга солмадим. Энди эса мен сендан бир қурбонлик талаб қилмоқчиман. Сен беришинг, мен эса — олишим керак.

— Нима истасанг, шу бўлади. Сен учун ўлимга ҳам тайёрман, фақат нима иш эканлигини тушунмаялман?

— Мени диққат билан эшит, қизалоғим. Менинг рухсатимсиз қаллиқлар овқат ейдиган хонага тушмайсан. Энди сулоламиз манфаатлари учун ҳар куни таомхонага тушиб уларга хизмат қилишинг керак. Уларнинг ҳаммаси маст бўлса, бўлмаса сенга тегишади. Сен бўлса кўз учида илтифот қилиб, улардан ҳар куни биттасини ўз хонангга таклиф этасан. Сўнг калитни бериб, зинапоядан секин, оёқ учида билдирмасдан кўтарилиш, чироқни ёқмаслик ва тонг отмасдан чиқиб кетиш шартини қўясан. Яна гапирмаслиги ҳам керак, чунки рўпарада менинг хонам бор.

— Бош устига.

— Шошилма ҳали. Кечқурун сен менинг хонамда, мен эса сеникида ётаман. Улар мени билганларидек, мен ҳам уларни яқиндан билишим керак.

— Лекин...

— Ҳеч қандай лекин-пекини йўқ! Қачонки эллингинчи кунда сенинг қурбонлигинг ва менинг ҳам, кўнгилдагидай тутаса, ўшанда сенга улар билан яқиндан, айтганингдай танишишга рухсат бераман.

— Лекин...

— Гапириш ман этилади!

Ўз-ўзимдан нафратланиб кетдим. Бир хотира эсимга тушиб, кўнглим айнигандек бўлди.

Томирларида қизил ўрнига ҳаворанг қон оқувчи, бу серсавлат текинхўрларнинг барчаси, қириниб, башараларини пардоз-андоз қилиб юришга одатланганлар; одамларнинг уларга кўзлари тушишдан аввал, уларнинг кўзлари ойнага тушиб, унинг олдида соатлаб тирноқ ва лабларини бўяшади; қимматбаҳо тошлар қадалган ва заррин кийимларга ўралиб олиб, савлат билан юришади; гўё улар бўлмаса замин-у замон ҳам бўлмайди, самода қуёш ҳам ҳаракатсиз тўхтаб қолади; чунки улар худолар ва қаҳрамонлар авлодидан; улар жанг ва жадаллар, ҳақиқат ва кишиликнинг шеърятдаги “чин” қаҳрамонлари. Аслида улар — моллар эди. Уларга нисбатан қулбобо Дедал чинакам инсоний қалбга эга деса бўлади.

Мени чўри қиз Мирто ўрнида қабул қилишаркан улар, менга жуда кўпол муомалада бўлишар, ҳар хил ярамас қилиқларни қилишар, аямай сўкишар, ҳатто Эвримах бетимга шапалоқ ҳам тортиб юборди. Буларга қандай тоқат билан чидадим-а?! Ҳаммаси -- тахт учун, ватан учун. Ҳатто биттаси ичиб олиб, тўшакка қайт қилиб юборди; бошқалари маликанинг ўйнаши йўқми, бор бўлса, унга қанча тўлайди, дея ўзимдан сўради; учинчилари мени ечинтириб, барча ранг бўёқлар ювиб ташланса, бошдан-оёқ сунъийлик (кўкракдаги — ёстиқча, белдаги — пахта белбор!) бўлмаганда сариқ чақага арзишим билан қизиқди.

Яна бировлари туғмаслик учун қандай чора лар қўллашим, ёки, эҳтимол, умуман эракка тоқати йўқмикин, дея суриштиришди. Бигтаси менга пул ва озодлик ваъда қилиб, агар мен маликага мўъжизали уйку дори берсам, малика уни танлар экан. Ҳатто бири, мен уни бир тийинга олмайман, менга фақат тахт керак, деб очиқчасига тан олди; тагин бирови ундан ҳам ошиб тушиди ва агар мен унга уйлансам, ҳарамга қамаб, устидан қулф уриб қўяман, Телемахни саҳродан иборат бир оролга сургун қилиб, подшоҳликни ўз авлодимга қолдираман, деб айтди.

Муҳаббат ҳам санъат экан. Унинг турли хил бўлишини билиб олдим. Ўлдим-куйдимдан ташқари яна — кўполик, дағаллик, бағритошлик ва жоҳилликдан иборат экан. Улардан фақат биттаси зўр эди. Бу — Эвримахнинг отаси қария Полиб бўлиб, Муҳаббат — Донишмандликнинг ҳақиқий ситлисис: унга оппоқ сочлар ҳам керакка ўхшаб кўринарди... олтиш ёшли бу қария табассум, қатъийлик ва доноликка йўрилган эди гўё. Муסיқа ва Муҳаббат илмининг камолга эришган шогирди сифатида сираям зериктирмасди! Фақат ўшагина қоронғуда бўлса ҳам менинг вужудимдаги ўзгаришни аниқ айтиб бера олди: яъни овозимдаги бўғиқликни ақўнинг тиниқлиги белгиси, деб айтди. Фақат ўшагина кетиш олдидан мендан, яна қачон келай деб сўради ва ёстигим остига тўла бир ҳамён қолдириб кетди... Унинг бағрида меғ ўз қурбонлигимни ҳам унутган эдим. У билан мен ҳақиқий мазза ва роҳатни туйгандай бўлдим! Гуноҳга ботдим!

Мана, кимга чиқишни истардим, мен!..

Биринчи даражали руҳоний такадек сассиқ эди. Гапирганда такага ўхшаб маърарди гўё. Кетиш олдидан жавондан менинг соатимни олиб, узун жуббаси остига яширганига кўзим туши.

Менинг улуғ қурбонлигим ҳам тугай деб қолганда кўклам ҳам эшик қоқиб турарди. Аввалгидан ҳам яхшироқ, соғ-омон чиқиб олдим. Эллик марта қиздай бўлиб...

Эрга чиқиш муддати яқинлашган сари, келажак асрларда ҳам менинг бу покланишим мўъжизасини унутмасликлари учун ҳаракат қилиш лозим. Шу кундан эътиборан ва ҳамиша бутун подшоҳликда “Пенелопа покланиши” байрами нишонланади. Бу — миллий байрам бўлади. Кейинчалик, бу кунни бутун дунё байрам қилажак! Элафеболион<sup>1</sup> ойининг охирида, яъни, айни, Артемиданинг беайблиги кунда нишонланади! Менинг эзгулигим Ёруғлик — Кўёши экватор чизигини ҳам бузиб ўтиб, дунёнинг нариги томонидан ҳам ўзига жой очиб, Артемиданинг қоронғу тунини ёритади.

Мирғони чақиртирдим.

— Энди кўзичоғим, сен ҳам истаганча ўйнаб-қулишинг мумкин!

-- Ахир...

— Ахир-пахир йўқ! Кўпам таранг қилаверма!

— Ахир бу ҳақда сенга айтмоқчи бўлганимда рухсат бермаган эдинг. Уларнинг кўпчилиги билан мен аввалроқ танишман...

Танамда бир нималар ўрмалагандек бўлди. Галитресни чақириб ундан сўрадим, у жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Кўзичоғим, агар сен туғдира олсанг, у албатта, ўрмонлар ва подалар тангрисига айланажак. Унда эчкининг оёқлари, думи ва шохлари бўлади. Уни — Пан деб аташади. Чунки, унинг отаси — Барча!

Вой, онажоним! Энг катта беайблик — Уят эканлигини наҳотки билмасак?..

## ИДРОК — СОҒЛОМ АҚЛ

Қурбонлиқнинг ярмига етганда, ҳеч нимага эришмаслигимни тушуниб қолдим. Охири томчисигача қуришти керак эди бу аччиқ қадаҳни. Ҳалиям бир нималарга ишонардим. Нима у? Билмайман!.. Баъзан... Уч ҳафтадан кейин Долийга одам юбордим. Биз у билан ҳар томонлама гаплашиб олгач, Телемахни чақирдик.

У ўн еттига чиққан эди. Бўйи ва кўз остидан қарашлари отасига ўхшаб кетарди. Сукут сақлаб турар, эҳтимол, бир нималарнинг орзусидаги ёшда бўлгани учун шундайдир. Бир жиҳатдан шубҳали ҳам эди. Мени яхши кўрсамикан у? Менимча, йўқ. Эҳтимол, у элликдан ошиқ текинхўрни отасининг мулкида боқиб ўтирганим учун мени айблар, шундан норозидир.

— Шуни унутмаки, — дедим унга қатъий оҳангда, — сен қандай отанинг пуштикамаридан ва қандай онанинг вужуди ва қонидан бўлган ягона ўғилсан?! Ер юзид шундай улуғ ва гўзал подшоҳлик — Итака заминида туғилгансан. Шуларнинг барчасини йўқотмоқчимисан? Эсингни йиғиштириб ол. Энди сен улғайиб қолдинг. Мўйловларинг қорайиб, овозинг ҳам дўриллаб қолибди. Жиддий ўйлаб кўришга вақт етгандир. Балиқ тутиш ва ов қилишни ташла. Отангни қиличини тақиб ол ва биргалашиб нимани қутқариш ва

<sup>1</sup> Э л а ф е б о л и о н - қадимги аттик тақвимининг тўққизинчи ойи, ҳозирги тақвим бўйича март ойининг иккинчи ва апрелнинг биринчи ярмига тўғри келади.

кимдан кутқаришни ўйлаб кўрайлик. Фақат тезроқ. Сенинг ёшингдаги халқ орасидаги ўғил болалар ўз нонини ўзи топиб, хўжалик ишларини юритишяпти.

Архонтлар сенинг қўлингдан ҳаммасини тортиб олишмоқчи. Бировлари — онангни, қолган ҳаммалари — подшоҳликни.

Улардан олдинроқ ҳаракат қилишимиз керак, чунки улар кўпчилик. Подшоҳликни бизлардан тортиб олганларидан кўра, бошқаларга сотганимиз афзал!

— Ватанни сотиш?

Долий билан иккаламиз унинг кўзларига қарадик:

— Бу қандай гап? Бу хил фитналарни қаердан топдинг? Шоҳларда ватан бўлмайди. У халқлардагина бўлади. Шуни унутмаки, шоҳлик сенинг отангники. Уни фақат сенгина истаганча бошқаришинг мумкин.

Бугун кечкурун жўнаб кетишинг керак. Биз сен учун орадаги энг тез сузувчи Фроннинг ўғли Наемоннинг кемасини тайёрлаб қўйганмиз. Сенга ўнлаб ишончли йигитларни берамиз ва яширинча кечкурун Ёвуз денгиз орқали йўлга тушасизлар. Ментор қиёфасида Афина рулда бўлади.

Дастлаб, Ньюкастрага, кейин Спартага борасан. Сўнг Микена ва ниҳоят Корфага ўтасан. Сен замонамизнинг энг машҳур таниқли шоҳлари билан учрашасан.

Ньюкастрада сени Нестонинг кичик қизи Поликаста яхшилаб ювинтиради. Спартада Еленанинг ягона қизи, жуда гўзал ва онасига ўхшаш Гермiona сенинг шарафинга дастурхон ёзиб, катта зиёфат беради. Микенада онасининг муносиб қизи Электра сени ўз ёнидан жилдирмаслик учун сенга мўъжизали бир ичкиликдан қўйиб беради. Корфуда сени жонидан ҳам ортиқча севиб қолган Алкинойнинг эрка ва ягона қизи Навсикая яширинча йиғлай-йиғлай кийимларингни ювади.

Лекин каллангни йўқотма. Улардан бирортасига ҳам уйланма, фақат отаси бизнинг подшоҳликни сотиб олишга кўниб, сенга бошқариш кафолатини берсагина розилик бер. Ўзининг огирлигингча олтин беришни сўра. “Кўнглим” дагини айтмайман: ошкор қилиш мумкин эмас! Бизга ҳар йили ўн минг дукат бож ажратсалар кифоя.

Қалиқлар тўпланишиб, подшоҳликни эгаллашга киришганда ҳаммаси ўзгача ҳол: орол ҳам, одамлар ҳам ва ўзларининг ҳам эгаси — бошқалар бўлиб чиқади!

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, куёвлар меросхўрнинг кўринмай қолганини сезиб қолишди. Дастлаб улар онасининг ишларидан номус қилиб узоқ, Эвмеядаги мулкига кетган, деб гумон қилишди. Кейин сир ошкор бўлиб, ваҳшийлашиб кетишди. Тезгина учта кема ҳозирланиб, денгизга туширилди ва Корфу томонга мудофаа чизиги ўрнатилди. Ва уйга қайтиши билан тутиб ўлдиришга қарор қилинди.

Бироқ Паллада уларнинг ниятларини сезиб қолди. Оролнинг шимолий тарафини ўннга — сув кирадиган ҳавза кулфи калитини ўннга бурагандек айлантириб қўйди. Худди шу пайт Телемах шимолдан сузиб келганда улар уни Джанта томондан ёқиб юбордилар.

— Бизнинг подшоҳликни ҳеч ким сотиб олишни истамайди. Бу фитна ўчоғини тинчитиш учун дастлаб унинг ўзига қарши уруш бошлаш керак дейишди. Унинг халқи эса бутунлай ҳолдан тойганмиш. Фақат Алкиной деярли кўнганмиш. Фақат аввал мен Навсикаяга уйланишим керак эмиш.

Ортиқча кутиш мумкин эмас. Менинг ихтиёримда ҳаммаси бўлиб беш кун қолган. Йўқ! Мен эллик нафар тираннинг чўриси бўлишни истамайман. Барча ашқол-дашқолни йиғиштириб қочиш керак. Спартага. Агар, мабодо, худо бир мўъжиза кўрсатиб менга Одиссейни юборса эди. Майли, ҳақиқий бўлмаса ҳам!

Акс ҳолда эртага мен васият ёзиб, бутун подшоҳликни текинга Алкинойга топшираман. Агар уни пулга сотолмасам ҳам, барибир ўч олишга ҳаракат қиламан. Улар тахт эгаси — Алкиной билан истаганча уришаверсинлар.

## СОХТА ОДИССЕЙ

Мўъжиза рўй берди! Пайдо бўлиб қолди! Дуоғўй бир ўткинчи! Одиссей. Албатта, танаси мрамардан эмас! Ҳақиқийга ўхшамайди. Сохта. Фақат ким қилиши мумкин? Албатта, тирик марҳумдан кўра, сохта тирикнинг пайдо бўлиши осонроқ-да.

Аслига нисбатан бирмунча йирикроқ кўринарди. Хонага кира солиб хира чироқни ёқди! Унинг овозидан деворнинг шувонлари кўчиб тушгандай бўлди! Унинг бирмунча ёшроқ кўринишини айтмаса ҳам бўлади! Қўллари ва оёқлари танасига нисбатан бирмунча қисқароқ. Гардани деярли йўқ эди. Бунинг устига ундан галати сассиқ ҳид келиб турарди. Эҳтимол, бу хил ҳид эртақлардаги ўлаксахўр ва аждаҳоларда бўлса керак. Лекин мен бирор пайт ўлаксахўр ва аждаҳони ҳидлаб кўрибманми? Унинг ҳикояларини тинглар эканман, бунинг туйгандай бўлдим. Бу чинакамига чўчқанинг ҳидига ўхшарди. Лекин унга ўрганиб қолсанг, кўпам безовта қилмас экан...

У мени кутқаришга келганини айтди. Қаердан ва қайси йўллар билан? Кемасиз ва дўстларисиз. Осмондан тушгандай.

Уни тонг билан, шаҳар томон худонинг ғазабидек юриб келаётганини кўришибди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Кўлида катта бир калтак эмиш, айтишларича, бундай калтакни ҳатто Геракль ҳам кўтара олмас экан!

Собиқ бекатдаги бир қанча денгизчилар, бу баҳайбат махлуқни томоша қилгани шошилибдилар. Унинг гаши келиб, уларга шундай қаҳр ва шиддатли тикилган экан, шўрликларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетибди. Бировлар қоялар оралиғига, бошқалари, балодан ҳазар, дея сифиниш учун Псейдон ибодатхонасига кириб кетишибди!

Изига бурилмасдан ва бировдан бир нима сўрамасдан (гўё бу бировга керакдек! Шундоғ ҳам менинг саройимни бирор йўл ўткинчидан сўрашнинг ҳожати йўқ — ўзи кўриниб турар эди!) у мен томон юриб кетибди.

Ташқи дарвозанинг кўриқчилари уни кўришлари билан лип этиб ўзларини ичкарига оладилар ва устларидан қулфлаб, тирқишдан дағдаға қиладилар:

— Келаётган ким?

— Нарн тур, иблис!

Шундай деганча у дарвозани елкаси билан бир туртган экан, ошиқ-мошиғи билан ағдарилиб тушибди. Иккинчи дарвозага яқинлашибди. Ҳеч ким йўқ экан! Учинчи дарвозадан ҳам ўтиб, гишт ётқизилган сарой ҳовлисига кирибди. Зинадан кўтарилиб хотинлар бўлмасига ўтибди.

Кувлар ва барча хизматкорлар шамол учиргандай тум-тарақай бўлиб кетишибди. Ўз хоналари ва қулбаларига яшириниб олишади...

Ҳарқалай, у бу жинкўчаларни қаердан била қолди экан? Тўғри, Элладада саройлар бир хил режа асосида қурилади. Лекин ҳаммаям буни шу қадар аниқ билмаса керак. Бунинг учун ё шоҳ бўлиш керак, ёки қайсидир шоҳ саройида ишловчи мулозим.

Мен пиллапоёларнинг гижирлашини эшитдим. Пол ҳам ундан баттар инграрди гўё. Ва мен тепага марҳумнинг ўзи эмас, ҳайкали кўтариляпти деб ўйладим. Бу ҳайкални бундан ярим йил аввал оролдаги энг яхши ҳайкалтарошга буюрган ва уни қип-яланғоч ҳолда, оёқларини кериб (чап оёғини олдинга, ўнг оёғини орқага), муштларини ён томонга тутиб, мўйловсиз лабларида табассум билан — худди Аполлонга ўхшатиб тасвирлатган эдим!

Мен Миртони замбилкашларни тўхтатиш учун юбордим. Ахир мен бу ҳайкални тўшак учун буюрмаган эдим-ку! Уни энг юксакликка — тўлқинлардан ҳимоя қилувчи баланд довоннинг устига ўрнатишга тайёргарлик кўриляётган эди. Ушанда У бор савлати билан кеча ва кундуз денгизга қараб, хаёлга чўмган ҳолда (агар У ўлган бўлса!), ўз Руҳи билан бутун борликни мағрур кўриб турарди.

Ранг-рўйи оппоқ оқарган Мирто югуриб кирди-да, оёқларимга ўзини ташлади.

— Нима бўлди? Гапирсанг-чи тез!

— Бе... бе... айланай бекам! Тезроқ эшикни бекитиб ол... тезда унинг орқа томонига бир нималарни тиркаб қўйиш керак. Жуда кўрқинчли. Ўз дельфинлари билан келган Тритонми нима? Эки толенлар билан келган Протеймикин? Йўқ, бу жазаваси кўзиган Энкелад? Нақадар баҳайбат бир иблис зинадан кўтариляпти. Қиёмат қойим бўлади, шекилли.

У жазавага тушиб хўнграй бошлади.

Унинг кўрқоқлигини билганим учун қарашга ўзим чиқдим. Худди шу аснода сув остидаги денгиз тошбақасининг белига ўхшаш унинг боши кўринди.

Оёқларимдан дармон қуригандай бўлди. Лекин, мен малика ва илоҳа эканлигимни унутмаган эдим. Бутун оламнинг ва ўзлигимнинг эгаси эдим.

— Кимсан? — дея қичқирдим унга.

Этна картери ўт олиш пайтидаги кучли бир бўкириш эшитилгандай бўлди. Унинг овозидан деярли қурқмаган бўлсам-да, унинг қуйидаги сўзлари капалагимни учуриб юборди:

— Кутиб ол, эринг Одиссей бўламан!

Шундай деди-да, ўша ондаёқ мени кўғирчоқдек кафтига ўтқазиб, уйга олиб кирди. Унинг юзларига қарашга улгурмадим. У мени юмшоққина каравотга ўтқазди ва мулойим, бамисоли мусичадай куқулай бошлади:

— Қандай тасаввур қилган бўлсан, ўшандай экансан. Ҳатто ундан ҳам яхши. Чиройли ва ёшроқ кўринасан. Киркадан ҳам илоҳийроқ жозибага эгасан... Менинг кўғирчоғим!

Ва эркалаб томоғимдан оҳиста чимчилаб қўйди.

— Ким у айтган жувонинг... отини нима дединг?

— Яқинда ҳаммасини билиб оласан.

— Унда сенинг ўзинг ким бўласан?

— Узоқ йиллардан бери қутаётган халоскорингман. Оламда энг ақлли ва қудратли эркакман. Менинг номим йўқ. Яхшиси, мени Одиссей деб атай қол. Албатта, мен сенинг эринг бўламан! Сени ва арконларингни қутқаргани келдим. Мен сизларни қайтадан бирлаштирмақчиман. Қачонки мени билсанг, ўзинг ҳам севиб қоласан, ахир мен сени ҳали кўрмасданоқ севиб қолганман-ку!

Унинг юзлари ёришиб, миннатдор бир табассум юзлари ва мўйловларининг чеккаларига ёйилгандай бўлди. Оғзини ярим очган эди, унда фил суяги рангида икки дона тиш кўриндики, булар бошқаларидан кўра йирикроқ эди. Улар юзига мос ва ярашиқли кўринарди!

У билан ёнма-ён ўзимни жуда хавфсиздек ҳис этгандай бўлдим.

— Раҳматли Одиссейни мен яхши билардим, — дея ўз ҳикоясини бошлади у. — Биз бир неча кун унинг ўртоқлари билан бирга бир чўчкахонада қамоқда ётганмиз...

— Ақлинг жойидами?

— Биз бир тоғорадан ёнғоқ, қизил ва ёввойи каштаннинг мевасини, қайнатилган ошқовоққа узум аралаштириб еганмиз. Биз бир ботқоқда чўмилганмиз.

— Бу қандай сафата? Бачканалик ҳам эви билан-да!

— Тўшақдаги бебадайд мунча шошилмасанг. Ҳозир ҳаммасини тушунасан. Биз ҳаммамиз чўчкалар эдик... Нима? Истасанг тупур менга, тупуришинг мумкин! Фақат ўйлаб кўр! Мен сени ақли ва ҳаёт тажрибасига эга аёл деб ҳисоблардим. Кўряпсанми? Мен сени иккита бармоғим билан арини қайчи билан кесгандек иккига бўлиб ташлашим мумкин.

Ўзимни кўлга олдим. Дастлаб унга тупурмоқчи ҳам бўлдим. Ҳозир эса уни негадир ўпгим келиб кетди.

— Одиссей лестригонлар оролида ўз кемалари ва ўртоқларидан жудо бўлди. Чунки бу оролда одам юраги билан қайф қиладиган одамхўрлар бор эди. Унинг кемалари қияликда лангарда турган пайтда тўсатдан лестригонлар уларнинг бошида пайдо бўлиб, катта харсангтошларни уларнинг ичида бўтқага айланди қолди. Фақат Одиссей ва яна у билан бирга қирққа яқин киши арқонларни чопиб, ўз кемаларини денгизга тушуришга улгуриб қочиб қоладилар. Кеманинг рули эса қияликда қолган эди.

Одиссейни қайғу ва мусибат ўлдирди. Дарғазаб бўлиб, аччиғи чиққан бошқариш ускунаси йўқ кемани қаёққа ҳайдаш мумкин? Бир неча кундан сўнг зўрга Эи оролига етиб келишди, бу ерда Гелиос ва Персининг қизи, Ээтанинг синглиси ва Медеянинг холаси, гўзал, сеҳргар — илоҳа подшолик қиларди. Уларнинг ҳаммалари сеҳргар ва ўз болаларининг қотиллари эдилар!

Атрофи бокира, маъсум қарағайлар билан ўралган тик қоя устига ва булутсиз мовий осмон остида маликанинг саройи қад кўтарган бўлиб, унинг пойида ошиқ қалбини пора-пора қилиб денгиз чайқалиб ётгандай. Сарой мрамардан барпо этилган бўлиб, деворларда қизил-мовий рангларда гуллар солинган, мис гулдонлар ва ложувард карнизлар, ҳамда уларга осилган пардалар; заррин остона ва қумушранг шифтлар, ҳар бир эшикнинг олтин тутқичлари ҳам, ҳаммаси қуёшнинг эрка нурларида ёлпасига жило бериб тургандай. Умуман сарой ерда эмас балки осмонга осилган яхлит билтур қандилга ўхшаб турарди.

Атрофи баланд темир панжара билан ўралган каттақон боғда қирғовуллар, товуслар, шерлар, айиқлар одамлардек итоаткор кезадилар. Дарҳақиқат, улар одамлар эди! У ердаги якка-ю ягона ҳайвон, жуда гўзал илоҳа, қолаверса, зўр экзотик жонивор — Ўша эди. Унинг сочлари Афродитаникидек оқ малла эмас, Афинаникидек қора ҳам эмас, Артемиданикидек каштан тусида ҳам эмасди. Улар турли хил рангларда товланарди. Кўзлари мушукникидек кўм-кўк эди. Фақат Унинг кўзларида ўтдан кўра сеҳр кучлироқ эди.

Айвонда, фил суягидан ясалган курсида ўтирганча чархда заррин ипларни йигирар ва шундаям берилиб кўйлардики, Одиссей унинг товушини қулоғи билан эшитишдан аввал қалби билан туйгандай бўлди. Негадир кўрқиб кетди.

Тажрибаси ва кўрган кўп қийинчиликлари учун ҳам у тўғридан-тўғри бориб, ёрдам сўрашни ўзига эп билмади. Энагаси, пихини ёрган фессалиялик, энг пишиқ ва ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи Эвриални йигирма кишига кўшиб узатаркан, бориб қаранглар-чи, у ерда ким яшаркан: одамларми ёки худоларми? Яхшиларми ёки ёмонларми? — деб тайинлади.

Жодугар уларни кутиб турарди. У кўшиқ айтишдан тўхтаб, чархини бир томонга суриб кўйди. Шундай бир сукунат чўқдики, ҳатто дарахтлар танасидаги томирларда сизгиётган шарбат ҳам бемалол эшитилаётгандай!

Гўзал хоним ҳовлига тушиб, ўзи дарчани очди. Уларни ичкарига таклиф қилиб саломлашди ва уларнинг ҳар бирини номини айтиб, илпифот кўрсатди! Уларнинг барчасини у танирди. Шунинг учун ҳам у сеҳргар эди-да! Уларнинг капитанига, бутун дунёни айланиб чиққан, улуг Одиссейнинг ўзи нега келмай ўрнига Эвриални юборди ва у қайин танасига пана бўлиб, ўша ердан пойлаб турибди, деб зорланиб гапирди. Худога тенг шоҳнинг кўлларини ўпишга тайёр эканлигини айтиб, у юборган азиз меҳмонларга ҳурмат, иззат кўрсатишга киришди!

Ўша заҳоти уларни ҳаммомга (бадандаги тузларни ювиб ташлаш мақсадида) бошлаб кирди. Ҳар бири дарёлар, булоқлар ва дарахтлар қизига ўхшаш чиройли, самбитқомат ходималар ёрдамида уларни обдон уқалаб чўмилтирди ва баданларини мойлаб, хушбўй суюқликлардан суркаб, ипак кийимларни кийдириб одамга ва тез орада уларни чўчкага айлантиришга қасд қилди.

— Наҳотки?

Кейин уларни ёнғоқ дарахтидан қилинган столга ўтқизаркан, Одиссейнинг дўстларини қабул қиладиганидан жуда мамнун эканлиги, ҳамда у ҳақда жуда мақтов сўзларини ёғдириб, дамба-дам табассум қиларди. Яна меҳмонларга яхшигина кечки овқат тайёрлашга улгура олмаганини айтиб, устма-уст кечирим сўрар, агар вақти бўлганда ҳам бари бир тайёрлай



олмаслигини тан оларди. У бутунлай калласини йўқотган эди! Эллинг биринчи даражали меҳмонлар ташрифидан у бутунлай сармаст эди, гўё. Агар уларнинг ўрнига худолар ташриф буюрганда ҳам бунчалик бўлмасмиди!

Шундан кейин уларнинг ҳар бирининг ёнига биттадан ўз санамини ўтказди. Уларга меҳмонларни овқатлантириш топширилган эди. Чўмилгандан сўнг меҳмонларда шундаям бир иштаҳа пайдо бўлдики, улар худди чўчкага ўхшаб шошилиб, палапартиш овқатланишар (бир неча ой давомида иссиқ овқат кўришмаган) шундаям кўп ютоқиб-ютоқиб ичар эдиларки, охир-оқибат, ниҳоятда иссиқлаб кетиб, устларидаги кийим ва пойабзалларини ечиб, турли томонга улоқтира бошладилар.

— Ўз уйларингда, хотинингизни ёнидагидек, бемалол эркин тутинг! — деди меҳрибонлик билан сеҳргарилоҳа.

Меҳмонлар ҳам “қочириш”ни тушунгандек бўлишди. Ўринларидан сакраб туриб кўшиқ айтиб, қизлар билан рақса туша бошладилар! Шу пайтда уларнинг оғизларидан инсоний сўз ўрнига хур-хур-хур қилган ғалати овоз эшитилгандай, қизларни кучоқламоқчи бўлиб, қўл чўзганларида, ўз қўлларидаги тирноқ ўрнига туёқни кўргандай бўлишди. Ҳеч ниманинг фарқига бормасдан бир-бирларига қараган эдилар, асл афт-башара ўрнига, чўчқанинг тумшугини, бутун баданида (тўнғизнинг баданидаги қилларга ўхшаш жунларни!), яна ёввойи чўчқанинг оғзидаги сўлақларни ва орқасидаги гажак думчаларни кўришди!

Улар аллақачон чўчқаларга айланиб бўлишган эди! Ўша заҳоти тик тура олмасдан, тўрт оёқ бўлиб қолган эдилар.

Жодугар-гўзал ширингина жилмайиб, уларга сеҳр шаробидан устма-уст қадаҳ сунарди. Ўринларидан турмоқчи бўлишар, бунинг уддасидан чиқа олмай, бир-бирларига тегиниб кетиб, яна тўрт оёқлаб қолишар, овқатланганда қутуриб кетишар; бу қутуриш ўз наздларида шодлик, хурсандчилик қутуришига ўхшаб кўринса-да, четдан қараган кишиларга бу чинакам қутуришнинг ўзгинаси эди! Улар стулларни ағдаришар, ликопча ва лаганларни, қадаҳ ва гулдонларни чилпарчин қилишар, бир-бирларини босиб, гажиб, тишлаб юлқишарди — ҳаммаси шодлик туфайли! Жодугар уларга қараркан — узоқ кулди. Кулгуси гўё илоннинг вишиллашига ўхшаб кетарди!

Ўз ишини яхши билган хизматкорлар қўлларидаги калтаклар билан уриб, нуқиб, ўжарроқ “хурсандчилик” шайдоларидан айримларини тепиб, молхонага ҳайдашди. Улар ташқарига чиқишгач, эшик томон югуришди, ўша ердан тоққа қочиб, эркинликка, ўларининг янгича ҳаётларига кўникканча яшамоқчи бўлдилар. Бўлмади! Хизматкорлар уларни тутиб, ҳаммаларини калтаклаб ва тепкилаб, қайтариб олиб келиб, аввалгидан ҳам каттароқ бир чўчқахонага қамашди.

— Худога шукр, хайрият, менинг Одиссейим омон қолибди.

— Бу менинг чўчқахонам эди. Жуда обод ва кўримли бир маскан. Ўша ерда беш йилча подшоҳлик қилганман. Мен сенинг Одиссей деб номланган тўнғизингнинг акаси, Эриманф тўнғизининг набираси мен бўламан. Ҳали сутдалик пайтимда мени Геракл оролга олиб келиб, ўша гўзал жодугарга совға қилиб, ўзи Гасперид олмаларини қўлга киритиш учун атайлабдан эмас, тўсатдан жўнаб кетган экан.

Мени қўлларидан кўтариб, сўргич билан боққан экан. Ва мени Геракл деб атабди. Эркалаб Буби деб қақираркан. Қачонки, катта бўлиб, ҳайвонга айланганимда, у Кибеле шернинг белига ўтиргандек мени миниб олиб, бутун мулки бўйлаб сайр қилиш унга жуда ёқаркан.

У мен учун саройга монанд катта чўчқахона курди. Мен учун ҳамма нарса муҳайё эди. Лекин мен ёлғизликдан зерикардим. Ҳатто чўчқалар жамоаси ҳам, чунки вақти-вақти билан мени қочиришга олиб борар ва у кўп давом этмаса-да, бу машғулот жонимга тегар эди. Қолган ҳаммавақт улардим; қанча кўп ухласам, шунчалик кўп овқатланардим; қанча кўп овқатлансам шунчалик кам қимирлар ва тобора семириб борардим. Шу даражада семириб кетдимки, ҳатто танамдаги жунлар, тешик ва тирқишларга сичқонлар ин кўядиган бўлдилар! Шунинг учун, менга Одиссейнинг йигирма нафар одамга айланган чўчқаларини келтиришганда мен уларни жуда хурсандчилик билан кутиб олган ва улар билан яқиндан дўстлашиб қолган эдим.

Янги улфатлар пайдо бўлиб, бирмунча қимирлаб, ҳаракатга келиб қолдим. Улар билан мен ўзимизнинг тилда (хур-хур... чий-чий... ф, ф, ф): “Қандай сахий бизнинг бекамиз” деган маънода гапира бошладим. Улар менга шундай жавоб беришарди: “бунини у кишига қандай изҳор этайлик...”

Биз тинчгина, уруш-жанжалсиз овқатланардик. Емиш жуда мўл бўлиб, узунчоқ тоғорага бараварига тумшукларимизни тикардик. Биз билан бирга товуклар, сичқонлар ва чумчуқлар ҳам бирга овқатланишарди. Майли, бемалол савоб бўлади...

Овқатлангандан сўнг бизлар қатор ётиб ухлар ва ширин хаёллар сурардик... Соат неча бўлдикин? Энг зўр жузуз хизматкорларнинг кечга яқин келиб, бизларни уйғотиши бўларди. Улар водопровод жўмрақларига ичаклар тиқиб, насослар ёрдамида бизларга сув сепишар... ва бизнинг муздай сув остида диринглаб уйнаб, тозаланиб, ўзимизга келгач уйқу ва ширин тушлар кўриш. Фаровон ҳаёт!

Кирка ҳар кунни шахсан келиб бизларни кўриш ва эркалашини қанда қилмасди. У менинг янги шерикларимга жуда мулоим боқар, уларга жилмайиб, эркаловчи, ширин

сўзлар айтарди. Бу нима эди? Севгиме? Ёки нафрат? Хотинларнинг қараши, сўзи ва табассумидан уларнинг асл мақсади нима эканлигини наҳотки билиб бўлса? Уни фақат рўй берган бахтсизликдан кейингина тушунишади!

— Мен рашк қила бошладим! Чунки, у мен ҳақимда унутаёзган эди. Энди мени эмас, бошқа бировининг энсасига ўтириб гор томон саёҳатга чиқаётганидан хавфсирадим.

— Йиғиштир! Мен Одиссей ҳақида билишни истайман!

— Хўп, шундай ажойиб кунларнинг бирида, ғазабланган, даҳшатли Одиссей пайдо бўлди. Зевсдай ақли ва тафаккури туфайли у ўз йигитларини халос қилиш чорасини ўйлаб топди!

У катта буvasи Гермес билан учрашиш мақсадида ўрмонга чиқиб кетади. Бобосининг отини айтиб уч марта чақиради. Унинг зорланиб чорлашини худо-бобоси эшитиб, олтига қанотида (иккитаси оёқларида, иккитаси қалпоғида ва яна иккитаси ҳассасида эди.) Олимп тоғидан учиб келади. У илдизи қора, гуллари суддай оқ, тез таъсир этувчи мўъжизали бир ўсимликни узиб олиб унга дебди:

— Мана, буни олиб, ҳеч нарсадан қўрқмасдан тўғри ўша жодугарнинг олдига борасан. Нима берса рад қилмасдан еб-ичаверасан. Фақат секингина ана шу ўсимликдан жиндай олиб, овқат еб турган идишинг ва қадаҳинг четига билдирмасдан қўясан. Жодугар қўлига сеҳрли таёқчани олиб сени ҳам чўчқага айлантириш учун урмоқчи бўлганда, унинг томоғидан гиппа бўғиб, ерга ағдариб қўкрагига миниб оласан...

Ҳаммаси худди айтилгандай бўлади.

— Тезгина ўртоқларимни озод қил! — дея қичқирди Одиссей унинг томоғини маҳкам қисиб, тиззасини унинг қорнига тираб.

— Мен уларни ўзингга қайтараман, фақат мени тарк этмасанг бўлгани! Ахир мен сени неча йилдан бери кутаман!

— Аввал ўртоқларимни қайтар.

У терак баргидай титраб ердан турди, унинг бу титроғи қўрқувдан эмас! Севгидан эди. Қўйлагини тушириб, Одиссейнинг тирсагидан тутиб, бизнинг олдимизга чўчқахонага олиб келди.

Лаэртнинг ўғли бизга шундай ачиниш билан қараб турарди. Лекин ҳеч ким унга эътибор ҳам бермасди. Мен уни билмас, бошқалар эса унутиб юборишган эди.

Ўз эгамизингина биз яхши танирдик. Шунинг учун ярим юмуқ кўзларимиз билан чопқиллашиб бориб, унинг оёқларини ҳидлар, ундан эркаловчи ширин сўзлар кутардик. Бунга жавобан у барча подага аллақандай сеҳрли сувни сепгандай бўлди. Лекин Одиссей ва ҳатто Кирка ҳам кутмаган мўъжиза рўй бера бошлаб ҳаммаёқ тўс-тўпалон бўлиб кетди.

Бошқалар билан бирга менга ҳам сув сачратилган эди. Мен ҳам одамга айлангандим. Улар йиғирма нафар ва яна мен! Лекин буни ҳеч ким сезмади. Ҳамма бирдангина тўнгиз қиёфаси, қилиқлари, думчаси ва туёқлари, тўрттадан оёғини йўқотиб, аввалгидай асл қиёфада ва икки оёқда бор қоматда тик туришарди!

Кейин ҳеч ким — Одиссей ҳам, Кирка ҳам, қолаверса мен ҳам, сира кутмаган бир воқеа рўй берди.

Одиссей йиғитлари асл қиёфаларига қайтгач, бир-бирларига ташланиб, қучоқлашиб, табриклашиб, энг охирида ҳаммалари бир бўлиб, қиёфаларини, ақл-хушлари, ватанлари, болалари ва худоларини қайтариб бергани учун ўз халоскорларининг оёқларига йиқилиб, қўларини ўпади деб кутган эди.

Ҳеч нима рўй бермади!

Уларнинг ҳаммаси эсанкираб, серрайганча, гўрдан чиққандек туришар, тўсатдан тушган ёруғликдан кўзлари қамашиб нуқул уқалашарди. Тиллари тиш билан танглай орасига ёпишиб қолгани учун, оғизларидан бирор сўз ҳам чиқмасди.

Ниҳоят ўзларига келиб, мунгли оҳангда айтиб-айтиб йиғлашга тушдилар:

— Қандай балоларга гирифторм қилдинг, сен бизни, эй бахтиқаро? Қаерга борсанг ҳам, қаерда бўлсанг ҳам ҳамиша худолар қарғишига учрагансан, сен ўзинг учун балоларни, бошқалар учун ўлимни бошлаб юрасан. Атиги, фақат бир мартагина худолар бизга яхши назар ташлаган эди. Нега сен яна бизларни одамга айлантирдинг? Биз сендан шуни сўраганмидик? Ё сен биздан сўрадингми?

Худо рамзидаги қиёфа бизга нима учун керак? Ахир шу қиёфамиз ва қалбимиз билан ҳам бизга қулликнинг оловли тамғаси босилган-ку!

Биз ҳаммасини унутган эдик. Бизда ўтмиш ҳам, келажак ҳам йўқ эди. Фақат бутун бор. Биз ўлимнинг ҳақлигини ҳам билмасдик. Бизларни бирдангина хўжайин сўйса, ёки бўри ёриб ташласа, бу бир марта рўй берар, тақдирга тан бериб, ҳаммаси тамом, деб ўйлардик. Энди ҳар куни камдан-кам ўлиб, энг сўнгида бутунлай ўлишимизни ҳам яхши тушунамик!

Бизнинг чўчқа теримиздаги қилларни юлиб, ундаги ифлосликларни қиртишлаб ювиб, бизнинг қалбимизни чўчқаникидан минг баттар ифлосликларга: бегона ёлғон ва алдовларга, қайғу ва ҳасратларга, азоб ва уқубатларга тўлдирдинг!

Бизни қайта чўчқага айлантир! Ва бизни тоғлар ва ўрмонлар бағрига ҳайдаб юбор, токи бизлар пода-пода бўлиб тоғлардан-тоғларга сакраб, ариқларнинг баҳорий бўтаналарида

чўмилиб, илдишлардан, қамиш, ёввойи ялтиз ва сабзавотлардан тўйиб, кўрсичқонлардан истаганча тутиб еб юрайлик. Кишанларсиз, хўжайинларсиз ва ҳатто худоларсиз! Ва яна одамхўрларгагина фойдали ғояларсиз. Бўрилар-чи? Улар бизни тута олишадими, буёғи номаълум. Ҳозир икки оёқли бўрилар ҳокимияти остида эмасми?

Улар йиғлаганча ўзларини Одиссей тиззаларини қучиб, ўзларига аввалги қалин терилари, тўртта оёғ-у, думчалари ва ҳис-ҳаяжонсиз, тўнгиз қиёфасини қайтаришни ўғиниб сўрадилар! Мен буларнинг ҳаммасини ўз теримнинг ташқи ва ички томони билан сезиб турардим. Уларнинг гаплари менга жуда галати ва сунъийдай туюлди. Болаларнинг чақадонни қулоқларига яқин келтириб, ичида қанча чақа борлигини билмоқчи бўлганидек иккала кафтим билан калламни қаттиқ ушладим. Ва уни қаттиқ чайқаб миямни ишлашга ундардим.

Шундан кейин ўзимга келиб, яхши ўйлаш ва яхши сўзлашдан осони йўқ экан, деган хулосага келдим. Ахир барчаси сен учун ўйлаб қўйилган-ку: худолар, жаноблар, чин ҳақиқатлар, қонунлар (ёзилган ва ёзилмаганлари), мифлар, қўллар учун кишан ва чилвирлар; қулмисан, ёки хўжайинмисан ҳамма учун! Афтидан улар туғма қўллар эдилар. Мен эса туғма хўжайин эдим. Мен чўчқаларга шохлик қилардим, одамларга ҳам шохлик қиламан. Туғилганда тўрт оёқли туғилганман, кейин тўрт оёқлига ўхшаб эмакладим, энди ҳамиша тик ва тўғри юраман ва бошқалар менинг олдимда эмаклашлари ва тўрт оёқлаб юришлари керак. Чўчқахонада мен нар эдим ва мени сеҳргар аёлнинг шахсан ўзи озиқлантирарди; одамлар орасида ҳам мен, яна нар — эркак бўламан. Чўчқахонада менинг олдимда ҳамма қалтираб турар ва мени хоҳлашарди; одамлар ҳам менинг олдимда қалтираб туришади ва лекин ишташмайди.

Кирка бизларни санаб чиқди ва битта ортиқча эканлигини аниқлади. Одиссей ўзиникиларни ажратиб олди, бир мен ҳаммадан йириги қолдим.

— Ким бўласан? — деб сўради афсунгар аёл.

— Буби.

— Яхши!

У Одиссей ва унинг ўртоқларини қузатди. Ҳаво яхшиланиб, улар кетишга шошилдилар. Кирка унга мўл-қўл озиқ-овқат ва бошқариш ускунаси ажратди. Кейин ётди. Федрага ўхшаб ётолмади. Севги туфайли. Мен билан.

Мени саройдаги энг яхши хонага олиб боришди. Унинг нереидлари менга бирор-бир етишмовчилик бўлмаслиги учун, зўр бериб ҳаракат қилишарди. Одиссейнинг чўчқага айланган ўртоқлари мисоли аввалги одамликларини эсдан чиқарганликлари сингари мен ҳам одамга айланган, аввалги чўчқалик ҳаётимни эсдан чиқарган эдим.

Учинчи кун у мени ўз хонасига чорлади. Мен уни даволашим керак экан... ўз хазинасининг калитини менга берди ва ўз санъатининг сирини ошкор қилди. Менинг оёқларимни сочлари билан артиб, гилам устига мен оёқ қўйишим учун энг қимматли ва хушбўй гуллардан сочиб ташлади. У малика бўлишдан кўра менга чўри бўлишни афзал билажаги, мен унга мафтун бўлишим ўрнига у менинг мафтунамга айланишга тайёр эканини қайта-қайта тақрорларди!

— Энди, — деди у менга, — мен ўзимнинг абадийлигимни тушуниб етдим. Агар сен мени рад этсанг, мен сенга ҳеч қандай зарар етказа олмайман. Чунки сени санъатимдан воқиф этдим; мен ҳатто ўла олмайман, чунки мен абадийман. Бироқ мен энг баланд чўққиға кўтарилиб, ўзимни денгизга ташлашим ва горгонага айланишим мумкин. Мен сени бугун ёруғ оламдан излайман. Кемаларни тўхтатиб: “Жонгинам Буби мени севармикин?” деб сўрайман. Агар улар менга: “У сени севади!” дейишса, мен уларни қўйиб юбораман; мабодо улар менга: “У сени севмайди”, дейишса, кемаси билан чўктириб юбораман.

У билан бир неча йил бахтли яшадим. Подшоҳ, Жодугар ва Худо. Қудратли, гўзал, доно ва виждонсиз эди у.

Аста-секин менга орол ҳам торлик қила бошлади. Мени ўзида сиғдира олмасди. Ўзимда қанот бўлишини орзу қилардим. Бутун борлик билан, барча вақтлар билан шугулланардим; ердан юлдузгача ва Бугундан Ҳамишагача. Мен қиёфа, тилни алмаштираман; вақт ва маконни алмаштираман. Бироқ ҳамиша Чўчқалигимча қоламан.

Мен одабийликдан юксак — авантюристлар: диктаторлар аталмиш, янгича тип одамларнинг асосчиси бўлиб қоламан. Мен ерни шундай ҳам михлайманки, у ўз ўқи атрофида айланмай қолсин: фақат у гуллаб-яшнаши мумкин. Ҳеч ким ўйламайди ҳам, гапирмайди ҳам, хоҳламайди ҳам. Ўйлаш, гапириш ва хоҳлаш биргина — Менга рухсат этилади!..

Билишимча, подшоҳликни сотишни топширганмишсан; ва уни қайтариш ва қайтарганда ҳам шунчаки қўшиб олишга шошилаётган эмишсан! Мен уни жаннатга айлантираман. Кўрқув ва ўлдириш кўмагида. Кейин яна олға юраимиз!

Ҳозир эса ишга! Эртага мен сени барча куёвлардан халос қиламан. Мен уларни ўлдириб ўтирмайман. Улар менга керак бўлади. Ва мен ҳам улар учун керакман! Улар бизнинг энг содиқ дўстларимизга айландилар. Мен фақат уларни ҳайдаб юбораман. Уларнинг ўзлари мендан кетишни илтимос қилишади!

Майдонда тумонат халойиқ тўпланди. Ҳамма нима ҳодиса рўй бергани билан қизиқади. Қанақа мева экан, бу ёввойи?

Одиссей (шу кундан бошлаб уни шундай атайман) Долияни куёвларни айтиб келишга юборди. “Бизнинг муҳтарам жаноби олиямиз эртага соат ўнда катта залга яхши кийинган ҳолда қилич билан ташриф буюришингизни сўрайди. Сиз малика билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўласиз.”

Шундан сўнг у Долияга Катта Дарвоза минораларидан бирига чиқиб халққа: “Ҳозир ҳаммаларинг уй-уйларингга жўнанглар! Эртага тушдан кейин қайтадан тўпланасизлар. Жуда муҳим бир янгиликдан воқиф бўласизлар!” деб эълон қилишни буюрди.

Эрталаб азондан бошлаб арконлар залда ҳайрон бўлиб, аланглаб кутишарди. Ташқарида қоровул саф тортган.

Соат ўндан бир дақиқа ўтганда шоҳларга хос катта дабдаба-ю, асаса билан бизлар тушиб келдик. Ёнимда (яхшигина тараниб, қириниб, ҳатто пардозланиб олган, қўлида калтакча билан Одиссей) бўлиб, арконлар малика — келинни қизгин олқишлашди. Шу билан бирга нигоҳлари билан “келгинди” га еб қўйгудек бўлиб қараб туришарди.

Тилда ботир Эвримах алам билан қичқирди:

— Бу яна ким бўлди? Нега уни бошлаб келяпсан?

Одиссей гулдирраган овози билан жавоб берди:

— Мен сизларнинг подшоҳларинг Одиссей бўламан. Ва бу ерга мени маликаларинг эмас, балки худолар бошлаб келди.

Каттакон чўян ядродек оғир ва баҳайбат муштини кўтариб сўзида давом этди:

— Бундан кейин мана бу мушт бошқаради! Шу пайтгача менинг уйимда нима еб, нима ичган бўлсаларинг, ош бўлсин! Энди эса бу ердан барчангиз қорангизни ўчиринг! Ҳа, яхшилиқча. Сизларга оқ йўл тилайман. Дўстона ажралайлик. Агар...

— Бизни қаердан ҳайдаяпсан? Ахир бу ер бизнинг уйимиз. Энди бизлар шоҳлар бошқарамиз. Ҳокимият бир кишилиқ шоҳдан эллик кишилиқ шоҳнинг қўлига ўтди.

Сенинг Одиссей эканлигингга ким ҳам ишонарди! Сен сира унга ўхшамайсан! Мана, танганинг юзига қара-чи: у сен эмас — бутунлай бошқа одам.

Йўлбарсга ўхшаш Одиссей гулдураб кулди, ҳукизмонанд чакаклари бўртиб чиққандай бўлди:

— Орадан ўн йил ўтди. Мен бутун ер юзини, денгизларни айланиб чиқдим; Лид тубига тушдим ва Олимп чўққисига кўтарилдим. Яна сизлар истайсизки, ўзгармаслигим керакми? Ахир менинг икки йил мрамарга айланиб юрганимдан хабарларинг бор-ку. Худолар мени қайта тирилтироқчи бўлганлариде мармар вужудим гўё хамирдай юмшаб, гавдамда, қиёфамда қатор ўзгаришлар рўй берган бўлиши табиий.

Энди мен сенга ёқаманми, ёқмайманми, мени тан оласанми, ёки олмайсанми — ҳукми мени бераман. Биринчи турган, орқа ўтрил!

Столнинг ўнг тарафида турган Эвримах шошилиб қиличини чиқарди... Одиссей хотиржам қўл чўзиб, унинг ёқасидан тутди. Уни столдан озод кўтариб олди, гулдон, стол ва ликопчаларни артадиган латтадек енгилгина ўзига тортди. Кучли шовқин кўтарилди. Столнинг нариги чеккасида барча арконлар тўдаланиб, қилич яланғочладилар.

Одиссей бўлса Эвримахни боши баравар балангликка кўтариб, бамисоли коптокдай уларга қараб олди, ўз қиличи учидан ўзи ярадор бўлишига сал қолди.

— Кетасанларми, йўқми?

Каттакон, узун ва оғир калтакни, болаларнинг капалак оёғига ип бойлаб, гувиллатиш учун боши атрофида айлантирганидек айлантира бошлади.

— Бир уришда ҳаммаларингни ер тишлатаман.

Шунда улар бирин-кетин қилич ва ханжарларини йиғиштириб кетишга ҳозирлана бошладилар.

Бироқ, Одиссей уларни тўхтатиб қолди:

— Бундай эмас. Дўстлик ва садоқат учун қўлларингни беринглар-чи!

— Қўриқчиларимизни олиб кетайликми?

— Йўқ, шу ерда қолишади. Қўриқлаш учун сизларга ўзим ажратаман. Уларга бойлаш, уриш ва осишга буйруқ беришларинг мумкин. Фақат менинг номимдан. Ҳар бирингизга қайтадан хўжайин, қози ва жаллод ҳуқуқи берилади. Бу албатта менинг кучим билан. Бу куч бир кишининг қўлида бўлиб, мабодо бирор исён чиққудай бўлса, жуда тезлик билан уни бартараф этишга қодир бўлади. Бироқ, бундай янги исён бўлмайди. Янги подшоҳ олдида ҳамма шол бўлиб...

Муқаддас Сарой бўшагач Одиссей Катта Дарвозаларни очишга буюрди ва марҳумнинг ялтироқ, ҳашаматли файтунида тик турганча сон-ҳисобсиз ҳарбий қўшинлар қуршовида майдонга кириб келди.

— Ҳурматли халойиқ! Итака, Жанта, Кефаллини, Лепкаса, Петалса, Ромелия подшоҳи, соҳибқирон Биринчи Одиссей, Сизлар билан гапирмоқда.

Мени таниган бўлсаларинг керак? Худолар мени Ўз халқимга қайтаришди. Эндиликда бу куёш дунёда энг гўзал юрт бошига, энг муқаддас марҳумларнинг ҳаққи-ҳурмати рамзи

бўлиб, бахтиёр авлодларимиз боши узра нур сочиб туражак. Менинг давлатимда у ҳеч қачон ботмайди. Чунки, мен Улуғ Итанинг неча-неча авлодлари орзу-умидларини амалга оширган бахтиёр халқнинг бахтиёр подшоҳи бўламан.

Мен учун сизлар тинчгина, тортишмасдан меҳнат қилишларингиз ва ҳеч нимани ўйламасдан, бемалол ухлашларингиз керак. Сизлар учун мен ўйлаб, ухламасдан чиқаман. Сизлар ўз ҳокимларингизни севиб, хурмат қилишларингиз керак. Чунки уларни сизларга мен юборганман. Мени эса, сизларга энг биринчи Ҳоким — Подшоҳ қилиб худолар юборишган. Шунинг унутмасаларинг бўлгани.

Қанча кўп ишласангизлар, шунчалик кам ўйлашларингиз! Яна ўзларингизни шунчалик озод ҳис этасизлар. Ватанимиз эса кундан-кун қудратли бўлаверади. Ва бу қуёш ўзининг оловли нурулари билан Итанинг учинчи маданияти мўъжизалари ҳақида дostonлар битажак.

Энди эса, ақлли болакайлардек уй-уйларингга жимгина тарқалинглар. Фақат кўшиқ айтинглар!

Ҳамма бошини куйи экканча, қалбларида туганмас алам, қайғу... ҳасрат билан! Бугундан эътиборан қуёш улар учун нур сочмас эди.

Зинанинг учта пиллапоясини бир қилиб босганча саройнинг хотин-қизлар бўлмасига кўтарилиб, менинг хонамга кириб келди. Қошларини қаншаригача чимириб, менга яқин келиб сўради:

— Пулларингни қаерга яширасан?

— Нима? — дедим ўрнимдан сакраб турарканман. — Яна бир қайтар?

— Пулни?

— Мен сенга подшоҳликни бердим, Одиссей номини бердим ва ўзимни бердим. Пулни сен менга беришинг керак!

— Буни албатта қиламан. Хазинани бир марта бўшатсам, ўн марта тўлдираман.

— Ўн йил давомидами?

— Бир неча ой мобайнида. Белкурак билан. Ҳаммани яланғоч қиламан... ҳозир менга пул керак, очиқ ва махфий равишда менга катта армия ва полиция тузиш учун. Фалокат, бахтсизлик келмасдан аввал унга қарши курашни ўйлашимиз керак. Ҳолбуки, мен улардан олдинроқ зарба беришни ўйлаб турибман. Қишлоқ ва шаҳарларни ўз айғоқчиларим билан тўлдираман. Мен ҳар қаллада қанақа хаёл борлигини билиб, кўриб туришим керак.

Мен бешикдаги чақалоқларни олиб уларга ўз оталарини сотишни, ўз акаларини ўлдиришни ўргатаман. Ороллардаги саҳроларда қамоқхоналар қуриб, уларни эркин, хур ва ақлли одамлар билан тўлдираман, фақат очиқда қулларгина қоладилар. Мен уларни чўчкаларга айлантиришим мумкин. Лекин менга чўчка гўшгидан қилинган қийма эмас, балки меҳнат ва пул керак.

Мен шундай қаттиққўллик билан бошқараманки, мабодо бир бахтли кунда худолар марҳамат қилиб мени Олимп тоғига кўтаришса борми, бошқа бирор киши дунёни бошқара олмас, чунки аввалгидан яна ўн карра қаттиққўлроқ бўлардим.

— Сен донишмандсан. Ҳатто кекса Нестордан ҳам донороқсан.

— Қандай ўйлайсан, мен неча ёшдаман?

— Қирқ-қирқ икки.

— Энди ўн икки ёшдаман!

— Нима?

— Олти йил одам ва беш йил — чўчка бўлиб яшадим. Лекин беш йил чўчка бўлиб яшаш — инсоний ўттиз йилга тўғри келади!

— Менинг Бубигинам!

— Эҳтимол, Тарих саҳифаларида менинг — худо ва худолар авлодидан эканлигим зарҳал ҳарфлар билан ёзилар!

## Э Р Т А К

Тўрт йил. Энг яхши ва мазмунли йиллар. Дунёда энг самарали давр. Бир томонда — тер, иккинчи томонда — ақл ва тафаккур; бир томонда — соқов — сукунат, бир томонда — рақсу тарона; бир томонда — илоҳа Гестия, иккинчи томонда — илоҳа Ника.

Учинчи итакийча цивилизация.

Худди эртақдагидай.

Ва яна тўрт йил. Энг ёмон. Дунёда энг хатарли давр. (Қанақа дунё бўларкан подшоҳлик бўлмагач?) Осмон ва қуёш гўё кўзга кўринмас, гўё осмон барҳам егандай, чунки уни даст кўтариб турувчи устун — Бизнинг тахтимиз емрилган.

Худди эртақдагидай...

Мана тўрт йилдирки, биз бегона юртларда овора-ю сарсон кезамиз. Ким айбдор? Халқ! Яна ким бўларди?

Мен Одиссей (сохта Одиссей)га дедим:

— Сен уларга марҳамат кўрсатиш ва ҳар куни биттадан, ёки бештадан йўқотиш билан ҳеч нимага эриша олмайсан. Уларнинг ўрнига ўн баравар кўп ва хавфлироқ бўлиб ўсиб чиқаверади. Уларнинг қўл ва оёқларидан бош бармоқларини бирданга кесиб ташла. Шунда улар тоққа қочиб кета олмайдилар, биз уларни таъқиб қилганда, (ўзлари таъқиб қилиб қолмаганда) бизга қарши қилич ва ўқ-ёй кўтара олмайдилар.

— Қанақасига улар омов, ўроқ ва болгани кўтара олишади?

— Икки қўллаб, йиқилмаслик учун ушлашади. Қанча чарчаб, силласи қуриса ўйлашга вақтлари қолмайди.

У беғараз кулди.

Тўғриси, дастлабки тўрт йилни ҳаммамиз шундай зўр яшадикки!

Хавас қилса минг карра арзирди. Одиссей — Кемаларни, мен — Хўжаликни бошқардик. Подшолик ҳам бамисоли ётқизганда кўзларини юмиб, турғизганда кўзларини очадиган кўғирчоққа айланадиган қолгандай эди.

У менинг пастдаги меҳмонхонамда ўтириб чойшаб тикишим, кашталар чатишим, ёки шунга ўхшаш бошқа ишларни бажаришимга қараб ўтиришни жуда ёқтирарди. Яна унинг шамолдай учқур, йўрға хачирига менинг ем беришим, эгарлашим; у эгарга ўтириб олгач, унинг қўлига юганни тутқазимиз, булардан аввал — ҳокимият ва инсонийлик рамзи сифатида уни ўпиб қўйишим ҳам унга ёқарди.

Эллин оиласи — шу қадар муқаддас!

Барча тантаналар ва байрамларда мен ҳаммани кўришим ва ҳамма мени кўриши учун ёнидаги баланд курсига ўтқизарди. Майдоннинг ўртасида (бутун халқнинг кўз олдида) у тузалмас айбодларни намойишкорона дорга осар, ёки бошини танасидан жудо қиларди. У мenden бирорта ҳам башара, ёки бирорта ҳам тананинг типроғини кўрмасдан қолишимни истамас эди. Вой, худо, нақадар нозик қалбга эга эди, бу одам!

Иккала қўли билан Ион денгизини қучоқлаб турган бу қўллар янада кенгроқ ёйиладиган бўлди, албатта бировларнинг қўшилувига ҳисобига. Доно Алкиной Телемах учун бизга совчи юбориб, ўзининг гўзал қизини бир олам сеп билан юборди. Бу билан у ўз подшоҳлигини сақлаб қолиш умидида эди.

Денгиз қароқчиларимиз сув орқали Албания соҳилларидан тортиб, оҳақтошли Циригоса ва ўрқачли Калабриядан тортиб, қўшалоқ ойболтага ўхшаш Миноя ерларига қадар талаб чиқдилар.

Собиқ куёвларнинг барчаси ҳарбий қўмондон, қул жаллоб ва судхўрлар бўлиб олишганди. Ариқларда олтинлар сероб, гўё жилдираш ўрнига жиринглаб арконларнинг ибодатхона ва хазиналарига келиб қуйиларди. Бу жиринглаш бировларни тозаласа, бошқа бировларни иситар ва ҳатто, энг охирда чекка қишлоқлардаги кулбаларни ҳам тозалаб, иситиши мумкин эди. Бироқ...

Ота-боболари бўри ва шоғол ўтган иккита талончи, босқинчи қабила бор эди: улардан бири Бүрисимонлар, иккинчиси Шоғолсимонлар эди. Улар узоқ ороллар ва ўрмонлардан бўлиб, уларнинг юраклари ҳам ўз ўрмонлари ва ороллариди қопқора ва зимистон эди. Бу оролларда худди бўрилардай одамхўрлар, шоғоллардай ваҳший ва ҳийлагарлар яшашар, бир-бирларига омонсиз қор уюмидек ташланишарди. Қуруқликни ва денгизни еб ташлагудек. Увиллаб шовқин солишар, ириллаб, учраганни парча-парча қилиб ёриб ташлар, шу йўсин бизнинг дунёвий жаннатимиз томон яқинлашиб келишарди. Дастлаб, Бўрилар келишди. Кўз очиб юмгунча бир сакраб Румелиядан Лефкас ва Кефаллиния оролларида пайдо бўлишди. Уларнинг изидан, харсиллаб ўз кемаларида Шоғоллар сузиб келишди ва Одиссейдан қаршилиқ кўрсатишни талаб қилишди. Мабодо у енгилса, қочиб кетиши мумкин, кейин эса улар аввалгидан ҳам уни яхшироқ қайтариб олиб келадилар.

Одиссей тахтни сақлаб қолиш учун Итака халқини Бўриларга топширмоқчи бўлди. Фақат халқ буни истамас эди. Лекин денгиз Шоғоллар қўлида қолди. Агар Одиссейга зўр келгудек бўлса, кемага ўтириб, жуфтакни ростлаб қолиши аниқ.

Лекин у ўз халқини тақдирнинг шафқатсиз бедодликлари ихтиёрига топширишга кўпма шоишмас эди. Четдан бўлса-да унинг ўзи ҳам ҳақиқат тантанаси учун жангга тайёр турарди. Ҳақиқат — ким қалаба қилса, ўша томонда бўлади. Табиий ва рости ҳам шуки, унинг ўзи ҳам қолиблар изидан боради.

Ортиқча ўйлаб, муҳокама қилиб ўтиришга бизнинг вақтимиз йўқ. На Левкофеининг сўзанаси, яъни менинг ёлғоним, бизга ёрдам берар, не Кирканинг сеҳрлари, бунинг устига биз уларни қўллашга ҳам улгуролмай қолдик. Бунинг устига ўтган йили туққанам ҳозирда мингта кирган, ўз ўлими Панини ҳар қанча изласам-да топа олмадим. Кўрқувдан аллақачон ёввойи эчки ҳамда ёввойи ёнғоқлар сероб бўлган Аркад тўқайзорларига қочиб кетган эди.

Одиссей Итака халқига “муқаддас ватан тупроғини, ота-боболар қабрларини, худолар ва озодлик меҳробларини” ҳимоя қилишга чорлаб мурожаат этди. Бунинг устига зўр ўйлаган эди.

Халқ ҳам қўлига қурол олди ва арслонлардай олишди. Ўзига қарашли бўлмаган ер учун эмас; ота-боболарининг қабрлари учун эмас, чунки уларда йўқ эди бу; худолар учун ҳам

эмас, чунки унга ўгай ўғилдай бачки эдилар. Бировнинг озодлигини эса, ўйлаб туришга вақти ҳам йўқ. У шундай дерди: У келгинди ва маҳаллий ўғрилар ва босқинчиларни ҳайдаш учун жанг қиларди. Шу билан у ерни ҳам, ватанни ҳам, худони ҳам, ота-боболарни ҳам, ўзининг озодлигини ҳам ёппасига қўлга киритмоқчи эди.

Ношукр бандалар!

Халқ тоғда ва денгизда жанг қилар, Одиссейга бўлса бунинг сира аҳамияти йўқдай. Майда-чуйда, қақир-қуқурларни териб юрарди. Ҳали қўшин енгилмасдан туриб, ғарбий бошлиқлар аллақачон уни душманга сотиб бўлишган эди. Одиссей нима қилсин? У хазинани, бизнинг қимматбаҳо буюмларимиз ва бир даста қарта олди; ўзи билан мени ва Телемахни, ҳамда Миртани (кекса Лаэрт узоқ яшашга буйруқ берибди); яна ўзи билан энг яқин сафдошларини олиб шоғоллар кемасига ўтириб жўнаб кетди. Бизлар ҳам жўнадик. Янада муваффақиятли курашмоқ учун. Ҳа, охиригача. Ахир биз халқнинг хамиртуриши эдик. Хамиртуришсиз ҳатто, нон ҳам пишириб бўлмайди. Итакадан биз жўнаб кетган куннинг эртасига Итакага Бўрилар кириб келди. Халқ уй-уйига бекиниб олди, лекин арконлар, ҳарбий саркардалар ва ҳамма давлат кишилари тантанали фанфаралар садолари остида барча қонун-қоидаси билан, қилич-қуролсиз уларга пешвоз чиқишди; олдинда Муқаддас Мифология белгисини кўксига қисиб олган Биринчи даражали руҳоний ва унинг изидан ўзининг энг гўзал қизлари билан оқсуяклар; уларнинг қўлларида ранг-баранг гул ва гулдасталар; ғолибларни катта шоду хуррамлик ва ғурур билан “Халоскорлар” ҳам кутиб олишди.

Эвримак уларга Итакани Шоғоллардан ҳимоя қилишдаги юксак хизматлари учун, юнонларнинг ота-боболари руҳи поклари ҳаққи, чин қалбдан миннатдорчилик билдирди.

Кейин у кумуш лаганда давлат ва хазинанинг (бирор нима қолган бўлса) калитини пешкаш қилди. Шунингдек у барча кемаларни, давлатга қарашли барча қурол-яроғ омборлари, халқнинг нони ва ёғини, ҳамда қорамолларини ҳам топширди. Уларга ёқиш учун қимматли китобларни ҳам берди; мактабларни қамоқхоналарга айлантириш учун, халқ ибодат қиладиган барча черковларни, у ердан чиқмасликлари учун топширди. Яна бир нарса топширилди: бу исёнчилар устидан тўпланган махфий маълумотлар тўплами эди!

“Халоскорлар” Эвримакни Улуғ Вазир қилиб тайинлашди. Барча арконлар — унинг маслаҳатчиларига айландилар. Улардан бирортасининг на мол-мулкига ва на имтиёзига дахл қилинмади. Аввалдагидай ҳурмат ва иззат билан ўз саройларида тинчгина ўғрилиқ ва порахўрлик билан даври-даврон суришарди. Улар ўрнига қашшоқларнинг охириги бурда нонлари ва сўнгги чақаларини тортиб олишарди...

Улуғ Вазир, бошқа ерлик ҳарбий саркардадан ширин жилмайиб, подшоҳликнинг аввалги номини сақлаб қоламизми, вивеска ва байроқни олсакмикан, деб сўраганда у:

— Витрина ҳақида кейин ўйлаб кўрамиз. Ҳозир менга асл моҳият керак. Яъни, дворянлардан — ёрдам, халқдан — итоаткорлик!

Иккинчи куннинг ўзидаёқ Улуғ Вазир ва бош арконлар барча газеталар, черков ва мактабларда, аҳоли зич жойларда халқни ишонтириш мақсадида турли хилдаги овозлар тарқатдилар: эмишки, унинг асл халоскори — Бўрилар экан, исёнчилар ва Шоғоллар — худодлар ва инсоният душмани эмиш. Янги буйруқ ҳозирланди; Бундан кейин ҳар йили Итакага биринчи бор халоскорлар кириб келган кун миллий байрам сифатида нишонлансин!..

Очлик, касаллик ва ўлим ўлкага қиргин олиб келди. Хўжайинлар пул, мансаб ва мукофотлар пайида. Яширинча, сиз учун ҳаракат қиялпмиз дея бизга чопарлар юбориб туришибди. Айтишларича, бизнинг қайтишимиз учун улар йўл излаётган эмишлар. Мабодо Шоғоллар ғолиб чиқсалар, биз уларнинг кўмаги билан Итакага қайтишимиз мумкин; агар Бўрилар ғалаба қозонишса, унда улар бизни қайтариб юборишармиш.

Алқисса, яна ўз “эртак”имизга қайтайлик. Бўриларнинг келиши жуда мўъжизали ҳаракатга ўхшаб кўринарди. Барча оролларимизда интизом ва тинчлик ҳукм суради. Бирор кимса кўчада ўз бурнини кўрсатмас, арава чангитмас, бандаргоҳлар қора майдан ифлосланмас, итлар ҳурмас, мушуклар миёвламас, кўшчи ер ҳайдамас ва емас эди. Одамлар кўрқишар, араваларни Бўрилар, қайиқларни бўлса Шоғоллар олдилар, мушук ва итлар очларни ердилар. Ҳарқалай. Уругни деҳқонлар экишар, ҳосилни эса халоскорлар йиғиштириб олишар, чунки улар биз учун жанг қилишган-да!

Шунда эртакда ҳам учрамайдиган бир ҳодиса рўй берди. Дастлаб уч-тўрт киши, сўнг тўда-тўда бўлиб, халқ тоғлар томон ҳаракат қила бошлади! Яна исён! Уроқлар, болталар, калтаклар, болғалар — ким қўлига нима тушса, ўша билан қуролланиб олган. Ватанни озод қилишни ўйлашарди! Ёриб, янчиб, парча-парча қилиб бўлса-да! Ким уларга йўл берди? Биздан сўрашдими? Ҳеч бўлмаганда бизнинг вакилимиз Эвримакдан-чи? Улар бизнинг “кураш”имиз ва режаларимизни барбод қилишди.

Исёнчилар Бўри — халоскорлар бўлиб, қаерларда учрамасди, улар. Шаҳарларга бурунларини тиқишга қўйишмасди. Улардан қуроолларини тортиб олишган: омборларни талашган, гўё бу омборлар уларнинг отасидан қолгандай; кўприкларни портлатишган гўё, бу кўприклар ўзгаларникидай.

Кичик бўлинмалар бирлашиб бутун бир қўшинга айланди. Энди қўрқув шаҳарлардан кўчиб, тоққа кўтарилгандай; у тоғдан шаҳар сари ўрмалай бошлади. Аллақандай бир жойни қўлга киритиб, ўша ерда мустақамлашиб олиб, исёнчилар ўша қиём ерни халқ давлати сифатида Озод ватан, деб эълон қилишарди! Унинг ўз ҳукумати, парламенти, ўз суд ва мактаблари ҳам бор эди. Бу давлатда каттадан-кичик ҳамма тер тўкиб меҳнат қиларди! (Мен ниҳоятда хурсанд эдим!) Уларда хотин — вазирлар, хотин — депутатлар ва хотин — судьялар бор эди. Ва хотин — жангчилар милтиқ кўтариб ўқдон ва иштонларига патронларини жойлаб юришарди! Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий анархия!

Худолар ва Бўрилар дарғазаб бўлишди. Улар бу хил қонунсизликни ёқтиришмасди. Бўрилар икки чандон бўрилиқ, худолар — қулларга икки баравар душманлик қилишарди.

Халоскорлик ватанни чин дилдан севувчи миллатчиларга мурожаат қилиб, қурооланиб, ватанни, ота-боболарнинг тупроғини, худоларнинг меҳроблари ва озодликни ҳимоя қилишга чорладилар! Эҳтимол, улар бориб турган ярамаслардир, шундай бўлса-да уларни сийлаб, ҳаммаларини супуриб ташлашди. Қутурган Бўрилар билан бирга, улардан ҳам баттар қутурган ёлланганлар эди. Бировлари қурол ёрдамида, бошқалари — айғоқчилик билан хизмат қилишарди.

Бўрилар, худолар ҳамда ватанпарварлар исёнчиларнинг қишлоқларига ўт қўйишар, қўлларига тушган одамларни осиб ўлдиришар, ҳатто гоҳида тириклайин ёқиб юборишарди. Ўз навбатида исёнчилар ҳам ватанпарварларни ўлдириб, оса бошладилар.

Шоғоллар узоқдан туриб ириллаб, кулишарди.

— Хафа бўлманглар, — дея бизларни юпатишарди. — Биз тартиб ва озодлик учун курашда сизларга ёрдам берамиз. Кемаларга қурооллар ортиб, Сизларни Вазир ва Бўриларга юборамиз, улар уни ватанпарварларга бўлиб беришади. Биз ватанпарвар қисмлари тузиб, уларни тоққа юбордик, токи бошқалар уларни чет эллик, деб ўйласинлар учун. Аслида улар, орқадан зарба берувчи хоинлар эдилар. Биз биродарқушлик урушини бошлаб юбориб, шу йўл билан озодлик учун ва сизнинг қайтиб келишингиз учун катта имкон яратамиз, дейишарди.

Биз яширинча исёнчиларга ўз одамларимизни юбордик, улар исёнчиларга маслаҳатлар беришар ва курашда бошчилик қилардилар. Аниқроғи, улар исёнчиларни сотишарди.

Биз Бўриларнинг штабига ҳам махсус жосуслар юбориб, улар билан ҳамкорлик қилиш ва шу йўл билан бугунги исённи бостириш ва келажакда ҳақиқатни қарор топтириш учун ҳаракат қилардик. Биз дунёнинг исталган бурчагида тинчликни барқарор қилиш учун Бўриларни ғажиб ташлашимиз мумкин. Бироқ, халқлар бош кўтариб, бизни ва уларни ҳайдашга қарор қилсалар, биз урушни бой берган бўламиз. Худди шу масалада биз уларга душман эмас, балки иттифоқчиларимиз. Тушунарлими?

Бир неча кундан бери ёзмай қўйдим. Ҳозир ҳам қоғоз бетига кўзларимдан ёшлар томиб, ҳарфларни чалмақ қилиб ташлаяпти...

Мен ўз Одиссейимдан ажралиб қолдим! Ўзимнинг паҳлавон эримдан жудо бўлдим! Ҳисобсиз ташвиш ва уйқусизлик (у жуда кўп ер, тинмай маишат қилиш учун, доим дам оларди) бирда у ўнганмас зарба олди. Унинг учун душманлар ҳам, дўстлар ҳам баравар йиғлашди. Ҳатто, тимсоҳлар ҳам. Мен даҳшатли қайғудаман. У менга Кирканинг сирини очишга улгуролмай кетди. Ҳар қалай, қадимий ва синалган дорилар (худолар, сохта ҳужжатлар, очлик, қамоқлар) ёрдамида одамларни чўчкага айлантириш мумкин экан!

“Эртақ”нинг тўртинчи йили мўъжизага айланди.

Учинчи улуг қабила Неолподи океандаги тўлқинлардай беҳисоб ва беадад, енгилмас ва қудратли бир оқим шимолий музликлардан ўз тўлқинлари билан Бўрилар мамлақати томон бостириб келарди. Булар ҳам — қулларни озод қилгани келишяпти. Бамисоли Бўрилар ва Шоғолларга ўхшаб! Фақат Неолподи улардан ҳам бешбадтар, чунки улар нафақат гапириб, сафсата сотишар, балки айтган гапларига амал ҳам қилишарди.

Шунда бахтиқаро Бўрилар тезроқ жўнаб қолишга мажбур бўлдилар, чунки уларга ўз инларини ҳимоя қилиш ҳаммадан зарурдек кўринарди. Итакага қандай келган бўлсалар, худди ўшандоқ, бир сакрашда жўнаб қолдилар. Худо хайрини берсин уларнинг! Бизларга ёмонликни раво кўргиси келмасди, чоғи! Уларни бахтсизлик тарк этсин, илоҳим.

Бўрилар жўнаб кетиши билан тоғлардан исёнчилар тушиб келиб, ҳокимиятни эгалладилар ва исёнчилар давлати, дея эълон қилдилар. Барча ер, заводлар, кемалар ва маблағ — халққа! Маҳаллий ва келгинди, катта-кичик, шоҳлар ва вазирларга сафимизда ўрин йўқ! Пода бор-у, подачи кимга керак!

Худолар қаҳ-қаҳ отиб кулишарди. Шоғоллар улардан ҳам баттар. Улар бизнинг орооларимиз атрофида изғишар, Бўриларнинг қачон тўлиқ кетиб бўлишини пойлаб



туришарди. Шундай он ниҳоят келди. Бир ҳамла билан давлат эгалланди. Озодлик келтирилди!

Озодлик келтирганлар исёнчилардан яхшиликча қуроолларни дарҳол топширишни ва “уй-уйларига” жўнаб кетишни талаб қилдилар. Шунда уларнинг барча гуноҳлари кечириларкан.

Бироқ, улар қулоқ солишармиди! Эгалланган нарсаларини ва Тенглик, деб номлаган ҳукуматларини қайтиб бергилари келармиди? Озодлик келтирувчиларнинг ҳам ўйлаб қўйган ўз режалари бўлиб, барча арконлар ва ватанпарварлар билан бирлашиб, уларга қарши ҳужумга ўтдилар. Қурол кучи, худолар иродаси билан бир неча кун ичида исёнчиларни енгиб, қуроолларини тортиб олиб, қурол ушлаган қўлларига кишан солдилар.

Яна тартиб-интизом, хотиржамлик, тинчлик ва жимжитлик ҳукум сурарди. Ерда ҳам, осмонда ҳам.

Озодлик кучлари тантанали равишда пойтахтга кириб келганда, бир неча кишини ҳисобга олмаганда, энг олий навли ватанпарварлардан ташқари ҳеч ким кутишга чиқмади. Ношукрлар!

Арконлар, ҳарбий саркардалар ва давлат кишиларигина барча расм-русмларни жойига қўйиб, фанфаралар садолари остида қўлларига қилич билан саф тортиб ўтиб борардилар. Уларнинг изидан халқ вакиллари кўринди; кўксига Муқаддас Мифология китобини қисиб олган Биринчи даражали руҳоний раҳнамолигида барча оқсуяклар, ўзларининг чиройли-чиройли оқбилак бокира қизлари билан гул-у гулдасталар, шод-хуррамлик ва фахр билан янги ғолиблар — озодлик ижодкорларини чин дилдан олқишладилар.

Янги Улуғ Вазир, Эвриманнинг укаси Стеномах, уларга шаҳар ва хазинанинг қалитини топширди. Ва Итакани озод қилишдаги улуғ хизматлари, яъни уларга озодлик ҳада этиб, асрлар оша жаҳонга донг таратиб келаётган халқ — худолар ва негрлар авлоди шаънини қайтиб бергани учун чуқур миннатдорчилик билдирди! Дарвоқе, негрми? Ҳа, оқ негр-да!

Лабларида ширин бир жилмайиш билан Улуғ Вазир, бизда эски подшоҳлик ўз номида қоладими, ёки пешлавҳа ва байроқни олиб ташлайликми, деб сўради. Озодлик кўшинлари сардори ширин жилмайиб, шундай деди:

— Агар, давлат номи, пешлавҳа ва байроқни сақлаб қолмасанглар, унда сизнинг нимангиз қолади?

Лекин, Шоғоллар бу масалага эътибор берувчи жудаям зиқна эмасдилар. Исёнчилардан тортиб олинган қуроолларни ватанпарварларга бўлиб бердилар, токи улар хоин ва сотқинларни истаган ерда — уйдаи, кўча ёки даладаи учраганни ўйлаб ўтирмасдан ўлдирарсинлар, деб. Нафақат осонгина ўлдирсинлар.

Балки, аввал роса қийнасинлар! Тоғлар қуроолли ватанпарварлар билан тўлдириб юборилди. Тоғлар ва шаҳарларни бу мараздан тозалашга қарор қилишди.

Улар бу ердан жўнаб кетмаслик мақсадида ўзаро низолат чиқаришга ҳаракат қилардилар... Худо кўрсатмасин! Тагин аввалгидай бўлса-я?!

Камолот ва мукамаллик рамзи бўлиб мен ҳам ўз ватаним, ўз халқимга қайтдим. Арконлар ва ватанпарварлар мени жуда очиқ юз ва китнинг оғзидек кучоқ очиб кутиб олдилар. Халқ яна уй-уйига қамалиб олган. Барибир, у меңдан кутула олармиди?

Оҳ! Агар менинг сохта Одиссейим тирик бўлса борми! Миннатдор! Биродарпарвар! Муруватли! Халоскор! Қандай хурсанд бўларди-я?! Худолар менга бошқасини юборар! Ана ўшанда дунё янада гўзал бўларди. Яна ҳам кенгроқ.

Ахир дунё янада кенгроқ ва яхши бўлсин учун ҳозир менинг халқим ер юзининг турли ўлкаларида жанг қилиб юрмайтими? Ўлик денгизда; Нилда; Евфратда; Тапробанда; Шоғоллар қаерга юборишса, ўша ерга! Олам кенг! Итака ҳам кенг!

Энди ҳаммамиз бахтиёр. Хўжайинлар ҳам, халқ ҳам. Юқоридан пастга қараса, майдонда халқдан чиққан қизларнинг янги тартиб шарафига ўтказилаётган байрамда рақс тушаётганларини кўрдим, уларнинг янги тўқилган кўшигини эшитдим:

Кўнглимга таскиндир қувончу шодлик.  
Эртага ҳар кўкрак бир сирга тўлиб —  
Лиммолим қуйилар бир кўрқув — оғу,<sup>1</sup>  
Тутқунликнинг аччиқ қаймоғин туюб.

Бу кўшиқни ким тўқиди экан? Унинг муаллифини топишни буюрдим. Унга халқ шоири деган унвон бераман. Унинг кўшигини эса миллий гимнга айлантираман.

Улуғ ҳақиқатлар улуғ воқеалардан тугилади. Энг улуғ, чин ҳақиқат, бу — кўрқувсиз ва кишансиз озодлик...

Ҳаёт қандай гўзал!

(Шунинг билан Эртақ ҳам тугади, лекин ҳар қандай тугаш, янгича бошланиш эмасми?)

<sup>1</sup> Асардаги шеърларни Амрилло Бешимов таржима қилган.

## АФСОНАВИЙ НОМЛАР ЛУФАТИ

Луғатда асосан мифологияда келтирилган аънавий номларнинг қиссада учраганларига изоҳ берилади. Тарихий арбоблар (Архелай, Питтак ва бошқалар), шунингдек, уйдирма тимсоллар (сохта Одиссей, Мирто, Итифрон ва бошқалар) эса луғатга киритилмади.

**АВГИЙ** — элладалик шоҳ, кўп сонли йирик шоҳли моллар подасига эга. Унинг ўттиз йил мобайнида сира тозаланмаган молхоналарини Геракл бир кун ичида тозалаб чиққан.

**АВТОЛИК** — Гермес ва мархума Хионанинг ўғли, она томондан Одиссейнинг буvasи.

**АГАМЕМНОН** — Микен ва Аргос ҳукмдори Атреянинг ўғли, Спарта шоҳи Менелайнинг жасур акаси, Троя жангидаги юнон йўлбошчиларидан.

**АГЕЛАЙ** — Пенелопа куёвларидан бири.

**АДОНИС** — Мислсиз чиройли йигит, Қибрис шоҳи Кипрнинг ўғли.

**АИД** (*Афлотун*) — 1. Ерости салтанатининг султони. 2. Ерости ўлиқлар салтанати.

**АЛКИНОЙ** — Феакларнинг доно шоҳи, Навсияканинг отаси.

**АМАЗОНКАЛАР** — афсонавий жангари аёллар қавми.

**АНФИНОМ** — Пенелопанинг куёви.

**АНТИНОЙ** — Пенелопанинг куёви.

**АПОЛЛОН** (*Феб*) — ёруғлик ва табиблик худоси, мусиқа раҳнамоси.

**АРЕТУСА** — Неряянинг қизи, манбада Артемидага айланган ярим афсонавий образ.

**АРИСТА** — мифологияда Деметра ёки Артемида лақабида келтирилса-да, муаллиф К. Варналиснинг асарида Телемах жодугар номида берилади.

**АРКЕСИЙ** — Лаэртнинг отаси.

**АРТЕМИДА** — овчилик илоҳаси.

**АСКЕЛЕПИЙ** (*Эскулап*) — табиблик тангриси, кентавр Хиронинг шогирди.

**АТЛАНТ** — осмонни елкасида кўтариб турувчи паҳлавон.

**АТРИДЛАР** — Микен шоҳи Агамемнон ва Менелайдан тарқаган ўғиллар.

**АТТИС** — Фригия илоҳаси Кибеланинг хуштори. Қиссада Елена номида берилади.

**АФИНА** (*Паллада*) — Зевснинг қизи, фан, санъат ва хунармандчилик худоси, мудофаа ҳамда фаровонлик ҳомийси. Аттика ва Афинанинг ҳимоячиси.

**АФРОДИТА** — гўзаллик ва муҳаббат илоҳаси.

**АХИЛЛЕС** (*Ахилл*) — Фессалия шоҳи Пелея ва денгиз илоҳаси Фетиданинг ўғли, Хиронанинг шогирди. Ҳомернинг “ИЛИАДА” достони бош қаҳрамони.

**АЯКС** (*Зант*) — Троя жанги машҳур қаҳрамонларидан бири.

**БЕЛЛЕРОВОНТ** — ПРЕТга қаралсин.

**БОРЕЙ** — Шимолий шамоллар, ёхуд совуқ шамоллар худоси.

**ГАЛИТЕРС** — Итакалик донишманд қария, Одиссейнинг дўсти.

**ГАНМЕД** — Дардания шоҳи Троянинг ўғли, мисли кўрилмаган гўзаллиги учун худолар томонидан осмонга олиб кетилган.

**ГЕКТОР** — Троялик қаҳрамон, Приамнинг катта ўғли.

**ГЕЛИОС** — Қуёш тангриси.

**ГЕРА** — Крон ва Реннинг катта қизи, Зевснинг хотини.

**ГЕРАКЛ** (*Геркулес*) — қаҳрамон, Зевс ва Алкменанинг ўғли. Микен шоҳи Эврисфей буйруғи билан ўн икки марта қаҳрамонлик жангларида жасорат кўрсатади.

**ГЕРМЕС** — Қорамолчилик, савдо ва хунармандчилик тангриси; худолар жарчиси. Саёҳатчилар, савдогарлар ва ўзгалар ҳимоячиси. Ерости мархумларнинг раҳнамоси.

**ГЕРМИОНА** — Елена ва Менелайнинг қизи.

**ГЕСПЕРИДАЛАР** — Гесперанинг қизлари, олтин олмаларни асровчилар.

**ГЕСТИЯ** — Уй-рўзгор илоҳаси, Крон ва Реянинг қизи.

**ГЕФЕСТ** — Олов ва темирчилик хунарининг чўлоқ тангриси.

**ГЕЯ** — Ер худоси.

**ГИГ** — КАНДАВЛга қаралсин.

**ГМЕНЕЙ** — Никоҳ худоси.

**ГИПЕРБОРЕЙЛАР** — Замин чеккасида яшовчи афсонавий қавм.

**ГИПНОС** — Никта (Оқшом) ва Танатос (Ўлим)нинг ўғли, уйқуга айланган ҳолат.

**ГОРГОНА МЕДУЗА** — Бошида соч ўрнида илонлар ўсган аёлмонанд махлуқ. Унинг нигоҳи тушган жонзот борки, ўша заҳоти тошга айланиб қолади. Персей томонидан Медузанинг боши кесилиб, Афинанинг қалқонига қадаб қўйилади.

**ДАМАСТОР** — Агелайнинг отаси.

- ДАНАЯ** — Персейнинг онаси; уни Зевсдан туққан.
- ДЕВКАЛИОН** — 1. Прометейнинг ўғли, Фессалиядаги Фтия шаҳри шоҳи; 2. Крит шоҳи Минос ва Пасифанинг ўғли.
- ДЕДАЛ** — Афсонада келтирилишича, машҳур қурувчи ва рассом. (К.Варналиснинг қиссасида критлик қул сифатида келтирилади.)
- ДЕМОПТОЛЕМ** — Пенелопанинг куёви.
- ДИОМЕД** — Троя юришлари қатнашчиси.
- ДИОНИС** — ўснмликлар, узумчилик ва виночилик тангриси.
- ДИОСКУРЛАР** — Зевснинг эгизак ўғиллари: Полидевк ва Кастор. Улар Тессей томонидан ўғирланган ўз синглиси Еленани қутқариб Спартага қайтаришади.
- ДОЛИЙ** — қария, Пенелопанинг маслаҳатчиси.
- ЕЛЕНА** — Зевс ва Ледининг қизи, Мелеянинг хотини. Парис томонидан унинг ўғирланиши Троя жангининг бошланишига баҳона бўлади.
- ЕХИДНА** — даҳшатли иблис, ярми хотин, ярми илон бир махлуқ.
- ЗЕВС** — юнон худолари ичида энг олий худо.
- ИКАРИЙ** — Тиндарейнинг акаси, Пенелопанинг отаси.
- ИППОЛИТ** — Афина шоҳи Тессейнинг ўғли. Унинг ўғай онаси Федра ўғлини отаси олдида бадном қилади. Тессей Посейдонга ўғли Ипполитни жазолашни буюради. Ипполит махсус гилдиракли аравада қирғоққа чиқиб келаётганда Посейдон буқани юборади. Бундан отлар ҳуркиб, йигитчани ерга ағдариб уриши туфайли Ипполит ҳалок бўлади.
- ИФИГЕНИЯ** — Агамемнон ва Артемиданинг қизи (вариантда Тессей ва Елена шаклида).
- КАДМ** — миф асосчиси Фив, Левкофеянинг отаси.
- КАНДАВЛ** — ўз дўсти Гигта хотинини яланғоч ҳолда кўрсатган Лидия шаҳри шоҳи. Ҳақоратланган малика Гигта бунинг учун ҳаёти билан жавоб беришни ёки Кандавлни ўлдиргач, ўзига уйланишни таклиф этади. Шундан сўнг Гиг ўз дўстини ўлдириб, Лидия тахтини эгаллайди.
- КАССАНДРА** — Приамнинг қизи. Аполлоннинг севгиси туфайли каромат эгаси бўлган, бироқ худо унинг бу кароматларига ҳеч кимни ишонмайдиган қилган.
- КЕФАЛ** (*Цефал*) — Овчи, Эос уни севиб қолиб, осмонга олиб кетади.
- КИРКА** (*Киркея, Цирцея*) — Жодугар, Гелиоснинг қизи, Ээтанинг опаси.
- КЛИТЕМНЕСТРА** — Агамемноннинг хотини, Еленанинг синглиси.
- КОРИБАНТЛАР** — Фригия худоси Кибеланинг қоҳинлари.
- КРЕТЕИДА** — Нереида, бир ривоятда Ҳомернинг онаси.
- КРОН** (*Кронос*) — Титанлардан бири, Гея уни Урандан туққан.
- ЛАЭРТ** — Одиссейнинг отаси.
- ЛЕВКОФЕЯ** (*Левкофея*) — денгиз тангриси, Кадма Инонинг қизига айланиб қолади. Ҳомерда келтирилишича, денгизда бўрон турган пайтда Одиссейга мўъжизавий чойшаб узатиб, уни гарк бўлишдан сақлаб қолади.
- ЛЕОДИЙ** (*Леод*) — Ойнопнинг ўғли; Пенелопа куёвларидан бири, кароматгўй.
- ЛЕОКРИТ** — Пенелопанинг куёви.
- ЛЕСТРИГОНЛАР** — ўз саёҳатлари давомида Одиссей учрашган одамхўрлар.
- МАЙЯ** — Атлант ва Плейонининг етти қизидан биридан тарқалган авлод, Сурайё (*Савр*) юлдузлар туркумидаги Етти Оғайни юлдузларига ишора, Гермеснинг онаси.
- МЕГЕС** — Иона денгиздаги Эхинад ороли шоҳи. К.Варналисда — Эхинад оролларида бири — Петалас сифатида келтирилади.
- МЕДЕЯ** — жодугар, Ээтанинг қизи, Кирканинг жиани.
- МЕЛАНТИЙ** — Долийнинг ўғли, чўпон.
- МЕЛЕТ** — Мелет дарёси тангриси, бир ривоятда — Ҳомернинг отаси.
- МЕНЕДАЛАР** — Диониснинг жазавали ҳамроҳлари.
- МЕНЕЛАЙ** — Атрейнинг ўғли, Агамемноннинг укаси, Спарта шоҳи. Парис унинг хотини Еленани ўғирлаганда Менелай ахейларни Троя урушига чорлаб мурожаат қилади.
- МЕНТОР** — Одиссейнинг дўсти; Троя жангига отланаётган пайтда Одиссей унга уйдан хабардор бўлиб туриш ва Телемахни тарбиялашни топширади. Гоҳида Афина Ментор қиёфасига айланиб туради.
- МИНОР** — Крит шоҳи.
- МИНОТАВР** — Танаси одам, боши буқаникига ўхшаш махлуқлар, улар Дедал қурган кулбаларда яшади.
- НАВСИКАЯ** — Алкинойнинг қизи. Ҳомердан кейинги афсоналарда — Телемахнинг хотини сифатида келтирилади.
- НЕРЕИДЛАР** — ярим афсонавий одамлар, денгиз худоси Нерейнинг қизлари.

**НЕСТОР** — Пилос шоҳи, донишманд.

**НИКА** — галаба тангриси.

**НИМФАЛАР** — кўп сонли ярим худолар, табиат кучларига қарши курашувчи каромат соҳиблари.

**НИС** — Мегар шоҳи, Амфиномнинг отаси.

**НОТ** — жанубий шамоллар худоси.

**ОКЕАН** — афсонавий дарё, ерни ювиб туради.

**ОДИССЕЙ** — Лаэрт ва Антклеянинг ўгли, Итака шоҳи, Пенелопанинг эри, Троя жанги қатнашчиси. Ўз жасорати, ақли ва эпчиллиги билан доврўқ қозонади. Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларининг қаҳрамони.

**ОЙНОП** — Пенелопанинг куёви Леодийнинг отаси.

**ОРФЕЙ** — фракиялик ҳофиз ва чолғучи. Орфейнинг мусиқа асбобидан таралган наволардан дарахт шохлари эгилган, ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам бўйсуннишган.

**ПАЛЛАДА** — **АФИНА**га қаралсин.

**ПАН** — ўрмон ва ўтлоқзорлар тангриси. “Пан” грек сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳамма, ёппасига деган маънони билдиради.

**ПАРИС** — троялик шаҳзода Приамнинг ўгли (**ЕЛЕНА**га қаралсин).

**ПАСИФАЯ** — Крит шоҳи Миноснинг хотини, Гелиоснинг қизи.

**ПЕГАС** — афсонавий сеҳрли от. Персей томонидан ўлдирилган Медузанинг қонидан пайдо бўлган.

**ПЕЛЕЙ** — Фессалия шоҳи, Ахиллнинг отаси.

**ПЕНЕЛОПА** — Одиссейнинг хотини, Телемахнинг онаси. Қадимий мифологик адабиётда — оилавий садоқат ва ишонч рамзи. Зеро, Пенелопа Одиссей бўлмаган пайтларда (Гермес, Зевс ва бошқалар билан бўлиб) унга хиёнат қилган деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

**ПЕРИБЕЯ** — нимфа, Икарийнинг хотини, Пенелопанинг онаси.

**ПЕРСА** — Гелиоснинг хотини, Кирка, Пасифая ва бошқаларнинг онаси.

**ПЕРСЕЙ** — Аргос мифлари қаҳрамони. Медузанинг калласини олган.

**ПИСАНДР** — Пенелопанинг куёви.

**ПЛЕЯДА** — **МАЙЯ**га қаралсин.

**ПЛУТОН** — **АИД**га қаралсин.

**ПОЛИБ** — Эвримахнинг отаси, Пенелопанинг куёвларидан бири.

**ПОЛИКАСТА** — Несторнинг қизи.

**ПОЛИКСО** — Родос шоҳи Тлеподемнинг хотини.

**ПОЛИКТОР** — Писандрнинг отаси.

**ПОЛИТЕРС** — Хтесиппнинг отаси.

**ПОСЕЙДОН** — денгизлар тангриси.

**ПРЕТ** — Арголида шоҳи. Претнинг хотини Сфенобея Беллерофонтни йўлдан оздириш учун қатор муваффақиятсиз уринишлардан сўнг унга тўхмат қилади.

**ПРИАМ** — Троянинг охириги шоҳи.

**ПРОМТЕЙ** — Инсонлар учун Олимп тоғидан оловни ўғирлаган машҳур афсонавий паҳлавон. Шу қилмиши учун Зевс уни Кавказ тоғи қоясига занжирбанд қилиб ташлайди, унинг жигарини ҳар куни бургутлар чўқийди.

**ПРОТЕЙ** — Посейдонга тобе денгиз қарияси.

**РАДАМАНТ** — ерости салтанатидаги учта ҳакамдан бири.

**РЕЯ** — илоҳа, Кроннинг хотини, Зевс, Посейдон, Аид ва бошқаларнинг онаси.

**САВИЛЛА** — афсонавий башоратчи.

**СИЗИФ** — Коринф шоҳи. Масъулиятсизлиги учун Сизифни худолар ерости салтанатида оғир бир тошни пастга туширмасдан тоққа қараб думалатиш билан жазолайдилар.

**СТЕНОМАХ** — Эвримахнинг биродари.

**СФЕНОБЕЯ** (*Стенобея*) — Претнинг хотини.

**ТАРТАР** — ернинг энг чуқур қаъри, жаҳаннам.

**ТЕВКР** — Троянинг биринчи шоҳи.

**ТЕЛЕБОЙЛАР** — Тафос оролидаги энг жангари қабила.

**ТЕЛЕГОН** — Одиссей ва Кирканинг ўгли. Онасининг айтишича, отасини излаб кетган. Итакага етиб боргач, билмасдан Одиссейни ўлдиради. Айрим ривоятларга қараганда Телегон Пенелопага уйланади.

**ТЕЛЕМАХ** — Одиссей ва Пенелопанинг ўгли.

**ТЕРСИТ** — Ҳомернинг “Илиада” дostonидаги оддий юнон жангчиси. Троя девори остидаги

ахейлар билан бўлган мажлисда Агамемнон ва бошқа доҳийлар билан тортишгани учун Одиссей томонидан ўлдирилади. Ҳомер Терситни бемаъни, маккор ва доғули сифатида тасвирлайди. К.Варналиснинг асарида Терсит — эрк ва озодликни севувчи ижобий қаҳрамон сифатида кўрсатилади.

**ТЕСЕЙ** — антик қаҳрамон, Афина шоҳининг ўғли, Федранинг эри. Минотавр устидан қозонган ғалабаси унга шон-шухрат келтиради.

**ТИДЕЙ** — Диомеднинг отаси.

**ТИНДАРЕЙ** — Спарта шоҳи, Леданинг эри, Клитемистра, Елена ва бошқаларнинг отаси; Пенелопанинг амакиси.

**ТЛЕПОЛЕМ** — Родос шоҳи, Гераклнинг ўғли, Поликсонинг эри.

**ТРИТОН** — денгиз деви, Посейдон ва Амфитританинг ўғли.

**ФЕБ** — **АПОЛЛОН**га қаралсин.

**ФЕДРА** — Минос ва Пасифаянинг қизи. **ИППОЛИТ**га қаралсин.

**ФЕМИЙ** — Ҳомернинг “Одессия” достонида тасвирланган итакалик қўшиқчи.

**ФЕМИДА** — адолат, қонун ва башорат худоси. Инсонларга олдиндан башорат қилади ва уларни Зевснинг иродаси сари йўллайди.

**ФИЛОКТЕТ** — Мелибея шоҳи, Троя юришларида қатнашади.

**ХАОС** — борлиқ ва барча унсурларнинг ибтидоси, тубсиз ва интиҳосиз жой.

**ХАРИТА** — ёшлик, гўзаллик ва аёлларга хос барча шод-хуррамлик худоси.

**ХИМЕРА** — танаси эчкига, боши шерга, думи аждарникига ўхшаш бир махлуқ.

**ХРЕСИПП** — Пенелопанинг куёви.

**ЦЕРБЕР (Кербер)** — ерости ўликлар салтанатидан чиқиш йўлагини қўриқловчи уч бошли ёвуз ит.

**ЭАК** — Зевснинг ўғли, Пелей ва Телемоннинг отаси. Ахилл ва Аякснинг бобоси.

**ЭВЕНОР** — Пенелопанинг куёвларидан бири Леокритнинг отаси.

**ЭВМЕЙ** — чўчкабоқар, Одиссейнинг энг ишончли хизматкори.

**ЭВПЕЙТ** — Антинойнинг отаси.

**ЭВРИАД** — Пенелопанинг куёви.

**ЭВРИАЛ** — Одиссейнинг Эпир шоҳи Тримантанинг қизи Эвиппидан туғилган ўғли, К.Варналисда Одиссейнинг сеҳргар Кирка хузурига қилган биринчи саёҳатида кема дарғаси бўлиб жўнаydi. Мифда бу Эврилох сифатида берилади.

**ЭВРИКЛЕЯ** — Одиссей ва Телемахнинг энагаси.

**ЭВРИМАХ** — Полибнинг ўғли, Пенелопанинг куёви.

**ЭДИП** — Фив шоҳи, тақдир томонидан ўз отаси Лайни ўлдириб, ўз онаси Иокастага уйланишга ҳукм қилинган. Бир неча йилдан сўнг бу воқеадан хабардор бўлган Эдил ўз кўзларини ўйиб ташлайди.

**ЭЙДОТЕЯ** — денгиз қарияси Протейнинг қизи.

**ЭЛАТ** — Пенелопанинг куёви.

**ЭЛЕКТРА** — Агамемнон ва Клитемнестранинг қизи.

**ЭНДИМИОН** — Ой тангриси Селена ошиқ бўлган жуда гўзал йигит.

**ЭНКЕЛАД** — Тартар ва Геянинг ўғли, ниҳоятда паҳлавон йигит.

**ЭОС** — Гелиос (Куёш) ва Селена (Ой)нинг отаси, ёруғлик таратувчи.

**ЭРИДА** — жанжал ва адоват илоҳаси.

**ЭРИМАНФ ТҮНҒИЗИ** — Эриманф тоғи ўрмонларида яшовчи ёввойи қобон.

**ЭРОТ (Эрос)** — Хаос ва Геядан туғилган муҳаббат худоси.

**ЭЭТ** — Колхидага ўхшаш афсонавий Эи мамлакатининг шоҳи.



Виктор ГЮГО

# Шоҳона ишрат

Драма

## УЧИНЧИ ПАРДА

ҚИРОЛ

Лувр. Қирол ётоқхонасига кираверишдаги қаҳвахона. Олтин ҳал битилган курсилар, уйғониш даври услубида туқилган гиламлар. Олдинги планда стол, креслолар, ёйма стул. Ичкарида эшик. Унга гиламдан эшик парда тутилган. Унг томонда очиқ буфет. Идишларга эмаль ва олтин суви берилган. Ичкаридаги эшикдан боққа чиқилади.

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Зодагонлар.

**Т** Горд  
унги саргузаштга хотима керак.

Пардальян  
Аламдан ёрилиб ўлсин Трибуле  
Билмасдан жонони шу ердалигини.

Коссе  
Ўйнашини топиб бўпти! Дарвоқе —  
Айтиб қўймасмикан йўлда кўрганлар?

Моншеню  
Хизматкорлар уни алдайди. Чунки  
Барининг қулоғи бураб қўйилган.

Пардальян  
Менинг хизматкорим шундай шайтонки,  
Ҳар қандай одамни жинни қилади.  
Мен уни юбордим масхарабозга,  
У боглаб аврайди: кеча бир қизни  
Сен-Денига олиб қочишди, дейди.  
Қиз дод солди, дейди, йиглаб ёлворди,  
Хуллас, гўл қилади масхарабозни.

Коссе  
(кулиб)  
Луврдан чалғитиб роса боглабсан!

---

Давоми. Боши ўтган сонда.

Г о р д

Бечора бир йўла кўру кар бўлди.

М а р о

Мен унга хат ёздим:

*(ёнидан қоғоз чиқариб ўқийди)*

“Жоннинг менда. Улдасидан чиқсанг топа қол мени. Аммо, ишонишинг мумкин: биз ҳозир Жуда узоқдамиз Франциядан”.

Г о р д

Нима деб қўл қўйдинг?

М а р о

“Учар”— деб!

*(ҳамма хандон ташлаб кулади)*

П а р д а л ь я н

Қойил!

Кувса керак энди!

К о с с е

Бир кўрсам эдим

Шўрликнинг ҳовлиқиб из қувганини,

Хуноб бўлганини, соч юлганини,

Барча аламларим чиқиб кетарди.

Ёнбошдаги эшик очилиб, ундан башанг тонгги халатда қирол, кетидан де Пьенн чиқади. Аёнлар бош кийимларини олиб четланадилар. Қирол ва де Пьенн хандон ташлаб кулади.

Қ и р о л

*(ичкаридаги эшикни кўрсатиб)*

Қани? У ердами?

П ь е н н

У ерда. Ўша.

Масхарабознинг ёри!

Қ и р о л

Наҳотки ўша?

Букурнинг ўйнашини олиб қочдик денг!

П ь е н н

Балки хотинидир!

Қ и р о л

*(ўзича)*

Барибирмасми...

Аммо таажжубки, масхарабозда

Оила борлигин билмас эканман...

П ь е н н

Ҳозир кўрасизми?

Қ и р о л

Албатта, ҳозир.

Де Пьенн чиқади ва бир дақиқадан сўнг юзига вуаль ташланган, ганграган Бланшни етаклаб чиқади. Қирол курсига парвосиз ўтиради.

П ь е н н

(Бланшга)

Бунча кўп титраманг, кўрқманг, ойимқиз,  
Қирол тобингизни олади ҳали.

Б л а н ш

(вуаль остидан қараб)

Қирол ўша йигит! О, парвардигор!

(Қирол олдида тиз чўкади)

Унинг овозини эшитиб қирол бир сапчиб тушади ва ишора билан бошқаларни чиқишга буюради.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Қирол, Бланш.

Қирол қиз билан ёлғиз қолиб, унинг юзидаги вуални олиб ташлайди.

Қ и р о л

Бланш!

Б л а н ш

Гоше Майе!

Қ и р о л

(кулиб)

Ким бўлмай, сенинг —  
Ошиқи зорингман. Сен менинг севгим.  
Кел, тўйиб кучоқлай, соғиндим, дилбар.

Б л а н ш

(чекиниб)

Йўқ, йўқ! Тегманг, қирол! Фикрим чувалди,  
Кимсиз? Қиролмисиз ва ёки Гоше?  
Шафқат қилинг менга ким бўлсангиз ҳам.  
(яна тиз чўкади)

Қ и р о л

Шафқатни мен эмас, сен қилгин менга,  
Гоше Майе бўлиб не деган бўлсам —  
Қирол бўлиб яна такрор айтаман.  
Қандай севган бўлсам у тор кулбада  
Саройда ҳам шундоқ севаман сени.  
Мени талаба деб ўйладинг, нетай—  
Тақдир берса менга ҳукмронликни  
Тангри мени қирол қилиб яратса,  
Айт, мен айбдорми? Ёки гуноҳим  
Гадой тўрвасини осмаганимми?

Б л а н ш

(четга)

Мен ўлай! Кулгиси нақадар қаттиқ!

Қ и р о л

Сайллар, ўйинлар, ишрат-базмлар  
Бизники бўлади, ишон, жонгинам.  
Севги нашъасини сурармиз икков,



Эр-хотин бўламиз, ошиғу-маъшуқ,  
Дунёда не қолар— ўйнаган қолар.

*(кулади)*

Ҳаёт тўғрисида ҳўп хаёл сурдим,  
Тўғри айтган экан улўғ донишманд:  
Бу дунёда ўйна, ёр васлига тўй!

Б л а н ш

*(чекиниб)*

Қани менинг орзум! У тамом бўлак!

Қ и р о л

Сен мени балки, ишқ завқин билмаган  
Сўтак деб ўйладинг. Фақат оҳ чекиб  
Севгани кетидан сурғалиб юрмоқ  
Ишқи изҳорига сўз тополмаган  
Шўрлик бечораҳол латталар иши.

Б л а н ш

*(уни ўзидан итариб)*

О, қандай бахтсизман. Тегмангиз менга!

Қ и р о л

Биласанми мен— ким?  
Мен— улўғ қирол,  
Бутун Франция менинг измимда.  
Мен— халқман— йигирма миллионли халқ— мен!  
Жаҳлимни чиқарма. Сени севганим  
Ахир сенинг бахтинг. Эс-ҳушингни йиғ!  
Мен қирол бўлганда, сен қиролича— бўлурсан.

Б л а н ш

Ахир сиз... хотинингиз бор.

Қ и р о л

*(кулиб)*

Маъшуқа бўлганми ҳеч қачон хотин.

Б л а н ш

Э, воҳ, қандай номус— маъшуқа бўлмоқ!

Қ и р о л

Кўп мағрур эканман.

Б л а н ш

Билиб қўйингки,  
Менга фақат отам буйруқ бера олар.  
Менинг қиролим— у!

Қ и р о л

Ҳали шундайми?  
Отанг— менинг букур масхарабозим!  
Менинг— дилхушимга хизмат қилувчи  
Кул. Эсдан чиқарма!

Б л а н ш

*(бошини икки қўли билан ушлаб аччиқ-аччиқ йиғлайди)*

Эвоҳ, худойим!  
 Наҳот ҳамма нарса сизники бўлса!  
*(Хўнграб йиғлайди)*  
 Қирол уни овутиш учун оёғига йиқилади.

Қ и р о л

*(юмшоқлик билан)*

Йиғлама! Кел, энди ярашамиз, бас.  
 Қўлни бер.

Б л а н ш

Ҳеч қачон!

Қ и р о л

*(эркалаб)*

Ахир барибир  
 Севасан-ку мени!! “Ҳа” де!

Б л а н ш

Йўқ! Асло!

Қ и р о л

Сени хафа қилдим, кечир, минг тавба!  
 Шундай гўзал қизнинг кўнглин оғритиб  
 Шундай шаҳло кўздан ёш оқизгунча —  
 Ҳар қандай йигитнинг ўлгани яхши.

Б л а н ш

*(йиғлаб, ўзини йўқотиб)*

Демакки, буларнинг барчаси ҳазил?  
 Тезроқ бора қолай уйга, отамга.  
 Мени қўйворинг. Уйим — де Коссе  
 Уйининг ёнида. Биласиз, ахир!  
 Аммо айтинг, кимсиз? Мен қандай қилиб  
 Келиб қолдим сизнинг саройингизга?  
 Сира эслолмайман...

*(йиғлайди)*

Сизни мен қандай —  
 Олижаноб одам деб ўйлар эдим!  
*(Даҳшат ичида чекинади)*  
 Севганмидим ёки ҳамон севаман —  
 Ўзим билолмайман. Ахир қиролга  
 Ишониб бўларми?

Қ и р о л

*(кучоқламоқчи бўлиб)*

Кўрқдингми мендан?

Б л а н ш

*(ўзидан итариб)*

Қўйворинг!

Қ и р о л

*(ёпишиб)*

Ярашув белгиси учун  
 Бир ўпич сўрайман!

Б л а н ш

*(юлқиниб)*

Йўқ!

Қ и р о л

*(кулиб четга)*

Қандай нафрат!

Б л а н ш

*(юлқиниб қўлидан чиқади)*

Тегманг! Мана эшик!

*(Қирол ётоқхонасининг очик турган эшигини кўриб, қочиб киради ва ичкаридан қулфлаб олади.)*

Қ и р о л

*(белидан олтин камар олиб)*

Калити бунда.

*(Калит солиб эшикни очади, кириб ичкаридан қулфлайди.)*

М а р о

*(У эшикдан мўралаб воқеани кузатиб турган эди. Кулиб.)*

Унга шафқат бўлмас ётоқхонада.

Бечора қиз!

*(де Гордни чақиради)*

Ҳой, граф!

**УЧИНЧИ КЎРИНИШ**

М а р о, сўнг сарой аъёнлари, сўнг Т р и б у л е.

Г о р д

*(Марога)*

Нима гап ўзи?

М а р о

Бўри панжасига тушди кўзичоқ.

П а р д а л ь я н

*(севинганидан сакраб)*

Шўрлик Трибуле!

П ь е н н

*(эшикнинг олдида қолиб, ташқарини кузатиб туриб)*

Тсс! Ана ўзи!

Г о р д

Жим! Сезиб қолмаса бўлди.

М а р о

У фақат— Менга ёпишиши мумкин.

Мен билан Гаплашган кечаси.

П ь е н н

Жим. Келяпти.

Т р и б у л е киради. Кўринишида ҳеч нарса ўзгармаган, ўша кийими, ўша бепарволик ҳолати. Фақат ранги бўзарган.

П ь е н н

*(бошлаган гапни давом этгандай, Трибулени кўриб кулгидан ўзларини зўрға тийиб турган ёш зодагонларга қўли билан ишоралар қилиб)*

Келсинлар, Трибуле!— жаноблар, демак,  
Кўшиққа шундай банд кўшамиз яна.

*(қўйлайди)*

Марселни кўриб Бурбон

Деди лашкарга:

“Ким чиқар бизни бу он  
Қарши оларга?”

Т р и б у л е

*(қўшиқни давом эттириб)*

Йўл гоҳи паст, гоҳ баланд,

Йўл оғир кушод.

Келдилару уйда ҳам

Бўлмадилар шод.

Ҳ а м м а

Жуда соз!

Т р и б у л е

*(аста авансценага келиб, четга)*

Қани у?

*(қўшиқ айтишда давом этади)*

Келдилару уйда ҳам

Бўлмадилар шод.

Г о р д

*(чапак чалиб)*

Яша, Трибуле!

Т р и б у л е

*(атрофда кулаётганларга қараб)*

Тушунарли, булар барчаси шерик.

К о с с е

*(Трибуленинг елкасига уриб қаҳқаҳа билан)*

Нима янгилик бор оламда, тентак?

Т р и б у л е

*(бошқаларга де Коссени кўрсатиб)*

Эшитинг, мисоли гўрков кулгуси.

*(Де Коссени масхара қилиб)*

“Нима янгилик бор оламда, тентак?”

К о с с е

*(яна қулиб)*

Оламда янги гап йўқ экан, демак!

Т р и б у л е

*(уни бошдан-оёқ кузатиб)*

Қўлингиздан бир иш келади фақат,

Сил бўлади сизга ким бўлса улфат.

Ушбу сахнанинг биринчи қисми давомида Трибуленинг кўриниши, хатти-ҳаракатида нимадир излаётган, кузатаётган одамнинг белгилари кўринади. Бу белги фақат унинг кўзларида намоён бўлади. Ҳеч ким қарамастганини сезгандагина стулларни суради, эшикни тортиб кўради... Лекин ҳамма билан худди аввалгидек қувноқ, хандон ташлаб гаплашади. Сарой аҳли бир-бири билан сирли кулишиб, бир-бирига ишоралар қилиб ҳар хил мавзуда суҳбат қурадилар.

Т р и б у л е

(ўзича)

У шунда, қайгадир беркитилган у,  
Сўрасам кулгуга қоламан лекин.

(*Қувноқ кулгу билан Маронинг олдига келади.*)

Маро! Зап бемаъни тун бўлдим-а?  
Шамолламадингми кеча?

М а р о

(*таажжублангандай*)

А? Кеча?

Т р и б у л е

(*тушунарли, дегандай кўз қисиб*)

Хурсандман, хўш, ўйин қандай тугади?

М а р о

Ўйин?

Т р и б у л е

(*бош ирғаб*)

Ҳа!

М а р о

(*билмаганга олиб*)

Тун бўйи туш ҳам кўрмасдан  
Қотиб ухлаб чиқдим. Қанақа ўйин?

Т р и б у л е

Демак, уйда эдинг, кеча мен кўрган  
Арвоҳинг экан-да.

(*стал устида ётган рўмолчани куриб қолади ва югуриб бориб қарайди*)

П а р д а л ь я н

(*де Пьеннга, аста*)

Дастрўмолимдан  
Белги қидиряпти.

Т р и б у л е

(*рўмолчани бир чеккага отиб, четга*)

Уники эмас!

П ь е н н

(*сахна ичкарисида кулишиб турган ёшларга қараб*)

Секинроқ!

Т р и б у л е

(*четга*)

Қаерда бўлиши мумкин?

П ь е н н  
(де Гордга)

Нимага куляпсиз?

Г о р д

(Марони кўрсатиб)

Манави қурғур  
Ичакларни узди.

Т р и б у л е  
(четга)

Бўйнинг узилсин.

Г о р д  
(Марога кулиб)

Ўзингни тутиб ол, йўқса елкангга  
Трибуле билан битта соламан.

Т р и б у л е  
(де Пьеннга)

Қирол чиқмадимми?

П ь е н н

Чиқиш қаёқда!

Т р и б у л е

Товуш чиқмадимми хонаи хосдан?

(эшикка яқинлашади)

Де Пардальян уни тўхтатади.

П а р д а л ь я н

Жаноби олийни уйғотиб қўйма!

Г о р д  
(де Пардальянга)

Ҳозир баттол Маро латифа айтиб  
Бизни хўп кулдирди: эмиш, уч эркак —  
Олис йўлдан қайтиб уйига келса  
Уччаласининг ҳам хотини, бошқа  
Эр билан ётганмиш...

М а р о

У ёғини айт.

Т р и б у л е

Ҳа, нимаси қизиқ?!

К о с с е

Хотинлар бари  
Бевафо!

Т р и б у л е  
(де Коссега)

Эҳтиёт бўлиб гапиринг.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
66

К о с с е

Хўш?

Т р и б у л е

Калтакнинг учи сизга тегяпти.

К о с с е

Нима учун?

Т р и б у л е

Қани, жаноб, чироққа  
 Яқинроқ келинг-чи, пешонангизда  
 Бир нимадир борга ўхшайди.

К о с с е

Нима?

Т р и б у л е

*(кулиб)*

Шармандалик!

К о с с е

*(ғазаб билан)*

А?

Т р и б у л е

Ҳа! Мана, жаноблар  
 Жонивор қутирди! Сузиб олмасин!

*(де Коссени масхара қилиб)*

А??

Ҳамма кулади. Қиролича мулозимларидан бўлган з о д а г о н киради.

П ь е н н

Хўш, келинг, Водрогон!

З о д а г о н

Мени бу ерга  
 Юбордилар улуғ қироличамиз.  
 У зот қирол билан гаплашмоқчилар.

Де Пьенн имо-ишоралар билан бу мумкин эмас дейди. Зодагон туриб олади.

П ь е н н

*(бетоқат бўлиб)*

Жаноблари ҳали турганлари йўқ.

З о д а г о н

Бекор гап. У киши ҳали шу ерда  
 Сизлар билан эди.

Де Пьенн баттар тоқатсизланади. У имо-ишоралар қилади, Зодагон тушунмайди.  
 Трибуле диққат билан де Пьенни кузатади.

П ь е н н

У киши овда.

З о д а г о н

Итлар тайёр эмас, маҳрамлар ҳам йўқ.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

67

Жаноб овда эмас!

П ь е н н

(четга)

Бефаҳм, овсар!

(Зодагонга яқин келиб, ўшқириб)

Улуғ зот ҳеч кимни қабул қилмайди,  
У киши банд! Тамом-вассалом!

Т р и б у л е

(тўсатдан ҳайқириб)

Билдим!  
У шу ерда экан! Қирол ёнида!  
Сарой аҳли ҳайрон.

Г о р д

Бечора ақлдан озди!

Т р и б у л е

Эшитинг,  
Жаноблар, бир оғиз гапим бор сизга.  
Де Коссе ва Пьенн, бир тўда шайтон,  
Монморанси, Брион тил бириктириб  
Ҳа, бўйинга олинг, кеча уйимдан  
Олиб қочдингизлар бир ожизани.  
Сиз ҳам бор эдингиз, жаноб Пардальян.  
Уни сиз бу ерга беркитгансиз, ҳа!

П ь е н н

(қаҳ-қаҳ уриб)

Букурнинг ўйнаши! Паривашмикан  
Ё ўзидек маймоқ!

Т р и б у л е

(ғазаб билан)

Иблис, у қизим!

Ҳ а м м а

Қизим!

Ҳамма ҳайрон.

Т р и б у л е

(қўлларини кўксига чалиштириб)

Ҳа, у қизим! Кулинг, жаноблар!  
Нега жим қолдингиз? Ё менинг дардим  
Сизни ҳайронликка солдими? Қизиқ!  
Дард не қилсин букур масхарабозда  
Оталик не қилсин! Ахир бўри ҳам  
Бола кўради-ку! Бу менинг қизим!

(бақириб)

Ҳей, беринг қизимни! Ҳа, сиз энгдингиз,  
Мендан ўч олдингиз! Етар, бас, майли  
Одамлар мазахлаб қулсин устимдан  
Барига тупурдим, қизимни беринг!  
Ахир у шу ерда!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

68



*(Эшикка ташланади)*

Зодагонлар эшик олдида туриб унга йўл бермайдилар.

М а р о

Ақлдан озди.  
Ташланмоқчи.

Т р и б у л е

*(алам билан чекиниб)*

Ҳей, сиз, макруҳ бандалар!  
Сарой малайлари, йўлтўсар зотлар,  
Уғирлаб келдингиз ёлғиз қизимни,  
Оталик шаънимни ерга урдингиз!  
Сизда зарра борми номус-диёнат?  
Менга таскин берар фақат бир нарса  
Қиролимиз шундай беорки, унга  
Сарой хонимлари барчаси ўйнаш!  
Бу даргоҳда аёл шаъни— икки пул,  
Эрлик номуси-чи, азалдан абас.  
Қирол марҳамати эвазига сиз,  
Унга хотинингиз қўшиб қўйибсиз!

*(Уларнинг кўзига тик қараб)*

Қани айтинг, сўзим ёлғонми? Йўқ, рост.  
Мартаба, унвону ёғлиқ жой учун

*(де Пардальянга)*

Сен— туққан онангни,

*(де Брионга)*

Сен— ўз опангни,

*(де Гордга)*

Сен-чи, хотинингни сотишга тайёр!

М а ҳ р а м л а р д а н б и р и  
*(стаканга май қуйиб ичади ва куйлайди)*

Марселни кўриб Бурбон  
Деди лашкарга:  
“Ким чиқар бизни бу он...”

Т р и б у л е

Ким чиқар, билмадим, лекин, Обюссан,  
Сенга май тиқилиб, тобутинг чиқар!

*(ҳаммага)*

Эй сиз оқсуяклар, энг олий зотлар,  
Улуғ аждодларнинг сизлар вориси!  
Номус— мендай фақир битта шўрликнинг  
Қизини ўғирлаб бағрини эзмоқ—  
Номус, номус. Айтинг ёки онангиз  
Ҳалол туғмаганми? Ё отбоқардан  
Бино бўлганмисиз? Айт, ҳаромилар!

Г о р д

Тилингни тий!

Т р и б у л е  
 Қани қирол берган пул?  
 Ахир қизим учун қирол сизларни  
 Нақд пул билан рози қилгандир?

(сочларини юлиб)

Эй, воҳ!  
 Балки қиролингиз ўйлар, пул бериб,  
 Хурсанд қиламан дер отасини ҳам.  
 Йўқ! Улганим афзал бундай номусдан.  
 Қани менинг қизим? Қайтаринг ҳозир!  
 О, менда бойлик йўқ— фақат қўлим бор!  
 Мана шу меҳнаткаш қадоқ қўлларим.  
 Қиличим йўқ, аммо тирноқларим бор!  
 Очинг, дейман, ҳозир эшикни!

Яна ғазаб билан эшикка ўзини уради, уни эшикдан нари сурадилар. Бир муддат олишади, сўнг ҳолсиз авансценага келади, тиззаси билан йиқилади.

Бутун бошли тўда менга қарши...

(ўксиниб йиғлайди)

Йиғлаяпман, ахир!

(Марога)

Маро, сен мени  
 Боладинг, қойилман. Усталик қилдинг,  
 Дидинг бор йигитсан. Сен ҳам мен каби  
 Ғарибсан-ку, сўйла, қизим қаерда?  
 Бу аблаҳлар кулсин майли, сен ахир  
 Булар тоифаси эмассан, сўйла.  
 Қизим шу ерда-ку? Нега жимсан, айт?

(эмаклаб тўралар ёнига боради)

Кечиринглар мени! Мана эмаклаб—  
 Келдим, ҳазилларим учун кечиринг.  
 Баъзида ранжитдим, аммо— не қилай,  
 Бу менинг хизматим эди. Ҳар қалай,  
 Сизларни кулдириб хизмат қилганман.  
 Менинг хазинамни беринг, у шунда!  
 Қизим қани, шафқат қилинг, сўрайман!  
 Ҳамма жим. У алам билан ўрнидан туради.  
 Жимсиз, куляпсиз! Эҳ, парвардигор!  
 Менинг дардим сизга бериш ҳаловат.  
 Менинг йиғлашимдан, бир кечадаёқ  
 Оқарган сочларим юлиб эмаклаб  
 Фарёд қилишимдан завқ олмоқдасиз!

Шу вақт бирдан қирол ётоқхонасининг эшиги очилиб сочлари ёйилган, кўзлари олазарак Б л а н ш отилиб чиқади. Кийимлари тартибсиз. У аламли нидо билан ўзини отасига отади.

Б л а н ш

Отажон!

Т р и б у л е  
 Қизгинам! Ёлғизим, бахтим!  
 Пешонамга битган танҳо бойлигим!  
 Мана бағрим бутун, оилам бутун!

(бир вақтда келган йиғи ва кулгу томоғига тиқилади)

Ҳеч гап эмас экан ақдан озмоқ,  
 Кечиринг, жаноблар, биринчи марта

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Сизнинг олдингизда аламларимни  
Кўзёшларим билан тўкаётирман.

*(Бланига)*

Қўрқма, қизалоғим! Бу ҳазил холос,  
Фақат кулгу учун қилинган ўйин.  
Булар ҳаммаси ҳам яхши одамлар,  
Улар бизни хафа қилишмас энди,  
Биз бирга яшаймиз яна бахтиёр.

*(тўраларга)*

Тўғрими?

*(яна Бланига, қучоқлаб)*

Сен яна ёнимдасан-ку,  
Барча аламларни унутдим, мана,  
Ҳозир йиғлаб туриб яна куляпман.

*(унга безовталиқ билан тикилиб)*

Йиғлаяпсан? Нечун?

Б л а н ш

*(кўзёши оқиб турган қизарган кўзларини қўллари билан яшириб)*

Ўлганим яхши!  
Қандай номус!

Т р и б у л е

Нима?

Б л а н ш

*(юзини унинг кўксига яшириб)*

Сўраманг ҳозир,  
Буларнинг олдида айта олмайман.

Т р и б у л е

*(ғазабдан титраб, қиролнинг эшиги томон бурилади)*

Макруҳ иблис! Ҳали сен ёвуз олчоқ —  
Менинг қизимга ҳам куч кўрсатдингми?

Б л а н ш

*(хўнграб унинг оёғига йиқилади)*

Улар кетсин!

Т р и б у л е

*(уч сакраб тўраларнинг олдида етиб боради ва уларни тепиб ҳайдай бошлайди)*

Йўқол ҳамманг кўзимдан!  
Ҳайвонлар! Қирол ҳам яқинлашмасин!

*(Вермадуага қараб)*

Сиз соқчисиз! Айтнинг қиролгаки, мен  
Шу ерда эканман, чиқа кўрмасин!

П ь е н н

Жаҳлини қаранг-а, масхарабознинг

Г о р д

(қўл ҳаракати билан уни тўхтатиб)  
 Ҳеч вақт гўдак билан масхарабозга  
 Гап қайтариб бўлмас!

(чиқишади)

Т р и б у л е

(қирол курсисига ўтиради ва ерда ярим ётган қизини кўтаради)

Иккимиз қолдик!  
 Энди ҳаммасини айтиб бер менга!

(орқасига қайрилиб де Коссенинг турганини кўриб қолади ва ўрнидан туриб,  
 қули билан эшикни курсатиб)

Йўқолинг бу ердан! Эшитдингизми?

К о с с е

(Трибуленинг ғазабли буйруғига бўйсуниб чекинади)

Ҳамма нарса мумкин масхарабозга!  
 Қаранг, дағдаға ҳам қилади.

(Кетади.)

## ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Бланш

Т р и б у л е

(ғамгин)

Энди—  
 Гапир, қизим.

Б л а н ш

(ерга қараб, сўзлари йиғи билан бўлиниб)

Сизга айтишим керак  
 Унинг уйга қандай кириб олганин...  
 Эҳ, номус...

(юзини қўллари билан беркитиб йиғлайди)

Трибуле уни кучоқлайди ва оҳиста кўзёшларини артади.

Бошидан айтайин, менга  
 Кўпдан у эргашиб юрарди... Дастлаб—  
 Ибодатхонада учради.

Т р и б у л е

Қирол!

Б л а н ш

(давом этиб)

У секин ёнимга келиб ўтирди...

(овози борган сари сустлашади)  
 Кеча уйимизга кириб олибди...

Т р и б у л е

Бўлди, бас, гапирма, ҳаммаси маълум,

(ўрнидан туради)

Оҳ, бу не кўргилик! Эй, қодир танграм!  
 Қандоқ балоларга қилдинг гирифтор!  
 Беомон сўлдирмай тоза гулимни  
 Юборсанг бўлмасми эди ўлимни.  
 Не кутмоқ мумкин бу ифлос даргоҳдан,  
 Йиғлаяпсан, қизим, майлига, йиғла.  
 Ғамни енгиллатар қизнинг йиғиси.  
 Қанийди бу ғамни отангга берсанг!

(ўйлаб)

Энди ёлғиз нажот— Парижни ташлаб  
 Узоққа бош олиб кетамиз, қизим.

(қирол эшиги томон ўгирилиб)

Сен-чи қирол Франциск! Сенга худойим  
 Узи жазо берсин. Илоҳим минбаъд  
 Оталик кўзёшим кўр қилсин сени!  
 Шу уйда тез кунда тобутинг чиқсин.

Б л а н ш

(қўлларини осмонга узатиб, четга)

Бунга кулоқ солма, о, парвардигор,  
 Мен уни севаман!

Ичкаридан шовқин ва қадам товушлари эшитилади. Саллотлар ва эодагонлар  
 кўринади. Олдинда де Пьенн.

П ь е н н

(чақириб)

Ҳей, Моншеню, тезроқ панжарани о'ч,  
 Сен-Вале кетяпти Бастилияга!

Саллотлар ичкаридан иккитадан бўлиб ўтади. Улар қуршаб олган Сен-Валье эшик  
 сенига келганда тўхтаб қирол хонасига қараб мўжзаат қилади.

С е н ь - В а л ь е

(баланд овоз билан)

Мен қиролга лаънат ўқини олдим,  
 Бир оз енгил бўлди, алашим, аммо  
 Қасос ололмадим. Ёруғ дунё да  
 На бир дўстим бору, на қондошим бор...  
 Мен учун ўч олса!

Т р и б у л е

(бош кўтариб, унга тик қараб)

Эшитинг, граф,  
 Сиз учун бошқалар ўлади қасос!

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Бланш

Сена дарёсининг яланг қирғоғи. Сен-Жермендан қуйроқ. Ўнг томонида лой  
 кўзачалар, ёғоч курсилар қўйилган қашшоқ кулба. Иккинчи қават— болохона,  
 ойнадан ямоқ-яскоқлардан тузилган ўрин кўринади. Томошабинга уйнинг ичи борича  
 кўриниб туради: ўртада— стол, бир ёнда гишт ўчоқ— камин, ичкарида— болохонага  
 чиқадиган нарвоң. Саҳнанинг чап томонида уйнинг ичидан тўғри кўчага чиқадиган  
 эшик қўйилган. Девор — эски, ёриқ. Ериқлардан ичкари шундоқ кўриниб туради.  
 Эшикка кичкина дарича ўрнатиб, данжара билан тўсиб қўйилган. Эшикка ташқари  
 томондан епиқ зонт ўрнатилган! Ериқнинг устида “Ошхона” деб ёзиб қўйилган.

Саҳнанинг қолган қисми — соҳил. Чап томонда эски, синиқ-ёриқ панжара. Унинг тагида Сена оқади. Панжарага қунғироқ учун устун ўрнатилган. Орақ томонда, дарёдан нарида Вединг ўрмони. Унг томонда узоқдан тепалик Сен-Жермен шаҳарчаси ва ибодатхонаси кўринади.

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ташқарида Трибуле ва Бланш, ичкарида— Сальтабадиль. Бутун кўриниш давомида Трибуленинг юз кўриниши ва хатти-ҳаракатларида бир нарсадан чўчиган, бировнинг кўриб қолишидан кўрққан одамнинг аҳволи кўринади. У тез-тез атрофга қарайди, кўпроқ кулба томон ҳадик билан тикилади. Сальтабадиль ташқарида бўлаётган воқеадан беҳабар индамай қайишини тозалаб ўтиради.

Т р и б у л е

Уни севасанми?

Б л а н ш

Севаман.

Т р и б у л е

Э, воҳ!

Бу қандай кўргилик! Мен-чи, вақт ўтиб —  
Янглиш ҳислардан қайтар деб эдим.

Б л а н ш

Севаман.

Т р и б у л е

О, нодон аёл юраги!  
Нимасини севдинг! Тушунтир менга.

Б л а н ш

Ўзим ҳам билмайман.

Т р и б у л е

Бу мумкин эмас.  
Бу — даҳшат!

Б л а н ш

Ҳеч қачон! Тангри бошимда,  
Бу тангри — муҳаббат. Унинг амри — ҳақ.  
Жоним ҳалас этиб ўзга бир кимса  
Бошимдан олтинлар сочганида ҳам  
Кўнгил бермас эдим. У бўлса, менга —  
Қанча азоб берди. Лекин севаман.  
Ундан ўзгани ҳеч демас юрагим.  
Гарчи сиз дўстимсиз, у-чи душманам,  
Жоним керак бўлса сизларга манам,  
Сизга фидо бўлур, унга ҳам нисор.

Т р и б у л е

Кечирдим, қизгинам.

Б л а н ш

У ҳам севади.

Т р и б у л е

У?— Қандай нодонсан!

Б л а н ш

Ҳа, қасам ичган.  
 У қандай келишган, қандай ботир, мард,  
 Юракни банд этар оташ сўзлари.  
 Барча аёлларга тенг ширинсухан,  
 Ажойиб қирол у!

Т р и б у л е  
*(газаб билан)*

Бас! У беномус!  
 Уғирламоқ бўлди ҳаётимни у!

Б л а н ш  
 Ахир кечирдингиз.

Т р и б у л е  
 У бедиёнат,  
 Касофатни ҳеч вақт кечирмас кўнглим.  
 Вақт келар, тузоққа тушар у иблис.

Б л а н ш  
 Бир ойки, ёнаман сирли бир ўтда...  
 Ахир авваллари хуш кўрардингиз.

Т р и б у л е  
 Аввал билмас эдим,  
*(газаб билан)*  
 Энди ўчим бор!

Б л а н ш  
*(ялиниб)*  
 Раҳм қилинг, ота!

Т р и б у л е  
 Унинг сўзлари —  
 Ёлғон эканини мабодо билсанг  
 Ундан кечармидинг?

Б л а н ш  
 У ҳеч алдамас.

Т р и б у л е  
 Унинг аблаҳлигин кўз билан кўрсанг  
 Афсус қилармидинг?

Б л а н ш  
 Айта олмайман.  
 Ёлғизим деб айтди куни кеча у.

Т р и б у л е  
*(аламда)*  
 Қачон айтди?

Б л а н ш  
 Кеча.

Т р и б у л е  
 Қара-чи, қизим

Ановилардан бири сенга танишми?

*(девордаги ёриқдан ичкарини кўрсатади)*

Б л а н ш

У ерда бир киши.

Т р и б у л е

Яхшироқ қара!

Оддий офицер кийимида қирол пайдо бўлади. У қўшни хонадан кичкина эшик орқали кирган.

Б л а н ш

*(вужуди титраб)*

Отажон, қаерга қочай? Ё тангрим!

Бутун келгуси кўриниш давомида у девор ёриғидан кўз узмай тикилади. Бутун вужуди кўзу кулоқ. Гоҳи уни титроқ тутади.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Аввалгилар, қирол, Магелона.

Қирол Сальтабадилнинг елкасига уради. Сальтабадиль қайрилиб қарайди.

Қ и р о л

Икки нарса керак!

С а л ь т а б а д и л ь

Хўш?

Қ и р о л

Қадаҳ ва жонон.

Т р и б у л е

*(заҳарханда билан)*

Кўринг бу қиролни, қандай фаришта!  
Бу манзилга элтмиш уни пок ният.

*(ғазаб билан)*

Букун заҳар бўлар ичган шаробинг!

Қ и р о л

*(хиргойи қилади)*

Ўзалларда йўқ вафо,  
Уларнинг иши жафо.  
Оқил одам уларга  
Ишонмас асло!

С а л ь т а б а д и л ь қўшни хонадан шиша ва стакан олиб чиқади ва индамай столга кўяди. Сўнг узун қиличининг дастаси билан икки марта шифтга уради. Бу ишора билан нарвондан кўркамгина, қувноқ, лўли либосини кийган қиз тушиб келади. Қиз кўриниши билан қирол уни кучоқламоқчи бўлади. Лекин қиз тисарилади.

Қ и р о л

*(яна қайишини тозалашга ўтирган Сальтабадилга қараб)*

Ошна, қайишингни кўчага чиқиб  
Бафуржа тозалаб келсанг бўларди.



## С а л ь т а б а д и л ь

Тушунарли.

Сальтабадиль ўрнидан туради, қиролга қовушмай таъзим қилади ва эшикни ёпиб чиқади. Трибулени кўриб сирли бир қараш билан унга яқин келади. Улар шивирлашиб сўзлашар экан, ҳалиги қиз қирол билан ўйнашиб туради. Бланш даҳшат ичида кузатади.

## С а л ь т а б а д и л ь

*(уйга бармоқ билан ишора қилиб)*

Тайёр. Пичоқ чархланган.  
Қелишиб олайлик нима қиламиз?  
Улсинми, қолсинми?

## Т р и б у л е

Узоққа кетма.

*(Ишора билан кетишни буюради)*

Сальтабадиль панжара орқасига ўтиб кўздан йўқолади. Бу вақт ичида қирол лўли қизга хушомад қилади, қиз ноз қилиб ўзини олиб қочади.

## М а г е л о н а

Асло!

## Қ и р о л

Асло дема. Кучаман десам  
Нега асло дейсан? Бери кел, санам,  
Гап бор.  
Лўли қиз яқинлашади.

## М а г е л о н а

Нима дейсиз?

## Қ и р о л

Бир ҳафта аввал  
Трибуле билан анов қаҳвода  
Сени учратдим у шайдои бўлдим.  
Шундан бери йўқдир кўнглимда ором.

## М а г е л о н а

*(кулиб)*

Қолган йигирмасин унутдим денг-а?

## Қ и р о л

У йигирматанинг биттасига ҳам  
Камина ёқмаган.

## М а г е л о н а

Мақтанчоқ!

## Қ и р о л

Ҳа, рост!  
Лекин мен хароба қулбага келиб  
Хароб таомлар еб, хароб май ичиб  
Умримда илк бора бахтиёр бўлдим.  
Гарчи жонга тегди бадқовоқ аканг

*(Ёмон фирибгарга ўхшайди ўзи)*

Бу кеча шу ерда қолганим бўлсин.

М а г е л о н а

(четга)

Ўлигинг қолади!  
Қирол уни қучоқламоқчи бўлади.  
Кўйинг!

Қ и р о л

Кўймайман.

М а г е л о н а

Эсингизни йиғинг.

Қ и р о л

Эсим жойида:  
Раҳматлик Сулаймон сўзи ёдимда —  
У айтган: ёрни сев ва тўйгунча ўп.

М а г е л о н а

О, ҳикматга жуда уста экансиз.

Қ и р о л

(унга интилиб)

Қулоқ сол.

М а г е л о н а

(сирғалиб)

Эртага!

Қ и р о л

Аччигим ёмон!  
Бекор ағдараман стулни, бас қил.  
“Эрта” деган сўзга ҳеч тоқатим йўқ.

М а г е л о н а

(бирдан юмшаб қиролнинг ёнига келиб ўтиради)

Келинг, ярашамиз!

Қ и р о л

(унинг қўлларини ушлаб)

О, қандай нафис!  
Ҳуру малакларнинг эркалашидан  
Мана шу қўлларнинг ургани афзал.

М а г е л о н а

Ҳазиллашманг!

Қ и р о л

Рост гап!

М а г е л о н а

Мен хунукман!

Қ и р о л

Йўқ!  
Гўзал ўз хуснини билмоғи керак.  
Ўт бўлиб ёнмоқда бутун вужудим,  
Наҳотки билмасанг, мендан бир ошиқ

Сенинг жамолингта шайдо бўлганми?

М а г е л о н а

(қаҳ-қаҳ уриб)

Айтинг, қай китобдан топдингиз буни?

Қ и р о л

(четга)

Дарвоқе, қаерда ўқиган эдим?

(Магелонага)

Бир бўса!

М а г е л о н а

Мастмисиз?

Қ и р о л

Севгингдан мастман.

М а г е л о н а

Яна куляпсизми менинг устимдан?

Қ и р о л

Асло!

(ўпади)

М а г е л о н а

Бўлди, етар!

Қ и р о л

Турмуш қурамиз!

М а г е л о н а

Сўз беринг.

Қ и р о л

Гўзалим! Қандай шаддодсан!

*(тиззасига ўтқазиб қулоғига нимадир шивирлайди.)*

Магелона бошини орқага ташлаб хандон кулади. Бланш ортиқ тоқат қилолмай Трибуле томон ўгирилади. Унинг юзида қон йўқ, вужудида титроқ.

Т р и б у л е

*(аввал бир нафас жим кўз тиккач)*

Энди ўч олишга не дейсан, қизим?

Б л а н ш

*(жуда секин қийналиб гапиради)*

Нақадар разиллик! Бузуқ, шарманда!

Кечагина менга ишқ изҳор қилиб

Бугун юрагини бошқага бермиш!

Юрак ўзи борми унда, йўқ асло!

*(бошини отасининг кўкрагига қўйиб)*

Бу шарманда хотин яна у билан.

Т р и б у л е

Жим, энди гапни қўй, йиғлама, қизим,  
Бу ёғини менга қўйиб бер.

Б л а н ш

Майли,  
Сиз айтганча бўлсин.

Т р и б у л е

*(аламли хушнудлик билан)*

Бўпти.

Б л а н ш

Бизларни  
Худойим кечирсин. Режангиз қандай?

Т р и б у л е

*(куйиниб)*

Қопқон тайёр. Аммо сўрама, қизим.  
Томоғимни бўғиб келар ғазабим.  
Тезгина уйга бор. Кўпроқ пул олиб  
Йигит кийимни кий, отга мину тез  
Эврёга қараб уч. Бир кундан кейин  
Мен етиб бораман. Шляпа, плашч,  
Ботфортни кийиб ол. Бари сандиқда,  
От ҳам эгарланган. Айтганимни қил.  
Бир соатдан кейин бу ерда қизим,  
Даҳшат юз беради. Орқангга қайтма.  
Эсингдан чиқмасин. Қани, бор.

Б л а н ш

Сиз-чи?

Т р и б у л е

Мен борсам бўлмайди.

*(қучоқлайди ва ишора билан кетишга буюради)*

Б л а н ш

Кўрқаман.

Т р и б у л е

Кўрқма.  
Тезда кўришамиз.

*(яна қучоқлайди)*

*Бланш истар-истамас қадам босиб чиқади.*

Қайғурма, қизим.

Ушбу ва келгуси сахна давомида қирол ва Магелона ўртасида ишқий муносабат давом этади. Бланш кўздан йўқолиши билан Трибуле панжара ёнига келиб қўли билан ишора қилади. Сальтабадиль пайдо бўлади. Қоронғи тушади.

### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Сальтабадиль— ташқарида. Магелона, қирол ичкарида. Трибуле олтин тангаларни санайди. Сальтабадиль қараб туради.

Т р и б у л е

Мана ўнта— хамир учидан патир.

*(олтинни беришдан олдин тўхтаб)*

Бу кеча шу ерда қоладими у?

С а л ь т а б а д и л ь

*(жавоб беришдан аввал осмонга қараб)*

Булутларни қара!

Т р и б у л е

*(ўзича)*

Албатта, Лувр.

Унинг жонига ҳам теккан. Қолади.

С а л ь т а б а д и л ь

Бир соат ўтмасдан жала қуяди,

Уни кеткизмайди жала ва жонон.

Т р и б у л е

Мен ярим кечада келаман.

С а л ь т а б а д и л ь

Нега?

Мен ўзим биламан. Сиз аралашманг.

Жасадни Сенага ташлайман. Тамом.

Т р и б у л е

Йўқ, ўзим ташлайман.

С а л ь т а б а д и л ь

Хўп, ундай бўлса

Бир соатдан кейин қопнинг оғзини

Тикиб сизга тайёр қилиб қўяман.

Т р и б у л е

*(олтинни бериб)*

Ол. Яна шундайни кейин оласан.

С а л ь т а б а д и л ь

Йигитчанинг исмин билсак мумкинми?

Т р и б у л е

Ҳали ўзинг кимсан деб ҳам сўрарсан.

Унинг исми— Гуноҳ, меники— Улим.

*(кетади)*

## ТҶРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳалигилар. Фақат Трибуле йўқ. Сальтабадиль ёлғиз қолиб Сен-Жермен томондан босиб келаётган булутларга қарайди. Қора шом пайти. Чақмоқ чақади.

С а л ь т а б а д и л ь

Сел яқин. Парижни қоплаган булут

Соҳилда бир зот йўқ. Буниси— қойил.

*(уйга чўмиб)*

Лекин, рост айтганда, бу ишга унча—  
 Кўнглим бормаяпти. Билмайман нечун.  
 Ё манов букурнинг ёвуз турқими,  
 Ёки кайфиятим шундайми... Ажаб...

*(осмонга қараб бош чайқайди)*

Бу вақтда қирол Магелона билан суҳбатлашиб ўтиришади.

Қ и р о л  
*(белидан қучмоқчи бўлиб)*

Кулоқ сол, жонгинам.

М а г е л о н а  
*(сирғалиб чиқиб)*

Шошманг.

Қ и р о л  
 Шайтон-эй!

М а г е л о н а  
 Шароб — қуёш кулгуси,  
 Майдан келар гул иси.

Қ и р о л  
 Бундай қадди-қомат, бундай елкалар —  
 Дунёда бормикан? Гумон қиламан.  
 Сенга қарайману лол бўлар кўнглим,  
 Тангри қудратига таҳсин ўқийман.

М а г е л о н а  
 Труля-ля-ля!  
*(қиролни итариб)*

Тўхта! Акам келяпти.

С а л ь т а б а д и л ь киради ва эшикни ёпади.

Қ и р о л  
 Аканг бўлса нима?!

Момақалдироқ гумбурлайди.

М а г е л о н а  
 Момақалдироқ.

С а л ь т а б а д и л ь  
 Ҳозир сел келади.

Қ и р о л  
 Сел келса нима!  
 Мен шу ерда қолдим, тамом-вассалом.

М а г е л о н а  
 Яна не истайсиз? Амру фармони—  
 Қиролнинг ўзи-я. Бу ерда қолиб

Кейин нима дейсиз оилангизга?

С а л ь т а б а д и л ь уни туртади ва қўли билан йшора қилади.

Қ и р о л

Менинг оилам йўқ.

С а л ь т а б а д и л ь

(четга)

Буниси— дуруст!

Ёмғир томни тақиллата бошлайди. Тимқора кеча.

Қ и р о л

(Сальтабадилга)

Истаган ерингда ётишинг мумкин,  
Хоҳла кўча, хоҳла шайтон қўйнида.

С а л ь т а б а д и л ь

(таъзим қилиб)

Миннатдорман.

М а г е л о н а

(чироқ ёқар экан, қиролга шивирлаб тез гапиради)

Кетинг.

Қ и р о л

(кулиб баланд овоз билан)

Шу ёмғирда-я?

Бу пайт шоирлар ҳам кўчага чиқмас.

(дераза олдига келади)

С а л ь т а б а д и л ь

(Магелонага олтинларни кўрсатиб, секин)

Қолсин! Мана, хамир учидан патир,  
Ярим тунда яна шунча келади.

(қиролга тавозе билан)

Бўшатиб бераман сизга хонани  
Бу иш бизга шараф.

Қ и р о л

(кулиб)

Бу ерда июль  
Чидаб бўлмайдиган жазира эди,  
Ноябрь қарангки, серёгин экан.

С а л ь т а б а д и л ь

Кўрасизми?

Қ и р о л

Майли.

Сальтабадил чироқни олади. Қирол Магелонанинг қулоғига нимадир деб шивирлайди ва кулади. Сўнг Сальтабадил кетидан зинага болохонага чиқди.

## Магелона

Шўрлик...  
(ойна олдига келади)

Зим-зиё  
Нақадар қўрқинчли.

## Сальтабадиль

Мана каравот.  
Керак бўлиб қолса бу стол-стул.

## Қирол

(каравот ва стулларни кўздан кечириб)

Оёқлари нечта. Уч... тўққиз... қойил!  
Буларинг, мазмуни, урушда бўлган,  
Чўлоқ, маймоқ...

(ойна олдига келиб)

На ром ва на дераза,  
Ишқилиб биқинни тешмасин шамол,

(столга жинчиноқ ёқиб қўяётган Сальтабадилга қараб)

Хўп, хайр!

## Сальтабадиль

Соғ бўлинг.

(чиқади ва унинг зинадан аста тушаётгани эшитилади)

## Қирол

(ёлғиз, қилич, камарини ечар экан)

Мана, ёлғизман.  
Мизғиб олсаммикан висол олдидан?

(столга шляпа, қилич, ботфортларини ечиб қўяди ва каравотга ётади)

Қиз лекин ажойиб, диркиллаиди-я!

(туради)

Қулфламади чоғи эшикни? Майли  
Буниси ҳам яхши.

(яна ётади)

Бир дақиқадан сўнг у қаттиқ ухлаб қолади. Сальтабадиль ва Магелона пастда.  
Момақалдиноқ, чақмоқ, жала. Магелона дарча ёнида нимадир тикиб ўтирибди.  
Сальтабадиль қиролдан қолган шишани бўшатаяпти. У уйчан. Улар бир дақиқа жим  
туришади.

## Магелона

Жуда мулойим...  
Ажойиб...

## Сальтабадиль

Ажойиб бўлганда қандоқ  
Йўқса олармидим йигирма олтин.

## Магелона

Қанча?



С а л ь т а б а д и л ь  
Йигирмата.

М а г е л о н а  
Кўпга арзийди.

С а л ь т а б а д и л ь  
Тентак. Тур, қара-чи, унда каллани  
Қилич билан сақлаш нияти йўқми?

Магелона туради. Момақалдироқ, жала авжида. Саҳна ичкарисиди Бланш пайдо бўлади. У отлик эркак кийимида, шпорли ботфорт кийган, қора либосда. У аста-секин кулбага яқинлашади. Сальтабадиль шишани бўшатар экан, Бланш ухлаб ётган қиролни кузатади.

М а г е л о н а  
(кўзида ёш)

Бечора!  
(қиличини олади)

Уйқуда ётибди шўрлик.

*(Пастга тушади, қилични акасига беради.)*

### БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Қирол болохонада: Сальтабадиль ва Магелона ичкарида: Бланш ташқарида.  
Тинимсиз момақалдироқ.

Б л а н ш  
О, нақадар даҳшат! Бир фалокатни  
Сезаётир кўнглим. У шу кулбада  
Ёлғиз қолди. Нечун? Кечиринг, ота,  
Сўзингиздан чиқдим бугун илк марта.  
Мен бу ерга келдим. О, қандай даҳшат.

*(ойнага яқин келади)*

Нималар бўлмоқда, ақлимга сизмас,  
Севги мени тамом қилмиш девона.  
Рост экан, рост экан, севги оташи  
Дилни ёндираркан то кул қилгунча.  
Мана шу кул қилди кўнглимни, эй, воҳ!

*(аччиқ-аччиқ йиғлайди)*

Осмон ҳам дардимга эш бўлиб йиғлар.  
О фалак, не учун яратдинг ишқни!

*(Бош кўтариб деразага қарайди ва чироқни кўради)*

Нималар бўлмоқда?

*(яқинроқ келади ва яна чекинади)*

Нега турибман?  
Балки уни ҳозир ўлдирмоқчилар?!  
Магелона ва Сальтабадиль суҳбатни давом эттирадилар.

М а г е л о н а  
Ҳавони қара-я!

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳа, осмонда ҳам  
Ҳозир биров йиглаб, биров кулмоқда.

Б л а н ш

Отам кўриб қолса нима бўлади!

М а г е л о н а

Ака!

Б л а н ш

(сесканиб)

Одам товуши!

Тешикка яқин келиб ичкарига қарайди.

М а г е л о н а

Ака, менга қара!

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳа, нима дейсан?

М а г е л о н а

Менда бир фикр бор.

С а л ь т а б а д и л ь

Қанақа фикр?

М а г е л о н а

Топ.

С а л ь т а б а д и л ь

Қаёқдан билай.

М а г е л о н а

Анави йигит  
Жаннат гилмонидай чиройли экан.  
Мени севиб қолди. Ўлдирма уни,  
Исо пайғамбардай ухлаб ётибди.

Б л а н ш

(эшитиб, даҳшатга тушади)

О, танграм!

С а л ь т а б а д и л ь

Бекорчи гапни кўйгин-да,  
Яхшилаб қоп яса манави бўздан.

(сандиқдан бўз ва тош олади. Бўзни Магелонага узатади)

М а г е л о н а

Булар нега керак?

С а л ь т а б а д и л ь

Ўша барнони  
Тинчитганимдан сўнг шу қопга солиб  
Мана бу тош билан секин дарёга  
Шўнгитамиз. Тамом, вассалом.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

86

Магелона

Аммо...

Сальтабадиль

Сен ўз ишингни қил, менинг ишимга  
Аралашма!

Магелона

Нега?

Сальтабадиль

Одам ўлдирган  
Хаммага маслаҳат солавермайди.  
Мановини тик.

Магелона

Гап бор.

Сальтабадиль

Хўш?

Магелона

Айт, у сенга ёмонлик қилдими?

Сальтабадиль

Йуқ! Нима эди?

Магелона

Бу йигитни кўру букурингни кўр,  
Бу фаришта бўлса— у— иблис.

Сальтабадиль

Аммо

Уша иблис менга пул тўлайди-да.  
Мен учун бари бир, гўзалми, букур,  
Маймоқми, ишқилиб, пул чиқса бўлди.

Магелона

Ундай бўлса ҳали букур келганда  
Ўзини саранжом қилиб қўя қол!

Бланш

Отажон!

Магелона

Бўптими?

Сальтабадиль

Эй, менга қара!  
Мен кимман? Ўғри ё йўлтўсарманми?  
Ахир инсофданми нақд пулни олиб  
Буюрган одамнинг ўзин ўлдирсам?

Магелона

(қипиқни кўрсатиб)

Бўлмаса қипиқми, гўлами солиб  
Бера қол шу қопга. Бу қоронғида  
Қаёқдан билади?

С а л ь т а б а д и л ь  
 Ақлни ишлат  
 Ёғоч қаёқда-ю, мурда қаёқда!  
 Сезмай ўлиптими?

М а г е л о н а  
 О, шафқат айла!

С а л ь т а б а д и л ь  
 Куйла яна!

М а г е л о н а  
 Қандай олижанобсан!

С а л ь т а б а д и л ь  
 Бекор айтибсан! У ўлади — тамом!

М а г е л о н а  
 (ғазаб билан)  
 Йўқ! Ҳозир уйғотиб чиқаман уни!

Б л а н ш  
 О, қандай муниса!

С а л ь т а б а д и л ь  
 Ўн сўм олтин-чи?  
 Гап тамом.

М а г е л о н а  
 Йўқ! Йўл қўймайман!

*(акасининг йўлини тўсиб зинанинг олдига туриб олади)*

Сальтабадиль синглизининг қатъияти олдида таслим бўлади ва сахна олдига келиб ўзича режа тузади.

С а л ь т а б а д и л ь  
 Соат ўн иккида чол келади... Хўш...  
 Нима қилсам экан. Бўлганча бўлди —  
 Биринчи эшикни қоққан йўловчи  
 Йигитнинг ўрнига қурбон бўлади.  
 Қим билсин, эшиқдан кириши билан  
 Ўлдириб шу қопга солиб қўяман.  
 Бошқа иложим йўқ.

М а г е л о н а  
 Майлига, аммо —  
 Шу ёмғирда қайси аҳмоқ келарди.

С а л ь т а б а д и л ь  
 Балки келиб қолар...

М а г е л о н а  
 Шундай кеча-я!

Б л а н ш  
 О тангрим! Ё сенга менинг ёш жоним  
 Керак бўлдими? Оҳ!

## Магелона

Бундай пайтда  
Бировнинг келиши мўъжиза фақат.

## Сальтабадиль

Бошқа иложим йўқ. Ҳеч ким келмаса—  
Демак у ўлади.

## Бланш

Нима қилайин  
Ёки қоровулни чақирсаммикан,  
Қоровул уйқуда, бунинг устига  
Отам қўлга тушиб қолиши мумкин.  
Ўлмоқ истамайман, йўқ! Отамни ҳам  
Шарманда қилмайман. Не қилсам экан.  
Мен ҳали ёшман-ку... Энди ўн олти...  
Наҳот совуқ ханжар кўксимга ботар...  
О

Соат уч бор занг уради.

## Сальтабадиль

Соат чоракам ўн икки бўлди.  
Ҳеч ким келмади. Бас, кутиш бефойда.

*(зинага қараб юради)*

Магелона йиғлаб унинг йўлини тўсади.

## Магелона

Жон ака, бир оз тур!

## Бланш

Сен бегона қиз  
Йиғлаяпсан. Мен-чи? Қараб турибман.  
У мени севмайди — усиз тириклик  
Менга не керак? Демакки — ўлим.  
Севгим учун ўлай.

*(яна иккиланади)*

Нақадар даҳшат!

## Сальтабадиль

*(Магелонага)*

Энди кутиш бекор. Йўлимни тўсма!

## Бланш

Қотил қаеримга пичоқ ураркин?  
Қийнаб ўлдирмаса бўлгани, фақат.  
Юзимга урса-чи? О, тангрим!

## Сальтабадиль

*(йўлини тўсиб турган Магелонани итариб)*

Тентак!

Кимни кутай шундай зимистон тунда.

Б л а н ш  
(жунжикиб)

Совуқ.  
(эшикка қараб юради.)

Кетдим.  
(тўхтади)

Шундай ёмғирда ўлсам...

(эшикни қоқади)

М а г е л о н а  
Эшик тақиллади.

С а л ь т а б а д и л ь  
Шамол. Кўйвор.

Бланш яна тақиллатади.

М а г е л о н а  
Ана!  
(чопиб келиб эшикни ойначасидан ташқарига қарайди.)

С а л ь т а б а д и л ь  
Бўлмаган гап!

М а г е л о н а  
(Бланига)

Ким у?  
(Сальтабадилга)

Бир шўрлик.

Б л а н ш  
Жой борми?

С а л ь т а б а д и л ь  
Бечора.

М а г е л о н а  
Ажал ҳайдабди.

Б л а н ш  
Очинг!

С а л ь т а б а д и л ь  
Шошма! Аввал пичоқни келтир  
Чархлаб олай.

Магелона унга пичоқ беради — Сальтабадил уни ўроқнинг дамида қайрайди.

М а г е л о н а  
Ўз оёғи билан келганини кўр.

Б л а н ш  
Музлаб боряпти бутун баданим...  
Наҳотки, ўламан?..

(тиз чўқади)

Оҳ, парвардигор!  
 Сенинг ҳузурингга кетяпман, мана.  
 Уларни кечирдим, икковини ҳам  
 Тангрим, отажоним, сиз ҳам кечиринг  
 Мени ва қиролни. Мен унинг учун  
 Жонимни беряпман. Мендан кейин ҳам  
 Уни паноҳингда асрагин, тангрим.  
 Қўп йиллар яшасин, ўйнасин, кулсин.  
 Уламан. Кечиргин қотилимни ҳам

*(ўрнидан туради.)*

Ҳа, мана у тайёр!

*(яна эшикни тақиллатади)*

М а г е л о н а

Бунча сабрсиз.

С а л ь т а б а д и л ь

*(пичоқнинг даммини столга уриб кўради)*

Тайёр. Бу ёқда тур, ҳозир очасан.

Б л а н ш

Эшитиб турибман!

Сальтабадиль эшикнинг орқасига ўтиб туради.

М а г е л о н а

*(Сальтабадильга)*

Занжирни олдим.

С а л ь т а б а д и л ь

*(эшик олдида, қўлида пичоқ)*

Оч.

М а г е л о н а

*(эшикни очади)*

Киринг.

Б л а н ш

*(ўзича)*

Фаришта тусида иблис.

*(чекинади)*

М а г е л о н а

Кирмайсизми?

Б л а н ш

*(даҳшат ичида, четга)*

Ака-сингил қотиллар!

Отажон! Алвидо! Кечиринг мени!

*(киради)*

У остонадан қадам қўйиши билан Сальтабадиль пичоқни кўтаради. Парда тушади.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Т р и б у л е

Ўша кўриниш, фақат Сальтабадиль уйининг ичи дарча билан тўсилган.  
Томошабинга кўринмайди. Чироқ йўқ. Зим-зиё.

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна ичкарисидан плашчга ўралган Т р и б у л е чиқиб келади. Жала тина бошлайди. Баъзан узоқдан момақалди роқ овози ва чақмоқ шуъласи келади.

Трибуле чуқур хаёлга чўмган. Кўзларида аччиқ қувонч.

### Т р и б у л е

Ниҳоят, вақт келди! Мана— алқасос!  
Шу онни кутардим бир ойдан буён.  
Бир ойдан бери мен бир нафас тинмай  
Ниятим яшириб юрак тубида—  
Орзу қилар эдим. Ниҳоят етдим.

*(уйнинг настак эшигига қараб)*

Мана шу эшикдан кўп ўтмай ҳали  
Олиб чиқадилар жасадни. Гарчи—  
Ҳали бир оз вақт бор— келдим эртароқ  
Шу эшикка тўйиб қарайин дедим.  
Момақалди роқ.  
Осмон ҳам кўнглимдан ханда урмоқда.  
Мен бу он нақадар улуғ одамман,  
Алам менга қудрат берди мислсиз.  
Қаранг, ҳалок қилдим қандай қиролни!  
Жаҳоний қирғину осойишталик  
Ахир эмасмиди унинг қўлида?  
У ўлди— мамлакат йўқотди тинчин,  
Мен фақат бир михни олиб қўйдиму—  
Замин мувозанат йўқотди бутун.  
Кўзғолар шаҳарлар, кўзғолар бутун—  
Европа ўзига таянч ахтариб.  
Агар парвардигор сўраса ердан:  
“Айт ким бўронларга ташламиш сени?  
Ким Буюк Папами, Дориа, ёки  
Буюк Карл? Сўйла христиану  
Мусулмон одамин кўзғотган кимдир?  
Цезарми? Султонми, ва ёки Исо!  
Ким сени муштидек силкитиб турган?”  
Ер жавоб беради шунда: “Трибуле!”  
Қувон, масҳарабоз, кўкрагингни кер!  
Сенинг қасосингдан титрамоқда ер!

Момақалди роқнинг сўнги гумбурлашлари орасида олисдаги минора соатининг ярим тун зангини ургани эшитилади.

Вақт етди!

*(тезда уйга келиб эшикни тақиллатади)*

И ч к а р и д а н о в о з  
Ким?

### Т р и б у л е

*(ҳаяжондан овози тиқилиб)*

Бу мен.

Эшикнинг тагидаги туйнук очилади.



## О в о з

Тура туринг.

С а л ь т а б а д и л ь эмакляб эшикнинг тагидан чиқади ва оғир қопга ўхшаган бир нарсани тортиб ташқарига чиқаради. Қоронғида бу нарсанинг нималигини кўриш мумкин эмас. Унинг кўлида ҳам, уйда ҳам чироқ йўқ.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Сальтабадиль

С а л ь т а б а д и л ь

Жуда оғир. Қарашинг.

Трибуле қувончидан титраб унинг кўлидаги қопни саҳна олдига олиб чиқишади.

Одамингиз қопда.

Т р и б у л е

Кўрамиз. Гугурт!

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳазиллашманг. Гугурт чақиб бўлмайди.

Т р и б у л е

Нимадан кўрқасан?

С а л ь т а б а д и л ь

Соқчилар уйғоқ!

Чироқ ёқадиган вақтми ҳозир?

Пулни чўзинг.

Трибуле унга ҳамённи беради. У пулни санаркан Трибуле қопни кўздан кечиради.

Т р и б у л е

Алам бахтга айланди.

С а л ь т а б а д и л ь

Сенага ташлашда ёрдам берайми?

Т р и б у л е

Ўзим.

С а л ь т а б а д и л ь

Бир кишига жудаям оғир.

Т р и б у л е

Душманнинг ўлиги оғир бўлмайди.

С а л ь т а б а д и л ь

Берган пулингизга рози бўлинг...

*(панжара ёнига келади)*

Ҳей,

Хўжайин, у ерга ташламанг, саёз.

Мана бу ёқ тузук.

*(панжара синган жойни кўрсатади)*

Чаққонроқ бўлинг.

Худо қувват берсин. Хайр, соғ бўлинг.

*(уйга кириб ичкаридан эшикни занжирлайди.)*

**УЧИНЧИ КЎРИНИШ***(ёлғиз, қопдан кўз узмай)*

Мана, ўлжа! Ўлган! Қараб кўрайми?

*(қопни ушлаб кўради)*Керакмас. Қопда ҳам ўхшаб турибди.  
Худди ўзи.*(қаддини кўтариб қопга оёғини қўяди.)*Қара энди, эй, замин!  
Масхарабоз билан қирол жасади!  
О, қандай қиролки! Улуғлар ичра  
Улуғи оёғим остида ҳозир.  
Уни Сена ютгай. Кафани ҳам соз!  
Ким уни шу ҳолга солган?*(қўлини кўкрагига чалиштириб)*Мен букур!  
Элу юрт эрталаб нима дер экан?  
Шундай буюк қирол. Валуа ўғли  
Қаҳрамон, кўксида ўқ ўтмас совут,  
Сонсиз қўшинларни жангга бошлаган,  
Жаҳонни титратган мардлиги билан.  
Шундай қирол бирдан йўқолиб қолса  
Йўқолиб қолгандай эси йўқ бола!  
Эртага эрталаб ҳамма кўради  
Жарчилар қопларда олтин кўтариб  
“Қирол йўқолди! Ҳой! Топиб беринглар!”  
Дея жар солади. Қандай ғаройиб!*(бир оз сукутдан сўнг)*

Мана, қасос олдим, қизим, сен учун.

*(ғазаб билан жасад устига энгашиб)*Аблаҳ! Сўзларимни эшитяпсанми?  
Барча тахтларингдан қизим азизроқ!  
У ҳеч кимга озор бермаган маъсум,  
Сен-чи ўғирладинг унинг номусин.  
Мана, қасос вақти келди-ку ахир!  
Мен ўзимни доим гўлликка солиб  
Кулиб юрар эдим сенинг олдинда.  
Сен мени таҳқирлар эдинг бетиним.  
Сен жаҳонгир эдинг— мен масхарабоз.  
Мана, айт, ким энгди?*(жасад устига яна кўпроқ энгашиб)*Сенми ёки мен?  
Ахир қулинг эдим, ит дердинг мени.*(жасадни тепади)*Кўзимиз очганда қасос истаги  
Қалбимиз уйғонар ўткир тиг бўлиб.  
Хасталар куч топар, тубанлар ривож!  
Ғазабдан кўрқма, қул, у қилар ботир,  
Мушук шер бўлади, мазоҳбоз қотил.*(қаддини кўтариб)*О, сен эшитсайдинг бу сўзларимни,  
Афсус, эшигмайсан! Бас, битди кунинг,**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Дарё қаърига бор! Балки Сен-Дени  
Аббатлигига сузиб борарсан.  
Алвидо, Франциск! Алвидо, қирол!

*(қопни бир учидан ушлаб дарё томон судрайди.)*

У панжарага яқинлашган пайтда уйнинг эшиги очилади ва Магелона чиқади. У атрофга тикилиб қарайди, қўли билан ҳеч нарса кўрмаганига ишора қилади, қайтиб уйга киради ва тезда қирол билан бирга чиқади. Қўл ҳаракати билан, атрофда ҳеч ким йўқ, кетавер, деган ишорани қилади. Магелона қайтиб киради, қирол Магелона кўрсатган томонга, саҳна ичкарасига юради. Бу пайтда Трибуле қопни Сенага ташламоқчи бўлиб турган бўлади.

Трибуле  
*(қопни ушлаб туриб)*

Суз, шоввоз!

Қирол  
*(саҳна ичкарасида хиргойи қилади)*  
Гўзаллар иши жафо,  
Уларда ҳеч йўқ вафо.

Трибуле  
Нима бу? Тушимми, ўнгми?  
Ё дарё шовқини алдади мени?

*(орқасига қарайди ва қўрқув ичида қулоқ солади.)*

Қироловози  
Гўзаллар иши жафо  
Уларда ҳеч йўқ вафо.

Трибуле  
Минг лаънат! Бу қопда у эмас— бошқа!  
У қутулиб қочган. Э, воҳ, алдандим!

*(уйга чопиб келади. Уйнинг фақат юқори дарчаси очик)*

Номард!

*(кўзи билан дарчани чамалайди. Тирмашиб чиқишни мўлжаллайди.)*

Дарча баланд!

*(Қопга қайтиб келади, даҳшат ичида)*

Ким бўлди экан  
Қиролнинг ўрнига қопга тиқилган?

*(қопни қўли билан ушлаб кўради)*

Ҳа, бунда жасад бор!

*(ханжар билан қопни ёради ва ҳаяжон ва қўрқув ичида тикилади)*

Ҳеч кўрмаяпман.  
Йилт этган учкун йўқ, ҳарёқ зимистон  
Бутун Париж гўё қора гўристон.

*(Жасад устига энгашади)*

Чақмоқ қақиб қолар.

*(бир неча дақиқа қопга тикилади. Қоп ичида Бланиш кўринади.)*

## ТҶҮРТИНЧИ КҶҮРИНИШ

Трибуле, Бланш

Бирдан чақмоқ чақади. Трибуле сакраб туриб ҳайрат ва алам тўла нидо билан чекилади.

Т р и б у л е

Болам-ку! Болам!

О, фалак!

*(қўлларига қараб)*

Қўлларим қоп-қора қон! О!

Йўқ-йўқ ишонмайман! Бу алдоқ шарпа,

Йўқ, бу мумкин эмас! Қизгинам йўлда,

Эврега кетмоқда! Бу қизим эмас!

*(жасад олдида тиз чўкиб қарайди.)*

О, танграм! Ростданми?! Йўқ, йўқ, бу тушим!

*(чақмоқ чақади. Бланшининг қонсиз ва юмуқ кўзлари кўринади.)*

У! Болам! Ёлғизим! Кир қоп ичида!

*(ҳўнграб ўзини жасад устига ташлайди.)*

Кўзингни оч, қизим! Гапир, жонгинам!

Ким сенга қасд қилди? Сўзла отангга!

Сен ахир тириксан. Кўзимнинг нури!

Б л а н ш

*(отасининг овозидан қайта тирилгандай аста кўзларини очади ва сўниқ овоз билан)*

Ким мени чақирди?

Т р и б у л е

Тирик! У— тирик!

У яшайди! Ана кўзини очди.

Б л а н ш

*(бош кўтаради, унинг кўйлаги қон, доғи қоп ичида)*

Қардаман?

Т р и б у л е

Болам! Мунисам, жоним!

Менман! Овозимни эшитяпсанми?

Б л а н ш

Отажон! Ҳолим йўқ!

Т р и б у л е

Нақадар зулмат! ..

Ҳеч нарса кўринмас! Ярадормисан?

Айт! Бошингни кўтар!

Б л а н ш

*(бўлиб-бўлиб)*

Қотил пичоғи...

Юрагимга тегди...

Т р и б у л е

Ким ўша қотил?

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Б л а н ш

Ўламан... мен ўзим... ўзим айбдор...  
Сизга айтмагандим... севар эканман...  
Уни ҳаддан ошиқ... мана... ўляпман...

Т р и б у л е

Ўзим қазган чоҳга ўзим тушибман!  
Қизгинам! Айт, сени қайдан топишди?

Б л а н ш

(сўник овоз билан)

Мени гапиртирманг!

Т р и б у л е

(бетиним ўтиб)

Кечир, қизгинам!  
Жонинг оғрияпти...

Б л а н ш

(бурилиб қарашга ҳаракат қилади)

Ичим ёняпти.

Т р и б у л е

(озроқ кўтариб, алам билан)

Бланш! Кўзингни оч! Ўлма, ёлғизим!  
Мени ташлаб кетма!

(азоб билан орқасига қайрилиб)

Ҳой, ким бор! Ёрдам?  
Бирор тирик жон йўқ! Дарвоқе, ана,  
Кўнғироқ ёнбошда!

(Бланига)

Бориб келайми?  
Одам чақираман, сув келтираман.

Бланш кўл ҳаракати билан бу иш фойдасизлигини кўрсатади.  
Яхши бўлар эди! Нега кўнмайсан?...

(унинг ёнидан кетмай ёрдамга чақиради.)

Ҳей, ким бор?!

Жимжитлик. Уй қоронғиликка чўккан.

Ҳеч зот йўқ! Бу уй гўристон!

Бланш жон бермоқда.

Шошма, жоним, ўлма! Мен учун, ўлма,  
Сенсиз менга дунё қоронғи зиндон.

Б л а н ш

О!

Т р и б у л е

Кўлим ботдими?

(кўлининг ҳолатини ўзгартириб)

Энди тузукми?

Сабр қил, оғригинг ҳозир қолади!

Ҳозир келишади, сув беришади!

Э, воҳ ҳеч кимса йўқ! Ҳар ён зимистон!

Б л а н ш

(зўр-базўр, сўник овоз билан)

Отажон... Алвидо... уни кечиринг!  
Жони узилади.

## Т р и б у л е

Нафас йўқ.

*(қўнғироқ ёнига бориб уни жон-жаҳди билан чалади)*Дод, ким бор! Халойиқ, ёрдам!  
Одам ўлдиришди!*(Бланшининг олдига қайтиб келади)*Овоз бер қизим,  
Нега индамайсан?*(кўтаришга ҳаракат қилади)*Наҳотки, йўқ, йўқ...  
Ун олти ёшда-я. Йўқ, мумкин эмас,  
Қизим отасини ташлаб кетмайди.*(Одамлар машъал кўтариб ҳар томондан югуриб келадилар)*Менга раҳминг келсин, кўзёшларимни  
Кўряпсанми, болам? О, парвардигор,  
Бундоқ жафоларинг бор экан, нега  
Дунёга келтирдинг мени, не учун  
Жонимни олмадинг эртароқ...

## БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳалигилар, халқ— эркаклар, аёллар.

Б и р а ё л

Қаранг,  
Сўзлари одамни эзиб юборди.

Т р и б у л е

*(қайрилиб қараб)*Ҳа, келдиларингми? Жуда вақтида  
Уйғонибсан ҳамманг!*(қўлида қамчи ушлаб турган аравакашининг ёқасидан тутади)*Араванг борми?  
Ғилдирак борми?

А р а в а к а ш

Бор. Ёпишма менга.

Т р и б у л е

Бўлса, бошимни эз, босиб мажақла!

*(яна Бланшининг жасадига ташланади)*

Болажоним!

Б и р о д а м

Анов шўрлик отани  
Олиб кетиш керак. Ҳолини кўринг.

Трибулени олиб кетишмоқчи бўлишади. У қаршилиқ кўрсатади.

Менга тегманг. Нима қилдим сизларга?  
Сизни танимайман. Қўйворинг мени!*(аёллардан бирига қараб)*Сен йиғляяпсан-ку, демак қалбинг бор!  
Айт буларга, бизни холи қўйишсин.

Аёл Трибуленинг тарафини олади. Уни қўйиб юборадилар. У яна Бланш жсади олдига келиб тиз чўқади.

## Т р и б у л е

Йиғла, кўксингни ёр, эй масхарабоз,  
Бугун елғизингдан айрилиб қолдинг.

## А ё л

Томоша кўрсатманг бу ерда, йўқса  
Олиб кетишади сизни!

## Т р и б у л е

(ўзини йўқотиб)

Йўқ! Қаранг!  
У ҳали тирик-ку!

(қизининг жасадини кучоқлаб кўтаради)

Мана елкамга  
Бошини қўйяпти. Доктор чақиринг!  
Йўқ, у ўлгани йўқ. Чарчаган холос.  
Жим бўлинг, бир нафас дамани олсин.

(худди она ухлаётган боласини кўтаргандай, уни қўлига олади.)

Худойим билади, менинг кимим бор —  
Шу қизимдан бўлак? Уни олмайди.  
У тирик, у фақат ухляпти! Жим!  
Болалигида ҳам камқувват эди,  
Тез чарчаб қоларди. Қўлимда доим  
Кўтариб юрардим. Мана шундай, ҳа!  
Ухляпти. Ширин тушлар кўряпти,  
Ҳали-замон кўзин очади болам.  
Азоб-уқубатдан қолмайди нишон?!  
Мана, қўлларини иситдим, кўринг!

## А ё л

Доктор келди, тақсир!

## Т р и б у л е

Қўринг, доктор, у—  
Узидан кетганми?

## Д о к т о р

(Бланшини кўриб)

Йўқ, ўлган. Мана—  
Бикинида чуқур жароҳат бор. Қон—  
Ичга уриб кетган.

## Т р и б у л е

Э, воҳ, қизгинам!  
Мен сени ўлдирдим ўз қўлим билан!

Тамом.

Эркин ВОҲИДОВ таржимаси



Карлос ФУЭНТЕС

# Артемио Круснинг ўлими

Роман

(1939 йил 3 феврал)

**У** кўлида милтиқ ушлаганча теп-текис том устида тураркан, отаси билан бирга кўрфазга овга борганини хаёл қиларди. Бу занглаган милтиқ овга яроқсиз. Том устидан епископ саройининг олд томони яққол кўриниб турарди. Бўм-бўш, пўчоқ мисоли фақат деворлари сақланиб қолган: на поли, на шифти бор. Ичини бомбалар остин-устин қилиб ташлаган. Харобалар орасидан яккам-дуккам эски мебель парчалари кўриниб турарди.

Кўчада қора кийиниб, тугун кўтарган икки нафар аёл ва ёқасига оқ тикилган эркак изма-из кетишарди. Улар деворга ёпишгудек бўлиб, атрофга олазарак боқиб, писиниб борарди. Аёнки, улар бизникилардан эмас.

- Эй, одамлар! Нариги йўлақдан юринглар!

У томдан туриб бақирган эди. Эркак бошини кўтарганда кўзойнагига тушган куёш нурларидан кўзлари қамашиб кетди. У йўловчиларга қўлини силтаб, олд девор устларингга қулаб тушади, деб кўчанинг нарёғига ўтишини буюрди. Улар айтилган ёққа ўтишди. Олис-олисларда фашистлар артиллериясининг гумбурлатиб ўқ узиши - тоғ дараларидаги портлашлар ҳавони тилганча визиллаб учаётган снарядлар овози билан навбат алмашинарди. У қумга тўлатилган қоп устига чўк тушди. Ёнида Мигель пулемётдан бир қадам нари жилмай ўтирарди. Томдан шаҳарнинг хувиллаб ётган кўчалари, портлаш самараси бўлган чуқурчалар, узилган симлар, қалашиб ётган симёғочлар кўринарди: тўплардан тўхтовсиз узилаётган отишмалар ва аҳён-аҳён отилаётган милтиқ ўқлари садоси эшитилиб турарди. Кўприкнинг қуруқ совуқ тоштўшамлари ялт-юлт этмоқда. Айни кўчада фақат эски епископ саройининг пештоқи бус-бутун қолган эди.

- Бор-йўғи битта пулемёт лентамиз қолди,- деди у Мигелга. Мигель унга қарата деди: - Шомгача кугайлик. Кейин...

Улар деворга суянишиб, чекишди. Мигель бўйинбоғини малла соқоллари устидан ўтказиб ўради. Қорли тоғлар бу ердан олис эди. Куёш чарақлаб тургани билан қор кўп тушган эди. Тонг чоғи чўққилар тиниқ ва қўл узатса етгудай яқин кўринади. Кечга томон яна йироқлашиб, ёнбағирдаги сўқмоқ ва қорақарағайлар кўринмай қолади. Тоғлар кечаси бинафша тусли улкан қўланкага айланади.

Қоқ туш эди; Мигель куёшга қараб, кўзи қамашди ва деди: - Замбарагу қуроллар қалдироғини айтмаганда, ҳозир тинч давр, деб ўйлаш мумкин. Қиш кунларининг шукуҳи бўлакча бўлади. Қорнинг кўплигига қара.

У ўсиқ соқолли Мигелнинг қовоғида пайдо бўлган оппоқ чуқур ажинларга назар солди. Бу ажинлар дўстининг қорайган юзидаги қорли сўқмоқларга

Давоми. Боши ўтган сонларда.



ўхшарди. У бу ажинларни ҳеч қачон унутмайди, чунки улардан қувонч, жасорат, шиддат, осойишталик уққан эди. Гарчи душман бостириб келгани билан гоҳо галабаларга ҳам эришган. Гоҳо кетма-кет мағлубиятларга учради. Галабага яқин ёки мағлубиятига қадар Мигелнинг юзига қараб, ўзини қандай тутиш лозимлигини уқиш мумкин эди. У Мигелнинг қиёфасидан кўп нарсаларни уқди. Аммо унинг бирор марта кўзёши тўкканини кўрмади.

У пошнаси билан чекиб ташланган сигаретни эзғилади - полга тушган учқунлар елдай учиб кетди - у Мигелдан уларнинг мағлубиятга учраши сабабини сўради, Мигель эса чегарадаги тоғларни кўрсатиб:

- Сабаби бизнинг пулемётларимиз у ерда ўтмади, - деди  
Мигель ҳам сигаретини ўчириб, секингина хиргойи қилди:

Тўрт генерал, тўрт генерал,  
Эҳ, онажон, онажон,  
Олатасирни бошлади...

У эса кум тўлғазилган қопга суяниб, қўшиқни илиб кетди:

Хаммасини дарахтда,  
Ҳа, онажон, онажон,  
Арафада осишар, арафада осишар...

Улар вақтни ўлдириш учун бир фурсат хиргойи қилишди. Бундай дамлар уларнинг ҳаётида кўп бор такрорланган, - улар соқчиликда турганларида ҳеч нарса юз бермас ва шунда улар қўшиқ бошлаб юборишарди. Улар қўшиқ айтишни олдиндан келишиб олмас эди. Варанглатиб куйлашдан тортиниб ҳам ўтиришмасди. Улар Кокуйо атрофидаги денгиз қирғоғида ўзларича қулишар, ҳазиллашар, олишар ва балиқчиларга қўшилиб куйлашарди. Гарчи қўшиқ матни истеҳзоли янграса-да, улар ҳозир ўзларини тетиклангириш ниятида куйлашарди, чунки тўрт генерал осиб ўлдирилмаган, уларнинг ўзи республикачиларни сьерраларга ёндош мана шу шаҳарчада қуршовга олишган эди. Ҳеч қаёққа қочиб қутулолмасди.

Куёш эрта, соат тўртда ботарди. У ўзининг сариқ қўндоқли катта эски милтигини оҳиста силаб, телпагини кийди. Шарфини Мигелга ўхшатиб ўради. Мана бир неча кундики, дўстига тўзиган, аммо ҳали чидаса бўладиган этигини бермоқни кўнглига тугиб юрибди. Мигель эса бутунлай йиртилган, латгалар билан ўралган ва иплар билан боғланган альпаргатида юарди. У этикни навбатма-навбат: "Бир кун сен, бир кун мен кияман", деб айтмоқчи бўларди. Аммо айтишга ботинолмасди. У Мигелнинг юзидаги ажинларга қараб, бундай демаслик керак, деб ўйларди. Улар қўлларини куҳ-куҳлашди, чунки қиш тунини том устида ўтказиш азоблигини тушуниб туришарди. Алҳол кўчанинг нариги учида, чуқурчаларнинг биридан бизникилардан, республикачилардан бўлган бир аскар сакраб чиқиб, чопиб келаётганини кўриб қолишди. У қўлларини тўхтовсиз силтарди, сўнг ерга юзтубан йиқилди. Унинг ортидан уйдим-чўнқир йўлак бўйлаб бир неча нафар аскар-республикачилар этикларини гурсиллатиб чопиб келишарди. Олисдан янграётган тўплар шовқини баногоҳ ёнгинасига келиб қолгандай эди. Аскарлардан бири уларга қарата қичқирди:

- Курол! Курол беринлар!  
- Қолиб кетма!- деб бақирди аскарларимиздан олдинроқ югуриб келаётган одам. - Ертўлага! Ўлдиришади!

Аскарлар уларнинг ёнидан чопиб ўтиб кетишди, улар эса ўртоқлари чекинмаслиги учун пулемётларини кўчага тўғрилади.

- Нақ тумшугимиз тагида-ёв,- деди у Мигелга.  
- Нишонга ол, мексикалик, нишонга олганинг яхши,- деди Мигель ва қафтлари орасига сўнгги пулемёт лентасини сиқди.

Аммо уларникидан олдинроқ бошқа пулемёт тариллаб қолди. Улардан икки ёки уч квартал нарида яна бир пулемёт ўчоғи жойлашган, - фашистники - чекинишмизни кутиб ўтирган экан, ана энди кўчани ўққа тутиб, аскарларимизни ер тишлатмоқда. Қўмондон ерга узала тушиб, бақирди:

- Қоринга ол! Ҳеч калланг ишламайди-я!

У пулемётни ўнглаб олиб, душман ўчоғига олов ёғдирди, бу пайтда қуёш тоғлар ортига бош қўйган эди. Пулемёт қалдироғи қўлларида сезилар, танасини титратарди. Мигель тўнғиллади:

- Битта ботирлик билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Бу сариқ қонхўрлар биздан кўра яхши қуролланган.

У тепага қаради: тепада моторлар гувилларди.

- Яна “капрони”лар учиб келди.

Улар қоронғиликда бир-бирларини кўрмай, ёнма-ён турганча отишарди. Мигель қўлини узатиб, унинг елкасидан тутди. Италия самолётлари бугуннинг ўзида шаҳарчага иккинчи бор бомба ёғдирарди.

- Лоренсо, кетдик. “Капрони” яна пайдо бўлди.

- Қаёққа борамиз? Пулемётни нима қиламиз?

- Жин урсин уни. Патронлар қолмаган бўлса.

Душман пулемёти уни ўчган эди. Пастда, бир неча нафар аёл кўчадан кетишарди. Ҳеч нарсага эътибор қилмай овозларини баралла қўйиб, қўшиқ айтишарди:

Гар ёнингда Листеру Кампесино,

Гар ёнингда Галану Модесто -

Ва кўмондон Карлос билан

Аскар бўлсанг унут кўрқинчини...

Гумбур-гумбур портлашлар орасида бу овозлар ғалати эшитиларди, чунки бомбалар дамба-дам портлаганда, қўшиқ узилмасди. “Биласанми, ота, бу овозлар ғазабдан холи, тўғрироғи, ошиқ бўлган қизларнинг овози эди. Улар республикачи аскарларни ўзлариники билиб айтишарди. Биз Мигель билан тепада, пулемёт ёнида турганимизда қўлларимиз бир-бирига бехос тегиб кетди ва икковимиз ҳам бир хил - қизлар биз Мигель ва Лоренсога олқишлайётгани, улар бизни севиши ҳақида хаёл сурардик...”

Сўнг епископ саройининг пештоқи ағнаб тушди, улар чанг кўтарилган томга ёпишиб олди, унинг хаёлига илк бор Мадрид, одамлар соат икки-учгача нукул уруш ҳақида қувониб, ғалабага ишончи баланд бўлиб гаплашадиган кафе урилди. У Мадриднинг қўлдан кетмагани, аёлларнинг гильзалардан ўзларига бигуди ясаб олишаётганини эсга туширди... Улар зина ёнига эмаклар келишди. Мигель зўрга ҳаракат қиларди. У эса ўзининг баҳайбат қуролини ташламасликка аҳд этиб, қийналиб судраб келди, - чунки ҳар беш жангчига битта милтиқ тўғри келарди.

Улар бурама зинадан пастга тушиб келишди.

“Менга уйда бола йиғлаётгандек туюлди. Балки бу йиғи эмас, сирена увиллашидир, аниқ айтолмайман”.

Аммо унинг кўз олдида ёлғиз ташлаб кетилган бола жонланди. Улар зимистон қоронғиликда пайпаслаб тушишди. Кўчага чиққанларида ёруғ кун ғаройиб кўринди. Мигель: “No pasaran”, деди. Аёллар ҳам унга: “No pasaran”, деб жавоб берди. Қоронғиликда, болалар йўлдан адашган эди чамаси, чунки аёлларнинг бири уларни қувиб етиб: “У ёққа юрманглар, бизнинг ортимиздан юринглар”, деди.

Кўзлари тун зулматига кўниккан пайти улар йўлакда юзтубан ётардилар. Портлаш уларни душман пулемётларидан пана этиб турарди. Кўчаларнинг ўйилмаган жойи қолмаган эди. Оғзига чанг кириб, димоғига ёнида ётган аёлдан чиқаётган тер ҳиди урилди. Бошини буриб, уларнинг юзига қарамоқчи бўлганида фақат берет ва тўқима шапкачани кўрди. Хайрият, аёлларнинг бири юзини кўтарди, қўнғир сочларига ўтирган оҳакни қоқиб, деди:

- Мен Долоресман.

- Мен Лоренсоман, бу эса Мигель.

- Мен Мигелман.

- Биз қисмдан ажралиб қолдик.

- Биз тўртинчи корпусдан эдик.

- Бу ердан қандай чиқсак бўлади?

- Айланма йўлдан бориб, кўприкдан ўтиш керак.
- Сиз бу ерларни биласизми?
- Мигель билади.
- Ҳа, мен биламан.
- Сен қаерликсан?
- Мен мексикаликман.
- Ундай бўлса, бир-биримиз билан дарров тил топишиб оламиз.

Самолётлар учиб ўтди, ҳамма ўрнидан турди. Берет ва тўқима шапкача кийган қизлар ўз исмларини айтишди: Нури ва Мария, улар эса ўзларини танитди. Долорес шим ва курткада, унинг икки дугонаси эса плашч кийиб, қоп ортмоқлаган эди. Улар хувиллаган кўча бўйлаб, баланд уйлар деворларини паналаб, балконлар, ёздагидек ланг очиқ деразалар тагидан олдинма-кетин бўлиб юришди. Улар қаерда отилаётганини билмаса ҳам, ўқларнинг узлуксиз овозини эшитиб турарди. Баъзан оёқлар тагида ойна синиқлари гижирлаб қоларди, олдинда бораётган Мигель уларни симларга ўраллашиб қолманглар, деб огоҳлантириб қўярди. Чорраҳага яқинлашганларида ит вовуллади, Мигель унга тош отди. Балконларнинг бирида бир чол тебранада курсида ўтирар, сариқ рангли шарфга ўраган бошини уларга ҳатто ўгирмади ҳам, улар чолнинг нима қилаётгани: бирор кишини кутаётганини ҳам, қуёш чиқишини қаршилаётганини ҳам тушунмади. Чол уларга қарамаган эди.

У чуқур тин олди. Шаҳарча ортда қолган эди; улар шип-шийдам тераклар билан ўралган майдонга чиқишди. Бу кузда ҳеч ким оёқлар тагида шитирлаётган, чириган, тўкилган хазонларни супуриб-сидирмасди. У ҳўл латталарга ўралган Мигелнинг оёқларига қаради, яна унга ўз этигини ечиб бермоқчи бўлди. Аммо ўртоғи, адил, кучли оёқларини гоят дадил ерга босардики, у кераксиз матоҳни таклиф этишнинг ҳожати эмас, деб билди. Олисда тоғ қоялари қорайиб кўринарди. Балки ўша ерда Мигелнинг кунига яраб қолар. Ҳозир эса зарурат сезмаяпти. Улар кўприкка етиб келишди, чуқур дарё суви жўшиб оқар, ҳаммалари унга маҳлиё бўлиб қолишган эди.

- Мен музлаб қолганми, деб ўйлабман. - У ўкинч билан қўлини силтади.
- Испания дарёлари ҳеч қачон музламайди, - деди секингина Мигель, - улар доимо жўшиб оқади.
- Шунга-чи? - деб сўради Долорес Лоренсодан.
- Аксинча, кўприкдан ўтиб ўтирмасдик.
- Нега? - деб сўради Мария ва учови ҳам ҳар нарсага қизиқувчан қизлар мисоли кўзларини катта-катта очишди.

- Нега десанг, кўпинча кўприклар миналанган бўлади, - деди Мигель.

Улар қимирламай туришди. Уларни қуйида шиддат-ла шовуллаб оқаётган, оппоқ дарё ўз жодусига олган эди. Бир пайт Мигель бошини даст кўтариб, тоғларга боқаркан:

- Биз кўприкдан ўтиб олсак, унда бемалол тоғларга, тоғлардан эса чегарага етиб оламиз, - деди.

- Демак?.. - деди Мария томоғига тикилиб келган йиғисини базўр босиб. Эркаклар илк бор унинг шишадай қотиб қолган, ҳорғин кўзларини кўришган эди.

- Демак, биз ютқизганмиз! - деб ҳайқирди Мигель гўё милтигини қорайган барглар бетида излаётгандай муштларини тугиб ва ерга эгилиб. - Демак, чекинишга ўрин йўқ! Демак, шимилдириғимиз ҳам қолмаган, на авиация, на артиллериямиз бор!

У қимир этмай турарди. Ҳаммалари Долореснинг қўлтиғида иссиққина турган қўллари, беш панжаси ўсмирнинг беш панжасига тегмагунга қадар Мигелга қараб туришди ва у тушунди. Қиз унинг кўзларига тикилди, у ҳам илк бор унинг кўзларига тикилди. Қиз мовий, соҳилларимизга ўхшаш мовий қорачиқларни кўриб, кўзларини қисди. Йигитча эса тўзғиган сочларни, совуқдан алвон тус олган бўйинни ва қуруқшаган дўрдоқ лабларни кўрди. Қолган учови эса бир-бирларига қарашмасди. Улар - йигитча ва қиз - қўл ушлашиб, кўприк томон юришди. У алҳол каловланиб қолди, қиз эса ҳеч нарса сезмади. Уларни бир-бирига чирмашган ўн бармоқ илтиб турарди, у бундай ҳароратни ўтган ойлар ичида илк бор туйиши эди.

“...Мен илк ҳароратни ўтган ойлари ичида Каталониядан Пиренияга аста-секин чекинаётганимизда сезган эдим...”

Улар пастда дарё шовуллаши ва оёқлари тагида ғижирлаётган тахталар товушидан ўзга ҳеч нарсани эшитмасди. Мигель ва қизлар қирғоқдан туриб, нимадир деб қичқиришарди, лекин улар эшитмасди. Кўприк дарё устидан эмас, гўё уммон устидан ўтгандай чўзилиб борарди.

“Юрагим дир-дир титрарди. Бу титроқ кўлимга ҳам таъсир ўтказган эди, чунки Лола уни кўлига олиб кўкрагига босди, мен ҳам унинг юрак уришини сезиб турардим...”

Шунда улар кўрқинч сезмай ёнма-ён боришди, кўприк ҳам дарров қисқара қолди.

Нариги соҳилда улар тушларига ҳам кирмаган манзарага дуч келди. Оппоқ ва жуда чиройли, улкан шип-шийдам қайрағоч кўринди. Уни қор эмас, тунда олмос янглиғ ярқирайдиган ялтироқ қиров қоплаган эди. У елкасидаги қурол оғирлигини, оёқларида кўприкка михлаб ташланган, кўрғошиндай оғирликни ҳис этди. Уларни қаршилаётган қайрағоч унга бениҳоя ҳарир, ялтироқ ва оппоқ бўлиб туюлди. У Долореснинг бармоқларини сиқди. Муздай шамол уларнинг кўз очишига йўл қўймасди. У кўзларини юмди.

“Ота, мен кўзимни юмдим, аммо дарахтни йўқотиб қўяман, деб дарҳол очдим...”

Улар оёқларини заминга қўйишди. Икковлари ҳам бир лаҳза тўхтаб, атрофга кўз ташламай, Мигель ва қизларнинг қичқиришларини эшитмай, кўприкдан чопиб ўтишаётганини кўрмай, биргаликда қайрағоч томон ошиқишди. Улар оппоқ, қиров қоплаган куп-куруқ танани кучоқлаб олишди. Улар дарахтни силкитишди, муздай марваридлар уларнинг бошига кўнди. Уларнинг дарахтларни кучган қўллари бирлашди, улар бир-бирларини бағриларига босиш учун танадан нари жилдилар. У Долореснинг пешонасини, Долорес эса унинг елкасини назокат билан силади. Долорес ўзининг намланган кўзлари ва сал очик оғзини, бошини ортага тисарди; юзини йигитчанинг кўкрагига босди, ўртоқлари келиб, дарахт танасини кучмай уларни ўраб олгунча яна нигоҳини кўтариб, у томон лабларини чўзди...

“...бунчалар ҳароратлисан, Лола, бунчалар ҳароратлисан, сени бениҳоя севиб қолдим”.

Улар дам олгани тоғ ёнбағрида, қор тушган жойда тўхташди. Йигитлар ўтин териб келиб, гулхан ёқиб юборишди. У Лоланинг ёнига келиб ўтирди ва қўлидан ушлади. Мария йўлхалтадан пачақ товоқ чиқарди, уни қорга тўлдириб, олов устига қўйди, сўнг эчки пишлоғидан бир тишлам олди. Нури кулганча қўйнидан “Липтон” чойининг эзилган қутичаларини чиқариб қўйди, ёрликдан боқиб турган инглиз капитанининг афт-ангори ҳаммаларининг кулгисини қистатди.

Нури Барселона ерпарчин бўлишидан олдин америкаликлар у ерга тамаки, чой ва қуюлтирилган сут юборишганини айтди.

Нури хўппа семиз, қувноқ, урушга қадар тўқимачилик фабрикасида ишлаган. Мария эса Мадридда ўқиган ва талабалар ётоқхонасида яшаган дамларини эсларди; Примо де Риверага қарши уюштирилган намойишларда қатнашгани, Гарсиа Лорка пьесаларини кўриб, йиғлаганларини гапириб берди.

“Қоғозни тиззамга қўйиб, сенга мактуб ёзмоқдаман, уларнинг гурунгига кулоқ солиб, уларга Испанияни нақадар яхши кўришимни айтгим келяпти. Дастлаб Толедо билан танишганим эсимга тушади. Мен яшилтоб-кулранг булутлар остидаги, яшинлар орасидаги, кенг Тахо қирғоқларида ўрнашган шаҳарни Эль-Греко тасвирлагандай тасаввур этаман; аксинча ҳозир ўз ҳолича урушаётгандай туюладиган бу шаҳарни, қуёшга тўйинган шаҳарни, қуёш ва сукунат шаҳрини, бомбалардан яксон бўлган шаҳарни кўрдим. Ахир Греконинг картинаси - мен уларга ўз фикримни тушунтиришга ҳаракат қиламан - бу бутун Испаниядир. Агар Толедодаги Тахо бу қадар кенг бўлмаса, унда Испания танасидаги яра денгиздан денгизга қадар етади. Мен уни ўз кўзим билан кўрдим. Ота, мен буни уларга айтиб бермоқчиман...”

У ўртоқларига бу ҳақда сўзлаб берди, сўнг Мигель ўзининг полковник Асенсио бригадасига қандай кўшиб олингани ва уруш ҳадисини олиш унга

жуда қийин кечганини ҳикоя қилди. Ҳаммалари республикачилар армиясидан - жасур, аммо жасурлик билан ғалабага эришиб бўлмайди. Уруш олиб боришни ҳам билиш керак. Ғўр аскарлар курашни давом эттириш учун ўз-ўзини муҳофаза қилиш ва жонни сақлай билиш қоиласи ҳам мавжудлигини дарров англаб етишмади. Ҳимояланишни уйдалаганларида эса ҳужум қилишни билмасди. Ҳар икковини ҳам ўзлаштирганларида эса энг мушкул вазифа - қирғинбарот жангда ўз-ўзи билан, ўз одатлари ва қулайликлари билан қандай кураш олиб боришни ҳал этишолмаган эди. Мигель анархистларни ёмон кўрарди, улар унинг фикрича, ниҳоятда талончидир, айнаи чоғда Республикага қурол ваъда қилган, уни генерал Франкога сотиб юборган тужжорларни ҳам кўшиб сўкарди. Мигель ўзига энг кўп азоб бераётган нарса, ўлимига қадар азоб берадиган нарса, сира тушунолмаётган нарса - бутун дунё меҳнатқашларининг қўлларига қурол тутиб, бизни Испанияда қўллаб-қувватлагани, Испаниянинг мағлубияти - бутун дунё меҳнатқашларининг мағлубияти эканини айтди. Испаниялик бу гапни айта туриб, сигаретини иккига бўлиб, ярмини мексикаликка берди, иккови ҳам сигарет тутатишди. У Долореснинг ёнида ўтирганча тутунни ичига тортиб, унинг ҳам чекиши учун сигаретни узатди.

Олисдан бомбаларнинг кескин портлашлари эшитиларди. Қоп-қора осмон кўйнида чақмоқлар ялт-юлт этар, сап-сарик чанг осмонга ўрларди.

- Бу Фигерас, - деди Мигель. - Фигерас бомба ташламоқда.

Улар Фигерас томон қарашди. Лола унинг ёнида эди. У шериклари чангга, олисда портлаган бомбаларга қараб турганда бошқалар эшитмайдиган, фақат йигитча эшитадиган даражада шивирлаб гапирарди. Лола йигирма иккига кирганини айтди (ундан уч ёш катта эди), у эса ёшига беш ёш кўшиб, йигирма тўртга тўлдим, деди. У Альбастеда яшагани, урушга эрининг ортидан бораётганини кўшиб кўйди. Улар бирга, кимё факультетида таҳсил олишган, у эрининг ортидан урушга борган, аммо эрини Овьедода марокашликлар отиб ўлдирганини дарак этди. Йигитча унга Мексикадан келгани, у ерда денгизга яқин, жуда иссиқ ва мева-чевага сероб жойда яшаганини айтиб берди. Қиз тропик мевалар номини айтиб беришни сўради ва уларнинг илгари сира эшитмаган ғалати номларидан кулди. Қизнинг фикрича, “мамей” сўзи заҳарга, “гуанабани” эса қушларга мос келаркан. У отларни яхши кўришини, шу боис отлич аскарлар сафига киргани, ҳозир отлар, умуман ҳеч нарса йўқлигини айтди. Қиз ҳеч қачон от минмаганини айтганида, у намчил ҳаводан йод ҳиди келиб турадиган ва лабларга туз ўтириб қоладиган, шимол шамоли тинган, аммо яланғоч кўкрагини қамчилаётган ёмғир томчилари туёқлар тагидан кўпириб тошаётган терларга аралашиб кетадиган субҳидам чоғи денгиз соҳиллари бўйлаб отда елдек учиш нақадар мароқли эканини тушунтиришга ҳаракат қилди. Бу унинг ҳавасини орттирди. Шунда у балки лабларингдан туз эриб кетмагандир, деб уни ўпиб кўйди. Қолганлар гулхан атрофида мизғишаётган эди. Гулхан ўчиб қолган эди. У лабларида Лоланинг ширин ўпичи таъминини туйиб, оловни гуриллатиб ёққани ўрнидан турди. Учовлари ҳам бир-бирларига суянганларича ухлаётганини кўриб, исиниш учун Лоланинг олдига қайтиб келди. Қиз кўй жунидан тикилган куртқасининг тугмаларини ечди, йигитча қўлларини қизнинг ортидан, дағал пахта блузқаси устидан ўради, қиз эса унинг елкасидан чирмаб олди. Қулоғига мабодо бир-биримизни йўқотиб кўйсак, учрашув жойини белгилаб олишимиз керак, деди. У “Мадридни озод қилганимиздан кейин” Сибелес ёнидаги кафедра учрашимиз мумкин, деди. Қизнинг Мексикада учрашсак яхши бўларди, деган фикрига йигитча рози бўлди: Веракрус бандаргоҳи майдонида, “Ла Паррокия” кафеси равоқлари тагида. Улар қаҳва ичишади ва краб тановул қилишади.

Қиз жилмайди, йигитча унинг жингалак сочларини тўзитмоқчи ва ўпмоқчи бўлаётганини айтганида, қиз унинг фуражқасини олиб, сочларини ҳурпайтирди. У қўлини пахта блузқаси тагидан ўтказиб, қизнинг орқасини силади, сийнасини эркалаётганда, ҳамма нарсани унутиб юборган эди, қиз ҳам чамаси ана шу туйғуда эди, чунки унинг пичирлаб айтаётган раҳмат, сени севаман, унутма, кел, деган сўзларидан ўзга сўзлар бир-бирига қовушмасди...

Улар бирин-кетин тоққа ўрлаб боришарди, чиқиш қийин бўлмаса ҳам, Мигель оқсай бошлади. Совуқ оёқларига ўтган эди, қаҳрагон совуқ юзни

узиб оларди. Долорес ʋз маъшуқасининг қўлтиғидан ушлаган эди. У қизга кўз остидан қараганида қизнинг маъюслигини кўрар, бурилиб қараганида эса боёқиш кулишга уринарди. У, фақат бир нарса, умуман ҳаммалари фақат бир нарса - бўрон бошлиниб қолмаслиги ҳақида ʋйлаб боришарди. Фақат унинг милтиғи бор, милтиқда эса атиги иккита патрон бор. Мигель, ҳеч нарсадан чўчимаслик керак, деди.

“Мен кўрқмайман. У ёқда чегара - тунни бугун Францияда, каравотларда, усти берк хонада ʋтказамиз. Кечқурун мазза қилиб овқатланиб оламиз. Мен сени эздан чиқармайман ва мени деб номусга ботмаслигингни, менинг ʋрнимда бўлсанг, сен ҳам айнан шундай қилишингни ʋйлайман. Сен ҳам урушда қатнашгансан, эҳтимол, шуурингни кимдир урушни давом эттираётгани шодмон этиб турар. Билиб турибман, шодмон этмоқда. Лекин айни дамда кураш ниҳоясига етмоқда. Биз чегарани кесиб ʋтишимиз ҳамоно Байналмилал бригаданинг сўнгги жангчиси нобуд бўлади, бошқа бир ҳол юз берарди. Ота, мен бу ҳаётни сира унутмайман, чунки у менга кўп нарсаларни англади, кўп нарсага ʋргатди. Ҳаммаси оддий. Қайтиб борганимда барини бир бошдан сўзлаб бераман. Ҳозир таърифлашга сўз топиш мушкул.”

У бармоқларини кўйлаги чўнтағига яшириб кўйган хатга теккизди. Қаҳратон совуқда оғиз очиб бўлмасди. Қийналиб нафас оларди - қисилган тишлари орасидан буг чиқарди. Улар жуда имиллаб боришарди. Изма-из бораётган қочоқларнинг кети кўринмасди. Саф бошида деҳқонлар Францияга олиб кетаётган гўшт ва арпа ортилган аравалар борарди. Аёллар елкаларига матрос ва адёлларни, айримлари ҳатто картина ва стуллар, тоғора ва ойналарни ортмоқлаган эди. Деҳқонлар Францияда ҳам экин-тикин қилишларини айтишарди. Олдинга базўр юришарди. Болалар ҳам бор эди ёнларида. Оналар гўдаklarини кўкраklarидан кўйишмасди. Тоғ йўли тошли, ʋнқир-чўнқир, четларини тиканли бутазор босган эди. Улар гўё тоғни оёқлари билан ҳайдаётгандай кетишарди. Долорес унинг ёнбошидан маҳкам тутиб олди, у қизни қутқариш, эҳтиётлаш кераклигини сизди. У ҳозир қизни кечагидан кўра кўпроқ яхши кўрарди. Қиз ҳам уни яхши кўрарди. Буни айтмаса ҳам бўлади. Улар бирга бўлишса бас. Ҳа, ҳа. Бизга ҳам яхши бўларди. Улар биргаликда кулишни билишарди. Бир-бирларига ҳикоя этгулик воқеани ҳам топишарди.

Долорес кутилмаганда ундан ажралиб, Мариянинг олдига югуриб кетди. Қиз қўлини пешонасига кўйганча қоя ёнида турарди. У ҳеч нарса бўлгани йўқ, қаттиқ чарчадим, деди. Улар қип-қизил юзларни, муздай кўлларни, оғир юкли араваларни ʋтказиб юбориш учун ʋзларини четга олишди. Мария оз-моз бошим айланяпти, деди. Лола унинг қўлтиғидан олди, иккови бирга кетишди. Алҳол улар устларида моторлар гуриллашини эшитиб, турган жойларида серрайиб қолдилар. Самолётнинг қораси ҳам кўринмасди. Ҳамма уни қидирарди, аммо парку булут осмонни қоплаган эди. Мигель биринчи бўлиб, қора қанотлар, фашист свастикасини кўриб, қолганларга қарата кичқирди: “Ётинглар! Ерга ётинглар!”

Ҳамма қоя ёнидаги ерга, аравалар орасига ётди. Иккита ʋқ қолган милтиқли одамдан бошқа ҳамма ётган эди. Ярамас таёқ, аблаҳ, сариқ супурги, отилмади, у тик турганча тепкини қанчалик босмасин, барибир отилмасди. Гулдурак овозлар нақ уларнинг тепасига бостириб келар, устларига қора кўланка ёпирилар ва ʋқлар йўлга дув ёғилар, тошларга чирс-чирс тегиб сочилиб кетарди...

- Лоренсо, ёт! Мексикалик, ётсанг-чи!

Ёт, Лоренсо, ерга ёт; мустаҳкам этикларингни ерга ётқиз, Лоренсо; куралингни ҳам ерга ётқиз, мексикалик; томоғингга тиқилиб келган нафратинг ичинг уммон бўлганда ҳам тўлдириб юборарди; мошдек очилган мовий кўзли юзингни ерга босиб ётибсан, сен куёш ва тун оралиғидаги ним қоронғилик ʋртасидасан, у эса қичқирмоқда. Ва этигинг, ахийри Мигелга текканини биласан... Оқ оралаган соқол, оқиш ажинлар... Бир дақиқадан сўнг устингга Долорес кулаб тушади, Лоренсо, Мигель илк бор йиғлаб, қизга, бу ёрдам бермайди, йўлда давом этиш зарур, ҳаёт тоғнинг нариги томонида давом этади, деди; ҳаёт ва эркинлик - ҳа, у айнан шу сўзларни ёзди. Улар қонга ботган кўйлак чўнтағидан мактубни чиқаришди: у қоғозни кафтлари орасига босди,

оҳ, қанчалар иссиқ! Қор ёғса борми, уни кўмиб ташлайди. Сен ўлик танани бағринга босиб, уни яна ўпдинг, Долорес, у жони узилмасдан бурун сени денгизга олиб кетмоқчи, отда чоптирмоқчи эди - ва у мовий... кўзларида... сенинг аксингни муҳр этганча мангу уйқуга кетди, унутма...

Агар бўзарган лабларимни тишламаганимда, агар чидашга бардошим етмай оғриқдан гужала тиришиб ётмаганимда, агар адёлни сидириб ташлашга мадорим бўлганида, агар манави шиллиқ, манави сафрони қусиш учун типирчилаб ётмаганимда эди, ўз-ўзимга бор ҳақиқатни айтган бўлардим; мен ўз-ўзимга вақтни қайтариш камлик қилади ва унинг ҳалокатга учраган жойи муҳим эмас, деб айтар эдим. Истакка ўхшаш бир нарса - мен буни ҳеч қачон айтмаган эдим,- мени уни онасидан айириб олишимга ундаган эди, деб айтган бўлардим - оҳ, билмайман, ҳеч балони ойдинлаштира олмайман... - ҳа, уни ўзим узган ип учларини бирлаштиришга мажбурлай олмайман; ҳаётимни қайтадан бошлаш, ўзим танлай олмайдиган, пешонамга битилган йўлдан охиригача бориш керак. У эса бошимда ўтирганча, мендан:

- Нега бундай бўлди? Негалигини менга айтмайсанми? Мен уни бошқа мақсадларда ўстирган эдим. Сен нега уни ажратиб олдинг?- дея ҳадеб сўрарди.

- Ҳар нечук у ўзининг суюкли ўғлини ўлимга юбормаганмиди? Уни йўлдан уриш учун сену мендан айириб олмаганмиди? Шундай эмасми?

- Тереса, даданг гапларингни эшитмаяпти...

- У ўзини гўлликка олиб ётибди. Кўзини юмиб, ўзини гўлликка олиб ётибди.

- Жим бўл.

- Ўзинг жим бўл.

Мен ҳеч нарсани билмайман. Уларни кўрмайман ҳам. Киришди. Қизил ёғочдан ясалган эшик очилиб-ёпилди, қадам товушларини қалин гилам ютиб юборарди. Деразани ёпишди. Кулранг дарпардалар шиқирлаб бирлашди. Улар шу ерда.

- Мен... Мен Глория бўламан...

Яп-янги банкнот ва боналар менга ўхшаш одамларнинг қўлида шиқир-шиқир қилади ва ёқимли шақирлайди. Махсус буюртма асосида тайёрланган, ҳаво совутгичи, мўъжаз бари, телефони, ёстиқчаси, оёқ қўядиган курсиси... бўлган ҳашаматли лимузин жойидан оҳиста кўзгалади. Руҳоний ҳазрати олийлари, аҳволингиз қалай? Тепада ҳам шундайми?

- Мен ўша ёққа - заминга қайтмоқчиман...

- Нега бундай бўлди? Негалигини менга айтмайсанми? Мен уни бошқа мақсадларда ўстирган эдим. Сен нега уни айириб олдинг?..

У бу дунёи дунда йўлда ётган жасаддан ҳам, муз ва қуёшдан ясалган қабрдан ҳам, қушлар чўқилаб ўйган очиқ кўзлардан ҳам даҳшатлироқ нарса борлигини тушунмайди. Каталина чеккаларимга бир тутам пахтани босишни бас этиб, нари кетди, йиғлаётган бўлса ажабмас. Мен қўлимни кўтариб, уни ушламоқчи бўламан, қўлимнинг қимирлашидан кўкрагимга, кўкрагим бўйлаб қорнимга оғриқ ўтади. Бу дунёи дунда йўлда ётган жасаддан ҳам, муз ва қуёшдан ясалган қабрдан ҳам, қушлар чўқилаб ўйган очиқ кўзлардан ҳам даҳшатлироқ нарса бор: тийилмаётган қусиқ, ични бўшатиш ёки жиллакурса шишган қоринни газдан бўшатишнинг тийиқсиз хоҳиши ва уни амалга ошира олмаслик; бадандаги оғриқни тийиш, қўлдаги пульсни ҳис этиш, оёқларни илитиш имконсизлиги; шуур қон каби ичга қуйилади, ҳа, қуйилади, савалайди. Буни мен-ку биламан, аммо улар билишмайди, уларни бунга ишонтириш қийин. Улар оғзимдан қон келаётганини кўришмайди, ҳароратим йўқлигини тасдиқлаб, бунга ишонишмайди - оҳ, ҳароратга бало борми,- мени ушлаб ва сийлаб кўриб, "коллапс, коллапс" деб тасдиқлашади, истисқо деб гумон қилишади ва нукул шу сўзларни тақроллашади. Улар, эшитиб турибман, мармар сурат ҳақида, ўзим сезмаётган ва кўрмаётган, қорнимдаги нафармон мармар сурат ҳақида гапиришмоқда. Бу дунёи дунда йўлда ётган жасаддан ҳам, муз ва қуёшдан ясалган қабрдан ҳам, қушлар чўқилаб ўйган очиқ кўзлардан ҳам даҳшатли нарса бор,- сен уни хотирлай олмай қолган пайтингда фақат уйда қолган

расмлар, нарсалар, китоблар четидаги белгиларга қараб хотирлайсан. Аммо бу унинг терини эслатмаяптими? Унинг териси рангини эслатаяптими? Йўқ, агар уни кўролмасам ва сезолмасам, у ҳақда ўйлай олмайман;

мен ўша куни тонг азонда отда кетаётган эдим;

бу эсимда: мен хорижий марка ёпиштирилган хат олдим, лекин у ҳақда ўйлаш...

Оҳ, мен ҳаммасини ўзимча тасаввур этган, унинг дўстларини билган, алёрларини эсга туширган эдим, оҳ, раҳмат, аммо билиш - қандай қилиб ҳаммасини билишим мумкин? Мен бу урушнинг қандай бўлгани, ўлими олдидан ким билан гаплашгани, у билан охиригача бирга кетган ўша эркак ва аёлларнинг исминини билмайман, ҳа, билмайман; ўша куни у нима деган, нима ҳақда ўйлаган, қанақа кийинган, нима еганини ҳам билмайман. Мен ўзимча манзараларни кўз олдимга келтираман, шаҳарларни ўйлаб топаман, исмларни ўйлаб топаман ва уларни эсимда сақлай олмайман: Мигель, Хосе, Федерико, Луисми? Консуэло, Долорес, Мария, Эсперанса, Мерседес, Нури, Гуадалупе, Эстебан, Мануэль, Аурорами? Гвадаррама, Пиренеи, Фигарес, Толедо, Теруэль, Эбро, Герника, Гвадалахарами? Жасад йўлда ётибди, қабри қуёш ва муздан ясалган, кўзларини қушлар чўқилаб ўйган...

...Даҳшатлироқ бир нарса бор.

- Йўқ, бундай ҳолда шиш пайдо бўларди, устига-устак, бирор орган ўрnidан силжиган ёки қисман ишдан чиққан бўларди...

- Такрор айтаман, бу флегмонадир. Бундай оғриқ фақат ичаклар буралганда юз бериши мумкин, ичакларнинг бекилиб қолгани ҳам шундан...

- Унда операция қилиш керак...

- Балки гангрена бошлангандир, буни ҳам инобатга олиш зарур...

- Бу цианоз...

- Юзи...

- Липосаркома...

- Оғиз очманг... Оғиз очманг...

- Деразани очинглар.

Мен қимирлай олмайман, қаёққа қарашни, қаёққа бурилишни ҳам билмайман. Ҳароратим жойида, фақат оёқларимдан совуқ эсмоқда, олдингидек оддий совуқ ёки иссиқ эмас... Бунақаси биринчи марта...

- Бечора... У ҳаяжонланиб кетди...

...жим бўлинглар... афт-ангорим қанақа эканини ўзим биламан, ҳеч нарса айтманглр... тирноқларим қорайиб кетгани, терим кўкариб кетганини биламан... жим бўлинглар...

- Кўричакми?

- Операция қилиш керак.

- Хатарли.

- Яна айтаманки, буйраги санцияпти. Икки кубик морфин билан тинчиб қолади.

- Хатарли.

- Қон қуйилмаяпти.

Раҳмат. Мен Пералесда жон узишим мумкин эди. Мен ўша аскар билан бирга жон узишим мумкин эди. Мен хомсемиз билан ўша бўм-бўш хонада жон узишим мумкин эди. Мен омон қолдим. Сен ўлиб кетдинг. Раҳмат.

- Уни ушланглр. Тувак.

- Жони чиқаётганини кўряпсанми? Кўряпсанми? Акам ҳам шундай жон таслим этган. Умри ўхшаш.

- Уни ушланглр. Тувак.

Уни ушланглр. У кетяпти. Ушланглр. Уни кўнгли айнияпти. У аввал қандай сасиган бўлса, худди шундай сасирди. Бурилишга мадор йўқ. У юзини осмонга қаратиб ётибди. У ахлат қусарди, шилта лаб ва ёноқларига чаплашган эди. Ичи бўшалди. Улар уввос тортишмоқда. Уларнинг иккови ҳам уввос тортмоқда. Мен уларни эшитмайман, аммо улар дод-вой қилишлари керак. Ҳечқиси йўқ. Ҳали рўй бермаган эди. Бу рўй бермаслиги учун улар дод-вой солиши керак. Мени ушлаб олишган, мени қўйворишмайди. Йўқ. Кетяпти, кетяпти, ҳеч вақосиз, бўм-бўш. Марҳаматларисиз. Уни ушланглр. Кетяпти.



Сен концентрацион лагерда ёзилган, хорижий марка ёпиштирилган ва устига “Мигель” деб имзо чекилган хатни ўқийсан. Унинг ичига шоша-пиша ёзилган, “Лоренсо” деб имзо чекилган бошқа хат солинган эди. Сен хатни олиб ўқий бошлайсан: “Мен қўрқмайман... Мен сени эслайман... Сен номусга ботмаслигинг учун... Ота, мен бу ҳаётни сира унутолмайман, чунки у менга қўп нарсаларни ўргатди... Мен қайтиб борганимдан кейин барини бир бошдан сўзлаб бераман”. Сен ўқийсан ва яна танлаб оласан; сен бошқа ҳаётни танлаб оласан:

Сен уни Каталанининг ёнида бўлишини афзал биласан, Кокуйюга олиб кетмайсан, йўлни унинг ўзи танлаб олишига имкон бермайсан, уни сенинг улушинг эҳтимоли бўлган бевақт ўлим сари итармайсан; уни ўзинг қилмаган нарсаларни қилишга, бой берган умринг учун тўлов тўлашга мажбурламайсан; тош сўқмоқларда у билан бирга ўлишинг ва хотининг сенинг руҳингни халос этишига имкон қолдирмайсан.

Сен ўрмонга адашиб кириб қолган ўша ярадор аскарни қучмоқчи, уни ётқизиб, ўқ теккан қўлини қуриган жилга суви билан ювмоқчи, жароҳатини боғламоқчи, у билан бирга қолмоқчи, унга ҳаёт бағишламоқчи, сизларни, шир яланғоч икки номаълум кимсани - аскар ва сени - ҳалиги чанг, пахсадевор, томлари япроқ билан ёпилган қишлоққа ўхшаш аллақандай бир қишлоқда тутиб олиб, қамаб ва отиб ташлагунча кутмоқчи, ҳа, кутмоқчи бўласан; умумий қабристонга, ҳеч қандай қабртош қўйишмай кўмишади. Йигирма тўрт ёшингда - ҳеч қандай ортиқча ўй-хаёлларсиз, изланишларсиз, иккиланишларсиз ўлиб кетасан; ўзинг қутқарган номсиз аскарни қўлингга тутганча ўлиб кетасан; ўлиб кетасан.

Сен Лаурага ҳа, дейсан.

Сен деворлари бўм-бўш қўк деворли хонадаги хомсемиз одамга йўқ, дейсан.

Сен камерада Тобиас ва Берналь билан бирга қолишни, уларнинг қисматига шерик бўлишни афзал биласан; ўзингни оқлаш учун қонга беланган патиюга кирмайсан; Сагалнинг ўлими билан ўртоқларинг учун қасос олганингни ўйламайсан.

Сен Пуэблодаги қария Гамалиэлникига йўл олмайсан.

Сен ўша тунда қайтиб келадиган Лилияни қабул қилмайсан. Сен бошқа аёлни барибир ҳеч қачон қўлга киритолмаслигинг ҳақида ўйламайсан.

Сен ўша оқшом сукут сақлаш одатингни бузиб, Каталина билан суҳбатлашасан, ундан изн сўрайсан, унга сени деб ўлиб кетганларнинг номини айтасан, ундан сени қандай бўлсанг шундайича, нима қилган бўлсанг шундайича тушунишини илтимос этасан; ундан қандай бўлсанг шу ҳолда тушунишини ва нафрат сочмаслигини илтимос этасан.

Сен Лунеро билан қўрғонда бирга қоласан ва ўша жойларни асло тарк этмайсан.

Сен Себастьян муаллимни ташлаб кетмайсан, қандай яралган бўлсанг, шу ҳолингда қоласан; инқилоб армияси билан шимолга бормайсан.

Сен пеон бўласан. Сен темирчи бўласан.

Сен четда қолганлар билан бирга четда қоласан.

Сен етмиш бирга кирган, етмиш тўққиз кило тош босадиган, бўйи бир метру саксон икки сантиметр келадиган Артемио Крус бўлолмайсан; сенинг ясама тишларинг бўлмайди. Сен қиммат сигареталар чекмайсан ва Италия ипагидан тикилган кўйлақлар киймайсан, илматугмаларни коллекция қилмайсан, Нью-Йоркдан галстуклар буюртириб олмайсан, бир ёқлама тугмали ҳаворанг костюмлар тиктирмайсан, Ирландия кашемирини афзал билмайсан, қувватбахш жинлар ичмайсан, “Вольво”, “Кадиллак” ва “Рамблере”ларда юрмайсан; Ренуарнинг ўша картинасини эсламайсан ва яхши кўрмайсан, нонуштада чала пиширилган тухум ва “блэквэлл” мурабболи тостлар емайсан; эрталаблари хусусий газетангни ўқимайсан, оқшомлари “Лайф” ва “Пари-Матч”ни варақламайсан; атрофингда сени ўлимингдан беш кун бурун ўлдирмоққа шайланаётган ва яқиндагина сен жилмайиб гапиришинг мумкин бўлган ва айни чоғда ваҳшат билан нарига сурмоқчи бўлаётган нарсалар ҳақида ўйлашга мажбур этаётган, мажбурлаётган анави тутуриқсиз суҳбатлар, анави хор, анави қаҳрга тоқат қилолмайсан

Парвардигоро, мени ўз паноҳингга ол! [Кўзларимни оч, мен ўлим уйқусида

ухламайман.] Чунки ундан баҳра олган кунинг, сен ўлган кунингдир. [Яқин одамнинг ўлиmidан қувонма, чунки ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор.] Ўлим ва азоб жаҳаннамдан кутулиб кетган ва ўрнига бошқа ўлим келган. [Ваҳшатли, мен ваҳшат билган нарсалар мени чулғаб олди, нимадан кўрққан бўлсам, ўша нарсалар мени қамраб олди.] Кимки бойлигидан мақтанган бўлса, ўша одам истиффор қилишга муносибдир. [Сен учун ўлим эшиклари очилдими?] Ҳар қандай гуноҳнинг сабабкори аёлдир, ўлимимизга сабабкор ҳам аёлдир. Сен жаҳолат эшиklarини кўриб тушундингми? [Олампаҳо аламзада одамлар устидан ҳукм чиқаради ва юраги ғам-ғуссага ботганларга нажот беради.] Шунда сизлар анча-мунча самара кўрдингизлар. [Энди улар номусга ботишди, чунки ўлим уларнинг ажалидир.] Илло, тан майли ўлимдир.

Ё раб, ҳаёт ва ўлим орзуси,  
 Ё раб, сени чин дилимдан чорляпман,  
 Сен ноҳақликни сезишинг ҳамоно  
 Сенинг қулоқларинг ҳар нарсани эшитади,  
 Ё раб, ким бардош беради?  
 Раббимга умид қиламан,  
 Қалбим сенга умид қилажак!

Нима учун? Нима учун? Тепангда марсия айтиши ва овоз чиқариши, сенга кўзёши тўкиш учун. Барибир уларга мана бу ҳашаматли ҳайкаллар, улуғвор қадама нақшлар, тилла ва оҳақтошдан ясалган ҳайкалчалар, филенкали ва темир гардишли сандиқлар, шушбўй аякауите ёғочидан ясалган ўтирғичлар, қадимий стуллар, барокко услубидаги ёпишқоқ безаклар, суянчиғи қайрилма креслолар, шифтга қўйилган нақшин тўсинлар, ранг-баранг рострлар, бежирим мис михлар, ошланган терилар, нафис эгилма оёқли мебеллар, нуқра ипдан тикилган суратли гиламлар, ипак қопламали креслолар, бахмал ёпилган кенг диванлар, тушликка мўлжалланган улкан столлар, қадаҳ ва амфоралар, қартавозлик столлари, гулдор қимматбаҳо чодир ва зиғир толасидан юпқа тўқилган чойшаб тагидаги каравотлар, устун бўйлаб узунасига йўналган тарновлар, тағма ва виньеткалар, пахмоқ пойандозлар, темир кўшқлар, кўҳна, лат еган картиналар, ипак ва кашемир, жун ва парча, чинни, қандиллар, идишлар насиб этмайди; қизил ёғочдан, кўлда жило топган вассаларга тегишмайди - улар сеники бўлиб қолади.

Сен ажойиб кунларнинг бирида, гарчи бу одатдаги кунга асло ўхшамасада, ўз нарсаларинг томон кўл узатасан ва уларни тушириб юборасан. Уч ёки тўрт йил бурун - қачонлигини энди хотирлаш душвор. Бир эслаб қўйиш учун эслайсан. Йўқ, у ҳақда эслашингнинг сабаби бор, бу кун - календарда қизил ранг билан ажратиб белгиланган айрича кун, тантанали кунлиги учун ўз-ўзидан эсингга тушади. Бу шундай кун бўладики, сен ўзинг бу ҳақда ўйлай бошлайсан, - одамлар, исмлар, сўз, ўтган даврдаги ишлар ернинг заранг қобиғи шовқин солиб бузганча яна ҳаётингга кириб келади. Ўша оқшом сен Янги йилни қаршилайсан. Сен азоб тортиб подаграга йўлиққан бармоқларинг билан зинапоянинг темир панжаларини ушлаб оласан. Иккинчи кўлингни уй халатинг чўнтагига солиб, салмоқли қадамлар билан зинапоя бўйлаб пастга туша бошлайсан. Кўлингни узатасан...

*(1955 йил 31 декабр)*

У бир амаллаб зинапоянинг темир панжарасидан ушлади. Бошқа кўлини уй халатининг чўнтагига тушириб қўйиб, оғир қадам ташлаб, Мексиканинг муқаддас роҳибалари - Гвадалупе, Сапопан, Ремедиос қиёфалари акс этган токчаларга кўз ташламай пастга тушди. Ботаётган кўёш нурлари витраж орасидан сизиб ўтиб, унинг тилларанг ёлқини парчага тушиб, елканни эслатувчи мўл юбкасини нуқрадек ярқиратар, тезобланган йўғон ёғоч тўсинларини ялтиратар, эркакларнинг афт-ангорини ёритиб турарди. У “қапалак” оқ кўйлаги устидан қизил халат кийганида ҳорғин қария сеҳргарга ўхшаб кетар ва айни кеч ўзида ғалати гўзалликни жо этган томоша такрорланади, деб ўйларди. Бугун

ҳам ўша қиёфаларни кўришга, ҳар йили Койоаканодаги ҳашаматли уйида, муқаддас Сильвестер байрамида жаранглайдиган ўша овозларни эшитади.

Шаҳдам қадамлар товуши тош тўшамали полда тақиллади. Оёқларда турган қалтироқни қора локланган туфлилари билан яшириши самарасиз эди. Кўкраклари кенг ва асабий, қўллари ўрма қамчидай осилиб турган, йўғон қон томирлари тарвақайлаб кетган қария ёруғ даҳлизлар бўйлаб, пахмоқ пойандозни босиб, хира тортган кўзгуларга ва эски жавонларнинг ойналарига кўз югуртириб, йўл-йўлакай бармоқлари билан нақшин лўкидон ва ручкаларни, темир кулфли ўймакори сандиқларни, хушбўй аякауите ёғочидан ясалган ўтиргични, улугвор қадама нақшларни сийпаб қўйганча каловланиб юрарди.

У яқинлашиши ҳамона хизматкор зал эшигини ланг очиб қўйди. Қария сўнгги марта кўзгу рўпарасида тўхтаб, “капалагини” тўғрилаб қўйди. Кафти билан дўнг пешонаси устидаги оқарган сийрак жингала сочларини силади, жағини қисди, протез тишларини жойига қўйиш учун меҳмонхонага - поли кедр ёғочидан силлиқлаб тўшалган, рақс тушиш учун гиламлар йиғиштириб қўйилган, деворларига мустамлака давридаги азиз одамлар қиёфаси акс этган картиналар зеб бериб турган катта залга кирди. Зал эшиги ва деразалари гиштли айвонга, тўгаракли гулзорга қараган эди.

Уни занжирга каттакон қандил осилган, зал тўридаги яшил дамаст қоғламали креслони ўраб олган сураткашлар пойлаб турарди. Каминдаги соатлар соат еттига занг урди. Совуқ кунлари ёқиладиган олов ўчоқ яқинидаги пастак чарм курсини ялт-юлт ёритарди. У саломга алик олиб, креслога бориб ўтирди, оҳорланган қўйлаги ва пике қадама енгини текислаб қўйди. Бошқа бир хизматкор унинг олдига икки бош қизғиш милklarини кўрсатган кулранг кўппакни етаклаб келиб, силлиқ тизимчани соҳиби қўлига тутқазди. Чиройли, зарҳал бўйинбоғлар ёрқин чироқ нурида ялт-юлт этарди. У бошини кўтариб, яна жағларини қисди. Каминдаги олов шуъласи унинг хумдай оқсоч бошини бадтар оқартириб юборди. Сураткашлар уни ҳар хил алфозда туришни илтимос этишди, у эса бармоқлари билан сочларини тўғрилаш ва бурни тагида пайдо бўлган бир жуфт салқи ажинни текислашга уринарди. Гарчи қобогидан урчиган ажинлар истеҳзодан ёт, ғамдан йироқ кўкиш кўз гавҳарини ўраб турган кўз чаноғи ич-ичига кириб бораётиб, кенг ёноқларига ҳам тўр ташлаган бўлса-да, ёноқ териси ўзининг эгилувчанлигини сақлаб қолган эди.

Кўппаклардан бири ҳуриб, олдинга ташланди. Кўппакнинг олдинга интилиши уни креслодан ирғиб туришга мажбур этганида бир зумда ёниб ўчган чироқ шуъласи соҳибнинг қаҳрли, норози қиёфасини ошкор этиб юборди. Қолган сураткашлар суратга тушаётган одамга ғазаб сочдилар. Айбдор кимса камерадан қора тўғри бурчак чиқариб, уни лом-мим демай бошқа бировга берди.

Сураткашлар чиқиб кетишганда, у титроқ қўлларини каттакон столга узатиб, кумуш ғаладондан филтрли сигарет олди. Уни қийналиб тутатиб, мойбўёқда ишланган ва лок суртилган, нурнинг ёрқин доғлари тушиб, айрим деталларни билинтийрмай, аммо умумий пушти колоритни таъкидлаб турган эски картиналарга секин кўз ташлаб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди. У креслонинг ипак ручкасини силаб, филтрланган тутунни ютди. Оёқ учида юриб келган хизматкори унга яқинлашиб, бирор нарса керак эмасми, деб сўради. У бошини ирғаб қўйиб, спирт қўшилмаган “мартини” олиб келишини айтди. Хизматкор кедр ёғочидан силлиқланиб ясалган мебель эшикларини, сўнг ичидаги ойнаванд шкафни очди. Унда оқ-сарик, зумрад, қизил ва шаффоф оқ рангли - “шартрез”, “пеперминт”, “аквавит”, “вермут”, “курвуазье”, “лонг-жон”, “кальвадос”, “арманьяк”, “бееровка”, “перно” деб ёзилган ҳар хил ёрликли ичимлик шишалари, йўғон ва тарошланган, нафис ва жарангдор чинни бокаллар кўр тўкиб турарди. Унга бокал олиб беришди. У хизматкорга кечки таомга ертўладан уч навдаги винолардан олиб келишга фармойиш берди. Сўнг оёқларини узатиб, зўр ҳафсала билан ўз уйини қайта қургани ва хонадонда барча қулайликлар кўзда тутилганини хаёлдан ўтказди. Каталона Лас-Ломасдаги миллионерларнинг уйларига ўхшаш, ўзига хослик бегона бўлган данғиллама ҳовлида яшайверсин. У сирли равишда ўзини ўтмиш воқеаларига, ажралиш етти ухлаб тушига кирмайдиган ерга яқинлаштирадиган, тош ва тесонтле\*дан

тикланган икки асрлик кўҳна уйда яшашни маъқул кўрарди. Ҳа, буларнинг барчасида, албатта, аллақандай сеҳргарлик, сирли найранг мужассам эди. Барибир ҳам ёғоч, тош, панжара, ёпишқоқ зийнатлар, қадама нақшлар, карнизлар ва чойшаблар, нақшинкор стуллар ва каттакон столлар унга ёшлик лавҳалари, туйғулари, кечинмаларини гуссанинг энгил тутунига бурқаб, эслатиб қўймоққа келишиб олгандек савлат солиб турарди.

Лилия норози эди, лекин Лилия буни мутлақо тушунмайди. Ёш қизга томдаги эски тўсинлар нимани сўйлаши мумкин? Зангдан хира тортиб қолган дераза панжараси нимани айта олади? Камин устидаги зардан тўқилган ва нуқра ип билан тикилган улуғвор риза-чи? Ёғоч сандиқлардан таралаётган аякауите бўйи-чи? Ошхонадаги ювиб тозаланган қишлоқ кошинларининг ялтироғи-чи? Ошхонадаги архиепископ стуллари-чи? Пул, умуман бойлик берадиган нарсаларга эга бўлишдек жозибали, ҳиссий, ажойиб бир ҳол рўй берган эди. Жонсиз нарсалар, о, қанчалик сурур, қанчалик қувонч, қанчалик нафис завқ беради кишига... Одамлар бу нарсалардан йилда бир марта, фақат Янги йил арафасида уюштириладиган қабул маросими пайти баҳра олардилар... Бу кун у қалбини икки ҳисса хурсандчиликка чулғарди: чунки меҳмонлар унинг бу ердаги ҳақиқий уйини кўради ва айни чоғда Лас-Ломасдаги алоҳида дангиллама ҳовлисида яшаётган ёлғиз Каталанини, у билан бирга кечки таомга ўтирган Тереса ва ҳовлиқма Херардон эслайди... У Лилияни хонадон соҳибаси сифатида таништириб, мовий идишли, мовий ипак дастурхонли, мовий деворли, винолар қўйилаётган ва каттакон идишларга таомлар солинган, ҳилвираб пишган гўштлар, қип-қизил пиширилган балиқлар, иштаҳани қитиқлайдиган криветкалар, ҳали кўз кўрмаган зираворлар, ширинликлар... муҳайё мовий ошхона эшигини очарди.

Унинг осойишталигини бузаётган ким бўлди? Оҳиста босилган оёқ товушлари эшитилди. Бу Лилия эди. У оппоқ - лок суртилмаган - тирноқли қўллари билан меҳмонхона эшигини очди. Юзи кремдан ялт-юлт этарди. У пуштиранг кўйлаги байрам оқшомига ярашиш-ярашмаслигини билмоқчи бўларди. У бултургидай ноўнғай, кулгили аҳволга тушиб қолмаслигини хоҳларди. У эса ичарди! Нега унга қадаҳ таклиф этмаяпти? Оҳ, бу ишончсизлик, бу қулфлоглик бар, бу сурбет хизматкор, вино сақланадиган ертўлага киришга тақиқлар унинг роса жонига тегди! Аёлга зерикарлими? У гўё беҳабардек. Аёл бўйнидан етаклаб кўчага ҳайдаб юбормаслиги учун тезроқ қаригиси ва мажруҳ бўлгиси келар, ўз билганидай яшашни орзу этарди. Уни ким ушлаб турибди? Айтмоқчи, пули бисёр, ҳашаматда яшамоқда, аммо на қувонч бор, на ўйин-кулги бор, ҳатто бир қултум ичиш имконияти бор. Албатта, аёл уни беҳад яхши кўради. У буни эрига минг мартабала айтган. Агар аёлларга хушмуомалада бўлинса, улар ҳамма нарсага кўникиб кетишади. Уларни бир-бирига жўшқин эҳтирос ҳам, ота-болаларга хос муҳаббат ҳам боғлаб турарди. Албатта у эрини севади, севганда ҳам... Улар салкам саккиз йилдан буён бирга яшаб келмоқда, эри бирор марта ҳам уруш-жанжал қилмади, сўкмади... Уни ҳеч нарса тутиб тургани йўқ... Денгиз? У ҳозир бошқа биров билан дон олишиб турса ҳам ёмон бўлмасмиди? Бўлмаган гап. У уни каллаварам деб билади. Ҳа, аёл ҳазил-ҳузулни асло тушунмасди. Майли, аммо у ниманинг нима эканини жуда яхши биларди... Ҳеч ким боқий эмас... Мана кўз ёнида ажинлар пайдо бўлибди... Қомати ҳам... Бироқ у ҳам аёлга ўрганиб қолган, тўғрими? Унинг ёшида ҳаммасини янгидан бошлаш осон кечмайди. Миллионлаб... бўлса ҳам. Аёлни топиш жўн эмас, уни қидириш керак... Улар шу қадар аблаҳ бўладики, юзлаб макру ҳийлаларни билади, шундай ҳазиллар уюштирадики... бутун қалбингни яксон этади... бармоғи билан кўрсатиб, бурнингни ишқалайди, ҳаммаси бир гўр!.. Қисқаси, қарияни аҳмоққа чиқаришга устаси фаранг... Яхшиямки, у кўнгилчан... Арз-фиғон ҳам этмайди - нияям дерди. Унга ҳатто Янги йил зиёфатларию табриклари билан хушомад ҳам қилади. Аёл, худо ҳаққи, уни бениҳоя севади, унга ўрганиб қолган... Аммо ўлгудек зерикарли!.. Бирон дўст топиб, кўздан пана жойда хушторлик қилиш... ёки бирор қадаҳ ичининг нимаси ёмон?..

У қимир этмай ўтирарди. Ҳеч ким аёлга бу таҳқирумоз сўзларни айтишга ҳуқуқ бермаган эди, аммо ўзига мутлақо ёт бўлган... аллақандай лоҳаслик,

ланжлик... тахтадай қотиб қолган бармоқларида “мартини” қуйилган бокални ушлаганча қотиб турган қарияни... кун сайин одоб доирасидан чиқиб бораётган... гарчи тоқат қилиб бўлмаса ҳам ҳали иштаҳани қитиқлайдиган... бу аёлнинг бемаъни гапларини тинглашга мажбурларди... Уни қандай қилиб итоатда сақлаш мумкин? Ўзи ҳукмронлик қилган нарсаларнинг ҳаммаси эндиликда ҳужажўрсинга... аввалги йилларнинг куч-ғайратига бўйсинарди... Лилия кетиб қолиши ҳам мумкин эди... Шундай фикр хаёлига келди-ю, юраги увишиб кетди... ўзини... бу қўрқинчли енга олмади. Бошқасини топиш амримаҳол... Ёлғиз қолиш... У бармоқлари, панжаси ва тирсаги билан зўрға қимирлади, гилам устига сариқ фильтрли сигарета қолдиқлари солинган кулдон кулаб тушди, кул - оппоқ чанг, кулранг тангачалар кўтарилди. У оғир тин олиб, эгилди.

- Эгилма. Озгина сабр қил, ҳозир Серафинни чақираман.

- Чақир.

Балки... Аёлга у билан бирга бўлиш зерикарлидир. Ваҳимали ҳам, нафратланарли ҳам эмас... Каллага ҳар хил фикрлар келгани келган... Ғайритабиий нафис куч унинг бошини буриб, аёлга қарашга мажбур этган эди.

Аёл унга остонадан жилмай қараб турарди... Дилсиёҳ, дилрабо алфозда. Сочини кулрангга бўяган, териси буғдойранг... у ҳам ҳеч қачон кетолмайди... ўтган умрини қайтиб ололмайди. Уларни, гарчи ёши ва табиати ажратгани билан айна шу нарса баробар этиб турирди... Уруш-жанжалга бало борми? У толиқди. Бор гап шу. Ирода ва тақдир мана шундай ҳукм чиқарган... Бор гап шу... Хотирлашнинг ўрни эмас. Янги нарсалар, янги номлар зарур эмас. У креслонинг ипак ручкасини яна сийпади. Сигарет қолдиқлари ва тўкилган кул бадбўй ҳид тарқатарди. Лилия эса крем суртилган юзини унга қаратган эди. У остонада турирди. Эркак эса дамаст қопламали креслода ўтирирди.

Аёл оғир тин олиб, иккиланганча ётоқхона томон кетди, у эса ҳеч нарсани хаёл этмай, боққа олиб чиқадиған шиша эшикларга қоронғилик тушиб, ўзининг ҳайратга солгулик қиёфаси аниқ кўринмай қолгунча креслода ўтирди.

Хизматкор смокинг, дастрўмол ва бир флакон одеколон келтирди. Қария ўрнидан сал қўзғалиб, кийинишга ижозат этди, сўнг дастрўмолни ёйди, унга хизматкор хушбўй суюқликдан пуркади. У дастрўмолни кўкрак чўнтагига солганида, уларнинг нигоҳлари тўқнашди, хизматкор нигоҳини ерга қаратди. Керак эмас. Бу одам сезиши мумкин бўлган нарсаларни ўйлашга ҳожат борми?

- Серафин, сигарет қолдиқларини тезда...

У иккала қўлини креслога тираб, ўрнидан турди. Камин томон бир-икки қадам ташлади, Толедо омбурларини олганида юз-қўлларида олов нафасини сезди. Сўнг вестибюлдан келаётган хурсандчилик ва ҳайратга тўла овозларни эшитиб, эшик томон йўналди. Серафин сўнгги сигарет қолдиқларини йиғиб оларди.

У оловни кучайтиришга буйруқ берди, Регулес оиласи хонага кирганида хизматкор омбурни буради, олов гур этиб мўрконга кўтарилди. Ошхона эшиги олдида ялтироқ патнис кўтарган бошқа бир хизматкор пайдо бўлди. Роберто Регулес бокалга қўл чўзди, келин-куёвлар - Бетина ва унинг қайлиғи, ёш Себальос қўлтиқлашиб, эски картиналар, тилла ва оҳақтош ҳайкалчалар, улғувор ҳайкаллар, барокко услубидаги ёпишқоқ зийнатлар, бурама тўсинлар ва ранг-баранг рострлардан ҳайратга тушиб зал бўйлаб айланишди.

Синган стаканлар жаранги эшитилган пайти - кулаб тушган жом жарангидек - у эшикка орқа ўгириб турарди, Лилиянинг истеҳзоли овози таралди. Қария ва меҳмонлар эшик ручкасини ушлаганча меҳмонхонага қараб турган жулдур кийимли, чинқираётган аёлни кўришди:

- Аҳмоқ, тентак!.. Янги йилларинг муборақ бўлсин!.. Қари чол, хотиржам бўл, бир соатдан кейин кетаман ва... келаман. Ҳеч кимнинг кўзига кўринмай... Мен сенга Янги йилни бениҳоя самимий ўтказишни, ҳа, самимий ўтказишни, бениҳоя самимий ўтказишни тиламоқчи эдим!..

У аёл томон ишончсиз, оғир қадам ташлаб юрди, аёл эса бақирарди:

- Қарияникида кунбўйи телевизор кўриб ўтириш жонимга тегди!

У яқинлашгани баробар Лилиянинг овози янада баландроқ жарангларди:

- Мен ковбойлар билан бўлган тарихни беш қўлдай биламан... Аризоналик маршал... қизилтанлилар қароргоҳи... Дод-войлар тушларимга кириб чиқади... Қари чолнинг!.. "Пепси" ичинглар... Ҳаммаси бир гўр... Қари чол... Қулай ва ишончли... Ҳаётингни ҳимоя қил...

Буришган бармоқлар кремдан ялтираётган юзга тарсаки тортди ва бўялган жингалак сочлар Лилиянинг кўзига учиб тушди. У қотиб қолган эди. Кейин эса қўлини ёноғига босиб, секин узоқлашди. Қария Регулес ва Хайме Себальоснинг ёнига қайтиб келди. Бошини озод кўтариб, бир неча сония уларга диққат билан разм солди. Регулес нигоҳини стакандан узмай виски ичарди. Бетина жилмайиб, қўлида сигарета ушлаганча, гўё олов сўрамоқчи бўлиб, хонадон соҳибни олдига яқинлашди.

- Бу чиройли қутичани қаердан топгансиз?

Қария бурилди, хизматкор Серафин гугурт ёқиб, қизнинг юзига жуда яқин тутди, қиз бошини чолнинг кўкрагидан узоқлаштириш ва нарироқ туришига тўғри келди. Лилия яширинган холлдан бўйинбоғ ўраган ва совуқдан дир-дир титраётган мусиқачилар кириб келишди. Хайме Себальос бармоқларини қирсиллатиб, испан раққосидай оёқ учида бурилди.

Биринж қандиллар остига қўйилган, оёқлари дельфинга ўхшаш стол усти эритилган ёғда ва эски винолар қайласида пиширилган какликлар, Таррагон ханталлари баргларида барра қўзилар, апельсин қобиқларида ёввойи ўрдаклар, увулдириқдан шишиб кетган карплар, зайтун меваси солинган Каталония сардаклари, Макон виносида қовурилган жўжалар, артишоқлар пюреси ёнига қўйилган қийма каптарлар, муз бўлаклари солинган кўпқиррали қадаҳлар, лимон бўлаклари шодасига солинган пушти лангуслар, томатли шампиньонлар, Байонна дудланган чўчка гўштлари, иссиқ арманьяклар, чўчка паштети тиқилган роз бўйинлари, каштан пюрелари, пиширилган ёнғоқли олма қайлалари, бодом ва креветкалар солинган пиёзли, апельсинли, саримсоқли ва писта мағзи солинган қайлаларга тиқилиб кетган эди.

Мўл-қўлчилик рамзи ва бўлиқ думбали фаришталар тасвирланган, - Керетаро монастирида ясалган ўймакори эшик очилганда қариянинг кўзларида ялт этган учкун пайдо бўлди, кейин эса ҳар галгидек, хизматкор сифатида - кўкиш идишга тегаётган санчқи ва пичоқлар жаранги остида - дрезденча идишни таклиф этилган юз нафарча одамнинг бирига олиб борганида унинг томоғидан бўғиқ кулги ситилиб чиқди. Чинни бокаллар хизматкорлар кўлидаги шишалар томон чўзилди. У зални боғдан ажратиб, рангли ойнага зеб берган дарпардани очишни буюрди, ойна ортида шип-шийдам ингичка қароли ва олча ниҳоллари, монастир тошидан ясалган: вице-қироллик даврида монастир ва саройлардан олиб келинган шерлар, фаришталар, авлиёлар ҳайкалчалари кўриниб турарди. Тиниқ ва олис қиш осмони остидаги улкан қизғиш қасрда мушак отилди, оппоқ учкунлаган чақмоқ қизил ҳарир парда ва сариқ елпиғичнинг эгри-бугри чизикларини ёриб ўтди; фаввора тунга қонли жароҳатлар етказди, ҳокими мутлақлар ўзларининг олтин орденларини зулматнинг қора мовутига ёйдилар ва ялтираб кетган кареталарини тунги мотам чироқлари сари жадаллатдилар. У лабларини очмасдан куларди, унинг кулгиси ўкирикка ўхшарди.

Бўшаган идишлар дамба-дам паррандалар, креветкаю краблар, хушхўр гўшт бўлаклари билан тўлғазиб қўйиларди. Яланғоч қўллар қадимий, бой безакли, ўймакори креслода чўкиб ўтирган қария атрофида пайдо бўларди. У атирга бурканган аёлларнинг бўйини ҳис этар, уларнинг чуқур сийнабандига, юнгдан тозаланган қўлтиғи, бриллиантлардан оғирлашган қулоқлари, оппоқ бўйни ва ипак, зар парча, тафта ҳилпираб турган хипча белларидан кўз узмасди; лаванда ва тугаётган сигаретнинг, лаббўёқ ва упа, аёллар туфлиси ва тўкилган коньяк, ёмон ҳазм этилган овқату тирноқлар локининг таниш ҳиди димоғига уриларди.

У бокални олиб, ўрнидан турди: хизматкор унинг кўлига бўйинбоғни тутқазди - кўппаклар зиёфат тугагунга қадар унинг ёнидан бир қадам ҳам нари жилмади. Баланд пардаларда Янги йил тостлари янгради. Бокаллар полга синиб тушди, қўллар эса бир-бирига нозик ёки кучли қисилди, қўллар эса бу дафн маросими, ёнган хотира, эски йилнинг яхши ўтгани шарафига; ўтган йилги ишлардан озиқ олган, тупроқда унажак майсалар... ўтган йил билан баробар нобуд бўлган ишлар, сўзлар, одамлар шарафига; - бу пайт оркестр,

одатдагидек, “Қалдирғочлар” вальсини ижро этарди, - ҳозир бир-бирдан ҳеч нарса сўрамаётган ва фақат бир-бирларига намчил қўз нигоҳлари билан ракеталар чақноғи ва жомлар жаранги туфайли сунъий равишда узайтирилган вақт, ҳақиқий вақтдан унумли фойдаланиб қолиш кераклигини айтаётган, мана бу юз эркак ва аёлнинг умрига умр кўшилиши шарафига осмонга тик кўтариларди.

Лилия кечирим сўраётган бўлиб, унинг бўйинини ҳадиксираб қашиди. Лекин у ажойиб дамларнинг бирида, ҳеч бир чиқимсиз қувончдан завқ туйиши учун кўпгина майлларни, кўпгина майда хоҳишларни бўғиш лозимлигини билар - аёл эса бундан мамнун бўлса арзирди. Унинг мижговланишини айнан шундай тушунмоқ зарур эди.

Скрипкалар залда яна “Парижлик камбағаллар”ни ижро этганда, у одатдаги риё билан унинг қўлтиғидан тутди, қария оппоқ бошини сарак-сарак қилиб, рад этди ва итлар қузатувида туннинг қолган қисмини рақс тушаётганларга қараб ўтказмоқчи бўлиб, кресло сари йўл олди... У мунофиқ, хушомадгўй, қув, писмиқ, гавлак ва ақлли афт-ангорларга назар солиб, тақдир ҳақида, барчаларининг ва ўзининг тақдири ҳақида ўйлаб, вақтини анчагина чоғ қиларди... Узи каби эркин баданли, юзли одамлар уни хотиржам этади... Ярақлаган қандиллар тагида рақс тушаётган одамлар уни... ундайди, хотиралардан чалғитади, хотираларни нари ҳайдайди... ҳурлик ва ҳокимиятнинг... яна ва яна бу қарама-қарши уйғунликдан бот-бот завқ туйдиради... У ёлғиз эмас... ёнида одамлар рақс тушмоқда... айна фикрдан ичига илиқлик югуради, қалби чароғон тортади... Қудратли кексаликнинг, оқсочли, подаграга чалинган, букчайган махлуқнинг қора карнавал эскорти... Лаблардан аримаётган бўғиқ истеҳзо садоси киртиқ мовий кўзларида акс этган... Узиники каби тугма қисиқ... баъзан жудаям қисиқ... айлангани айланган... У уларни билади... саноатчилар... тужжорлар... очбўрилар... ялоқхўрлар... биржачилар... вазирлар... депутатлар... журналистлар... хотинлар... келинлар... кўшмачилар... хушторлар... Узуқ-юлуқ жумлалар... юзаётган жуфтлар билан бирга айрим сўзлар айланади.

- Ҳа... - Кейин борамиз...- аммо отам...- Сени севаман...- бўшмисиз?... - Менга айтишдики... - ...вақтимиз бемалол... - Демак... - ...шундай... - мен хоҳлардимки... - Қаерда? - ...Менга айт... - ...Мен бошқа қайтиб келмайман... - ...сенга ёқдими? - ...қийин... - йўқолиб қолди... - шумтака... ажойиб... - йўқолди... - ...унга шу керак... - ...ҳм...

Ҳм!.. У кўзларга, лаблар, елкалар ҳаракатига қараб нималар ҳақида гаплашаётганини била оларди... У улар нимани ўйлашаётганини айтиб бера оларди... Уларнинг ким эканини айтиб бера оларди... уларнинг росмана исмларини эслатиб қўя оларди... атай банкротликка учрагани... пул девальвациясидан қаллобларча фойдалангани... баҳолардан чайқовчилик қилишгани... банк фирибгарликлари... янги латифундиялар... қалбаки нашрлар... жамоат ишларидаги қулай пудратлар... сиёсий қитмирликлар... оталик меросини талон-тороғ қилиш... вазирликлардаги порахўрлик... сохта исмлар: Артуро, Кагпдевила, Хуан Фелипе Коуто, Себастиан Ибаргуэн, Висенте Кастаньеда, Педро Касо, Хенаро Арриага, Хайме Себальос, Пепито Ибаргуэн, Роберто Регулес... Улар булар ҳақида гапира олмайди... Улар саёҳат ва севги, уй ва автомобиллар, дам олиш ва байрамлар, қимматбаҳо буюмлар ва хизматлар, касаллик ва руҳонийлар ҳақида гаплашишади... Аммо улар шу ерда, ўзининг олдида... энг қудратли инсон олдида... Уларни газета орқали бир жумла билан йўқ қилиш ёки осмонга чиқариш мумкин... Уларни Лилиянинг бу ерда турганига мажбур этиши ҳам мумкин... Бир оғиз сеҳрли сўзлари билан уларни рақс тушиш, ейиш, ичишга мажбур этиши мумкин... Ана улар яқинлашмоқда...

- Мен эримни бу ерга энг катта фариштаннинг мана бу тасвирини кўриши учун етаклаб келган эдим. Картина жуда зўр ишланган...

- Албатта, мен ҳар доим айтаман, дон Артемионинг диди билан...

- Биз сизга қандай ташаккур изҳор этишни билолмаяпмиз?

- Таклифномани кутмай келиб тўғри қилибсизлар.

- Бу ерда ҳамма нарса ниҳоятда улғувор - мен, дон Артемио, завқдан қотиб қолдим, қотиб қолдим, ҳа, қотиб қолдим. Виноларнинг ажойиблигини! Ғалати зираворлар солинган мана бу ўрдакларни қаранг!

...Эшитмаганга олиб бурилиш керак... битта шовқин бўлса бас... диққатни жамлашнинг ўрни эмас... Атрофдаги одамларнинг тушнуксиз гапларини фаҳм этиш ёқимли... товушлар, хуш бўйлар, ҳидлар, сиймолар... Ҳиринглаб ва пичирлаб, уни койоаканалик тирик мурда, деб аташса аташаверсин, Лилиянинг устидан зимдан кулса кулаверсин... Уларнинг ҳаммаси шу ерда... унинг ҳузурда рақс тушмоқда...

У қўлини кўтариб, дирижёрга ишора қилди. Мусиқа тинди, рақс узилди, жуфтлар тўхтаб қолди. Гитаралардан шарқ попурииси янгради. Зал ўртасига келадиган эшик йўлагига ярим танаси очиқ аёл тосини бир текис билтанглатиб ва кўлларини ҳаракатлантириб рақс тушаётганда ҳамма қотган эди. Раққоса тиззалаб олиб, барабанлар даранг-дурунги остида ёғдан ялт-юлт этаётган, апельсинли лаби, оппоқ қовоғи, кўк қошли танасини эгди. У туриб, давра бўйлаб юзиб кетди, қорнини тобора тез дилдирата бошлади. Ёши ўтиб қолган Ибаргуэнни танлаб, унинг қўлидан ушлаб ўртага олиб чиқди-да, полга ўтириб, уни худо Вишну мисоли ўтиришга мажбур этди. Қорин рақси давом этарди. Ибаргуэн раққосанинг ҳаракатини такрорлашга уринарди. Ҳаммалари кулиб юборишди. Раққоса Капдевила олдига келиб, пинжагини ечишга ва Ибаргуэннинг ёнида рақс тушишга қистади. Хонадон соҳиби ипак қопламали креслода чўкиб ўтирган, кўппаклар бўйинбоғини ўйнаганча куларди. Раққоса Коуго ортига югуриб ўтиб, аёлларни ундан ўрнак олишга даъват этди. Ҳаммалари йиқилгудай бўлиб куларди. Суворий аёлнинг бу пойгада тараб шаклга солинган сочлари тўзиб, елкасига осилиб қолган, қип-қизил юзи тердан ялтирарди. Юбкаси тиззасидан юқорига кўтарилиб кетар, балда киядиган кўйлаклари эзгиланарди. Айрим ёшлар - кулги остида - рақс тушаётган икки қария ва сонлари очилган қизлар ёнида бир-бирларига қараб сакраётган, зўриқишдан қизариб кетган "отларга" чил бериб юборардилар.

У балластдан қутулиб, гўё қайнаётган сувдан сузиб чиққандай тўзғиган сочлар ва шир яланғоч елкалар - ёрқин осмон гумбази ва оқ деворлар, XVII аср картиналари, зарҳал фондаги фаришталардан кўзини узиб, юқори кўтарди...

У кўзи билан чайқалаётган одамлар орасидан Лилияни қидириб топди. У ёлғиз ва бесас, хокисор кулги ила нотаниш рақс ва ҳазил ўйинларга елка ўтирганча ўз бурчагида нимадир ичарди... Қайси бир эркак чиқмоқчи бўлиб, йирмочини ушлаганча эшик сари йўналди... Айрим аёллар эса сумкачаларини оча бошлади. У узил-кесил истехзо қилди... мана тийиқсиз шодонлик ва очкўзликнинг яккаш натижаси... Уларни биттама-битта ва ҳаммасини бельэтаждаги икки ҳожатхонада навбатда туришини, ажойиб винолардан енгиллашаётганларнинг ҳаммасини... икки кун давомида - моҳирлик ва ҳафсала, пухта ўйланган... ҳолда тайёрланган таомлардан халос бўлаётганларнинг ҳаммасини ўзича тасаввур этди, сездирмай хур-хур қилди, мана сизга бу крабу розларнинг, пюре ва қайлаларнинг гамгин ниҳояси... Ҳе-ҳе, бу оқшомнинг энг ёқимли нашъаси...

Ҳамма дарров толиқиб қолди. Раққоса рақсини тўхтатди, уни бефарқлик чулғаб олган эди. Меҳмонлар яна суҳбатлаша бошладилар, шампан сўрашди, юмшоқ диванларга ўтиришди. Кимлардир шимлари йирмочини ўтказиб ёки упадонларини сумкачаларига бекитганча залга қайтишарди. Илгаридан тайёргарлик кўрилган қисқача айш-ишрат... режалаштирилган майхўрлик ниҳоясига етди... Овозлар яна секин ва оҳанжамали таралди... Яна - Мексика ясситоғлари сунъийлиги... яна - ташвиш ва сарсончиликлар... меҳмонлар гўё айни дақиқаларнинг, йилт этган лаҳзанинг гуноҳини ювмоқчидай гапга тушиб кетишди.

Улар рақс тушаётганлар ва суҳбатлар тўлқинидан ё олдинга ўтиб кетишар, ё орқада қолиб кетишарди. Самимий табассумли ва оқ-сарик сочли қиз қария ёнига чўкқалаб ўтирди, шампан қуйилган бокални ўйнарган, кресло ёндорига суянди... Йигитча соҳибдан халақит бермаяпманми, деб сўраган эди, чол:

- Сеньор Себальос, сизлар зиёфат бошлангандан бери халақит қиялпсизлар... - деб жавоб берди.

У чўнтакларини кавлаб, эзилган сигарета пачкасини чиқарди... у нафрат билан қараётган пайти ўзига фақат қирол шундай нафрат билан қараши мумкин,



деган йигитчага қарамай... секин тутатди... У ёш Себальосдан ...биринчи марта қатнашаяпсизми, деб сўради. Йигитча ҳа, деб жавоб қайтарди... Қайнотангиз сизга ҳеч нарса?.. - Бўлмасам-чи, албатта... - Шунга кўра... - Бу қондани, дон Артемио, мен билан маслаҳатлашмасдан ўйлаб топишган... У чидаб туролмади... тутун орасидан... ҳорғин кўзларини кўтариб, Хаймега қаради... у киприк қоқмасдан қарияга қараб турарди...

Хайме унга кулдонни узатди... Ҳа, ўша тонг дарёни отларда кечиб ўтган эдик... -...ўз олдимда асослашга уринаманми? Четда турганча, кузатдим... - Эҳтимол, қайнотангиз ва бошқа танишларингиз... ўша тонг дарёдан... - бизнинг бойлигимиз асосимиздир, биз пул топиш ниятида ишлаганмиз... - бизнинг мукофотимиз эмасми?.. Угли улар денгизга бирга боришадими, деб сўради... - Биласизми, нега мен мана бу одамчалардан юксакман... уларни кўлимда ушлаб турибман?.. - Хайме унга кулдонни узатди; у кулни туширди... қўйлагини ечиб, дарёдан ўтди... - Ҳа, ахир мен сизни таклиф этмасам ҳам келибсиз... Хайме кўзларини қисиб, шампан ичди... - Ўз идеалларингизга ҳайрон қоляпсизми?.. У кўзгуну юзига тутиб: “Ё раб, бунга арзимайман”, деб тақорлар ва ўзидан: ўғлим қайтганида наҳотки уни шу ҳолда кўрса? - деб сўради. - Бечора Каталина... - Йўқ, мен алданмаяпман... улар нариги соҳилда ер юзидаги барча гулларни кўради, барча гулларни - ҳа... - Зиёфат сизга маъқул тушяптими?.. “...айланамиз, ўргиламиз, ғаройиб, ча-ча-ча!” Банан ҳиди ёйилди. Кокуйя... - Менга барибир... ўғлим отни қичади, бурилди ва кулиб юборди... - Мен сизларга эгалик қилганимдек картиналарим, виноларим, мебелларимга эгалик қиламан... - Сизларга шундай туюлади?.. - ...Сен унга ва ўша жойларга қараб, ёшлигингни эсладинг... - Ҳокимият ўз ҳолида яхши, бунга гап бўлиши мумкин эмас, уни эгаллаш учун барча ишни қилиш зарур... аммо жаҳлини чиқармаслик мақсадида у сен учун қанчалик аҳамият касб этишини айтгинг келмади... - мен нима қилган бўлсам, қайнотангиз ҳам, мана шу залда рақс тушаётганлар ҳам шуни қилишган, ўша тонг мен уни бошим осмонга етиб кутган эдим... - агар хоҳласангизлар, сизлар ҳам шундай қиласизлар... - Дон Артемио, сиз билан, агар сиз... корхоналарингизнинг бирида ишлаш керак... ўғлининг кўтарилган кўли шарқни, қуёш чиқадиган томонни, кўрфазни кўрсатиб турарди... - Ҳм, одатда, бу бошқача қилинади... отлар узун майсаларни ёриб, ёлларини силкитиб, тер кўпикларини сочиб, шошилмай лўкиллаб борарди... - ...қайнотангиз менга қўнғироқ қилиб, ишора этадики, куёвим... Улар бир-бирларининг кўзларига тикилганча жилмайишди... - Кўряпсизми, менинг идеалларим бошқача... денгизда, очик денгизда, Лоренсо кетган ёққа, атрофида рақс тушаётган тўлқинларга қараган... - У дунёни асл ҳолида кўрди, чунки у зийрак одам эди... - Худди шундай. Дон Артемио айнан сиз каби... Шунда ўгли денгиз ортидаги ер қанақа деб сўраган эди: ахир ер ҳамма жойда бир хил, фақат денгизлар ҳар хил... Куйиб қўйган менинг ўзим!.. У унга ороллар мавжуд, деди... - ...инқилоб учун курашди, ўз жонини гаровга қўйди, отиб ўлдирилишига бир баҳя қолди?.. Денгиз бўйида аччиқ пиво - қовунлар, беҳилар, ертути ҳиди уфуриб турарди... - Нима?.. - Йўқ... мен... - Пароход ўн кундан кейин кетади. Мен чипта олиб қўйганман... - Оғайни, сиз зиёфат охираб қолганда келдингиз. Майда-чуйдалардан ола қолинг... - Ота, ахир сен ҳам шундай қилмасмидинг?.. - Қирқ йилдирки, нукул тепага интилдик, чунки биз унинг шуҳрати соясида қолиб кетдик... - Ҳа... -...сиз-чи, йигитча? Сиз бунга мерос бўлиб ўтади, деб ўйлайсизми? Узайтириш учун нима қиласиз... - Уруш бормоқда. Ҳозир, назаримда, битта... - Ҳа... - бизнинг ҳокимиятимиз... - Мен ўша ёққа кетаман... - Сиз бизни ўқитган эдингизки... - Эҳ, сиз кеч келдингиз, сизга айтаяпман... ўша тонг мен уни бошим осмонга етиб кутган эдим... - Бошқалар алдаса алдайверсин; мен ҳеч қачон ўз-ўзимни алдамаганман. Шу боис бу ердаман... дарёни отларда кечиб ўтдик... - ...шошилинглар... қоринни тўйдириб олинглар... чунки сизга беришгани... ундан улар денгизга бирга боришадими, деб сўрадинг... - Нима ишим бор... денгизни пастлаб учаётган чайкалар қўриқларди... - Мен ўламан, хаёлга келтириш кулги уйғотади... денгиз қирғоқни ялаб ётарди... - хаёлга келтириш кулгили... атрофида қайнаётган тўлқинларга тўппа-тўғри... - ...кимса заррача аҳамият касб этмаганлар учун ҳаётни тутиб туриш керак...

Кария Себальоснинг қулоғига эгилди... ачиқ пиво ҳидини таратадиган денгиз... - Мен сизга бир сирни ошкор этайми? Қовун ва гуайа ҳиди келаётган денгиз... У шаҳодат бармоғи билан йигитчанинг бокалини чертди... қумда тўрни тортиб келаётган балиқчилар... - ..ҳақиқий кучни исёнкор руҳ уйғотади... - Ишонаманми? Билмайман. Сен мени бу ерга етаклаб келдинг, ҳамма нарсага ўргатдинг... Сизларда... ҳаммаларингда... юзини денгизга қаратган куйи у қоронғи осмонга чўзилган қўлларининг бармоқларини ёзди... - сизнинг йигитча, керак нарсангиз энди йўқ... У яна залга қарай бошлади.

- Йўқ,- деб мингирлади Хайме,- мен... шу кунларда сизникига келсам бўладими?

- Падилья билан гаплашиб кўринг. Тунингиз хайрли бўлсин.

Соат уч марта занг урди. Кария чуқур тин олиб, бўйинбоғни қимирлатди; мудраб ётган итлар қулоқларини динг қилиб, ўрнидан турди. У кресло ёндорига суянганча бир амаллаб турди. Мусиқа тинди.

У рўпарасида бошларини эгиб турган меҳмонларнинг хушнуд шивирлари остида меҳмонхонанинг нарёғига ўтди. Лилия одамлар орасидан ўтиб, унинг ёнига келиб ўтирди. - Рухсат этинг... - ва букилмас қўлларини йиғиштирди. Улар гавжум даҳлиз ўртасидан, у бошини даст кўтарган, у (Лаура, Лаура) эса кўзини ерга қаратганча атрофга олазарак боқиб, улуғвор ҳайкаллар, ҳашаматли қадама нақшлар, тилла ва оҳактошдан ясалган ҳайкалчалар, суяк ва тошбақа косасидан ясалган ғаладонлар, нақшинкор лўкидон ва ручкалар, филёнка қоқилган ва темир доирали сандиқлар, хушбўй аякауте ёғочидан тайёрланган ўриндиқ, эски стуллар, барокко услубида ишланган ёпишқоқ безаклар, эгилма суянчиқли креслолар, ранг-баранг рострлар, мис михлар, ошланган терилар, оёқлари эгик мебеллар, нуқра иплар билан тикилган гобеленлар, ипак қопламали креслолар, бахмал ёпилган кенг диванлар, кубок ва кўзасимон қўшқулоқли сопол идишлар, қартавозлик столлари, ёрилган картиналар ёнидан; пахмоқ пойандозлар устидан, нақшинкор тўсинлар ва чинни қандиллар остидан юриб кетишди.

У зинанинг биринчи поғонасига қадам қўяр экан, Лилиянинг қўлини сийпади, у эса унинг қўлтиғидан тутиб, маҳкам ушлаганча юқорига бошлаб кетди.

- Сен роса чарчагандирсан? - дея жилмайиб сўради у.

У бошини сарак-сарак қилиб, яна унинг қўлидан сийпади.

Яна... уйғондим... бу гал... ҳа... автомобилда, мана бу каретада... Билм... билмадим... шовқинсиз кетмоқда... Ўзимга келганимча йўқ... кўзимни очаман, аммо уларни ажратиб ололмайман... Нарсалар; юзлар, оппоқ, ярқироқ тухумлар кўз олдимда думалайди... оппоқ девор мени дунёдан... ҳис этадиган нарсалардан, ўзга овозлардан... ажратиб турибди... мен ажралганман... мен ўялпман... титилиб боряпман... Йўқ, бу шунчаки хуруж... хуруж менинг ёшимдаги қарияларда ҳамиша рўй бериши мумкин... ўлим - йўқ... титилиш - йўқ... бу ҳақда гапиргим келмайди... бу ҳақда сўрагим келади... аммо агар ҳаракат қилсам... ҳа... сиреналарнинг узук-юлуқ товушини эшитяпман... санитар машиналар... сирена ва ўз овозим... қисилган, сиқилган ўз томоғимдан... унга... туфугим тубсиз кудуқ сари тушиб бормоқда... айрилиқ... васият?.. Оҳ, ўпкларини босишсин... муҳрланган, нотариус тасдиқлаган шундай қоғоз бор... мен ҳеч кимни унутганим йўқ... ниманинг ҳаққи унутишим, нафрат сочишим керак?.. Ҳарҳолда, сўнги лаҳзага қадар сизларни унутмадим, жиллақурса устларингиздан кулиш учун мен сизларга завқ беролмадимми?.. Оҳ, қанчалар кулгили... Оҳ, қанчалар эрмак... йўқ... мен сизларни буткул бефарқ хотирляяпман... васиятнинг қуруқ бандларида... мен сизларга бойлик қолдирияпман, бу бойликни сиз ҳаммага жар солиб, менинг ҳаракатларимга... тиришқоқлигимга... масъулиятни сезишимга... менинг шахсий сифатларимга йўясизлар... шундай қилинглар... омон-эсон яшанглар... мен бойликни ютганимни, қартага қўйиб яна ютганимни унутинглар... Ҳамма нарсани бериб, ўрнига ҳеч нарса олмасди... бу ҳақиқатданми?.. Ҳамма нарсани бериб, ўрнига нарса олишни нима дейишади?.. Қандай хоҳласанглар, шундай атайверинглар... Улар қайтиб келишди, тиз чўкишмабди... ҳа, мен шундай деяпману жилмаяпман... ўз устимдан ўзим

куляпман... ўз ҳаётим устидан куляпман... Бунга ҳаққим йўқми?.. Айни ўша лаҳза етиб келмадими, буни адо этишим мумкин?.. Мен ўз устимдан кулмасам бўлмасди, яшаётган пайтимда... ҳозир эса имконим бор... мен васият қолдираман... мен сизларга... мени унутмасликларинг учун... ўтиб кетган... Рехина... Тобиас... Паэс... Гонсало... Сагаль... Лаура, Лаура... Лоренсо деган ўлик исмларни васият этиб қолдираман... мен бу ҳақда ўйлашим ва ўз-ўзимдан сўрашим мумкин... беихтиёр... чунки бу сўнгги фикрлар... биламан... ўйлагандек гўлликка олиб ётибман... менга бўйсинмаяпти, оҳ, ҳа... гўё миямнинг ўзи... сўраяпти... саволдан кўра жавоб олдин келади... эҳтимол... савол ва жавоб - битта нарса... ҳаёт ҳам айрилиқдир... ўша мулат билан дарё соҳилидаги кулба ёнида... Каталина билан... агар биз гаплашиб олсак... қамоқхонада... ўша тонгда... денгиз ортига кетма, ороллар йўқ, бу нотўғри, мен сени алдадим... ўқитувчи... Эстебан биланми?.. Себастьян биланми?.. Эслай олмайман... у мени кўп нарсага ўргатди... эслай олмайман... мен уни қолдирдим ва шимолга кетдим... оҳ, ҳа... ҳа... ҳа... ҳаёт бошқача бўларди... энди эса... бошқача... ўзга ҳаёт билан... одам жон талашмоқда... йўқ, йўқ, жон талашмаяпти... сизга айтаяпман, йўқ, йўқ, шунчаки хуруж... қарияни хуруж чулғаб олган... тузалиб кетаман, ҳа... бошқача бўлганда эди... бошқанинг бошқаси... барибир айрилиқда... қанчалар бемаъни гап... на ҳаёт, на ўлим... ўлим сири... ўлим сири... қалтис муҳлат... мантиқсиз... Худойим-ей... ҳа, балки бу менинг сўнгги битимимдир... Елкамдан ушлаган ким бўлди?.. Худога ишониш... ҳа, фойдали сармоя кўйиш, қанийди... Ким мени ушлаб турибди, гўё мен турмоқчиман?.. Сен унга ишонмасанг ҳам абадий, изсиз кетмаслигинга ишончинг ўзга имконияти борми? Худо, худо, худо... Унинг ҳар қандай маъносини йўқотишинг ва оддий тасбеҳ, бўғиндан... маънисиз... бўлиб қолиши учун... бу сўзни минг маротаба такрорласанг етади... Худо, худо... Лабларим қуриб қолди... Худо, худо... тирик қолаётганларнинг юзини мунаввар эт... улар мен ҳақимда... баъзан... унутишмасин... умуман... ўйлайманки... аммо уларни фарқлай олмайман... кўрмаяпман... эркаклар ва аёллар ғуссага ботган... қора парда йирилмоқда... кўз олдимда... мен кўряпманки... улар яшашда давом этмоқда... ўз ишларига қайтишмоқда... ишсизликка... ғаламисликларга... эслашмайди... бечора марҳумни... ерни қазийётган белкураклар товушини эшитаётган... нам... юзига... ўрмаламоқда... ўрмаламоқда... ҳа... ғуж ўйнамоқда... қуртлар... томоғимда... томоғимда денгиз биқир-биқир қайнамоқда... овозим текилиб қолмоқда... у ёриб чиқмоққа уринади... ҳаётга қайтмоқчи... яна яшамоқчи... ўзга ҳаёт кесиб ўтган жойдан ҳаётни давом эттирмоқчи... ўлим... йўқ, ҳаммасини бошдан бошлаш... ҳаётга қайтиш... яна тугилиш... ҳаётга қайтиш... яна ҳал этиш... ҳаётга қайтиш... яна танлаш... йўқ... чаккаларимда совуқ турди... тирноқларим... кўқарган... қорним... шишиб кетган... кўнгил айниш... жирканарли... сабабсиз ўлиб кетишга журъат этма... йўқ, йўқ... оҳ, сиз... қари хўрозлар... сизларнинг ҳамма нарсаларингиз бор... бойлик... каллаларингиз... қоқ... жиллақурса... нима учун хизмат қилишини, уларни қаерга қўйишни билсаларинг эди... бу нарсалар... ҳеч вақо... менда ҳамма нарса бор эди... эшитяпсизларми?.. Сотиб олинадиган ва олинмайдиган ҳамма нарса... менинг Рехинам бор эди... эшитяпсизларми?.. Мен Рехинани севардим... у мени севарди... у пулим учун севмасди... ортимдан эргашди... ҳаётини менга бағишлади... пастда... Рехина, Рехина... мен сени қанчалар севаман... ҳозир ҳам шу қадар севаяпман... Сенинг керак бўлмаган пайти ёнимда бўлишинг... керак бўлмаганда... сен мени қувончга буркайсан... ҳароратли... ўз бўйингни менга юқтирасан... ўша, ҳозир унутилган... Рехина... кўряпсанми, мен сени ёдга оляпман?.. Яхшироқ қара... мен сени илгари ҳам эслардим... мен сени... қандай бўлсанг, ўша ҳолда эса олишим мумкин... мен сени қанчалар севаман... мен сени қанчалар севардим... бизни ҳеч ким ажрата олмасди... Рехина, сени ва мени... мен буни ўзим билан бирга олиб юраман ва сақлайман... сен менга ҳада этган... менга берган... мўъжаз ва улкан олов каби... икки қўлимда сақлайман... мен уни олмайман... лекин мен сенга берган... энди мен тегишим мумкин бўлмаган, айтишим мумкин бўлмаган, такрорлашим мумкин бўлмаган... оҳ, қора кўзлар қаерда, хушбўй қора тананг қаерда, оҳ, қора лабларинг, қора муҳаббатинг қаерда... оҳ, Рехина, сенинг қўлларинг... қўлларинг менинг

бўйнимда ва... унутган... сен олиб келган... менда ва сенда бўлмаган ҳамма нарса... оҳ, Рехина... ҳеч нарса ҳақида ўйламаслик ва гапирмаслик керак... фақат қора тослар, чексиз бахт... оҳ, менинг ярамас такаббурлигим... сенга бўлган севгим гурури... паролга берилган ошкора жавоб... дунё бизга нима дейиши мумкин, Рехина... нима қўшиши мумкин... нима айтиши мумкин... бизнинг аҳмоқлигимизга... бизнинг севгимизга... нима?.. Каптар, чиннигул, чирмовуқ, кўпик, беда, чашма, камалак, юлдуз, аломат, тана... мен сени нима деб атай... муҳаббат... сени қандай яқинлаштирай... яна... нафасим олдига... сени қандай кўндирай... бўйин берай... қандай эркалай... сенинг лунжларинг... қандай ўпай... сенинг қулоқларинг... қандай нафас олай... сенинг ҳидларинг... қандай айтай... сенинг кўзларинг... қандай кўрай... сенинг таъминг... ёлғизликдан... қандай қутулай... ўзимнинг... йитиб кетиш учун... ёлғизликда... иккита... такрорлаётганимдай... мен сени севаман... қандай ҳайдайман... сен ҳақингдаги хотиралар... сенинг қайтишинг учун... Рехина... Рехина, яна ўша оғриқ, Рехина, мен уйғоняпман, мен хапдори ичиб ўлгандайман... мен уйғоняпман... оғриқ... қоқ ўртасида... қорнимнинг қат-қатида... Рехина, қўлингни бер, кетма, мен уйғонишни хоҳламайман, азизам, сен ёнимда бўлмасанг, Лаура, азизам, сен менинг хотираман, менинг халоскоримсан, олов юбқасан, Рехинам, менга оғир... менинг нозигим, менинг пучугим, менга оғир, Рехина, нима учун оғирлигини биламан, Рехина, омон қолишим учун келақол; Рехина, ҳаётингни яна менга бахшида эт; Рехина, омон қолишим учун яна ўла қол, Рехина. Асқар. Рехина. Лоренсо, Лилия, Лаура, Каталина мени кучинглар. Кучинглар. Йўқ. Чеккаларим бирам совуқ... Мия, ўлмагин... мантиқ... мен уни топмоқчиман... топмоқчиман... топмоқчиман... замин... мамлакат... мен сени севардим... мен қайтмоқчи эдим... мантиқсизликдаги мантиқ... баландликлардан туриб, ўтган умрингга боқшинг ва унда ҳеч нарса кўрмаслигинг... агар ҳеч нарса кўрмасам... нега ўлишим керак... нима учун ўлим... азобда ўлиш... нега яшамаслик керак... ўлик ҳаёт... нега кесиб ўтиш керак... тирикликдан йўқликка... ҳамма нарса нобуд бўлади... сиреналар, итлар вовуллаши... санитария машинаси тўхтайти... чарчадим... роса чарчаш учун... йўқ... замин... кўз олдимда қандайдир шуъла... кимнингдир овози...

- Доктор Сабинес операция қилади.

Мантиқ. Қани мантиқ?

Машина рельслари бўйлаб замбар юради. Қани мантиқ? Ким яшайди? Ким?

Сен роса чарчай олмайсан, йўқ, чарчай олмайсан. Чунки ҳўп пиёда юрасан, отда ва эски поездларда юрасан, мамлакатнинг эса уч-қуйруғи кўринмайди. Мамлакатни эслай оласанми? Ҳа, гарчи у ранг-баранг бўлса ҳам эслай оласан: минглаб мамлакатлар бир хил номланади. Сен буни биласан. Сен ўзинг билан бирга қизил заминни, агава ва анжирлар ўсган даштни, кактуслар дунёсини, муз кратерлари ва лава минтақаларини, сариқ гумбазли деворлар ва тошшинакларни, тош ва оҳақтошдан қурилган шаҳарларни, тесонтлели шаҳарларни, пахсадеворли қишлоқларни, қамиш кулбали қишлоқларни, қора ботқоқ сўқмоқларни, қуруқ, иссиқ йўлларни, денгизнинг намчил лабларини, соҳиллардаги ўтиб бўлмас чангалзорларни, буғдой ва маисзор хушманзара водийларни, шимолнинг яшил ўтлоқларини, Бахио кўлини, баланд тик дарахтлар, улкан пичан гарамларини, тоғларнинг қорли чўққиларини, озокеритли водийларни, бордел ва безакли портларни, боши оқ хенекензорларни, йўқолган шошқин дарёларни, тилла ва кумуш бўлақларини олиб кетасан. Сенда ҳамма нарса: турли тилларда - кора, яки, уичоль, пима, сери, чонталь, тепеуана, уастек, тотонак, науа, майя тилларида гаплашадиган ҳиндулар; ҳинду рақслари, свирель ва барабан, виуэла ва гитара, пат безаклар, Мичоакананинг нафис суякларни, Тласкаланинг силлиқ танаси, Синалоанинг ёрқин кўзлари, Чиापасанинг оппоқ тишлари бор. Ҳинду кийимлари, Верақрус тароқлари, Мистек чалғилари, Цоциль камарлари, Санта-Мария жун рўмоллари, Пуэбланинг ялтироқ асбоб-анжомлари, Халисконинг ойнаси, Оахаки яшмаси, Илоннинг тош қолдиқлари, Қора бош, Катта бурун, Тонанцинтли ва Тлакочагуайянинг ибодатхона ва меҳроблари, ранг ва бўртма нақшлари, санамлари, Теотиуакан ва Папантла, Тула ва Ушмаланинг қадимий номлари

бор. Сен буларнинг ҳаммасини ўзинг билан олиб кетасан, у сени бўғади, қабртошлар бир кишига анча оғирлик қилади, улар абадий ва ҳаракатсиздир, сен эса оғирликдан белинг майишганча уларни ўзинг билан олиб кетасан; улар сенинг ич-ичингга сингиб кетган... сенинг микробларинг, сенинг бациллаларинг, сенинг вирусларингдир...

Сенинг замининг.

Сен бу жанговар кўчишлар, йўлларнинг, тўғонларнинг, рельсларнинг, телеграф симёғочларининг қақшатғич босқинига, секин юришингга кўрсларча қаршилиқ қилаётган тоғлар ва водийлар узра кўйган ҳар бир илк қадамнинг заминингни иккинчи бор кашф этмоқда, деб хаёл қиласан. Табиат бўлтакланиш ва зўрланишни суймайди; жимлик ва осудалиқни ёқтиради. У одамларга соҳил ва текисликларда ўрнашиши учун санокли водий ва дарёлар инъом этган. У тик ва ўтиб бўлмас тоғларнинг, даштларнинг, ўрмон ва ёввойи қирғоқларнинг қаҳрли соҳибаси бўлиб қолаверади. Одамлар ҳам унинг мағрур қудратидан ҳайрон қолиб, ундан кўз уза олмайдилар: агар меҳмондорчиликни ёқтирмайдиган табиат одамга орқа ўгирган бўлса, демак, одамнинг ўзи иссиқ ҳосилдор заминда, қазиб олинмаган хазиналар билан бирга ёниб, тириклай чиригандир, унутилган бепоён уммонга орқа ўгиргандир.

Сен заминни мерос қилиб оласан.

Сен Сонора ва Чиуауада билган одамларнинг қиёфасини бошқа қайтиб кўрмайсан. Сен уларни мудраган ва итоаткор, кейин баджаҳл ҳолда кўргансан: улар олди-ортини ўйлаб ўтирмай шафқатсиз курашга бел боғладилар: улар кейинчалик ажралиб кетган сен, ўз инилари қабиларнинг кучоғига киришди; улар: “Мен бу ерданман, сен билан, сен билан ҳам ва сен билан ҳам биргаман”, деди ва бир-бирларига қўлларини узатишди, бир-бирларининг юзларига қарашди. Фаройиб муҳаббат, қардошлиқ муҳаббати ўз бошини ўзи ейди. Сен бунини ўзингга айтасан, чунки сен уни бошингдан ўтказдинг, бошингдан ўтказдинг-у, тушунмадинг. Фақат ўлаётган пайтинг, ҳокимият тепасига келганингдан буён сен ундан кечаю кундуз кўрққанингни тушунмаган ҳолда уни англайсан ва тан оласан. Сен қардошлиқ муҳаббатининг оммавий ёнғини яна кўтарилди, деб кўрқасан. Энди сен ўласан, кўрқилинганга на ҳожат, чунки сен бундай нарсаларни бошқа қайтиб кўрмайсан. Лекин сен бундан чўчийдиганларга: сохта хотиржамликдан ваҳима туйинглар; муқаррар битимдан, ҳамду санонинг сеҳрли кучидан, қонунийлашган манфаатпарастликдан ваҳима туйинглар; нима қилаётганини ўзи билмайдиган ялпи адолатсизликдан ваҳима туйинглар, деб васият қолдирасан.

Улар меросингни қабул қиладилар. Сен уларга салобат ва бойлик бердинг. Улар қишлоқдан чиққан Артемио Крусга ўзларини ҳурматли одамлар қаторига қўшгани учун миннатдорлик изҳор этади. Улар унга мулатнинг фақир кулбасида яшаш ва ўлишни хоҳламагани учун миннатдорлик изҳор этади; улар унга ҳаёт чақириғидан кўрқмагани учун миннатдорлик изҳор этади. Улар сени оқлайди, чунки уларда сенинг оқловларинг йўқ; улар энди инқилоб номи билан қилинган талон-торожликлар ва ўзларини улуг инқилоб номи билан шарафламасликлари учун сенга ўхшаб жанглар ва қўмондонлар ҳақида гапира олмайди ва уларнинг номини хаспўшламайди. Улар сенга қандай оқлов топарқин, деб ўйлаб қоласан ва ҳайрон қоласан. Тўсиқдан қандай айланиб ўтадилар? Йўқ, улар бу борада бошларини қотириб ўтирмайдилар ва имконлари бор пайтида сен қолдирган нарсалардан лаззат туйиб турадилар; бахтиёр бўладилар, одамлар орасида эса ғамгин ва миннатдорлик тўнига бурқаниб оладилар - шуниси ҳам шукр. Сен эса кутасан. Бир ярим метр ер тагида. Ўлик юзинг устида тап-туп товушлар қачон чалинишини пойлаб ётасан ва шунда: “Қайтиб келишди. Таслим бўлишмади”, деб жилмаясан, уларнинг устидан масҳара қиласан, ўз устингдан куласан, бу сенинг имтиёзингдир. Сени соғинч нимталайди, ўтмишга тан бергинг келади, аммо сен тан беролмайсан.

Сен ўринсиз ўлимларни, ўлик номларни: сенинг номинг ўлмаслиги учун жонини фидо этганларнинг номларини; сенинг номинг сазовор бўлиши учун ҳамма нарсадан мосуво бўлган одамларнинг номларини; сенинг номинг мангу унутилмаслиги учун унутилган одамларнинг номларини мерос қолдирасан.

Сен мамлакатингни, ўз газетангни, пичир-пичир ва хушомадни, бўш-баёв

одамларнинг ясама нутқларига аллаланган виждонни мерос қолдирасан; ипотекагни, нуворишлар синфини, улуғликдан йироқ ҳокимиятингни, илоҳийлашган бефаҳмлигингни, плейбейларга хос шуҳратпарастлигингни, бурч ҳақидаги кулгили тушунчаларингни, қуруқ сўзамоллигингни, ўзгаришлардан ҳосил бўлган ҳадигингни, майда худбинлигингни мерос қолдирасан.

Сен унинг кўли тоза бўлмаган сиёсатбозларини, унинг мурасосоз касаба уюшмаларини, унинг янги латифундияларини, унинг Американинг сармолярлари киритишларини, унинг қамоқхоналардаги ишчиларини, унинг чайқовчилари ва катта матбуотини, унинг қора ишчиларини, унинг полициялари ва сирли жосусларини, унинг хориждаги улушларини, унинг сотқин биржачиларини, лаганбардор депутатларини, унинг очкўз вазирларини, унинг хушбичим сиёсатбозлигини, унинг тўйлари ва унутилмас кунларини, унинг бурга ва қуртлаган нонларини, унинг саводсиз ҳиндуларини, унинг ишсизларини, унинг кесилган ўрмонларини, унинг акваланг ва акциялар билан қуролланган хомсемизларини, унинг тирноқларигача қуролланган, бир бурда нонга зор одамларини мерос қолдирасан. Ўз Мексикасини олаверсин, сенинг васиятингни олаверсин.

Сен оддий ва нотаниш одамларни; ўз ишларини бугун қиладиган, фақат бугунни гапирадиган, фақат ҳозирги замонда яшайдиган, бутун борлиғи бугун бўлган, эртаси йўқ одамларни мерос қолдирасан. Улар “эртага” деб гапиришади, аммо уларнинг эрта билан сира ишлари йўқ. Сен уни билмасдан туриб, келажак бўла оласан; сен эртани ўйлаб, бугун йитасан. Улар фақат бугун яшаётгани учун эртага яшашади.

Сенинг халқинг.

Сенинг ўлиминг: сен - ўз ўлимини олдиндан кўрадиган, ўз ўлимини мадҳ этадиган, у ҳақда гапирадиган, рақсда акс эттирадиган, уни чизадиган, ўлгунича у ҳақда хотирлайдиган ҳайвонсан.

Сенинг замининг.

Сен қайтимсиз ўлмайсан.

Уч юз одам истиқомат қиладиган, уйларнинг томи қуюқ пахмоқли буталар орасидан - тоғ чўққиларидан то яланғоч қирғоқларгача кўриниб турадиган, дарёси шу яқиндаги денгизга бориб қуйиладиган тоғ этагидаги қишлоқча. Тамиауадан то Коацакоалькосгача эгилиб борган яшил яримой денгизнинг оппоқ юзини тирнаб туради. Пасттекислик тоғларнинг босиб келаётган тождиган чекини ва рақс тушаётган тўлқинлар ўртасидаги тропик архипелага, емирилган қояларга етиб олиш учун - ҳайҳот, беҳуда - Мексиканинг узун дасти - ўз ясси тоғларидаги тош ва чанг монастирга қамалгандек қуриган, ўзгармас, ғамгин,- Веракрус кўли, бу яшил яримой ҳайбатли Сьерра-Мадре-Ориенталь халақит берса-да, зарҳал иплар билан Антил ороллари, уммон ҳатто Ўрта Ер денгизи билан боғланган ва ўзгача тарихга эга. Вулқонлар занжири отилиб турган ва феъли кенг мағееларнинг штандартлари юқори кўтарилган, тўлқинлар ўзи билан бирга мана шу соҳилга Босфор ва Эгей кўрфазининг ширали мусиқасини, Сиракуз ва Тунис узумлари ва дельфинларини; Андалусия ва Гибралтарнинг эътироф товушларини, Гаити ва Ямаиканинг парик кийган негрларининг тантанавор қулловларини; Куба корсарлари ва конкистадорлари, барабан тугган раққосларини олиб келган ерда ҳаёт ҳалокатга учрайди. Қора замин сув кўтарилиши изларини: кафеларнинг нақшинкор темир балконлар ва эшикларидан олисдан келган тўлқинлар муҳрларини ўзида сақлаб қолган қишлоқ иморатларининг оқ устунларида, баданнинг эҳтиросни қўзғайдиган ҳаракатларида ва товушлар оҳангида ўзга флюидлар жо этган. Аммо бу ердан чегара ўтган. Ундан нарида бургут ва тошқўрғонларнинг ғира-шира тагкурсилари қад кўтарган. Чегарани ҳеч ким, илк штурмдаёқ ҳолдан тойган, бу муқаддас ясси тоғликнинг уларга ўз ёнига чиқишга ва ўзини шунчаки емирилишга имкон берганини билмасдан туриб, чиқа бошлаган; кейинчалик мағлуб бўлган Эстремадура ва Севилья одамлари ҳам буза олмайди: пировардида улар очлик қурбони бўлдилар, олгинни, цивилизацияни ва конкистадор-зўравонларни ютиб юборган кўрфазнинг сўқир лоқайдлиги зўрлаб киритилган одамлари чангдан ҳайкалчаларга айланди. Бу сарҳадни ўз бригантина қалқонларига аччиқ истеҳзосини жойлаган, ўзларини ҳинду тоғлари чўққиларидан ташлаган

корсарлар ҳам ҳатлаб ўтолмайди. Бу сарҳадни тоштасвирларни чилпарчин этиш мумкин бўлган, аммо ҳавода муаллақ яшаётган букилмас худоларига янги сифатлар бермоқчи бўлиб, Малинче довонидан ошиб ўтган роҳиблар ҳам ҳатлаб ўтолмайди. Бу сарҳадни тропик плантацияларга келтирилган ва жингалаксоч ирқлар устидан қозонган ғалабаларини мустаҳкамлаётган жасур ҳинду аёлларига итоаткор негрлар ҳам ҳатлаб ўтолмайди. Бу сарҳадни шоҳона елканлардан заминга тушган, мевали дарактлар ва канакунжутнинг ҳайратомуз кўринишидан оғзи очилиб қолган ва башанг кийинган ҳамда лавандага бурканиб, ўз мулозимлари билан девор-қоялари уваланиб кемтикланган ясси тоққа кўтарилаётган шаҳзодалар ҳам кесиб ўтолмайди. Бу сарҳадни уч қиррали бош кийимли ва чиройли зар погонли касиклар, шунингдек, сукунати мўъжизакор ясситоғда мағлубиятга учраган, манфур мужмаллик, сассиз истеҳзо ва батамом лоқайдликдан мағлуб бўлганлар ҳам ҳатлаб ўтолмайди. Сен мана шу заминнинг туб-тубидан ёриб чиқаётган ва ўз улушини аниқлаётган, мана шу заминда пайдо бўладиган ва уни қаршилайдиган бола бўласан, - ўлим дунёга келиш ва тақдир орасидан ҳеч нарсага қарамай, эркинлик ипини ўтказганча уларни тенглаштираётган пайти, ҳозироқ ўша бола бўласан.

(1903 йил 18 январ)

У мулат Лунеронинг юраги тўлиб: “Оҳ, ароқхўр, оҳ, ароқхўр...” деб айтаётган марсиясидан уйғониб кетди. Ярим аср бурун мазкур асьенданнинг фахри, маликаси саналиб, эндиликда ўз маржонларидан айрилган ва ёввойи сельваларнинг қулига айланган, округ ҳокими мутлақининг жанговар хўрозлари билан уруша оладиган бадқовоқ қушлар - хўрозлар кўққисдан тропик тонг отаётганидан огоҳ этдилар. Турфа ранг тошплиталардан тикланган, террасадаги қаровсиз, эски уйда яна ёлғиз ўзи умргузаронлик қилаётган Сеньор Педрито учун тун этагини йиғди. Маст одамнинг товуши саҳармардон турган, пальма томли уйнинг тупроқ тўшамига аллақайлардан олиб келган товоғидаги сувни кафти билан сепаетган Лунерога етиб келарди, - турфа ранглар устига суртилган локлар, эҳтимол, бир замонлар, камалақдай товланарди. Лунеро кеча тушликдан қолган чарал бўлақларини илитиш мақсадида манқалдонга олов ёқди, сўнг кўзини қисганча бананлар солиб қўйган халтасини титкилаб, қорайган меваларни саралаб олди - уларни чиримасдан, мағизни эзмасдан, қурт тушмасданоқ ейиш лозим. Бироз ўтиб илиган товадан кўтарилаётган тутун боланинг уйқусини буткул бузди, бўғиқ ихраш узилиб, маст одамнинг ишончсиз қадам ташлаши эшитилди. Эшик устма-уст тақиллади. Бу узоқ уйқусиз тонгнинг муқаддимаси эди, дон Педрито қизғиш ёғочли, чивинпашша тутилган қимматбаҳо гулдор чойшабли каравотга чўзилди; ароқ тугаганини билиб, бурнини жонҳолатда гулсиз ола-була матросга босди. Илгари, деб ўйлай бошлади Лунеро калта кўйлақда оловга яқинлашган, балоғатга етгани алайна-ошкор бўлиб қолган боланинг куюқ жингалак сочларини силар экан, илгари ерлар бепоён бўлган пайтларда, кулбалар уйдан олисда жойлашар ва у ерда нималар бўлаётганини ҳеч ким билмас эди. Супурги тутган ва кўйлақларни оҳорлаётган хўппа семиз ошпаз аёллар ва метис жувонларнинг маталлари ўзга дунёга, тамаки плантацияларида қуёшдан қорайган эркаклар дунёсига етиб бормасди. Энди эса ҳаммаси: судхўрлар ва марҳум соҳибнинг сиёсий душманлари томонидан хонавайрон этилган асьендадан деразалари чил-чил синган уй ва Лунеронинг бутун қолган кулбаси ойнадагидек кўринади. Олдинги хизматкорларни эндиликда битта қоқсуяк, қариб қолган, энг тўрдаги мовий хонада яшаётган хотинга қараб тургувчи, қоқсуяк Баракое эслатиб туради. Кулбада эса Лунеро ва бола, яккаш меҳнаткашлар яшарди.

Мулат тепкилаб текисланган полга ўтириб, қовурилган балиқнинг бир бўлагини сопол товоққа солди, қолганини эса товада қолдирди. Кейин болага манго берди, бола эса унга банан арчиб берди, икковлари ҳам лом-мим дейишмасдан овқатланишди. Бир парча кул тағидаги чўғ батамом ўчгач, кириш йўлаги - катта тешик, эшик, дераза, дайди итлар остонаси, оҳақ сепилган

<sup>1</sup> Ч а р а л — балиқ тури.

чизиқни кесиб ўтишга жазм эта олмайётган қизил чумолилар сарҳади, - Лунеро бир неча йил олдин кулранг пахса деворларни тўсиш ҳамда тунда гулларнинг хуш бўйи кулбага уриб туриши учун ўтқазган яшил чирмовуқлар тешиги кўриниб қолди. Улар бир-бири билан гаплашмасди. Аммо мулат ҳам, бола ҳам бирга яшаётганидан бирдай қувонар, бу қувончни аҳён-аҳён кулгиси билан ифода этарди, чунки улар гаплашиш ёки кулишиш мақсадида эмас, балки бирга овқатланиш ва ухлаш, ҳар тонг - ҳамини сокин, ёқимли намга тўйинган уйдан бирга чиқиш, бу ерда кунни кунга улаб яшаш учун бирга ишлаш ва ҳар шанбада кампир учун егулик, сеньор Педрито учун шишалар сотиб олиб келишга бориш ва харид этилган нарсаларни ҳинду аёли Баракоега бериб қўйиш учун яшашарди. Қиёқ ўти тўқимаси салқинлик сақлайдиган дастаси чарм - қорни йўғон, бўйни узун кўк шишалар жуда чиройли. Сеньор Педрито уларни остонага отиб юборарди, қари хачир ўлиб кетгач, челақларга мўлжалланган узун обкашда Лунеро уларни ҳар ой тоғ этагидаги қишлоққа олиб борар ва тўқима қопламали шишаларни бели чиққудай бўлиб асьендага кўтариб келарди. Тоғ этагидаги ўша қишлоқ ягона қўшни қишлоқ эди. Унда уч юз нафар одам яшарди, аммо уларнинг томлари - тоғ чўққиларидан то дарёси суви денгизга бориб қуйиладиган яланғоч қирғоқларгача қуюқ пахмоқ буталар орасидан кўриниб турарди.

Бола кулбадан чиқиб, кулранг ва нимжон манго дарахтларини ўраб турган, қирққулоқлар оралаганча ёнбағирлаб чопиб кетди. Осмонни тўсиб турган, тўпгулиларнинг қизил гуллари ва сариқ мевалар айвони тагидан ўтган нам сўқмоқ уни Лунеро дарёнинг бўйида - кенгайган, аммо шиддат билан оқадиган, кундузги ишлари учун мачетени уриб тозалаётган қирғоққа олиб чиқди. Қўли узун мулат матросларнинг эски урфдаги кенг балоқли шимиға ўхшаш миткаль шимининг белини қаттиқроқ тортиб боғлади. Бола Лунеронинг олдига бориб, занглаган темир ҳалқасига ташлаб қўйган, тунги шамолда қуриб қолган калта кўк иштонини тортиб боғлади. Тўғрилланган ва силлиқланган мангра пўстининг бўлаклари сувга ташлаб қўйилган эди. Лунеро сувўтлари ҳосил этган шилтада турганча атрофга олазарақ боқди. Денгизга қуйиладиган дарё бу ерда ҳайқирганча ва йўл-йўлакай қирққулоқ ва пастак банан барглари сийпаб оқарди. Авж ўсган яшил майсалар осмондан ҳам баланд кўринарди, чунки осмон теп-текис, паст ва чароғон эди. Ҳаммининг ўз иши бор. Лунеро наждакни олиб, пўстни арчий бошлади - таранг тортилганда мушақлари шишиб кетарди. Бола оёғи синган, ярми чириган табуреткани олиб, уни темир ҳалқа ўртасидаги тахтага қотирди. Ҳалқадаги ўнта майда тешиқдан чилвир пилталар осилиб турарди. Бола доирани бўшатди ва кастрюль тагига олов ёқиб юборди; қуюқ хушбўй мум эриб, биқирлай бошлаганда у айланаётган ҳалқа тешиқларига мум қуя бошлади.

- Ҳадемай сретенье байрами бўлади, - деди Лунеро тишларига учта михни қистириб.

- Қачон? - боланинг яшил кўзлари қуёш нурида ялтираб кетди.

- Иккинчи куни, Крус, той, иккинчида. Шунда шамдорилар зўр кетади; нафақат кўшнилари, балки бутун округга сотамиз. Одамлар бизникидай зўр шамдорилар бўлмаслигини билишади.

- Эсимда. Ўтган йили ҳам шундай бўлган.

Эриган мум баъзан сачраб кетарди; боланинг сонлари майда думалоқ тиртиқларга тўлиб-тошган эди.

- Ўша куни суғур ўз соясини излаб қолади.

- Қаердан биласан?

- Шундай дейишади. Бу ерда эмас - олисда.

Лунеро тўхтаб, болғачани олгани энгашиди. Қорайган пешонасини тириштирди.

- Крус той, энди ўзинг мустақил каноэ ясай оласанми?

Катта оппоқ тишларини кўрсатиб кулган боланинг юзи ёришиб кетди. Дарёнинг ва ҳўл қирққулоқларнинг яшилтоб аксида унинг териси ёрқинроқ, юз четлари яққол ажралиб турарди. Дарё тараган сочлари кенг пешонаси ва қорайган энсасида ўжарлик билан жилпанглаб турарди - илдизи қора бўлса-да, улар офтобда мис мисоли ялтирарди. Ҳозиргина дарё оқими қаршилигини



енган, сербалчиқ чуқурлик ва ботқоқли қирғоқнинг совуқлигидан салқинлаган, пишмаган мева сингари ориқ қўллари ва мустақкам кўкраги сарғайиб турарди.

- Қилолмаслигинг етмай турувди. Қанақа ясашингни кўрдим-ку.

Мулат ҳамишагидек хотиржам, аммо эҳтиёткор нигоҳини ерга қаратди.

- Мабода Лунеро кетиб қолса, ҳамма нарсани ўзинг удалай оласанми?

Бола темир филдиракни тўхтатди.

- Мабода Лунеро кетиб қолса?

- Мабода унинг кетишига тўғри келиб қолса.

“Оҳ, бекор оғиз очибман”, - деб ўйлай бошлади мулат. - Ҳеч нарса гапирмаганимда, кетардим, унинг аждодлари сингари ҳеч нарса демасдан кетарди, чунки Лунеро қисматнинг нелигини ва унга бўйсунганини биларди, унинг бу билимини ажратиб турадиган асос ва хотиралар жарлиги мавжудлигини ҳис этади, қисмат амрини инкор этувчи бошқа одамлар қисматини тушунгани учун қисматга итоат этади, чунки Лунерога ватан соғинчи ва узоқ дарбадарлик нима экани аён. Мулат ҳеч нарса гапирмаслик кераклигини биларди, аммо у боланинг - ўзининг ишончли ўртоғи - кеча кулбага келган, тор сюртуғи терга ботган одамга бошини хиёл ёнбошга эгиб, қизиқувчанлик билан қараб турганини кўрган эди.

- Сен байрам куни кўплаган шаъм тайёрлаш ва уларни қишлоққа олиб бориб сотишни дўндирасан, ҳар ой бўш шишаларни олиб бориш ва ликерни сеньор Педритонинг эшиги олдида қолдиришни биласан... Каноэ ясашни ва уларни ҳар уч ойда бир марта дарёга туширишни биласан... Сен яна Баракоега пул бериб турасан ва ўзингга ҳам чақалар орттириб қолишни биласан; бу ерлардан балиқ тутиш қўлингдан келади...

Бир маромда тақиллаётган мулатнинг қўлидаги болғача овози, занглаган филдирак гижирлаши тиниб, дарё бўйидаги бир парча очиқ жойга сукунат чўкди. Тунги бўрон туфайли томиридан узилган майсалар уюри чир айланаётган пайраҳа, тутам-тутам тоғ ўтлари, оқоваларни дарё шитоб билан оқизиб кетди. Теварақда қора ва сариқ капалаклар учар - улар ҳам денгиз томон ошиқарди. Бола тек қотиб қолди ва мулатнинг ерга қараган кўзига қаради.

- Сен кетмоқчимисан?

- Сен бу ерларда илгари нелар бўлганини билмайсан. Қачонлардир, ҳу тоғ этагигача бўлган мана шу ерларнинг ҳаммаси ўзимизнинг соҳибларга тегишли эди. Кейин ҳаммаси йўқ бўлиб кетди. Қари сеньор ўлди. Сеньор Атанасио елкасидан пичоқ егач, ҳаммаси шу ҳолда қолиб кетди. Ёки бошқаларнинг қўлига ўтди. Битта ўзим қолдим, ўн тўрт йил давомида ҳеч ким менинг кўнглимга ўтирмади. Аммо менинг ҳам кетар вақтим етиб келиши керак.

Лунеро каловланиб қолди, чунки бундан кейин нима дейишни билмасди. Сувдаги ялтироқ шуъла унинг хаёлини ўғирлаган, мушаклари ишга даъват этаётган эди. Ун уч йил бурун болани унга топширганларида, мулат қор одамлар афсонасидаги подшоҳ каби болани капалаклар назорати остида дарёга бермоқчи ва унинг кучу қувватга тўлиб қайтиб келишини кутмоқчи эди. Аммо соҳиб Атанасионинг ўлими унинг бепарво ва лоқайд сеньор Педритонинг қаҳрига, тўқима дарпардали ва момақалдироқ қалдираганда жиринглаб кетадиган шамдонли мовий хонада қамалиб яшаётган ва ўзининг ноқислиги туфайли ёнида бола яшаётганини зинҳор билмайдиган кампирнинг қаҳрига қарамай болани ўзи билан олиб қолишга жазм этди. Дарвоқе, соҳиб Атанасио айни вақтида ўлиб кетди, аксинча болани ўлдиришга амр этган бўларди, Лунеро эса уни қазодан қутқариб қолди. Сўнги тамаки майдонлари янги касиклар қўлига ўтди, соҳибларга эса фақат қирғоқбўйидаги топи чангалзорлари ва эски уй - бўм-бўш дарз кетган тувак қолди. Меҳнаткашларнинг ҳаммаси Лунеронинг кўз ўнгида янги сеньорнинг заминига ўтиб кетишди, янги плантацияларга ишчиларни тоғ томондан олиб келишди. Теварак-атрофдаги қишлоқ ва қўрғонлардан ҳам эркакларни ҳайдаб келишди, Лунеро ўзи ва соҳибларга егулик топиш илинжида мана шу ишни - шамдон ва каноэ ясашни ўйлаб топиши лозим эди. У дарё ва чалдевор уй оралиғидаги унумсиз бир парча ердан ҳеч ким қувмаслигига инонар, чунки одам ўтиб бўлмас чангалзор орасида бола икковини ҳеч кимса кўролмасди. Ун тўрт йил ичида бу жойлар бир неча марта текшириб чиқилди ва касик уни кўриб қолди - ғарам орасидаги

сўнгги игна топилган эди. Шу боис кеча қора сюртуғида нафаси қайтғудай бўлиб, чеккаларидан оқаётган терни арта-арта, касикнинг ёлловчиси келиб, Лунерога эртагаёқ, яъни бугун - сеньорнинг штат жанубидаги асьендасига боришни тайинлади: у ерда тамаки плантацияларида одам етишмайди, Лунеро эса бу ерда қорнини осилтириб, ароқхўр ва жинни кампирни қўриқлаб ўтирибди. Лунеро булар ҳақида кичкинтой Крусга қандай айтишни билмади, чунки унинг буларга ақли етмайди - бола фақат дарё ёқасидаги ўз ишини, очнаҳор тоза дарё сувида чўмилишни, унга егулик моллюска ва краблар инъом этадиган денгиз соҳиллари ёки у билан ҳеч ким гаплашмайдиган яқин орадаги ҳиндулар қишлоғига саёҳат қилишни билади. Нафсиламрини айтганда, мулат мабода эски тарих ғалтагини тортмоқчи, калавани чувалатмоқчи бўлса, ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келар, бу эса болани йўқотиб қўйиш билан баробар эканидан қўрқарди. Аммо бола менга азиз, деб ўйларди қўли узун мулат жилвиртош билан пўстни шилаётиб, оҳ, бу ердан опаси Исабель Крусни таёқлаб ҳайдаб кетган ва болани унга топширганидан буён жони каби азиз; Лунеро ўз кулбасида болани соҳибларнинг катта сурувидан ажралиб қолган қари эчки суғи билан парваришлади, болага Веракрусда, фаранглар хизматида бўлган чоғда ўрганган ҳарфларини нам кумга ёзиб ўргатди, унга сузишни, меваларни фарқлашни, мачетени жиҳозлашни, шамдон ясашни, Лунеронинг отаси Сантьяго-де-Кубадан, уруш бошланиб, фаранг оилалари барча хизматкорлари билан Веракрусга келиб ўрнашган, ўша пайти отаси ўрганган қўшиқларни унга ҳам куйлашни ўргатди. Лунеронинг бола ҳақида билганлари шулардан иборат, холос. Айтмоқчи, у бошқа нарсани билиши ҳам шарт эмас, чунки бола ҳам Лунерони яхши кўради, унингсиз яшай олмайди. Бироқ бу кўланкалар - сеньор Педрито, ҳинду аёл Баракоя, кампир - бошқа дунёнинг одамлари уларнинг бошига пичоқ тираб, ажратиб юбормоқчи бўладилар. Улар унга ва унинг ўртоғига сира қайишмайдиган бегона одамлардир. Бола шундай деб ўйларди ва ҳаётни шундай деб тушунарди.

- Қара, шамдонлар кам бўлса роҳиб дакки беради, - деди Лунеро.

Учиб келган шабада пиликларга осиглик шамдонларни бир-бирига уриб жаранглатди; чўчиб тушган тўтиқуш чошгоҳ бўлганидан дарак этди.

Лунеро ўрнидан туриб, сувга тушди; тўр деярли дарё ўртасигача ташланган эди. Мулат сувга шўнғиб, бир оз ўтиб қўлида тўрни ушлаганча сув юзига сузиб чиқди. Бола ҳам иштонини ечиб, ўзини сувга отди. Танаси билан сувнинг ҳар қачонгидан ҳам совуқлигини сизди; бошини сувга тикиб, кўзини очди: тип-тиник оқим сербалчиқ яшил чуқурлик устидан шиддат-ла оқиб ўтди. Сўнг чалқанча бўлди, сув уни соат капгиридек айлантирди: ху анави ерда ўн уч йилдан буён ташқарига чиқмаган, у фақат олисдан кўрадиган ҳалиги одам ва исмини биладиган ҳалиги хотин яшайдиган уй ортда қолди. Бола бошини сувдан чиқарди. Лунеро балиқ қовуриб бўлиб, пичоқ ёрдамида папайя тозаларди.

Тушдан сўнг куёшнинг ўткир нурлари яшил тропик томни тешиб, ерга қадаларди. Барглар қилт этмас, гўё дарё ҳам оқишдан тўхтагандек. Бола қип яланғоч бўлиб, куёш аста-секин тана ва шох-шабба соясини сиқаётган якка пальма дарахти тагига узала тушиб ётди. Куёш уфққа қараб оғди, бироқ унинг қия шуълалари ер устига таралиб, бола баданини борган сари ёритарди. У шип-шийдам тана тагида ётганида шуъла аввал товонини, кейин ёйилган оёқларини ва мудроқ аъзоларини, япасқи қорнини, совуқ сувга чиниққан кўкрагини, ориқ бўйни ва ўжар жағини, шуъла ундан юқорилаб, билиниб қолган, бурни дўфаси, мустаҳкам яноқлари, ёниқ кўзларини бекитиб турган қобоклари томон чўзилган бир жуфт ажинини хузурбахш айна осуда дамда ёритиб турарди. У ухлар, Лунеро эса дўстаман ётиб, бармоқлари билан қора кастрюлни чертарди. Оҳанг уни маҳлиё этган эди. Ҳорғин туюлган бадани эски идишни такур-тукур қилаётган унинг қўлидек таранг эди. Такир-тукур жадаллашиб, хотирасини ағдар-тўнтар қилди, мулат ҳар доимгидек болалик ва ўтмиш ҳаёти ҳақидаги кўшиқни, унинг бобокалонлари ўзларини сейбой остида кўнғироқли баянд бош кийимларини кийиб тахтга ўтказган ва кўкракларига ароқ суртиб, ҳалиги одам креслода бошини оқ рўмол билан ўраб ўтирган пайти ҳаммалари маис ароғи ва нордон апельсинларни бир томчи қолмагунча ичган ҳамда болаларига кечалари:

Йеие қизга  
 йигит ёқар... хотинига боғланган...  
 Йеие қизга йигит ёқар, хотинига боғланган  
 Йеиега, Йеие қизга ёқар йигит хотинига...

деб хуштақбозликни насиҳат этувчи эски кўшиқни бошлаб юборди.

Оҳанг уни ўзига ром этган эди. Мулат кўлларини ёйиб юборди, кафтларини нам ерга босиб, бармоқларини уриб, қорнини ифлос ерга ишқай бошлади, табассуми юзини, кенг яноқларини чўзиб юборди: “Йеиега ёқар йигит хотинига...” Тушки куёш унинг жингалак сочли думалоқ бошига қўрғошин эритиб қуяр, Лунеро эса жойидан туролмасди - тер пешонаси, қовурғалари ва сони бўйлаб оқарди; маросим кўшиғи тобора секинлашиб, сўниб борарди. Овози сўнган сари у заминни янада кучлироқ ҳис этар, қаттиқроқ босар, гўё уни эгаллаб олгандай бўларди. “Йеиеқизгайеиега...” Унга нашъу намо келарди, унга унутиш илтифот этарди - Лунеро бугун кундузи, ҳадемай келадиган қора сюртукли одамни хаёлига ҳам келтирмасди; у тумба<sup>1</sup>, фарангча тумбани эслатувчи ётиб тушадиган рақсга ва ёнган қўрғончада асир қолиб, унутилган аёллар ҳақидаги кўшиқни бутун вужуди билан жўшиб куйларди.

Орқада - офтоб тифида ухлаб масрур ётган бола уйқусида алаҳлаб чиқадиган уй ва қуюқ бутазор. Анали қорайган деворлар либераллар Максимиланни ўлдиргач, салтанатга қарши юришини тамомлаб, шу ердан ўтиб кетаётганда ўз хонасини фаранглар кўмондонига, маршалга ҳиммат этган, вино сақланадиган ертўласини эса - консерваторлар кўшинига бўшатиб берган оилани кўриб қолишади-да, уйга ўт кўйиб юборишади. Тоғларга чекиниб, водий ва Веракрус музофотидаги шаҳар қалъаларида ўрнашган фаранг лашкаргоҳларига ўхтин-ўхтин ҳужум қилиб турадиган хуарачиларга қарши ҳужумга ўтишдан олдин Наполеон Учинчининг аскарлари Кокуйя асьендасида озиқ-овқат - хачирларга қоқланган гўшт, ловия ва тамаки ғамлаб олишган эди. Зуавилар асьенда яқинида, виуэле ва арфа садолари остида рақсга тушаётган ва “Балаху кетди рушга, мени ўзи билан олмади”, деб кўшиқ айтаётган аёлларни учратишиб, тунларни кейинчалик сарғиш сочли метис ва кўзи сариқ, териси буғдойранг мулат туғадиган, Дюбуа ёки Гарье ўрнига Гардуньо ёки Альварес деган исм оладиган ҳинду ва мулат хонимлар билан хуш-хандон ўтказишарди. Ҳа, Людивиния кампир иссиқ забтига олган дамларда кўримсиз шамдонлар - бири оқланган силлиқ шифтда, иккинчиси нақшинкор ёғоч каравот бурчагида осилиб турибди - сарғайиб кетган тўқима дарпардали ётоғига умрбод бўлган, уни бургут юзи ва ялт-юлт этувчи турмаклари сира ўхшамаса-да, аммо асьенданинг барча мулатлари каби негрча Баракоя исмини олган, Людивиния кампир кўзларини юмганча бу ёқимсиз кўшиқнинг биргина сатрини пичирларди. Аслида бу кўшиқ унинг ёдида қолмаган, аммо зўр бериб эслашга уринарди, чунки унда бир замонлар оиласи билан борди-келди қилиб юрган, Людивиниянинг марҳум эри Иренео Менчаканинг дўсти саналган, генерал Санта-Ана<sup>2</sup> мулозими бўлган, генерал Хуан Непомусено Альмонте калака қилинган эди, Мексиканинг бу халоскори ва Менчака оиласининг улуғ ҳомийси қувғиндан қайтиб, ичбуруғдан қутулиб, шу ерда тўхтаган Непомусено Альмонте сотқинлик қилиб, фарангларга Санта-Анани тутиб беришга ва яна унинг кемасини қайтаришга ёрдамлашган эди. “Непомусено авлиё Хуан - нажас ва ноқис”. Людивиния Хуан Непомусено Альмонтенинг - роҳиб Моралеснинг мингтача қизининг биридан бўлган ўғилнинг - қорамтир юзини тасаввур эта олар ва хуарачиларнинг генерал Санта-Анани ўлгунича ер билан битта қилган лаънаткор кўшиқдаги мана бу: “бехосдан чор тарафингни босқинчилар қуршаб олса, гўзал хотинингни ўғирлаб кетиб, иштонини ечса, сен ўзингни қандай осардинг...” деган ўйноқи ибораларини эслаб, тишлари тўкилган оғзини буриштирарди. Людивиния ҳинду аёлга елпиғични жонлироқ силкит ишорасини қилиб, кулги уйғотадиган даражада шанғиллади. Оҳак билан оқланган ирkit ётоқхона ҳозиргина салқин бўлиб, иссиқ тропик ҳаво дим ва бўрқсиққан эди. Деворлардаги нам доғлар

<sup>1</sup> Т у м б а — негрлар рақси.

<sup>2</sup> С а н т а - А н а — Мексика диктатори.

кампирга завқ берарди - унинг лейтенант Иренео Менчакага эрга теккунча ҳамда ўз ҳаёти ва тақдирини уларга дарё бўйидан унумдор, тоғ этаги ва денгиз ёқасидан бўз тупроқли катта участкалар инъом этган Антонио Лопес де Санта-Ана тақдири билан боғлагунча ёшлиги кечган жойлар, иқлимни эслатиб турарди. “Бўрон келди фаранг элидан, бўрон ва расволик... Бенито Хуарес ўлди, у билан эркинлик ҳам ўлди”. Сўнгра кампирнинг юзи норозиликдан тиришиб бужмайди, гўё у пага беланган қорқўтирлари минглаб бўлақларга ажралгандай бўлди, аммо кўкиш қон томирлар тўри остида бус-бутун турарди. Людивиниянинг - қора ипақдан тикилган ва чирик қадама тўрли энги - ҳаракатга келиб, титроқ қўллари билан Баракояни четга итариб юборди. Ойна ва ипақ тўргина эмас, балки терак ёғочидан, оёқлари қайрилма, қопқоғи оғир мрамардан ясалган стол ва унинг устидаги шиша қалпоқли соат; фишт полдан қўзғалмайдиган чодир филофли тўр беланчак; қартабозлик столчаси, мис михлар, тунука қоқилган сандиқ, номи чиқмаган креолларнинг - адл, кўркам, қалин бакенбардли эркак, сийнаси бўртиб турган ва тошбақасимон тароқли аёлнинг япасқи портретлари; руҳонийлар сурати тагига қўйилган тунука тағлама; Аточидан чиққан авлиё боланинг тасвири туширилган эски, увадаси чиққан, ялтироқ гуллари хира тортиб қолган суратли гилам; ялтироқ япроқлар билан зийнатланган, қимматбаҳо гулдор чодир тагидаги оёқлари ўймақори қаравот, - руҳсиз тананинг бошпанаси, кир-чир чойшаблар ва тешиқларидан ичига тикилган чирик сомонлар кўриниб турган матрослар уяси зир титраб кетди.

Энгин бу кулбау вайронани четлаб ўтган эди. Уни бой берилган заминлари ва ўғлининг пистирмада ўлдирилгани, мулатлар кулбасида туғилган бола ҳақидаги хабарлар ҳам четлаб ўтган эди. Ҳиссиёт эмас хабар четлаб ўтиши мумкин.

- Ҳинду хотин, кўзадан сув олиб кел.

У Баракоя чиқиб кетгунича кузатиб турди, сўнгра ўз аъмолини бузиб, дарпардани четга сурди ва қошларини чимириб, ташқарида нима бўлаётганидан огоҳ бўлиш мақсадида атрофга олазарақ боқди. У бу нотаниш боланинг кунмакун ўсаётганига дераза ортидан, тўқима парда ортидан туриб, бекитиқча назар соларди. У бу яшил кўзларни танир, ўз миясию юз ажинларида бутун аср - аввалги кўёш, аввалги осмон, аввалги замин аксларини муҳрлаган кампир бу ёш танада ўзи мужассам бўлганини билиб, завққа тўлиб-тошиб қақағларди. У бардош берди. Тирик қолди. Дераза олдига келиш унинг учун бир азоб эди; у деярли эмаклаб, қўллари тиззасига тираганча ерда думалаб келарди. Саватдек оппоқ боши орқасига, елка суякларига осилиб қолган эди. Шундай бўлса-да, у тирик қолди. Ўзининг гижимларига ётган тўшагидан эшиккача, бу ёш ва исёнкор мамлакатнинг барча имкониятларидан: унинг барокко услубидаги соборлари, унинг олтин ва кумуш конлари, унинг туфдан ва тарошланган тошдан тикланган саройлари, унинг сотиладиган клирлари, унинг мангу сиёсий карнавал ва унинг ҳар қандай ширинсўз хорижликларга божхона имтиёзлари яратиб берадиган доимий муҳтож ҳукуматидан фойдаланиб қолиш мақсадида Мехикога йўл олган турнақатор испан прелаглари, фаранг тужжорлари, шотланд муҳандислари, инглиз бонафурушлари, олибсотарлар ва денгиз қароқчиларини Кокуйя асьендасининг эшиқларида кутиб оладиган оқ танли малика каби юрмоқчи бўлиб, оқсаб-тўқсаб борарди. Эр-хотин менчакалар асьендани ишчилар, безорилар, ҳиндулар билан муомалада бўлиб, ҳақиқий эркак бўлишини кўзлаб катта ўғли Атанасиога қолдирдилар, - бу пайт Мексиканинг шонли кунлари эди, - ўзлари эса ҳазрати олийларининг умидларни пучга чиқарувчи ҳовлисига, Мехикога равона бўлдилар. Генерал Санта-Ана ўзининг неча йиллик жондай жўраси - эндиликда полковник - Менчакасиз яшай олармиди? Хўроз ва отларни беш қўлдай ажрата оладиган, Касамата режаси, Баррадас, Эль-Алама, Сан-Хасинто, Герра де лос Пастелесга қилган юришларини, ҳатто янки босқинчиларидан мағлубиятга учраганларини эслаб, уззу-кун ичадиган Менчакасиз яшай олармиди? Генерал мағлубиятлар ҳақида оёқлари билан ер тепиниб, бир қўлига бокал ушлаб, иккинчиси билан ўзининг ҳали тўшаги совиб улгурмаган, марҳум биринчи хотинидан қолган қизи-умр йўлдоши Флор де Мехиконинг ҳурпайган қалин сочларини эркалаганча масҳараомуз гапирарди. Кейинроқ ҳукмдор либераллар тўдаси томонидан Мексикадан қувиб юборилгач,

қора кунлар бошланди, эр-хотин менчакалар оқсоқ золим - хўроз уриштириш ишқибози томонидан пеон бўлиш ёки тоғ этакларига кўчиб кетишга мажбур бўлган ҳинду деҳқонлардан сўрамай-нетмай тортиб олиб, уларга ҳадя этган асьендасидаги мулкларини, минглаб гектар ерларни муҳофаза этиш учун қайтиб келди; Кариб денгизи оролларидадан ҳайдаб келинган негрларнинг арзон-гаров қўли билан ҳайдаладиган ерларга; Менчакадан қарздор бўлиб қолган кичик мулкдорларнинг участкалари билан тобора кенгайиб кетган ерларга қайтиб келди. Ҳар йили уюм-уюм тамаки барглари йиғиб олинади. Банан ва манго сероб. Сьерра-Мадренинг пастқам ёнбағирларида сурув-сурув эчкилар боқилади. Мулк ўртасида - минораси гулдор бир қаватли уй, ёнида деворлари отлар кишнашидан қалтирайдиган сайисхона қад кўтарган, ландо учун сарой ва қайиқлар турадиган причал бор эди. Кўзлари яшил ўғил, Атанасио оппоқ кийимда оқ от - бу ҳам Санта-Ана қилган совға,- минган Атанасио бўлиқ майдонлар узра қамчисини ҳаволатиб, отни гижинглатиб ҳайдаркан, кўпинча суд ва жазога шошилар, ёки деҳқон қизларга гап отарди, хуарачиларнинг кейинги пайтда ўхтин-ўхтин босқинларидан ҳайдаб келтирилган негрлар тўдаси билан ерларни муҳофаза этарди. “Яшасин Мексика, жонажон ватан, ёт ҳукмдорлар чириб кетгуси...” Салтанатнинг сўнги кунларида, қария Иренео Манчакага Санта-Ана янги республикани эълон этиш учун қувғиндан қайтиб келди дейишганида, қария тўлқинқайтарғич ёнида турган қайиққа қора аравасини ортмоқлаб Веракрусга отланди. “Вирхиния” палубасида туриб, Санта-Ана ва унинг немис қароқчилари кечаси Сан-Хуан-де-Улуага сигнал беришди, аммо ҳеч қандай жавоб ололмадилар. Порт гарнизони салтанат тарафида бўлиб, палуба вимпеллари тагида уёқдан-буёққа юрганча ўз душманларини ҳақоратлаётган собиқ мустабидни мазах қиларди. Елканлар яна кўтарилди, икки эски қадрдон жўра капитан-янки каютага кириб, қарта ўйнагани ўтиришди - кема тек қотган, иссиқ денгизда сузиб борарди; сароб кўйнида соҳил баъзур кўринарди. Мустабиднинг кўзлари қайиқнинг байрамона безатилган вимпеллари орасида Сисалнинг оқ юзига қадалган эди. Оқсоқ қария ўзининг садоқатли ҳамроҳи билан бирга қирғоққа тушиб, Юкатана аҳолисига ўз прокламациясини узатди ва яна ҳокимият ҳақидаги ширин орзуларга ботди, чунки Максимилиан Керетарода ўлимга маҳкум этилган, республика яна ўзининг эски ватанпарварлари ва қонуний йўлбошчисига, тож киймаган ўз монархига суяниш ҳуқуқига эга бўлган эди. Сесалнинг комендантлари уларнинг икковини ҳам қандай қўлга олгани, Кампечега қандай жўнатишгани ва у ерда безорилар сингари қўллари боғланиб, милтиқ тиглари остида қамоқда яшаганини одамлар кейинчалик Людивинияга сўзлаб беришди. Уларни крепостной қамоқхонасига ташлашгани, истеъфодаги полковник Менчака пўпанак босган захдан сассиқ камерада қандай шишиб ўлганини ҳам айтиб беришди. Бу вақтда Шимолий Америка газеталари Санта Ана хуарачилар томонидан Триест шаҳзодаси каби айбсиз ўлдирилганини жориа этишди. Бу ҳақиқатга тўғри келмас эди; Иренео Менчака жасади бўғоз ёнидаги мозорга кўмилган, унинг жаҳду жадал ва қалтис ҳаёти мамлакат ҳаёти сингари сўнган эди, Санта-Ана эса ўзининг нодонларча иржайиши - юкумли нодонлиги - билан яна бадарға этилган эди.

Людивиния бу фожей воқеаларни унга Атанасио айтиб берганини мана шундай иссиқ дамларда эслайди, шундан бери у хонага ўзи яхши кўрган нарсаларини - ошхонадаги шамдонларни, михланган сандиқларни, энг қимматбаҳо картиналарни олиб келиб, асло ташқарига чиқмайди. Ҳаёлпаризионлиги боис тез орада юз беражак ўлимни кута бошлади, аксига олиб ўлим ўттиз беш йилдан буён кечикмоқда, аммо ўлим тўқсон уч ёшли, илк бор алғов-далғов бўлган йили, Долорес черкови қавми орасида дод-вой ва тошлар визиллаб учган, туғруқхона эшиклари лўкидонлари қўрқувдан маҳкам ўтказилган пайтда дунёга келган кампир учун аҳамиятини йўқотган эди. У тақвим нелигини унутиб юборган эди ва 1903 йил ҳам тез орада ўлиши ва ўлган эрини кўмсаётган вақтнинг давоми эди. У 1868 йили чиққан катта ёнғин унинг бекик хонаси эшиклари ёнига келиб ўчганини ҳам эслай олмасди. Ҳар икки ўғли - у кўпроқ Атанасиони яхши кўрарди - унга тезроқ чиқинг, бўлмаса ёниб кетасиз, деб қичқирди, аммо Людивиния ёриқлардан ёпирилиб

кираётган қуюқ тутундан йўтала-йўтала стол-стулларни эшик ёнига устма-уст қаларди. У битта ҳинду аёлидан бошқа ҳеч кимни кўргиси келмасди, чунки кимдир унга овқат олиб келиши ва қора кийимларини тозалаб туриши керак эди-да. Кампир ҳеч нарсани билишни истамас ва фақат ўтмиши ҳақида хотирларди. Тўрт девор орасида у фақат қайтмас болалигини ўйлаб, сўнгги пайтларда аллақандай нотаниш мулатга муттасил эргашиб юрадиган болани ҳам ўйлаб, борлиқни ҳис этмай қўйган эди.

- Ҳинду хотин, менга кўзадан сув олиб кел.

Остонада Баракоя ўрнига сариқ аломат пайдо бўлди.

Людивиния додлаб юборди ва устига чойшаб тортди, унинг киртайган кўзлари ваҳшатдан катта-катта очилди, юзидаги тангачасимон ниқоб янада тиришди. Эркак бўсағада тўхтаб, қалтироқ қўлларини узатди.

- Мен - Педро бўламан...

Людивиния тушунолмади. У кўркувдан лабини ҳам жуфтлай олмади, аммо унинг қўллари қора латгалар орасидан чиқмоққа, илтижо ва муҳофаза этмоққа уринарди. Оқ либосли арвоҳ оғзини катта очиб, тобора яқинлашиб келарди:

- Мен... Педро... О-оҳ... - деди кимса тақир ифлос иягини тирнаганча. -

Мен - Педро бўламан...

Унинг қовоқлари асабий титрарди. Кўркувдан тош қотган кампир бу уйқудан солқиган юз, тердан сасиб кетган ва ароқ ҳиди келаётган махлуқ нима дейганини тушунмасди:

- О-оҳ... ҳаммаси йитиб кетди. Биласизми?.. Ҳаммаси... шайтонга... Энди эса... - у кўзёши тўқмасдан ҳиқилларди, - негрни ҳам олиб кетишяпти. Афсуски сиз ҳеч нарсани билмайсиз, она...

- Атанасио...

- О-оҳ, йўқ... Мен - Педроман. - Маст беланчакка ағанаб туши ва ўз жойига ётиб олгандек оёқларини чўзиб юборди. - Негрни олиб кетишяпти... сизни... мени... боқаётган...

- Йўқ. Мулат. Мулат, бола...

Людивиния ўзи билан гаплашаётган арвоҳга қарамасдан жавоб берарди, чунки бу бекик сағанага кирган арвоҳнинг танаси ва овози бўлиши мумкин эмас эди.

- Хўш, мулат. Бола ҳам... Барибир.

- Ҳар замонда унинг ҳу, анави ерларда чопиб юрганини кўрганман. Бола.

- Менга бунни ёлловчи келиб айтди... Уйғотиб олди... Чошгоҳда уйғотиб олди... Негрни олиб кетишяпти... Энди биз нима қиламиз?

- Негрни олиб кетишяптими? Кўрғончада ким кўп - негр кўп. Полковник улар арзон, устига-устак, ғайратли, дерди. Сенга маъқул келган бўлса, олти реал берсанг бўлади.

Улар, туз ҳайкаллар кейин, бола бу ердан кетгач, оқшомлари нима хусусида гаплашишларини ўйлаб, жим қолишди. Людивиния кўзини ғашини келтираётган одамга ғилайлатиб қадади, бекик хона эшигидан ҳатлаб, сандиғидаги энг яхши кийимларини атай чиқарган бу кимса ким бўлди ўзи? Ҳа, голланд газламасидан тикилган манишқаси тропик намликдан моғор доғидан кир-чир эди; муштдай қорнини анчагина тортиб турган шими тор, жудаям тор эди. Тўзиган костюми сув кўрмаган танасига, тамакига, ароқ ҳидига ярашмас эди; устига-устак, сўниқ, ўн беш йилдан буён одамлар билан муомалада бўлмаган, қувликдан йироқ кўзлари зарур ишонч ва устунликни ифодаламас эди. Охири овозда қиёфа борлигига тан бериб, оҳ, дея оғир тин олди Людивиния ўзининг ғижимланган тўшагида, гарчи онамининг нақ нусхаси менинг нусхамга ўхшаса-да, бу Атанасио эмас, аллақандай бегона эркак, турқи эркак бўлгани билан соқолли ва манишқали аёлнинг ўзи-ку, деб кампир ҳушида алахларди, бу эркак қиёфа онасига ҳам, Атанасиога ҳам ўхшамайди, - кампир хўрсинди - у ҳатто фожиа юз берган пайти тўкин-сочин яшашдан маҳрум этилса-да, пойтахтда, саройларда қолишни хоҳлаган ўғлини эмас, балки шу ерда яшайдиган, ўзига қарашли ерда ўниб-ўсган Атанасио ўғлини яхши кўрарди. У ҳамма нарсаси бисёр бўлган пайти ўзларининг таъсирини бутун мамлакатга ўтказа олишини; қачонки улар мол-мулкидан бутунлай айрилганда - кампир бошини ишончсиз сарак-сарак этди - уларнинг жойи мана шу тўрт девор ораси эканини тушунган эди.

Она ва ўғил бир-бирига, девор билан ажратилган қайта жонланган ўтмишга қараб турарди.

(- “Сен менга на ер, на обрў-эътибор қолди; бошқалар биз қачонлардир ҳақиқий, асл соҳибларидан ҳамма нарчасини олиб қўйганимиз каби бошқалар ҳам ҳамма нарсамизни олиб қўйишди, демоқчи бўлиб келдингми? Сен менга аллақачон ич-ичимда, бир ёстиққа бош қўйганимизнинг илк кечасиёқ сезган нарсаларимни айтгани келдингми?”

- Мен баҳонадан фойдаланиб қолгани келдим. Мен, энди ёлғиз яшашни истамайман.

- Мен сенинг гўдак пайтингни эслашни яхши кўраман. Мен сени ўша пайти яхши кўрардим, чунки ёш она ўз болаларининг барини яхши кўради. Ёш ўтган сари одамнинг ақли кириб боради. Сабабсиз ҳеч кимни севиб бўлмайди. Яккаш сабаб - қондир, бу сенга сабабсиз азиз бўла олади.

- Мен акам каби кучли бўлмоқчи эдим. Мен мулат ва болага қаттиққўллик қилдим; мен уларни катта уйга яқин келишига рухсат бермадим. Атанасио шундай қиларди, эсингдами? Аммо у маҳаллар ишчилар кўп эди. Энди эса мулат ва бола қолди, холос. Мулат ҳам кетяпти.

- Сен бир ўзинг қолдинг. Бир ўзим қолмай, деб олдимга келдинг. Меҳр порлаб турган кўзларингда сезиб турибманки, сен мени ёлғиз қолган, деб ўйласанг керак. Ўша-ўша аҳмоқлигингча қолибсан, ожизлигингча қолибсан. Сен менинг ўша ўғлим эмассан. У ҳеч кимдан раҳмдиллик кутмаган. Сен - энди-энди турмушга чиққан менинг ўзимсан. Ҳозир эса акси, ҳозир у маҳалдагидек эмасман. Менинг бутун узун умрим ўзим билан бирга, қарилигим эмас, ҳаётим ўзим билан бирга. Сен эса қаридинг, сочимга оқ тушди, ича бошладим, демак, ҳаммаси тугади, деб ўйлайсан. Сени кўриб турибман, гирашира кўриб турибман, мағзава! Сен биз билан пойтахтга бирга борган ўшанинг ўзисан, ҳокимият бизга майхўрлигу ароқхўрлик қилишимиз учун берилган, деб ўйлаган одамнинг ўзисан, сен уни мустаҳкамламадинг, қўллаб-қувватламадинг, унинг қамчисидан фойдаланмадинг, сен бизнинг кучимиз абадий, ўйлашга на ҳожат, демак сизларнинг ёрдамларингизсиз тепада қолсам бўлаверади, деб ўйладинг; биз яна ўзимиз бино бўлган мана бу жонажон заминга, ҳаётнинг мана бу манбаига, мана шу дўзахга қайтиб келдик... Бўй! От теридан, мева ва порох бўйидан ҳам кучлироқ бўй бор... Эр-хотинлар тўшагининг ҳидини биласанми? Мана бу ерлар қандай бўй таратишини эса мутлақо билмайсан... Эшитяпсанми? Сен туғилган пайтинг мен сенга кўкрак тутганман, оқ ювиб, оқ тараганман: “Менинг, менинг ўғлим”, деб эракалаганман, фақат отанг сени туғишим учун эмас, балки менга завқу шавқ бериши учун муҳаббатдан кўр бўлиб, сенинг ҳомилангни яратган лаҳзани ўйлайман; хотира қолди, сен эса ғойиб бўлдинг... Менга қара, дераза ортида...

- Нега сиз бир оғиз гапирмай, менга тикилганингиз тикилган? Майли... майли... Жим тураверинг. Шип-шийдам каравотда думалаб ётишу кечалари шифтга қараб ётишдан кўра, сизни шу ерда кўриб турганим маъкул...

- Сен тирик руҳни изляяпсанми? Бола дераза ортида турибдими? Наҳотки у тирик бўлмаса? Назаримда, сен мени дунё беҳабар, ташқарига чиқмаса нимани ҳам кўрарди, деб ўйлаяпсан... Гўё мен ёнимда танамнинг танаси ўсаётгани, уларнинг авлоди - Иренео ва Атанасионинг авлоди, яна бир Менчака, дераза ортида турган яна бир эркак ўсаётганини биламан... Сен уни изламаётган экансан, албатта, у меники бўлади... Қон даъвати олис-олислардан эшитилмоқда...”)

- Лунеро,- деди бола уйғонган пайти ва нам ерда лоҳасликдан узала тушиб ётган мулатни кўрди,- мен катта уйга кирмоқчиман.

Алгов-далгов тугаган пайти Людивиния кампир ўз гўшанишинлигига нафрати келди ва қанотсиз қарға каби оқсаб юраркан, қирққулоқлар ўсган бутазор томон қичқирди, шамдонлар минбаъд ўчмайдиған ҳужрасидан чиқиб, тун қоронғилигига кўникомаган кўзини кўрлардай бутазорга қадади, сўнг сьерраларга тикилди. У ўлик рангидай кўкарган юзини - никобини савалаётган одамни шох-шаббалар ортидан қидираётгандай қўлларини олдинга чўзди. Замин бўйини туйди ва бўғиқ овози билан унутилган ҳамда ҳозиргина билган исмларни

айтиб бақирди, жаҳл билан қонсиз қўлларини тишлади, чунки унинг кўксигаги алланарса - унинг бутун ҳаётини ташкил этган йиллар, хотиралар, ўтмиш, - унга унинг хотираларидан четда ҳам ҳаёт мавжудлигини, Иренео ва Атанасионинг ўлими билан ўлмаганлардан кимнидир, қондош махлуқни севиши ва яшаши мумкинлигини сўйларди. Аммо айна чоғда, ўттиз беш йилдан буён бир қадам ҳам ташқарига чиқмаган ётоғида сеньор Педритога қарар экан, Людивиния атрофидаги барча жонларни фақат ўтмиш дунёси билан боғларди. Сеньор Педрито тақир иягини силаб, шанғиллаганча яна гапга тушди:

- Она, ахир сиз билмайсизки...

Кампирнинг нигоҳи ўглини гапдан қолдирган эди.

("- Нима, мен билмайманми? Ҳамма нарсанинг интиҳоси борлигини билмайман? Биз таянган аввалги кудратимиз яккаш ҳавойи ваъдаларга, адолатсизлигимиз бошқа адолатсизлик туфайли поймол бўлишини билмасмидим? Эғалик қилишимиз учун отиб ўлдирилган душманлар... эғалик қилишимиз учун отанг тил ёки қўлларини кесиб ташлаган душманлар... эғалик қилишимиз учун отанг ерларини тортиб олган душманлар... кунларнинг бирида уларнинг қўллари баланд келгани ва ўзимизники бўлмаган, қонуний бўлмаган, куч билан қўлга олган нарсаларимизни олиб қўйгани, уйимизни ёқиб юборганини билмайманми? Шунга қарамай, аканг шармандали мағлубиятга мураса қилишни хоҳламади ва Атанасио Менчака бўлиб қолаверди - у пойтахтда сен каби такасалтанг отиб яшамади, шу ерда, пастда, ўз қўллари орасида, хавфни лаънатлаб, сен каби ўзлари зор бўлиб турганларнинг юзига қарамай мулат ва ҳинду аёлларни зўрлаб яшаганини билмайманми? Акангнинг юзлаб дағал, кўрс, шоша-пиша кўшилувларидан жилақурса битта из қолиши кераклигини билмайманми? Бепоён мулкимизда Атанасио Менчаканинг пушти камаридан бўлган ўғил болаларнинг жилақурса биттаси шу атрофда туғилиши кераклигини билмайманми? Кунларнинг бирида, аллақандай негрнинг кулбасида туғилиши керак бўлган унинг ўғли туғилди, отангнинг кучига яна бир гувоҳ сифатида энг куйи табақада бўлса-да, туғилди, Атанасио...")

Сеньор Педрито Людивиниянинг кўзларидан ҳеч нарса уқмасди. Кампирнинг нигоҳи ўлик юзидан ажралгандай, кучли совуқ тўлқин мисоли дим хонада сузиб юрарди. Эски русумдаги кийимли одамга онасининг гапларини тинглаш мутлақо мажбурий эмас эди.

("- Менга гина-кудурат қилманг. Мен ҳам сизнинг ўглингизман... Атанасио икковимизнинг қонимиз бир... Ўшанда, ўша кеча нега шу ҳол юз берди?.. Менга: "Санта-Ананинг эски гвардиясидаги сержант Робаина сиз анчадан бери қидириб юрган полковник Менчаканинг жасадини Кампечедаги қабристондан топди. Гарнизондан портга жўнатилган бир аскар отангнинг ҳеч қандай қабртошсиз кўмилганини кўриб, сержантга айтган. Сержант эса комендантни алдаб, Халискога ўтказишларидан фойдаланиб қолиб, тунда полковник Менчаканинг суякларини ўғирлаб олибди, шу кунларда суякларини бериш учун сизларникига кириб ўтади. Ярим кеча сени ва акангни қишлоқдан икки чақирим наридаги ўрмон чеккасида, илгари қайсар ҳиндуларни осган жойда кутади", деди. Бизларни бошлаб алдашган экан. Атанасио ҳам, мен ҳам бу гапга чиппа-чин ишонган эдик; унинг кўзи жиққа ёшга тўлиб, айтилган гапларнинг ростлигига заррача шубҳа қилмади... Эҳ, ўшанда нега Кокуйяга келгандим ўзи? Дарвоқе, менинг Мехикога кун кечиримиз учун пулим тугаган эди, Атанасио эса мендан ҳеч нарсасини қизганмасди; унинг дасти узун эди, шу боис Кокуйядан йироқда яшасам ҳам бўларди, чунки у музофотда биттау битта Менчако бўлишни, сизнинг ёлғиз посбонингиз бўлишни хоҳларди.

Қизғиш ой чиққан ўша иссиқ ёз кечаси келишилган жойга отларда етиб бордик. Бизни у ерда сержант Робаина отга суянган қўйи кутиб турган экан. Сержантни биз болалигидан танирдик. Унинг тишлари гуруч донасидай оплоқ, мўйлаблари ҳам оқариб қолган эди. У мудом генерал Санта-Анани кузатиб юрарди, асов бияларни минги қилишга моҳир эди. Мудом ваҳимали бир эрмак топгандай бошқаларнинг завқини келтириб куларди. Биз миниб борган от сағрисига ифлос халта ташлаб қўйган эдик. Атанасио халтани бағрига босди, сержант эса гулдуреган овозда нафаси қайтгудек бўлиб куларди. Шу пайт



бутазордан ойнинг аломатидай бўлиб, оқ кийинган тўрт одам чиқиб келди. “Улар руҳлар, азоб берувчи руҳлар!- деб лоф урди сержант.- Гуноҳкор руҳлар мураса қилмади, йитган нарсаларни қайтариб олмоқчи улар!” Кейин дарҳол жимиб қолди ва Атанасионинг устига бостириб борди. Қасам ичаман, менга ҳеч қайсиси қарамади; улар ҳеч қасқа қарамай, тўғри акамнинг устига бостириб боришди, гўё у ерда мен йўқ эдим. Мен отга қандай ўтирганиму у ердан қандай қочганимни эслай олмайман, мачетени кўтарган тўрт одам Атанасиони ўраб олишди, Атанасио эса менга бамайлихотир, сал бўғиқ овозда: “Тўхта, ука, эгардаги нарсага қара!” деди. Мен тиззамга милтиқ қўндоғи урилганини ҳис этдим, аммо мен тўрт одамнинг Атанасиога қандай ташланганини кўрмай қолдим, улар унинг оёқларини боғлашди, кейин ой ёғдусида, сокин тунда уни нимталаб ташлашди. Ҳақиқий соҳиб бўлиши учун эртами-кечми Атанасиони ўлдирмоқчи бўлган янги касикнинг йигитлари ўлдирганини била туриб, асьендадан қандай ёрдам кутишим мумкин эди? Энди ким уларга қарши кураш олиб боради? Мен ҳатто эртасигаёқ ўз еримизни тортиб олган кўшнимизнинг панжаралар ўрнатганини сезмай қолибман. Қўлимдан нима келарди? Ишчилар барибир ҳам унинг тарафини олишарди; ахир Атанасиодан ёмонроқ соҳибни топиш амримаҳол эди. Бирор нарса бошлаб қолмаслигини пойлашгандай федерал отряд бир ҳафта касикнинг янги чегарасидан нари кетмади. Қасқа ҳам кетардим? Менга тегинмагани учун уларга раҳмат айтишим керак. Бир ой ўтгач, генерал Порфирио Диас янги, музофотдаги энг катта ҳовлига ташриф буюрди. Мени роса хўрлашди. Менга Атанасионинг мажақланган жасади билан ҳўкиз суяклари ва шоҳли бош суякларини беришди,- сержант бизга халтада шуни олиб келган экан. Менинг бечора Атанасионинг хотираси шарафига машғум қуролни эшик оғзига илиб қўйишдан ўзга чорам қолмаган эди, кейинчалик кунимга яраб қолар. Худо ҳаққи, ўша кеча... Гарчи от чоптириб қайтаётганимда отга ўтирган пайтим, қўндоқ тиззамга урилган бўлса-да, қурол борлигини билмабман, она, рост...”)

- У ёққа зинҳор кирмаслик керак,- деди Лунеро ва унинг ваҳима рақси ва соғинчи, сўнгги кунда бола билан сўзсиз хайрлашган куни муҳрланган ердан турди. Соат олтига яқинлашган, ҳадемай ёлловчи келиб қолади.

- Тупканинг тубидаги плантацияларга жўнайсан,- деган эди кеча ёлловчи. - Жўнайсан, вассалом. У ёқдан қочиб бўпсан - у ерда елкаси ягир бўлганлар қочоқнинг эркинликка чиқишига ёрдам бериш ўрнига тутиб беришни афзал билишади.

Йўқ. Лунеронинг бутун, фикри-зикри денгиз бўйларида эди. Аждодлари даввати ва тутқунлик олдидаги кўрқув уни шу ёқларга чорлаётган эди. Тезоқар, суви Мексика қўлтиғига қўйиладиган дарёга тикилиб турган мулат ердан турганда боланинг кўзига баҳайбат бўлиб кўринди. Кафтлари қирмизи жигарранг тана ўттиз уч йил давомида ниҳоятда етилган эди! Мулат оғир тин олди ва яна бир марта денгиз томонга қаради гўё эркинлик ва тамомила очик ҳаётдан ҳайрон қолгандай. Бола шарт туриб, қип яланғоч ҳолида Лунерога талпиниб, уни қучиб олди,- бўйи мулатнинг кўкрагидан келарди.

- Лунеро, кетма...

- Болакай Крус, ё раб, нима қилай?

Мулат ўзини йўқотиб қўйди, боланинг бошини эркалаб силади ва ўзи кўрқадиган мана шундай оғир дамларда кўкси бахт, миннатдорлик ва дардга тўлаётганини ҳис этди. Бола унга ўгирилди:

- Мен уларнинг олдига бориб, сенинг кетмаслигингни айтаман...

- Уларнинг олдига?

- Ҳа, ўша катта уйга.

- Болакай Крус, у ерда бизларни жини суйишмайди. У ёққа асло кира кўрма. Кетдик, ишлаш керак. Мен ҳали бу ерда бир неча кун бўламан. Ким билади, балки умуман кетмасман.

Шиддатли дарё ўз тўлқинларида ҳеч нарса гапирмаслик ва ўзининг яккаю ягона кичкинтой дўстининг қўлидан чиқиш учун сувга шўнғиган Лунерони кўрсатмай қўйган эди. Бола яна шамдонли доира олдига келди ва Лунеро

оқимга қарши сузаётган пайти тўсатдан сувда чўкаётгандек питир-питир қилаётганини кўриб, кулиб юборди, сўнг яна шўнғиб кўздан ғойиб бўлди-да, сув юзига таёқчани тишлаб қалқиб чиқди, қирғоқда кулгини қистайдиган даражада пишқириб, дилдираб сувдан тозаланди. Охири болага тескари, пўсти силлиқланган шох-шаббалар ёнига ўтириб, қўлига болга ва михдан олди. Ёлловчи ана келади-мана келади, деган фикр яна безовта эта бошлади. Куёш дарахтлар ортига бош кўярди. Лунеро ўйлаши керак бўлган нарсани ўйлагиси келмасди, алам тиғи мажруҳ бахтини бўлтаклаётган эди.

- Кулбадан қумқоғоз олиб кел,- деди мулат болага бу сўзлар хайрлашув эканини била туриб.

Шу ҳолда, эски иштон ва кўйлақда ҳам борса бўлаверади. Яна нимани кутяпти? Ҳозир, куёш ботиши билан сюртукли одам кулбага лойга ботиб келмаслиги учун уни эҳтимол, сўқмоқда пойлаб тургандир.

- Ҳа,- деди Людивиния,- буни Баракоюдан эшитдим. Биз бола ва мулатнинг меҳнати ортидан кун қўряпмиз. Буни тан олгинг келадими? Улар бизни боқяпти. Сен эса ҳалигача қандай муомала қилиш кераклигини билмайсан?

Кампирнинг ёлғизликда минғирлашга кўниккан овози базўр эшитилди, худди олтингугурт конидан чиқаётган сув каби секин ва вазмин қуйиларди.

- ... отанг ва аканг муомала қилганидай: чиқиб, анави мулат ва болани ҳимоя қил, уларни олиб кетишига йўл берма... агар керак бўлса ҳаётингни қурбон қил, хўрликда яшагандан кўра... Борасанми ё ўзим борайми, овсар?.. Болани олдимга олиб кел! У билан ўзим гаплашаман...

Лекин бола овозларни эшитмасди, одамларни кўрмасди - Людивиния тоқатсиз ишора билан сеньор Педритого шамдонларни ёқишга буюрганида нафис тўр дарпарда ортида юрак ҳовучлаб турган рамзларни кўрди. Бола дераза ёнидан жилиб, оёқ учида юрганча гамак осиглик ва ёлғиз ароқхўр маишат қиладиган, устунлари куюк қаровсиз катта уй айвонига бекина бошлади. Бу ерда нафақат гамак, балки эшик устидаги бир жуфт илгакда, 1889 йилнинг ўша кечаси сеньор Педритонинг эгариди бўлган ва шундан бери вақти-вақти билан ёғлаб ва тозалаб турадиган милтиқ - қўрқоқнинг сўнгги умиди,- осиглик эди, шунга аминманки, бу билан ҳеч кимни отмайди.

Кўшотар оқ кесакидан кўра ёрқинроқ ялтирарди. Бола унинг тагидан ўтди, асьенданнинг эски залида на пол, на шифт қолган эди; тепадан ёгилиб тушаётган шомнинг яшилтоб нури ажриқ қоплаган, кул тўкилган, қурбақалар қуруллайдиган, бурчақларида ёмғир сувлари қорайиб турган уйнинг бўм-бўш асосларини ёритарди. Ундан нарида буталар ўсган кичик патио бор эди, кейин эшик бўлиб, унинг тагидан нур сузиб кирарди, демак, шу ерда яшашган. Патионинг нариги учида, бир вақтлар ошхона бўлган жойида ҳинду аёл Баракою шом тушишини хавотир аралаш кузатиб турарди. Бола залнинг қорайган деворларига қапишиб олди. Айвонга қайтиб келиб, кесакидан ушлаб, қуролни олиш мақсадида ерга бир жуфт синиқ гишт бўлаклари қўйди. Овозлар шовқини кучаярди - бири жаҳл билан чийиллади, иккинчиси тавозе билан ширин гапирди. Охири узун бўйли бир кимса хонадан шошилиб чиқди: сюртугининг орқа этаклари оёғига тегиб турар, чарм ботинкалари даҳлизнинг тош тўшамаларига тақ-тўқ урилари. Бола ортиқча ивирсимасди. У бу оёқлар қайси йўлдан кетишини биларди. Милтиқни кўкрагига босиб, сўқмоқ бўйлаб ўз кулбаси томон югуриб кетди.

Лунеро эса катта уйдан ва кулбадан йироқлаб кетиб, қизғиш заминдан ўтган йўлнинг айрилиш жойида бекинган эди. Соат кечки еттилар эди. Ҳаш-паш дегунча келиб қолишади. Мулат гоҳ у, гоҳ бу йўлга қарарди. Ёлловчининг оти, албатта, чанг кўтарарди. У кутилмаганда яқиндан келаётган туёқ овозини, ортидан қўшоғиздан бирваракайига ўқ узилганини эшитди. Лунеро паришон бўлиб, бир лаҳза қотиб қолди.

Бола кимса уни қувиб етишидан чўчиб, милтиқни қўлидан қўймай ўзини қуюқ бутазорга урди. У тор ботинкалар ва қўрғошин-кулранг тор чолворнинг, худди кечагидек сюртукнинг орқа этаги тебраниб ўтганини кўрди. Ҳа, ҳаммаси равшан - устига-устак, оёқлар кулбага кирди ва кимса "Лунеро!" деб қичқирди. Бола унинг ошиғич овозида мулатнинг ёнига келган сюртукли одамнинг овозига ўхшаш қаҳр ва таҳдид борлигини сездди. Лунеро унга куч билан олиб кетишдан

бошқа нимага ҳам керак бўларди? Унинг кўкрагини милтиқ оғирлиги босиб турарди, гўё болани ич-ичида турган ғазабдан қутқармоқчи бўлгандек, чунки у энди душманлар борлиги, ҳаёт - нафақат дарёдаги сувнинг сассиз уюри ва шамдонли доирадан иборат эмаслигини англаган эди; башарти энди уларга айрилиқ ваҳима соларди. Кулбадан тор чолворли оёқлар чиқди, қўрғошин-кулранг сюртукнинг орқа этаклари тебраниди - у қўшоғизни кўтариб, тепкини босади...

- Крус! Той!.. - деб бақирди Лунеро сеньор Педритонинг бужмайган башарасини, бехос ўлимнинг зўрма-зўраки кулгисини, кўкраги қадама кўйлагидаги қизил доғни кўргач. - Крус!

Бола қалтираганча япроқлар орасидан чиққанида олисдан қонга беланган ва порохдан куйган, деярли яланғоч, кўйлагининг туксиз оппоқ кўкраклари очилиб ётган, бир қўлида шиша тутган одамнинг қиёфасини аранг таниди. Ўлган кимса ўша ароқхўр ва Лунеро билган ўша ораста ва қомати расо кабалъеро эмас эди; бундан олтмиш йил олдин Людивиния Менчаканинг қўлларини сийпаган бола ҳам эмас эди. Фақатгина ҳаракатсиз башара, аҳмоқона турқ, кўкраги қадама кўйлакли қонга беланган одам эди. Чигирткалар чирилларди. Лунеро ва бола қимир этмай турарди, аммо мулат соҳиб унинг дастидан ўлганини тушуниб етган эди. Людивиния кўзини очди, тили билан шаҳодат бармоғини хўллади ва бошидаги шамдонни ўчирди; дераза олдиғача деярли эмаклар борди. Нимадир содир бўлган эди. Шамдон жаранглаб кетди. Ўнганмайдиған воқеа юз берган эди. Қаттиқ отишмадан жаранглаб кетди. У тез орада овозлар тинганини сизди. Яна чигирткалар чириллаши қулоғига чалинди. Барақоя ошхонада яширинганча оловни ўчирди ва порох ҳиди анқийдиган дамлар вақти қайтиб келганини ўйлаб, дир-дир қалтирарди. Людивиния ҳам қулфлоглиқ осуда ётоғи ғазабга торлик қилиб, уни чўлгаб олгунча миқ этмай турди. Кампир уриниб-суриниб, жимитдай қонсиз чувалчанг мисоли ташқарига - тубсиз тунги осмон қўйнидаги, ёнган уй ёриқларидан қорайиб кўринаётган қумоққа эмаклар чиқди. У ўн уч ёшли - у буни биларди - боланинг шу ерда, ёнида эканини билиб, уни айнан ҳозир ушлаш мақсадида қўлларини олдинга чўзди, исмини хаёлан эмас, ҳушида айтмоқчи бўлди. Крус - на ҳақиқий исм, на ҳақиқий фамилия,- Крус она томони мулатлардан бўлган Исабель Крус ёки Крус Исабель қўйган ном. Атанасио уни, музофотда биринчи бўлиб унга ўғил туғиб берган аёлни бу ердан калтаклаб ҳайдаб юборган эди. Кампир очиқ ҳавода тун қандай кўринишини унутиб юборган эди; унинг оёқлари қалтирар, бироқ ҳадеб олдинга талпинар, қўлларини кўтарганча сўнги бор ҳаётни кучмоқчи бўларди. Бироқ у томон фақат туёқлар тақиллаши ва қуюқ чанг ёпирилиб келарди. Терлаб кетган от кишнаб, Людивиниянинг мункайган гавдаси ёнига келиб тўхтади, ёлловчи эгардан тушмай дўқ урди:

- Бола билан мулат қаёққа гум бўлди, шум кампир? Айт, қаёққа гум бўлди, уларни иту аскарларимга талатаман!

Людивиния фақатгина муштини қоронғиликка ғазаб-ла ўқталди, қарғаганча жавоб берди:

- Аблаҳ!- деди кампир ўзини кўрмаётган, аммо тепада, эгарда ўтирган одамнинг тўппа-тўғри юзига.- Аблаҳ,- деб такрорлади у муштчасини пишқираётган отнинг нақ пешонасига олиб келиб.

Қамчи визиллаганча унинг елкасига тушди, Людивиния ерга ағнади, от илкис бурилиб, уни чанга белаб, асьендадан йироқлаб кетди.

Биламанки, қўлларимга игна санчишмоқда, оғриқни сезмасдан бурун додлайман; оғриқни терим ҳис этмасдан олдин миям сезади... Оҳ... огоҳ бўлиб туришим ва англашим учун... оғриқни ниҳоятда тез сезишим учун... мен сезишим керак бўлган... оғриқ бўлишини огоҳ этишларини... чунки англаганингда... бўшашасан... мен қурбонга айланаман... англаганимда... менга бўйсинмайдиган... мен билан ҳисоблашмайдиган... куч борлигини... менгача... етиб келган оғриқ... уколдан эмас... ўз-ўзидан турганини... қаерим оғриётганини билмайман... Мен... кўриб турибман... қорнимни сийпашмоқда... эҳтиётлик

билан... пўк... осилган... кўкарган... қорнимни сийпашмоқда... зўрға ушлаб турибман... қорнимни совунлашмоқда... қорнимни... пастини... машинка билан қиришмоқда... пастини... Тоқатим етмайди... додлайман... додлашим зарур... Қўлларимни... елкаларимни... ушлашади. Менга тегинманглар... хотиржам ўлишимга имкон беринглар, деб додлайман... Тегинмасликлари учун... Тегинишаётганида бардош бера олмайман... шамоллаган қорним... усти шилинган яра каби сезгир... бардошим етмайди... билмайманки... Мени қўйиб юборишмайди... мени суяб туришибди... Ички аъзоларим ҳаракатсиз... ҳаракатсиз эканини сезиб турибман... биламанки... газ тўпланиб қолганидан шишиб кетганман... чиқмайди... ички аъзоларим фалаж бўлган... шишиб кетганман... биламанки... ҳароратим тушяпти... биламанки... Қаёққа урай... кимдан мадад кутай... қандай турай, қаёққа борай?... Кучанаман... чиранаман... қон айланмаяпти... биламанки, бориши керак бўлган жойга бормаяпти... оғзимдан... тўғри ичкадан бориши керак... йўқ... чиқмаяпти... Улар ҳеч нарсани билишмайди... тусмоллашади... мени сийпаб кўришади... тез-тез ураётган юрагимга қулоқ солишади... билагузугимни олишди... пульс йўқ... Эгиламан... икки букиламан... мени қўлтигимдан олишди... мен ухляяпман... мени ётқизишмоқда... мен эгиламан... мен ухляяпман... Уларга гапиряпман... уйкуга кетгунимча гапиришим лозим... ўзим ким эканини билмаган ҳолда... уларга гапиряпман... “Дарёни... отларда кечиб ўтамиз”... Ўз нафасимдан нафас оламан... бадбўй... Мени ётқизишмоқда... Эшик очилди... дераза очилди... мен чопаяпман... мени итариб юборишди... мен осмонни кўряпман... хира нурни кўряпман... устимда порлаб турган... мен сийпаяпман... ҳидлаяпман... кўряпман... таъми синаяпман... мени олиб кетишмоқда... ёнида боряпман... даҳлиз бўйлаб... гулқоғозли... мени олиб кетишмоқда... мен уларнинг ҳидидан нафас олиб, тегиб... ёнида кетяпман... маҳобатли ҳайкаллар, ҳашаматли қадама нақшлар, тилла ва оҳактош ҳайкалчалар, суяк ва тошбақа косасидан ясалган галадонлар, нақшинкор ручка ва лўкидонлар, филенка ва темир ҳалқалар солинган сандиқлар, хушбўй аякауте ёғочидан ясалган ўриндиқлар, қадимий стуллар, барокко услубидаги ёпишқоқ безаклар, креслоларнинг қайрилма суянчиқлари, ранг-баранг рострлар, мис михлар, ошланган терилар, оёқлари қайрилма мебеллар, оқиш ялтироқ ипдан тўқилган суратли гиламлар, ипак филофли креслолар, бахмал ёпинчиқли кенг диванлар, каттакон столлар, қадаҳ ва кўзасимон қўшқулоқли идишлар, қартавозлик столчалари, гулдор қимматбаҳо чодир ва ипак чойшаб тўшалган каравотлар, устун бўйлаб узунасига тортилган тарновлар, герб ва виньеткалар, пахмоқ гиламлар, темир қулфлар, лат еган картиналар, ипак ва кашмирилар, тафта ва жунлар, кўзгу ва қандиллар, қўлда ишланган идишлар... нақшинкор тўсин ва қизил ёғочли бостирмалар ёнида олиб кетишяпти... Улар буни олиша олмайди... улар буни олиша олмайди... Қобоклар... қобокларни очиш даркор... деразани очиб қўяверишсин... думалайман... каттакон кўллар... улкан оёқлар... ухляяпман... очиқ кўзларим устидаги оловлар... осмон оловлари... юлдузларни очинглар... билмайманки...

Сен ортингда осмонга бўй чўзаётган, қувват йиғаётган тоғнинг илк довоғида турасан... Пойингда, қуйида қалин шохлар қоплаган, тунги овозларга тўлиқ, қуйида тропик текислик, айлана, ҳамма нарсани ёпган қоронғиликнинг мовий чодир ястаниб ётади... Сен қоянинг илк ёнбағрида, қалбининг туб-тубида абадий деб билган ҳаётинг тушунуксиз чил-парчин бўлганидан тушкун ҳолда ва ҳаяжонга ботганча туриб қоласан... Чўмилиш ва балиқ тутиш билан, мум шам ва мулат Лунеро билан чирмовуқ чирмашган кулбадаги ҳаётинг ниҳоя топади... Аммо сенинг олдингда ларзага тушган - қайтмас ўтмиш ва ҳис этилажак келажак, - тун ва тоғларнинг буткул янги дунёси намоён бўлади. Унинг янгича боқадиган, бироқ реаллик бўлмаётган қолган ва хотирага айланиб хира тортган қора шуъласи сенинг кўзларингга сингади; боланинг нигоҳи энди аллақандай итоат этилмаган ва бегона, бепоён замин ва ўз кучи измига ўтади... Туғилган манзили ва туғилиш шарт-шароитлари қалтис ришталардан озод бўлади... Ёрқин юлдузлар остидаги тоғлардан ёпирилиб келажак номаълум,

янги, ўзга тақдирга тобе бўлади. Сен ҳаяжондан нафасингни базўр ростлаб олиб, ўтирасан, кўз ўнгингда юлдузлар тигиз жойлашган осмоннинг бир текис ва абадий шуъласи, поёнсиз кенглик намоён бўлади... Ер дирижёр Куёшнинг атрофида тўхтовсиз ҳаракатланиб айланаверади... Ер ва Ой ўз оғирлигига машғул бўлиб, ўз атрофида, ўзга самовий жисмлар атрофида айланишда, давом этади... Куёшнинг оқиш камарига боғланган жамики қавмлари суза бўшлайди, само чанглари оқими эса айни тропик туннинг ёрқин осмон гумбазидаги абадий доира рақсида, ниҳоясиз суҳбатида, чексиз фазода юлдузлар туркуми билан ёнма-ён сузиб боради... Сени қуршаб турган олам, тоғлар, айни тунда илк бор ҳаяжондан қичқирганча ёйиб юборган кўллارнинг кучини даф ва занжирбанд этадиган Ер ва Ой айланмаётгандай, юлдузлар, тоғлар галактика ва туманликлар бир жойда депсиниб қолгандай гўё улар ўз югуригида тортиш, боғланиш ва ишқаланиш кучи борлигини билмайдигандай милтираётган нур сенга, текисликка, тоғларга бир текис ва тўхтовсиз ёғилади. Сен нигоҳингни битта юлдузга қаратгинг, куёшнинг кундузи кўзга кўринмас... аммо ҳароратсиз нурига ўхшаш унинг жамики нурларини ўзингда сингдиргинг келади... Сен инсон кўзлари кўришга ожиз бўлган ернинг ҳақиқий рангини кўрмоқ истаб, тунда ҳам кундузгидек кўзларингни қисиб қарайсан, аммо ернинг ҳақиқий рангини кўролмайсан... Сен қорачиқларингга узук-юлуқ қуюлаётган оқ шуълани мушоҳада этиб, ўзингни унутасан... Коинотнинг берача манбаларидан таралаётган нурлар фазодаги мудроқ дайди жисмларга ур илиб синганча ёғилаверади... Ҳаракатдаги жисмларнинг орасидан сизиб ўтган нур оқими шиддат билан тарқаб, сочилиб кетади ва теварақда, ер устида кўринаётган нарсаларни яратади... Сен бу шуълани сезасан ва айни чоғда... Тоғ ва текисликларнинг яқин ва ожиз: мирта ва папайя, тун нозанини ва тамаки, қарағай ва дафна, ҳазоранггул ва текотеуз, бинафша, мимоза, сариқгул... ҳидларини туясан... Сен уларнинг - муз соҳиллардан қочаётган денгиз тўлқинлари сингари - йироқларга чекинаётганини, нотаниш дунёнинг яқинидан кашф этилган нарсалари сиқиб чиқараётганини равшан кўрасан... Шуъла кўзингга олис уфқ билан баробар қуйилади... Сен иккала кўлинг билан қоя четига чирмашасан ва кўзларингни юмасан... Атрофингдаги чигирткалар чириллаши, адашган сурувнинг маъраши эшитилади... Айни лаҳзада - кўзларинг юмук пайти - сенга ҳамма нарса тепага... ёки пастга, таянган ерга, ҳатто Вегакрус дарёсининг ниҳоятда тор дараси устида учаётган қарчиғай ҳам ерга қараб интилаётгандай туюлади: қояда дам олгач, қора тўлқинларда жилва қилётган ўжар юлдузларни чўктириш мақсадида пастга шўнғиш учун тепага парвоз қилади... Аммо сен ҳеч нарсани ҳис этмайсан... Гўё тунда ҳеч нарса ҳаракатланмагандек, ҳатто қарчиғай ҳам сукунатни бузмаётгандек... Самодаги жисмларнинг тўхтовсиз югуриги, парвози, айланиши кўзларингда ёқс этмайди, сен ҳис этмайсан... Сен чақнаб турган заминни хотиржам мушоҳада этасан... Бутун заминни: қоялар ва конлар, тоғлар занжири, бир-бирига туташ ҳайдов ерлар, оқаётган дарёлар, одамлар ва уйлар, ҳайвонлар ва паррандалар, замин қўйнида чангланаётган кўзга ташланмас қатламларни - бир текис айланишга тўсқинлик қилаётган, аммо халақит беролмайдиган ҳамма нарсани мушоҳада этасан... Сен Лунеронинг хачир миниб келишини пойлаганча тошларни осмонга ота бошлайсан, сўнг бир дақиқа бўлсада, тош ҳам тез ва шиддатли ўз ҳаёти билан яшасин, деб уларни осмонга ота бошлайсан, сўнг пастга, ёнбағирга улоқтирасан; қафтдай куёш думалаб бормоқда, милтираётган шуъла бир зумда ўзгаради... Унинг мунаввар нури каби кўз очиб юмгунча ўзгаради,- энди бу зарра ҳам тоғ этақларида йўқолиб кетди, юлдузлар шуъласи англаб бўлмас тезликда тепадан қуйиларди... Сенинг нигоҳинг тош юмалаб тушган жарлик бўйлаб сирпанеди... Сен муштинг билан иягингни ишқайсан ва сенинг афт-ангоринг тунги осмон фонида намоён бўлади... Сен манзаранинг янги қисми бўласан, аммо тез орада ўзингнинг номаълум келажагингни қидириб, тоғларнинг нариги томонига ўтиб кетасан. Бироқ шу ерда, ҳозироқ ҳаёт сенинг келажагингга айланиб, ўтмиш бўлмай қолади... Фафлат бировнинг айби билан эмас, балки ҳайратнинг мароқли

руҳидан нобуд бўлади... Сен бу қадар баланд, бу қадар юксак бўлмаган эдинг... Сен бу қадар бепоён кенгликларни кўрмаган эдинг... Дарё бўйидаги кафтдай ер сен шубҳа қилмаган бу кенгликнинг бир парча улуши эди... Аммо сен ўзингни қичкина ҳис этмайсан - исёнсиз мубҳамликда - булутларнинг олис тўдалари, ўрқачсимон ялангликлар ва осмоннинг тик парвозини мушоҳада этганинг этган... Сен ўзингни яхши, хотиржам... бўлмагур нарсалардан йироқ ҳис этасан... Сен улкан тоғлар билан рўбарў бўлиш ва учламчи давринг кучли қўлларидан пергамент мисол мижгилаб ташланишига имкон берган денгиздан яқиндагина ажралиб чиққан янги заминда турганингни билмайсан... Мана шу тоғда, уфққа тутшиб кетган далалар тепасида туриб, сен ўз-ўзинга жуда катта одам бўлиб кўринасан. Ва сен ўзингни қуёш, - давр унутган тунда, бурчакда ҳис этасан... Осмондаги бу юлдузлар туркуми оддий кўзга кўринганидек, бир-бирига шу қадар яқинми ёки уларни саноқсиз давр ажратиб турибдими?.. Бошинг устида қандайдир ўзга сайёра айлана бошлайди ва бу сайёранинг ўз вақти бўлади; узоқ ва қора айланиш, эҳтимол, айна пайтда, бир йилнинг бир куни, сенинг кунларинг ва йилларингга мос келмайдиган Зуҳал ҳисоби ўзининг қандайдир вақт ўлчовини ниҳоясига етказаятгандир. Мана шу “айни пайтда” ҳақиқий ҳолинг юлдузлар ҳақиқий ҳолига мос келмаганидек, сенинг айна пайтинг билан тўғри келмайди ва сен унга бу шуъла қайси ўтмишга, қайси ўлик ўтмишга тегишли эканини тусмол қилганча унга қарайсан... Кўзларинг кўраётган шуъла ўз йўлини кўп йил бурун, сенинг кўплаб асрларингдан бурун бошлаган. Ўша юлдуз ҳозир ҳам мавжудми?.. У кўзларингга кўринар экан, у мавжуддир... Ва сен бўлгуси ўша кечада, кўзларингга нур - агар у ҳали ҳам мавжуд бўлса, - тирик чоғи юлдуз таратаётган нур ёғилмай қолган пайтда сен унги ўтмишнинг акс шуъласи деб билдинг ва нигоҳинг билан алқаган юлдуз ўлик эканини биласан... Ўлган нарсани сен кўп маҳал тирик, деб ўйлайсан... Ўша олис даврдаги тунларнинг бирида ўлган, тош қотган манбадан таралаётган пайтда бир боланинг кўзларига қуйилади... Олис даврда... Вақт кейин ҳаёт, ишлаб, фикрлар билан лиммо-лим тўлади, бироқ зинҳор ўтмишнинг дастлабки нуқтаси билан келажакнинг сўнгги нуқтасини мустаҳкам боғлай олмайди... Фақат хотиранинг айрим тўлқинларида, истакнинг айрим парвозларида яшай оладиган вақт сен бола ёки ўлаётган қария ҳолида намунаси бўлган ажабтовур жонзотда, ўз шуурида мана шу кеча тоғ ёнбағирларида, оламнинг сукутга чўмган ниҳоясиз ёнбағирликларида улкан шамдонларни елкалаганча ўрмалаб юрган маънада қурт-қумурсқаларни сирли суратда бирлаштирган, мужассам этган ҳаёт сўнган пайти ниҳоя топади... Ана шу жимжит дақиқаларда ерда ҳеч нарса рўй бермайди; фақат сен ва фалак... Ўзгаришлар оқимида ҳамма нарса мавжуд бўлади, ҳақлақатланади, ажралиб кетади ва шулар баробар емирилади, уваланади ва ёрдам ҳақида дод-вой ва уввос солмасдан ҳалокатга учрайди... Қуёш ўзини тириклай ёндириб юборади, темир кукунга айланади, энергия фазода эриб кетади, масса радиация жараёнида сочилиб кетади, замин совий бориб, ўлади... Сен эса тоғлардан ошиб ўтиб яшашни бошлашинг, вақтни тўлдиришинг, ҳаёт фарловон бўла бориши баробарида завол топадиган жирканч ўйинда иштирок этишинг учун; вақт ўз-ўзини ямлаб ютадиган, ҳеч бир тирик мавжудот йитиш жараёнини тўхтата олмайдиган аҳмоқона ўйинда қатнашишинг учун Лунеро ва хачирнинг келишини пойлайсан... Бола, Ер, Коинот; учовларингга ҳам кунларнинг бирида на нур, на ҳарорат, на ҳаёт қолади... Фақат универсал бирлик - номсиз, унга ном берадиган одамсиз, бузилмас коинот ва вақт, материя ва энергия бўлади... Ҳаммаси шундай номланади... Ҳеч... Аммо ҳозирча юз бермайди... Ҳали одамлар дунёга келмоқда... Сен ҳали Лунеронинг чўзиқ “ау-у-у” дейишини ва тошсўқмоқда туёқлар тақиллётганини эшитасан... Юрагинг янада тез ура бошлайди - сен ахийри шу бугун ҳаётингнинг иланг-биланг йўллари бошланаётганини, олдинда дунё очилаётгани ва сенга ўз вақтини тақлиф этаётганини тушунасан... Сен мавжудсан... Сен бор бўйинг билан тоғда турибсан. Сен Лунеронинг чақирғига ҳуштак чалиб жавоб беряпсан...

Яшаяпсан... Қарама-қаршилиқ маркази ва Коинот мантиқи бўласан... Сенинг тананг мантиққа эга бўлади... Сенинг ҳаётинг мантиққа эга бўлади... Сен мавжудсан, мавжуд бўласан, Коинотнинг тажаллийси бўласан... Сен учун севишинг, яшашинг, мавжуд бўлишинг учун галактика алангаланари, қуёш забтига олиб қизитади... Сен мавжудлик синоатига рўпара бўлишинг ва ўлишинг учун, унга сингиб кетишга ожизлик қиласан, чунки сен уни кўзларинг абадий юмилгандагина англаб етасан... Сен, Крус, ўн уч ёшдасан, ҳаётнинг аввалида турибсан... Кўзларинг мовий, қўлларинг ориқ, қора сочларинг ялтирайди... Сен хилватда қолиб кетган мулатнинг ўртоғисан... Сен замин одами бўласан... Сен Лунеронинг чўзиқ “ау-у-у”лашини эшитасан... Сен совуқ чексизлик, поёнсиз Коинотнинг мавжудлигини оқлайсан... Сен тош сўқмоқларда туёқлар тақиллашини эшитасан... Юлдузлар ва замин сенинг танангда учрашади... Сен милтиқ овози ва Лунеронинг дод-войини эшитасан... Бошингга саёҳатдан қайтиб келаётгандай бўлган вақтда учи ва охири бўлмаган, ҳаётнинг барча аҳдлари; муҳаббат ва ёлғизлик, ғазаб ва меҳнат, зўравонлик ва назокат, дўстлик ва умидсизлик, мусибат ва парвосизлик, ғафлат ва ҳайрат аҳдлари қулаб тушади... Сен фақат тун сукунатини эшитасан, айни тунда ҳаётга пешвоз чиқиб очилган сенинг юрагингда, сенинг очилган юрагингда - Лунеро бошқа қайтиб дод-войламайди, туёқларнинг тақ-туқи акс садо бермайди...

*(1889 йил 9 апрел)*

У - муштдай гувала дунёга келди. Боши ҳали шилимшиқ ришталар билан боғланган онасининг қонига беланган. Хайрият, у дунёга келмоқда.

Лунеро Исабель Крус ёки Крус Исабелининг - ўз онасининг - қаттиқ қисиб ва содир бўлаётган ҳолатни кўрмаслик учун кўзларини юмиб турди. Кейин орқага қараб, опасидан: “Сен кун санаганмидинг?” деб сўради. У жавоб беролмади, чунки лабларини қисиб, жағини жағига босиб, боши кўрингани, ҳомила тушаётганини сезиб, додлар, ич-ичида додларди. Лунеро эса унинг қўлларини ушлаб турарди. Ёнида фақат Лунеро бор эди, товоқда сув қайнар, пичоқ ва латта тайёрлаб қўйилган эди, у эса бот-бот қисилаётган қорнидан сурилиб, чиқиб келарди. Лунеро Исабели Крус, Крус Исабелининг қўлларини қўйиб юбориб, рўпарасида тиззалаб ўтириб, кафтига ҳўл қора бошни, Исабели Крус, Крус Исабелига боғланган муштдай ожиз танани ушлади. Танача онасидан бутунлай узилди - аёл дод-вой тўхтатди, оғир тин олиб, ёрқин кафтлари билан бугдойранг юзидаги терни артди ҳамда қўлларини чўзганча уни қидира бошлади. Лунеро киндигини кесиб, боғлаб қўйди, болани чўмилтирди, юзини артиб, силаб қўйди, ўпиб қўйиб, опасига берди. Аммо Исабель Крус, Крус Исабель сўнгги хуруждан яна бақриб юборди, ташқаридан эса пальма шоҳларидан тикланган том тагидаги қуп-қуруқ полда мулат аёл ётган қулбага кимдир яқинлашаётгани эшитилди. Қадамлар яқинлашаверди, Лунеро эса қадамлар етиб келгунча чақалоқнинг бошини ерга қаратиб, йиғлатиш мақсадида унинг кафтини кафтига урди. Чақалоқ инга-ингалаб юборди. Инга-инга қилди ва яшай бошлади...

Мен билмайман... билмайман... У - мен эдимми?.. Сен - у эдингми?.. Ёки мен - учовимизми?.. Сен... мен сени ўзим билан бирга олиб юрибман ва сен мен билан бирга ўласан... Худойим-ей... У... мен уни ўзим билан бирга олиб юрибман ва у мен билан бирга ўлади... учовимиз ҳам... Мен... сени ўзим билан бирга олиб кетаман ва ўламан... ёлғиз...

Сен энди ҳеч нарсани билмайсан, бу кеча очилган юрагингни, ўзингнинг очилган юрагингни кўрмайсан... “Скальпель, скальпель...”, деб гапиришади. Мен-ку эшитиб турибман, чунки менинг ҳали ҳушим жойида, сен эшитмаётган нарсаларни тушунаман, билмайсанки... Мен - бу эди, сенга айланаман... мен

ойналар орасида, лампа тагида, тўрда, пастда, сенинг устингда ва уларнинг устида туриб эшитаман... “Скальпель”... сени ёришади... этингни ўлдиришади... қорин бўшлиғингни очишади... уни турган гапки, ингичка, совуқ пичоқ билан тилишади... қорнингда суюқлик кўришади... ағдар-тўнтар қилишади... шишган, сенинг мустаҳкам қон қуйилган қатқорнингдаги шамоллаган ички аъзоларингни кўришади... доирасимон гангренининг бадбўй суюқликка тўла... япасқи халтачасини топишади... “инфаркт”... “инфаркт мезентерия”... дейишади такрор-такрор... улар оч-қизил, деярли қорайиб кетган... очилган ичакларингга қарашади... “пульс”... “ҳарорат”... “тешилиш” дейишади такрор-такрор... адо бўлган, мужилган... очилган қорнингдан қонсимон суюқлик оқади... “фойдасиз”... “фойдасиз” дейишади такрор-такрор... учови... лахта ажралади, қора қондан ажралади... сузади, тўхтади... тўхтади... сенинг сукутинг... сенинг очиқ кўзларинг... кўрмайди... сенинг муздай бармоқларинг... ҳис этмайди... сенинг тим кўк тирноқларинг... сенинг дилдираб турган жағларинг сизмайди... Артемио Крус... фақат исминг... “фойдасиз”... “юрақ”... “массаж”... “фойдасиз”... Сен энди ҳеч нарсани билмайсан... Мен сени ўзим билан олиб юрдим ва сен билан бирга ўламан... учовимиз ҳам... ўламиз... Сен... ўласан... ўлган... ўламан.

*Т а м о м.*

*Асқар ҲАЙДАРОВ  
таржимаси.*

## “АРТЕМИО КРУСНИНГ ЎЛИМИ” РОМАНИ ҲАҚИДА

Карлос Фуэнтес адиб, танқидчи — эссеци, киносценарист, драматург, сиёсий публицист бўлиб, қайси жанрда ижод этишидан қатъи назар, ўз даврининг нафасини идрок қилиш ва тасвирлашга интилади. Фуэнтес бадиий изланишларининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан чуқур ижтимоий-тарихий кўтарилишларни бошидан кечириётган ҳозирги Мексика олами мураккаблиги билан характерланади. Дипломант оиласида туғилган, кейинчалик ўзи ҳам дипломантлик билан шуғулланган Фуэнтес узоқ йиллар мобайнида чет элларда яшади. Фуэнтес давр нафасини юракдан ҳис қиладиган инсон ва ўз ватанини фақат яқиндан эмас, узоқлардан ҳам кузатган мексикалик сифатида воқеликни чуқур идрок этади. Катта мақсадлар унга қанот бағишларди. Инқилоб натижаси ўлароқ туғилган Мексиканинг узоқ ва яқин ўтмишини тадқиқ этиш иштиёқида яшарди. Кейинчалик ёзганидек, “Икки мавзу, мени ҳаммавақт ўзига жалб этиб келган — булар сирли Мехико ва мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти. Ҳар иккала мавзун

назаримда, бир-бирдан ажратиб қараш мумкин эмас.”

Ёзувчи ўзининг илк ҳикоялар тўпламига “Ниқобланган кунлар” деган рамзий ном қўяди. Фуэнтеснинг нияти ўтмиш билан замон ўртасидаги алоқадорликни англаш, анланмаган реалликни яшириб турган ниқобни кўтариш.

Фуэнтес 1958 йилда “Мусаффо ҳаво вилояти” романини ёзади. Бу асарда ёзувчи Мексика пойтахти мураккаб ижтимоий ҳаётининг моҳиятини очишга қарор қилади. Мазкур асар фақат воқеалар тасвири билангина эмас, мавжуд адабий аъналардан тамомила фарқ қилиши жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Мексиканинг инқилобдан кейинги кенг манзарасини тасвирлашга бел боғлаган ёш адиб расм бўлиб қолган “Инқилоб романи” номи билан машҳур бадиий аъналарга бўйсунмайди. “Инқилоб романи” Мексикада 20-30 йилларда бўлиб ўтган чуқур ижтимоий ўзгаришларнинг инъикоси сифатида майдонга келганди. Фуэнтеснинг мақсади эса бошқачароқ: Мексиканинг ҳозир билан узоқ ўтмишини бир-бирига боғлаш.



“Вазмин виждон” романи қаҳрамонлар психологияси теран очилганлиги, композициясининг пухта қурилганлиги билан ажралиб туради. Мексикада рўй берган галаёнли ижтимоий ҳодисалар фониди Себальос савдо уйи меросхўрларининг тарихи кўрсатилади. Улар бир-бирларининг кетидан келаётган тузум ва шиорларга мослашиб, ўзларининг ижтимоий ва оилавий асосларига содиқ қоладилар.

Хайме Себальос билан яна ёзувчининг кейинги романи, Фуэнтеснинг энг яхши асари — “Артемио Круснинг ўлими” (1962)да учрашамиз. “Артемио Круснинг ўлими”да ялангоёқ йигитнинг қандай қилиб миллионерга айланиши тарихи тасвирланган. Марказий қаҳрамон қиёфасида мамлакат тарихий тараққиётининг кейинги эллик йиллик давридан етакчи тамойиллари кўрсатилган. Артемио Крус сингари қаҳрамонлар жаҳон адабиётида кўплаб яратилган. Т.Маннинг Будденброклар, Голсуорсининг Форсайтлари, Горькийнинг Артамоновларини Круснинг аждодлари дейиш мумкин. Лекин европа романларида буржуа оиласининг гуллаб-яшнаши ва инқирози бир неча авлодлар қисматида тасвирланса, “Артемио Круснинг ўлими” асарида бу мавзу бир умр қиссасига сингдирилган. Ижтимоий-иқтисодий жараённинг тезлашуви, замонавий тараққиёт суръати шундай йўл туттишга олиб келган.

Китобхон асар қаҳрамони билан Крус ҳаётининг сўнгги дақиқаларида, унинг ҳаётига яқун ясалаётган бир паллада танишади. Крус Артемио 70 ёшлик мўсафид, Мексика магнати ва миллиардери. Фавқулоддаги вазият барча тўсиқларни ўртадан олиб ташлайди, қаҳрамоннинг фикр ва туйғулар оқими, тавба-тазарруси, ўзи билан баҳси рўйирост ифодаланади. Унинг гавдаси ўзига бўйсунмай қўйган, оғриқ чидаб бўлмас азоб беради. Энди у ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум, мана шу ерда ўз-ўзининг устидан суд бошланади. Унинг ўзи ҳам айбдор, ҳам прокурор, ҳам судья. Унга адвокатнинг ҳожати йўқ. Касалнинг тамомилла бедаволиги туфайли ечим олдиндан белгиланган.

Унинг мураккаб ҳаётий йўли кўз ўнгимизда намоён бўлади: бир томондан кучли, иродали одамнинг расмий таржимаи ҳоли — у мексика инқилобининг иштирокчиси бўлган романitik йигит, ҳамма ҳокимиятга ҳам садоқат билан хизмат қилган мулоҳазакор шахс, ҳукумат депутати, тобора амал, обрў-эътибор, шуҳрат, бойлик чўққилари томон дадил одимлаётган арбоб, бошқа томондан эса

бойлик ва амал учун кўпгина яқин одамларига озор берган, ўз устози Себастьянни, ярадор солдатни майдонда қолдириб кетади, Гонсало Бернални ўзи ўрнига қамоқда қолдиради, хотини Каталина ва бошқа кўплаб одамларнинг азият чекишига сабабчи бўлган банди гофил.

Романнинг тузилиши анча мураккаб. Асар воқеалари Артемио Круснинг ички монологи, тўғрироғи, ички диалоги шаклида берилади, қаҳрамон овози ўзаро баҳсга киришаётган турли овозларга бўлиниб кетади, ўтган, ҳозирги ва келаси замонларда давом этади.

Асарнинг бир қатлами қаҳрамон ўлими олдидаги ҳозирги соатлар. У гоҳ худ, гоҳ беҳуд бўлиб ётибди, гоҳ оғриқдан азоб чекади, гоҳ ҳаётий кунига назар ташлайди. Воқеа биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Чидаб бўлмас азоблар, ўлимнинг муқаррарлиги ундаги ирода, қатъият, ўз кучига ишончни барбод этган. Ундаги сўқир ва уйқудаги виждон тилга киради, Крус билан “сен”лаб гаплашади. Воқеаларнинг ана шу иккинчи қатламида гарчи гап кўпроқ ўтган замонлар тўғрисида кетса-да, келгуси аксарият ҳолатларда келгуси замон феълда гапирилади. Қаҳрамоннинг уйғонган виждони бўлиб ўтган бутун ишларни Артемио хотирасида қайта тиклайди, бугина эмас, бўлиши мумкин ҳодисаларни ҳам ёдга солади. Шундай қилиб, ўлим тўшагида ётган одам устидан даҳшатли суд ўтказилади. Қаҳрамоннинг кўз ўнгида ўз ҳаётининг турли, узук-юлук манзаралари бирма-бир ўтади. Бу ерда Артемио учинчи шахс бўлиб кўринса-да, воқеа ўтган замонда берилади. Ҳар бир манзара Круснинг юксалиш эволюциясига олиб келган муайян кунга бағишланади ва уларнинг аниқ санаси кўрсатилади. Лекин воқеалар хронологик тартибда ҳикоя қилинмайди: масалан, 1941 йил 6 июл воқеаларидан кейин 1919 йил май воқеалари, 1955 йил 31 декабрдан кейин 1903 йил январ воқеалари баён этилади.

Ёзувчи воқеаларнинг изчил баёнидан қочиб қаҳрамон ҳаётининг қонуниятларини очишга ёрдам берадиган кунларни, ҳолатларни танлайди. Фуэнтес бош қаҳрамон Артемио тарихи орқали мексика инқилоби ҳақидаги расмий афсоналарни барбод этади. Зеро, айна мана шу Крус ва унга ўхшаганлар бундай афсоналарни тўқишган ва ўзларини инқилобий анъаналарнинг меросхўрлари деб эълон қилгандилар.

Миллий манфаатларга хиёнат Артемио Крус эришган мансаб, обрў-эъти-

бор, бойлик занжирининг бир ҳалқаси эди. Бунга ёшликда, жанг майдонида асос солинган. Ёш лейтенант Артемио Крус ўз жонини қутқариб, оғир ярадор жангчини ташлаб кетади. У ўзининг бу пастқашлигидан заррача ўкинмади, озор ҳам чекмади. Унинг учун энг муҳими ҳар қандай йўл билан бўлмасин яшаб қолиш. Крус инқилобдан кейин Бернал уйида пайдо бўлади ва унинг синглисига уйланади. Крус энди яшаб қолишга эмас, Мексиканинг янги хўжайинларидан бирига айланишга, ҳамма соҳада зафар қозонишга интилади. Алал-оқибат Артемио Крус мамлакатнинг энг йирик шахсларидан бирига, кун сайин қудратли куч касб этаёт-

ган тадбиркорга, мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи арбобга, жамоат фикрини белгилайдиган газетага эгалик қилаётган одамга айланади.

Ёзувчи ўз қаҳрамонини ўз қисмати учун жавобгарлиги ҳиссини англашга мажбур этади. Ўтмиш воқеаларига муурожаат эса Фуэнтес ижодида жамият тарихи учун ҳам, айрим шахслар учун ҳам муҳим бўлган илдиз ва асосларнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Ёзувчи қаҳрамон билан бирга унинг ҳаётий йўлига назар ташлар экан, (бунда Мексика тарихи фон вазифасини бажарган) бутун Лотин Америкаси адабиёти учун гоаят муҳим мавзуни — миллий ўзига хослик, тўғри йўлни топиш мавзуини қаламга олади.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон  
тиллари университети  
доценти.*



# Бир кун Ватан ДЕЯ ЮКСАЛГАЙ РУҲИМ

ҲАЛИМА АҲМЕДОВА

КУТМАСМИ ХАЁЛИМ

**М**ан энди сенинг қошу қабоғингга борурман,  
Кўнгил ичида ёнғали доғингга борурман.  
“Келдингми?”, деган ташна сўроғингга борурман —  
Куймасми хаёлим?

Ман ишқ сўрадим: ҳажри билан келди Худодан,  
Лайли кафани бўлди насиб дайри фанодан.  
Қаро кийиб икки кўзим куйди балодан —  
Етгайми мажолим?

Дардингки Аюб қурти каби кемирди жонни,  
Дўзахга ўтин қилиб қалай бу устихонни.  
Кўзинг тубига чўктирайин руҳи равонни —  
Етмасми малолим?

Ман энди санинг чўғ каби оҳингда куярман,  
Надурки куёш, балки у моҳингда куярман,  
Унган, унмаган барча гиёҳингда куярман —  
Урмасми уволим?

\* \* \*

Кўзинг қиёматдан хабарму манга?  
Зулматнинг сиёҳи назарму манга?  
Жаннат йўлларида ўтибман чоғи,  
Дўзахнинг оғуси шакарму манга?  
Ҳазон уйқусидан уйғонди кўнгил,  
Умид ҳосили йўқ шажарму манга?  
Фигон пайконида буздим фалакни —  
Йиғлаган абрлар ҳазорму манга?  
Ҳар нур толасига эврилди жоним,  
Қорайган фарёдим қамарму манга?  
Кимнингдир ҳажрида беармон ёндим,  
Қалбим хокисори самарми манга?  
Синди паймонлар дайри фанода,  
Қон тўла бу дилим соғарми манга?  
Афсонасин судраб кетди баҳорлар,  
Мискин тийрамоҳлар гузарми манга?

Шамол сийнасига бошимни қўйсам,  
Очилган ҳар гунча зарарми манга?  
Яна ёнгим келар ишқ гулханида,  
Ёниб-ёнмаслигим кадарми манга,  
Кўзинг қиёматдан хабарми манга?..

\* \* \*

Кузакнинг афсунгар ранглари билан,  
Қовушган дарахтдай юксалсам кўкка.  
Офтоби музлаган — умрим фаслида  
Мани кучоқлади қора таҳлика.  
Силласи қуриган мискин хаёлнинг,  
Маҳзун асираси бўлдим неча йил,  
Ёмғирлар ёдидай яшил тонгларда  
Тупроқдай тўкилди бечора кўнгил.  
Қонимни қайнатган оловлар сўнди,  
Сархуш кечаларнинг синди қадаҳи.  
Соғинч тунларини титратиб нечун  
Мени чорламоқда бир олов, доғи...  
Ташна ўзанларда дарёдай оқсам,  
Бебош шамоллардай ё кетсам бедор.  
Ночор қўлларидан қочиб умиднинг  
Вайрона дилимга қайтсам бир саҳар.  
Руҳим ларзалари синдирар эди  
Мунофиқ нигоҳлар таманносини.  
Яна Яратгандан тилаб олардим  
Жунун етолмаган Ҳақ саҳросини.  
Жонга каманд солган бебурд кунларнинг  
Ҳазарли хотирин этар эдим қул.  
Қуёшга талпиниб бўса тутарди  
Қонимда музлаган бир жуфт чиннигул...  
Гарчи маҳдуд менинг кунларим бугун,  
Кимсасиз юрагим қабрдай жимжит.  
Сен менинг ухлаган оловимдан кўрқ,  
Мени енголмайсан, умидсиз умид.  
Мен қуёш кўзидан тўкилган ишқман,  
Шундан сизмайдурман еру фалакка.  
Хазону баҳорга талаш дарахтман  
Суяниб ўсаман фақат юракка.  
Баҳорнинг соғинчваш ранглари билан —  
Қовушган дарахтдай интилдим кўкка...

**ЗЕБО МИРЗО**

**БИР ТОЗА ИШҚ БЎЛСА...**

Бир тоза ишқ бўлса, минг йил чекардим...  
Ҳасрат-да чекардим,  
Ғам-да чекардим.  
Улғайиб чамани тикон-да ўлса,  
Кўзимга экардим,  
Жонга экардим.  
Лаҳза-лаҳза кечиб томирларимга  
Уқубат жомидан қуйсалар оғу,

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

144

Юрак қони билан оғзимни чайиб,  
 Илон захрини бол этиб тўқардим.  
 Йўлига куйингни боғла десалар  
 Умрим хаёлига банду банд айлаб,  
 Кўнглим ҳарамини Каъба айлабон,  
 Кўзим гавҳаридин чодир тикардим.  
 Кут, деса кутардим, минг йил бўлса ҳам,  
 Сабрдин гўр ясаб,  
 Армондин тобут,  
 Вужуд кафанига ғамдан гул битиб,  
 Умидни тишимда тишлаб кутардим...  
 Меърож — Васлгоҳинг бўлмиш, деса Ҳақ,  
 Руҳ қушин учириб арши аълога,  
 Товонимга кўнгил кўзини боғлаб  
 Жисм оловини босиб ўтардим...  
 Аммо умидимни тошга экибман.  
 Тошлар кўкармади,  
 Ман-да кўкардим.  
 Йўқса, бир дийдор-чун ашқдин бож тўлаб,  
 Тангри остонасин минг йил ўпардим!  
 Ваҳким, ул Ишқ қайда?  
 Бир ишқ бўлсайди —  
 Ҳасрат-да чекардим,  
 Ғам-да чекардим.  
 Ул ғайб чамани тикон-да ўлса,  
 Кўзимга экардим,  
 Жонга экардим...

\* \* \*

Бошда суман бўлса, суманбар бўлса,  
 Кийиклар тилида мушк-анбар бўлса.  
 Ҳасан-Ҳусан ёйи бешик бўлса-ю,  
 Сен ҳур бўлсанг,  
 Ўғлинг пайғамбар бўлса...  
 Мағрибдан машриққа учган турналар,  
 Ҳумоқуш патини ташлаб учсалар.  
 Қуёшни манглайга қилиб тожи сар,  
 Учсанг-у, қўлларинг болу пар бўлса...  
 Юлдузлар йиғилиб келса самодан,  
 Ҳақ васлин кўрсатса арши аълодан,  
 Лайлолар кўзёши томган дарёдан —  
 Ичсанг, томирларинг мунаввар бўлса...  
 Дил жони кўзасига болини сунса,  
 Руҳингда илоҳий оғриқлар унса,  
 Даврон сенинг бир кун ҳукмингга кўнса:  
 Дилу жон ўртада тановар бўлса...  
 Тубо шохлариндан сармаст қучоли,  
 Кавсар булоғидан тўйиб ичоли,  
 Битта ишқинг бўлса ўздин кечоли,  
 Гуноҳу савобинг баробар бўлса!..  
 Сўнг минг йил йиғласанг ғусса тошидан,  
 Қалдирғочлар ичса кўзинг ёшидан,  
 Илоҳим қўзғалиб турса аршидан:  
 “Кечирдим!” — деган бир хушхабар бўлса!..

Сен сарв бўлсанг, у бир санобар бўлса,  
Кийиклар тилида мушк-анбар бўлса,  
Ҳасан-Ҳусан ёйи бешик бўлса-ю,  
Сен ҳур бўлсанг,  
Ўғлинг пайғом бар бўлса...

## Шамсия ТУРҒУН қизи

\* \* \*

Мен Заминга адашиб келдим...

Камалаклар — ҳарир либосим,  
Оқ булутлар, бу — пар тўшагим.  
Осмон, сени жуда соғиндим,  
Осмон, келар сенда яшагим!  
Мен Осмоннинг қизиман!..

Баҳорларда тизилиб учган  
Турналарнинг кўзи бўламан.  
Покланувчи гунг ёмғирларнинг  
Айтолмаган сўзи бўламан,  
Мен Осмоннинг қизиман!..

“Сиздан ўзиб кетаман”, — дея  
Теракларга ичгандим қасам.  
Кўзингизни ёшламам, Она,  
Бағрингизга энди қайтмасам.  
Мен Осмоннинг қизиман!..

\* \* \*

Бу кун ҳам ўтади, ўтмаган кун йўқ,  
Зулматга эгилма, мағрур бўл, чида.  
Ўксинма, кўксингга қадалсалар ўқ,  
Қайғу ҳам Тангридан эҳсон аслида.

Бу кун ҳам ўтади, ўтмаган кун йўқ,  
Куюш кулар бизнинг бошимизда ҳам.  
Азизим, ғашланма тушкун ва беруҳ,  
Тўкма, умид бор кўзёшимизда ҳам.

Бу кун ҳам ўтади, ўтмаган кун йўқ,  
Қорлардай эрийди ғамлар бир куни.  
Бир куни шодликдан йиғлармиз тўйиб,  
Киприklar тўкилиб, елка силкиниб...

Бу кун ҳам ўтади, ўтмаган кун йўқ,  
Ҳамма гап ўлмаган кунники, эркам,  
Кўнглинг ярим этма, кўнгилни қил тўқ,  
Чўққилар чўкмаган дилники экан.

Бу кун ҳам ўтади, ўтмаган кун йўқ,  
Азизим, ғамланма, кўзёшингни арт.

Қара, биз Баҳорга етиб келибмиз,  
Қара, бу оламга кириб келди Март!  
Қара!..

## САНОБАР МЕҲМОНОВА

### ОШИҚОНА

Бу кўнгил гул ўлса, япроғинг қани,  
Қадим ниҳолида титроғинг қани,  
Куйингда Бобурдай девона бўлдим —  
Сочимни боғлайин, оёғинг қани?!

Мажнунсан, Лайлидан қисса бер, жоним,  
Илоҳо илоҳий ғусса бер, жоним,  
Чанқадим, бир қултум бўса бер, жоним —  
Лабларингдан оққан булоғинг қани?!

Кўнглима ишқингни рақам этарсан,  
Юракни еб яна ситам этарсан,  
Э, бир кун ҲАЖрингда ОДАМ этарсан —  
Яралмиш макридан сабоғинг қани?!

Кўйгин, бор фитнангдан тўйди Санобар,  
Ёнаётган булутдай куйди Санобар,  
Қай гўрданам сани суйди Санобар —  
Яхшиси, жон берай, тупроғинг қани?!

Бу дард ўлдирмоққа, қасд этмиш мани,  
Баланд осмонларинг паст этмиш мани,  
Кўзларинг бунчалар маст этмиш мани —  
Кўрсат — эй шу фаттон қароғинг қани?!

Малол олма ҳаргиз, малолим йўқдур,  
Ҳокман, ишқдан ўзга кулолим йўқдур,  
Пойингда жон берсам, уволим йўқдур —  
Кел, бошимни солай, сиртмоғинг қани?!

Бенаво бир дилман, навога бордим,  
Ё Раб! Сандай ширин савдога бордим,  
Устингдан арз этиб Оллоҳга бордим —  
Айт, қандай дарёсан, қирғоғинг қани?!  
Сочимни боғлайин, аёғинг қани...

### ИЗҲОР

Азал наққошлари сиймлаган тан,  
Фитратим зар бўлса, қисматим заргар.  
Севмасимдан аввал МАЖНУН эдим ман,  
Севганимдан кейин бўлдим САНО БАР!

Валлоҳ шавқодаман, шавқинг бирла ман —  
Ўлик кўнгилгаям бахш этурман жон.

Мени севган куни, ақлидан озди —  
Шу донишманд Осмон, шу кекса Осмон.  
Мен унинг тубидан тўкилган оҳанг,  
Сачрадим чоғирранг япроқларимга.  
Эртага ўзимдан пастроқ яшасам —  
Сиз осиб ўлдилинг тупроқларимга.  
Токай киядурман янги руҳимга  
Бировларнинг кўҳна туйғуларини.  
Пайт келди, янгортмоқ фурсати етди —  
Шеър отлиғ ҳайратнинг қайғуларини.  
Тунлар шовуллайди, дил маҳзун шаҳар  
Анинг жониндами, Ишқ битта илдиз.  
Бир кун бу маъводан кетар бўлсам гар,  
Мендан ҳам қоларму бирор янги СЎЗ.  
Фано наққошлари сиймлаган тан,  
Фитратим зар бўлса, қисматим заргар.  
Севмасимдан аввал Мажнун эдим ман —  
Севганимдан кейин бўлдим Санобар!

## ГУЛЖАМОЛ АСҚАРОВА

### КЕЧА ВА БУГУН

Ўйлар эдим, ҳаёт бизни сийлайди деб,  
Биз куйлаган кўшиқларни куйлайди деб.  
Бугун — бўм-бўш юрагимни сийлаяпман,  
Ҳаёт қандай айтса, шундай куйлаяпман.

Ўйлар эдим: сўнмас менинг гурурларим,  
Кўксимдаги ҳайратларим, сурурларим.  
Бугун: қолдим икки ўтнинг озорида,  
Йиғлаяпман гуруримнинг мозорида.

Ўйлар эдим, дўстларим бор, дил чоғ этар,  
Йўлимдаги чоҳларимдан огоҳ этар.  
Ёраб: Бугун бу ўйинда ўзиб чиқдим,  
Дўстим ташлаб кетган чоҳдан ўзим чиқдим.

Ўйлар эдим, севган ёрим ташлаб кетмас,  
Жондай севар, кўзларимни ёшлаб кетмас.  
Ўйлар эдим, мен деб ундай адо йўқдир,  
Бугун ундан садо йўқдир, садо йўқдир.

Ўйлар эдим, тоғдек баланд яшайман деб,  
Қирчаларга қандоқ назар ташлайман деб,  
Тоғдек чўқдим, нелар ларза солди менга,  
Бугун тоғлар қирдек бўлиб қолди менга.

Дунё экан, осмонларинг ер қилгувчи,  
Дунё экан, тоғларингни қир қилгувчи.  
Келишмадим таши ёлғон савдо билан,  
Она-бола бўлолмадим дунё билан.

Дунё экан,

Дунё экан.

Дунё экан!



## ДУО

Мендан кетган йигит, алвидо,  
Олмадингиз мендан ишқ дарсин.  
“Худо” дедим, Сиз мен деб куйинг,  
Сочларингиз мен деб оқарсин.

Кўзингизга ғам бўлиб чўкай,  
Мен ўғирлай тунлар хобингиз.  
Кўксингизга ўқдай санчилай,  
Ўзим бўлай изтиробингиз.

Гарчи бугун кетдингиз ташлаб,  
Гарчи Сиз деб чекапман алам,  
Аммо билинг, Сиз ҳам кўксимда  
Бир лаҳзага ёниб ўчган шам.

Мен ўзимни овутиб дедим:  
Бир шуълага шунча ғам нечун.  
Қиёматда жазо бор, ахир,  
Гулжамолдан кечганлар учун.

Кўксимдаги гуллар, алвидо,  
Нолаларим Тангримга борсин.  
Икки дунё Сиз мен деб куйинг,  
Сочларингиз мен деб оқарсин!



## Аллома ат-Термизий

**А**ллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн — Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий жаҳонга машҳур буюк ватандошларимиздан бирidir. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожиддин ас-Субкий, ал-Хатиб ал-Бағдодий, Ибн ҳажар ал-Асқалоний, ас-Сулламий ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек ўзи ёзган “Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ” (“Абу Абдуллоҳ ишнинг бошланиши”) номли таржимаи ҳолига доир рисоласида келтирилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган сана хусусида ҳам манбалар ва адабиётларда турли йиллар кўрсатилади. Одатда ўрта аср манбаларида муаллиф вафот этган йил кўрсатилиб, таваллуд санаси келтирилмайди. Жумладан, таниқли олим ҳожи Халифа “Кашф уз-зунун” асарида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг вафоти ни ҳижрий 255 (мелодий 869) йил деб кўрсатган. Аллома 116 ёки 120 йил умр кўрганлигини эътиборга олсак, у саккизинчи аср ўрталарида (тахминан 750-760 йиллар ораллиғида) таваллуд топганлиги аён бўлади.

Афсуски, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида аниқ маълумотлар учратмадик. Унинг отаси Али ибн ал-Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машҳур бўлган. Араб тарихчиси ал-Хатиб ал-Бағдодий “Бағдод тарихи” асарида ёзишича, у мусулмон оламининг йирик маркази Бағдод шаҳрида бўлиб, ўша даврнинг машҳур олиму-уламолари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича кизгин баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ” ва “Ар-Радд аъло-лмуаттила” каби асарларида ёзишича, онаси ва бобоси ҳам ўз даврида ҳадис илмининг етук билимдонларидан бўлган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий камолотида отаси Али ибн ал-Ҳасаннинг хизматлари бениҳоя катта аҳамиятга моликдир. Бу хусусда аллома шундай ҳикоя қилади:

— Оллоҳ таоло мени устозим — волидимдан жудо қилганда мен саккиз ёшда эдим. Унинг саъи-ҳаракатлари боис, илм олишга шундай берилиб кетгандимки, китоб мутолаа қилиш мен

учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Тенгқурларим эса ўйин-кулги ва вақтихушлик билан банд бўлардилар. Волидимнинг ҳаракатлари туфайли мен шу ёшимда “Илм ал-осор” (“Қадимий ривоятлар ҳақидаги илм”) ва “Илм ар-рай” (“Эътиқод ҳақидаги илм”) билимларини тўлиқ эгаллаб олган эдим...

Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шаҳридаги етук олимлардан исломий фанлар, асосан тафсири, ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ олади. Унинг термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ҳадис илмини ўрганганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Кейинчалик ёши йигирма еттига етганда ал-Ҳаким ат-Термизий икки ўртоғи билан Бағдодга бориб илм олишни ният қилди, аммо шу кезларда онаси бетоб бўлиб қолади ва унга: “Эй ўғлим, мен бир муштипар, заиф аёл бўлсам, сендан бўлак бошпаноҳ бўлиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлигим фақат сен билан боғлиқ бўлса. Сен мени кимга ташлаб кетмоқчисан?” — деб илтижо қилади. Волидасининг бу сўзлари ал-Ҳаким ат-Термизийга қаттиқ таъсир қилиб, у илм йўлидаги сафардан воз кечади. Ушбу воқеадан талай вақт ўтгач, ал-Ҳаким ат-Термизий Бағдодга боролмаганлиги учун ғоятда афсусланиб, мақбаралардан бирининг ёнида йиғлаб турганида, ёнида юзидан нур ёғилган бир шайх пайдо бўлиб, нур йиғлаётганини сўрайди. Ал-Ҳаким воқеани айтиб беради. Шундай шайх: “Истасанг, ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқитаман”, — дейди. Ал-Ҳаким дарҳол рози бўлади. Сабоқ бир неча йил давом этади. Сўнгра у билса, бу киши Хизр алайҳиссалом эканлар. Унинг бу саодатли марҳаматга эришиши волидаи мушфиқасининг дуоси барокотидан бўлган эди... Айни шу воқеа турли манбаларда бир оз бошқачароқ тарзда ҳикоя қилинади.

Бу ҳикоя ҳақиқат ёки афсона эканлигидан қатъий назар, унинг оиласи ҳақида муайян тасаввур беради. Шунингдек, манбаларда олимнинг турмуш тарзи, рафиқаси солиҳа, тақводор, покиза аёл

бўлганлиги, олтита фарзандни вояга етказганликлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий сабоқ олган устозлари ҳақида манбаларда келтирилган маълумотлардан қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг биринчи устози юқорида зикр этилганидек отаси Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизийдир. У киши ҳақидаги маълумотлар ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг “Бағдод тарихи” (2-жилд, 373-бет) асарида келтирилган.

2. Қутайба ибн Саъийд ас-Сақафий ал-Балхий ҳақидаги маълумотлар ҳам ана шу муаллиф асарида келтирилади. У илм олиш талабига ёшлигидан кўп мамлакатларга сафар қилган. Шу мақсадда Бағдод, Макка, Мадина, Шом ва Миср каби мамлакатларга борган. Ўз даврининг етук муҳаддисларидан ҳисобланган Молик ибн Анас, ал-Лайс ибн Саад, Абдуллоҳ ибн Лаҳийъа, Якуб ибн Абдураҳмон, Ҳамод ибн Зайд, Исмоил ибн Жаъфар, Суфён ибн Уйайнадан ҳадислар эшитган. У қарийб тўқсон йил умр кўриб, ҳижрий 240 (888 мелодий) йилда Балхнинг Буғлон қишлоғида вафот этган.

3. Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий. Бу олим ҳақидаги мухтасар маълумотлар ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг “Бағдод тарихи” (1-жилд, 315-бет) ва ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг “Лисон ал-мезон” асарларида келтирилган. У узоқ муддат Бағдодда яшаб, машҳур олимлардан ҳадис илмидан сабоқ олган.

4. Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий.

Унинг исми шарифи “Бағдод тарихи”, Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Мезон ал-эътидол”, шунингдек “Лисон ал-мезон” каби асарларда зикр қилинган. У Муҳаммад ибн Марвон ал-Садай, Ҳамдон ибн Зуннун ва ўз юртдоши ал-Қосим ибн Ибод ат-Термизийдан сабоқ олган. Баъзи манбаларда бир неча муддат Термиз қозиси бўлганлиги ҳақида ҳам қайд этилган.

5. Суфён ибн Вакийъ.

Таниқли тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий “Мезон ал-эътидол” асарида (2-жилд, 173-бет) аллома исмини Суфён ибн Вакийъ Ибн ал-Жарроҳ Абу Муҳаммад ар-Равосий деб тўлиқ келтирган. Суфён ибн Вакийъ фозил ва ҳақиқатгўй шайх бўлиб, у ҳижрий 247 (мелодий 860) йилда вафот этган.

6. Ал-Ҳасан ибн Умар Шафиқ ал-Балхий.

Унинг тўлиқ исми ал-Ҳасан ибн Умар Шафиқ ибн Асмоъ Абу Али ал-Жармий ал-Басрийдир. У тижорат ишлари билан кўпинча Балхга бориб тургани учун ал-Балхий нисбати билан машҳур бўлган. Сунгра у Бағдодга бориб, ўз отасидан ҳамда Абдулворис

ибн Саъийд, Жаъфар ибн Сулаймон ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганган.

Аллома ҳақида Абу Зуръа ва Имом ал-Бухорий каби олимлар ҳам таҳсинга лойиқ фикрларни айтганлар. Ал-Ҳасан ал-Балхий 230 ҳижрий (844 мелодий) йилда вафот этган.

7. Аҳмад ибн Ҳадравайҳ. Унинг тўлиқ исми Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳадравайҳ ал-Балхийдир. У ҳақидаги қисқача маълумотлар Абу Нуаймнинг “ал-ҳилъа”, Абу Абдураҳмон ас-Сулламийнинг “ат-Табақот” асарларида келтирилган. Аҳмад ибн Ҳадравайҳ Хуросоннинг йирик машойихларидан саналган. У Абу Туроб ан-Нахшабий хотам ал-Асам, Абу Язийд ал-Бистомийдан сабоқ олган. Замондошларининг фикрича, у олийҳиммат, ҳақиқатгўй киши бўлган. Вафоти ҳижрий 240(мелодий 854) йилга тўғри келади.

8. Абу Туроб ан-Нахшабий. Унинг тўлиқ исмини тарихчилар Аскар ибн Муҳаммад ҳасайн Абу Туроб ан-Нахшабий деб келтирганлар. Ас-Сулламий “Ат-Табақот ас-суфиййа”, Тожуддин ас-Субкий “Табақот аш-Шофоиййа ал-кубро” номли асарларида Нахшабийни Хуросоннинг буюк машойихларидан бири бўлганлигини, ўз илми, футуввати, зоҳидлиги ва тақводорлиги билан алоҳида ажралиб турганлигини таъкидлайдилар.

Абу Абдуллоҳ ибн ал-Жалоъ шундай деган: Мен ҳаётимда олти юз шайхни учратганман, лекин улардан тўрттасига ўхшаганини сира кўрган эмасман. Шулардан энг биринчиси, шубҳасиз, Абу Туроб ан-Нахшабийдир. Ибн ас-Салоҳ қолган учтаси: ушбу Абдуллоҳнинг отаси Яҳъя ал-Жалоъ, Абу Убайд ал-Йусрий ва Зуннун ал-Мисрийдир, деган.

9. Яҳъя ибн Маоз ар-Розий. Унинг ҳақидаги мухтасар маълумотлар ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг “Бағдод тарихи”, ас-Сулламийнинг “Табақот ас-суфиййа” ва бошқа асарларда келтирилган. У Исҳоқ ибн Сулаймон ар-Розий, Маккий ибн Иброҳим ал-Балхий ва Али ибн Муҳаммад ат-Танофусий каби олимлардан ҳадис илмини ўрганган.

Яҳъя ибн Маоз ар-Розий аксар умрини Нишопурда ўтказган. Бағдодга ҳам бориб, суфий машойихлар билан илмий мунозаралар ўтказган. Биринчи муддат Балхда яшагач, яна қайтиб Нишопурга келади ва 258 ҳижрий (872 мелодий) санада шу ерда вафот этади.

10. Якуб ибн Шайба ибн ас-Салт. Унинг тўлиқ исми Якуб ибн Шайба ибн ас-Салт ибн Асфур Абу ас-Садусий бўлиб, асли Басра аҳлидан. Олим ҳақидаги маълумотлар тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Тазкират ул-хуффоъ” (“хофизлар ҳақида тазкира”) ҳамда Хатиб ал-Бағдодий асарлари-

да келтирилган. Молик ибн Анасинг гапига қараганда у асли бағдодлик фақиҳлардан саналган, кўплаб ҳадислар ривоят қилиб, қатор асарлар ҳам яратган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий юқоридан номлари зикр этилган устозларидан олган билими унинг кўп илмларда ўз даврининг йирик алломаси даражасига эришувида, илмий фаолиятида улкан ютуқларни кўлга киритишда салмоқли таъсир кўрсатган, албатта. Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, ал-Ҳаким ат-Термизий амал қилган ўзига хос сўфиёна нуқтаи назар, унинг фикрий йўли фақиҳларнинг анъанавий йўлидан, ҳадисларнинг ривоят қилиши ҳам муҳаддисларнинг анъанавий йўлларида фарқ қилиши ҳатто ўз юртидаги баъзи олим-уламоларнинг ҳам ғазабини келтириб, охир-оқибатда унга кўп ташвиш ҳам келтирди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаётининг балоғат босқичи Куръони Каримни ёд олиш ва уни чуқур ўрганиш билан бевосита боғланган. У Маккаи мукаррамага борганида, Оллоҳнинг каломини ёд олишга алоҳида иштиёқ билан киришади, кечани кундузга улаб уни тиловат қилади, бу машғулотдан қалби ҳаловату алоҳида завқи шавққа тўлади. У энди раббоний руҳдаги асарларга ғоятда берилиб, улардаги ибратли мавзулар, охираат ишларига доир маълумотлар, тариқатга бошловчи пири муршидларнинг ҳикоятларини катта қизиқиш билан ўрганди.

Мана шу жараёнлар оқибатида у ўз тариқатини яратдики, кечалари атрофида кўплаб издошлари тўпланишиб, баҳсу мунозаралар уюштирар, дуо ва тазаррулар билан ўз шуурларини изҳор қилардилар. Мана шу баҳсу мунозаралар пайтида ўзининг чуқур мазмунга эга бўлган сўфийлик тажрибалари ҳақидаги ошқора баёнотлари ҳамда тасаввуф илмларига доир фикрлари билан ўз замонидаги айрим қолоқ олимларнинг шиддатли ҳужумларига дучор бўлди. Ҳаким ат-Термизийга қўйилган айблар қуйидагилардан иборат эди:

1. Ҳадис ривоятчиларининг фикрича, у ўз яроқсиз китобларини сохта ҳадислар билан ҳаддан ташқари тўлдириб ташлаган.

2. Фақиҳлар уни шарият илмига кўпчилик қабул қилмайдиган заиф ва бўлмағур фикрларни киритган, деб қоралайдилар.

3. Мутасаввуфлар эса уни ҳақиқатга хилоф ишларда айблаб, ҳар қандай дашном ва таъналарга сазовор киши сифатида таърифлайдилар. Хулласи калом, айбловчилар Балх ҳокимига иғвою тўхматдан иборат шикоят йўллаб, уни Оллоҳга муҳаббат ҳақида гапиради, одамлар ўртасида фисқи-

фасод тарқатади, уларни бидъатга етаклайди, нубувватликни даъво қилади деб айбладилар. Натижада Балх ҳокими Оллоҳга муҳаббат ҳақида гапирмаслик ҳақида ундан ваъда олиб, одамларни зўрга тинчлантиради. Бундай ноҳақ тўхматлардан ўша даврдаги қатор мутасаввуфлар ҳам четда қолмаганлиги маълум.

Лекин аҳвол шу тариқа узоқ давом этмади. Унга ноҳақ тўхматлар қилиб, фитна уюштирганлар омма орасида мулзам бўлиб қолдилар. Ҳаким ат-Термизийдаги покиза фазлу-фазилатлар ёғдуси туфайли пардалар кўтарилиб ҳақиқатнинг асл юзи очилди. Унинг атрофига яна одамлар тўпланишиб — улар орасида шаҳар машойихлари ҳам талайгина эдилар — дўстона муносабатда бўлиш истагини билдира бошладилар. Лекин ал-Ҳаким ат-Термизий оломоннинг талабини дастлаб қабул қилмади. Лекин улар ўз илтимосларида қаттиқ туриб олгач, охири розилик билдирди. Мана шу пайтдан ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаётида янги босқич бошланади — энди у хилват ва узлатдан чиқиб, одамларга томон юзланади. Натижада фазлу-фазилати тўла намоён бўлиб, номи тилларга тушади, атрофида тўпланадиган одамларнинг сони кундан-кунга ошиб, ҳовлига сифмасдан йўлақлари-масжид ҳам одамларга тўлиб кетади. Мазкур босқичдаги фаолияти даврида кейинчалик баъзи олимлар томонидан “ал-ҳакиймийа ва-ат-термизийа” номи билан аталган оқимга асос солинган бўлса керак. Эҳтимол шу боисдан ат-Термизийнинг ўзи ҳам бу давр ҳақида тўхталиб, шогирдлари ва издошлари пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг шогирдлари жуда кўп бўлганига қарамастан, афсуски тарих саҳифаларида айримларининг исми шарифлари сақланиб қолган. Булар Абу Муҳаммад Яхъя ибн Масур ал-Қозий, Абу Мансур Али ибн Абдуллоҳ ибн Холид аз-Зухлий ал-Ҳиравий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Журжоний, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаким ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳайсам ибн Умрон ибн Бурайда.

Ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб асарлар сони аниқ маълум эмас. Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, ал-Ҳаким ат-Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтишга яқини бизгача етиб келган. Булар орасида пайгамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган “Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул” (“Расулulloҳ хабарларини билишда нодир усуллар”) номли асари алоҳида қимматга эга. Бу асар “Сал-

ват ал-оририйн ва бӯстон ал-мувахҳадийн” (“Орифлар овунчоги ва Оллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бӯстони”) номи билан ҳам аталади. У ҳижрий 1294 (мелодий 1876) йилда Истамбулда чоп этилган. 291 ҳадисдан иборат ушбу китобда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз қарашларини муфассал ҳолда шарҳлаган. Унинг бир қўлёзма нусхаси Узбекистон мусулмонлар идораси кутубхонасида сақланади. Кейинги йилларда алломанинг тасаввуфга оид икки асар ишон қилинди. Улардан бири “Китоб ҳақиқат ал-одамийа” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”) ва иккинчиси “Адаб ун-нафс” (“Нафс одоби”) номли рисоладир. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг аксар қисми Париж, Қоҳира, Дамашк, Искандария, Истамбул ва Лондон шаҳарларидаги қўлёзмалар жамғармаларида сақланади.

Шунингдек, алломанинг номлари тарихий ёки библиография асарларда сақланиб қолган, лекин бизгача етиб келмаган асарлари ҳам бор.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ал-Ҳаким лақаби билан аталиши масаласида ҳам турли фикрлар билдирилган. “Ҳаким” сўзи Қуръонда ҳам, Тавротда (Хохом шаклида) ҳам учрайди. Унинг луғавий маъноси доно, донишманд, ақл-идрокли, файласуф, шунингдек табиб, доктор тушунчаларини англатади. Шу сабабли баъзи олимлар алломани ҳатто моҳир табиб деб ҳам атаганлар. Ат-Термизий яшаган давр истилоҳларига таянсақ, ҳикмат (ҳакимдан олинган) ибораси ҳақиқатга етишиш (арабча исботал-ҳаққ)ни англатиб, унга илм ва ақл билан эришиш мумкин деб изоҳланган. Ҳаким киши мукаммал ақл-идрок ва чуқур билим билан ҳар доим ҳақиқатга эришади. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг “Таҳсийл назоир ал-Қуръон” асарида: “Ҳаким илмнинг ички, ботиний маъноларини тушунувчи киши” деган фикрни келтирган. Қуръони Каримга “Мафотиҳ ал-ғайб” номи ўн беш жилддан иборат улкан тафсири ёзган буюк ватандошимиз Фахриддин ар-Розий (у 1209 йилда вафот этган) ҳикматдан мурод ёки илм, ёки савоб, яъни тўғри ишни қилишдир деб талқин қилган. Тасавуф аҳли ҳам “Ҳаким” сўзини шу мазмунда талқин қилиб, “ҳикмат” — илм (билим)дан юқорироқ даражада туради, “Ҳаким” деб ҳар қандай илмни чуқур ўзлаштирган кишига айтилади, чунки бу шарафли даражага узоқ машаққат ва риёзат орқали эришилади деб таъкидлайдилар. Доктор Усмон Исмоил Яхъенинг фикрича, ат-Термизий “Ҳаким” лақабига тасавуфда инсон табиатини яши ва чуқур тушуниб етгани учун эришди, деб ҳисоблайди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзи эса ҳақиқатга етишишда илм ва ақлдан бошқа яна учинчи — ило-

ҳий бир нарса — валийлик ҳам бор деган фикрни илгари суради. Ҳаким, унинг эътиқодича, валийнинг бир хилдир (арабча ал-Ҳаким ҳува навъ мин ал-валий). Валий киши ҳақиқатга фақат чуқур илм ва катта ақл-идрок билангина эмас, Оллоҳ таоло унга ато қилган бир илоҳий сир воситасида эришади. Бинобарин, уни тугал ақл ва чуқур илм билан сийлаган ҳам Оллоҳнинг ўзидир. Гарчанд ал-Ҳаким ат-Термизийда “Ҳаким” калимаси “валий” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ифода қилинса-да, “Ҳаким” билан “валий” ўртасида муайян фарқ бор, албатта. Ал-Ҳаким ат-Термизий “Ҳаким” мақомига эга шахс миллатнинг диний соҳадаги файласуфи, муомалат масалаларидаги қозиси, намоз ва ибодатларида имом ҳамда уларни тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровон турмушга бошловчи валийси бўлишни таъкидлайди.

Иккинчи тизим инсонда бор билим воситасида амалга оширилади. Учинчи тизим ахлоқ масалалари билан уйғунлашиб амалга ошади; бу сўнги иккаласи муштарак бўлса инсонда зийраклик, латофат, юксак салоҳият каби алоҳида фазилатлар ҳосил бўлади. Алломанинг ўзига хос бу фикрлари, шунингдек инсоннинг билишида унинг руҳияти, ақли ва қалби қандай роль ўйнаши ҳақидаги қарашлари тасавуф аҳлининг руҳонияти ва тафаккурига катта таъсир кўрсатди. Инсон эришиши қодир бўлган билим — бу тасавуфий маърифат ёки ҳикмат (“гносис”) деб, уни инсон қалбида тажалли бўлган илоҳий бир нур билан тенглаштирди. Чунончи шарийъатнинг турли масалаларини талқин қилиб, уни ҳаётга тадбиқ қилишга қодир бўлган билим (илм)дан фарқли ўлароқ маърифат (гносис) ўша нарсаларнинг яширинган (сирли) моҳиятини, охир-оқибатда унинг илоҳий моҳиятини, англашга олимнинг таъкидлашича, илмга ўқиш, ўрганиш жараёнлари орқали эришилса, маърифатни эса Оллоҳ таоло ўзи суйган, танлаган бандаларигагина марҳамат қилади. Илмни ҳаётга татбиқ қилиш замони ва майдони (ҳудуди) бир қадар маҳдудий, чегараланган бўлса, маърифатнинг эса чеки-чегараси бўлмайди. Маърифат фақат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза бўлиб, бутун ниятию, фикри-зикри билан Оллоҳга таважжўҳ қилган инсонларгагина насиб этади. Мана шундай инсонлар тоифасига ал-Ҳаким ат-Термизий, энг аввало, суфий валийларни мансуб этади. Унинг фикрича, улар (валийлар) мана шу жиҳатлари — маърифатлари билан бошқа мўмин-мусулмонлардан ажралиб туради. Демак, ал-Ҳаким ат-Термизий биринчилардан бўлиб назарий жиҳатдан авли-

ёлар ҳақидаги тасаввуфий қарашларни асослаб, амалда ҳуқуқий жиҳатдан уларни Оллоҳнинг элчилари (русул) ва пайғамбарлари (анбиё) билан даражаларини тенглаштирган. Алломанинг пайғамбарлик ва валийлик хусусидаги, айниқса тасаввуфда валийликнинг муҳим ўрни ҳақидаги қарашлари кейинчалик ислом оламида машҳур бўлган буюк файласуф Ибн ал-Арабий (1165-1240) томонидан янада ривожлантирилди. Ҳатто ушбу масалага бағишланган қатор асарларида Ибн ал-Арабий ал-Ҳаким ат-Термизий рисолаларидан бутун-бутун саҳифаларни сўзма-сўз кўчириб келтирган ҳоллари ҳам учрайди. Умуман олганда, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг билиш (маърифат) назариясига доир фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан алломанинг айнан шу масала бўйича қарашларига бағишланган махсус асарлар, тадқиқотлар ҳам яратилган. Буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизий ўз замонасининг диний ва дунёвий илмларини мукамал эгаллаган эди. Унинг теран илми ва беқиёс салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Жумладан, буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул-унс”, Али-

шер Навоий “Насоим ул-муҳаббат” аса-рида уни энг улуг шайхлар қаторида зикр қилганлар ва мутасаввуфларнинг иккинчи бўғинига киритганлар. Алишер Навоий ҳазратлари ал-Ҳаким ат-Термизий тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтирган: “Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий — иккинчи табақадиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибордандур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад ҳизравайҳ ва Ибни Жалла била суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи (ёзган асарлари) бор. Ул жумладин “Хатм ул-вилоя” китоби ва “Наҳаж” китоби, “Наводир ул-усул” ва бундан ўзга ҳам китоблари бор ва зоҳир улумида ҳам кутоби бор ва бир тафсир (“Қуръон тафсири”) ҳам ибтидо қилғондур. Аммо итмомига (охирига) улар вафо қилмайдур...” хожа Баҳуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақларида: “Азиз-авлиёларнинг пешвоси хожа Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг руҳониётига таважҷуҳим тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади” — деб, унинг руҳоний оламидаги юксак мартаба ва мақомларини алоҳида лутф билан таъриф этган эди.

Убайдулла УВАТОВ  
филология фанлари  
НОМЗОДИ.



Валентина ПОНОМАРЁВА

## Кўзимиздан пана КОСМОС

**Б**у на роман, на қисса. Мактабда ўқиб юрганимизда бизга социалистик реализм талабига жавоб берадиган ҳар бир асарда сюжет бўлмоғи керак деб ўргатишган эди. Бу асарда ана шу сюжет ҳам йўқ. Бунда тўқима ҳам йўқ. Сирасини айтганда, менда адабий асар ёздим ёки баландпарвоз қилиб айтадиган бўлсак, барпо этдим деган даъво ҳам йўқ.

Бу — мемуар ҳам эмас, мен ўз шахсиятимга бу даражада катта аҳамият бермайман. Бу — тарихий тадқиқот ҳам эмас. Лекин тўғриси айтганда, асар космонавтика тарихидаги очиқ қолган бир саҳифани тўлдириш хоҳишидан бошланган. Бу саҳифа унчалик катта эмас ва унчалик муҳим ҳам эмас. Бу саҳифа аёл кишининг космосга биринчи учуши билан боғлиқ. Мени кўлимга қалам олишга мажбур қилган нарса шу бўлдики, “буларнинг бари ҳақиқатда қандай содир бўлган эди?” деган саволлар жуда кўпайган эди. Бундан ташқари, дўстларимнинг “ёз! ёз!” деган даъватлари ҳам ҳоли-жонимга тегиб кетди. Одамлар билан учрашувларда мендан тез-тез: “ҳаётингиз кўнглингиздагидек ўтдими?” деб сўрашади. Мендай оддий бир аёлнинг ҳаёти кўнглидагидек бўладими-йўқми деган савол ҳеч қачон менинг ҳаёлимга ҳам келган эмас. Лекин шунга қарамай, сўрайверишади. Шундай қилиб, менинг мухтасаргина “космик ҳаётим” тўғрисидаги хотиралар ва кундаликлардан, аввал нима бўлган эди-ю, кейин нима бўлди, нима учун ҳаммаси айнан содир бўлганидек рўй берди деган саволлар устидаги ўйлар, мулоҳазалардан мана шу қўлёзма дунёга келди.

### АЙИЛИШ

Ҳаётим йўлининг бошланишидаги айилишда турар эканман, кўпинча мен танлаб олган йўлим мени қаёқларга олиб бориб қўйиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмас эдим. Фақат йўлни анча ўтиб қўйганингдан кейингина уйлана бошлайсан — сенинг ҳаёт йўлинг айнан воқе бўлган тарзда қачондан бошланган? Бу йўлда қўйилган биринчи қадамнинг қандай бўлган?

Мен булар тўғрисида космодромда Терешкова парвозига тайёргарлик кетаётган кезларда кўп ўйладим. Тумордаккина залда ҳар куни космонавтлар учун кинофильмлар намойиш қилишарди. Мен учун О’Генри ҳикоялари асосида яратилган бир фильм жуда катта воқеа бўлди. Бу “Биз танлайдиган йўллар” деган фильм эди. Бу тўғрида кундалигимда шундай ёзув бор экан:

02.06.63.

“Биз танлайдиган йўллар”

Йўлтўсар ва қотил Наҳанг Додсон 17 ёшида уйдан қочиб кетгани ҳақида ҳикоя қилади.

“Чорраҳага етиб бордим-у, қаёққа йўл олишимни билмай тўхтаб қолдим, ярим соатча ўйландим, кейин таваккалига чапга йўл олдим. Кейин кўпинча бир фикр хаёлимга келаверадиган бўлиб қолди — агар ўшанда бошқа йўлни танлаганимда менинг ҳаётим қандай кечган бўларди?”

“Қандай бўларди? Ҳозир нима бўлган бўлса, ўша бўларди-да! — деб жавоб беради унга суҳбатдоши. — Гап биз танлайдиган йўлда эмас, балки бизни йўл танлашга мажбур қиладиган ичимиздаги нарсада.”

Ичимиздаги нарса бизни йўл танлашга мажбур қилади...

Ўша кезларда космодромда, кейин Валентинининг парвозидан сўнг Москвага қайтиб келгач ҳам мен тақдиримдаги “айилишлар” ҳақида кўп ўйладим. О’Генри асарларини қайта ўқидим. Гап биз танлайдиган йўлда эмас, балки бизнинг ичимиздаги нарсададир деган фикр унинг бошқа асарларида ҳам қатъият билан олға сурилган экан. Мен фикран ўз йўлларимдан яна ва яна ўтиб кўрдим, анча-анча вақт ҳар қайси айилишда тўхтаб, нега айнан у ёки бу йўлни танлаганимни англашга ҳаракат қилдим. Бундан ташқари Наҳанг Додсон каби мени бир савол қаттиқ қийнади — мабодо ундоқ эмас, бундоқ бўлганида нима бўларди? Бироқ бу саволга жавоб тополмас эдим: мен тирик одам бўлсам-у, бошқа бир новелланинг қаҳрамонидай, Чорраҳадан ўтиб, Тақдир Йўлларининг ҳаммасидан охиригача юриб ўтолмасам, сўлга, ўннга, тўғрига бориб, ҳар қайси йўл қаёққа олиб боришини аниқлай олмасам... Афтидан, О’Генри ҳаққа ўхшайди — агар ичимиздаги нарса ўзгармасдан қолар экан, унда биз танлаб оладиган Йўл ҳам ҳар қанча эгри-бугри бўлмасин, ҳар қанча илонизи бўлиб, бурилиб-эгилиб кетмасин, охир-пировардида, ўша жойнинг ўзига олиб келади. Орқамга ўгирилиб, таажжуб билан кўраманки, менинг ҳаётим сўқмоғидаги ҳар бир бурилиш мени мана шу космик йўлга яқинлаштирган, ҳолбуки ҳар гал йўлни танлаш гоҳ ҳис-ҳаяжонлар тўлқини таъсирида, гоҳ “замон талаби билан” ёки бўлмаса, аллақандай тасодифий сабаб-у баҳоналар билан амалга оширилганди.

## СЎЛГА ЙЎЛ

Мактабда мен драмтўғаракда шуғулланар эдим. Биз мактабда ўтилмаган асарлардан парчалар кўярдик, мен уларда ўйнардим, ҳамма кечаларда шеър ўқирдим ва мени иқтидордан бенасиб қолмаган деб ҳисоблашарди. Бир кунни район халқ таълими бўлимидан опалар келишди. Улар район бадиий ҳаваскорлик кўригига қизлардан танлаб олишлари керак эди. Мен иккита шеър тайёрладим. Буларнинг бири Маяковскийнинг “Киев” деган шеъри, иккинчиси К.Симоновнинг “Дўстлар ва душманлар” туркумидан бир шеър эди. Аммо танловда уларнинг қай бирини ўқишимни билолмай анча хуноб бўлдим. Ички овоз “Киев” шеърини ўқиш кераклигини ўқидирди — бу шеър мактабда ўқитиладиган силлиқ шеърлардан эмас эди. Устига-устак, шеърда Маяковский ижодида камдан-кам ҳолларда учраб турадиган лирик оҳанглари бор эди.

Симоновнинг туркуми бўлса яқиндагина пайдо бўлган эди, бу шеърларни тез-тез радиода ўқишар, концертларда янграрди улар... Мен нима ҳам кўша олардим бу овозларга... Маяковский шеърини ўқиганимда, эҳтимол, мен танловдан ўтаримидан ва ундан нарёғида ким билсин нималар бўларди? Лекин мен Симоновни ўқидим.

Бунақа воқеалар кейин ҳам бот-бот бўлиб турди — кўпинча ички овозим даъват этган томон қолиб кетиб, бутунлай бошқа томонга от солиб юборардим, яна бунинг устига ҳаммавақт бўлмаса ҳамки, кўпинча буни нотўғри қилаётганимни тўла англаб турардим.

Мен адабиётни жон-дилимдан яхши кўрардим, Писарев, Белинский, Добролюбовларни ўқир эдим, Политехника музейидаги ва Дорилфунундаги маърузаларга қатнардим. “Адабиёт шундай бир қудратдирки, ундан юракларда ўйноқ туради ва бошлар оғриққа чалинади”, буни ким айтган — Белинскийми ё Писаревми — ҳозир эсимда йўқ, лекин бу айтиш ҳақиқат эди — мактабдаги иншоларни юрагим ўйнаб ва бошим ёниб туриб ёзардим. Мактабда адабиётдан энг пешқадам ўқувчи эдим. Муаллимаимиз Анна Борисовна кўпинча менинг иншоларимга батафсил тақризлар ёзар, улар икки-уч саҳифани ташкил қиларди.



Бир гал қизил сиёҳ билан битилган тақризда у шундай сўзларни ёзипти: “Сизни жуда иқтидорли деб ҳисоблайман ва сиз, албатта, Адабиётни танламоғингиз керак”. Бу дафтарни онам сақлаб қўйган экан. Яқинда мазкур рисолаи ёзишга киришганимдан кейин ўша дафтарни топиб олдим.

Бироқ мен бўладиган одам (мен, албатта, ўзимни бўладиган одамлар тоифасига мансуб деб ҳисоблайман) фақат техника билан шуғулланмоғи керак деб биламан (айни ўша пайтларда “физиклар” билан “лириклар” ўртасида шиддатли баҳслар давом этарди). Мен ҳужжатларимни Инженер-физика институтига топширдим. Анна Борисовна ҳаддан ташқари хафа бўлди ва мен билан гаплашмай қўйди. Менинг ички овозимнинг эса дами чиқмай қолган эди — замон даввати уни бутунлай бўғиб қўйганди.

Айтмоғим керакки, кейинчалик гарчи дарров бўлмаса ҳамки, бекорга чапга бурилганимни тушундим ва ўқтин-ўқтин жуда қаттиқ пушмонлар чекдим. Гарчи имтиёзли инженер-механик дипломига эга бўлсам-да, номзодлик диссертацияси ёқлаган бўлсам-да, ҳамини бу соҳада эришадиган мартабам унчалик баланд эмаслигини ҳис қилиб тураман. Агар гапнинг ростига кўчадиган бўлсам, мен “ўзимни илмга урган” айнаи ўша “ўртамиёна” инсоннинг ўзиман. Иш устида бирон марта ҳам юрагим ҳаприқиб, каллам ёнган эмас ва дорилфунундаги филфак аудиторияларининг тимсоли неча марта лаб мени безовта қилган.

Аммо бирор нарса қилишнинг иложи йўқ эди — мен аравага қўшиб қўйилган эдим.

*64-йилнинг 19-ноябри.*

15 йил муқаддам йўлдан адашиб кетганимга жуда қаттиқ афсус чекаман. Менинг биологми, санъатшуноси, яна аллакимми бўлганим минг марта яхши эди, фақат инженер бўлмаслигим керак эди. Менинг калламни тўлдирган доно гапларнинг ҳаммаси у ерда ортиқча юк бўлиб ётипти ва уларни силжитишнинг ҳам иложи йўқ.

Ушалмаган орзуларни қўмсай-қўмсай, унинг туманли юксак соҳиллари орасидан сузишда давом этавердим.

## ЎНГА ЙЎЛ

Мен ўқиган мактаб, Москва авиация институти билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, институт бизга ҳомийлик қилар эди. МАИ да авиация клуби бор эди, мен мактабни тамомлаётган йили институтдагилар мактабимизда парашют тўғараги ташкил қилишди. Қишда мактабимизга парашютчи студент Юра Борисович келди ва назарий машғулотлар ўтказа бошлади. Бу машғулотларга юқори синфдаги ўқувчи қизлардан 10-15 таси бажонидил қатнаша бошлади. (Лекин, ростини айтганда, улардан икки кишигина — мен билан дугонам Микки Виссинг сакрашга мойиллик билдиришган эди.) Биз баҳорда сакрамоғимиз керак эди, лекин нима учундир сакрашни ёзга қолдиришди, мен бу вақтга келганда суҳбатдан ўтиб, Москва инженер-физика институтига студент сифатида қабул қилинган эдим. Сакраш куни биз — Мика икковимиз эрталаб азонлаб аэроклубга келдик (мен қаёққа боришимни уйдагиларга айтганим йўқ).

Эрталабдан бошлаб кун омадли келди — об-ҳаво жуда яхши эди, куёш чарақлаб турипти. Чаққон-чаққон ҳаракатлар билан парашютларни юк машинасига ортдик, Ленинград шоссеси бўйлаб бир уюм парашютлар устида ўтириб, юк машинаси устида қувноқ кайфиятда кетиб боряпмиз. Курсларда ўқийдиган талабалар жуда ажойиб йигитлар экан. Бутун йўл давомида бири-биридан гўзал талабалар қўшиқларини айтиб кетдик. Ўрмон ҳам, ўрмон ичига жойлашган аэродром ҳам жуда гўзал эди. Кейин сакрадик — лекин мен ҳарчанд кўрқинчли бўлса ҳам, ўзимни энгиб ўтдим. Уйга қайтаётганимизда қоронғи тушиб қолган эди, лекин бугунги узундан-узун чароғон кун юракларни қувончли туйғуларга тўлдирган эди. Уйда, албатта, роса гап эшитдим — роса кеч қолган эдим, бурнимни пачақ қилиб келгандим, пастки лабим моматалоқ

бўлиб кўкариб кетганди (ерга тушиш чоғида иягим билан заҳирадаги парашютга қаттиқ урилиб кетгандим). Лекин, барибир, ҳайрон қоладиган даражада энгил туйғу билан уйкуга ётдим).

Уша кун менинг ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Менинг МАИ га ўқишга киргим келиб қолди (фақат МАИ га!). Ва мен МИФИ га ҳужжатларимни қайтариб олгани бордим. Аммо... ҳужжатларимни менга беришмади. Декан аризамга имзо чекиб бериши керак эди. У менга деди: “Ие, нималар деяпсиз, авиация деганлари бамисли паровоз техникасидай жуда қолақ соҳа-ку! Бутун умрингиз болт билан гайкани чизиб ўтади. Биз эса, илмнинг олдинги марраларидамиз, келажак биз томонда.” Мен саросима ичида уйга қайтдим, бир неча кунга ҳеч нарсага кўлим бормаи, бир тўхтамага келолмай юрдим — умр бўйи гайка билан болтнинг суратини чизиб ўтишдай истиқбол одамни кўрқитиб қўйган эди. Отам: “Униси бўладими, буниси бўладими, ҳаммаси техника олий ўқув юрти, фарқи йўқ. Бари — бир гўр!” — деди. Онам бўлса менинг изтиробларимни кўриб, раҳми келиб кетди. Бундан ташқари аэроклуб ваҳимаси уни ҳам чўчитиб қўйган эди. Уйлай-уйлай чарчаб, қовоқдай бўм-бўш калла билан бир куни яна ҳужжатларни олиб келгани бордим ва яна қуп-қуруқ қайтиб келдим. Яна изтироблар бошланди. Учинчи марта эса деканга эмас, унинг муовинига рўпара келдим — у ҳали озгидан она сути кетмаган ёшгина йигит экан. Ҳеч нарсани сўраб-суриштирамай ва ҳатто менга бирон марта қайрилиб ҳам қарамай, аризамга “Ҳужжатлар берилсин” деб кўл кўйиб берди.

Мен институтдан бир оз саросима ичида чиқдим — хўп, ҳужжатларимни-ку олдим, хўш, бу ёғи қандоқ бўлади энди? Бу ёғига эса шароит кўп ҳам яхши бўлавермади. МАИ га ариза қабул қилиш муддати тугаб бўлган экан. Агар олтин медаль олганим тўғрисидаги аттестатим бўлмаса, мен худди Буриданнинг эшагидай икки фарам пичан оралиғида қайси биридан ейишни билмай, очдан ўлардим.

Кунлардан бирида бизнинг аудиториямизга — чурвақалар ҳузурига (биринчи курс талабаларини шунақа деб аташарди) учинчи гуруҳда ўқийдиган иккита йигит келди ва “юксак парвозлар тўғараги” деб аталадиган илмий тўгарак борлигини айтишди. Бу тўгарак ҳамма самолёт ва мотор факультетларида бор экан, студентлар бу тўгаракда жуда кенг қамровли масалаларни ўрганишар экан. Булар сайёрашунослик, космогония, реактив ҳаракат назариясини, Циолковский ва ракета техникаси кашшофларининг асарларини ўрганишар экан. Юқори гуруҳ талабалари конструкторлик бюроларида турли-туман “топшириқчалар” устида иш олиб боришар, институтни тугатганларидан кейин эса улар учун “илм-фан ва техниканинг энг олдинги марраларида” жуда ажойиб истиқбол эшиклари очилар экан. Мен илмнинг қайси марраси энг “олдинги марра” эканини тузукроқ тасаввур қилолмасдим, шундоқ бўлса ҳам ёзилдим.

Мен у пайтларда ҳали “юксак парвозлар” деган оддийгина ном остида нима ётганини билмас эдим, бу тўгаракка инсоннинг космосга парвози ғоясига берилган фидойи одамлар раҳбарлик қилишидан ҳам беҳабар эдим. Улар анчадан бери ҳеч кимга билдирмай бу иш билан шуғулланиб келишар экан. (Шунинг учун “ҳеч кимга билдирмай”ки, у пайтларда ракеталар фақат жанговар қурол сифатида қаралар, космик парвозлар ғояси эса кучлар ва маблағларни муҳим вазифаларни ҳал қилишдан чалғитувчи зарарли хомхаёл сифатида баҳоланарди). Бу сертармоқ тўгарак МАИнинг иккита энг асосий факультетини ўз таъсирига олганди. Тўгаракнинг асосий мақсади кадрлар тайёрлаш эди — ғоя пишиб етган чоғини ва яшаш ҳуқуқини касб этган кунларни пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқ керак эди. Илмий раҳбарият даврларида бу ғоя зарарли деб ҳисоблангани важдангина бу тўгаракнинг номида “космос” деган сўз йўқ эди. Бу сўз кўлландиган бўлса, унга жавобан илмий раҳбарият жуда тезкорлик билан ҳаракат қилиб, “ёпилсин!” деб буйруқ берарди-ю, шу билан иш тамом эди. Тўгаракка янги аъзо бўлганларни ҳам бу сирдан воқиф қилишга унчалик ошиқишмас эдилар, оддийгина қилиб, уларнинг маълумот даражаларини кенгайтиришга, унга керакли йўналиш беришга ва зимдан космик ғояни унга сингдиришга ҳаракат қилишарди.

“Чурвақалар”дан ташкил топган бизнинг тўғарагимизга учинчи курсда ўқийдиган йигитлар раҳбарлик қиларди. Бошқаларга қараганда Герка Иванов билан Саша Платонов кўпроқ келиб туришарди. Аҳён-аҳёнда уфқда “балоғатга етган одам” кўришиб қоларди ва ҳаммамиз тушунардики, ана шу одам “энг каттамиз”. “Балоғатга етган одам” жуда камгап эди, сирли одамдай кўринарди, баъзан у ҳарбий кийимда келарди, лекин мен ундан ҳеч қачон чўчимас эдим. Бу — Олег Викторович Гурко деган одам эди. У тўғаракни ташкил қилишнинг ташаббускори, унинг асосий ғоявий раҳнамоси ва раҳбари, инсоннинг космосга парвози ғоясининг оташин фидойиларидан эди. У М.К.Тихомировнинг гуруҳида ишларди ва кейинчалик Ер йўлдошини учириш имкониятларини техник жиҳатдан асослаб беришда иштирок этган эди. Уша пайтларда бу нарса унчалик равшан эмас эди.

Кейин маълум бўлдики, у ҳеч қанақа “сирли” эмас экан, балки ҳайрон қоладиган жуда ажойиб одам экан. У ҳаддан ташқари ноёб бир қобилиятга эга экан — унинг калласи ҳали хом ғояларни пишириб бераркан ва илмий ҳамда инженерлик масалалари боши берк кўчаларга кириб қолгандай туюлган кезларда уларнинг ечимини топиб берарди. Бунинг устига у жуда меҳрибон, очиқ кўнгли, одамларга ҳаммиша гулгун чеҳра билан муомала қиладиган одам экан. Орадан анча йиллар ўтиб кетгач, тақдир бизни бир-биримизга яна рўпара қилганида, орамизда мустаҳкам дўстлик пайдо бўлди. Мен бу дўстлигимизни жуда қадрлайман.

Кези келганда айтиш керакки, тўғарак аъзоларининг кўпчилиги ракета-космос соҳасининг етакчи мутахассислари бўлиб етишишди ва улардан ҳеч ким космос ғоясига хиёнат қилгани йўқ. Фақат мендан бошқалари — аэроклубда учишлар бошланиши биланоқ мен қолган нарсаларнинг ҳаммасини паққос унутиб юбордим.

## ТЎҒРИГА ЙЎЛ

Институтни тугатганимдан кейин термодинамика ва иссиқликни ошириш кафедрасида ишга қолишга таклиф қилишди. Сўнгги курсларда ўқиб юрганимда шу кафедрада лаборант бўлиб ишлар эдим, лекин ашаддий даражада ўзбошимча ва ўжар бўлганим учун бу таклифга кўнмадим — мен “олдинги марра”ларга интилмасам бўлмас эди, домлачилик қилиш эса менга жуда зерикарли ва юракни сиқадиган иш бўлиб кўринди. Мени ОКБ — 1 га, яъни биринчи сон конструкторлик бюроси бирлашмасига юборишди. У ҳозир “Энергия” деган Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — ИИБ деб аталади. Аммо бу ўринда ишларимга тақдир аралашди — уйдагилар бунга жон-жаҳдлари билан қарши чиқишди. Ишга электрчиқада боришга тўғри келарди, мен эса аллақачон турмушга чиққан эдим, ҳозир ҳомиладор эдим. Бундай шароитда кафедрада ишга қолақолганим маъқулроқ кўринарди. Менга таклиф қилишган жой ҳали ҳам бўш эди, институт ҳам шундоққина уйимнинг ёнида эди. Лекин мен буни истамадим ва қаршимда яна айилиш пайдо бўлди. Яна қайси йўлга қадам қўйишимни билмай, гарангсиб қолдим. Мен тўғарак аъзолари билан алоқамни буткул узиб юборганим йўқ эди. Тўғаракнинг ёши улугроқ аъзоларидан бири мени Фанлар академиясининг Амалий математика бўлимига ишга жойлаштириб қўйди (ҳозир у М.В.Келдиш номидаги Амалий математика институти деб аталади).

1957 йил эди. Инсоннинг космик фазода парвози ҳақидаги ғоя зарарли хаёлот оламига мансублиқдан чиқиб, биринчи навбатдаги (ва мутлақо махфий) масалалар тоифасига кўчган эди. Мен ишга ўтган бўлим бу ишларга бевосита алоқадор, унинг раҳбари М.В.Келдиш эса космонавтиканинг Бош назариячиси эди.

Ишлар мана шу тарзда юришиб кетди. Энди бу йўл мен учун чиндан ҳам тўғрига олиб борадиган йўл эди.

Ҳа, айтганча, мен Марказий аэроклубда бирга учган курсдошим Галя Королкова ҳам ОКБ-1да ишлар эди, у тиббиёт комиссиясининг кўригидан ўта олмади. Шунингдек, кейинчалик самолёт спорти бўйича жаҳон чемпиони бўлган Розалия Шикина ҳам тиббиёт кўригидан ўта олмади. Ҳолбуки, уларнинг иккови ҳам кўрикдан ўтишга жон-жаҳдлари билан уринишган эди — улар

ҳатто Каманиннинг ва бошқа катталарнинг ҳузурларига кириб, илтимос қилишган эди. Боя айтганимдек, асосан, парашютчиларни қабул қилишмоқда эди, мени эса Келдишнинг ўзи тавсия этганди, яъни яна тақдиримга Тасодиф деган ҳазрати олийлари аралашган эди.

## АМАЛГА ОШМАГАН ПАРВОЗ

“Восток-6” кемасининг командири тайинлаш ҳақидаги қарорни Давлат комиссияси тайёргарлик тамом бўлгандан сўнг қабул қилар ва ўша пайтда қарор топган тартибларга биноан космонавтларга космодромга учиб кетишлари арафасида эълон қилинарди. Бу қарорни бизга учимиз арафасида — 1962-йилнинг 21-майида эълон қилишди, шу мақсадда Давлат комиссияси Марказга келди.

Стол ортида Келдиш, Королёв, Каманинлар ўтиришипти. Мажлис жуда қисқа бўлди. Албатта, ҳеч қанақа мўъжиза рўй бергани йўқ — кема командири қилиб В.В.Терешкова тайинланди, заҳирага эса И.Б.Соловьёва ва В.Л.Пономарёвалар белгиланди. Иккита дублер белгиланишига сабаб “аёл организмининг мураккаблиги” сабабли рўй берди.

Ўшанда мен нималарни ҳис қилгандим? Тақдир менга раво кўрган якка-ю-ёлғиз имконият рўёбга чиқмай қолди. Кейин бизга ҳали ҳаммаси олдинда, кейинги парвозлар мураккаброқ ва қизиқарлироқ бўлади, деб таскин беришди — аввалига мен бу гапларга ишондим, ҳатто шундай дақиқалар ҳам бўлдики, бу ваъдалар амалга оша бошлагандай ҳам кўринди, аммо ўша пайтда кўққисдан туман тарқаб, уфқ тиниқ кўрина бошлаганда, ҳамма нарса аниқ-таниқ бўлганидек, ҳеч нарса бўлмаслиги равшан бўлиб қолган эди.

Кейинчалик мендан неча марталаб, нега айнан Терешкова танлаб олинди, деб сўрашди. Афтидан бу саволни бошқаларга ҳам кўп беришган бўлса керак. Мен нима дейишим мумкин эди? Космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи Е.А.Карпов учиш олдидан бу мавзуда биз билан — мен ва Ирина билан айрим-айрим гаплашди. У Иринага аёл кишининг биринчи парвози учун “муомалали”, одамлар оммаси билан мулоқотга кириша оладиган одам керак, негаки, парвоздан кейин жаҳон бўйлаб ҳам, Иттифоқ бўйлаб ҳам кўп юришга тўғри келади, кўп учрашувларда бўлиш ва чиқишлар қилиш зарур бўлади, Иринанинг эса табиатига кўра жиндай одамовилиги бор, деган. Айтганча, Ирина бу тўғрида оз эмас-кўп эмас, салкам чорак аср ўтгандан кейингина бир журналда бизнинг гуруҳимиз тўғрисида биринчи марта мақола эълон қилишга тайёргарлик бораётган кезларда гапириб берганди. Евгений Анатольевичнинг менга айтгани шу бўлдики, сиёсий мулоҳазаларга кўра “ҳалқдан” чиққан одам учгани маъкул, мен шўринг курғур эса, келиб-келиб “хизматчи” оиласида туғилиб қолганман. Евгений Анатольевич бизга таскин беришга ҳаракат қилиб, ўзининг боадаб ва донишманд одам эканини намойиш қилди ва ҳар қайсимизнинг кўнглимизни кўтарадиган гапларни топиб айтди. Бирор масалани ҳал қилиш ҳақида сиёсий мулоҳазалар важдан қарор қабул қилинар экан, бунга қарши бирон гап айта олмайсан ва унчалик хафа ҳам бўлмайсан, киши.

Терешкова ўз тақдирига муносиб аёл бўлиб чиқди ва парвоздан кейинги ролини зўр маҳорат билан уддалади. У жамоатчилик ҳаётида ўйнаётган ролни мен бемалол эплай олардим деган комил ишонч менда йўқ. Бизнинг парвозга тайёрлигимиз масаласига келсак, биз бу масалада қадам-бақадам, ҳамнафас борган эдик. Мендан сўрашганда мен тоза виждон билан шунга айтманки, ўшанда ичимиздан келгусидаги жамоатчилик ишларига энг мос келадиган одамни танлаб олишганди ва бу ишда адашишгани йўқ.

Сентябрдан янги ҳаётимиз бошланди: биз Н.Е.Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво академиясига ўқишга кирдик. Валя, Таня ва Жанна учун махсус гуруҳ тузиб беришди, мен билан Иринага олий техник маълумотга эга бўлганимиз учун йигитларга қўшилишимизни таклиф қилишди (улар бу пайтга келганда икки йил ўқиб қўйишган эди). Лекин мен авиация институтида ўқиганим ва меҳнат қошидаги курсларни битирганим етарли деб ҳисобладим, шундан кейин мени адъюнктурага жўнатишди.

Туғилган кунимдан кейин мен бу ишларга хотима ясадим. Кундаликка йирик-йирик ҳарфлар билан “Янги давр бошланди” деб ёзиб қўйдим.

21.09.63.

Бугунги кунда биз қуйидагиларга эгамиз:

1. Лоақал бўлғувси бир ярим йил учун шароит равшан: қаҳрамонлар ва аёллар парвозга тайёрланмади. Бу жуда яхши. Бу жуда ҳам соз, яъни унинг созлиги шундаки, у — равшан.

2. Адьонктурага имтиҳонлар шундоққина тумшуғимизнинг тагига келиб қолган ва бунинг учун бизда тариқча ҳам тайёргарлик йўқ.

3. Ўқиш учун ҳафтасига тўрт кун ажратилган, шекилли.

4. “Сервант ва тоғоралардан имкони борича нари тур” деган ишорага қарамасдан турфа хил рюмкалардан роса йиғиб олинган.

5. Биринчи ўринда турмоғи лозим бўлган нарса — 30 ёш. Менинг ўттиз йиллигим. Юбилей. Бундан мен хафа бўлаётганим йўқ. Яъни бу мени аёл киши сифатида хафа қилмайди, лекин космонавт сифатида жуда қаттиқ хафа қилади (мен ўзимнинг мутлақо номахфий кундалигимда ўзимга нисбатан “космонавт” деган сўзни қўллай олмаган эдим. — В.П.)

Бундан ташқари биз яна ҳаддан ташқари тезкор ҳаёт суръатига эгамиз — “юбилей нутқлари тантанаси” ўтиб кетди, ярим қуруқ қонун даври бошланди. Бугун ва эрта уйда белгилаб қўйилган ишларни қиламан ва бутун қалбимни инглиз тилига, партия тарихига ва парвоз динамикасига бахшида этаман.

Академияда диплом ҳимояларига 1967 йилнинг ёзидан киришилди, агар адашмасам, биринчилардан бири бўлиб Ирина ҳимоя қилди. Унинг ҳимоясидан кейин уч-тўрт киши бўлишиб Речной вокзалдаги ресторанга бордик, сув устида лопиллаб турган кемада ўтирдик, Иринанинг ютуғига хурсанд бўлдик, дарё сувининг жимирлашларидан, қуёш нурларидан баҳра олдик, ҳаёт гаштини сурдик. Кайфимиз жуда чоғ эди. Эришилган галабани ювиш учун Иринанинг портфелини чўктириб юбордик. Ирина шўрлик бутун ўқиш йилларида шу папкани қўлтиқлаб ўқишга қатнаш эди. Лекин эсимда йўқ — наҳотки, китоблари билан чўктирган бўлсак? Ичига гишт солдикми-йўқми — буни ҳам эслолмайман.

Космонавтлар учун янги мутахассислик очилди — у инженер-учувчи-космонавт касби эди. Қизлар ҳам шунақа дипломлар олишди, мен эса ўша-ўша аввалгидек — инженер-механиклигимча қолавердим, лекин бу менга яшашга ҳалақат бергани йўқ.

Бизлар қандоқ бўлган эдик? Бу тўғрида қандай қилиб гапириб берсам бўларкин? Л.Н.Толстой — қаерда экани эсимдан чиқиб кетган — одамзот бутун умри мобайнида фақат бир хил муайян сифатларгагина эга бўлади деб ўйлаш хатодир деб ёзган эди. Одамлар дарёга ўхшаган бўлади, — дейди Толстой. Дарёдаги сув ҳаммасида ҳам бир хил бўлади. Лекин ҳар қайси дарё ўзгача, уларнинг бири энсиз, бири кенг, бири илиқ, бири совуқ, бири лойқа, бири тиниқ. Унинг одамлар баайни дарё мисол дегани менга жуда ёқади...

Мана, биз ҳам... Биз 1962-йилнинг март-апрелида Марказда тўпландик. Биринчи бўлиб мартнинг бошида Валентина Терешкова етиб келди. Орадан кўп ўтмай, Ирина Соловьева билан Таня Кузнецовалар келишди, Жанна Еркина — 10 апрелда, мен эса 12 да келдик. Бизнинг ҳар қайсимиз ўзимизнинг ҳаёт тажрибамизга эга эдик. Шу билан бирга ҳар қайсимиз ўзимизга хос алоҳида нарсамиз билан келгандик. Масалан, Валя комсомол ишига хос жўшқинликни, Жанна — ҳаммага хайрхоҳлик ва ҳаммани муросага келтириш иштиёқини олиб келганди. Гуруҳимизнинг маънавий иқлимидаги энг кучли жиҳат — мусобақа руҳи эди. Бу руҳни Ира билан Таня ўзлари билан олиб келишди. Уларнинг иккови ҳам парашют спорти бўйича мамлакатнинг терма командасидан келишган. Бу команданинг ўзининг қонунлари ва ахлоқ қоидалари мавжуд эди. Айтмоқ керакки, ҳақиқий спортсменларга хос ахлоқ нормалари бизнинг шароитимизда жуда яхши заминга эга бўлди: биз орамиздан фақат бир киши учинини билардик ва ҳар қайсимиз ўзимизни бу ишга муносиб деб ҳисоблардик.

Хўш, мен-чи? Мен ўзим билан нима олиб келдим? Жуда оғир савол. Тўғрироғи, унга ҳалол ва ошқора жавоб бериш мушкул. Уриниб кўраман.

Менинг гуруҳда пайдо бўлганим вақтига келганда унда ўзаро бир-бирига мойилликлар ва бир-биридан қочишлар сезилиб қолган эди. Муносабатларда кўзга кўринар-кўринмас ёриқ пайдо бўлган эди. Бу ёриқни ичкаридан синчиклаб қараган одам пайқамаса, бегона кўз асло пайқай олмасди. Лекин у бор эди. Табиийки, янги одамнинг пайдо бўлиши қандай қилиб бўлса-да, вужудга келган вазиятни ўзгартирмоғи керак эди — у ё хотиржамлик олиб келиши ёхуд кескинликни янада кучайтириши керак эди.

Таассуф-у надоматлар билан эътироф этмоғим керакки, мен ўзим билан олиб келишим керак бўлган сифатларни — оқилалик ва хотиржамликни олиб келганим йўқ. Мен қизларнинг ичида каттаси эдим, турмуш қургандим, ўғлим бор эди, менинг ҳаёт тажрибам кўпроқ ва хилма-хилроқ эди.

Мен шундай бир қоя бўлмоғим керак эдики, эҳтирослар тўлқини шу қояга келиб урилиб, чилпарчин бўлмоғи шарт эди. Аммо менда донолик ва хотиржамлик йўқ эди. Туйғулар эса жуда бисёр эди. Шундай қилиб, муносабатлардаги дарз дарзлигича қолаверди. Баъзан кескинлик кучаяр, дарз кенгаяр ва ҳатто чуқурлашиб, бутун бошли дарага ҳам айланарди.

Кейинчалик мен муносабатлар нега айнан шунақа тарзда шаклланиб қолганини англашга уриниб кўрдим. Бунинг бир нечта сабаби бўлган бўлиши керак ва энг муҳим сабаб шу бўлган бўлиши мумкинки, биз жуда тор қобиққа ўралиб ҳаёт кечирар эдик. Биз жуда қисилиб яшардик, тумшугимиз тумшугимизга тегиб турарди. Ташқи дунёдан ҳам буткул бўлмаса-да, ҳарҳолда анча-мунча узилган ҳолда ҳаёт кечирардик. Қариндош-уруғларимиз ва яқин дўсту биродарларимиз билан алоқаларимиз жуда чекланган эди. Янги дўстона алоқаларнинг вужудга келиши учун эса вақт керак. Теварагимизда одам кўп эди, аввалги ҳаётимиздагига қараганда анча кўп эди — улар кемалар қуришарди, скафандрлар тикишарди, тажрибалар ўтказишарди, бизларни ҳар хил синовларда текшириб кўришарди, бизни ўқитишарди, даволашарди, машқ қилдиришарди, бирор жойга борсак, олиб боришарди, овқатлантиришарди. Улар калейдоскопдаги каби хотирамизда из қолдирмай лип-лип ўтиб кетаверар эди деёлмайман, лекин ҳарҳолда улар пайдо бўлиб, ғойиб бўлишиб туришарди, биз эса адир устидаги қоядай сўппайиб тураверардик. Ҳар томондан йўналтирилган нигоҳлар бизни кўрарди, ҳар томондан эсанг шамоллар бизга келиб уриларди.

Кейинроқ, орадан 30 йиллар ўтгач, мен яна шунақа ҳаётга тушиб қолдим — ҳаётим, юриш-туришим эркин эди-ю, лекин жуда чекланган ва ўз қобиғига ўралган эди — мен Кобулда шапалоқдеккина бир жойда девор ортидаги қуролли соқчиларнинг ҳимоясида яшадим. Шунда “бундай яшаб бўлмаслигини” англадим, ҳаёт кичкина бир майдончада чекланган бўлиши мумкин эмас, атрофингизни қуршаган яқинларингиз давраси ҳам чекланган бўлиши мумкин эмас. Бу нисбатларни бузиб юборади — майда ва арзимас нарсаларни жуда катта қўлам касб этиб кетади, ҳодисаларнинг туси ҳам ўзгаради ва умуман, ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар ҳам бузилиб кетади. Агар “чекланган контингент” орасида салга туйғулари жунбушга келадиган одам бўлса, унинг аҳволига “вой” деяверинг. Мен буларнинг барини Кобулда кузатар эканман, ўзимнинг бир неча ўн йиллар аввалги космонавтлар тайёрлаш Марказининг шифохонасида ўтказган ҳаётимни эсладим. Шифохона ҳам баланд деворлар ортида бўлиб, ташқаридан тиканли симлар билан ўралганди. Кечалари эса итлар билан қўриқланарди, ички тартиб-интизом ҳам жуда қаттиқ эди. Албатта, у кезларда мен ўзимни Кобулдагидек ҳамма нарсадан ва ҳамма одамлардан ажралиб қолгандек ҳис қилганим йўқ. Албатта, ўшанда мен оламини қандай туяётганим тўғрисида, ҳаётга муносабатим ҳақида ўйлаганимда ундан ўзимни узилиб қолган деган ҳаёлга сира бормаган бўлардим. Лекин ўзим билан қолган дунё ўртасида қандайдир чегара борлигини ҳис қилардим — ахир, бутун мамлакатда биздақа аёллар фақат беш киши эдик, холос-да! Биз бошқалардан бошқачароқ эдик, биз бошқалардан ажралган эдик. Мен ҳозир ўз номимдан гапиряпман. Лекин ўйлайманки, қолганлар ҳам қай бир даражада меникига ўхшаш туйғуларни

кечирган бўлсалар керак. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтайки, айна ана шунақа вақтларда, яъни сен ўзингнинг “алоҳидалигинг”ни жуда ўтқир ҳис қилган, лекин ҳали бу “алоҳидалик” ҳаётда рўёбга чиқмаган пайтларда аллақайёқдан учиб келган улуглик уруғи қалбингга инади, кейин эса карнай-сурнай садолари остида униб чиқа бошлайди. Эҳтимолки, ана шу хуфия “алоҳидалик” туйғуси (аллаким жуда топиб айтганидек, “номсиз шухратнинг мутақаббирлиги”) важдан кейин тақдир бу қадар кескин ўзгариб кетгандир. Ҳа, энди бу омади бир гап-да...

Гуруҳ ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишига шу нарса ҳам таъсир кўрсатдики, биз ўзимиз алоҳида маъмурий бирлик сифатида ҳаёт кечирардик: йигитлар маслаҳатлашиб, бизни Отряд таркибига қўшмасликка қарор қилишипти. Афтидан, аёлларни космонавтикада муваққат нарса деб ҳисоблашган бўлсалар керак. Кейин мен Гагариндан ҳам, Шониндан ҳам (у бир вақтлар бизнинг партия ташкилотимизда котиб бўлган эди) бизни “алоҳида бирлик” қилиш ҳақидаги қарор хато бўлганини эшитдим.

Ҳозир муносабатларимизнинг ҳамма қирраларини тиклаш, қачон дўстлигимиз кучайиб, қачон ундан путур кетганларини аниқлаш жуда қийин. Албатта, кундаликларимиз бор, аммо уларда тилга олинган воқеалар оддий, жўн воқеалар, бугунги нуқтаи назардан қаралса, аҳамиятини йўқотган, ундаги баҳолар албатта, бир томонлама кўринади.

Парвозга тайёргарлик кетаётган пайтларда ва ундан кейин ҳам биздан “ораларингда рақобат бормиди?” деб тез-тез сўраб туришарди. У пайтларда “рақобат” деган сўз кам қўлланадиган сўхтаси совуқ сўзлар тоифасига кирарди. Шунинг учун биз аҳиллик билан жуда қатъий қилиб, “йўқ” деб жавоб берардик. Лекин “йўқ” деганимиз нимаси?

Ахир, ҳар биримиз навбатдаги машқдан ёхуд синовдан имкони борича яхшироқ ўтишга (ўз меҳнатимиз ва пешона теримиз ҳисобига) ҳаракат қилардик. Ва, албатта, ҳаммамиз бошқаларимизнинг натижаларини диққат билан кузатар, ҳамда ўзимизни қирқишга уринмасдик, аксинча, ҳаммиша бир-биримизга ёрдам беришга интилардик. Бирортамиз навбатдаги синовдан ўтаётганида қолганларимиз “дугонамиз учун ташвиш чекиб турардик, унинг қайтишига эса бирон совға-салом тайёрлаб кўярдик. Бу тартибни Ирина жорий қилди ва бу тартиб парвозга қадар амалда бўлди. Эсимда — бир куни мен сурдокамерадан қайтиб келганимда, қизлар уйда йўқ эди. Улар учмоқда эканлар, аммо менинг ёстиғим устида табрик сўзлари ёзилган откритка, бир қути шоколад ва пластмассадан ясалган буғу боласи ётарди. Кўнглим не чоғлик кўтарилганини сўз билан ифодалай олмайман.

Ташқи дунё қаршисида биз ягона фронт бўлиб намоён бўлар ва бир-биримизни “сотмас” эдик. Масалан, мана шундай бир вазият рўй берган эди: биз — Татьяна икковимиз ахён-ахёнда чекиб турардик — ўша кезларда чекиш Москва қизлари ўртасида эндигина урф бўла бошлаган эди. Ҳолбуки, космонавтларга чекиш қатъиян ман қилинганди. Биз бирон пастқам бурчакка биқиниб олиб, чекардик. Лекин бир куни кимдир бизни пайқаб қолибди-ю, сиримизни фош қилди, шанба куни навбатдаги ишлаб чиқариш мажлисида гуруҳимиз куратори Николай Герасимович Масленников шундай деди: баъзи бирларингиз чекар экансизлар. Бу тўғрида маълумотлар бор. Валентина бу гап тўғрилигини биларди, лекин шунга қарамай, жуда қаттиқ аччиғи келиб, бу айбни рад этди: “Қизлар-а?! Чекар эмишми? Бўлмаган гап! Нима деяпсиз? Мен гуруҳнинг каттаси сифатида...” Бунақа шиддат қаршисида Григорий Герасимовичнинг масалани кун тартибидан олиб ташлашдан бошқа иложи қолмади.

Биз бир-биримиздан қийинчиликларимизни яширмас, тобимиз қочиб қолса, яшириб юрмас эдик. Бир куни менинг мазам қочиб қолди — ошқозонимда оғриқ пайдо бўлди. Бир вақтча чидаб юрдим-у, кейин бизнинг терапевт-врачимиз Андрей Викторович Никитинга мурожаат қилдим (табiiйки, гайрирасмий равишда). У касалимнинг “невралгия” эканини айтди ва ҳаддан ташқари катта бир шишада дори берди. Қизлар менинг дори ичаётганимдан хабардор эдилар ва мен шишани бегона кўзлардан яшириб қўйишни унутсам, қизлардан бири шишани тумбочкага беркитиб кўярди.

Гарчи йигитлар бизни ташкилий жиҳатдан Отрядга қабул қилишган бўлмасалар-да, бизни ўзлариники деб ҳисоблашар, ёрдам беришар, ҳомийлик қилишар, билмаганимизни ўргатишарди.

Звезднийга кўчиб келганимдан кейин мен ҳамма билан бирга академияга қатнай бошладим ва шунда англадимки, мана шу эрталабки соатда автобусда шаҳардан Жукбакигача етиб боргунча ўтган вақт ичида автобусда у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб кетиш, ҳазил-мутойибалар, чак-чақлашишлар одамлар ўртасидаги мулоқотларнинг энг ноёб неъматлари экан.

Бир куни академиядаги машғулотлардан кейин бир тўп бўлишиб китоб дўкончасига кирдик. Бу ерда мен бир шеърый китобни сотиб олдим — унинг муаллифи эсимдан чиқиб қолипти. Автобусда, Гагарин “Қалай, шеърлар дуруст эканми?” деб сўради. Мен “ҳа” деб жавоб бердим (шеърлар чиндан ҳам менга маъқул бўлган эди) У китобчани қўлига олиб, варақлаб чиқди-ю, кейин овоз чиқариб ўқий бошлади. У ўқиган сари мен ўтирган жойимда типирчилай бошладим — ўзим учун ҳам, муаллиф учун ҳам хижолатга тушиб, уялиб кетдим. Йигитлар пичинг қилиб кулиша бошлашди, мен эса “китобни харид қилаётганимда кўзларим қаерда эди?” деб ич-этимни еб ўтирибман. Ахир, мен ўзимни шеърийат билимдони деб ҳисоблардим, шеърийатнинг фарқига бораман деб билардим — шунақа ҳам шарманда бўламанми? Гагарин бўлса... ундаги бу нозик туйғу қаёқдан пайдо бўлганикин — уйғунлик ва гўзаллик қонунларининг бузилганини одам шу қадар нозик ҳис қиладими? Унинг ўқишининг оҳанги сохталикни шу қадар фош қилиб ташлаптики, қўяверасиз... Эҳтимол, ўшанда биринчи марта хаёлимдан ўтган бўлиши ҳам мумкин — журналистлар ўзларининг мақолаларида Гагариннинг сифатларини ошириб тасвирлашлари бежиз эмас экан-да... Одамнинг оддий, ўртамиёна одам эмаслигини англамоқ учун оддий бўлмаган, фавқулодда шароит керак, кундалик ҳаётда, оддий шароитда эса одам оддий, жўн бўлиб кўринарди. Афтидан, ёлғиз бир эмас, бошқа анча-мунча одам ҳам, Гагарин бир омади келиб, Биринчи бўлиб қолган-да деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Ҳа, энди, унинг шаънига айтилаётган мақтовлару ҳамду-санолар — бизнинг ҳаётимизнинг ажралмас белгиси, холос, бунақа гаплар тез-тез бўлиб туради, уларда ҳаёт ҳақиқатини излаб ўтириш ортиқча. Кейинчалик ҳаётнинг ўзи бизнинг бунақа тасаввурларимизга ўзининг тузатишларини киритди...

Ўз-ўзидан маълумки, отрядда тарафқашликлар ҳам бор эди, жажжи жамоатчалар ва сувости оқимлари мавжуд эди. Аммо улар бегона кўзларга кўринмас эди. Умуман, отряд ҳаётида содир бўладиган воқеаларнинг ҳаммасини ташқарига олиб чиқмасдан отряднинг ўзида ҳал қилишга ҳаракат қилишарди, ҳеч нарсанинг ҳидини ташқарига чиқармасликнинг пайдан бўлишарди. Шундай ҳикоя қилишади: отрядда бир одат бор экан — қаҳрамонлардан бирортаси тўсатдан ўзида “манманлик унсурлари” мавжуд эканини намойиш этса, уни “чўмилтиришар” эканлар. Баъзида улар нонушта қилишга келишарди-да, масалан, шундай дейишарди: “Кеча Германни чўмилтирдик”. Бир куни мен сўрадим: “Чўмилтирдик деганларинг нимаси? Буни қандай англамоқ керак?” Кийим-пийими билан душнинг тагига қўйиб кўйдик, дейишади. Мени ҳамма нарсадан кўпроқ ўйлантирган нарса шу эдики, у шўрлик кейин кийимини қандай қилиб қуритади, формасини қандай дазмоллайди деб хуноб бўлардим. Ўшанда, назаримда, бу шунчаки бир рамзий ҳаракат бўлиб кўринарди. Ушандагина эмас, мен ҳозир ҳам шундай деб ўйлайман. Ҳозир сўрашга унча ҳушим йўқ, эҳтимол, уларнинг бирортаси ўзи ёзиб қолар. Агар бирор жиддийроқ воқеа рўй берса-ю, унинг овозаси ташқарига чиқиб-негиб қолса, Каманин етиб келар, отрядни тўплар ва айбдорнинг таъзирини бериб кўярди.

Каманиннинг таъзирларини эсласам, ҳозирга қадар юрагим орқага тортиб кетади. Отряд йиғиларди, Карпов келарди, бошқа бошлиқлар ҳам келишарди. Каманин ҳамманинг рўпарасига қўйилган стол ортига ўтирарди. Қовоғи солиқ, пешонаси тиришган. У айбдорни дабдала қиладиган нутқ сўзлар, унинг баёнида воқеа тафсилотлари кўрқинчли тус оларди, ҳолбуки, аслида улар бирор арзимаган майда воқеа бўлиб чиқарди. Масалан, биров ортиқча ичиб қўйган бўларди ёки хотини билан жиқиллашиб қолган, тасодифан муштлашиб қолган



ёки яна бошқа шунга ўхшаш коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига тўғри келмайдиган бирор қилиқ қилиб қўйган бўларди. “Ахир, бизнинг тўғримизда кўшиқлар куйлашади!” — дея хитоб қилди бир гал Каманин дарғазаб нутқининг охирида. Космонавтлар қовоқларини солганча индамай ўтиришарди. “Кўлга тушиб қолган” ўзларининг шериги, ўртоқлари. Ҳеч ким уни дил-дилдан қоралаётгани йўқ, ҳаммалари ҳам жонли одам, беайб парвардигор, ҳаммада ҳам бўлиши мумкин бунақа нуқсон... Бунақа йиғинларда мен ҳаммаша ўзимни ёмон ҳис қилардим — гўёки ҳамманинг кўз ўнгида менинг ўзим калтакланаётгандай бўлардим. Аминманки, мендан бошқалар ҳам қўрқиб, ижирғаниб ўтиришарди. Қайси бир одам отряд номидан сўзга чиқиб айбдорни тил учида қораларди. Одатда бу ишни ўша пайтда партия ташкилотининг котиби бўлиб турган одам бажарарди. Гапирадиган одам завқ-шавқсиз, бўштовгина гапирар, ҳамма унинг мажбуран гапирётганини яққол сезиб турарди. Ҳамма билиб турарди — буларнинг бари ўйин, қоида шунақа. Айб қилиб қўйган одамнинг тақдири аллақачон ҳал қилинган, мажлис-у, нутқлар эса шунчаки, маросимга мос рақслардан ўзга нарса эмас. Биз қизлар бир амаллаб бунақа йиғинларга чап бериб қолишнинг пайида бўлардик, бирор ёққа ғойиб бўлиб қолишнинг чорасини излардик. Лекин, бунинг иложи бўлмас эди — машина ишга солиб юборилган эди. Машина яхши созланган, унга чап беришнинг имкони йўқ эди.

1964-йилда отряддан “фойдаланишнинг имконияти йўқлиги учун” деган баҳона билан Эдуард Кутко бўшатилади. У иккинчи отряддаги учмаган космонавтлардан эди. Бу одам оддий ва жўн одамлардан эмас эди, у мустақил фикрлайдиган инсон эди. Бир куни у сиёсий машғулотда кўникилмаган бир ғояни ўртага ташлаб қолди: бир партияли система самарали эмас, — деди у, — жамиятнинг бемалол тараққий этмоғи учун муҳолифат партиясини тузмоқ керак, бу партия ҳам ўз олдига ўша мақсадларни қўймоғи — социализм учун, инсониятнинг порлоқ келажаги учун, тинчлик учун, меҳнаткаш халқнинг бахти учун курашмоғи лозим, лекин бу кураш тактикаси мавжуд партиянинг тактикасидан бутунлай фарқ қилиши керак. У олдинга сурган иккинчи ғоя ҳам жуда ажойиб эди: содир бўлаётган воқеалар тўғрисида одамларга тўлароқ ва ҳаққонийроқ ахборот бериб бормоқ лозим, негаки ёлгон ва яширишга уриниш турли-туман бемаза миш-мишларнинг туғилишига олиб келади, бу эса жамият манфаатига хизмат қилмайди. Шу пайтгача ақлим бовар қилмайди — уни мана шу доҳиёна ғояларни минбардан айтиб чиқишга нима мажбур қилдирди? Бунақа гапларни нафақат минбардан, ҳатто бирор одамнинг ошхонасида айтиш ҳам ҳаммаша бежазо қолавермасди. Яна сиёсий машғулотда ҳамманинг қулоғига жар солиб боғ уряпти-я!

Машғулотни олиб борган ўқитувчи Марказнинг сиёсий бўлимига рўй берган воқеа тўғрисида маълумот берди ва машина ишга тушиб кетди: ахборот “буйруққа биноан” юқорига кетди. У қаергача етиб борганини билмайман — КПСС Марказий Комитетигача етиб борган бўлса ҳам ҳайрон қолмайман. Ҳаммасини жуда тез имида-жимида қилишди. Эдик янги вазифага тайинланди ва жўнаб кетди. Лекин энг қизиғи нимада денг? Ҳеч қанақа сўкиш-тергашлар бўлмади. Каманин ҳам келгани йўқ, отрядни ҳам йиғишмади — ахир, бу ичкиликбозликка ўхшаш — кунда учраб турадиган одатий машмаша эмас эди-да. Бу — жуда ёмон нарса эди, куйдиргидан ҳам баттар хатарли эди; отряд ҳам ўртоқларини ҳимоя қилиб чиқмади, агар шундоқ бўлганида, гап тасодифан илашиб қолган “ғоявий ёт унсур” ҳақида бўлмас эди, балки оммавий тарзда ғоявий чириш юз бергани тўғрисида бўларди.

Ҳамма ҳам анча бесаранжом бўлди, менинг ҳам кайфиятим жуда бузилди. Эдик менинг энг яқин дўстларимдан бири эди. Лекин менинг қўлимдан ўзимга ўзим “ким сени мажбур қилди бунақа деб вайсашга?” дея таъкидлашдан бошқа нарса келмас эди. Ҳамма ундан шуни сўради. Ҳеч ким мажбур қилгани йўқ, деб жавоб берди у. — Бизнинг ҳаётимизда ҳамма нарса янада яхшироқ бўлишини истаган экан у. Бу қайғули воқеанинг энг аламли жойи ҳам шунда...

Бизнинг ҳаётимизда исталган бошқа бир ҳаётдаги каби ҳамма нарса бор эди. Бундан ташқари бизникига ўхшаган ўз қобигига ўралиб, ҳаммадан

ажралган ҳолда, унинг устига жуда тор жойда ҳаёт кечирадиган кичкина бир жамоада ҳаммавақт тинчлик ва сукунат ҳукм суришини, ҳамиша сув қуйгандай жимжитлик бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Такрор айтаман: биз ҳар хил одамлар эдик, одатларимиз ва кўникмаларимиз, майлларимиз ва интилишларимиз ҳар хил эди. Турлича ҳаётий тажрибага, ҳозирги тил билан айтганда, хилма-хил менталитетга эга эдик. Бироқ ҳаммамизнинг битта муштарак белгимиз бор эди: биз ҳаммамизга ғоят юксак даражада “курашиш, излаш, топиш ва таслим бўлмасликка” интилиш хос эди. Бу эса шароитни янада нозиклаштирарди. Агар шундай бўлмаганда биз ҳаммамиз бу ерга жам бўлмаган бўлардик. Шу тарзда бизлар йиғилишардик ва тарқалишардик, гижиллашардик ва ярашардик, гуруҳларга жам бўлардик ва яна улардан чиқардик, хулласкалом, ўз қозонимизда қайнардик ва бу қозонда шунақа эҳтирослар жўш урардики, кўяверасиз...

Ҳозир эҳтирослар тиниб қолди ва биз — аёлларнинг биринчи қақирик космик командаси яна биргамиз. Аввалги олис замонлардагидек эмас, албатта. У пайтларда ҳаммамиз битта ҳаёт билан яшардик. Эндиликда эса ҳар қайсимизнинг ўз оиламиз, ўз ҳаётимиз, ўз ишимиз ва ўз ташвишларимиз бор. Албатта, биз эндиликда маъмурий бирлик эмас, “қалбан” бирликни ташкил қиламиз. Лекин шунга қарамай, бизнинг ўз анъаналаримиз бор, “интизомимиз” бор. Нима бизни биргаликда ушлаб туради?

Менимча, космик парвозга тайёрланаётганимиздаги бизнинг қисқа муддатни ўз ичига олган ҳаётимиз ҳаммамиз учун ҳам энг ёрқин, энг драматик, энг қийин ва энг муҳим ҳаёт бўлган эди: ўша пайтдаги ҳаётимиз оламшумул аҳамиятга молик бўлган одамларга ва воқеаларга дахлдор бўлган. Парвозга тайёрланиш жараёнида бошимиздан кечган хатарлар ва қийинчиликлар, юксак мақсад сари интилиш ва бу интилиш йўлидаги рақобат — буларнинг бари бир-биримизни мустақкам жипслаштирди, ҳатто, айтиш мумкинки, бир-биримизга қариндош қилиб қўйди. Кейин ҳаёт ҳаммамизни ҳар томонга тарқатиб юборди, кейин яна бир-биримиз билан учраштиради; биз бир уйда яшаб туриб, анча вақтгача бир-биримизни кўрмай кетган пайтларимиз ҳам бўлган, лекин қардошлиқ туйғуси сақланиб қолган. Биз ҳаммамиз ҳар қайсимиз билан, ҳар биримиз бир-биримиз билан нималардадир келишмаймиз. Ҳар қайсимизда шундай сифат борки, у қолганларимиздан бирортамызга сира тўғри келмайди. Лекин шундоқ бўлса ҳам... “Сиз билан бизнинг, Сиз билан менинг қонимиз бир” дейди Маугли ҳайвонларга. Биз ҳам шунга ўхшаганмиз — қонимиз бир. Мен буни ички яхлитлигимиз туйғуси деб атар эдим.

Ҳаммамизни бирлаштирадиган, бир-биримизга жалб қилиб, жипслаштирадиган омил, албатта, Валентина эди. Ҳамма унинг атрофига йиғилар, ҳамма унинг теграсида гирдикапалак эди. Ҳар 18-июнда — унинг космосга парвози кунини ҳаммамиз уникига тўпланамиз. Бунга, худо кўрсатмасин, зилзилагина халақит бериши мумкин, холос. Одам жуда кўп бўлади, зиёфат куюқ бўлади, ўйин-кулги, қаҳқаҳа, қадаҳлар айтилган. Валянинг шаънига кўпдан-кўп мақтовлар янграйди. Аммо у доимо кўрсатгични биз томонга буриб юборади — гўёки биз тўрттовимиз космосга учганмиз-у, у ерда бизни кутиб ўтирган. Баъзан шундай ҳам бўладик, тонг отгунча ўтирамыз, “ўша ҳаёт”ни эслашамиз, маъюс тортамыз, кулишамиз, “эски қўшиқлар”ни куйлаймиз. Биз ҳаммамиз уникига бир даста гул кўтариб келамиз, кетаётганда эса тўртта гулдаста билан кетамиз: у ҳар биримизга, албатта, жуда ажойиб атиргуллардан гулдаста тўтқазиб юборади.

Яна бир анъанамиз — туғилган кунларда тўпланиш: таклифни кутиб ўтирмаймиз, ижозат сўрамаймиз, ҳаммамиз бир бўлиб совға сотиб оламиз-у ёпирилиб бораверамиз. Янги йилнинг келиши қандай муқаррар бўлса, бизнинг бостириб боришимиз ҳам шунақа муқаррар, хоҳлайсанми-йўқми, меҳмонни кутиб олмоғинг шарт. Биз ҳаммамиз бир-биримизни жуда яхши биламиз, ҳозир кимга нима кераклигини ҳам биламиз. Ким нималарга ҳавас қилади, ким пардозни ёқтиради, ким квартирасини безашни яхши кўради, унга қайси ранг кўпроқ маъқул, нечанчи размер пойафзал кияди (шунингдек, бошқа ҳамма размерлари қанақа) — ҳаммасидан воқифмиз. Хуллас, совға олишда ҳеч

қанақа муаммо туғилмайди (албатта, Валентина бундан мустасно — унга совға танлаш жуда қийин). Бир куни совға қилиб, хона ичида ишлатиладиган нарвон олгандик. Нима бўпти — хўжалиқда керак бўладиган буюм. Валентина кўпдан бери нарвон олмоқчи бўлиб юрганидан хабаримиз бор эди.

Агар қандайдир алоҳида бир воқеа содир бўладиган бўлса (юбилейми, биронтамизнинг фарзандларимизнинг тўйими ёки шунга ўхшаш бирон воқеани), ҳамма ёпирилиб келади-ю, нима юмуш бўлса бажариша кетади. Звездная шаҳарчасидан кўчи кетган йилим менинг юбилейим бўладиган бўлиб қолди. Шу муносабат билан бир муаммо туғилди: анъанани, албатта, бузиб бўлмайди, аммо бунақа узоқ йўл юриб меникига келишга ҳамманинг ҳам раъйи бўлавермайди. Шунда Иринаникида тўпланишга қарор қилдик. Қизлар бир кун аввал ҳамма нарсани харид қилиб қўйишди, мен эса ўзимнинг туғилган кунимга худди меҳмондай бориб келдим.

Шундай қилиб, бизнинг гуруҳимиз, Леонов уни ҳозирга қадар (орадан шунча йил ўтганига қарамай), “биринчи” отряд қошидаги алоҳида хотинлар батальони деб атайди, ўзининг яхлитлигини сақлаб қолди. Космонавтлар муҳитида бу — жуда ноёб ҳодиса — ҳатто афсонавий Биринчи отряд ҳам бу билан мақтана олмайди. Бунинг янада ҳайрон қоладиган жойи шундаки, “батальон” — “аёллар батальони”ку! Ахир, аёллар ҳақиқий дўстликка ноқобил деб ҳисобланадилар-ку! Мен ҳатто айтар эдимки, бу одатдаги кўникилган маънодаги дўстлик эмас, балки бир-биримизнинг ҳаётига шерик бўлиб иштирок этишдир. Ҳар биримиз биламиз — керак бўлиб қолса, қизлар ёрдамга келади. Бу бир неча марта ҳаёт синовидан ўтган. Чинини айтганда, биз-ку, Валентинага тузукроқ бирон нарса билан ёрдам беролмаймиз, лекин у бизга ҳамиша энг оғир шароитларда ҳам ёрдам бериб келди. Менга у ҳамиша кўмак бериб келди ва ҳаётимнинг энг оғир даврида мени қутқариб қолди (қутқариб, мени Кобулга “жўнатди”). Валентина омон экан, ҳаммамизнинг турмушимиз энгил бўлади демайман-у, хотиржам бўлишим турган гап.

Шундай қилиб, Терешкованинг парвозидан кейин дастлабки пайтларда биз тегишли машқлар ва синовлардан ўтишни давом эттирдик. Синовлар ҳамон тиббий-биологик ва техник синовлар эди. Биз ОКБга Королёв хузурига бориб турардик. ОКБга қиладиган сафарларимиз жуда қизиқарли бўларди ва эмоционал жиҳатдан ёрқин рангларга эга эди. Эмоциялар турфа хил бўларди. Уларнинг ижобийлари ҳам, салбийлари ҳам бўларди. Эски ёзувларимни кўриб ўтириб, баъзи саҳифаларига ҳайронлар қоламан. Буни қарангки, мен “бизнинг” парвозимиз учун СП дан (Сергей Павлович Королёвдан — таҳририят изоҳи) жуда қаттиқ дарғазаб бўлган эканман. Кундалигимда шундай ёзув бор экан: “Кўпдан бери СПни кўрганим йўқ ва уни кўришни истамайман: ҳамон унинг ёнига очиқ чехра билан боришга бўйним ёр бормади”. Бу гап, албатта, жуда ҳам бемаъни гапга ўхшайди, аммо — наилож — қоғозга тушган-да. Ҳа, эсимда, парвоздан кейинги дастлабки чоқларда кўнглимнинг қай бир тори тўхтовсиз дириллаб тургандай бўларди: унда СПга нисбатан алам, мени танламаганига рози эмаслигим, ғазабим ва яна аллақанча туйғуларим жам бўлганди. Нима учундир ҳамма аламим — фақат ундан эди. Бемаъни ҳазил тариқасида шуни ҳам айтиб қўяй — унинг ўзи “СПни кўришни ҳам истамаганим”ни билмай ўтиб кетганидан хурсандман.

КБга келганимизда у ерда қилинаётган ишларга қалбимизда бир титроқ билан қарардик ва ўз истиқболимиз ҳақида ёрқин фикрлар туғиларди.

*64-йил 7-феврал.*

Бизни кемага, тўғрироғи, кемаларга мос келиш-келмаслигимизни текшириб кўришди. Бизнинг истиқболимиз борми? Кеча “истиқболимиз йўқ” деган тўхтама келган эдим. Бугун эса кеманинг ичида ўтириб, “истиқболимиз бор” (бўлиши мумкин) деб ўйладим.

Кеманинг ичига кирганингда оғзинг очилиб қолади. Одамлар Ойга, Марсга учиш тўғрисида техник муаммо тўғрисида гапираётгандай гапиришади. Гўёки

ўзларининг тўғарақларида мулоҳаза юритишаётгандай... Аммо биз олис-олис келажакнинг муаммоси ҳақида гап кетаётгандай анча мавҳум тарзда мулоҳаза юритардик. Бу ерда эса ҳамма нарса жуда жиддий ва жуда оддий. Бу ерда бўлганимда “йўқ, ҳеч қанақа сабаб билан, устимдан тилла тўкса ҳам буларнинг ҳеч қайсисидан ажралмайман!” деган ўй кўнглимдан ўтади. Бундай қилиб бўлмайди. Бу — бемаънилик бўлади. Инсон боласи бундай қилишга ожиз. Шу мақсад йўлида ҳамма нарсадан кечса ҳам арзийди!

Эркаларнинг ҳаммаси “хатга тушган” эди ва уларнинг ҳаммаси кўп ўтмай парвоз қилишлари ўшанда маълум эди. Бизга эса биронта ҳам дастурдан ўрин топилмади. Ҳатто уфқда зўрга-зўрга қораси кўриниб келаётган лойиҳаларда ҳам бизни профессионал даражада иш олиб боришга қурбни етадиган мутахассислар сифатида қабул қилишгани йўқ, балки рекорд ўрнатиш учун зарур бўлган ўзига хос номзодлар деб ҳисоблар эдилар. Энди рекорд ўрнатилган эди. Энди ҳар томондан “аёллар гуруҳи умуман керакми-йўқми ўзи?” деган гап-сўзлар қулоғимизга чалина бошлади. Узингнинг кераксизлигингни ҳис қилиш жуда оғир иш эди.

*64-йил 23-январ.*

В.В.Терешкова бизни йиғиб, Кананин ишимиз режасини тузмоқни топширганини айтди, негаки, бизнинг керак эмаслигимиз ва келажакда ҳам керак бўлмаслигимиз тўғрисида ҳар хил гаплар жуда кўпайиб кетипти, оладиган пулимиз эса жуда катта эмиш. Хулласи калом, бизни синф сифатида тугатиши ҳаракатига тушиб қолишипти. Мен эса мени синф сифатида тугатишларини истамайман. Биз — аёллар яна парвоз қиламизми-йўқми (албатта, қулай фурсат келганда) билмайман, лекин академияни ташлаб кетишни истамайман. Яшириб нима қиламан, моддий мулоҳазалар ҳам бор бу масалада. Бундан ташқари, бирдан “ол қулим” деб юборишса-чи?

Юрий Гагариндан сўрадим. “Бу гаплардан хабаринг борми?” дедим. У ҳайрон бўлди ва “хабарим йўқ” деб жавоб берди. Бу масалада унинг қараши қанақа эканини сўраб ўтирмадим, соғлом фикрлайдиган ҳар бир одамга кундай равшанки, бизнинг ҳеч кимга керагимиз йўқ...

Демак, мен ўзимни соғлом фикрлайдиган одамлар сирасига қўшибман-да! Билмадим, биз қанақа режа тузмоғимиз мумкин эди. Валентина дунё бўйлаб маърузалар ва чиқишлар билан кўп сафарда бўлар, биз учун эса соатма-соат белгилаб қўйилган жадвал мавжуд эди. Ҳали центрифуга, ҳали парвоз, ҳали Академиядаги машғулотлар... Яна нима қолди? Биз, албатта, ўзимизнинг космик парвозимизни режалаштирмоғимиз мумкин эди. Лекин ундай қилсак, бир асардаги маълум персонажнинг ҳолига тушиб қолар эдик: у Куёшга уйига келиб туришни буюрган экан. Биз ҳам ўша персонаж каби бу иш бизга боғлиқ эмаслигини яхши тушунардик. Менинг назаримда бизга ота ўрнида ота бўлган командирларимиз бизни қаёққа даф қилиш ташвиши билангина банд эдилар. Ҳеч шубҳам йўқки, улар Валентинанинг парвозидан кейин бизни бажонидил келган жойимизга қайтариб юборишга тайёр эдилар, лекин биз энди Ҳарбий Ҳаво кучларининг тажрибали зобитлари бўлиб қолган эдик, шунинг учун, ҳе йўқ, бе йўқ, бизнинг гуруҳимизни тарқатиб юбориб бўлмас эди.

Бизга нисбатан: айниқса, Павел Иванович Беляевнинг фикри ёмондай кўринарди. Шундай бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган. Павел Иванович ўша пайтларда учиш-техника бўлимининг бошлиғи бўлиб, космонавтларни тайёрлаш ишларига раҳбарлик қиларди. У менга бўлимга келишни буюрди. Гапидан бўлимда сенга иш бор дегандай маъно чиқди. Мен бўлимга бордим, менга “иш” таклиф қилишди — мен қандайдир жадваллар учун қоғозга катаклар чизиб бермоғим керак эди. Менинг аччиғим келди, зарда билан чиқиб кетдим. Менинг дўстим, иккинчи отряднинг парвоз қилмаган космонавти Владик Гуляев бу арзимас ҳодисани шундай шарҳлади: “Бу ёғи қандоқ бўлди — беш минути кам номзод бўлса-ю, уни қалам ва чизғич билан ишлашга мажбур қилишса?” Менинг кўнглимдан бир фикр ўтди: эҳтимол, мен ноҳақдирман, балки мени синамоқчи бўлишгандир?” Лекин Павел Ивановичнинг бу қилган ишини дўстона иш деб ҳам бўлмас эди-да — ишга

жалб қилмоқчи экан, тўғрилиқча жалб қилавермайдими? Ҳа, энди, бизга жиддий муносабатда бўлишмаган-да...

Юзага келган вазиятга биз ҳам ўзимизнинг ҳиссамизни қўшдик, ўзимизнинг кераксизлигимизни қанча чуқур ҳис қилсак, машқларга ҳафсаламиз ҳам шунча совиб кета бошлади, ҳатто хизматдан “қочиш” га ҳам журъат қила бошладик. (Бир-икки “қочдиг-у”, шу ондаёқ бошлиқлардан бирортасининг кўзи тушиб қоларди бизга). Бизни тўхтовсиз сўкадиган бўлиб қолишди. Бир куни аллақандай кенгашда Гагарин бизнинг кирдикорларимизни бир жойга жамлади-да, бизнинг бутунлай уй бекаларига айланиб қолганимизни таъкидлади. Афтидан, йигитлар зўр бериб тер тўкиб ишласалар-у, биз такасалтанглик қилиб юрсак, бу уларнинг ғашини келтирган бўлса керак. Лекин бизни ҳам тушуниш керак — бизларнинг ғайрат-у, сазй-ҳаракатимиз кимга ҳам керак эди? Ҳеч кимга. Биринчилик эгаллаб бўлинган, кундалик ишларни эркакларнинг ўзи эплаб туришипти. Шундоқ экан, аёлларнинг парвозини зарур қиладиган махсус бир нарса, бирон важ-корсон ўйлаб топишнинг имкони йўқ эди-да. (“Аёллар космонавтикаси” деган ибора матбуотда ҳам кўриниб қолди. Хўш, “аёллар космонавтикаси” нима дегани? Ахир, “аёллар авиацияси” деган гап йўқ-ку!)

Улуғ режаларимизни муҳокама қилган навбатдаги кенгашдан кейин Каманин бизни тўтлади ва гуруҳни тугатмасликларини эълон қилди. 66-йилга аёл кишининг парвози режалаштирилипти. “Мен бу гапга ишонмасдан қараган бўлсам ҳам, кўнглимда бир дунё туйғулар жўш урди” деб кундалигимга ёзиб қўйдим.

Чиндан ҳам бизга парвозни режалаштиришди. Бу ишда ҳам аёллар гуруҳини тузгандаги каби Каманин ташаббускор бўлди. Аммо бу режалаштирилган парвоз ҳам амалга ошмай қолди. Бу парвоз билан боғлиқ бўлган баъзи тафсилотларни Каманиннинг яқинда эълон қилинган кундаликларидан билиб олдим. Бу тафсилотларнинг кўпчилиги мен учун кутилмаган бўлди, айрим жойларини ўқиб, роса ҳайрон ҳам бўлдим. Каманиннинг кундалигига, шунингдек, ўз кундалигимдаги ёзувларга таяниб туриб, бу воқеанинг қисқача баёнини келтириб ўтаман. Ўша пайтда кўнглимдан кечган туйғулар эса ҳозир ҳам сира хира тортгани йўқ.

Аёлларнинг учиши тўғрисидаги биринчи гап-сўз Каманин билан Королёв ўртасида 1965 йил март ойининг охирида бўлиб ўтган эди. (Бу тўғрида Каманиннинг кундалигида 2 апрел куни деб ёзиб қўйилган). Королёв салбий муносабат билдирган: “Яна бир марта аёл зотига гирифтор бўлайми!?” Қавс ичида шуни эслатиб қўяйки, бизнинг матбуотимиз Королёвнинг бу гапини бир неча марта ҳузур қилиб келтирди ва шарҳлади ҳам. “Аммо аёл зотига гирифтор бўлмоқ керак, — деб ёзади Каманин. Пономарева-Соловьёва экипажининг тадқиқот дастури анча кенг, эҳтимолки, улар космосда ҳаракат воситаларидан ҳам фойдаланишар. Шу маънода уларнинг парвози бутун дунёда “Восход-2”нинг парвозидан кам довруқча эга бўлмайди.”

Бунақа қарор қабул қилишга йўналтирилган далиллар аён кўриниб турипти: биз космик пойгада ютқазга бошлаган эдик, орқада қолаётганимизни бир нарса билан хаспўшлаш керак эди, аёллар экипажининг парвози ва уларнинг очиқ космосга чиқиши бу ишда жуда ҳам асқотар эди. Қабул қилинаётган қарорларнинг сиёсий аҳамияти тўғрисида ўша кезларда ўйлаганим йўқ, мен учун ҳаммасидан ҳам муҳими парвознинг ўзи эди. Агар борди-ю, менга “хаспўшлаш керак” дейишса, доим тайёрман!” деб жавоб берган бўлардим. Ҳалдан ташқари парвоз қилгим келган эди, шунинг учун бу иш чиндан-да амалга ошишига ишонишим жуда қийин бўлди, ўзимга ўзим тасалли бериб, кундалигимда, “буни хаёлингга келтириб овора бўлма”, бунга оддий бир нарсага қарагандек қара, акс ҳолда, кейин сенга жуда қийин бўлади” дея насиҳатлар қилдим.

Каманин 66-йилнинг бошида учиш учун олтига космонавтни тайёрлашни таклиф қилган. Булар — Соловьёва, Пономарева, Хрунов, Горбатко, Заикин ва Шонинлардан иборат бўлган. Шуниси ҳам борки, бу учишда аёллар экипажи асосий бўлмоғи, эркаклар экипажи эса заҳирадаги экипаж бўлмоғи керак эди. Аралаш экипажлар ҳам бўлмоғи мумкин эди. Эркаклар аёлларга ўринбосарлик қилади. Бу — қулоқ эшитмаган гап эди. Бироқ аён эдики, Леонов билан Беляевнинг парвозидан кейин эркаклар экипажининг учиши — ҳатто узоқ муддатга мўлжалланган бўлса-да, очиқ космосга чиқишлар билан

бўлса-да, зарурий даражада шов-шувли таассурот қолдира олмас эди. Кези келганда айтиш керакки, биз ўз парвозимизда фойдаланишимиз керак бўлган космосда ҳаракат қилиш воситалари ҳали мавжуд эмасди. Бизга тайёргарлик 17-апрел куни бошланишини айтишди.

*1965 йил 18-апрел.*

Кеча Каманин келиб, суҳбат ўтказди. Тўртта машина, олтига экипаж, биттасининг командири — мен. Ирина очик космосга чиқади. Юра бу ҳаракатларнинг реаллигини 10 фоизга баҳолади, мен 50 фоизга баҳоладим. Кеча буни бизга эълон қилишди ва кечанинг ўзидаёқ зўр бериб бизнинг суратларимизни олишга киришишди. Буни кўриб мен, — “ҳали учимизнинг тайини йўқ-ку, лекин уч йиллик суратга тушиш режасини олдиндан тўлдириб қўйдик”, деб ҳазиллашдим.

Биз Ирина икковимиз бу хабарни эшитиб, шунақа тўлқинланиб кетдикки, шу дақиқанинг ўзидан зўр бериб машқ қилишга киришдик ва Каманин билан суҳбатимиздан кейин дарҳол кросс қилиб, югура бошладик. Шуниси эсимдаки, ҳаво жуда дим эди ва югуриш ғоятда оғир бўлди.

Аёллар парвози ҳақидаги ғояни Келдиш, Вершинин, Руденко қўллаб-қувватлашди, кейин бир оз тихирлик қилгандан кейин Королёв ҳам уларга кўшилди. Биз тайёргарликни бошлаб юбордик. Каманиннинг кундалигидан яна бир саҳифа келтираман. “17-апрел 1965 йил. Отряд билан учишлар дастурини муҳокама қилдим. Уларнинг ҳаммаси гап-сўзсиз аёллар экипажига қаршилик қилдилар, шунингдек, Береговой билан Шаталовга ҳам қарши чиқишди. Улар ҳар нима қилиб бўлса-да, ўзларининг қуролдошларининг манфаатларини ҳимоя қилишга жаҳд қилишгани яққол сезилиб турипти. Космонавтларнинг эътирозларига қарамай, мен Космик парвозлар Марказининг раҳбариятини тўпладим ва уларга Королёв ҳамда Вершининлар билан келишилган экипажлар таркибини эълон қилдим. Марказдан кетиш олдидан мен Пономарева ва Соловьёва билан суҳбатлашдим. — Баъзи бировларнинг айтишига қараганда, — дедим мен уларга, — аёллар космосга учиб, очик космосга чиқишни эплаёлмас эмишлар. Шахсан мен имоним комилки, улар бемалол бундай топшириқнинг улдасидан чиқадилар — менинг бу ишончимни жуда пухта ва бекаму кўст тайёргарлик билан қўллаб-қувватласалар бўлгани. Пономарева билан Соловьёва бу вазифани эркаклардан ёмон бажармасликларини кўрсатиб қўйишга ваъда беришди.”

Бу гапларни ўқиб, мен ҳатто бир қадар ҳанг-манг бўлиб қолдим. Биз космонавт дўстларимиз билан қанчадан-қанча қийинчиликларни баҳам кўришган эдик, улар ҳамиша бизга ҳомийлик қилишган, оғиримизни енгил қилишган, энди бўлса гап-сўзсиз қарши чиқиб ўтиришипти. Нега? Нима учун?

Афтидан, Каманин ҳақ бўлса керак — улар қуролдошларининг манфаатларини ҳимоя қилиб шундай қилишган бўлса керак. Дунёда биринчи бўлиб аёл кишини космосга учирини ва шу билан маррани биринчи бўлиб эгаллаш заруриятига космонавтлар ноилож кўнишга мажбур бўлишган, икки ижтимоий тузум ўртасидаги тарихий мусобақада ғалаба бизнинг давлатимизга сув билан ҳаводай зарур эканини улар яхши тушунишган. Аммо Каманин кундалигида ёзганидек, Терешкованинг парвози олдидан аёлларнинг бир гуруҳ бўлиб космосга учиши тўғрисида “оғиз очганида” “шу ондаёқ битта кемани музейга қўйиб кўямиз” деган пўписа янраган. Бу гуруҳ худбинлигининг классик шаклда айнан намоён бўлиши эди. Эркакларнинг профессионал жамоа онги, айниқса, хавфли ва оғир касб-корларда уларнинг ишларига аёллар дахлдор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни қабул қила олмайди. Хатарли ва оғир касб-корлар қаторига эса космонавтика ҳам кириди. Буни эркакларимизнинг бизга кўрсатган ғамхўрликлари деб ўйлашни истардим. Аммо бизни центрофугада уч йил роса айлантиришди. Термокамераларда роса қиздиришди — эркаклар қай даражада юк олиб, қай градусгача иссиққа чидаган бўлса, биз ҳам буларнинг ҳаммасини бошдан кечирдик. Фақат бир мақсадни кўзлабгина шунча меҳнатимиз кетди, фақат шу мақсадга эришмоқ учун шунча асаб ҳужайраларимизни сарфладик. Шундоқ экан, бизга ҳақиқий ғамхўрлик қилинадиган бўлса, ўша кўзлаган ишимизни бажаришимизга имкон туғдириб қўяқолса бўлмасмиди?

Минг афсуски, бизнинг тайёргарлигимиз жуда қисқа муддатда аста-секин қордай эриб, йўқ бўлиб кетди. 2 ноябр куни кундалигимга шундай ҳазил бир ёзув тушди: “Бизнинг кемаларимизни ортиқ кўришмайди... Аммо бир қанча вақт ўтгандан сўнг аёлларнинг парвози ҳақидаги гоё яна пайдо бўлиб қолди. Уни қайта тирилтирган одам яна Каманин бўлди. У ҳисоблайдики, юзага келган вазиятда (“Союз” кечикиб кетяпти) бундай парвоз сиёсий ва илмий жиҳатдан ҳам, спорт нуқтаи назаридан ҳам жуда ютиб чиққан бўларди. Бундан чиқадики, ярим йил аввалгига қараганда космонавтикамизнинг ишлари янада чатоқлашибди-да! Ўн суткалик парвоз ўрнига бизга 18-20 суткалик парвозни таклиф қилишмоқда, бунинг устига очиқ космосга ҳам чиқиш керак. Буни қарангки, ўша кезларда космосда энг узоқ давом этадиган парвоз беш суткадан ошмас эди. Кейинроқ 1970-йилда Николаев ва Севастьяновларнинг “Союз” кемасидаги 18 суткалик парвозидан кейин бунақа кемаларда узоқ муддатли парвоз мумкин эмаслиги аён бўлди: экипаж фаол ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум ҳолда узоқ муддатда вазнсизлик ҳолатида бўлгани учун ерга жуда оғир аҳволда қайтди.

1966 йил 17 январдан аёлларни парвозга тайёрлаш Каманиннинг буйруғи билан қайта тикланди, тайёрланишга раҳбарлик қилишни у Валентинага топширди. Бу кунни мен жуда яхши эслаб қолганман. 14 январ куни Королёв вафот этди. Агар Каманиннинг ва ўзимнинг кундалигим бўлмаса мен бу воқеаларни, яъни Королёвнинг қазоси-ю тайёргарлик ишларининг қайта тикланганини вақт жиҳатидан бир-бирига қиёслаб олмасдим. Ҳар қанча ғалати бўлмасин, бу воқеалар деярлик бир вақтда содир бўлди.

Королёвнинг вафотини газеталардан билдим: мен оғир ангина бўлиб, уйда кўрпа-тўшак қилиб ётгандим. Эрталаб эрим индамай менга “Правда” газетасини узатди. Унда қора рамкага олинган Королёвнинг сурати босилган эди. Мен уни кўрдим-у нечукдир ўзимни ҳимоясиз ва ночор ҳис қилдим.

Одам вафот этган чоғида  
Ўзгараркан унинг сурати.  
Ўзгаради унинг нигоҳи,  
Лабидаги табассуми ҳам.

Доно Аҳматова доно сўзларни ёзган.

Бетоблигим сабабли дафн маросимида қатнаша олмадим. У пайтларда ҳали телевизоримиз йўқ эди, биз радиодан ва газеталардан олган ахборотимиз билан чекландик. Ўша кунлари ичимизга чироқ ёқса ёримас эди.

Шундай қилиб, тайёргарлигимиз тикланди.

1966 йил 16-январ.

Бизни яна ҳаракатга келтиришди. Бу ишга жиддий киришишди, чоғи, чунки дарҳол аллақандай машғулотлар ҳам бошланиб кетди. Буларнинг бари жуда бевақт бўлди-да! Истамайман! Мен имтиҳон топширишга чоғланган эдим, ёнимга китобларни йиғиб олганман, таътил беришларини сўраб рапорт ёзганман. Буларнинг бари чиппакка чиқадики?! Бундан ташқари, буларнинг бари беҳуда уринишлар — бирмунча вақт ўтиши билан ҳаммаси яна аслига қайтарди. Шундоқ бўлгандан кейин ташвишланишга не ҳожат? Минг марталаб ўз-ўзимга айтганман — тупир буларнинг барига, жиддийроқ бирор иш билан шуғуллан — деб. Нима, қилай десам, қиладиган ишим йўқми?

Менинг учун энг маъқули шу бўлардики, ҳаммасини лоақал баҳоргача қолдиришса. Имтиҳонни топшириб олардим. Санька бу ерда ўқув йилини охирига етказарди, баҳор чиқиши билан биз ими-жимиди шаҳарчага кўчиб борардик, чунки, барибир, бошқа бош уриб борадиган жойимиз йўқ. Яна бошидан эски ташвишлар бошланишини ўйласам, бутун вужудимни кўрқув қамраб олади. Жуда сиқилиб кетаман. Ё парвардигор, сира-сира кўнглим йўқ! Саньканинг аҳволи нима кечади? Ва умуман, қандоқ яшамоқ керак?

Бизни жиддий “ҳаракатга келтиришгани” аён кўриниб қолди — мени қаттиқ даволай бошлади.

1966 йил 18-январ.

Мени телефон орқали даволашмоқда. Ҳар куни эрталаб Андрей Викторович кўнғироқ қилиб, аҳволимни суриштиради. Фамхўрликнинг поёни йўқ. Кўнғироқ қилишгани камлик қилган, шекилли, ўзлари ҳам етиб келишди. Менинг кулгим қистайди — мен ўтган гал касал бўлиб, 10 кунгача уйда ётганимда, мен тирикманми-ўликманми — биронта тирик жон қизиққани ҳам йўқ. Энди ҳаммалари гимиллаб қолди. А.В. менга эртага ҳам уйда ўтиришимни тайинлади. Шунақа қилганим ҳам тузукмиди? Дарров бунинг орқасидан бўлмагур бир фикр ўрмалаб кирди — бундай қилсам, ўзимга зарар бўлмасмикан? Тоби йўқ дейишади... Уф-ф... Майли, ўзимга ўзим зарда қилиб, уйда ўтираман. Бу иш учун кўлимни совуқ сувга урмаганим бўлсин. Майли, бу ишнинг ўзи олдимга келсин. Агар келмаса, ўзимни отаман.

Мен ўзим ўйлаганимдек, тайёргарлигимиз тез тамом бўлди. Ёзда бизни таътилга жўнатишди, кейин эса парвоз масаласи ҳеч кимнинг эсига ҳам келмади. Мен ўзимни отмадим, яна яшашда давом этавердим. Вақт ўтгани сари бир нарса равшан бўла борди: “аёллар космоси” масаласи бу яқин ўртада қайта тикланмайдиган бўлиб ёпилди ва кундалигимда ёзилганидек, ҳаёт хувиллаб қолди.

## РЕЖАЛАР, БАҲСЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

(1964-66 йиллар)

1964-66 йиллар жуда улугвор космик режалар йиллари бўлди. Марказни илмий-тадқиқот синови институтига айлантириш тўғрисида фикрлар туғилди. Бу ният 1969 йилда амалга оширилди. Королёвнинг конструкторлик бюросида “Союз” деган янги кеманинг лойиҳаси ишлана бошлади, айни чоқда бешта “Восход” дан иборат серия устида ҳам иш олиб бориларди, яна бир нечта “Восток” куриш нияти ҳам бор эди. Орбитадаги иккита станцияга асос солинди. Уларнинг бири Королёвники бўлиб, ҳаммага яхши маълум бўлган “Салют” станцияси иккинчиси эса кўпроқ ҳарбий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган “Олмос” станцияси эди. Жуда кўп парвозлар режалаштирилди: 66-йилга ўн парвоз мўлжалланган эди, уларнинг тўрттаси “Восход” да, бештаси эса “Союз” да амалга оширилиши керак эди. 67-йилда ўн тўртта, 68-йилда йигирма битта, 69-йилда ўн тўртта ва 70-йилда йигирмага яқин парвоз мўлжалланди. Ҳозир буларни ўқишнинг ўзи ғалати туюлади — бўлиши мумкин бўлмаган хомхаёлдай кўринади.

Ҳарбий Ҳаво Кучлари саккизта — ўн та ўқув кемаси куришга эришиш ҳаракатида эди.

Уша кезларда шундай туюлган эдики, яқин келажақда космосга парвозлар самолётларда учишга ўшаб оммавий тус олмаганда ҳам, ҳарҳолда мунтазам характер касб этади.

1964 йилнинг 2 августида КПСС Марказий Комитети ва Министрлар Советининг Ойга учишга тайёргарлик тўғрисида қарори қабул қилинди. Унда айтилишича, Ойни айланиб учиш ва Ойга кўниб, унга одамнинг қадам қўйишини амалга ошириш алоҳида давлат аҳамиятига молик бўлган вазифадир. Ҳа, бош айланиб, эсанкираб қолиш ҳеч гап эмасди.

Космонавт учувчиларни турли-туман кенгашларга кўп чақириб туришарди, улардан Марказга қайтиб келиб, Гагарин отрядни йиғар ва кенгашда нима масалалар кўрилганини ва қандай қарорлар қабул қилинганини гапириб берарди. Буларни эшитиб, космонавтлар техника бобидаги сиёсатни шакллантиришда саводдироқ ва фаолроқ иштирок этишлари мумкин эди. Ҳаммани гуруҳларга тақсимлаб чиқишди, гуруҳларга эса илмий раҳбар қилиб Марказнинг етакчи мутахассисларидан бирон киши тайинланди. Космонавтлар мунтазам равишда илмий-тадқиқот институтларида ва конструкторлик бюрolariда ишламоқлари керак эди ва юқоридаги дастуриламалда кўрсатилганидек, ҳамма муаммоларни теран билмоқлари зарур эди. Бу кўрсатмаларни бажариш юзасидан биз турли



корхоналарга ва ҳаммадан ҳам кўпроқ Королёвнинг конструкторлик бюросига қатнай бошладик. Бу қатнашлар бизга ҳамма муаммоларни чуқур билиб олишга имкон берди деб ўйламайман, лекин ҳарҳолда, биз улардан бохабар бўлиб қолдик.

Бир куни Марказга Каманин келди — партия ва ҳукумат раҳбарияти бизнинг олдимизга совет ҳокимиятининг етмиш йиллигини космосда янги йирик ютуқлар билан нишонлаш вазифасини қўйишганини айтди. Бунинг учун биз Ойга учиб бориб келмоғимиз керак эди. Экипажлар тайинланди, тренажерлар қўйилди, тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Биз завқ-шавқ билан машқларга киришдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунардики, булар ҳали жиддий режалар эмас, балки яхши ниятлар, холос: белгиланган санага жуда оз муддат қолмоқда, лекин ҳали на ойга учадиган кема, на олиб борадиган ракета амалда синаб қўрилгани йўқ. Лекин истагимиз жуда зўр эди. Яқинда Шаталов ҳикоя қилиб берганидек, ойга учувчисиз учадиган кема биринчи марта муваффақиятли учирилгандан кейин (бундан аввал беш марта муваффақиятсизликка учраган эдик) космонавтлар “юқорига” мактуб йўллаб, Ойга космонавт юборишни талаб қилишди. Бахтимизга, у ерда ҳам ақлли одамлар учраб турар экан — рухсат беришмади: навбатдаги парвоз аварияли бўлди. Мен биламан — бизнинг космонавтларимиз Ойга “бир томонлама” учиш талаби билан ҳам чиқишган. Аминманки, кўнгиллилар ҳам топиларди. Бир куни Попович шундай деган эди: агар биз таваккал қилганимизда, Ойга америкаликлардан олдин учмоғимиз мумкин эди, лекин, афсуски, таваккал қилмадик... Агар бундай кайфият ўша кезларда ҳамма учун муштарак кайфият бўлган эди десам унча хато қилмасам керак деб ўйлайман. Ҳамма таваккал қилиш керак деб ҳисобларди. Ўзимиз учун, космонавтикамиз учун, Ватанимиз учун гоётда алам қилган эди — ахир, “Аполлон”лар учса-ю, бизнинг лойиҳаларимиз тўхтатиб қўйилган бўлса, алам қилмайдими? Энди, албатта, бизнинг Ойга учишимизга ҳожат қолмаган эди — буни тушунарди.

Илмий-тадқиқот мақсадлари учун “Восход” тоифасидаги туркум кемалар қуриш режалари реал режалар эди. 1965 йилнинг 28 июлида бу тўғрида ҳукумат қарори ҳам қабул қилинган эди. Бу туркум кемалар “1965 йил бюртмаси кемалари” деган умумий ном билан атала бошланди. Ўзаро биз уни ихчамлаштириб, “Восход-65” деб атардик. Жониворлар билан 30 суткалик биринчи парвоз 1965 йилнинг октябрида амалга оширилмоғи керак эди, шундан кейин бир ой — бир ой оралатиб, қолган парвозлар ҳам амалга оширилмоғи режалаштирилган эди. Экипаж икки кишидан иборат, парвоз 20 сутка давом этади, агар ўнгидан келса, парвоз 30 суткагача чўзилиши мумкин. Илмий дастур жуда тигиз ва бағоят қизиқарли бўлиб, нафақат учувчи бошқарадиган парвозлар орасидаги танаффусларни тўлдирмоғи керак эди, балки бир қатор принципиал янги вазифаларни ҳам ҳал қилишга имкон бермоғи керак эди; сунъий вазн яратиш бўйича тажрибалар ўтказиш режалаштирилган эди, вазнсизлик шароитида пайвандлаш ишлари амалга оширилмоғи кўзда тутилган, бир неча марта очиқ космосга чиқиш керак эди, ахборотни акс эттириш воситаларининг ягона тизимини ва қўлда бошқариш тизимини мукамаллаштириш устида ишлар олиб бориш мўлжалланган эди. Учишни қўлда бошқариш космонавтга кема ичидаги ҳамма тизимларнинг ишини бошқариш имконини бермоғи керак эди. Бу масалада биз фан ва техниканинг “олдинги марраси”да эдик — америкаликларнинг ихтиёрида ҳали ҳеч қанақа асбоблар ва индикаторлар йўқ эди.

Мана шу кемалар лойиҳаларини ишлаб чиқишни Каманин бошчилигидаги космонавтлар, айниқса, қаттиқ талаб қилишди. Аммо уларни тайёрлаш муддатлари чўзилиб кетди (мутахассислар тилида буни “ўнгга қинғайиш дейишади”) ва, охир-пировардида, тайёргарлик кўрган ҳамма космонавтлардан фақат Ветерок ва Уголек деган итларгагина учиш насиб этди.

Отрядда гурунглари ва баҳслар кўп бўлиб турарди, “кўздан панароқ” жойларда эҳтирослар қайнаб-тошарди. Биз ҳамма-нарсани тўғрисида баҳслашардик, айниқса, космонавтиканинг ривожланиш йўллари ҳақида тинимсиз тортишиб ётардик — бу масала бизга бошқа масалалардан кўра яқинроқ эди.

Мунозаралар ҳали ҳам битгани йўқ, ҳозиргача ҳам турли-туман мулоҳазалар айтиб келинмоқда. Уларнинг ичида космик дастурларни шакллантирган одамлар ҳам бор. Аммо баъзан уларнинг фикрларида галатилари ҳам чиқиб қолади. Менга, айниқса, академик В.П.Мишиннинг гаплари қаттиқ ботди. Ўша олис йилларда у Королевнинг муовини эди, кейин Бош конструктор лавозимида унинг ўрнини эгаллади. У ёзади: “Уч ўринлик кема бордек кўринарди-ю, айти чокда, уни йўқ эди, деса ҳам бўлаверарди. У кўзбоғлагичнинг найрангига ўхшаган гап эди, негаки уч киши космосда бирон-бир фойдали иш бажаришлари амримаҳол эди. Улар ҳатто зўрға сиғишиб ўтиришар эди”. Қизиқ, унақа бўлса, улар космосга учиб нима қилишарди?

Баҳшлашадиган жойи йўқ — бу парвоз обрўйимизни таъминлаш мақсадига хизмат қилган ва шу мақсадда амалга оширилган, лекин шунга қарамай, бу парвоз бўлган эди ва айти чокда бўлмаган эди деб бўлармикин? Парвоз бўлган эди ва унда ўша пайтдаги илк парвозларнинг ҳам бирида бўлганидек, ўша пайтда муҳим ва зарур бўлган қай бир масалаларда биринчи қадамлар қўйилган.

Энг муҳими — биринчи космик экипаж эди. Иккинчиси космонавтларнинг космик кемада биринчи марта Ерга қўниши бўлди, бунинг учун юмшоқ қўниш тизими ишлаб чиқилган эди. Космик техниканинг ривожланиш мантиқи шу вазифани ҳал қилишни талаб қилмаганмиди? Учинчиси — космонавтлар биринчи марта скафандрларсиз учиди. Ҳа, скафандрлардан воз кечиш жуда қўрқинчли эди, бу жуда жиддий психологик тўсиқ эди, лекин, барибир, “бу қадамни ҳам қўймоқ керак эди”, яқин келажақда орбитал станцияларга узоқ муддатли училар бўлмоғи керак эди. Добровольский, Волков ва Пацаевлар экипажининг ҳалокати масалани ойдинлаштирди — орбитага олиб чиқиш вақтида ва орбитадан чиқиб, ерга тушиш вақтида космонавтлар скафандрда бўлмоқлари керак. Аммо буни тушунмоқ учун фожевий тажрибадан ўтмоқ керак бўлди.

Билмадим, эҳтимол тўғридир — ҳозир матбуотда космонавтикага алоқаси бор одамлар ҳам, алоқаси йўқ одамлар ҳам бизда космосни ўзлаштиришнинг илмий асосланган дастури йўқ эди, деган гапни айтиб чиқишяпти. Лекин мен академик Седовнинг фикрига қўшилишга кўпроқ мойилман. У дастлабки парвозларнинг биридан кейин шундай деган эди: космосдаги ҳар бир янги тажриба аввалгиларининг қонуний давомидир ва у ҳар гал олға қўйилган йирик қадам бўлади, бу қадам қўйилгандан кейин у ягона тўғри қадамдай ва аввалгиларининг энг яхши давомидай туюлади. Ҳа, биз ўрганилмаган номаълум нарсалар соҳасига қадам қўйдик ва баъзан худди қоронғида излагандек, йўлни тимирскилаб излашга тўғри келади.

Мен бир нарсага жуда қаттиқ ишонаман — “Восход” кемаларининг ва, айниқса, “Восход-2” кемасининг парвози билан Королев бошқариладиган космонавтика соҳасида навбатдаги янги босқични бошлаб берди”, экипажларнинг парвози ва инсоннинг очиқ космосга чиқиши, шубҳасиз, янги босқичнинг вазифаларидир. Королев ўзининг доҳиёна сезгирлиги билан (ўз даврида Циолковский қилгани каби) бошқариладиган космонавтика ривожининг бош йўналишини белгилади ва амалда юзага чиқара бошлади. Бу иш ҳозирга қадар давом этмоқда (орбитал станциялар).

Албатта, биз ҳаммамиз америкаликларнинг дастури қай тарзда ривожланиб бораётганини синчиклаб кузатиб борардик. Бизнинг матбуотимиз америкаликларнинг парвози тўғрисида бахиллик билан қимтиниб ёзарди ва уларнинг “қусурлари” ҳамда “кемтиклари”га урғу берарди. Уларнинг “Меркурий”лари бизнинг “Восток”ка қараганда анча кичик, унинг ичи ҳар хил апаратурага тўлиб кетган, негаки унда асбоб-аслаҳалар жойлаштирилган махсус ўринлар йўқ, парвозда техникаси жуда кўп панд берарди, ҳатто уларнинг баллистик траекториялар бўйича амалга оширган дастлабки икки парвозини космик парвоз деб атаб бўлмайди, деб ҳам ёзишди. Ва умуман, ҳамма ишда ўзимиз биринчи, улар орқادا, улар бизнинг олдимизда ип ҳам эшолмайди. Шўринг қурғурлар ўз уйларининг деворларига “Шўролар Иттифоқини қувиб етайлик!” деган шиорни илиб қўймаса бўлмайди. Лекин уларда деворларига шиор илиб қўйиш унчалик расм эмас экан, бунинг устига, кўп ўтмасдан шиорсиз ҳам бизни қувиб етишди...

Америкаликлар матбуотда батафсил ахборот беришарди — техника бўйича ҳам, парвозлар бўйича ҳам бор гапни айтишарди, ўзларининг мушкулотларини, қийинчиликларини, аварияларини яширишмас эдилар. Бизда ахборот бюллетенларида ва илмий журналларда баъзи нарсалар босилиб турарди, бизнинг Марказимизга “кенг миқёсда эълон қилинмайдиган ахборот” ҳам келиб турарди (уни “оқ ТАСС” деб аташарди). Биз ўқиб таққослар эдик. Айниқса, парвоз қандай кечганига ва космонавт орбитада нималар қилганига жуда қизиқар эдик.

Ва ҳайронлар қолардик — улар биринчи парвозларидаёқ ўзларининг “пачаққина” кичик кемаларида нафақат синов ишларини олиб бордилар, балки бошқариш бўйича реал вазифаларни ҳам бажаришган: уларнинг техникалари чиндан ҳам жуда кўп панд берган (масалан, парвозлардан бирида юз мартача панд берган), масалан, Гленм кемани барқарорлаштириш вазифасини қисман бўлса-да, ўз зиммасига олишга мажбур бўлган, чунки автоматик тизим узилишлар билан ишлаган. Карпентер кеманинг тушиш чоғида унинг тебранишларини бартараф қилмоқ учун парашют тизимини белгиланган вақтидан олдин ишга солишга мажбур бўлган. Уларнинг иккови ҳам кеманинг мўлжалга олиш тизимини қўлда бошқариш режимига ўтказар экан, бизда кимдир жиндай ҳавас аралаш айтганидек, орбитада “шўхлик қилишган — иллюминатор олдидан оқиб ўтувчи нурланувчи жисмлар галаси ортидан “қувишган”. Карпентер бу “шўхлиги” важдан ёнилгини ортиқроқ сарфлаб қўйган ва шу сабабдан тушиш вақтида баъзи бир қийинчиликлар юзага келган — кема денгиз сатҳига белгиланган жойдан анча нарига кўнган. Бунинг учун Карпентерга ҳайфсан эълон қилишган (Бизнинг матбуотда бу тўғрида ҳам ёзилган эди). Аммо энг ғолибона парвоз Гордон Купернинг “Меркурий-9” кемасидаги парвози бўлган эди — автоматик бошқарув тизимидаги носозликлар сабабидан Купер тушишда кемани қўлда бошқарган ва муваффақиятли равишда сувга кўнган. НАСА вакили шундай баёнот берган эди: “Айрим олимлар “қора қутилар”нинг инсондан устунлиги тўғрисида оламга жар солар эдилар. Энди бизнинг астронавтимиз беқиёс математик аниқлик билан ўз космик кемасини кўниш йўлагига йўлаганини кўриб ва аввалги парвозларда электрон қурилмалар қилганидан кўра ўн чандон аниқроқ тарзда уни бошқарганига шохид бўлиб бу олимлар хижолатдан ин-инларига кириб кетишса керак”. Мен ўзимнинг эски қоғозларимни титкилаб ўтириб бу иборага дуч келиб қолдим. Буни қарангки, ўзларининг космосдаги муваффақиятлари тўғрисида америкаликлар ҳам бизга ўхшаб гоят баландпарвоз ибораларда гапирар эканлар. У пайтларда бу мени таажжублантирмаган эди — кўтаринкилик ортиқчадек туюлмаганди.

Суратда “Меркурий” учувчисининг пультаини кўриб, у ердаги асбоблар-у тугмачаларнинг кўплигидан шу қадар ҳайратландимки, ҳатто эринмай, уларни санаб чиқдим. Маълум бўлдики, улар ҳаммаси бўлиб юз ўттиздан кўп экан, ҳар хил тутқишлар-у тумблерлар эса, яъни бевосита “бошқариш шайнлари” 56 та экан. Бизнинг “Восток”да уларни санайман десанг, панжаларинг ортиб қолади...

Астронавт пулт орқали истаган командасини бера олади. Қолаверса, астронавт вазиятга мувофиқ равишда у ёки бу тизимни ишга солиш тўғрисида қарор қабул қилиши ҳам мумкин. У нафақатгина ердан берилган сигналларга биноан тугмачаларни босиш билан чегараланади. Бунинг устига, буларнинг бари ҳали ҳеч нарса тузукроқ маълум бўлмаган биринчи парвозлар вақтидаёқ мавжуд бўлган.

Шундай бўлиб чиқадики, америкаликлар “инсон манфаатини ўйлаб иш юритишган экан, биз эса космонавтларимиздан бирининг ибораси билан айтганда, “автоматика манфаатлари”дан келиб чиққан бўламиз. Биз ўша кезларда бу масалани ўзаро кўп муҳокама қилар эдик.

Ҳақиқатни эса америкаликларнинг “инсон манфаатидан келиб чиқиши” мажбурий тарзда бўлган эди. Уларнинг ўзлари эътироф этганларига кўра “Меркурий” ягона бир мақсад билан барпо этилган эди. Бу мақсад жуда қисқа муддатда ва имкони борича камҳаражат қилиб, одамни космосга олиб чиқиш бўлган. Шунинг учун чиндан ҳам “Меркурий”нинг ҳажми кичкина бўлган (унинг оғирлиги 1,8 тонна эди, холос, бизники эса 4,5 тонна эди) ва унинг бортига “Восток”да қилингани каби системаларни икки сидра ўрнатишнинг иложи йўқ эди.

“Жемини” дастурнинг бошланиши билан эса умуман алланечук тушуниб

бўлмайдиган ҳоллар рўй бера бошлади: биз биринчи қадамни олдин қўяр эдик, майли-да, унчалик олислаб кетмасак-да, ҳарҳолда улардан олдин қўярдик, улар эса биздан кечикиб қолишарди, кейин чунонам олдинга ташланишардики, қўяверасиз. Биз эса бир жойда депсиниб тураверар эдик.

Биринчи марта Леоновнинг очиқ космосга чиқиши ҳар қанақа фантастикадан ҳам ошиб тушган эди. Бутун дунёда қанақа шов-шув бўлган эдики... Фақат бизникида эмас, бутун жаҳон матбуотида қанақа мақолалар эълон қилинган эди! Биз шунақа мағрурланиб кетган эдикки, шунақа бахтиёр эдикки, буни тил билан ифодалаб бўлмайди. Бизнинг матбуотимизда америкаликларнинг космосдаги ишларига кибру ҳаво билан қараб, уларни менсимай ёзилган мақолалар пайдо бўлди. Америкаликлар 23 март куни — биз Москвада қаҳрамонларимизни тантана билан кутиб олган кунимизда ўзларининг “Жемини” деган янги кемаларини учирдилар. Матбуотимиз уни бизнинг “Восход-2” билан заррача қиёслаб бўлмайди деб ёзди. “Жемини” дастури эса бир йилдан ортиқроқ амал қилди. Шу муддат ичида кемада қандай ишлар бажарилмади! Орбитада турли маневрлар қилинди, очиқ космосга чиқишлар, туташтиришлар, сунъий вазни барпо этиш бўйича тажрибалар... Уайтнинг биринчи марта очиқ космосга чиқиши Леоновдан кейин икки ойдан сал ўтгандан кейин амалга оширилди, бироқ Уайт кўчиш учун реактив қўл тўппончасидан фойдаланилган эди. Орадан бор-йўғи бир ярим йил ўтиб Олдрин бир парвоз давомида уч марта очиқ космосга чиқди ва очиқ космосда ҳаммаси бўлиб беш ярим соат ишлади. Бунинг устига буларнинг ҳаммаси шиддат билан ишчанлик руҳида амалга оширилди ва ҳар бир парвозда қандайдир янгилик содир бўлди, қандайдир нуфузли бир вазифа бажарилди. Биз буларнинг барини ўта гайирлик билан кузатиб бордик ва нега улар биздан ўзиб кетаётганига ақлимиз бовар қилмай, ҳуноб бўлардик. Нима учун ишимизни жуда чиройли қилиб бошлашга бошлаймиз-у, кейин шу оннинг ўзидаёқ орқада қола бошлаймиз? Бизнинг назаримизда бунинг сабаби айнан шунда эдики, бизда биринчилик автоматларга бериб қўйилган эди, биз муз тоғининг чўққисинигина кўрардик, шунинг учун муаммони жуда жўнлаштириб юборар эдик. Умуман олганда, аҳвол шунақа эди: “Меркурий” дастурида кемани бошқариш бўйича реал тажрибани қўлга киритгач, америкаликлар “Жемини” дастурини ишлашда онгли равишда ва бир мақсадга йўналтирилган ҳолда инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйдилар. “Аполлон” кемасида эса бошқариш тизими шундай қурилган эдики, битта астронавтнинг ўзи ердан оладиган ахборотидан мутлақо мустақил равишда Ой орбитасининг истаган нуқтасидан бемалол Ерга қайтиб келаолар эди...

Умуман олганда, бизнинг космик кемаларимизнинг яратилиш тарихи билан, шу жумладан, бошқариш тизимларини ишлаб чиқилиши тарихи билан чуқурроқ қизиқилса, бизнинг ўзимиз тўғримизда ҳам кўп нарсаларни тушуниб олса бўлади.

Мана, масалан, “Восток” кемасини лойиҳалаштирганларнинг космик парвозда инсонга нимани ишониб топшириш мумкин ва умуман, унга бирон нарсани ишониш мумкинми-йўқми деган масалага муносабатини оладиган бўлсак, унга ҳозирги тил билан айтганда, бир хил жавоб йўқ эди. М.К.Тихонравов худди самолётдаги каби бошқаришни тўлалигича қўлда бошқариладиган қилишни таклиф қилган эди, К.Л.Феокистов бошчилигидаги лойиҳачилар эса фақат автоматика ёрдамида бошқарувни ёқлаб чиқишганди. Аввалига менга бир нарса ғалати кўринди — Тихонравов эски авлоднинг вакили, бир қарашда у ўзининг ёш ҳамкасабаларига қараганда эҳтиёткорроқ бўлиши керак. Нега энди у инсонга ишонишга кўпроқ мойиллик билдирди? Кейинроқ пишиқ-пухта ўйлаб кўрганимдан сўнг амин бўлдимки, бу ерда ҳаммаси тўғри — Тихонравов Циолковскийдан чиққан, унинг учун эса космик парвозларнинг мақсади ва маъноси — космосни инсоннинг иккинчи уйи сифатида ўзлаштириш, ўзиники қилиш бўлган. Ва, албатта, бу ишда ётакчи ролни инсон ўйнаши керак бўлган. Ҳозирги замон маъносидаги автоматика эса у кезларда бўлмаган.

Дастлабки босқичда автоматиканинг устунлиги шубҳасиз эди. “Биз шундай аппарат яратмоғимиз керакки, унинг ичида учувчи эмас, оддий бир одам учмоғи лозим эди. Шундоқ бўлгандан кейин, унга қўлда бошқарувнинг зарурияти бормиди?” — деб ёзади ўзининг хотираларида Королевнинг энг яқин ҳамкорларидан бири Б.Е.Черток. Аммо Королев ҳар эҳтимолга қарши қўлда бошқариш тизими зарур деб ҳисоблади ва уни ишлаб чиқиб, жорий қилишди. Тўғри, Черток ёзганидек, ҳар эҳтимолга қарши деб ишлаб чиқаришган бўлса-да, ҳар қалай қўлда бошқарув ҳам жорий бўлди-ку!

Хуллас, “Восток” инсоният тарихидаги биринчи космик кема эди. Йўл бошлаб кетувчи раҳнамо эса адашиши керак эмас. Муваффақият, омад — шак-шубҳа йўқки, бу улкан ишни амалга оширишнинг энг зарур шарти эди. Ҳалокат ҳақида-ку гапирмаёқ қўяқолайлик, муваффақиятсизликка учрашнинг ўзи ҳам ўша пайтдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий шароитда жуда катта салбий акс садога эга бўлар эди. Бундан ҳам муҳимроқ оқибати шу бўлардики, эҳтимол, инсоннинг космосга учиши кўп йилларга орқага сурилиб кетар эди. Ҳатто масалани яқин келажак мобайнида буткул ёпиб қўйишлари ҳам мумкин эди, аммо Королев ва унинг ҳамкорлари бунга йўл қўёлмасдилар.

Бизнинг “Союз”имиз маневр қилаоладиган биринчи кема эди. Дастлабки пайтда у Ойга учадиган ракета-космик комплекснинг таркибий қисми сифатида ишлана бошланди. Ернинг сунъий йўлдоши орбитасида уни йиғмоқ учун беш марта туташуш талаб қилинарди. Уларнинг тўрттаси учувчисиз аппарат томонидан, фақат биттасигина учувчи бошқарадиган аппарат томонидан амалга оширилди.

Бу ишлар эндигина бошланаётган кезларда “орбитадаги учрашув”, “космосдаги рандеву” деганга ўхшаш баландпарвоз чиройли ибораларни кўп айтишарди, ҳозир буларнинг бари кундалик оддий нарсаларга айланиб қолди ва баландпарвоз гапларни ортиқ гапирмай қўйишди. “Учрашув”, “рандеву” сўзларининг ўрнини эгаллаган “туташув” сўзи эса соф техник атамандир.

Кейинчалик ҳаёт бир неча марта лаб бир ҳақиқатни қайта-қайта тасдиқлади — мутлақо ишонса бўладиган мукамал автоматик тизимларнинг бўлиши ҳам мумкин эмас — аввало “Восход-2” кемасининг бир неча марта синовдан ўтган, жуда авайлаб сақланадиган автоматик бошқарув тизими ишдан чиқди, кейин эса “Союз” кемасининг ёзги синовларида автоматика жуда қаттиқ панд берди.

“Союз”ни синаш вақтида ҳодисалар қуйидагича тарзда рўй берди: ҳар иккала кемада ҳам турли сабабларга кўра ориентация автоматик тизимда носозликлар рўй берди. Биринчи кемани Черток ёзганидек, жуда катта “машаққат” билан қўндиришга муваффақ бўлишди, Ердан туриб бошқариш жараёни жуда қийин бўлди, бу икки суткага чўзилиб кетди. Иккинчи кемани қўндириш ҳам анча қийин кечган. Гагарин парвозни бошқариш бўйича Бош оператив гуруҳнинг аъзоси эди, у бошқалар билан бирга Марказда бир неча соатни уйқусизлик билан таҳлика ичида ўтказди ва имкониятдан фойдаланиб, “автоматлар босқини” шаънига айтадиганини айтди ва космонавтлар ҳимоясига фикр айтишни ҳам унутмади. Автоматик тизимларнинг муҳиблари ва лойиҳачилари унинг гапларига рози бўлишди, “ҳа, инсон бу вазиятдан бемалол чиқиб кетган бўларди” деб эътироф қилишди-ю, бироқ оддан тушсалар ҳам, узангидан тушгилари келмади. Лекин шунга қарамай, Комаров орбитада парвоз қилаётганда тўғридан-тўғри ҳалокат хавфи туғилганда уларнинг бутун умиди космонавтдан бўлган эди. “У энди бошлаётган қирувчи учувчи эмас, балки тажрибали инженер, синовчи учувчи... Энди космосдан қайтишни автоматика белгиламайди, унинг босиқлиги, ҳовлиқмаслиги, ҳаракатларининг беҳатолиги белгилайди” деб ёзади Черток.

“Союз-1” кемасининг парвози олдидан Комаров билан Гагарин дастур раҳбарлари билан талаша-талаша, парвознинг айрим унсурларини қўлда бошқаришга рухсат олишганди. Лекин бу “рухсат” ҳам кўплаб “агар”лар билан роса чеклаб қўйилганди. Афсуски, ҳалокат юз берди.

Ҳалокатдан кейин “Союз”ни тўла қайта кўриб чиқиб, таъмирладилар ва бошидан-оёқ тўла ҳажмда учиш-конструкторлик синовидан ўтказдилар. Синов вақтида кема автоматик тарзда туташтирилди. Туташтириш муваффақиятли

ўтди. Бу автоматика тарафдорларининг шавқу завқини ошириб юборди. Лекин шундай бўлса-да, Володя Комаровнинг ҳалокатидан кейин “Союз-3” кемасида биринчи бўлиб учган Береговой Ҳарбий Ҳаво кучлари ва космонавтларнинг босими билан кемани қўлда туташтиришга рухсат беришди. Лекин туташтиришнинг имкони бўлмади, чунки учувчисиз “Союз-2” туташтириш ҳудудида ҳадеб Береговойнинг кемасига орқасини ўгириб олаверди. Кейин вазиятни таҳлил қилишганида маълум бўлдики, “Союз-2” “Союз-3” кемасига нисбатан бутунлай тўнтарилган (180 градусга) ҳолатда экан. Бундай ҳолатда туташтиришнинг ҳеч қандай иложи йўқ, албатта. Агар туташиш жараёни автоматик тарзда амалга оширилганда бошқарув тизими кемани нормал ҳолга келтириб қўярди. Автоматика тарафдорлари ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олишди. Космонавтларга эса битта “минус” ёзилди — модомики, уруш кўрган синовчи учувчики эппллмаган бўлса... Ҳолбуки бу ерда ҳамма айбдор эди — автоматик режимдан қўл бошқарувига ўтишда шунақа вазият юзага келиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Аммо космонавтлар таслим бўлишмади — навбатдаги парвоз олдида (“Союз-4” билан “Союз-5” — 1969-йилнинг 14-15 январидан) Шаталовнинг экипажи туташувни амалга оширди, шундан кейингина унга туташтиришни қўл бошқарувида амалга оширишга рухсат беришди: Парвоз муваффақиятли ўтди — дастур тўла бажарилди (қўлда бошқарув ёрдамида кемани туташтириш ва очиқ космос орқали бир кемада иккинчисига ўтиш). “Америкаликлар ҳали бундай парвозни амалга ошира олганлари йўқ ва улар биздан кейин буни такрор ҳам қилолмайдилар” — деган мағрур ёзув пайдо бўлди Н.П. Каманиннинг кундалигида.

Навбатдаги парвознинг дастурини анча мураккаблаштирадидилар: 1969-йилнинг 11-13-октябрида учта учувчилик кема учиради. Улар ўзаро маневр қилишлари ва бир-бирлари билан туташилари керак эди. (Бу парвоз тўғрисида “Ҳаётим денгизидан бир томчи” деган китобида “Союз-6” кемасининг бортиженери А. Елисеев батафсил ҳикоя қилиб берган). Тантана бўлишини кутишган эди, кенг қўламда тарғибот дастурини тайёр қилиб қўйишди, икки “Союз” кемасининг бир-бири билан туташганини учинчи “Союз”нинг бортидаги суратга олмоқлари керак эди ва бу сурат ана шу парвознинг эмблемаси бўлиб қолмоғи керак эди. Бироқ маълумки, ўлмаган айиқнинг терисини тақсимлашдан кўра бесамар иш бўлмайди, бунинг устига ёмон нишона ҳам рўй берди: яқинлашиш операциеси барбод бўлди, яқиндан мўлжалга йўналтириш босқичида “Союз-6” да “Игна” деб номланган радиотехник тизим ишламади.

Космонавтлар ишламай қолган тизимнинг вазифаларини ўзаро бўлиб олишди: Елисеев ориентация тизими ва мантиқ блокининг вазифаларини ўз зиммасига олди. Мантиқ блоки вазиятдан келиб чиқиб, қўмандалар берарди, кема командири Шаталов эса бу қўмандаларга қараб кемани ё у, ё бу томонга бурарди — ана шунақа “тор мутахассисликлар” пайдо бўлганди. Даставвал “Қуёшни топиб олиш” керак эди ва иккинчи кеманинг қаердалигини аниқлаш зарур эди, шунинг учун Елисеев орбитал бўлимга ўтди — у ерда тўртта иллюминатор бор эди. Фломастер билан у деворда иккита бир-бирини кесишувчи тўғри чизиқлар чизди, улар дурбиндаги кесишган чизиқларга ўхшаб кетарди, кейин ердан узатилган мўлжални аниқлайдиган кўрсатмаларга мос равишда қуёш шуъласи тушадиган жойни белгилаб кўрсатди. “Союз-7” шу шуъла ўрнида пайдо бўлиб, кўзга кўринмоғи керак эди. Орбитанинг қуёшли томонига ўтгандан кейин Шаталов Елисеевнинг қўмандаларига мувофиқ кемани шундай бурдики, шуъла қўйилган белги томонга кўчди, Елисеев эса кўзлари жавдираганча, кема тагидан “ғойиб бўлаётган” ер сатҳига қараб қолди. Ниҳоят, у ғойиб бўлмаётган бир нуқтани кўрди, унинг фони ҳам бор эди — бу фақат “Союз-7” бўлмоғи мумкин эди, холос. Унганча бўлган масофани белгилаш учун ҳеч вақо йўқ эди. У Шаталовга қичқириб, бу нуқтани масофа ўлчагичга киритмоқ учун кемани қай томонга буриш кераклиги тўғрисида кўрсатма берди. Кейин “ҳокимият” Шаталовнинг қўлига ўтди. Улар ана шунақа тарзда қуроланган эдилар — уларнинг ихтиёридаги бор-йўқ қурол деворга чизилган белги-ю, болалиқдан қадрдон бўлиб қолган қуёш шуъласи эди...

Балки Шаталов кемаларни туташтиришга муваффақ ҳам бўлиши мумкин

эди, бироқ яқинлашиш ва ориентация двигателлари кичиклик қилиб қолди — уларнинг тортиш қуввати етишмади, яқинлаштирувчи — аниқлик киритувчи “катта” двигател эса фақат “Игна” билан бирга ишлаши мумкин эди — автоматика ана шунақа қурилган. Кўриниб турибди, бу операцияни қўлда амалга оширилиши бошиданоқ ҳеч қачон назарда тутилмаган — автоматиканинг бекаму кўст ишлашидан умид қилишган. Лекин уларнинг ҳисоб-китоблари ўзларини унча ҳам оқламади — бошланғич даврларда деярлик ҳар иккинчи парвозда автоматика панд берган. Бундай ҳолатда экипаж шундай вазиятга тушиб қолардики, объектив олиб қараганда, бирон нарса қилишнинг иложи бўлмас эди. Бунинг сабаби агар гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак — инсонга ишонмасликдан ўзга нарса эмас, эди. Назаримда, сира орқа-олдимизга қарамай фақат автоматикага ружу қўйишимиз — кимнингдир хатоси бўлган, у ўжарлик билан бу хатодан юз ўгиришни истамаган. Фақат анчадан кейин анча-мунча китобни ўзлаштириб, турфа хил кўпгина фикрларни пишиқ-пухта ўйлаб кўрганимдан сўнггина англадимки, буларнинг бари мутлақо адашиш эмас ва назарий хато ҳам эмас, балки бу ҳодисаларнинг табиий ўсиб боришининг оқибатидир, автоматикага сажда қилиш — бизнинг мафкурамизга хос бўлган инсонга ялпи ишонмасликнинг натижаси ва таркибий қисмини ташкил қиларди. “Коммунизмнинг улуг қурилишлари” даврида тарғибот-ташвиқотнинг таъсири билан, шунингдек, бошқарувнинг ҳамма бўғинларида амал қилган авторитар ҳукмдорлик сабабидан бир-бирдан фарқ қилувчи икки хил онг шаклланиб қолган эди: буларнинг бири омма онгидаги “винтиklar” стереотипи ва иккинчиси — юқоридаги соф технократик онг эди. Технократик тоифадаги онг устун бўлган жойда эса ҳаммиша техника ортиқроқ кўрилади.

Бу, албатта, “замон руҳи”га тўла мос келарди — бошқарувнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари у пайтларда энг “қайноқ” техник янгиликлар сирасига кирар ва техниканинг ҳамма соҳаларида жорий қилина бошлаган эди. Кўпинча янгиликларни жорий қилишда юз берадиганидек, иш жараёнида жуда ҳам қизишиб кетишди ва ҳамма нарсани керами-кераксиз бўлса-да, автоматлаштириш ҳаракати бошланди. Худди Хрушчев даврида маккажўхори билан бўлганидек — ҳатто шимолий қутб ҳудудларига ҳам жўхори экишларига сал қолган эди, макка бунақа жойларда ўсиб-унишни “хоҳламаса”, турли раислар ва партия раҳбарларининг ишлари кўриб чиқиларди.

Автоматика тарафдорлари билан уларнинг рақиблари ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг яна бир муҳим жиҳати бор эди, аммо у ҳам биринчи қарашда яққол кўриниб турмасди. Королёв ўзининг космонавтлар отрядини барпо этишга интилар ва ҳатто космосни ҳарбийлардан бутунлай “тортиб” олишга ҳаракат қиларди. Айтишларича, у биринчи космик парвозни ҳарбий учувчи билан амалга оширишга розилик бергани тўғрисида афсус-у надоматлар билан гапирган эмиш. Шахсан мен шундай бўлганига ишонмайман. Бошқа бир ривоят ҳам бор — “Восток” йўлдошини учуришга тайёргарлик ишлари кўрилган бир кенгашда Королёв учувчилар парвозга тайёргарлик кўришяптими деб сўраган эмиш ва гўё шундан кейин ҳамма бирдан англаптики, отрядга айна учувчиларни олиш керак. Эндиликда бу гапларнинг қай бири чин, қай бири ёлгон эканини аниқлаб бўлмайди. Уларнинг иккови ҳам тўғри бўлиши мумкин — қарашлар ўзгариб туради-ку. Королёвнинг космонавтларни гайёрловчи Марказ билан ва умуман, ҳарбийлар билан муносабатлари бу йилларда дастлабки вақтларда бўлганидек унчалик ҳам дўстона бўлган эмас эди. На илож — манфаатлар бўлиниб кетди ва бир-бири билан “тўқнаш” келди.

Королёв ўз отрядини тузишга улгурмади, буни Мишин амалга оширди, аммо айна Королёв бу ишни бошлаб берган эди. Ҳарбийларнинг ашаддий қаршилиқ кўрсатишларига қарамай, биринчи космик экипаж таркибига оддий фуқароларни ҳам қўшиш кераклиги масаласида у қаттиқ оёқ тираб туриб олган эди. Улар эса даставвал экипаж таркибларига бортинженерлар ва тадқиқотчилар сифатида кириб олишга эришгач, дарҳол кема командирлиги

ролига даъво қила бошладилар. Албатта, кеманинг автоматик бошқарилиши уларнинг фойдасига ишлаган салмоқли далил бўлди: кузатувчи ролини бажариш учун кема бортида, албатта, учувчининг бўлиши шарт эмас-да!

Қизиқ, бир замонлар айтилган бирон сўз кейинчалик қўққисдан бутунлай бошқа хил мазмун касб этади. Гўё ҳозир эшитаётгандек “Восток” йўлдош кемаси учирилгани ҳақидаги ТАСС ахборотини ўқиётган Левитаннинг ширали овози қулғим остида жаранглаб турипти. “Бортида одам билан” деган сўзларга у алоҳида ургу бериб, тантанавор оҳангда талаффуз этди. Дарров аён бўлдики, бу ҳодисадаги энг муҳим, энг асосий нарсаси — айнаи шу сўзларда ифодаланган, “Бортида одам билан” — мағрур жаранглари. Билмадим бу иборани ким ўйлаб топган бўлсайкин! Албатта, одамнинг биринчи космик парвози ҳақидаги ахборотнинг ҳар бир сўзи минг чиғирикдан ўтказилган, ҳар бири роса ўйлаб кўрилган бўлиши керак. Аммо ҳайрон қоладиган жойи шундаки, ана шу сўз қурилмаси бизнинг дастуримиз ривожининг кейинги босқичларида космонавтга муносабатни олдиндан ифодалаб берди. Маълум бўлдики, кема бортида одамнинг бўлиши унча шарт ҳам эмас экан, шунинг учун унинг талаблари ва эҳтиёжлари билан унчалик ҳисоблашиб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ, унга тириклиги ўтадиган даражада шароит яратиб берилса, кифоя, шу билан бирга хавфсизлигига ҳам жиндай қараб қўйилса, олам гулистон. Ана, кема бортида ўтираман деса ўтираверсин, фақат ҳеч нарсага қўлини теккизмаса бўлди.

Албатта, мен жиндай муболаға қиляпман, лекин бу масалада қанақа кечинмалар бўлгани шу вақтгача жуда яхши эсимда.

Яна бир масала: жамоатчилик онгида ўша кезларда “космонавтика” образи айнан бошқариладиган парвозлар тарзида намоён бўлган. Бу космик фаолиятнинг асосий мақсади ва бош маъноси эди. Космонавтлар ҳам “космосни ўзлаштириш тушунчасини айнаи ана шу маънода талқин қилишарди, автоматик станцияларнинг сайёралараро парвозлари бизнинг ҳаёлотимизни кўпда безовта қилавермас эди ва иккинчи даражали аҳамиятга молик тадқиқотлар сифатида қабул қилинарди. Шунинг учун америкаликлар Ойга одам учирганида, биз эса “бор-йўғи” “Луноход”ни учирганимизда бу кўпчиликнинг тасаввурида ҳам, раҳбарларимизнинг назарида ҳам бизнинг мағлубиятимиз ва уларнинг галабаси сифатида қабул қилинган эди. Эндиликда тушунман, “Луноход” ҳам Ойга одам учуришдан заррача қолишмайдиган фантастик ютуқ, негаки, уни ердан туриб одам бошқариб турди, у эса бир йилдан ортиқроқ муддат мобайнида Ой бўйлаб дайдиб юриб, ерга узлуксиз ахборот жўнатиб турди.

Мен ҳозир қаламга олаётган ўша олис йилларда орбитада инсоннинг кераги борми-йўқми деган илмоқли масала кўндаланг бўлган эмасди. Бу масала анча кейин — ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида таназзул ҳодисалари кўрина бошлагач кўзгалди. Ҳозир турли томонлардан бошқариладиган космонавтикани жуда қимматга тушадиган ва кам самара берадиган соҳа сифатида ёпиб қўйишга даъватлар эшитилиб турипти — уларнинг ўрнига автоматика ишласин дейишади. Ҳа, автоматлар “жуда ҳам доно” бўлиб кетишган, жуда мураккаб масалаларни ҳал қилишни билишади, космосдаги ишнинг 96 фоизини бўлмаганда ҳам, 90 фоизини учувчисиз аппаратлар бошқаради. Уларнинг касб-кори ҳам сон-саноксиз — бу ҳам телевидение, ҳам алоқа, ҳам метеорология, ҳам яна кўпгина бошқа касблардир. Эндиликда уларнинг хизматисиз кунимиз ўтмайдиган бўлиб қолган. Инсон эса кони зарар: ҳаётни таъминлаш тизими зарур, бу эса қўшимча юк дегани, юк бўлганда ҳам ҳазилакам юк эмас, хавфсизликни ҳам бир неча баробар орттириш керак, бу ҳам қўшимча харажатни талаб қилади. Инсон вақтининг анча қисмини ўз-ўзига хизмат кўрсатишга сарфлаши керак. Парвоз муҳимроқ бўла боргани сари ўз-ўзига хизмат соҳаси ҳам кенгай боради. Ернинг жозиба шароитига бемалол қайта олиш учун у мунтазам равишда жисмоний машқлар қилиб турмоғи керак. Бу эса микротезланишларни вужудга келтиради ва технологик жараёнларни бузади. Инсон аниқликда ва ахборотни тез қайта ишлашда автоматдан орқада юради. У чарчайди ва хатолар қилади. Булардан ташқари ҳам инсоннинг “нуқсонлари”ни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо автоматга ишлашни фақат одамгина ўргата олади. Агар автомат ишдан чиқиб қолса, уни тузатиб, яна ишга солиб юбориш ҳам фақат инсоннинг қўлидан



келади. Космонавтлардан А. Волков билан В. Титов орбитадаги ишларидан бир воқеани айтиб беришган эди: Улар “Мир” станциясида антенналар ўрнатишган. Антенналар йиғиқ ҳолда бир боғ шох-шаббага ўхшаб тахланган экан ва автоматик тарзда ёйилар экан. Йўриқномага биноан, антенналар очилаётганда ундан нарироқда туриш тавсия қилинар экан, акс ҳолда антенналарнинг шохчалари скафандрларни тилиб юбориши мумкин экан. Волков очиқ космосда туриб, антеннага очилишга буйруқ берипти-да, ўзи қуёш батареясининг панели ортига ўтиб яширинипти, аммо антенна очила қолмапти, Ер йўриқмадаги “нарироқ туриш” ҳақидаги кўрсатмага хилоф ўлароқ, антеннани силкитиб кўришни буюрипти, бироқ бунинг ҳам фойдаси бўлмапти. Шунда Волков антенна шохчаларининг боғлаб қўйилган жойига тепа бошлапти. Зарбалардан станция ларзага тушипти. “Менинг томирларимда қоним қотиб қолгандай бўлди, — деб тан олади Титов, — менинг миямда ё станция ҳозир бўлак-бўлак бўлиб парчаланиб кетади ёки бўлмаса, ҳозир Саша скафандрини йиртиб олади деган фикр ўрнашиб олди. Волков ўн икки марта тепди ва кучдан қолиб дам олди, кейин яна ўн марта тепди ва яна дам олди. “28-марта тепганимда гўзал қурилма ниҳоят очилди”, деди Саша. Шунақа ишни бажариш қўлидан келадиган автоматни топиб кўринг-чи! Бундан ташқари, яна шуниси ҳам борки, янгидан пайдо бўладиган вазифани биронта ҳам автомат ҳал қила олмайди. Аввалдан кўзда тутилмаган вазиятда шароитни тушуниш ва қарор қабул қилиш фақат инсоннинг қўлидан келади.

Яна бир гап. Эҳтимол, буниси энг муҳимидир. Инсон космосга янги билим излаб учди ва янги билим фақат инсонга берилиши мумкин.

*Давоми бор.*

*Озод ОБИД  
таржимаси.*



# Жаҳон билан бўйлашиб

Ю.Абдуллаев. “Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил.”

— Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил.

**Ў**згани танимоқ одамзот учун ўзини билмоқнинг ишончли йўлидир. Шу боис ҳам инсоният ҳамisha ўзгаларнинг аҳволини, маданиятини, анъаналарини, тажрибаларини ўрганишга интилиб яшайди. Бугунги кунда кўпчиликнинг тилидан тушмайдиган глобаллашув деб аталмиш жараён иқтисодда эмас, балки биринчи навбатда, тафаккурда рўй беради. Шу боис дунё олий таълимнинг умумий жиҳатларини ўрганмай, унинг универсал қирраларини ўзлаштирмай туриб, юксак интеллектуал тараққиётга эришиб бўлмайди. Дунёнинг иқтисодий-маданий манзарасини қандайдир даражада яхлит кўриш учун жаҳондаги олий мактаб тизимлари фаолият йўсинини бир-бирига яқинлаштириш зарур. Педагогика фанлари доктори, профессор Юсуф Абдуллаев қаламига мансуб “Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил” монографияси, шу маънода, алоҳида аҳамият касб этади.

Олимнинг бу китоби бир-икки йиллик уринишнинг самараси эмас, балки неча ўн йиллик кузатишлар, умумлаштириш ва чоғиштиришлар ҳосиласи бўлганлиги билан ҳам қимматлидир. Муаллиф китобида дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги бир неча ўн олий мактабни ҳар жиҳатдан пухта ўрганади, ўзаро солиштиради ва бизнинг амалиётимизга дахлдор жиҳатларини таҳлил этади. У мавжуд ҳолатни қайд этиш, китобхон учун ўз ҳолича ҳам қизиқарли бўлган далилларнигина келтириш йўлидан бормайди. Балки ҳозирги дунё олий таълимнинг фалсафасини топишга, уни ҳаракатлантирувчи куч нимада эканлигини кўрсатишга интилади. Олимнинг қайд этишича, инсон шахсини тараққий эттириш, уни рўй бериши

мумкин бўлган кутилмаган вазиятларда яшашга тайёрлаш жаҳон олий мактабларининг асосий мақсадига айланиб бормокда. Ҳолбуки, олий мактаб, аслида, гоёта утилитар — ишлаб чиқаришни малакали мутахассислар билан таъминлашга эришиш мақсадида вужудга келтирилган эди. Инсоният ўз ақлий тараққиётининг шундай босқичга кўтарилдики, эндиликда, унинг интеллекти, маънавияти, маданияти даражаси дунёнинг, одамзотнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бугунги дунё яхши му-тахассиснигина тайёрлаш билан қаноатланмай қолди.

Ю.Абдуллаевнинг китобида жаҳон миқёсида узлуксиз таълимни шакллантиришнинг зарурлиги илмий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган. Олим турли мамлакатлардаги олий мактабнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталар экан, уларни мавжуд реаллик сифатларидагина қайд этмайди, балки уларнинг амалга ошган қонуният эканлигини асослашга уринади. Шунинг учун ҳам АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия сингари мамлакатлари олий мактабининг амалий утилитар характери ни Россия, Олмония, Италия, Япония олий ўқув юр்தларининг энциклопедик, академик йўналишини чоғиштирар экан, ҳар бир таълим тизими берган натижалар ҳамда уларнинг истиқболлари ҳақида фикр юритади. Олим дунё олий таълим тизимини синчковлик билан ўрганар экан: “...ўзгалар тажрибасини амалда тўғридан-тўғри ўзлаштириш мумкин эмас. Уни механик тарзда ижтимоий-маданий шароитларга кўчириш ҳеч қачон кутилган натижаларни бермаган...”, — деган тўғри қарашга таяниб иш кўради. Чиндан ҳам ўзга миллатларнинг ҳаётида-

ги бирор жиҳатни ўз шароитимиз, имкониятларимиздан келиб чиқмасдан, турмушимизга жорий қилиш яхши натижалар бермаслигини турли-туман тажрибалардангина иборат бўлган кейинги юз йиллик ҳаётимиз кўрсатиб турибди.

Муаллиф китобида бутун инсониятни ўйга толдириши зарур бўлган бир нуқтага китобхонлар эътиборини қаратади. Илмга эътиборнинг сусайиши жаҳоний миқёс касб этмоқда ва бу ҳол фақат иқтисодий имкониятларигагина боғлиқ бўлмай, одамдаги истеъмолчилик ҳамда фаолиятнинг самарасини тезроқ кўришга интилиш психологиясининг натижасидир. Асарда мазкур вазият даҳшатли ижтимоий-сиёсий фалокатларга олиб келиши мумкинлиги кўрсатилади. Айни вақтда, олий мактаблар ва уларнинг талабалари сони тинимсиз ўсиб бораётганлиги, яъни 1960 йилда дунё бўйича 13 млн. талаба бўлган бўлса, 1995 йилда уларнинг миқдори 82 млн.га етганлиги фактининг тагида яроқсиз бир тенденция — олий мактабда олим эмас, балки дипломли мутахассисни конвейер усулида тайёрлашга мойиллик борлиги кўрсатилади.

“Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил” китоби муаллифи олий таълимнинг сифати ўрта таълимга чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлайди ва бунинг исботи учун дунё миқёсида ҳам гоят характерли бир мисол келтиради: “...японларнинг ҳар 10 кишидан 9 нафари ўрта мактабни битирганлиги ҳақида дипломга эга бўлгани ҳолда, америкалик ўсмирларнинг 25 фоизи мактабни битирмасдан ташлаб кетади” (Ўша китоб, 51-бет). Муаллиф АҚШ ва Япония олий мактабларида мутахассислар тайёрлаш борасидаги тафовутлар илдизини айни шу тарзда изоҳлайди. Шунингдек, япон ва америка олий мактабларида бўлажак олимларни тайёрлашдаги фарқлар ҳам болаларнинг ўрта таълим савиясига бориб тақалиши китобда жуда ишонарли кўрсатиб берилган. Япон талабаларининг 10 фоизи, америка талабаларининг эса 1 фоизигина иқтидорли ҳисобланаши ўрта таълимнинг самараси эканлиги асосланган. Айни вақтда, АҚШ олий таълимида кейинги йилларда мавжуд ҳолатни яхшилаш учун қатор ишлар амалга ошириляётганлиги, жумладан, ўрта мактабни тубдан ислоҳ қилишга эътибор берилгани, бунда тажриба

ўқув-тарбия муассасалари деб аталмиш масканларнинг катта самара бераётганлиги далиллар ёрдамида кўрсатилган.

Илму фан ривожлангани, инсон тафаккури ўсгани сари дунё кичрайиб бораверади. Торгина бу дунёда биргаликда яшай билмоқ учун башарият аҳли бир-бирига яқин, тушунарли тарзда фикрлай билиши зарур. Одамларни сиёсий тузумлар, диний эътиқодлар орасидаги фарқлардан кўра фикрлаш йўсинидаги тафовутлар бир-бирдан йироқлаштиради. Шунинг учун ҳам XX асрнинг 80-йилларидан эътиборан таълимни стандартлаштириш деган тушунча пайдо бўлди. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШда ҳам таълимни стандартлаштириш ишига кўп эътибор қаратиляётганлиги сабаби китобда яхши изоҳланади. Таълим стандартлари барча ўқувчилар ўзлаштиришлари шарт бўлган билимларнинг минимал миқдори ва таълимнинг таянч мазмунини белгилаб берадиган расмий давлат ҳужжатидир. Стандарт дунё таълим тизимини, бинобарин, одамларни бир-бирига яқинлаштиришнинг энг таъсирчан воситасидир. Шу ўринда Ўзбекистон ўзга мамлакатлар ўнлаб йиллар мобайнида қўл уришга журъат қилолмай келган иш — таълимни стандартлаштиришни дадиллик билан амалга оширган биринчи мамлакат эканлигини қайд этиш жоиз. Таълимни стандартлаштиришнинг ўзбек модели пайдо бўлди ва ўзининг самарасини бера бошлади. Эҳтимол, бу борада айрим камчиликлар мавжуддир, лекин энг муҳими, фойдали янгилликка қўл урилди. Кези келганда айрим мутасаддилар таълим стандартлари мактабларда ишлатиладиган ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар билиб олишлари шарт бўлган ҳужжатлар деб нотўғри йўл тутишляётганлиги, мактаб ходимлариға ортиқча ташвиш келтиряётганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳолбуки, дунё миқёсида стандарт ўқув дастурлари ва дарсликларни яратадиган мутахассис учун билиш ва амал қилиш шарт бўлган ҳужжат ҳисобланади. Уни дастур, дарслик каби ашёларни тайёрлайдиган мутахассислар яхшилаб билиб олишлари кифоядир. Ўқитувчилар эса дастурнинг тўлиқ ўзлаштирилишига жавобгардирлар.

Китобнинг “Олий таълим XXI асрда” бўлимида олий мактабни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари-

ни кўрсатишга уринилган. Бунда олий мактабда аввалги “иқтисодий инсон” ўрнига “экологик инсон” тайёрланиши лозимлиги ғояси марказий ўринга тутиши таъкидланган. Унда инсондаги маънавий жиҳатларни шакллантириш, эркин тафаккур имкониятларини очиш, ташаббус кўрсатиш ва қарор қабул қилиш масъулиятдан чўчимайдиган инсонни қарор топдиришга интилиш устуворлиги кўрсатилган. Муаллиф китобида олий таълимни халқ хўжалиги учун мутахассис тайёрлаш воситаси тарзида тушуниш эскириб, ўрнига олий мактабга аҳолининг маънавий ва маданий самарасини юксалтириш омили сифатида ёндашиш қарор топаётганлиги жуда ишонарли асосланган. Жумладан, Япония таълим тизимини ислоҳ қилишдаги етакчи уч ғоядан бири — тўлақонли шахс тарбиялаш эканлиги кўрсатилган. Айни шу жиҳатлар Ўзбекистон Республикасида қабул этилган “Кадрлар тайёрлаш” Миллий дастурида ҳам акс этганлиги кишида қониқиш уйғотади. Япония ва Америкада аҳолининг 90 фоизини олий маълумотли қилишга жиддий интилиш борлиги ҳам олий мактабга миллат интеллектуал-маънавий савиясини юксалтириш омили деб қаралаётганлиги натижаси эканлиги асарда қайд этилган.

Китобда жаҳонда олий мактабни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тажрибаси борасида ҳам жиддий кузатишлар баён этилган. Айниқса, киши эътиборини дунёдаги жуда кўплаб олий мактабларда ўқиш муддати, ўқув режаларини белгилашга анчагина эркин ёндашилиши тортади. Улардаги ташкилий жиҳатларда ўқишни осонлаштириш йўли танланганлиги сезилади. Жумладан, кўпчилик мамлакатларда 3-4 йиллик бакалаврлик, 1-2 йиллик магистрлик ва 1-3 йиллик докторантлик ягона ва узлуксиз олий таълимнинг босқичлари саналиши кўрсатилган. Кўплаб мамлакатларда докторантурага фақат магистрлар эмас, балки бакалаврлар ҳам қабул этилиши, фақат бунда ўқиш 3-5 йилга чўзилиши мумкинлиги жуда ишонарли асослаб берилган. Айни пайтда, олий таълим Олмония, Россия сингари қатор мамлакатларда бир босқичли экани ва бу шу мамлакатларда яхши натижа бераётганлиги ҳолис кўрсатилган. Китоб муаллифи ўзига маъқул келган бирор ташкилий тузилмани мутаассибларча тарғиб этмаслиги, далилларни келтириб, жу-

лоса чиқаришни китобхонларга қолдириши билан ҳолис йўл тутган.

Китобда давлат томонидан олий таълимга ажратилаётган маблағларнинг қисқариб бориши ва олий мактаблар ишлаб топадиган маблағлар миқдори ортиб бориши дунё миқёсида етакчи тенденция ҳолига келаётганлиги кўплаб мамлакатлар олий таълим тизими мисолида кўрсатилган. Айни шу ҳолат 1998 йилнинг 5-9 октябрида Парижда “XXI асрда олий таълим: истиқболлар ва тавсиялар” мавзусидаги бутунжаҳон анжуманининг ўтказилишига олиб келганлиги, унда олий мактабни ривожлантириш истиқболлари ҳақида илмий излашлар муҳокама этилганлиги қизиқарли тарзда ифодаланган. Китобда Оврўпода олий таълимнинг ривожини мувофиқ-лаштирувчи ЕПТФ ташкилоти мавжудлиги, бу ташкилот дунё бўйича “TEMPUS”, “Урбалайф” сингари кўплаб турли дастур ва лойиҳалари эълон қилинганлиги, уларнинг бир қисмида ўзбек олий мактабларининг иштирок этиши далиллар асосида кўрсатилган.

Муаллиф ўз асарида дунёдаги йигирмадан ортиқ мамлакат олий мактабларининг асосий жиҳатлари, тузилиш тарзи, таркиби бошқарилиш йўсини, таянадиган аъмолларини тадқиқ этади. Жумладан, АҚШда олий мактабларнинг даражаси уларда ёқланадиган докторлик диссертациялари миқдorigа қараб белгиланиши жуда яхши пайқалган. Мамлакатдаги 3390 олий мактабга бир йилда 120 млрд доллардан кўпроқ маблағ сарфланганлиги, ҳатто хусусий олий мактабларга ҳам давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши таъкидланган. Олим дунёдаги йигирмадан ортиқ олий мактабда бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар миқдори ҳақида ҳам ғоят аниқ маълумотлар келтирадики, улар ўзбек олий мактаблари савиясини белгилашнинг мустаҳкам мезонлари бўлиши мумкин. Китобда айтилишича, Олмониянинг айрим университетларида 1 домлага 9 ёки 10 талаба тўғри келгани ҳолда Мюнхен университетиде 1 домлага 5, Франкфурт университетиде эса 4 талаба тўғри келади. Асарда бу ҳолнинг сабаблари ҳамда натижалари ҳақида ҳам фикр юритилади. Швеция университетларида профессор бажариши лозим бўлган ўқув соати бир йилда 130 соат эканлиги, агар илмий иш кўпайса, бу миқдор яна ҳам камайти-

рилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар бизнинг ўқитувчи-профессорларимизнинг бандлик даражасини белгилашда қўл келиши табиий.

Муаллиф чет эллардаги ўзи ўрганиб чиққан олий мактабларнинг ўқув режаларидаги асосий хусусиятларни шунчаки қайд этишга эмас, балки уни таҳлил қилиб, илмий-амалий тавсиялар беришга уринади. Бу жиҳатдан унинг Япония, АҚШ каби мамлакатлар олий ўқув юртларида режадаги фанларнинг учдан бирини ўзлаштириш мажбурий бўлиб, қолган икки қисми ихтиёрий эканлиги ҳақидаги маълумоти диққатга моликдир. Бизнинг олий таълим тизимимизга ҳам айна шу тажрибани жорий этиш зарурга ўхшайди. Шўролар давридаги тенглаштириш самараси ўлароқ, дипломи бор барча мутахассислар гўё бир хил имкониятларга эга бўлади деб тасаввур қилинди. Шу боис олий маълумотли бўладиган ҳар қандай киши режадаги барча фанларни ўзлаштириши шарт деган қараш шакллантирилди. Натижада, собиқ талабанинг нималарни қандай ўқиганлиги эмас, балки дипломга эгалигининг ўзи муҳим бўлиб қолди. Чунки ҳамма фанлардан қандайдир баҳони олмай туриб, дипломли бўлолмас эди. Ҳолбуки, дунёда бундай эмасди. Ўқув режасидаги ўзига мақбул бўлган фанларни яхшилаб ўрганиб, қайсиларинидир ўзлаштирмасдан ҳам олий маълумотга эга бўлиш имконияти туғилганда бир томондан, олий мактаблардаги таъмағирлик балоси камайган, иккинчи томондан, яхши ўқиган мутахассиснинг у қадар тиришқоқ бўлмаган битирувчидан фарқи сезилиб қолган бўларди. Яъни дипломдаги баҳолар ишлай бошлаган бўларди.

“Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил” китобида ривожланган мамлакат-

лардаги олий мактабларда чет эллик талабаларни ўқитишга эътибор берилишининг сабаблари ҳақида тўхталар экан, бунда фақат ўзгаларга олижанобларча беғараз кўмак бериш эмас, балки биринчи навбатда, жаҳоннинг бозорини эгаллашга уриниш, келажакда бозор бўлиши мумкин бўлган жойларда ўз тарафдорларини пайдо қилиш йўлида маблағлар сарфланаётганлиги айтилади. АҚШда бир йилда 386 мингдан ортиқроқ чет эллик талаба таҳсил кўрар экан, бу мамлакат иқтисоди дунёнинг турли бурчакларида ҳар йили қарийб шунча тарафдорга, хайрхоҳга эга бўлади демакдир. Китобда қатор чет эллардаги олий ўқув юртлари талабаларининг моддий таъминоти, ўқиш учун тўловлар тизимининг қандай ишланганлиги ҳам пухта ўрганиб чиқилган.

Юсуф Абдуллаевнинг “Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил” монографиясида бир қатор камчиликлар ҳам борки, уларни бартараф этиш асарнинг қимматини оширишга хизмат қилиши мумкин. Жумладан, 1983 йилда таълимни такомиллаштириш бўйича қабул этилган АҚШ ҳукумат дастури китобнинг 36-, 104-бетларида “Миллат хатарда” 54-бетиде эса “Миллат хавф остида” тарзида берилган. Китобнинг кўп ўринлари худди бошқа тилдан қилинган таржимага ўхшаб қолган. Масалан: “...ўзлаштирмаслик ҳақида огоҳлантирувчи система...” (49-бет), ёки “Фақат таълим орқалигина, энг янги илмий-техник билимларни эгаллаш орқалигина алоҳида кичик қадамлар босмай, балки яхлит тўла-тўқис қадамлар билан олға силжиш мумкин” (49-бет) жумлаларида гап нима ҳақда эканлигини англаш мушкул.

Айтилган нуқсонларга қарамай, китоб салмоқли маърифий аҳамиятга эга ва шубҳасиз миллий олий таълим тизимини такомиллаштиришда ўз ўрнини топади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,  
педагогика фанлари доктори.



Жеймс ОЛДРИЖ

# Фаройиб мўғул

Қисса

10

**С**алом, Китти!

Тах ва Мушка борасида ниҳоят “мени ташвишдан халос қилганинг” учун сенга катта раҳмат. Агар мўғул тилига ўгирилса, бу жудаям қулгили гап, мен ўзимни сира қулгидан тиёлмаган бўлардим. Мўғулчасига биз: “Сув ичирганинг учун раҳмат”, деймиз. Лекин Тах билан Мушканинг кушхонада ўлиб кетмаслигига амин эдим.

Мен Тахнинг ўз-ўзини майиб қилиб олмаган деб умид қиламан. Отлар учун оёққа заҳмат етказиш ўлим дегани бўлади. Гоҳо ёввойи от шикастланган ёки синган оёқ билан бирмунча вақт ҳаракатда бўлади, бироқ охир-оқибатда шунчалик заифлашиб қоладики, йиқилиб тушади ва қайта туролмайди. Кейин эса ўлади. Умид қиламанки, Тахнинг аҳволи яхши. Агар у фақат туёғини жароҳатлаб олган бўлса, унда, эҳтимол, тузалиб кетар.

Сенга шу нарсани айтмоқчиманки, Китти, сен ҳозир биз томонларда жудаям машхурсан. Ҳамма сенинг хатларингдан хабардор ва Серогли холанинг хатларни мўғулчага таржима қилганини тинглаш учун барча ўтовимизга келади (ҳозир бизда ёз). Бир неча соат ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади, чунки сенинг ёзганларингни ҳар ким муҳокама ва мунозара қилади. Қариялар сукут сақлайдилар, лекин қолган барча одамларнинг дилида ўз гапи бўлади. Ойим хатларингни жудаям яхши кўради ва гўё бўладиган воқеаларни олдиндан биладигандек тинмай бош чайқайди.

Гарчи Серогли холани шунча қисти-бастига олсам ҳам, у бизга Тах борасидаги машхур “сир”ни очишга ҳамон рози бўлмаяпти. Бир куни тунда дадам билан ойимнинг кулишаётгани қулогимга чалинди ва ойим бизни калака қилаётгани ҳақида гап бораётганини англадим. У устимиздан кулишни яхши кўради. Лекин эртами, кечми ундан бу сирни албатта билиб оламан ва сенинг бобонгга ўхшаб қаҳ-қаҳ уриб куламан.

Хатларингни диққат билан тинглаётганлар ичида Улан-Батордан келган икки зоолог ҳам бор. Бобонг уларга Тахнинг ғойиб бўлгани ҳақида ёзган, лекин тафсилотдан улар батамом воқиф эмаслар. Хатингни тинглашар экан, улар ҳатто отларга нима бўлаётгани ҳақида ўзлари учун қайдлар ёзиб боришмоқда.

— Сен қарор қилганингдек, Китти ҳам зоолог бўлиш ҳақида ўйлаб кўрса бўлармиди, — деди бир куни Серогли хола.

Ёввойи йилқиларни кузатиш учун бизникига ҳар доим зоологлар келиб туришибди. Бизда энди йилқиларни безовта қилмасдан олимлар фойдаланиши мумкин бўлган беш кузатув масканига — тоғларга олиб чиқувчи ўнлаб махсус йўллар мавжуд. Утган таъғилимни мана шу йўлларни танлашда дўстимиз Гритга ёрдам бериш учун сарфлагандим. Грит эсингдами? У ҳозир қулинг ўргулсин йилқибон бўлган.

Йилқилар одамларда ўзларига қизиқиш уйғотганига парвойи фалак, тоғларимизда бемалол яшайди. Ҳозир уорда 26 та от бор деб ҳисоб қилинади, лекин менимча аллақерда яна бештаси бўлиши керак. Мен йилқиларни илк

Давоми. Боши ўтган сонда.

бор кўрганымда олиб кетилган ҳалиги тўрттасини қўшиб ҳисоблаганда ўттиз бешта эди. Йигирма олтита эмас, балки ўттиз битта қолган бўлиши керак. Шу боис мен қолган бештасини қидирмоқдаман ва уларнинг топилишига ишонаман.

Тахга келганда эса сизлар уни топганингиз ҳақидаги хабарни интизорлик билан кутмоқдамиз. Анови учинчиси қанақа от бўлдийкин? Тах, афтидан, ҳатто Европада ҳам ўз уюрини йиғиш ҳақида ўйлаяпти, шекилли. Лекин Гритнинг айтишича, бу сиз ўйлаганчалик кулгили эмасмиш, чунки ёввойи отлар Европадан Осиёгача ва Франциядан Хитойгача бўлган ҳудудларни эгаллаб, минг йиллар давомида бутун Европа ва Осиё бўйлаб изғиб юришган.

Лекин уюрда биз учун энг кераклиси — Тах-ку. Уюрда ҳамон тузукроқ бир йўлбошчи, ақлу журъатда бекаму кўст бўлган раҳбар-айғир йўқ. Ёш айғирлардан баъзилари эски раҳбарни чиқиштирамаяпти, лекин улар Тах каби ақлли ва жасур, сўзини ўтказа оладиган отлардан эмас.

Шу боис, илтимос, уни тутишларинг ҳаманоқ хат ёзишни унутма.

*Дўстинг Барьют.*

Салом, Барьют!

Ёзишмаларимизда тагин узилиш бўлди, лекин айна пайтда менинг аъзойи баданим қақшаб оғрияпти, Мушка билан ўйнайдиган тоғ ёнбағрида мен йиқилиб тушдим. Тўрғай уясини қидириб юриб, (бузиш учун эмас, шунчаки томоша қилиш учун) хаёлга берилиб кетибман, сирпаниб тушдим-у қияликдан паства қараб думалаб кетдим ва бошдан-оёқ қаттиқ шилиндим. Ҳатто шу думалаганча тўхтамасам керак деб ўйлагандим.

Лекин бобомнинг айтишича, биринчи биринчидай бўлиши керак. Эсингдами, Тахни олиб кетишга ишонган бобом Францияга кетганди. Бироқ отларнинг изини ёки дарагини топаман деб роса икки ҳафта овора бўлди, фақат охириги икки кундагина у отларнинг қайси томонга қараб йўл олганини аниқлашга муваффақ бўлди. Лекин уларнинг қаердалигини билолмай, икки қўлини бурнига тикиб уйга қайтиб келди.

— Бирваракай уч от, боз устига улардан бири ёввойи, Францияда номнишонсиз ғойиб бўлиши мумкин деб хаёлимга келтирмагандим. Ҳойнаҳой бу Тахнинг қилиғи, ҳеч шубҳасиз улар аввалгидек кундузи яшириниб, кечаси йўл юришяпти. Лекин бунга улар қандай эришаётганига ҳамон ақлим етмаяпти!

Бобомнинг ҳикоя қилишича, мсье Фанон кичкина тозига ўхшаркан: “Бўйи бир юз эллик сантиметрдан ошмайди, шундай ҳаракатчан ва ғайратлики, орқасидан унга базўр етиб юрардим. У бирон кишини сўраб-суриштира бошлаганда шундай таассурот пайдо бўлардики, гўё ҳамманинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётгандек. Одамларга ҳатто ўзлари ҳеч нима бўлмайдигандек кўринганда ҳам, у тиниб-тинчимасди. Худди този каламушни силкитганидек, у одамларнинг миясини қоқиб қўлига берарди ва бир нима ундирмай қўймасди. Ва албатта у Тахни тутиш иштиёқида жонини жабборга беради”.

Шундай қилиб, биз ҳозир билган ҳамма нарса янги дўстимиз мсье Фанондан келиб чиққанди. У, Тахнинг барча хатти-ҳаракатларида қандайдир мақсад бор деб ҳисобларди. Буни қандай тушунишни мен билмасдим. Эҳтимол, Барьют, унинг хатини бошдан-оёқ ўқиб чиққанингдан кейин нимани назарда тутаётганини ўзинг фахмлаб оларсан. Мана ўша хат:

“Афтидан ёввойи от тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қилмаётир. У кейинроқ тўғри йўлга чиқиб олиш учун йўналишини ўзгартираётган елканли кемадек илонизи шаклда кетиб бормоқда. Тахнинг бу кетиши замирида аниқ йўналиш бор. Мен, масалан, унинг жануби-шарқ томон қатъий йўл олганини билиб олдим. У, ниҳоят, Камарга етиб келди. Бу жой, Сизга маълумки, Франция жанубидаги энг йирик қўриқхоналардан бири ва Европада от уюрлари эркин ўтлаб юрадиган ягона маскандир. Машҳур камарг пакана отлари ҳам айнан ўша ерда истиқомат қилади.

У ернинг тупроғи қуруқ ва қумоқ, баъзи жойлари ботқоқликлардан иборат, ammo ёввойи мўғул отлари жонидан яхши кўрадиган шўрхоқ ялангликлар ҳам оз эмас.

Ана шу Камаргнинг қоқ ўртасида йилқибоннинг ўғли учта отни кўриб қолибди. Агар у бу отларнинг қанақалигини билганда эди, ўша заҳоти тутиб олган бўларди. Бироқ улар узоқдан камарг пакана отларига шунчалик ўхшаб кетардики, аввалига болакай отларга эътибор ҳам қилмаган. У Камаргнинг овлоқ бурчакларини кузатиб юрган маҳаллий йилқибонлардан бири эди. Бир неча ҳафта, эҳтимолки, бир неча ой давомида у уюрдаги отларининг турли

гуруҳлари билан бирга ўтлаб юрган “ғалати камарг пониларини” муттасил кўриб юрган. Бироқ ўсмир уларнинг олдига яқин боролмаган ёки бу қандай отлар эканини яхшилаб кўриб аниқлаб ололмаган.

Бироқ кунларнинг бирида ундан тўрт ёш айғирни тутиб беришни илтимос қилганларида ва у уюрга орқа томондан яқинлашиш учун ботқоқзордан йўл олганда ўзининг айтишича, “маймуннамо митти пони” билан рақибидан хийла гавдалироқ бир маҳаллий айғир ўртасидаги ажойиб олишувга кўзи тушган. Бошқача қилиб айтганда, Сизнинг ёввойи мўғул отингиз камарг айғири билан жанг қилаётган бўлган.

Бу йилқибон йигитчанинг менга ҳикоя қилишича, бунақасини умри бино бўлиб кўрмаган экан. Камарг отлари ўзларининг сержаҳлликлари билан машҳур. Бироқ “калта бўйли пони-маймунча” камарг айғирини аёвсиз тепибди, ҳатто унинг қочиб кетишига ҳам йўл қўймабди. Аниққи, ёввойи мўғул ўзининг жажжи маҳрамларини (Мушка ва тўриқни) ҳимоя этиб жанг қилган, аммо жонга жон, қонга қон қабалида олишган, ва кўп ўтмай, камарг айғири ўлар ҳолатига тушиб қолган. Мўғул уни ерга йиқитган ва йилқибон етиб келганда уни олдинги оёқлари билан тепишга чоғланиб турган экан.

Шунда ёввойи от йигитга ва унинг отига қараб ташланган, тишлаган, агар йигит ўзининг каттагон қамчисини ишга солмаганда хужумни янгидан бошлаб юбориши аниқ экан. “Афтидан, қамчи ваҳшийни таажжубга солган ва шундан кейингина чопиб қочиб кетган”. Шундан сўнг йигит уларни бошқа кўрмаган.

Отларни топиш ниятида мен Камаргда роса бир ҳафта қолиб кетдим. Лўлилар ва йилқибонлар билан бирга тунадим, қишлоқларда бўлдим, бироқ афсуски, мўғул ва унинг уюрчаси ғойиб бўлган эди.

Кейинги хабарни мен шарққа томон тахминан икки юз километр нарида жойлашган Грас жандармериясидан эшитдим. Тоғлардан ўтган юқори вольтли симларда хизмат қилувчи уста қарағай ўрмони яланглигида узоқ вақт ўйнаб юрган уч пакана отни кўрган. Лекин икки кун ўтгач, Грасга келганимда менга бу барча воқеалар уч ҳафта бурун содир бўлганини хабар қилишди. Мен яна бир неча ҳафтага қолишга мажбур бўлдим.

Ниҳоят мен Соспель яқинидаги Италия чегарасида жойлашган ҳарбий маскандан яна бир хабар олдим.

Шу маскан зобитларидан бири хабар қилдики, у икки аскар йигит билан чегара бўйлаб ўтувчи тик ёнбағирликни кесиб ўтаётган учта кичкина-кичкина отларни кўришган. Аскарлар ўзларининг автомат винтовкалари мўлжалини текшириб кўриш ниятида ўқ узишган. Отлар ўқ овозини эшитгач, улардан бири фирт жиннига айланган. У ёнбағир бўйлаб юқорига ва қуйига қараб югураверган ва қолган отларини туртиб, уларни шоширган. Зобитга отлардан бири тесқари томонга қараб чопмоқчидек бўлиб кўринган, лекин анови жиннивойи унинг олдида орқа оёқларида тик туриб, олдинги оёқларини ҳавода ўйнатган. Кўп ўтмай учалови ҳам Италия томонидаги унча катта бўлмаган эманзорга кириб кўздан ғойиб бўлган.

Мен, албатта, қидирувларимни қўлимдан келганча узоқ вақт давом этдираман, профессор, бироқ Италияда мен кўп ишлар қилишим амри маҳол. Чегара — мен учун расмий сарҳад. Имконим борича Италиядаги барча ҳамкасбларим билан алоқа боғлайман, Сиз ҳам шундай қиларсиз деган умиддаман. Фойдали бўлиши мумкин бўлган ягона омил — бу ёввойи от танлаган аниқ йўналишдир. Агар Сиз италиялик ҳамкасбларимиздан бирор нарса била олсангиз, илтимос, менга хабар қилинг”.

Мсье Фанондан ҳозирча бор билганларимиз мана шулардан иборат, Барьют. Бобом харитани диққат билан қараб чиқди ва Италияда зоолог-олимлардан ким ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаш учун халқаро маълумотномаларни титкилаб ташлади.

Бармоқларимни шундай ҳис қиляпманки, гўё йўгон миҳ билан ёғочга ёзаётгандайман. Мен машинкада ҳам ёзишим мумкин эди, лекин ҳозирча унчалик тез ёзолмайман. Нима бўлганда ҳам, фикрларим доим мендан ўзиб кетади, машинкада тез ёзолмаслигим шундан бўлса керак.

Кеча Эванс хоним менга шундай деди: “Агар миянг жойида бўлганида эди, тоғдан думалаб тушмаган ва шикаст емаган бўлардинг”.

Ҳойнаҳой, у ҳақ. Мени қачондан бери уйқу босаяпти. Хайрли тун!

*Сенинг доим шошқалоқ дўстинг Китти.*



Салом, Китти!

Биз, ниҳоят, оймни Тах борасидаги сирни очишга кўндирдик — буни билиш, албатта, сенга ҳузур бағишлаши турган гап. Серогли хола сенинг охириги мактубингни ўқиётганда ойм ҳар доимгидек гўё ҳаммасини олдиндан биладигандай бошини чайқаганча “аҳа-уху” лаб олдимизда ўтирарди. Бундан бобом шунақанги даргазаб бўлдики, шартта Серогли холани тўхтатди-да, шундай деди:

— Кора (оймнинг исми шунақа), сен биздан ҳеч нарсани сир тутмаслигинг керак. Агар бу отга нима бўлганини билсанг, билганингни бизга айтишинг шарт. Акс ҳолда биз сени ёмон кўриб қоламиз.

Бобом жуда кекса одам (аслида у бизга бобокалон қаторида) ва ҳамма нарсани кексаларча ўйлайди. У жудаям иримчи ва ҳар қанақанги башорат, сирлар унга ёмон таъсир қилади. Назаримда у бундай нарсалардан кўрқади.

Шунда ойм андиша қилдими ё бобомни хафа қилишни истамадими, ҳарқалай кечирим сўради-да, шундай деди:

— Бу жуда оддий нарса-ку, бобо. — Кейин кўзлари кулиб турса-да, жиддий тарзда қўшимча қилди: — Ёввойи отимиз уйга қайтаяпти!

— Нима?! — деб юбордик биз ҳеч нарса англолмай.

— У уйга қайтиб келаяпти, — деб такрорлади яна ойм. — У ўзининг тоғларига қайтишга аҳд қилган. Мен билган сир мана шу, бобо. Шунинг учун у тўхтамайди, ушланиб қолмайди ва барча тўсиқларни ошиб ўтади, мен бунга аминман. Бунинг учун ташвиш қилманг.

Табиийки, шундан кейин ҳамма тилга кирди ва ўзаро баҳслаша кетдик. Жаҳон харитасини олдик-да, уни гилам устига ёйдик, барчамиз харита устига мук тушдик. Биз оймга, агар Тах уйга қайтаётган бўлса, унинг Атлантикадан тортиб Тинч баҳри муҳитигача бутун Европа ва Осиёни ошиб, минглаб километр йўл босишига тўғри келишини айтдик. Бироқ ойм пинагини ҳам бузмади ва яккаш: “Бизнинг ёввойи отимиз уйга қайтаяпти!” дея такрорлади, холос.

Бобонг нима деб ўйлаётганини менга хабар қил. То сендан жавоб олмагунча, мен нима деб ўйлашим ҳақида лом-мим демайман.

*Салом билан Барьют.*

Салом, Барьют!

Мен сенинг бобомга ёзган хатингни ўқигач ва бобом Тах борасидаги ойнинг ажайиб сирдан воқиф бўлгач, у тиззасига шап этиб урди-да, ҳаяжон билан шундай деди: “Офарин бу аёлга! Бўлмасам-чи, у ҳақ. Ҳеч шубҳасиз, ёввойи от уйга қайтаяпти! Мен ўзим шундай ўйлаб юрардим, лекин мен илмий нуқтаи назардан қараганим учун буни очиқ айтишга журъат қилмагандим. Барьютнинг ойиси эса мўлжалга аниқ урди”.

Унчалик таажжубли бўлмаса-да, Барьют, барча саволларга айтадиган жавоб:

— Кўрарсан ҳали, — деди бобом! — Тах энг яхши йўлни танлайди. Бир вақтлар Европа ва Осиёнинг бепоён кенгликларида бемалол изғиб юрган ўзининг барча аждодлари табиатини Тах ўзида намоён этиши ҳеч гап эмас.

— Қадрдон тоғларига етиб олиши учун қанча вақт керак бўларкин? — сўрадим мен бобомдан, ҳамон ишонқирамай.

— Ким билсин? Бир йилдир. Икки йилдир. Балки, ундан ҳам кўпроқдир.

Бобомнинг жавоби шу бўлди, Барьют. У бунга ишонади. Худди Сизлардек, биз ҳам жаҳон харитасини оламиз-да, Тах танлайдиган йўлни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Лекин ҳозирча бутун бир йил мобайнида у одамларга дуч келмай, тоғингизга етиб бора оладими ё йўқми, ёки тез орада уни тутиб олиб, Мушка билан биргаликда бизга қайтаришадими — қайси бирига ишонишни билмайман.

Албатта, мен Мушка ҳақида, улар билан бирга юрган тўриқ ҳақида ўйлаяпман. Ахир уларнинг иккови ҳам хонаки отлар-да. Борди-ю, улар Тахга эргашиб боришса, то Мўғулистонга етгунча очлик ва мадорсизликдан ўлиб кетишса ҳам ажаб эмас.

Бобом Туриндаги, Миландаги, Венециядаги ва Трилстдаги ҳайвонот боғлари ва олимларга хат йўллади. У яна мсье Фанонга ҳам хат ёзди, ундан ойнинг фикрига қўшилиш-қўшилмаслигини сўради. Бобом мсье Фанон ҳам ҳар доим шундай ўйлаганига амин эди. Хўш, бу ҳақда сен нима деб ўйлайсан, Барьют? Тах қадрдон тоғига қайтиб борармикан? Ёки уни тутиб олиб, орқага қайтариб юборишармикан? Унда, Мушкага нима бўлади? Мен мудом шуни ўйлайман ва ташвиш чекаман.

Ҳозирча, хайр, отларни худойим ўз паноҳида асраб, бизларга юзма-юз қилгунча, яхши қол.

*Эски дўстинг Китти Ж.*

P.S. Мен шахмат ўйнай олмайман, лекин бобом ўргатаман деяпти. Эванс хоним, бусиз ҳам ўйлашга дарсларинг бошингда ошиб-тошиб ётибди, дейди, лекин бобом: “Бекорларни айтибсан” деб, уни қайириб ташлади.

P.S. Назаримда, Тахнинг қадрдон гўшасига қайтиб боришини хоҳлаб турибман, бироқ Мушканинг тақдири нима бўлишини ўйлаб ўйимга етолмаяпман. Ишқилиб, у йўқолиб-нетиб, ўзга юртларда ёлғиз ўзи қолиб кетмасин, ишқилиб унга зиён-заҳмат етказишмасин,

*Kumtu.*

## 11

Салом, Барьют!

Тах, Мушка ва тўриқнинг шарққа томон ҳаракати изини топиш қанчалик қийин бўлганини сен тасаввур ҳам этолмайсан. Биз Европадаги турли одамлардан ниҳоятда тушунарсиз хабарлар олиб турибмиз, ва ниҳоят, француз, итальян ва немис тилларидан таржима қилганимизда уларни хилларга ажратиш учун бир неча соат вақт сарфлашга ҳам тўғри келди. Натижада уларнинг бошига не савдолар тушгани-ю, кам деганда уч марта мудҳиш воқеа устма-уст содир бўлгани эндиликда бизга аён.

Буларнинг барчасига сабабчи — Тах. У ҳеч нарса олдида бўйин эгмайди. У яна қаттиқ яраланган, ҳатто, эҳтимолки, у жон ҳам бераётгандир. У бундан кейин ҳам ҳеч нарсани писанд қилмайди ва мана биз ҳам шу боис бу ишларнинг охири нима билан тугашини билмаймиз.

Уларнинг бошига тушган биринчи мусибат Италияда рўй берди. Бу ҳақда бизга мсье Фанон хабар қилди (у бизнинг изқуваримиз). У ёзганки, Бордо ҳайвонот боғидаги бошлиқлар унинг Италияга боришига рухсат беришган, чунки бундай ёввойи ҳайвоннинг кўплаб йўллар, фермалар, қишлоқлар ва шаҳарлар орасида қандай қилиб тирик қолгани ва яширинганига улар қаттиқ қизиқиб қолишган. Мсье Фаноннинг айтишича, Тахнинг Францияни кесиб ўтганини анча осон аниқлаш мумкин. От Альпнинг денгиз бўйидаги овлоқ жойларида яшириниб юрган. Бироқ қишлоқ ва шаҳарлар мўл бўлган, уларнинг қаровсиз кезиб юришларига йўл қўймайдиган одамлар кўп. Италияда бирваракайига уч от нима қила оларди?

Шу боис мсье Фанон аввало юк машиналарининг ҳайдовчиларидан сўраб-суриштириб отларнинг Италиядаги йўлини белгилаб олган. Улардан айримлари сирли жониворларни тунда йўл четида кўришган экан. Ҳайдовчиларнинг ҳикоялари уни Шимолий Италия орқали ўтадиган йўлнинг ярмида жойлашган Верона остонасидаги лўлилар манзилига олиб келибди.

“Бу қачон рўй берганини ҳеч ким аниқ билмайди, — деб ёзган мсье Фанон, — бироқ хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, лўлилар ёввойи отни тутиб олишган”.

Лўлилар сувчилар экан, мевали боғлар, узумзорлар, полизларни суғориб, қишлоқ ва фермаларда мардикорлик қилиб, мамлакат бўйлаб кезиб юришаркан. Улар ҳўкиз ва отлардан фойдаланишаркан, ўзлари эса далада усти ёпиқ юк машиналарда, жуда эскириб, титиғи чиққан фургонларда истиқомат қилишаркан. Уларда эчки, ит ва ҳатто маймун каби бошқа ҳайвонлар ҳам бўлган.

Нима бўлади-ю, Барьют, Верона яқинидаги ўрмонда яширинган уч дайди отни лўлилар кўриб қолишади. Уларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, отлар катта каналдан кечиб ўтмаслик учун айланма йўлни топишга ҳаракат қилган. Лўлилар шундан фойдаланиб, учала отни тутиб олишга киришганлар. Уларнинг айтишича, отлар юрмоқчи бўлган сўқмоқда симтузоқлар ўрнатилган экан. Тунда отларнинг йўлга тушишини пойлаб ётишган ва фонар еруғи, мис қозон-товоқ ва чойнакларнинг тарақ-туруғи билан уларни чўчитиб туришган.

Мушка билан тўриқ дарҳол тузоққа тушган ва йиқилиб, типирчилай бошлаган, Тах эса симни кўриб, унинг устидан сакраб ўтган-да, қочиб кетган.

Сўнгра лўлилар иккала отни арқон билан ўраб айлантирилган вақтинчалик қўрага жойлаштирганлар, шу ёғи ҳам етарли деб ўйлашган. Бироқ тунда Тах пайдо бўлган ва арқон тўсиқни узишга ҳаракат қила бошлаган. Югуриб чиққан лўлилар уни тутиб олмоқчи бўлишган, лекин улар яқинлашиб келиши билан от уларга ҳамла қилиб қолган. Лўлилар ҳанг-манг бўлиб қолишган. Бунақа отни умрларида кўришмаган экан-да. Тах қўрага кирган-да, Мушкани олиб чиққан. Кейин у тўриққа қайтиб келган, бироқ тўриқнинг кетишига унчалик ҳуши бўлмаган. Шунда Тах уни қочиб ундаб, тепа бошлаган.

Бирданига учала отдан ҳам айрилиб қолаётганини кўриб, лўлилар тўриққа

сиртмоқли арқон ташлашган. Бироқ Тах арқон тутган одамга ҳамла қилган. Афсуски, лўлилар шунинг олдиндан кутиб туришган, улардан бири болға билан Тахнинг қаншарига урган ва Тах ағдарилиб тушган.

Оҳ! Бу ҳақда гапиришга тилим бормаяпти, Барьют. Ахир бундан ҳам даҳшатлироқ нарса бўлиши мумкинми?

Бироқ, мсье Фаноннинг ёзишича, бу лўлилар ўз ишларини яхши билишган ва бундай зарба отга қаттиқ зарар етказмаган. Нима бўлганда ҳам Тах ер тишлаб қолган ва ҳушидан айрилган, Мушка билан тўриқ эса қочиб кетган.

Тах ўзига келганда оёқлари боғланган ҳолда тиконли сим билан уралган қўрада ётган ва лўлиларнинг биринчи қилган иши унинг устидан бир челақ муздай сув қуйиш бўлган. Ҳар гал ҳамла қилишга ҳаракат қилганда устидан сув қуяверишган.

Тахдан кутулганига шукр қилгандек, тўриқ бадар кетган. Лекин Мушка қолган. Ҳар куни тунда у тиконли сим айлангирилган қўра олдига келиб турган, кишнаган ва туёқлари билан тепаверган. Албатта, лўлилар уни яна тутмоқчи бўлишган, лекин энди Мушка ўзини ҳушёрроқ тута бошлаган ва қоронғиликка яшириниб тузоқдан қочган.

Лўлилар олдингидек Тахнинг устидан сув қуйиб туришган, унинг ҳўл бадан билан юришга одатланишига умид боғлашган, чунки улар Тахни сув элтувчи отга айлангирмоқчи бўлишган-да. Улар аслида шафқатсиз одамлар бўлмаган. Лекин улар йўлларида давом этишлари керак бўлган. Улар Тахни боғлаб, бир юк машинасига ортишган-да, олиб кетишган. Ҳайтовур улар ўзларининг барча тақа, ҳўкиз, ит ва отларини юк машинасида олиб кета олмаганлар ва уларни йўлга солиб ҳайдаб кетишган. Мушка эса Тахни ташлаб кетишга кўзи қиймай, тунлари улар билан изма-из кетаверган.

Бу сафар лўлилар бир дарё бўйига бориб қўнишган. Яна тиконли симдан қўра ясашган, Тахнинг фақат орқа оёқларига тушов солиб, ўша ерга жойлаштиришган. Бир куни тунда ёмғир ёғиб турганда барча лўлилар фургон ичига кириб олишган, шунда тўсатдан отнинг оғриққа чидолмай инграб юборганини эшитишган. Ташқарига югуриб чиқиб қарашсаки, Тах бадар чопиб кетаётибди, ўмовидан тиконли сим осилиб турибди, орқасидан эса симларга боғланган иккита қозиқ судралиб кетаяпти.

Лўлилар машғал ёқиб, бу даҳшатли тиконли симдан отнинг қандай халос бўлганини, орқа оёқларидаги тушов эса узиб ташланганини кўришган. Улар отга яқин боришдан ўзларини тийишган, чунки бу сим билан узоққа боролмаслигига уларнинг кўзи етиб турган. Улар бундан бадтарроқ аҳвол юз беришидан кўрқишган, чунки от бошдан-оёқ қонга беланган бўлиб, устига-устак, қаттиқ оқсоқланаётган ҳам экан. Лекин шу аҳволда ҳам улар яқин боришганида тепиш ёки тишлаб олиш учун у одамларга ташланган. Шунда улар Тахнинг оғриқдан ағдарилиб туриши ёки бирон нарсага илиниб қолишини кутиб, пойлаб туришган. От симни тахминан ярим километр жойгача судраб борган.

Бирдан Тах тупроқ йўл бўйлаб чўзилиб кетган чуқур хандаққа дуч келган, лўлилар худди шу ерда уни тутиб олишга жазм қилишибди. Бироқ ундай бўлмабди. Ҳар қандай бошқа отни тутса бўлади, аммо Тах унақалардан эмас-да! Қаттиқ азоб бериб турганига қарамай, у юришини жадаллатибди-да, судраб келаётган қозиқли сим билан бирга хандақдан дангал сакраб ўтиб кетибди! Хандақ шу қадар чуқур эканки, отда осилиб турган ҳамма нарса пирт-пирт узилиб, пастга учибди. Ҳанг-манг бўлган лўлилар оқсоқ Тахнинг Мушка билан бирга чангли йўлдан кетиб бораётганини кўриб қолишибди, холос. Лўлилар то тўпланиб, отларига эгар урамиз дегунча, Тах билан Мушка қоронғилик ичида ғойиб бўлибди. Лўлилар уларни бошқа кўришмабди.

Жажжи тўриққа нима бўлди экан деб қизиқаётгандирсан, ҳойнаҳой. Уни лўлилар манзилгоҳидан ўттиз километрча нарида тутиб олишибди ва уларга қайтаришибди, лўлилар эса уни сув ташувчи от қилиб олишибди. Кушхонага тушишдан кўра бу ҳам баҳорнав-да, шундай эмасми? Мушка Тахга вафодорлик қилиб, у билан бирга қочиб кетганидан мен ғоят ҳурсандман.

Биринчи воқеа ана шу тариқа ниҳоясига етибди. Бунинг натижасида Тах шунчалик азоб чекибдики, зўрға ҳаракат қилармиш бояқиш. Лекин у тўхтамабди. У уйига қайтишда давом этибди, Барьют, шарққа томон юришда давом этаверибди. Фақат шарққа қараб кетаверибди. Бунга у қандай эришаётганини сира тушуниб бўлмайди, бироқ хоҳ ишон, хоҳ ишонма, у билан Мушка Италияни кесиб ўтибди ва Австрияга етибди, иккинчи мудҳиш ҳодиса айнан шу ерда содир бўлибди.

Бу сафар улар милтиқли ўрмон қоровули қўлига тушиб қолишибди.

Менимча, уларнинг омади келмаган. Италия билан Австрия ўртасидаги тоғли чегарада қўй ва эчки суруви бўлган бир чўпон яшаркан. У ерда чегара назорати

унчалик қаттиқ бўлмагани сабабидан чол сурувини гоҳ Италия томонда, гоҳ Австрия томонда боқиб юраркан. Унинг ўзи австриялик бўлса-да, бироқ қариндош-уруғларидан аллақимдир Италияда яшаркан. Тоғларда бунақаси тез-тез учраб туради. У ерда яшайдиган одамлар тоғни ўз уйи деб ҳисоблайдилар, барча сўқмоқларни беш қўлда билишади.

Кунларнинг бирида кечқурун кекса чўпон сурувини тоғнинг ўтиш жуда қийин жойидан Австрияга олиб ўтаётганда, орқадан қандайдир ёввойи жониворлар келаётганини сезибди. У профессор Шмидтга (шу одам кейинчалик ҳамма гапни бобомга ёзиб берган) орқасидан қанақа жониворлар келаётганини аввалига билмаганини айтган. Бу ерларда олтмиш йилдирки, айиқ зотини ҳеч ким кўрмайди, қобонларни эса аллақачон қириб битиришган. Лекин бўрилар бор экан. Итларнинг ўзини қандай тутишига қараб чўпон буларни бўрилар деб ўйлабди. Чўпон аниқ билган ягона нарса шу эканки, сурув ортидан қандайдир йиртқич таъқиб қилиб келяпти ва шу боисдан ҳам, қўй-эчкиларнинг тинчи қаттиқ бузилган.

Чол сурувини тезроқ ҳайдай бошлабди. Серкаларнинг бўйнидаги қўнғироқчалар жаранглаб кетибди, энди сурув ортидан нимадир таъқиб қилиб келаётганими ё йўқми — билолмай ҳам қолибди.

Тоғ довои чўққисида, ниҳоят, чўпон сурув ортидан нима келаётганини кўришга муваффақ бўлибди. Кишнашга ўхшаган чўзиқ овозни эшитиб, у орқасига ўтирилиб қарабди ва ойдинда чўққида икки пахмоқ юнгли ёввойи ҳайвонга кўзи тушибди, бироқ булар қанақа ҳайвон эканини илғаёлмабди. Эсласанг керак, Барьют, Тах билан Мушканинг гавдаси қатта эмас, Европанинг ўша қисмида эса бундай миқти гавдали отлар боқилмайди. Тах билан Мушка чўпонга пахмоқ юнгли ёввойи ҳайвон бўлиб кўринибди, боз устига бошларини тинмай сарак-сарак қиларкан. Кекса чўпон булар баҳайбат бўрилар деган қарорга келибди ва сурувини ўйлаб шунақанги кўрқиб кетибдики (мен уни тушунман), сурувини ҳам ташлаб, қияликдан пастга, австриялик ўрмон қоровули яшайдиган мўъжаз чайла томонга чопибди.

— Бўрилар! — қичқирибди чўпон ўрмон қоровулининг нима бўлди деб берган саволига жавобан (соат тунги бир экан), — Милтиқни ол, биродар, тезроқ бўлсангчи, мен сурувини итларга топшириб келяпман!

Ғарчи очлик туфайли Италиядан келган бўрилар Каринтиянинг бу қисмида ҳам изғиб юриши ва ҳатто одамларга ҳужум қилиш ҳоллари учраб турса-да, ўрмон қоровули чолнинг гапига унчалик ишонқирамабди. Ўрмон қоровули этигини оёғига тортибди-да, кекса чўпон ортидан қоронғиликда шошиб йўлга тушибди.

Чўпон қайтиб келганда, ўзининг ҳар ёққа тумтарақай қочаётган қўй-эчкилари орасида бир неча бўри юргандир, ҳойнаҳой, деб юраги така-пука бўлибди. Бироқ келиб қарасаки, сурув унча қатта бўлмаган жарликда бир жойга гўж тўпланиб олибди, атрофида эса итлар тинмай ҳуриб турибди. Ҳеч қанақа бўри-пўридан номнишон йўқ, тўполоннинг айбдорлари бўлмиш Тах билан Мушканинг ҳам қораси кўринмасмиш.

Бизнинг отлар ҳақида бор билганларимиз мана шулар, холос.

Бироқ агар Тах тоғнинг кимсасиз чўққиларида ўлиб қолмаган бўлса, улар эҳтимол юришда давом этолмаётгандир ҳам. Бобом иккала отимизни қидириб топишни илтимос қилиб барча Венгрия зоология жамиятларига хат ёзди.

Борди-ю, агар Тах ҳаракат қилишга қодир бўлганида ҳам, Барьют, сенингча, улар яна қанча юра олишлари мумкин? Энди мен Тахга ёрдам кўрсатиш учун ким бўлса ҳам тутиб олишини кутаяпман.

Акс ҳолда...

Помидорлар билан бодрингларни димлама қилишда қарашиб юборишим учун Эванс хоним мени чақираяпти, қайноқ димлама қандай хушбўй ҳид таратаётганини ҳис қилаяпман.

Барчамизнинг қизгин саломимизни ва энг яхши тилакларимизни қабул эт, Барьют, борди-ю бирон янги гап эшитиб қолсам, зудлик билан сенга етказишга ваъда бераман.

*Сенга аввалгидек дўст бўлиб қолувчи  
Китти.*

## 12

Салом, Китти!

Серогли хола бизга хатингни ўқиб бергач, отларни тўхтатиб қолиш учун Тахни тутиш зарурлигига барчамиз рози бўлдик, акс ҳолда у ўзини ҳам, Мушкани ҳам ҳалок этади.

Барибир ҳам, Китти, Тахга қойил қолмай иложимиз йўқ. Дадам нуқул бошини чайқайди ва: “Ҳақиқий от! У тўхташ нималигини билмайди-я, таслим бўлишдан кўра, ўлиб кетишни афзал билади. Мўғул отлари — мана шунақа!” деб такрорлагани-такрорлаган.

Лекин ойим унга, Мушка мўғул оти бўлмаса ҳам бирга кетаяпти-ку, деб эслатиб қўйди. Кейин ойим яна шундай деди: “Эҳтимол, фақат ёш инглиз биясигина ўз ёрига бу қадар вафодор бўлса керак”.

Нима бўлганда ҳам, Тахнинг ҳалок бўлганига ҳеч ишонгим келмайди. У ҳеч қачон мурсага бормайди. У қаердадир тирик юрибди, аммо, қаерда?

Ҳозирча, чиқмаган жондан умид, дея биз харитадан кўзимизни олмаяпмиз. Биздаги барча кишилар сизларга салом йўллашаяпти ва ҳар галгидек ойимдан сенинг Эванс хонимингга алоҳида салом.

*Сенинг эски дўстинг Барьют.*

## 13

Салом, Барьют!

Мана мўъжиза! Ҳар қанча ишониш қийин бўлмасин, бироқ орадан тўрт ой ўтиб, бизга охири Венгриядан хабар келди ва бобом шошилинич равишда Будапештга учиб кетди. У қайтиб келди ҳам. Лекин сенга олдиндан айтиб қўя қолай: у ўзи билан Тах ва Мушкани олиб келгани йўқ. У отларга нима бўлгани ҳақида батафсил ҳикоя қилинган узундан-узун хатни олиб келди.

Хат Като Кошут исмли венгер қизидан эди. Яхшиси сен ўзинг ўқиб чиққанинг маъқул деган фикрда мен хатнинг Свонси университетиде қилинган таржимаси нусхасини тақдим этмоқдаман:

“Салом, Китти Жемисон!

Бобонг менга Мушка деган от ва Тах деган ёввойи айғир ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шу боис бу хатни сенга барча ақл бовар қилмас ҳодисалару содир бўлган воқеаларга қандай муносабатда бўлишимни ва бу отлар билан қандай танишиб қолганимни тушунишинг учун ёзаяпман.

Мен — мадьяр қизиман ва ота-онам билан яшайман, менинг исми шарифим Като Кошут. Лекин мен уйда турмайман, чунки ота-онам кўчма шапито циркида ишлашади ва қишин-ёзин мамлакат бўйлаб кезиб юришади. Бизда каруселлар, отиб, совға ютадиган ҳалқа, арғимчоқлар бор. Акробатлар, курашчилар ва полвонлар бор. Биз отлар билан ҳам томоша кўрсатамиз (улардан иккита), бундан ташқари, болаларни пони отига миндириб, сайр қилдираамиз.

Бизнинг кўчма циркимиз жуда қадимий ва оиламиз азал-азалдан шу тариқа томоша кўрсатиб келади. У Венгрияда жудаям машҳур ва ҳар йили турли қишлоқлардан байрамларга таклиф этиб ёзилган кўплаб хатлар келади. Албатта, бизнинг ўз режаларимиз, жадвалимиз бор, шунинг учун барча илтимосларни ҳам адо этиб бўлмайди.

Ҳозир биз яхши яшаяпмиз, чунки ҳамма нарса учун қиммат нархда тўлашга тўғри келмаяпти, солиқлар ҳам катта эмас, бунинг устига, бизга дайди лўлиларга бўлгандек муносабатда бўлишмаяпти. Бизга ҳамма жойда юришимизга рухсат бериб қўйишган, фақат циркимизни тоза олиб юрсак бўлгани. Бизда ҳамма нарса топ-тоза ва ҳамма нарса ялтиллаб туради, биз ҳафтасига тўрт кун эрталаблари ва икки кун кечқурунлари ўқиймиз. Келаси йилдан мен инглиз тилини ўрганишга киришаман. Акам давлат цирк билим юртига ўқишга кириб олди. Кўриб турганингдек, ишимиз ғоят кўп, Бизга Венгриядаги ҳар бир шаҳар, ҳар бир йўл ва ҳар бир қишлоқ таниш ва ҳамма жойда бизни билишади.

Бўпти, ўзимиз тўғримизда гапирганим етар. Мен сенга Мушка ва Сизлар Тах деб атайдиган ёввойи от ҳақида сўзлаб беришим керак.

Воқеа бундай бўлди. Кунларнинг бирида циркимиз Жиль деган қишлоққа келди, бизнинг келишимиздан бир неча кун олдин эса қишлоқ аҳли ёввойилашиб кетган пахмоқ юнгли, аммо жудаям ёқимтой бир понини тутиб олишган экан. Бунақа пакана отни улар энди кўриб турибмиз дейишди. Яқин-агрофдагилардан ҳеч ким у ҳақида ёки унинг кимга қарашли экани ҳақида ҳеч нарса билмагани сабабдан одамлар уни бизники, яъни циркники деган қарорга келишибди. Пони фақат бизда борлигини улар билишаркан (уларга биз болаларни миндириб, сайр қилдираамиз).

Жиль аҳли эгасиз понини мевалар учун қути тайёрланадиган маҳаллий

фабрика ҳовлисининг баланд девори ортида сақлаб турган экан. Отам понини кўриб, “бу пони бизники эмас”, деди ва шунда бунинг нимага кераклиги устида бутун қишлоқда баҳс бошланиб кетди. Фикрлар жуда кўп эди, лекин кўпчилик уни бизга беришга қарор қилди, агар у бизга керак бўлса, албатта.

— Худди сизу бизга ўхшаб отларга ҳам дўстлар керак, — деди қишлоқ оқсоқоли. — Бу от ҳам ўз қавми ичида бўлгани маъқул, лекин бизнинг бесўнақай ишчи отларимизга ўхшаган эмас, балки худди циркдагидек митти отлар орасида юрганлари маъқул. Ҳарҳолда агар бор бўлса, уларнинг эгаларини сафарларимиз асносида топиш биз Кошутларга осонроқ бўлади. Бундан ташқари, уларни минганда болаларнинг қанчалик маза қилишини бир кўз олдингизга келтиринг-а.

Шундай қилиб, бу от бизнинг оиламизга тегди, сен, эҳтимол бу сизларнинг Мушкангиз эканини фаҳмлаган бўлсанг керак. Оқсоқол, бу ёввойи от, ва у ҳеч кимни ўзига бийлатмайди, деб огоҳлантириб қўйди. У ҳатто ўзига нўхта тақишимизга ҳам имкон бермади. Отам, унга болаларни миндириб, сайр қилдиришдан олдин узоқ вақт қўлга ўргатишга ва машқ қилдиришга тўғри келади, деди. Бизнинг оиламиз авлоддан-авлодга отларни ўргатиш билан шуғулланиб келади. Биз учун бу ҳам унчалик қийин бўлмайди деган тўхтамга келдик.

Бироқ иш биз ўйлагандан кўра мушкулроқ эканлиги кейинчалик аён бўлди. Мушка ҳеч кимга бўйсунмасди. Ким унинг бўйнига арқон солишга ҳаракат қилса, у ўша одамга ташланар ва тепа бошларди, шунда ҳамма, бу ёввойи от экан, бирон ёввойи уюрдан ажралиб қолган экан, деган қарорга келди. Бироқ отам: “Йўқ, бу қачонлардир хонаки бўлган, хонаки отларнинг қилиғи шунақа бўлади, бу ўшанга ўрганган”, — деб туриб олди.

Менинг унга яқин боришимга руҳсат беришмасди. Лекин бир куни ҳамма шапито тиклаш билан овора бўлиб ётганда мен эшик олдида туриб отни томоша қилмоқда эдим, бирдан от менинг олдимга келди-да, худди ўйнамоқчи бўлгандек тумшуғи билан мени туртиб қўйди. У худди ўзимизнинг пониларга ўхшарди. У менинг силаб, қулоғи остидан қашиб кўйишимга ҳам қаршилик кўрсатмади, афтидан у менинг кетиб қолишимни ҳам хоҳламаётганди.

Бундан мен шу қадар севиндимки, циркимиз ўрнатилаётган черков олдидаги майдонга ўқдай учиб кетдим ва барча гапни отамга етказдим. Шапитони тиклаб бўлгандан кейин отам мен билан бирга фабрика ҳовлисига келди. Ўзи бир четда қолиб, менинг эшик олдида яқин боришимни айтди. Пони югуриб олдимга келди ва эшик оғочлари орасидан тумшуғини суқиб чиқаришга ҳаракат қилди.

Мен ичкари кирдим ва пони дарҳол олдимга келди, тинмай мени тумшуғи билан туртар ва ҳовли бўйлаб қаерга борсам изимдан қолмай эргашар эди. “Ҳойнаҳой, унинг эгаси сенга ўхшаган ёш қизча бўлса керак”, — деди отам. Бироқ ҳовлига отам кириб келиши биланоқ пони яна ҳурпайди-да, жаҳл билан бошини чайқай бошлади.

Хуллас, ҳаммаси шундан бошланди. Унга яқин бора оладиган ягона одам мен эдим. Мен уни Куду деб қақира бошладим, бизда бу ҳайвонлар учун эркалаб айтиладиган сўз ҳисобланади, лекин энди мен уни Мушка деб атайман.

Эртасига эрталаб ҳамма ҳали маст уйкуда ётган, туни бўйи юпқагина музлаган замин узра туман тушган бир паллада отам билан акам Мушкани ҳовлидан олиб чиқишди-да, кўйиб юборишди. Аввалига у гўё нима қилишини билмагандек туриб қолди, кейин қишлоқ йўлидан шамолдек елиб кетди. Отам билан акам эса отда унинг орқасидан эргашди. Тахминан ярим соатча ўтгач, Мушка уларни тепасидан баланд темир йўл кўприги ўтган водийдаги кичик ўрмонга бошлаб келган. У кўприк тагига кирган-да, кишнаган ва кута бошлаган. Шунда отам билан акам ердан чиққанми, кўқдан тушганми, бирдан пайдо бўлиб қолган бошқа бир отни кўришган. У, афтидан, кўприк остидаги дарвозалардан бири атрофида яшириниб ётган бўлиши керак.

Хулласи калом, бу от шунақанги бетоб ва шу қадар чарчаган эканки, зўрға ҳаракат қиларкан. Отам бунақа отни умрида кўрмаган экан. Аввалига у отни кичикроқ ҳўкиз ёки ёввойи эшак деб хаёл қилган. Бироқ у ёқ-бу ёғига разм солиб қарагач, унинг чинакам от эканини, жуда бетоб ва жароҳатланганини англабди. Гарчи у ерда ўтлар сероб бўлса-да, от гоят озгин ва силласи қуриган, оёқда базўр тураркан.

Отам акамни юбориб, мени чақиртирди. Мен юк машинасида етиб келдим. Арқон ола келган эдим. Мушка тек турарди ва анови отнинг олдида бормаётганди. (Энди билишимча, у Тах эди.)

— Сен Кудуни олиб кетишинг керак, — деди отам. — Балки ановиси ҳам бунинг ортидан эргашар.

— Яхши, — дедим мен.

— Умримда бунақа отни кўрмаганман, Като, — огоҳлантирди отам. — Эҳтиёт бўл, менимча, у ёввойи.

Отам менга Мушкани боғлаб олишимни айтди, от қаршилиқ кўрсатмади, бироқ мен уни етаклай бошлаганимда у нариги от келаяптими ё йўқми дегандай дамбадам ортига ўтирилиб қарар эди. Ёввойи от тўхтади дегунча Мушка ҳам тўхтарди. Шу тариқа оз-оздан юриб, биз уларни йўлга олиб чиқдик ва секин-секин қишлоққача етиб олдик. Бироқ қишлоқнинг шундоқ ёнгинасида ёввойи от ётиб олди, у ҳаддан ташқари мажолсиз бўлиб, ортиқ юра олмаётганди. Мушка орқасига қайтди-да, дўсти билан қолди.

Биз қишлоқда яна икки кун қолиб кетдик, бироқ ёввойи от ҳамон ўрнидан туролмаётганди ва ўша жойда ётарди. Шунда отам барча отларимизни хайдаб келди-да, уларни ёввойи от гирдида туришга ундай бошлади. Бу уларга асло ёқмади. Отам, уларнинг бу иккаласи ёввойи от эканини билиш учун шундай қилдим, деди. Бироқ бизнинг отларимиз қочиб кетмади. Ёввойи от ниҳоят ўрнидан турди-да, гўё улар билан бирга кетмаса, ўлиши аниқлигини сезгандек ўртага бориб туриб олди.

Шундагина биз уни яхшилаб кўриб олишга муваффақ бўлдик. У қаттиқ яраланган эди. Умровининг ҳамма жойи, олдинги оёғи ва бўйни ўйдим-чуқур тилиниб ётарди, қотиб қолган қон устида пашшалар уймалашган, ўнг елкаси бутунлай қонга беланган, орқа оёқлари шунчалик чуқур шилиниб кетганки, суяклари кўриниб турарди. Қараб одам чидаёлмайди.

— Қандай тирик юрганига ҳайронман, — деди отам. — Жони тошдан қаттиқ экан ўзим.

Отларимиз билан биргаликда биз уни қишлоқдаги кўрага олиб келдик. Мўъжазгина ўтлоқларимизга етиб келиши ҳаманоқ у яна ётиб олди. Бу пайтга келиб энди бутун қишлоқ аҳли бу ғаройиб отни томоша қилгани тўпланди. Кимдир, бунақа азоб чектириб қўйишдан кўра, отиб ташлаган маъқул, деди. Буни эшитиб қаттиқ ғазабландим ва зинҳор бунга йўл берманг дея отамга ёпишдим, отам эса бу ёғидан ташвиш қилма дея менга тасалли берди.

— Ҳеч кимнинг отиб ташлашига йўл қўймаймиз. Нима бўлганда ҳам тузалгач, циркка жуда асқотади. Қара, бу ғаройиб отга ҳамма қизиқиш билан қараяпти!

Бироқ биз унга қандай ёрдам кўрсата олардик? Ҳатто шу ётганида ҳам у ҳеч кимни ёнига йўлатмаётганди. Борди-ю, ёнига яқин боргудек бўлсак, у сакраб туришга ҳаракат қилар, тепиб-тишлаб ташлашга чоғлана бошларди, Мушка ҳам мендан бошқа ҳар қандай одамни тепар ва тишлар эди. Шунинг учун аввал мен унинг яқинига боришга ҳаракат қилишим лозим деб топдик. Бу, албатта, айтишгагина осон. Мен жуда асабийлашмоқда эдим. У шунақа бир тушуниб бўлмайдиган хилидан эди. Лекин мен бор журъатимни тўпладим-да, ўта эҳтиёткорлик билан унга яқинлашдим, отам билан акам эса ҳар эҳтимолга қарши иккита сўйилни ушлаб, шай туришарди. Мушка, гўё уни тинчлантирмоқчи бўлгандек, қисқа-қисқа пишқирганга ўхшаб овоз чиқара бошлади. Мен ёввойи отга яқин борганимда, у мени тишлашга ёки сапчиб туриб кетишга ҳаракат қилмай қўйди. Шундагина мен унинг елкасида нимадир осилиб турганини кўрдим.

— Унинг елкасида кичик бир пўлат найзача бор, — деб қичқирдим отамга қараб. Мен ўша пайтда бу нарсанинг нима эканини билмасдим.

— Қара-чи, уни суғуриб ташлаёлмайсанми, аммо жуда эҳтиёт бўл! Йўқ, шошма! Мен арқонни узатай.

Отам юк машинасидан арқон ўрамини олиб келди ва: “Сен найза учини боғла, мен тортаман”, деди.

От мендан кўзини узмасди, унинг нигоҳи шу қадар ёввойи, ёвуз боқар, шу билан бирга унда шу қадар изтироб ва ночорлик ҳам намоён эдики, хўнграб юборишимга оз қолди. Оғриқдан унинг қаттиқ азоб чекаётганини англадим. Шу боис мен уни эркалаб, мулойим гапира бошладим, Мушка эса хотиржам бўл дегандек тинмай пишқирарди. Ниҳоят, арқон билан найза боғлашга муваффақ бўлдим.

— Энди қочиб тур! — қичқирди отам.

Арқонни эҳтиёткорлик билан таранг қилди-да, куч билан бир тортди. Оғриқдан шўрлик от чинқириб юборди, лекин найзача суғурилиб чиққанди, у худди қармоққа ўхшаган тишли бир даҳшатли нарса эди. Ким унга ўқ узиб, бундай ифлос қурол билан яралаганига ақлимиз бовар қилмаётганди.

Ғарчи елкасидан найзачани олиб ташлаган бўлсак-да, ёввойи от ҳадеганда

тузалавермади ва шу туфайли ушланиб қолишимизга тўғри келди. Бироқ отам унинг кундан-кун тузалиб бораётганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўларди. Умуман, ёнида Мушка бўлса, ёввойи от ўзини хотиржам сезишини биз билиб олгандик. Биз одатдаги қишки томошаларимизни бошлаб юборгандик ва уларнинг иккаласи ҳам отларимиз билан бирга қолганди. Биз шарқ томонга қараб йўл олгандик, энди эса сенинг бобонг билан кўришганимиздан кейин тушуниб етдикки, ёввойи отнинг қочиб кетмаётганига сабаб — биз унга керакли йўналишда йўл босаётган эканмиз. Эҳтимол, агар биз шимол ёки ғарб томонга йўл олганимизда борми, у ҳар қанча заиф ёки касал бўлмасин, сўзсиз қочиб кетган бўларди. Мушкани ҳам ўзи билан олиб кетарди.

Хуллас, Китти, охир-пировардида мен Мушкани болалар минадиган қилиб ўргатдим, гарчи у мендан бошқа ҳеч кимнинг ғамхўрлик қилгани йўл қўймаса-да, болаларнинг минишига жон-жон деб рози бўлаётганди. Бу орада бошқа отлар орасида турган ёввойи от жуда секинлик билан ўзига келаётганди. Биз Мушкани биринчи марта машқ қилдиргани олиб кетганимизда ёмон кутуриб кетган бўлса-да, лекин ҳар гал унинг қайтиб келганини кўриб тинчланарди.

Биз жойларда томоша кўрсатиб юрар эканмиз, ёввойи от тобора тузалиб бормоқда ва тўсин бўйлаб тўхтовсиз бориб-келган кўйи кўпроқ безовталанмоқда эди. Бобонг Дунайни қай тариқа кесиб ўтганимизни ва барча кўприкларда Тах билан Мушкани қидиришга фармон берилганига қарамай нега бизларни ҳеч ким тўхтатмаганини сўраётганди.

Ҳаммаси жўнгина бўлган эди. Такс қишлоғи олдида сузувчи кўприкка ўхшаб кетадиган бир сол бор, у дизел мотори ёрдамида ҳаракат қиларди. Биз доим шундан фойдаланамиз, чунки у бизнинг одатдаги йўлимиз устида жойлашган. Отларни ҳеч ким сезмади, чунки уларнинг Дунайни шундай усул билан сузиб ўтишини ҳеч ким кутмаганди-да.

Сузиб ўтгандан кейин биз Дунапартай қишлоғида цирк ўрната бошладик ва фақат шундагина бошқа отлар орасида ёввойи от йўқлигини пайқадик. У бир неча оғочни синдирибди-да, жуфтакни ростлаб қолибди. Биз ҳаммаёқни қидириб чиқдик, лекин уни топа олмадик. Дунапартайда биз тўрт кунни ўтказдик ва ҳатто яна бир кун ушланиб қолдик, бироқ охири ҳам ёввойи отсиз ўзимиз жўнадик, бу бизни қаттиқ қайғуга солди. Лекин шундан бошқа нима ҳам қила олар эдик?

Эртаси куни Кишкош йўлидан кетиб бораётганимизда мен фургондан ташқарига мўралаб қарадим ва қорли йўлнинг четидан Тахнинг биз билан изма-из югуриб келаётганини кўрдим. Биз уни тутишга уриниб кўрдик, бироқ у тутқич бермади. У бизга сира яқин келмасди ва биз унга тегмасликни маъқул топдик.

— Уни қувган билан фойдаси йўқ, — деди отам. — То ҳамроҳи бу ерда экан, у биздан қолмайди.

Тах ҳамма жойда изимиздан юришда давом этарди. Қишлоқларда қўнган пайтларимизда у қаердадир қишлоқ чеккасида яшириниб оларди. Бир гал уни роса бир ҳафта кўрмадик. Лекин биз кетганимиздан кейин у албатта пайдо бўлиб қоларди. То Шарқий Венгрия бўйлаб томошалар кўрсатиб юргунимизча ва мамлакатимизнинг энг чекка нуқтаси бўлмиш Украина билан чегарадош жойга етгунимизча шундай давом этаверди. Шу ердан биз одатда яна ғарб томон изимизга қайтар эдик.

Биз ғарб томонга қараб йўл олганимизда биринчи тунни ўзининг олчазор боғлари билан машҳур бўлган Нагдед қишлоғида ўтказдик. Шундай катта боғлардан бирида бизга отларимизни ўтлатишга рухсат беришди ва айни шу ерда биз Мушкага nisбатан эҳтиётсизлик қилиб қўйдик.

Нима бўлди дейсанми? Нима бўларди, эрталаб уни кўргани борсак, Мушка боғда йўқ. Қалин қор босган боғни қидириб, боққа келиб туташувчи чуқур каналга олиб борган изларни топдик. Биз отларнинг каналдан ўтолмаганлигига амин эдик, сув совуқ эди. Бироқ ўша тонгда барибир аён бўлдики, каналнинг бир жойи музлаган экан, қордаги изларни ҳам биз айнан ўша ерда кўрдик. Тах боққа музликдан ўтиб келган-да, Мушкани олиб кетган.

Биз одамларни, ўрмонларни, боғларни титкилаб чиқдик, бироқ улардан ном-нишон тополмадик, гарчи барча қишлоқ аҳли бизга ёрдам бермоқча тайёрлигини айтган бўлса-да, яна тўрт кундан кейин биз қидирувдан воз кечдик.

Шундан сўнг биз на Мушкани, на ёввойи отни бошқа кўрмадик. Улар бамисоли бизнинг Венгрия қорликларига сингиб кетгандай эди. Улар ҳали ёнимизда юрган пайтлардаёқ ҳар иккаласини қанчалик яхши кўриб ва уларга



қанчалик ўрганиб қолганимизни ҳам билар эдик. Менимча, гарчи Мушкани кўп вақтдан бери билмасам-да, уни худди сен каби севиб қолгандим. Тагин худди сен каби уни ўйлаб йиғлардим. Лекин ҳамма бало шундаки, ўшанда Мушка кимники эканини ва Тах билан улар қаердан келиб қолишганини билмасдим. Улар қандай келган бўлса, шундай ғойиб бўлишди — келдию кетди.

Фақат бир неча ҳафтадан сўнг, отларимиздан бирини Мишкольцадаги мол докторига кўрсатиш керак бўлганда отам икки ғаройиб от ҳақида унга сўзлаб берди. Мол доктори жуда ҳаяжонланиб кетди ва зудлик билан Будапештга кўнғироқ қилди. Тўрт кундан кейин эса биз билан учрашгани Лондондан бобонг келиб қолди. Мушка билан ёввойи Тах воқеаларини биз айнан бобонгдан билдик.

Сенга дуойи салом, азиз Мушка билан Тахнинг дўсти, барча ёввойи ҳайвонларнинг дўсти

*Като Кошут.*

*P.S.* Сен хат ёзишинг мумкин бўлган барча манзилгоҳларни алоҳида вараққа ёзиб қўйдим. Илтимос, уни қўйлақларинг сақланадиган сандиқнинг ичига солиб қўй. Агар йўқотиб қўйишдан қўрқсам, мен барча муҳим буюмларимни доим шундай сақлайман”.

Бу қайғули хатни ўқиб, Барьют, мен гунг-лол бўлиб қолдим. Модомики, Тах билан Мушка ҳозир Украинада бўлса, мендан кўра энди улар сенга яқинроқда экан-да. Илтимос, улар ҳақида бирон нарса билишга ҳаракат қил. Мендан кўра бу ишда, эҳтимол, сен эпчилроқ бўлсанг керак.

Бошқа айтадиган гапим қолмади. Отлар бу кенг, оппоқ қор билан қопланган совуқ чўллардан ва Украинада оқувчи улкан дарёлардан қандай ўтиб олишади — сира тасаввур қилолмаяман. Ҳаритада бу — нақ дунёнинг ярми. Бобом Украина пойтахти Киевдаги икки профессорга хат ёзиб юборди ва шу боис биз, кимлардир отларимизни қидиришга бел боғлайди, деган умиддамиз.

*Kummu.*

## 14

Салом, Китти!

Дўстимиз Грит юк машинасида ўтириб сенинг сўнгги хатингни ўқиб чиққач (у ҳозир инглизча ўқий олади), сакраб ерга тушди-да: “У қиз юз фоиз ҳақ, Барьют. Отлар ҳозир ярим йўлга келиб қўйган! Тушунаёпсанми?” деди.

Унинг ҳаяжонлангани шунчалик эдики, ўша заҳоти ўзининг профессори олдига унинг Тах ва Мушка Украинада эканлигидан хабардорми, йўқлигини сўраш учун Улан-Баторга қараб учди. Профессор, бўлмасам-чи, албатта биламан, бобонг менга телеграмма билан хабар қилди, деб жавоб қайтарди. Сўнг Улан-Батордаги профессор унга қўлидан келган барча чорани кўришга ва Тах билан Мушкани топишга унга ваъда ҳам берибди.

Грит Украинага ўзи учиб кетмоқчи, яъни Тах ва Мушкани ўзи қидирмоқчи. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмайди. У қидирувни қаердан бошлайди?

Като Кошутнинг хатини ўқигач, гарчи отлар қадрдон уйларига яқинлашиб қолган бўлса-да, уларни йўлда тутиб олишса керак деб ўйлайман. Уларнинг бошига ҳаддан ташқари кўп мусибатлар тушаяпти, шунинг учун янги жароҳатлардан ва бахтсиз ҳодисалардан азоб чеккандан кўра уларни тутиб олишгани ҳам бир ҳисобдан яхши.

Бирон-бир нарса билганим ҳамон зудлик билан сенга хат ёзаман. Ҳозирча ҳаммага салом айт.

*Сенга самимий дўстлик изҳор қилиб қолувчи  
Барьют.*

## 15

Салом, Китти!

Ниҳоят, янгилик!

Нима деб ўйлашимни ҳам, сўйлашимни ҳам билмай қолдим. Бўладиган иш бўлмай қолмас экан. Сенинг қўшни қишлоқда яшашингни шунақанги хоҳлардимки, ўшанда, бу борада сен нима деб ўйлайсан дея сўраш учун ҳузурингга чопган бўлардим.

Тах ва Мушка ҳақидаги дастлабки маълумотларни Киевда (Украинанинг пойтахти) темир йўллардан биридаги йўл қаровчи аёлдан олдик. Бир куни қор гупиллаб уриб турган кечада, бир оғир вазиятда поездни қарши олаётиб (бу йўл қаровчиларнинг вазифасига киради) бу аёл вагонлар ёруғида темир йўл ёқасидан икки ғаройиб отнинг сақраб-сақраб чопиб кетаётганини кўриб қолибди.

Аёл бу ҳақда Упать станция бошлиғига хабар қилибди, чунки эгасиз жониворлар йўлда поездлар учун хатар туғдирадилар. Бахтга қарши, машинист ҳам уларни пайқаб қолган экан, у ҳам бу ҳақда хабар берибди. Лекин бу хабарларни Киевда фақат бир неча ҳафтадан кейин ўқишибди ва булар қандай отлар эканини билишибди, бироқ бу пайтга келиб Тах билан Мушка яна ғойиб бўлган.

Кейин уларни Черкасси шаҳри томондаги колхоз далаларида кўришибди. Отлар икки ёки уч тун давомида кучли қор бўронидан колхоз устахонаси ортида бекиниб туришган. Тах омбор эшигини синдирган, улар сули ва буғдойдан қоринларини тўйғазишган-да, яна ғойиб бўлишган.

Бу хабарлар унчалик муҳим эмасди, бироқ улар отларнинг қаердалигини аниқлашда украин олимларига ёрдам берган. Шу боис Украина Фанлар Академияси отларни тутишга уриниб кўришлари учун профессор Немченкони махсус топшириқ билан юборган. Улар яна тўхтовсиз Улан-Баторга, ундан Киевга учиб кетган Гритни ҳам таклиф этишган. Грит Киевдан Харьковга қараб учган ва ўша ерда профессор Немченко билан учрашган.

Аввалига Грит билан Немченко (у ҳам зоолог) отларнинг изини топишга ҳаракат қилишган, бироқ қор аллақачон эрий бошлагани ва Украина чўллари лойга айланиб, фақат тош йўллардагина юриш мумкин бўлгани учун, бу ишни бажариш мушкул бўлиб қолган. Агар трактор бўлмаса далалардан ўтишни ўйламаса ҳам бўларди, бироқ бу пайтда барча тракторлар қўқламги шудгор билан банд бўлган. Хуллас, Тах билан Мушканинг топилишига умид қолмаган.

— Биргина йўли қолди, — деди профессор Немченко. — Совет Армиясига мурожаат қилиш керак, эҳтимол, ҳарбийлар жонимизга ора кирар?

— Қандай қилиб? — сўрабди Грит. — Улар нима қилиб беришарди?

— Билмадим, — дебди жавобан Немченко. — Ҳарҳолда, уларда вертолёт бор. Кейин, лой қоплаган чўлларни, баҳор тошқинидан тўлган дарёларни йўл ва кўприкларга эҳтиёж сезмасдан ҳарбийлардан бошқа ким ҳам ўта оларди?

Шундай қилиб, Совет Армияси аскарлари, тўғрироғи, унинг икки бўлинмаси йигитлари кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл юриб кетаётган Тах ва Мушкани қидиришга киришган.

То изга дуч келмагунча ҳарбийлар роса бир ҳафта овора бўлишган ва охири вертолётдан баҳор сувига тўлиб оқаётган дарё соҳилидаги кичикроқ қайинзор ичига беркиниб олган бир жуфт отни кўришган. Тупроқ сувга шунчалик бўккан ва лой қатлами шунчалик чуқур бўлганки, юк машинасида ёки биронта бошқа машинада у ергача етиб боришни хаёлга келтирмаса ҳам бўларди. Шунда қисм командири у ерга икки сузувчи танк юборишга қарор қилган. Танклар ҳар қанақанги жойдан ўтиб кетаверади.

Танкларнинг бирида Грит, иккинчисида профессор Немченко борган. Улар уч томони сув бўлган жойга ҳайдаш учун отларни дарёнинг қайрилиш жойига томон қувганлар, тўртинчи томонда эса аскарлар бўлган.

Грит кетаётган танк прожекторлар билан қирғоқни ёритиб борган, Грит эса минорачада туриб, дурбиндан кузатиб борган. Бироқ икки соат мобайнида ҳуркиб қочган қуш ва қуёнлардан бошқа улар биронта ҳам жониворни кўришмаган. Кейин прожектор нурида қандайдир қора нарса липиллаб кўзга ташланган, Грит буни Тах деб ўйлаган.

— Тўхта! — дебди Грит ҳайдовчига қараб. Танк тўхтаган. Грит аскардан прожектор нурини қочиб кетаётган отдан олмасликни илтимос қилган. Ҳа, бу Тах эди, бироқ Мушка қани?

Аввалига Грит отни шунчаки қўрқиб қочаяпти деб ўйлаган, лекин кейин унинг катта доира бўйлаб чопётганини сезган. Улар прожектор ёрдамида отни кўздан қочирмай қузатишган ва Мушка шу доиранинг қоқ ўртасида турганини кўришган. Мушка қорнигача каттакон ботқоққа ботиб қолган бўлиб, қимирлашга ҳам ҳоли келмай ётган экан. Тах доира ясаб югурар, туёқлари остидан лой бўлаклари учар, Мушкадан эътиборни чалғитишга ҳаракат қиляптими ё уни ҳимоя қилиш учун танкка ҳамла қилмоқчимми, билиб бўлмас экан.

Нима бўлганда ҳам у лойга ботиб қолган Мушкани ташлаб кетмоқчи эмас экан-да.

— Биз уларни топдик! — рация микрофонига қичқирибди Грит, улар Немченко минган танк билан алоқа боғлашгач.

Немченкони кутишар экан, Грит минган танк Мушкага яқинлашибди.

— Тўхтанг! — қичқирибди Грит танк командирига.

— Нега?

— У бизга ҳамла қилади!

Командир кулиб юборди. У отнинг танкка ҳамла қилиши мумкинлигига ишонмабди.

“Ташвишланманг, у бизга ҳеч нима қилмайди!”

Бироқ Грит ҳамон қичқирарди: “Четга булинг! Четга деяпман! У бизга ҳамла қилади-да, ўзини-ўзи ўлдириб қўяди! Булинг деяпман!”

Командир Гритнинг ҳақлигини ва Тахнинг танк томон учиб келаётганини кўриб, шитоб билан орқага бурилибди-да, изига қайта бошлабди, Тах эса ғазаб билан танкни таъқиб этарди. Керакли жойгача қайтиб боришгандан кейингина улар тўхташади, прожекторни ўчиришиб, агрофга қулоқ сола бошлашади. Тахнинг жаҳл билан пишқираётгани ва кишнаётгани қулоққа чалинарди.

— Тонг отгунча шу ерда турамиз, — дебди Грит танк командирига.

— Жинни экан бу от, — таажжубланибди командир. — Қойил қолиш керак унга, а? — сўнг танкнинг олдан қандай қочганини кўз олдига келтириб, кулиб қўйибди.

Шу тариқа улар бутун тун бўйи кутишади, фақат Мушка ботқоққа жуда ҳам чуқур ботиб кетмаганига ишонч ҳосил қилиш учун гоҳ-гоҳ прожекторни ёқиб туришади. У ҳамон ботқоқдан чиқишга ҳаракат қиларди, бироқ Грит агар Тах отни тезламаса, тонг отгандан кейингина Мушка ботқоқдан чиқишга чинакам уринишини биларди.

Тонг бўзара бошлагандагина туни билан бесаранжом бўлган Тах Мушкани шошилтира бошлабди.

Тах билан Мушканинг узоқ саёҳати ҳақида эндигина хабар топган аскарлар Мушкага ёрдам беришни жуда-жуда хоҳлашаётганди. Бироқ бу ишда халақит бермаслиги учун аввало Тахни тутиш керак эди, акс ҳолда Мушкага яқинлашиб бўлмасди. Аввалига аскарлар отнинг олдига пусиб боришни ва арқон ташлашни ўйлашди, бироқ Грит Тахнинг жуда ақллигини, боз устига бу талбир хатардан холи эмаслигини тушунтиради. Эҳтимол колхозчилар ёрдамида ҳар томондан ўраб бориб, Тахни тутиб олса ҳам бўларди. Бироқ тонг ёришгач, очиқ жойда бундай қилиб бўлмаслигини Грит ўйлаб қолади.

Шунда Грит ракета (отма) тўрли вертолёт чақирिशга жазм қилади. Шундан бошқа илож қолмаганди.

Соғ саккизда вертолёт келади ва Грит танк радиосидан учувчига гап нимадалигини англайди.

— Тўрни отганингизда, — дейди Грит, — шундай қилингики, от унинг қоқ ўртасида қолсин, тўр уни бутунлай қоплаб олсин, акс ҳолда у яна қочиб кетади. Тиконли сим билан рўй берган ўша нохуш воқеага ўхшаш нарсанинг яна такрорланишини истамаймиз.

— Хотиржам бўлинг, — жавоб берибди учувчи. — Биз керак бўлса филни ҳам туғамиз!

Аввалига вертолёт шунчаки иккала от узра муаллақ осилиб туради ва бу Тахнинг жон-понини чиқариб юборади. У кишнаб-кишнаб, тўёқлари билан депсина бошлайди, тезроқ ўрнингдан тур деб талаб қилаётгандай Мушканинг тепасига югуриб боради. Аммо шўрлик Мушка бу пайтда тобора ботқоққа чуқурроқ ботмоқда эди. Ўзининг қутулиб чиқишига энди кўзи етмагандай, у мунгли кишнаб юборади. Тахнинг ҳам эҳтимол бунга ақли етган, шекилли, у деярли ўзини йўқотиб қўяди.

Вертолёт тобора пастлаб, улкан парраклари суyoқ ботқоқни мавждай ўйната бошлаганда, Тах Мушканинг теварагида чарх уриб айлана бошлайди, вертолётни тепиб қулатмоқчи бўлади.

Грит радио орқали учувчига эҳтиёт бўлинг, шошилманг деб ёлворарди. Вертолётдан тўр қандай отилишини у сира кўрмаган экан, пақ этиб отилган катта тўртбурчакли нейлон тўр ёйилиб ерга учиб тушганда Грит таажжубдан қотиб қолади.

— Нишонга тегди! — қичқиради радиодан учувчи.

Бамисоли улкан қафтдай тўр Тахни қоплаб олади ва унинг залвори остида от аввал тиз чўқади, кейин эса бир ёнбошига ағдарилади. От ғазаб билан кишнаб, оғзидан кўпик сачратар, тишларини шақиллатарди, бироқ қаршилиқ кўрсатгани сайин тўрга кўпроқ ўралиб борарди.

Иш шу билан тугамади.

Тўр Тахни ёпибгина қолмади, унинг бир чети Мушкага ҳам келиб тушганди. Тўрнинг отилгандаги шиддатидан ва унинг залворидан Мушка ботқоққа яна ҳам чуқурроқ ботиб кетди. Энди ботқоқлик юзасида унинг фақат бошигина кўриниб турарди.

— Тезроқ, — қичқиради Грит танк командирига. — Унга яқинроқ ҳайданг!

Бироқ тун бўйи танк мотори совиб қолганди ва дарҳол ўт олмаётганди. Бу вақт давомида вертолёт Мушканинг тепасида осилиб тураверган ва учувчи радиодан ишни тезлатишни маслаҳат берган. У тўрни илиб оладиган илмоқ ёрдамида уриниб кўришни, Мушка устига тушган қисмни кўтаришни таклиф қилади. Уриниш зое кетмайди.

Энди иккала танк иложи борича Мушкага яқин келади ва ботқоқ устига ташланган брезент ёпқичдан аскарларнинг бири Мушкага яқинлашади ва унинг зўрга нафас олаётганини айтиб қичқиради. Турган гапки, ботқоқ Мушканинг кўкрагини қаттиқ сиқмоқда эди. “Узоқ бардош беролмаса керагов”, — дейди аскар, танкка қайтиб келгач.

Бу вақтга келиб Грит разм солиб қараса, Мушка ботиб қолган ботқоқлик аслида кичикроқ эски қўл бўлган экан. Кўклам сувларида ивиган қоратупроқ заминнинг улкан бўлаги ўпирилиб тушиб, ҳосил бўлган чуқурлик балчиқли ботқоққа айланган. Бу яна шуни англатардики, у кўриниб турганидан ҳам кўра чуқурроқ бўлган, агар зудлик билан чиқариб олинмаса, Мушка бутунлай ботқоққа фарқ бўлиб кетарди.

— Ёрдам берадиган ягона нарса бу уни тўғри юқорига қараб кўтариш, — Мушка олдига эмаклаб борган аскар таклиф киритади.

— У олдинга ҳам, орқага ҳам ҳаракат қилолмайди, биз ҳам ҳеч нарса қилолмаймиз!

— Унда, — дейди барча ишларга масъул бўлган Грит, — вертолёт мени унинг олдига туширсин, мен ниқоблардан бирини унинг қорни остидан ўтказаман-да, вертолёт уни тортиб олади.

Бу иш анча қалтис бўлса-да, бироқ бошқа илож қолмаганди. Вертолётдан камарли пўлат сим туширилади. Грит уни белига боғлаб олади. Симга осилган ҳолда у Мушканинг олдига эмаклагандай, минг машаққатда боради ва оёқлари билан унинг тагига брезент ниқобни тикади. Вертолёт Гритни бироз кўтарайди, Мушканинг нариги томонига олиб ўтади. Бироқ Грит брезентни оёқлари билан ўтказолмасди ва ниқобни Мушка қорни остидан ўтказиш учун бутунлай балчиққа ботишига тўғри келди.

Бу жасорат эди! Борди-ю, пўлат сим ечилиб кетса, ёки Мушка Гритни босиб қолса нима бўларди? Бу ахир сув эмас, таги тубсиз шилимшиқ қуюқ балчиқ эди-ку. Танк командирининг кўрсатмаси билан вертолёт учувчиси симни тортади ва балчиқ ичидан брезентни ушлаб турган Гритнинг боши, елкаси ва ундан кейин қўллари кўринади.

Вертолёт Мушкани ботқоқдан суғуриб чиқарди ва у вертолёт остида осилиб қолди. Афтидан ҳаммаси жойида эди. Бироқ тўрдан бўшалиши билан унинг ура қочиб қолишини Грит биларди, шунинг учун Мушка ҳавода осилиб турган пайтда Грит унинг оёқларини боғлади. Шундан кейингина уни ерга туширишди.

Энди ҳамон тўр тагида ўзини ҳар томонга ураётган Тах билан шуғулланиш гали етганди. Грит аскарлар билан биргаликда унинг ҳам оёларини маҳкам боғлади ва шундан сўнггина тўрдан олишди.

Тўс-тўполон билан бўлиб, кун қиёмга келиб қолганини ҳеч ким сезмаган ҳам экан, вертолёт ерга қўнғач, барча аскарлар, учувчилар, Грит ва профессор Немченко овқатланиб олишга қарор қиладилар, аскарлардан бири эса овқатни ҳам бир четга қўйиб, Мушканинг устидан лойларни ювиб тушира бошлайди.

Сўнг отларни вертолётга ортишади ва Грит Немченко билан биргаликда уларни ҳарбий қисмга олиб кетишади. У ерда Мушка билан Тахни баланд девор ортига қамаб қўйишади.

Ишлар мана шунақа, Китти. Биз Грит билан бу хатни сенга роса бир ҳафта ёздик ўзим. Кўп ўтмай Тах билан Мушка сизларга қайтариб берилади, илтимос, етиб боришлари билан менга хат ёзгин. Албатта, улар нима қилади, уларнинг феълига сен қандай тушуниб оласан, ҳаммаси ҳақида менга хабар қил. Сени кўрганда Мушка нима қилиш ҳақида иложи борича кўпроқ ёз.

*Соғинчли салом билан дўстинг  
Барьют.*

*P.S.* Грит Мушкани жудаям ёқимтой от экан деяпти. Тахнинг қанчалик ақли ва тиришқоқлиги ҳақида у аскарларга сўзлаб берибди ва ундан эҳтиёт бўлинглар деб огоҳлантирибди. Улар, биламиз, деб жавоб беришди. Бироқ Грит, барибир улар Тахнинг қанақалигини билишмайди, ахир шу пайтгача ҳам ҳеч ким билолмаган-ку, дейди. Бундан ташқари у, Тах энди уйига яқин

келиб қолганини билади ва янги-янги ҳйллалар ўйлаб топиб, эркинликка чиқиш учун янада кўпроқ ҳаракат қилади, деб ҳисоблайди. Шу боис бобонг келиб, уларни карантиндан чиқариб олишини, хатарсиз яшаш учун Уэльсдаги қўриқхонангизга олиб кетишини сабрсизлик билан кутаямиз.

Б.

## 16

Азиз Барьют!

Сенинг хатингни товуш чиқариб ўқиётганимда Эванс хоним ҳатто пиқ-пиқ йиғлади, бобом эса аламдан оҳ уриб юборди. Мен эса енгил тортиб, хўрсиниб қўйдим, чунки, менимча, агар отлар саёҳатларини давом эттиришганда, Мушка бунга узоқ вақт бардош бера олмасди-да.

Биз ҳозир уларни кутиб олишга тайёрланаямиз. Ҳамма жойда девор мустаҳкам бўлиши ва яна уч фут кўтарилиши учун бобом куйиб-пишиб юрибди. Барча тош деворларни текшириб чиқишди ва йўлақларда қўшимча дарвозалар ўрнатилди.

Қарға уясидаги Питер деганимиз эсингдами? Ҳозир унинг учта кузатув маскани бор, у барча водий ва ўрмонларни кузата олади. Бизда яна бир нечта қизил буғу ҳам бор.

Энди қочоқларимизнинг қайтиб келишини ҳаяжон билан кутишдан бошқа иложимиз қолмади.

Менинг ишларим мана шунақа, яхшиси хатимни тугатиб қўя қолай, бўлмаса кайфиятим бузила бошлаяпти. Ҳаёт тобора чигаллашиб бораёпти, шундай эмасми? Мен эса уни тобора осон ва оддий бўлиб бораверар деб ўйлар эдим. Йигирма бешга ёки йигирма олтига ёки ундан кўпроққа кирганимизда қандай бўлади? У ёғини ўйласам юрагим орқага тортиб кетади.

Тах билан Мушка ҳақида бирон нарса билолганим ҳаманоқ мен сенга дарҳол хат ёзаман.

*Барчага салом айт.  
Китти.*

## 17

Салом, Китти!

Яна мусибат юз берди! Нега ҳамма нарса тескарисига олаверади, сира тушунолмаман-да. Мен ҳатто нима гаплигини ҳам билмайман-у, лекин Грит яна кетиб қолди. Кеча. Украинага. Нимадир рўй берган, аммо унга ҳеч нима айтишмаган. Унга фақат карантин станциясига иложи борича тезроқ етиб келинг дейишган, вассалом.

Грит ўзи ҳам кетишни хоҳламабди, чунки ёввойи отлар уюри яқинда қочиб кетишга уриниб кўрган. Улар қўриқхонага қамаб қўйилганларини билишса керак-да. Олимларимиз уларнинг қочиши мумкин бўлган йўлларни тўсишган, тупроққўрган кўтаришга ва ҳаттоки девор уришга талай вақт сарфлашди. Йўлбошловчи от қартайиб, ниҳоят, ўлди. Унинг ўрнини эгаллаган ёш йўлбошловчининг эса фаросати ҳали етилмаган. У уюрни бесабадан-бесабаб бир жойдан иккинчи жойга тарқатиб ҳайдагани-ҳайдаган. Кулунлар билан кекса биялар етишиб юролмайди, бу уюрнинг тарқалиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Чунки улар қиш келмасиданоқ ўзларининг тинкасини қуритиши ва совуқ тушганда қирилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Гритнинг уларни ўйлаб безовта бўлаётгани мана шундан. Ич-ичидан эса Тахнинг қайтиб келишини хоҳлайди. Уюрни йўлга солиш учун нима қилиш кераклигини у биларди-да.

Гритдан эшитган янгиликлар-у, сенга хабар қилмоқчи бўлган гаплар мана шулардир, Китти.

*Сенга содиқ дўст бўлиб қолувчи  
Барьют.*

## 18

Меҳрибон Китти!

Мен ҳалиги одамлар тўғрисида бир оғиз ҳам гап айтмоқчи эмасман, лекин мен улар Тахни бир машинадан бошқа машинага қанча кўп олиб ўтишса ва бир кўрадан бошқасига қанча кўп кўчиришса, уларнинг қўлидан ситилиб чиқиб кетиш учун шунча кўп имконият пайдо бўлишига аминман.

Нақ Волганинг нариги ёғида, отларни аэродромдан Никольскдаги карантин станциясига кўчириб ўтказишадиганда худди шундай бўлди. Ҳарбийлар уларни катта юк самолётида энг яқиндаги аэродромга олиб келишди, чунки вертолёт учун бу масофа ҳаддан ташқари узоклик қиларди. Станциядан отларни элтиш учун жиҳозланган юк машинаси юборишди, гарчи ҳайдовчини ҳам, зоотехникни ҳам Тахнинг айёрлиги ҳақида огоҳлантиришган бўлса-да, лекин улар отнинг бу қадар ақллилигини тасаввур қила олмаганлар. Уни юк машинасига олиб ўтишадиганда, модомики усти ёпиқ юк машинасида экан, бунга ҳожат йўқ деб ўйлаб, улар тагин отнинг оёғини тушовлашмаган.

Уттиз километрча юрилгач, отнинг туёқлари билан бортга қаттиқ-қаттиқ тепаётганини эшитишган ва нима гаплигини текширмоқчи бўлишган.

Тахнинг олдига зинҳор кира кўрманглар деб уларни қаттиқ огоҳлантиришгани учун зоотехник орқа бортни қия очишга ва бирров назар солишга қарор қилган. Шунинг ўзи етарли эди. У лўкидонни орқага сурар-сурмас Тах келиб ўзини бортга урган. Лат еган зоотехник беҳуш йиқилиб тушган, Тах эса ўша заҳоти ерга сакраган. Пишқариб, Мушкани кутиб турган, сўнг бошини эгтанча яраланган дўстига ёрдам бергани чопган ҳайдовчига ташланган. Уни ерга ағдариб, Тах билан Мушка жўхори экилган даладан чопиб кетган-да, кўздан йўқолган. Шундан кейин уларни ҳеч ким бошқа кўрмаган.

Карантин станцияси директори қидирув ташкил этиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди, бироқ барибир ҳам Гритга одам юборишга мажбур бўлишди. Улар ёввойи отнинг табиати ҳақида Гритнинг маслаҳат беришидан умидвор бўлишган, чунки Тах билан Мушканинг биронта изини топишга улар муваффақ бўла олишолмаганди-да, Грит уларнинг кундузи яшириниб, тунда йўл юришини, Тах фақат шарққа томон, фақат шарққа — уйи томон ҳаракат қилишинигина айтолган, холос.

Бу воқеа бундан уч ой муқаддам рўй берганди.

Бу вақт ичида Никольскдан шарққа томон ҳар бир бурчакни, ҳар бир хилват жойни қидириб чиқишди. Колхозларни, қишлоқларни, темир йўл станцияларини огоҳлантиришди, ёрдам учун яна ҳарбийларга мурожаат этишди. Машиналарда, отда ва ҳаттоки вертолётларда барча дала-туз ва ўрмонларнинг тит-питини чиқариб қараб чиқишди. Телефонлар тинмай жирингларди, бироқ Тах билан Мушкани бамисоли ер ютган эди.

Ана шунақа янгиликлар, Китти. Ҳозир отлар босиб ўтаётган жойлар, хувиллаган дала, лекин қишлоқлар ҳам учрайди. Агар, Тах билан Мушка шу тариқа шарққа томон кетаверса, кўп ўтмай Қозоғистон чўлларига дуч келади, кейин уларнинг олдидан Қирғизистон тоғлари чиқади, бу ердаги одамлар уларни тутиб олишлари ҳеч гап эмас. Бу ерлар жудаям овлоқ жойлар, гарчи ўтлари у қадар бўлиқ бўлмаса ҳам бу ерларда отлар урчитилади.

Бу сафар, Китти, Тах кадрдон тоғларимизгача етиб келишидан жуда-жуда умидворман. Ишқилиб уларни тутиб олишмасин-да.

Энг яхши тилаклар билан

*Сенга кадрдон дўст бўлиб қолувчи  
Барьют.*

## 19

Азиз Барьют!

Тўрт ярим ойдан буён сендан бир-икки энлик ҳам хат олганим йўқ.

Нима бўлапти ўзи? Бирон янгилик борми? Ёки жудаям нохуш гаплар бўлгани учун менга хабар бермаяпсанми? Сенинг сўнгги хатингни ўқиганда бобом ўзини кўйгани жой тополмай қолганди. Тахнинг айёрлиги ва қайсарлигини ҳисобга олишмаганига унинг имони комил эди.

Бирон гап билолсанг, илтимос, ёзиб юбор. Нима бўлса ҳам.

*Салом билан  
Китти.*

Меҳрибон Китти!

Мен гоят банд эдим, физикани ёдлаётгандим, химиядан синов ишларга тайёрланаётгандим, бунинг устига Серогли хола Свердловскка, чет тиллар институтига сафарга кетган эди. Шунинг учун хат ёзолмагандим.

Самолёт ва вертолётларда, машиналарда, тракторларда, отда ва яёв юриб ўтказилган тўрт ойлик қидирувлардан кейин Грит уйга қайтиб келди. У

отларни очликдан ёки захарли ўтлардан Қозоғистоннинг аллақаерларида ўлиб кетган деб ўйлайди. Емиш ва сув етишмаганлигидан ҳам ўлиб кетишлари мумкин-да. У, овлоқ қозоқ чўлларида отлар минг хил сабабдан ўлиб кетиши мумкин дейди. У ерда ҳар бир қадамда хатар бор эмиш.

*Лекин аниқ маълумотлар йўқ.  
Дўстинг Барьют.*

Салом, Барьют!

Гарчи ўлиб кетишган бўлса-да, Мушка билан Тах ҳақида ўйламай туролмаслигимни билдириш учун бу мактубни ёзаяпман. Туриб-туриб, уларни соғиниб кетаман-да, йиглаб юбораман. Назаримда, улар бир-бирининг пинжига кирганча қаердадир муздай қорда тургандай ёки шип-шийдам тоғлардаги изгиринли шамолда совқотиб юргандай туюлмоқда. Энди менинг янги онам бор, у жудаям меҳрибон аёл. Тез кунда мен кўриқхонадан биратўла кетаман, начора, энди бундан сўнг Портсмутда яшайман. Эванс хоним жудаям хафа. Бобом тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шу билан гапим тамом, откриткага бундан ортигини сиғдириб бўлмайди. Сен инглизчада яхши ёзасан. Мен имтиҳонларни топшира бошладим. Шунақанги қийинки, даҳшат.

*Салом билан Китти.*

Меҳрибон Китти!

Улан-Батордаги бизнинг Фанлар академиямиз тоғдан юз километрча гарб томонда геологлар иккита ёввойи отни кўришгани ҳақида хабар олди. Бу ҳақда менга Грит хабар қилди, у мана шу иккита от Тах билан Мушка бўлса керак деяпти. Лекин мен бунга ишонмайман. Ҳойнаҳой бу уюлда етишмайдиган бешта отдан иккитаси бўлса керак. Эсингдами? Булар ўшалар деб ўйлайман.

Нима бўлганда ҳам, бирон янги гап билолганим заҳоти дарҳол хат ёзаман.

*Самимий дўстинг Барьют.*

## 20

Азизим Китти!

Мана, ҳар доимгидай яна мўъжизавий воқеа ва ҳар доимгидай яна Тах билан Мушкага даҳлдор гаплар ҳақида ёзаяпман. Буни ҳикоя қилиб бериш ўта оғир ва аламли, бироқ ҳикоя қилмаса бўлмайди ва бунинг нечоғли қайғули эканини сен тасаввур ҳам қилолмайсан.

Бешинчи март куни тоғда иш олиб бораётган геологлар радиодан базага узун дара бўйлаб базўр кетиб бораётган бир жуфт отни кўриб қолишганини хабар қилишган.

Биздагилар бундан воқиф бўлгач (мен уйда таътилда эдим), отларни топиш учун ошиғич равишда дарага йўл олишди. Акам, олам, отам, амаким ва ҳатто ойим билан бобом ҳам — барчалари бориш истагини билдиришди. Албатта Сероғли холам ҳам. Бироқ ҳаммаларининг бориши қийин эди, шунинг учун тўрт киши: отам, Грит, Сероғли холам ва мен йўлга отландик.

Эрта тонгдан чиқиб кетиб, биз кун ёришганда узун даранинг энг нариги чеккасига етиб келдик, шу вақтнинг ўзида у ерда ёввойи отлар уюри ҳам пайдо бўлди. Нимадир содир бўлаётганини билгандек, ёввойи отлар ғоят бесаранжом эди. Ёш йўлбошловчи от худди цирк отларига ўхшаб уюрни чир айланиб чопди, кейин эса кутилмаганда бутун уюр орқага бурилди-да, ҳаммаси зумда кўздан йўқолди.

Ун дақиқадан кейин Тах билан Мушка пайдо бўлди. Қандай аҳволга тушганимни айтолмайман, Китти. Барчамиз учун бу ўта ҳаяжонли дамлар эди. Сероғли холамнинг ёноқларидан ёш томчилари дарё-дарё бўлиб оқди.

— Ана у, эркатой инглиз биячаси, — деди отам. — Ана у, садоқатли ва вафодор дўст, — дея у такрор ва такрор бидирларди.

Мушка ҳақида сен шунчалик кўп ёзган эдингки, биз уни худди ўзимизнинг отимиздек яхши билардик. Яхши билганда қандоқ! Биз ҳаммамиз дарҳол сен ҳақингда ўйладик, Китти. Ҳар биримизнинг хаёлимизда сен эдинг.

— Ахир у туғай-туғай деб турибди-ку, — тўсатдан қичқириб юборди Грит. Бизлар ҳам буни дарров пайқадик. Тах эса унинг ёнида турар, қулоқларини чимирар, бошини силкитарди, ўзи эса мутлақо озиб-тўзган аҳволда эди. Мушка жудаям йўғонлашиб кетганди, ғоят секин, ўта қийинчилик билан ҳаракат

қиларди. Унга қараб юраклар ачишиб кетарди. Охири у тиззаларини букиб чўккалади-да, кейин бир ёнбошига ётиб олди. Тах уни тумшуғи билан туртиб-туртиб қўярди, кейин бирданига бошини осмонга ота-ота, газабнок кишнаб, ҳавони ларзага солганча водий бўйлаб югуриб кетди.

— Борди-ю, унга уюр керак бўлса, ёш айғирлар билан жангга киришишига тўғри келади, буни ўзиям билади, — деди отам.

— Балки унга фақат Мушка керакдир, — тахмин қилди Серогли холам. — Эҳтимол у уюрга бориб қўшилишни истамас. Бу иккови шундоқ ўзлари бирга бўлмоқчидир?

— Йўқ, унга уюр керак, — жавоб берди отам. — Унинг овозини эшитмаяпсанми!

Гўё бу жойлар ўзиники эканини эълон қилаётгандек ва шу билан бир вақтда ўзини ҳал қилувчи жангга шайлаётгандай, Тах гир айланиб югурарди.

Биз унинг нимадандир безовта бўлаётганини билиб турардик, бироқ отам бошқа бир оғиз ҳам гап айтишни эп билмади. Эртаси куни биз отам ва Грит билан биргаликда Мушканинг аҳволи қандайлигини кўргани кетдик. Тепалик ёнбағридан пусиб водийни кузатганимизда, у ерда бутун уюрга кўзимиз тушди. Олдинда, Мушка билан ёнма-ён турган Тахнинг қаршисида бошқа бир йўлбошловчи от турарди.

— Ҳозир улар жанг қилишади, — шивирлади Грит.

Ёш йўлбошловчи от гўё ҳайдамоқчи бўлгандай уюр атрофида керила бошлади. Тах ва Мушкандан бошқа ҳамма отлар унга сўзсиз бўйсунарди. Мушка оёқда турарди, бироқ бир қадам қўйса пақ этиб ёрилиб кетадиганга ўхшарди. У бошини солинтириб олган, жуда ҳам беҳол кўринарди. Тах бўлса йўлбошловчи айғирнинг қилиқларни кузатганча ҳамон унинг ёнидан жилмаётганди. Уларнинг тўқнашуви — кучларнинг дастлабки синови бўлса керак.

— Ҳозир ё энгиб чиқади, ё шарманда бўлади, — шивирладим мен Тахни кузатар эканман.

Шу гапни айтиб бўлмаган ҳам эдимки, йўлбошловчи от уюр орқасидан юришга даъват этиб, Мушкани орқасидан келиб туртмоқчи бўлган эди, бироқ бошини қўйи эгиб олганча Тах унинг йўлини тўсиб чиқди.

У йўлбошловчини шунақанги бошлаб тепдики, ўзининг ағдарилиб тушишига бир баҳя қолди. Йўлбошловчи ўнгланиб олди-да, Тахни тепмоқчи бўлди, бироқ Тах бир четга сакраб ўтди-да, рақибига ташланди. Бу сафар уни ағдариб юборди. Шуниси ҳам борки, у бунинг барини яшин тезлигида бажарди.

— Қойил! — деб юборди отам. — Отнинг бунчалик тез ҳаракат қилишини умримда кўрмаганман.

Йўлбошловчи яна Мушкани бўйсунишга мажбур этмоқчи бўлди. Лекин Тах шунақанги газаб билан унга тепки туширдик, бечора от оғриқнинг зўридан инграб юборди. Айни шу пайтда ҳақиқий жанг бошланиши керак эди, бироқ имкониятдан фойдаланиб йўлбошловчини қувиб етиш ўрнига бошини жаҳл билан силқитганча Тах Мушканинг олдида қолди. Ёш айғир пишқириб, депсиниб қўйди, аммо ортиқ хужум қилмади. Яна пишқирди-да, аста нари кетди, Тах унинг ортидан қувмади, умуман у жойидан бир қадам ҳам жилмади.

Эртасига эрталаб биз яна водийга келдик, бироқ Мушка билан Тах йўқ эди. Барибир Тах тоғларни биздан кўра яхшироқ билар экан, гарчи биз синчковлик билан қидирсак-да, уларни топа олмадик. Қидирув эртаси куни ҳам давом этди, бироқ бефойда.

Учинчи куни тонгда яна янги қидирувга отланиб турганимизда вертолёт учиб келди.

— Мен академиядан бизга вертолёт юборишларини сўрагандим, — тушунтирди Грит. — Менимча, агар юқоридан кузатсак, — уларни безовта қилмасдан топиб оламиз.

Вертолёт ерга кўнди, биз отлардан тушиб, кабинага ўлтирдик, кўп ўтмай тоғ устига етиб келдик. Ҳар бир дара, ҳар бир водий ва ўрмонни кузатганча жуда баландда парвоз қилдик. Ниҳоят соат иккида бир ялангликда қора нуқталарга кўзимиз тушди.

— Ана улар! — қичқириб юборди Грит. Учувчи вертолётни шундай ҳайдадики, биз отларнинг қоқ тепасига бориб қолдик. Уларнинг Тах билан Мушка эканлиги яққол кўриниб турарди.

— Мушка қулунлабди! — қичқириб юбордим мен ердаги учинчи нуқтани илғагач.

— Пастроққа туширинг! — қичқирди отам учувчига.



Энди биз шағал устида ётган Мушкани, унинг ёнида эса қулунни бемалол кўра олардик.

Вертолёт яқинлашиб келгач, биянинг ёнида турган Тах бирдан бесаранжом бўлиб, Мушканинг атрофида чопиб айлана бошлади. Қулун ҳам оёққа туришга интиларди-ю, бироқ ҳали кучи етмасди.

Фақат Мушка қимир этмасди, унинг бундай ётишини кўриб, англадимки, у тирик эмасди. Шундай, Китти.

— Биз кечикдик! — алам билан қичқирдим мен. — У ўлиб қолибди!

— Балки ҳаддан ташқари чарчаганидан турулмаётгандир, — деди Грит.

— Йўқ, у ўлган, — ғамгин овозда тасдиқлади отам.

Мен сенга жуда ачинаман, Китти, бу сўзларим ёрдам беролмаслигини ҳам тушунаман, Мушка ўлган, биз уни кўрдик, қулунни кутқариб қолиш учун биз шошилишимиз кераклигини ҳам билардик, акс ҳолда у ҳам ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Отам учувчига ерга қўнишимиз зарурлигини айтди.

— Агар вертолёт жуда ҳам яқинга кўнса, Тах қулунни тишида тишлаб олиб кетиши мумкин, — огоҳлантирди Грит, бир маҳаллар Тахнинг худди шундай иш қилганини эслаб.

— Таваккал қилишга тўғри келади, — деди отам, — бошқа иложимиз йўқ!

У учувчидан вертолётни имкони борича учала отга яқинроқ жойга кўндиришни илтимос қилди. Биз чанг-тўзон ва хас-хашакларни учирганча ўн беш метрлар нарига келиб кўнганимиздан сўнг Тах бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. У вертолёт билан Мушка ўртасида типирчилар эди, биз ташқарига чиқишимиз ҳамон тепмоқчи бўлиб устимизга ташланди. Уни ҳуркитиш мақсадида чакмон ва пиджагимизни силкитганча ҳар тарафга қочдик, учувчи эса ракета милтиқдан ўқ узди.

Бироқ биз Мушка ва қулун томон кела бошлаганимиздан кейин Тах уларнинг олдига қайтиб борди-да, қулунни тишида кўтариб олди ва олдинга қараб бир улоқтирди, яна улоқтирди, яна...

Бу аҳволда у қулунни ўлдириб қўйиши тайинлигини билиб турардик, бироқ биз яқин борганимиз сайин у баттар итараклай бошларди. Биз охири унинг қочиб қолишига умид боғлаётган эдик. Бироқ биз шўрлик Мушкага бор-йўғи ўн метрларча яқин боргач эса, Тах қулунни қолдирди-да, Мушкага отилди ва уни тишлаб кўтаришга ҳаракат қилди.

Бу бизга қулунни ердан кўтариб олишимизга имкон берди.

Қулун кучукдан катта эмасди, барваста учувчимиз уни худди чақалоқдай қўлига олди-да, вертолёт томон чопиб кетди. У бир неча қадам чопишга улгурар-улгурмас, Тах унинг орқасидан ташланиб қолди-ку! Агар етиб олганидами, у учувчини ўлдириб қўйиши турган гап эди. Лекин биз чакмонларимизни силкитдик, қичқирдик, экипаж аъзоларидан кимдир ракета тўппончадан яна ўқ узди, Тах бундан чўчиб, тўхтаб қолди. Учувчи қулунни кўтарганча вертолётга омон-эсон етиб олди.

Энди биз чекинишимиз керак эди, Тах эса бизни таъқиб қилиб кела бошлади, ҳавога кўтарилётганимизда у ҳатто вертолётни шунақанги қаттиқ тепдики, темир эшикда туёқларнинг бир жуфт чуқур изи муҳрланиб қолди.

Отам вертолётда қулунни обдан кўздан кечиргач, ўз вақтида етиб келганимизни барчамиз англадик. Қулуннинг кўзларини кўкиштоб парда қоплаган бўлиб, онасиз у ўлиб қолиши аниқ эди.

Тағин нима ҳам айтай, Китти?

Биз қулунни чўмилтирдик, иссиқ терига ўрадик ва ўтовлардан бирига жойлаштирдик. Уни ўзимиз оқватлантириб юрдик. У ҳар куни ўлим ва ҳаёт ўртасида турар, тирик қоладими-йўқми, ҳеч қайсимиз билмасдик.

Бироқ барибир ҳам Тах ва Мушкани бир ёқли қилиш керак эди. Агар дўсти ёки ёри ўлса, қайғудан от адои тамом бўлишини биз, чорвадорлар, жуда яхши биламиз. Бунақа воқеалардан қанчаларини кўрганмиз. Шу боис энди Тахни нима қилишимиз ҳақида кўп ўйладик.

Водий устидан яна учиб ўтганимизда Тахнинг ҳамон Мушка ёнида турганини кўрдик. У энди нима ҳам қила оларди? Мушкани тоғдами, қақроқ сарғиш чўлдами дафн этишдан бошқа бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди? Сенинг суюкли Мушканга қабр қазигунимизча, қўлимизда сўйилни шай тутиб, қамчи ўйнатиб Тахни ҳайдаб туришимизга тўғри келди. Ҳозир у ўша ерда ётибди. Ёввойи отимиз уни кадрдон гўшасидан шунча узоқларга олиб кетиб қолгани, Мушка эса минг азобу уқубатлар ила чўл-дашгларимизда ўлиб кетгани учун бизни кечирарсан, деган умиддамиз. Вафо кўрсатганга азият етказиш ҳам шунчалик бўладими, дерсан.

Вертолётимиз ҳавога кўтарилгач эса Тах севикли ёри ётган жойга қайтиб

келди. Биз Мушкани қаерга дафн қилганимизни у кўрган эди. Туёқлари, тумшуғи билан у ерни ковлашга уринди. Тўрт кун ўтгандан кейин ҳам у ўша ерда эди, биз унга пичан ташладик. Ун биринчи кун деганда у кетди.

Энди биз қулуннинг яшаб қолишига умидвор эдик. У энди бемалол оёққа тура оларди. Энди ўзига ўгай она қидириши ҳам лозим эди, биз уни қулунли бир бияга асранди фарзанд қилиб боғлаб қўйдик.

Афсуски, бизнинг хонаки отларимиз ҳар доим қулуннинг баданида ёввойи от қони оқишини пайқаб қолади, шунинг учун бияни бундай ишга унатиш қийин бўлишидан чўчиётган эдик. Лекин Мушканинг қулуни гоят ёқимтой, ювош “гўдак” эди, ҳаммага эргашиб кетаверарди, бу гал ҳам гўё бия уни атайлаб кутиб тургандек, индамайгина унинг пинжига кириб борди. Бия уни “кел” дегандай енгил тишлаб қўйди. Қулун ўша заҳоти унинг елинига тумшуқ урди.

Айтмоқчи бўлган гапларим деярли шулардан иборат, Китти. Ҳа, дарвоқе, яна бир нарса. Ушандан бир ҳафта ўтиб, Грит Тах билан ёш йўлбошловчи ўртасидаги муқаррар ва ҳал қилувчи жангни кўрибди. Албатта, Тах ғалаба қилибди. У аёвсиз тепибди, тишлабди ва рақибини чалпак қилиб ташлабди. Ҳолбуки рақиб ҳам ботирларча жанг қилибди, лекин, Гритнинг айтишича, у гўр ҳаракатлар қилибди. Охир-оқибатда ўша йўлбошловчи от қочиб қолибди. Шундан кейин Тах уюлдаги барча отларни, ҳатто қулунларни ҳам тишлаб чиқибди. Грит, ҳатто у тили билан ялади, дейди, лекин отам, бундай бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Нима бўлганда ҳам Тах энди ўзи қайтишга тоқати тоқ бўлиб юрган уюрнинг хўжайини, уюрни олиб кетиш учун қулай йўл қидириб топиш пайида юрибди. Энди биз учун қийин паллалар бошланади. Собиқ йўлбошловчи от ҳам уюрга қайтиб келган, энди барча отлар бирга. Грит фанлар академиясидан, Тахни сизларга қайтадан юбориш учун уни яна тутиб олиш ниятида эмасмисизлар, деб сўради. Бир ҳафтагача жавоб бўлмади, кейин эса ажойиб ёввойи отимизни кўргани Улан-Батордан бирварақайига бешта олим келди. Барча тафсилотлардан воқиф бўлгач, ўша заҳотиёқ Тахни унинг қадрдон тоғларидан олиб кетишга уриниш самарасиз, деган қарорга келишди. Уни қаерга олиб боришларидан қатъи назар, у ҳар доим уйига қараб ҳаракат қилаверади. Демак, Тах биз билан доимий қоладиган бўлди.

Ҳозирча эса, Китти, Портсмутдаги янги уйингга қутлуғ дамлар келишига умидворман. Орада шунча қайғули воқеалар бўлиб ўтди, бинобарин барча яхши нарсаларга, бахтга ва адолатга эришиш осон эмас экан-да, тўғрими? Бу мактубим анча қайғули чиқди, бир хаёлим уни ёзмай қўя қолай ҳам дедим. Бироқ, ким билсин, унинг охири бахайр бўлар. Ҳарҳолда мен шунга умид қиламан, Китти.

*Сенга ҳаммиша содиқ қолувчи  
Барьют.*

Барьют, азизим!

Қулун келди (айғир эса ҳали йўқ). Уни кўришим билан ичакларим узилгудек бўлиб кулибман. У бир вақтнинг ўзида ҳам кўрқинчли, ҳам ёқимтой. Қандай ғаройиб дурагай-а! Гарчи қотиб-қотиб кулган бўлсам-да, бу масҳара қиладиган кулги эмасди. Кўзлари худди Мушканикидай мулойим боқади-ю, лекин пахмоқ соқоли — Тахнинг соқоли, боши — Тахнинг боши, пишқириши — Тахнинг пишқириши. Назаримда, у уюрда ҳам Тахга ўхшаб юради, бутун вужудидан ёввойи отнинг жаҳлдор важоҳати мана мен деб турарди. Бунга кулмасдан бўлмайди, чунки бу жонивор шунақанги ювош ва одамшавандаки, қўяверасан. Ҳатто Мушкадан ҳам ёқимтойроқ! Эванс хоним уни ҳеч қаёққа қўйиб юборгиси келмайди. Ахир бобом, қилмаганидан борми, у қулунни, эҳтимол, ошхонада сақлаши ҳеч гап эмасди. Қачон қарамай, у Кичнинг атрофида гиргиттон, Кич эса унга суйқалади ва менга ҳам.

Эҳтимол, қулун туфайли бўлса керак, мен сен ҳақингда тез-тез ўйлайман, айниқса шу кунларда сенинг яқинроқда яшашингни жуда-жуда истардим. Мен сен билан жон-жон деб учрашар эдим, бирга ўлтириб суҳбатлашар эдик. Ким биландир шунақанги гаплашгим келиб кетадики, асти қўявер! Мени ва қулунни кўргани бир амаллаб кела олмайсанми?

Иккала отимиз бутун дунёни кезиб, Европа ва Осиё қитъаларини, қорлар ва бўронлар, ботқоқлар ва мусибатлар билан олиша-олиша, чегара-ю баланд тоғларни ошиб ўта олса-ю, сен билан мен бўлсак фақат бир-биримизга хат ёзишдан бошқага ярамасак, ғалати эмасми?

Илтимо, келишга ҳаракат қилиб кўр. Бунинг урдасидан чиқиш учун мен

бирон-бир ёрдам бера оламанми-йўқми, хабар қил. Рост айтаёпман, сени жудаям кўргим келяпти.

*Сенинг доимий дўстинг  
Китти.*

Азизим Китти!

Албатта, мен олдингга боришга уриниб кўраман. Лекин менимча сенинг бу ерга келишинг осонроққа ўхшаяпти. Биз сени шундай кутиб олардикки, бутун оиламиз шундай бахтли бўлардики, нимасини айтай! Модомики сен бизникига келдингми, шунда Тах билан Мушка бежиз бундай қилишмаганига мен дилдан амин бўлар эдим. Мен сенга ҳаммасини: тоғларимизни, чўлларимизни кўрсатардим, қирларда отда чопар эдик, ҳеч ким бизга халақит бермасди. Балки, ҳалиги йўқолган бешала отни қидириб кўрармик. Шунга ҳаракат қил, Китти, ёрдам бериш учун кўлимдан келган ҳамма нарсани қилишга ваъда бераман.

*Яқин дўстинг  
Барьют.*

Азизим Б.!

Ҳеч бунга ишонгим келмайди, аммо ҳаммаси изга тушиб кетди!

Бобомга Улан-Батордан телеграмма келди, уни Улан-Батордаги Фанлар академиясига ёввойи отлар ҳақида бўладиган семинарга таклиф этишяпти. Махсус меҳмон сифатида улар мени ҳам бобом билан бирга таклиф қилишган. Демак, мен яқинда (мўъжиза-я!) сени кўраман. Мен шундай бахтлиманки, Барьют, севинчдан йиғлаб юборай деяпман! Саёҳатга жўнаш олдидан Мушка нимани ҳис қилган бўлса, мен ҳам, эҳтимол, шуни ҳис қилаётирман, охирда бизларни қандайдир сирли нарсалар кутаётгандай. Қизиқ, нима экан-а у?

Мени кутиб олишинг учун сен албатта Улан-Баторда бўлишинг керак. Агар кутиб олмасанг, мен бунга чидолмайман. Тўғриси, нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Илтимос, мени кутиб олгани албатта кел. Илтимос...

P.S. Кич ҳам охири ошхонага, Эванс хоним олдига ўтиб олди, у эса қулунни бурчакка ётқизиб қўйди. Бобомнинг уни ҳайдашига йўл қўймапти. Илтимос, мен келганимда сен Улан-Баторда бўл.

К.

Азизим Китти!

Инглизчада ёзаяпман. Мен аэродромга келиб тураман. Сен билан учрашувимиз ҳақида ўйлаёпман. Нима дейишимни ҳам билмайман. Фақат бу мен учун ажойиб байрам бўлишини айта оламан, холос. Мен нақадар бахтиёр бўлур эдим! Умид қиламанки, сен ҳам бахтиёр бўласан. Кейин иккаламиз ажойиб, ҳайратомуз отлар — Тах билан Мушкани эслаймиз. Энди биз ҳамиша дўст бўлиб қолишимизга ишонаман. Сени тоқатсизлик билан кутаяпман.

*Энг илиқ туйғулар билан ўртоғинг, дўстинг ва аканг  
Барьют Минга.*

Т а м о м.

*Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси.*



## SUMMARY

The March issue of the magazine opens up with the novel it will be opened with Kastan Varnalec's Greek writer's "The diary of Penelopa's". The readers will find the drama "The royal fiesta" written by the famous French writer Victor Hugo, and also the continuation of the novel "The Death of Artemio Cruise" written by the Mexican author Carlos Fuentes.

Also the verses of Uzbek poetesses, U.Uvatov's article "Khakim At-Termiziy; great scholar", the essay "The cosmos hidden from our eyes" by V.Ponomaryeva's, and K.Yuldashev's review "Along the world" can be found in this issue of the magazine. The readers who live adventure stories find the end of James Aldridge's story "The strange Moghul".

